



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2013



Afshar Navoiy

2013/154

A

10476

r. 112.1

Uzbekistan MK

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ»

ЙОҲАНН ВОЛФГАНГ ГЁТЕ

МУҲАББАТНОМА

Романлар

Немис тилидан Янглиш Эгамова таржимаси

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2013

УДК 821.512.133-3

ББК 84(4 Герм) - Чет эл оғод.

Г 42

Сўз боши муаллифи:

МУҲАММАД АЛИ

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Давлат мукофоти лауреати*

Тақризчи:

ХОНИМҚҰЛ ТОЖИЕВ

Филология фанлари намзоди, доцент

Г 42 Гёте, Йоҳани Волфганг.

Мұхаббатнома: романлар / Йоҳани Волфганг Гёте, Сўз боши муаллифи М. Али. Т.: «Sharq», 2013. – 512 б.

Китобга «Ёш Вертернинг изтироблари», «Ҳамроз диллар» романлари, таржимоннинг ушбу романлар ва унинг муаллифи хусусидаги илмий карашлари жамланган маколалар ҳамда Гёте ҳакидаги замондошларининг немис тилидан таржима қилинган ҳотиралари киритилди.

ISBN 978-9943-00-471-9

N1 31789
391

ISBN 978-9943-00-471-9

УДК 821.512.133-3

ББК 84(4 Герм)

ДАҲО ШОИР, МУТАФАККИР АДИБ

Буюк немис шоири ва мутафаккири Йоҳанн Волфганг Гёте (1749–1832) жуда мураккаб замонда яшади ва ижод қилди. У шим-фан, бадиий ижодга муносабатда маълум маънода Шарқ мутафаккирларига ўхшаб кетарди, кўламни ниҳоят даражада кенг олии жиҳатидан ўша пайтда Европада ҳам монанди учрамасди. Миллатни ва маданиятни бойитишида Лес-синг, Шеллинг, Шиллер, Ҳегель, Ҳайне сингари буюк истеъдодлар силсиласида Гётенинг ўрни яққол ажralиб туради. Адиг яшаган Ваймар шаҳри XIX аср бошларида Европанинг ўзига хос адабий марказига айланди, бу ерга замонанинг таникли шоир ва адаблари У. Теккерей, А. Мицкевич, В. Жуковский, Ҳайнрих Ҳайнелар ташриф буюришган эди.

Германияда маърифатпарварликнинг нодир намояндаси бўлган Гёте, айни пайтда янги замон адабиётининг асосчиларидан бирига айланди. Табиатшуносликдаги изланишиларида ўзининг улкан олим эканини намойиш этди. Ўша замон тадқиқотчиларидан бири, даҳо ижодига назар ташлар экан, унинг кучи, бемисл гайрати, ижодий интишилари амалий ҳаётда кенг майдонларни талаб қилганини, воқелик эса қанот ёзишга имкон бермайдиган даражада биқиқ ва аянчили эканини ўринли таъкидлаган эди.

Йоҳанн Волфганг Гёте адабиётнинг жуда кўп жанрларида ижод қилди, лирик шеърлари битди, Шекспир даҳосидан ҳайратга тушди, тарихий драмалар, фожиалар ёзди. «Ёш Вертернинг изтироблари» романи 1774 йилда қогозга тушди ва тез фурсатда ўқувчилар орасида машҳур бўлиб кетди. Таъбир жоиз бўлса, сентиментал «мактуб» жанрида ёзилган бу роман ўзининг самимийлиги билан кўнгилларни ром этди. «Шўрлик Вертернинг кечинмаларига тегишли нима топишга эришган бўлсан, авайлаб тўпладим ва буни Сизга манзур эта олсан, мендан миннатдор бўларсиз, деб ишонаман» сатрларини ўқиймиз роман бошида. Роман муаллиф

ишиончини оқлади, деб бемалол айта оламиз. Роман соғ инсоний түйгүларни (Вертер билан Лотта тимсолларида) моҳирона акс эттириши билан немис адабиётiga мутлақо янги нафас олиб кирди. Бу нафас бутун Европа адабиёти, жумладан, рус адабиётiga ҳам ёйлди. Унинг таъсирини Альфред де Мюссе, И. С. Тургенев, Жорж Санд ва бошқа адиллар ижодида кўриш мумкин.

Икки буюк немис шоири Йоҳанн Волфганг Гёте ва Фридрих Шиллернинг дўстлиги уларнинг ижодига катта таъсир кўрсатди. Бирин-кетин Гёте ижодида «Коринфлик келин», «Рим элегиялари» каби шеърлар, «Херман ва Доротея» поэмаси, «Гец фон Берлихинген», «Торквато Тассо», «Ифигения Тавридада», «Эгмонт» драматик асарлари, «Виљельм Майстернинг таҳсил йиллари», «Виљельм Майстернинг жаҳонгашибалик йиллари» романлари пайдо бўлди.

«Фауст» трагедияси устида шоир эллик саккиз йил иш олиб борди. Бир асар устида шунча муддат иҳлос билан тер тўккан бошқа ижодкорни ва асарни топиш қийин. 1773 йилда илк вариант ёзилган бўлса, то 1831 йилгача тинимсиз меҳнат, изланишлар давом этди. Нафақат Германиянинг, балки бутун жаҳон адабиётининг антиқа ва нодир бадиий ёдгорлигига айланган «Фауст» трагедиясини Гётенинг умр китоби дейши мумкин. Фауст сиймосида шоир инсоннинг чек-чегарасиз ижод имкониятларига бўлган улуғ ишиончи ни ёритишга ҳаракат қилди. Фауст Асл ҳақиқатни топишга уринади. Гёте, бунёд этиши йўли фақат вайронагарчилклар орқали ўтади, деган холосага келади. Бу ҳинд фалсафасидаги ҳиндуизмдаги Шива номи билан боғлиқ, аввал бузилади, кейин унинг ўрнида ҳаёт яратилиди, деган теран қараашларга ҳамоҳангдир.

Шоир «Фауст» охирида кимдир ҳур ҳаёт учун, эрк учун ҳар кун, ҳар он курашгандагина ҳур ҳаёту эркка муносиб бўлади, деган якуний холоса ясайди. «Фауст» жаҳон адабиётининг дурданаларидан бири, у ҳамма замонларда ҳам замонавий бўлиб қоладиган нодир асардир.

Гётенинг Шарққа бўлган қизиқиши, Эрон ва Турон шеъриятидан шихомланиши ва оқибатда машҳур «Farbu Шарқ девони»нинг яратилиши жаҳон адабиётida но-

дир ҳодисалардан биридир. Ўн икки китобдан иборат девондаги шеърлар Шарқ манзараларини чизиб беради. У девонга кирган ва кейин қўшимча қилинган шеърларида Фирдавсий, Анварий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жалолиддин Румий, Жомий сингари соҳир сўз усталарига тўхталади, девонни яхши англаш ўйлида ёзилган мақолалар ва изоҳлар (уларнинг ўзи бир тадқиқот) эса Европа ва балки жаҳон ўқувчисини ҳам Шарқ тарихи, турмуши тарзи, менталитети, қадриялари билан таништиради. «Қобуснома»ни ўқиганини қайд этади, Маҳмуд Газнавий, Амир Темур, Ҳотам Тойий сингари сиймолардан сўз юритади. Зулаихо, Вомик, Узро, Лайли, Мажнун каби адабиёт қаҳрамонларини ўз сатрларида васф этади.

Буюк мутафаккир Гёте ижоди жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган. Бугунги кунда ўзбек ўқувчиши шоирнинг шоҳ асари «Фауст»ни Эркин Воҳидов таржимасида ўқимоқда. «Гарбу Шарқ девони»ни Садриддин Салим Бухорий бевосита немисчадан ўзбекчага ўгирди. «Ёш Вертернинг изтироблари» романи 1975 йилда Янглиши Эгамова томонидан бевосита немис тилидан ўзбек тилига агадарилиб нашр этилган эди. 2007 йилда романнинг иккинчи нашри ҳам дунё юзини кўрди. Дарвоҳе, яқинда таниқли таржимон Поро Али Усмон Готҳольд Эфраим Лессинг қаламига мансуб «Эмилия Галотти» трагедиясини немисчадан ўзбекчага таржима қилиб чоп эттиради. Буни эслашимиз боиси, Гётенинг қаҳрамони Вертер айни шу асарни мутолаа қилишини жуда ёқтиради. Адид бу билан 1770 йилда вафот этган Лессинг ижоди ўқувчилар ўртасида қанчалар машҳур бўлганини таъкидламоқчи эди. Муаллиф Вертер ўзини ўзи отганидан сўнг, хонадаги ҳолатни тасвиirlар экан, шундай сўзларни келтиради: «Винодан фақат бир стакангина ичилган, стол устида «Эмилия Галотти» очиқ ётарди...»

Янглиши Эгамова бугунги кунда Ўзбекистонга таниқли таржимон, адабиётшунос ва таржимашунос олима, филология фанлари номзоди, Гулистон Давлат университети чет тиллар кафедраси доценти. У илмни ижод билан қўшиб олиб боришга интилади. Ҳозиргача унинг таржимашунослик муаммоларига багишиланган,

жумладан, Гёте ҳаёти ва ижодини таргиб қилиш бўйича жуда кўп илмий-таҳлилий мақолалари матбуотда эълон қилинди, айни пайтда таржимонликни ҳам ўкситгани йўқ. Бруно Апитснинг «Кашқирлар чангалида», Фримс Вюртленинг «Андижон шаҳзодаси» (Бобур Мирзога бағишиланган) асарларини ўзбек тилида эълон қилди. Узоқ ийлар тер тўкиб тарихимизни тегран ўрганишда катта аҳамият касб этадиган Муҳаммад Ҳайдар Мирзо қаламига мансуб «Тарихий Рашидий» нодир ёдгорлигини Баҳоб Раҳмонов билан ҳамкорликда форс тилидан ўзбекчага ўғирди ва нашр эттириди.

Кўлингиздаги Гётенинг «Муҳаббатнома» китобига буюк адиднинг севги-муҳаббат фаслларига бағишиланган «Ёш Вертернинг изтироблари» ва ўзбекчага янги таржима этилган «Ҳамроҳ диллар» романи киритилди. Китобдан, шунингдек, Гёте замондошлари хотираларидан намуналар ҳамда таржимон-олиманинг «Гёте абадияти», «Вертер изтироблари талқини», «Ҳамроҳ диллар фожиаси» номли тадқиқий мақолалари ҳам жой олган.

Шуни таъкидлаш керакки, «Ҳамроҳ диллар» романни ўзбек хонадонига илк бора кириб келганидек, у ҳақдаги «Ҳамроҳ диллар фожиаси» мақоласида айтилган гаплар шу пайтгача ҳали тилга олинмаган бўлиб, ушбу маълумотлар Гёте ижодий фаолияти, дунёқарашининг янги қирраларини ёритишга хизмат қилади.

Даҳо шоир, мутафаккир адид Йоҳанн Волфганг Гётенинг «Муҳаббатнома» китоби адабиётнинг чинакам мухлисларига ажойиб түхфа бўлади, деган умиддамиз.

МУҲАММАД АЛИ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати.



Die Leiden des jungen Werthers



ЁШ ВЕРТЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

*Шўрлик Вертернинг кечинмаларига тегишили нима топишга эришган бўлсам,
авайлаб тўпладим ва буни Сизга манзур
эта олсан, мендан миннатдор бўларсиз,
деб ишонаман. Сиз унинг зукко қалби олди-
да ҳурмат ва эҳтиром билан бош эгарсиз
ҳамда қисматига аччиқ кўз ёши тўкарсиз.*

*Худди шундай кўргуликка дучор бўлган
инсон, унинг изтиробларидан сен ҳам паноҳ
топ. Агарда ўз айбинг ёки тақдир ҳукми
билан ўзингга яқинроқ дўст топа олма-
санг, майли, шу китобча сенга ҳамроҳ бўла
қолсин.*

1771 йилнинг 4 майи

Кетганимдан бирам хурсандманки! Қимматли дўстим, инсон қалби нима деган нарса! Юрагимга ғоят яқин, сендай севикли дўстимни ташлаб кетдим-у, яна бундан мамнунман-а! Биламан, бунинг учун мени кечирасан. Ахир, ортиқча шўхликларим ўз-ўзимни чалғитиши учунгина ўйлаб чиқарилмаганми? Бечора Леонора! Барибир мен бунда айбдор эмасдим. Опасининг ўзига хос латофатига маҳлиё бўлиб вакт ўтказган пайтларимда шўрлик Леонора қалбидаги эҳтирос уйғонган бўлса, менда нима айб? Лекин барибир... менинг мутлақо айбим йўқми? Ахир, мен унинг ҳисларига эрк бермадимми? Гарчи ноўрин бўлса-да, биз гоҳида калака қиласидан энг соф ҳис-туйғулардан юпанмас эдимми? Ахир, мен... оҳ, инсон ўз-ўзидан гина ҳам қила олади! Азиз дўстим, сенга ваъда бера-

манки, мен ўзимни тузатаман, энди аввалги одатимни ташлайман, пешонага ёзилган турли күргуликларни қайта эслаб ўзимни-ўзим қийнамайман. Энди бугунги кундан лаззатланаман, ўтмиш эса ўтмиш бўлиб қолаверади. Албатта, ҳақсан, азизим, одамлар, – ким билади дейсан, улар нима учун бундай яратилган, – ўтмишдаги қора кунларни ҳадеб эслайвермай, бугунги кун ҳаловати билан яшасалар эди, камроқ қийналган бўлур эдилар.

Агар малол келмаса, онамга айтиб кўйсанг, унинг топширигини бажонудил адо этиб, уни бундан тез орада вокиф киламан. Холамникида бўлдим, у таъриф этгандаридек заҳар хотин эмас, аксинча, қатъиятли, кўнгли очиқ аёл экан. Мен унга бизга тегадиган мероснинг кечиктирилганлигидан онамнинг ранжиганини айтдим. У хотиржамлик билан, барча шарт-шароитни тушунириб, шулар бажарилган тақдирда, бизга ўзимиз талаб қилган мол-мулкдан ҳам зиёдрогини беришга рози эканлигини билдири... Тўғриси, ҳозир бу ҳақда ёзишни мутлақо истамайман, онамга айтиб кўй: ҳаммаси жойида бўлади. Мен эса, азизим, бу куруқ сафсатабозликдан шу нарсага тўла қаноат ҳосил қилдимки, мубҳамлик ва калтафаҳмлик дунёга мақр ва довлатдан кўра кўпроқ низо уруғини сочади, ҳар ҳолда кейингилари камроқ учрайди.

Умуман, бу ерда кайфиятим кўнгилдагидек. Танҳолик – бу жаннатмисол ўлкада юрагимга бебаҳо дармон, кўпинча маъюслик чулғаган қалбимни фасллар келинчаги бўлган баҳор сахийлик билан илитади. Ҳар бир дарахт, ҳар бир бутоқ бамисоли гулдастадек туюлади ва хушбўй ҳидлар денгизида сузиш ҳамда улардан лаззатланиш учун капалак бўлиб қолгинг келади.

Шаҳарнинг ўзи унчалик диккатни тортмайди, бироқ унинг гўзал табиатини тасвирлашга сўз топилмайди. Мана шу гўзаллик марҳум граф М.ни бирбирига ғаройиб тарзда туташиб кетган ҳамда хушманзара водий касб этган тепаликлардан бири устида

боғ барпо этишга ундаған. Боғ жуда оддий күрінсіда, унға киришинг ҳамоно бу соҳибкор мәжнатининг маҳсули эмас, балки туйғуларга бой, үзига ором истаган бир инсон орзусининг рўёби эканлигига ишонч ҳосил қиласан. Унинг мен учун қадрли бўлиб қолган кўхнагина шийпончасида ўтириб, марҳум хотираси учун бир неча томчи кўз ёши тўкиб олдим. Бу айвонча унинг ҳам севимли жойи эди. Яқинда мен шу боғнинг хўжайини бўламан. Бир неча кун ичидәёқ боғбон менга илтифот билан қарай бошлади ва, ўйлайманки, унинг бу илтифоти жавобсиз қолмайди.

10 май

Дилни яйратувчи мўъжизакор баҳор субҳидами сингари самовий тетиклик бутун борлиғимни ром этган. Мен тамоман ёлғизман ва ўзимга ўхшаш кишилар учун бунёд этилган бу ўлкада кайф-сафо қиляпман. Шундай баҳтлиманки, дўстим, ором оғушига шу қадар сингиб кетганманки, бундан санъатим зарар кўрмоқда. Бирон чизик ҳам чизолмаяпман, бироқ мен санъатни ҳеч қачон шу лаҳзалардагидек чуқур хис этолмаган эдим.

Кўркам водийдан ҳовур кўтарилиб, тушки қуёш нимкоронғи қалин ўрмон устида турган ва якка-ярим нурлари унинг қадам етмас оралигига ёриб кирган чокда, мен жўшқин анҳор бўйида, ўсиқ ўтлар устида ётганимча ердаги минглаб ажойиботларга ҳайрат билан бокаман; ўт-ўланлар орасида ғимирилашган митти мавжудотларнинг, сон-саноксиз қурт-кумурскаларнинг юрагимга якинлигини хис этаман; бизни шу йўсинда Яратганинг кудратини, мутлақ ҳузур-ҳаловат оғушига етакловчи Худо таолонинг ҳозирлигини сезаман. Кўз олдим қоронғулашиб, теварак-атроф ва само ўз тасвирини севгилим киёфаси сингари қалбимга жо этганида – ўшанда, азизим, мени бир туйғу камраб олади-да: «Эҳ, буни ифодалай олсан эдим, юрагимда туғён урган нарсани тўлалигича қоғозга тушира олсан эдим, қалбим мутлақ Худонинг акси

бўлганидек, бу ҳам менинг қалбимнинг акси бўларди!..» – дегим келади. Йўқ, йўқ, дўстим... Бундан ожизман, бу воқеаларнинг сехрли улуғворлиги мени мағлуб қиласди.

12 май

Бу ўлкада алдамчи руҳлар ҳукмронми ёки бутун борликни кўзимга бамисоли жаннат қилиб кўрсата-ётган ҳавои ҳиссиётлар қалбимни эгаллаб олганми, билмайман. Шундокқина шаҳар четида бир булок бор, бу булокқа мен худди Мелузина¹ ва унинг сингиллари сингари боғланиб қолганман. Кичик тепалиқдан куйирокқа тушсанг, йигирматача зинапоя сени чукур ғорга бошлаб келади, у ердаги мармар қояда зилол чашма қайнайди. Бу жойни юқоридан ўраб турган пастаккина девор, кўкка бўй чўзган улкан дараҳтлар, салқин ҳаво – буларнинг барчасида аллакандай жозибадор ва сирли куч бор! Ҳар куни соатлаб шу ерда ўтираман. Шаҳар қизлари бу ерга келиб, сув олиб кетишади, бундай оддий ва зарурий юмушдан ўтмишда ҳатто шоҳ қизлари ҳам тортинишмаган. У ерда ўтирганимда, патриархал ҳаётга хос тасаввурлар: ота-боболаримизнинг қайликлари билан қандай учрашганлари ва қудуқ ёнида никоҳ ўқитганлари ҳамда кудуклар ва булоклар атрофида айланишган раҳмдил руҳлар худди ҳозир содир бўлаётгандек кўз олдимда гавдаланади. О, жазира маънани ёз кунидаги узоқ сайдан сўнг салқин булок бўйида роҳатланиш нималигини ўз бошидан кечирмаган киши буни қаёқдан ҳам билсин?

Мендан, китобларингни юборайми, деб сўрабсан. Азизим, Худо ҳаққи, сендан ўтинаман, улардан мени халос эт! Мени руҳлантиришларини, далда беришлирини истамайман; шусиз ҳам юрагим ҳаяжондан холи эмас. Менга ҳазин қўшиқ керак, бу жиҳатдан Ҳомеримга қиёс топиш мушкул. Кўпинча ўзимдаги

¹ Мелузина – француз афсонасидаги ярим аёл, ярим балиқ шаклидаги сув париси (*тарж.*).

бекад жўшқинликни босишга уринаман: менинг қалбимдек ҳар макомга тушиб турадиган қалбни кўрмаган бўлсанг керак. Азиз дўстим! Сенга буни айтиб ўтиришнинг ҳожати борми, ахир, кайфиятимнинг маъюслиқдан қизиқконликка, хузурбахш хаёлпарамастлиқдан ҳалокатли эҳтиросга ўтиб туришига озмунча тоқат қилганмисан? Мен ўз қалбимни шунинг учун ҳам бемор боладек ардоклайман; унинг раъйини сўзсиз бажо келтираман. Бу ҳақда гапириб юрма! Шу важдан мени гап-сўз қиласидиган ҳам топилади.

15 май

Бу ерлик оддий кишилар, айниқса, болалар, мени аллақачон таниб, севиб қолишган. Олдинига улар билан яқинлашишга уриниб, дўстона сўз қотганимда, кўплар бу бизни мазах қиляпти, деган фикрда мендан юз ўгириб кетишарди. Лекин бундан умидсизланмадим, балки бир нарсани янада аникрок ҳис этдим, буни ўзим кўп вактдан бери сезиб юргандим: жамиятда кўзга кўринган мавқени эгаллаган кишилар гўё обрўдан айрилиб колишдан чўчигандек, оддий фуқародан ўзларини четга тортадилар; яна шундай бекарорлар ва ичиқора нусхалар ҳам топиладики, улар ўзларини гўё оддий халқка илтифот кўрсатгандек тутадилар-у, бу билан ўз калондимоғликларини янада кўпроқ намойиш қиласидилар.

Бизлар ўзаро teng эмаслигимиз ва teng бўлол-маслигимиз мен учун равшан бўлишига қарамай, тарь-кидлаб айтаманки, фуқаро олдида обрўсизланишдан кўркиб, ўзини четга тортишини маъкул кўрганлар рақибидан мағлубиятга учрашдан хавфсираб, пусиб ётган кўркоқдан афзал эмаслар.

Яқинда булок бошига борганимда, сув тўла кўзасини пастки зинага кўйиб, чор атрофга қараётган ёш хизматкор қизни кўриб колдим. Унинг нигоҳи, бирорта дугонам кўриниб қолмасмикин, сувни бошимга олишимга кўмаклашиб юборарди, деган маънони англатарди.

– Ёрдамлашиб юборайми, яхши қиз? – сўрадим ёнига тушиб, у бўлса хижолатдан қип-қизариб:

- Йўғ-э, жаноб, – дея рад этди.
- Ийманманг!

У бошидаги чамбарини тўғрилади ва мен унга кўмаклашиб юбордим. Қиз ташаккур билдириди-да, зинапоядан юкорига чиқиб кетди.

17 май

Ҳар хил танишлар орттиридим, аммо ҳали ҳақиқий дўстларимни топганимча йўқ. Одамлар нега мени яхши қўришади, ҳайронман. Кўпларига маъкул бўламан, кўплари менга меҳр қўйиб қолишади, бироқ йўлиминиз тезда бошқа-бошқа томонга бурилиб кетишига афсусланаман. Мабодо «у ернинг одамлари қандай?» деб сўрагудек бўлсанг, «ҳамма ердагидек», деб жавоб қайтарган бўлардим.

Одамзотнинг қисмати ҳамма жойда бир хил: тирикчилик ғамида чарчаш нималигини билмай ишлагани ишлаган. Борди-ю, бирозгина бўш вақт топилиб қолса борми, бекорчиликдан қутулиш учун ўзини қаерга қўйишни билмайди. О, инсонлик бурчи!

Лекин бу ернинг одамлари ғоят дилкаш. Баъзан ғамларимни унутиб, мана шу одамлар билан барча шодликлардан баҳраманд бўлсак, тўкин ясатилган стол атрофида хушчакчак сухбат курсак, сайр ёки рақслар уюстириб, кўнгилхушлик қилсак, ниҳоятда енгил тортиб кетаман. Бироқ бундай пайтларда беҳуда йўқ бўлиб кетаётган бошқа жуда кўп кучлар ҳали қалбимда мавжудлигини, уларни авайлаб сақлашим зарурлигини эсламаслик лозим. Оҳ, бунга кўнишиш мушкул!.. Бироқ илож қанча! Тил учida турган гапларимизни ўзаро англатолмаслик – бу бизнинг қисматимиз.

Афсус, ёшлиқдаги дўстим ўлиб кетди! Нега энди ўша қиз билан танишдим экан-а! «Тентак! Сен аслида ер юзидан топиб бўлмайдиган нарсани қидиряпсан!» – дегим келади ўз-ўзимга. Аммо, у бор эди-ку,

мен унинг улкан қалб эгаси эканлигини сезган эдимку, у ёнимда бўлса, ўзимни янада етукроқ ҳис этардим, чунки нимага қодир бўлсан, ҳаммасини килолардим. Марҳаматли Тангirim! Ахир, юрагимдаги бор ҳислар жўш урмай қолмасди-ку! Табиат билан ҳамоҳанг бўлиб кетадиган ва қалбимдаги ёқимли туйгуларнинг илҳомчиси ўша киз эмасми? Муносабатларимизда энг нозик ҳис-туйғулар, ўткир фикрлар муштарак бўлиб, уларнинг ҳамма кўринишларига, ҳатто енгилтакликларигача ақл-заковат тамғаси босилган эмасми? Энди-чи! Афсуски, у мендан бир неча ёш катта эди ва анча эрта оламдан ўтди. Унинг зукколигини ҳамда фариштадек мулоиймлигини зинҳор унутолмайман.

Яқинда Ф... исмли истараси иссиққина, очиқ кўнгил йигит билан танишдим. У эндиғина дорил-фунунни тамомлаган, ўзини доно ҳисобламаса-да, ҳар ҳолда бошқалардан кўра кўпроқ биламан, деб ўйлади. Афтидан, у хийла тиришиб ўқиган, хуллас, унинг билимдонлиги шундоккина сезилиб турипти. У менинг расм чиза олишимни ва юонон тилини билишимни (бу ерда одатдан ташқари бўлган икки ҳол) эшифтгач, менга ўзини танитди ва Баттэдан тортиб Вудгача, Пилесдан тортиб Винкелманнгача¹ билиши ҳакида роса мактанди. Зулсер «Назария»сининг биринчи кисмини ўқиб чиққанини ва ўзида антик дунёни ўрганиш бўйича Ҳайненинг кўлёзмаси борлигини айтиб, мени ишонтирди. Бу гапларни маъқуллаб кўяқолдим.

Бундан ташқари, ғоятда олижаноб, оддий ва софдил киши билан – князликнинг амтмани² билан ҳам танишдим. Айтишларича, уни тўққизта фарзанди орасидга кўрган киши дил-дилдан яйраб кетармиш, айникса, унинг катта қизини жуда макташади. У мени уйига таклиф этди, яқин кунларда ўша ёқка бораман. У биздан

¹ Баттэ, Вуд, Пилес, Винкелманн – ўша даврнинг машҳур расомлари (тарж.).

² Амтман – ўртача амалдорлик даражаси (тарж.).

бир ярим соатлик масофа нарида князликка қарашли овчилар саройида туради. Хотини вафотидан кейин ўша жойга кўчиб боришга ижозат олган, чунки шаҳарда, давлатга қарашли уйларда қолиш унинг учун оғир бўлган.

Бундан ташқари, яна бир қанча учига чикқан бе-фаросатларга ҳам дуч келдимки, сохта қилишларини, айниқса, ўзларини дўстларча тутишларини асло ҳазм қилолмайсан, киши.

Хайр! Хат мухимлиги билан сенга ёқар, деб ўй-лайман.

22 май

Баъзилар инсон ҳаётини тушга қиёслайди, менда ҳам шу туйғу хукмрон. Инсондаги барча қобилиятларнинг ҳар томондан чеклаб қўйилганини кузатганимда, унинг барча интилишлари турмуш эҳтиёжларини қондиришга қаратилганини, бу эса аянчли ҳаётимизни тагин ҳам узайтиришдан ўзга нарса эмаслигини кўрганимда ва, ниҳоят, бошқа илмий ма-салалардаги хотиржамлик, ўзлари қамалиб олган уйларнинг деворларини турли-туман расмлар ҳамда ранг-баранг шакллар билан безаган хаёлпарамастларнинг ғаридаги итоаттўйлигидан ўзга нарса эмаслигини сезганимда... биласанми, Вилҳем, булар мени тилсиз қилиб қўяёзади. Шунда ўз хаёлларимга ғарқ бўлиб, ўзга бир дунё кашф қиласман! Лекин барибир, булар ҳам ҳаётий, тўлаконли тасаввурдан кўра кўпроқ ноаниқ истаклар ва мавҳум хаёллардир. Шунда ҳамма нарса кўз олдимда жимиirlаб айланишади-да, ҳаётни гўё тушдагидек жилмайиб кузатаман.

Болаларнинг ҳамиша ниманидир хоҳлаб туришлари сабабини уларнинг ўзлари ҳам билмасликлари ҳакида барча билимдон шахсий ва мактаб муаллимлари бир хил фикрда, аммо катталарнинг ҳам худди болалардек ер юзида судралиб юришларига, улар ҳам қаёқдан келиб, қаёқка кетаётганларини билмасликларига аниқ бир мақсадни кўзламай ҳаракат килиши ~~арига~~ ҳам ~~лонои~~ оид

уларни ширин кулчалар, пироглар ва хипчинлар билан йўлга солиш мумкинлигига ҳеч ким ишонишни истамайди, бироқ менинг назаримда бу шубҳасиздир.

Бу хусусда сенинг фикрингни биламан ва мен ҳам шунга қўшиламан: болаларга ўхшаб беташвиш кун ке-чирадиган, қўғирчокларини кийинтириб-ечинтириб, уларга ғамхўрлик қиласидиган, онаси ширинлик яшириб қўйган жавон атрофида хушомадгўйларча айланиб юриб, керакли нарсани кўлга киритгач, уни шоша-пиша еб: «Яна!» деб талаб қиласидиганлар энг бахтли кишилардир. Мана шулар бахтли мавжудотлардир. Яна ўзларининг арзимас ишларига ва ҳатто интилишларига дабдабали ном бериб, буни инсон зотининг фаровонлиги ва саломатлиги йўлидаги улкан ишлар, деб ҳисобловчиларга ҳам яшаш жуда осон... Шундай бўла олишини билганларга тасанно. Аммо итоатгўйлиги нимага элтишини тушунган, ҳар қандай бадавлат мешчанинг ўз боғчасини чаманзорга айлантиришдан завқ олишини кўрган ва, нихоят, бахтсиз кишининг турмуш машакқатларидан эзилиб, чидам билан йўлда давом этишини ҳамда куёш нурини ҳеч бўлмаса бир дақиқагина кўпроқ кўришга ҳамманинг бирдек ташна эканликларини англаб етган кишигина зорланмайди, ўз ҳаётини ўзи яратади ва инсон бўлганлигидан ўзини бахтиёр деб билади. Ҳамда у қанчалик ноилож бўлмасин, озодлик ҳақидаги ширин туйғуларини, истаган пайтида бу зулматдан қутулиб кетиш орзусини қалбида мудом ардоклади.

26 май

Менинг бирор жимжитгина хилват жойга ўрнашиб олиб, ўша ерда озгина нарсага ҳам қаноат килиб яшайвериш одатим сенга илгаридан маълум. Бу ерда ҳам шунақа дидимга мос гўшани топиб олдим. Шахардан тахминан бир соатлик масофа нарида Валҳайм¹ де-

¹ Бу ерда номлари келтирилган жойларни китобхон қидириб овора бўлмасин; жойларнинг ҳақиқий номларини ўзгартириб беришга тўгри келди (*муаллиф изоҳи*).



ган манзил бор. Бу күркам манзил тепалик ён бағрида ястанган, агар ёлғизоёқ йўлдан қишлоқ томонга юқорилаб борилса, бундан водий кафтдагидек кўзга ташланади. Кексалигига қарамай хийла чаккон, илтифотли ошхона бекаси вино, пиво, қаҳва қуйиб беради. Энг ёқимлиси шуки, иккита ғоят сершоҳ аргувон дарахти чор атрофини деҳкон кулбалари, ҳовлилари ва омборлари ўраб турган черков майдончасига соя солиб туради. Бундай овлоқ жой камдан-кам топилади. Мен ўз стол-стулимни ўша дараҳт остига чиқартираман-да, шу ерда ўтириб қаҳва ичаман ҳамда Ҳомерни мутолаа қиласман. Бир куни қок туш пайтида аргувон дараҳтлари остига келганимда майдон илк марта бўм-бўш эди. Ҳамма далага ишга кетган, фақатгина тўрт ёшлилар чамасидаги болакай тахминан олти ойлик гўдакни тиззасига олганча икки қўллаб шундай бағрига босиб ўтирадики, гўё у гўдак учун ўриндиқ вазифасини ўтарди. Гўдакнинг қоп-кора кўзларидан тийраклиги шундоққина сезилиб турар, бирок у қимир этмасди. Бу кўриниш мени тўлқинлантириб юборди: уларнинг рўпарасидаги омочга ўтириб олиб, жозибали манзарани берилиб қоғозга кўчирдим. Бунга қўшилиб яна ёнимиздаги четан девор, сарой дарвозаси, бир неча синик филдираклар – ҳамма нарсани аслида қандай бўлса, худди ўшандай қилиб чиздим, яна бир оз қайта ишлагач, қарасам, анча келиштириб, ўзимдан деярли ҳеч нарса қўшмасдан аломат бир нарса чизибман. Бу келгусида ҳам фақат табиатдан илҳом олиб ишлаш ниятимни мустаҳкамлади. Фақат табиатгина бениҳоя бой ва фақат угина буюк санъаткор яратса олади. Ижтимоий тузумни қанча мақтаб гапирсалар, ундаги қонун-коидалар борасида ҳам шу нарсани айтиш мумкин: жамият қонунлари асосида шаклланган одам қандайдир бемаънилик ва бузуқликка йўл қўймайди, худди шунингдек, маълум коидалар асосида тўқчиликда тарбия топган кишидан ҳам ярамас қўшни ёки ашаддий жиноятчи чиқмайди. Менга истаганча уқтираверсингилар-у, бирок қатъий қонун-коидалар табиатни ҳис этиб,

уни ҳаққоний тасвирлаш қобилиятини сүндиради! «Йўқ, бундай эмас! Қатъий қонунлар фақат итоат этиради, ҳаддидан ошганларни йўлга солдиради ва ҳоказо», – деб уқтиранг-уқтиравер. Азиз дўстим, мендан исбот талаб қиласанми? Бунда ҳам гап худди севги масаласидагидек. Тасавур кил, ёшгина йигит бир қизга шунчалик боғланиб қолганки, у уззукун вактими шу ерда ўтказади ва унга чексиз садоқатини ҳар лаҳзада исботлаш учун унга ўзининг бор кучини, кўлидан келган бор имкониятини ишга солади. Шунда аллақайси юқори лавозимдаги бир корчалон келиб, ошиққа дейди: «Яхши йигит! Севиш инсонга хос хусусият, инсондек сева билиш керак! Вактни шундай сарфлангки, унинг бир қисмини ишга ажратинг, бўш вактингизни севгилингиз ёнида ўтказинг. Агар ўз зарур эҳтиёжларингиздан ортса, баҳоли қудрат унга бирор нарса тортиқ қилишингиз ҳам мумкин. Ҳамиша эмас, фақат унинг туғилган куни ёки бошқа улуғ айём кунларидагина совға қилинг». Агар йигит бунга амал қилса, ундан анча бамаъни одам чиқади ва ўзим биринчи бўлиб ҳар қандай бошлиқка ўша йигитни бирор маҳкамага ишга жойлаб қўйишни маслаҳат бераман, унда унинг севгиси ҳам, агар рассом бўлса, санъати ҳам елга учади. О, дўстларим! Буюк заковат чашмаси нега бунчалик кам тошади, нега тортинчоқ қалбларингиз ўз тўлқинлари билан сизни ларзага солади? Қимматли дўстларим! Негаки, дарёнинг ҳар икки қирғоғида, хавфнинг олдини олиб, шийпонлари, гулпушталари, экинзорларини сув ювиб кетмаслиги учун аввалдан тошкинни қайтарувчи канал ва тўғонлар куриб қўйган мулоҳазали жаноблар яшайди.

27 май

Бундай қарасам, кишиларни таққослашга, жўшқин ваъзхонликка берилиб кетиб, кейин болаларга нима бўлганлигини сенга айтиб беришни унугибман. Ижодий кечинмалар гирдобига ғарқ бўлиб, икки соатлар чамаси омоч устида ўтиредим, кечаги хатимда булар

палапартиш баён қилинган. Кечга яқын күлида сават тутган ёшгина бир аёл ҳалиям қимир этмай ўтирган болаларга яқинлашаркан: «Баракалла, Филипс!» – дея хитоб қилди. У мен билан саломлашди, мен алик олдим-да, улар томон яқинлашиб, бу болалар сизни-кими? – дея сўрадим. Аёл тасдиқ ишорасини қилди ва болаларнинг каттасига бир бўлак ёғли нон берди, кичигини бўлса қўлига олиб, бутун оналик меҳри билан юзидан ўпди. – Филипсга кенжатойимизга қараб ўтиришини тайинлаб, ўзим шовла сузиладиган сопол косача, қанд ва оқ нон келтиргани катта ўғлим билан шаҳарга кетгандим. – Буларнинг ҳаммаси очик саватда кўриниб турарди. – Мен Ҳансга (кенжатойнинг исми шундай эди) кечқурунга бир кошиқ шўрва пишириш им керак, – сўзида давом этди аёл, – тўполончи катта ўғлим кеча Филипс билан шовла қирмочини талашиб, косачани синдириб қўйган эди.

– Катта ўғлингиз қаерда? – сўрадим мен.

– Ўтлоқда ғозларни кувлаб юрипти, – деб аёл жавоб бериб улгурмаган ҳам эдики, у чопиб-сакраб етиб келди-да, укасига ёнғок хивичини тутқазди. Аёл билан қилган сұхбатимдан аён бўлишича, у ўқитувчининг қизи экан, эри эса, мархум амакисидан қолган меросни ундириш учун Швейцарияга кетипти.

– Улар эримни алдамоқчи бўлишиди, – изоҳлай бошлади аёл, – ҳатто унинг хатига ҳам жавоб қайтаришмади, сўнг ўзи боришга мажбур бўлди. Бирор кори ҳол юз бермаган бўлсин-да, негадир ундан хатхабар йўқ.

Аёлнинг ёнидан кетгим келмасди, ниҳоят, болаларнинг ҳар кайсисига бир крейсердан пул улашдим ва «шўрва билан ейиш учун шаҳардан кичкинтояга булка келтирасиз», деб аёлга яна бир крейсер тутқаздим, шу билан биз хайрлашдик.

Агар ҳис-туйғуларим жўш урган бўлса, буни ўз турмушининг тор доирасига итоаткорона қўнинкан, топганини у кундан бу кунга зўрға етказадиган, ҳазонрезгилик бошланганини кўрса, энди қиши келаяпти,

деган фикрдан бошқасини хаёлига келтирмайдиган инсон намунасигина мени овута олишига ишон, азизим!

Үшандан бүён майдончага тез-тез бориб тураман. Болалар менга тамоман ўрганиб қолишган; агар қаҳва ичсам, қандни уларга колдираман; кечкүрун бутерброт ва қатикнинг ярмиси уларнинг насибаси бўлади. Якшанба кунлари болаларга бир крейсердан пул улашман; мабодо ибодатдан кейин ўзим келмасам, уларга бу пулни беришни ошхона бекаси Ордрега тайинлаб қўйганиман.

Болалар менга ҳар нарсаларни ишониб айтишаверади, айниқса, уларнинг завқ-шавқ билан ўйнашлари ва қишлоқдаги бошқа болалар ҳам тўпланишгандаги ўйинларини кўриб теримга сифмай кетаман. «Болалар мени ҳечам қийнашмайди», – деб онасини ишонтиргунча хуноб бўлдим.

30 май

Яқинда сенга рассомлик ҳақида айтган гапларим, шубҳасиз, шеъриятга ҳам тегишилдир. Бунда, энг муҳими, керакли нарсани англай билиш ва оз сўзда кўп нарсани ифодалашга зришишдир. Бугун шундай бир манзарани томоша қилдимки, агар уни асли ҳолича тасвирласа, дунёдаги энг гўзал идиллия¹ юзага келади. Аммо бу ерда поэзия, идиллия, манзаранинг нима кераги бор? Табиатнинг бирор кўринишини тасвирламокчи бўлсак, албатта, унга бирор нарсани тиркаш шартми?

Агар бундай муқаддимадан кейин қандайдир кўтаринки руҳдаги бирор нарса кутаётган бўлсанг, яна қаттиқ алданасан; бундай тўлқинланишимнинг сабабчиси бир деҳкон йигитча, холос. Мен одатимдек ёмон ҳикоя қиласман, сен эса ҳар галгидек, мени муболага қиласяпти, деб ўйлайсан. Бу ажойиботларнинг макони – Валҳайм ва яна ўша Валҳаймдир.

¹ Идиллия – табиат кучогидаги ҳаётни осойишта тасвирлайдиган шеърий асар (*тарж.*).

Арғувон дарахтлари остига бир тұда одамлар қақва ичгани түпланишган. Улар дидимга унчалик мос келмаганликларидан у-бу важ-карсон күрсатиб улардан ўзимни чеккага тортдим.

Бир деңқон йигити қүшни уйдан чиқди-да, мен яқындагина суратини чизган омочнинг қаеринидир тузатишга киришди. Йигитча кўринишидан менга ёқиб қолди, уни гапга сола бошладим, ҳол-аҳволини сўрадим; биз у билан тезда танишиб олдик, ҳатто сирдош ҳам бўлиб қолдик, ҳамиша шу тахлит кишилар менга жуда тез ёқиб қолишади. У бир бева аёлникида хизмат қилишини ва у аёл билан муносабатлари яхши эканлигини айтиб берди. Ӯша аёл ҳақида шунчалик кўп нарса гапирдики, уни шу қадар таърифладики, йигитчанинг аёлга бутун борлиғи-ла содиқлигини англадим. Гапларига қараганда, аёл айтарли ёш эмас, биринчи эридан оғзи куйган, натижада у ортиқ турмушга чиқишини истамайди, йигитчанинг ҳикоясидан шу нарса яққол сезилдики, унинг учун гўзалликда, ёқимлиликда бу аёлдан ўтадигани оламда йўқ. Жувоннинг розилиги бўлса бас, кўз очиб кўрган эрининг қилғиликларини аёл хотирасидан учирашга бу йигит кодир ва жон деб аёлнинг жуфти ҳалоли бўлишни истайди, лекин ундаги хис-туйғулар, мұҳаббат ва садоқатининг нақадар самимиyllигини сенга исботлаб бериш учун дил розларини сўзма-сўз такрорлашим лозим бўлади. Ҳа, унинг жозибадор чехраси, мусиқий овози ва кўзларидаги ажиб ёлқинни айнан ифодалай билиш учун буюк шоир истеъододи ҳам ожизлик қиласиди. Йўқ, унинг бутун вужудида акс этган покликни ҳеч қандай сўз билан изҳор этиб бўлмайди; менинг ёзганларим эса бир-бирига қовушмайди. аёлга бўлган муносабатини нотўғри тушунишim ва аёлнинг хатти-харакатидаги софликка шубҳа билан қарашим мумкин, деган фикрдан йигитчанинг хавотирланиши менга беҳад таъсир этди. Аёлнинг киёфаси ва ёшлик латофатидан маҳрум бўлса-да, йигит учун барибир жозибали туюловчи кўриниши ҳақида тўлиб-тошиб гапиришини

фақат менгина юрақдан ҳис эта олишим мүмкин. Бунчалар қайноқ мәхр-муҳаббат ва әхтиросли интилишни мана шундай соғ ҳолда сира-сира күрмаган, ҳа, рост айтапман, ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эдим. Үндағи боодоблик ва самимиятни эслаганда ич-ичимдан хаяжонга келишимга, мана шундай биллурдек севги рамзи ҳамма жойда ортимдан әргашиб юриши, үзим эса, унинг алансасида күйиб, кул бўлишимга олдингда икror бўлсан, мени койима.

Уша аёлни тезроқ кўришга ҳаракат қиласман, йўқ, бундоқ ўйлаб карасам, яххиси, кўрмаганим маъқулроқ. Уни ошигининг кўзи билан кузатганим афзал, балки у менинг кўзларимга ҳозир тасаввур қилаётганимдек бўлиб кўринмас; ажойиб тасаввурни бузиб нима қиласман?

16 июн

Сенга нима сабабдан ёзмаётганимни сўрабсан. Шуни ҳам билмайсанми? Яна олим эмиш! Соғсаломат эканлигимни ўзинг фаҳмлашинг керак эди, яъни... қисқаси, бирор билан танишганлигим қалбимда тутён кўтартмоқда... Билмадим... нима бўляпти ўзи.

Дунёдаги энг зебо қизлардан бири билан қай тахлит танишганимни сенга батафсил ҳикоя қилиб бериш кўлимдан келмаса керак. Шундай мамнун ва баҳтлиманки, буни ифодалашга қаламим ожиз.

Фаришта!.. Ҳа!.. Ҳа. Дарвоке, ўз севгилисини ҳар ким ҳам шундай деб атайди, тўғрими? Үндағи бекаму кўстликни ва унинг нега шундайлигини сенга айтиб беришдан ожизман, хуллас, у бутун ўй-хаёлимни ром этган.

Самимияту зукколик, софдиллик ва катъиятлик, руҳий сокинлик ва эпчиллик шу қадар ҳам уйғунлашиб кетадими?

Ёзаётгандаримнинг ҳаммаси, унга хос бўлган бирорта фазилатни ифодалаб беролмайдиган бехуда ва мавҳум сафсалардир. Бошқа пайт... йўқ, бошқа

пайт эмас, ҳозирнинг ўзидаёк ҳаммасини сенга айтиб бермоқчиман. Агар ҳозир айтмасам, бошқа вақт бунинг уддасидан мутлако чиқолмасам керак. Ўзингдан қолар гап йўқ, ёза бошлаганимдан буён менга уч бор қўлимдаги ручкани қўйиб, отни эгарлатсам-да, ўша ёққа йўртиб кетсам, деган фикр туғилди. Лекин бормайман, деб эрталабданоқ аҳд қилганимга қарамай, барибир, ҳар дақиқада дераза олдига бориб, қуёш ботишини сабрсизлик билан кузата бошлайман.

Аммо токатим тоқ бўлиб кетди-да, унинг хузурига отландим. Вилҳелм, яна кулбамдаман, энди бутерброт билан кечлик қилиб, сенга мактуб битяпман. Уни ёқимтой ва тетик болакайлар – саккизта ука-сингилларим даврасида кўриш мени беҳад тўлқинлантириб юборади...

Агар шу тахлит давом этаверсам, охиригача ҳам бирор нарсани илғаб олишинг амри маҳол. Кулок сол, воқеани ипидан-игнасигача баён қилиб беришга ҳаракат қиласман.

Яқинда сенга амтман С... билан танишганимни ва у мени манзилгоҳига ёки, тўғрироғи, кичик ҳокимлигига ташриф буюришга таклиф этганини ёзган эдим. Мен бу ташрифни кейинга сургандим, агар бир тасодиф сабаб бўлиб, бу кимсасиз жойда яширган оҳанрабодан хабар топмаганимда, балки у ерга сира бормаган бўлардим.

Ёшлишимиз шаҳар ташқарисида базм ташкил қилишди, мен ҳам унда бажону дил иштирок этдим. Шу ерлик яхшигина, истараси иссиқ, умуман олганда, унча кўзга ташланмайдиган бир қизни балга боришга таклиф қилдим. Келишувга кўра, мен шу қиз ва унинг жиянини файтунда базм бўлаётган жойга элтишим, йўл-йўлакай Шарлотта С.ни ҳам олиб ўтишим лозим эди. Биз ҳайдалган кенг дала бўйлаб овчилар саройига яқинлашарканмиз:

– Ҳозир гўзал бир қиз билан танишасиз, – деди ҳамроҳим.

– Эҳтиёт бўлинг, тағин севиб колманг! – қўшиб кўйди жияни.

– Нега энди? – сўрадим мен.

– У олижаноб бир кишига унаштириб қўйилган, – деди у, – ҳозир у киши бу ерда эмас, отаси вафот этгач, ишларини тартибга келтириш ва тузукроқ мансабга ўрнашиш учун кетган.

Бу гапларга деярли аҳамият бермадим.

Биз дарвоза олдида тўхтаганимизда қуёш ҳали тоғ ортига яшириниб улгурмаган эди. Ҳаво анча дим, уфқда оч қўнғир тусдаги йирик булутлар тўпланаётганидан, момақалдиrok бўлмаса эди, деб хонимлар ташвишланишарди. Ўзим ҳам базм бузилишидан хавотирланаётган бўлсам-да, ёлғондакам илмий далиллар билан уларнинг кўркувини босишга уринардим.

Мен файтундан тушдим, дарвозани очган хизматкор қиз, мадемуазел Лотхен тайёр бўлгунича бирпасгина кутиб туришимизни илтимос килди. Ҳовлидан ўтиб, шинамгина уйга яқинлашдим ва зинапоялардан кўтарилиб эшик остонасига кадам қўйганимда, кўз ўнгимда аввал ҳам кўришга мұяссар бўлганим ғоятда жозибадор бир манзара намоён бўлди.

Даҳлизда икки ёшдан ўн бир ёшгacha бўлган олти бола сарвкомат, ўрта бўйли, енги ва кўкрагига пушти ранг бант қадалган, одмигина оқ қўйлак кийган қиз атрофида гирдикапалак бўлишарди: у кўлидаги кора нондан укаларининг ҳар бирига ёши ва иштаҳаларига караб шундай меҳрибонлик билан бўлиб берардики, опаси нонни кесиб бўлгунча болалар жажжи қўлчаларини юқорига чўзиб, унга миннатдорчилик билдиришар, ўз улушини олганидан кувониб, сакраб-сакраб, баъзи ювошроқлари эса аста-секин юриб, но-таниш одамларни ва ўзларининг Лотталари миниб кетадиган файтунни томоша қилиш учун дарвоза томон кетишарди.

– Узр, Сизни овора килиб, хонимларни куттириб қўйдим, – деди у, – ўзим йўклигимда бажариладиган айрим топшириклар бериш, кийиниш билан бўлиб,

болаларни овқатлантиришни унутибман, улар мендан бошқа киши қўлидан нон олишни истамайдилар.

Мен унга бир нима деб мулозамат қилдим, ўзим эса унинг қомати, товуши, ўзини тутишидан лол эдим, у қўлқопи ва елпифичини олиб чиққани қўшни хонага югуриб кириб кетганида, ногаҳоний ҳодисадан ўзимга келишга аранг улгурдим. Болалар бир четда мени зидан кузатиб туришарди, уларнинг энг кичиги – ёқимтойгина болага яқинлашдим. У энди четланмоқчи бўлган ҳам эдики, ичкаридан Лотта чиқиб келди ва:

– Луи, амакингга қўлингни бер! – деди.

Бола шу заҳоти унинг айтганини қилди, мен ўзимни тутолмадим ва бурни оқиб турганига қарамасдан унинг юзидан ўпиб олдим.

– «Амакингга» дейсизми? – сўрадим қизга қўлимни узатарканман. – Мени ўзингизга қариндош бўлишга лойик, деб хисоблайсизми?

– Эҳ-хе, бизнинг қариндошларимиз жуда кўп, – деди у шўх табассум билан. – Сизни улардан кам деб ўйламайман.

У кетаётиб ўн бир ёшлардаги энг катта синглиси Софига болаларга, албатта, эҳтиёт бўлишни ва сайдан қайтганида, отасига салом айтишни тайинлади. Кичкинтойларга эса, худди ўзи бўлган пайтлардагидек, Софининг сўзидан чиқмасликни буюрди, ҳаммалари унга астойдил ваъда беришди. Фақатгина сарғиш сочли, олти ёшлардаги маҳмадона қизча зътиroz билдириди:

– Йўқ, Лотхен, барибир эмас, биз сени кўпроқ яхши кўрамиз.

Болаларнинг иккита каттароғи файтуннинг орқасига чиқиб олишди ва менинг илтимосим билан Лотта уларга, агар ўзаро урушмасликка ҳамда маҳкам ушлаб ўтиришга сўз беришса, ўрмонгача миниб боришга ижозат берди.

Биз ҳали жойлашиб, хонимлар саломлашиб, бир-бирларининг кийимларини, шляпаларини, айникса, базмга келадиганларни батафсил муҳокама қилиб ҳам

улгурмаган эдиларки, хийла жойга бориб қолибмиз, шунда Лотта кучерни тўхтатиб, укаларини файтундан туширди, хайрлашиш олдидан иккаласи ҳам опасининг кўлини ўпишди – каттаси ўн беш ёшли болаларга хос назокат билан, кичиги эса анча шошқалоқлик билан ўпди. Лотта укаларига яна бир марта салом айтиб қўйишни тайинлади ва биз жўнаб кетдик.

Ҳамроҳимнинг жияни Лоттадан яқинда ўзи юборган китобни ўқиган-ўқимаганини сўради.

– Йўқ, – жавоб берди Лотта, – у менга ёқмади, қайтиб ола қолинг. Аввалгиси ҳам шунақа эди. Буларнинг қанақа китоб эканлигини сўраб, унинг жавобидан ҳайратда қолдим...¹

Унинг мулоҳазаларида ўзига хос мустақиллик, ҳар бир сўзида жозиба, латофатли чехрасида руҳий кўтаринкилил равшан сезилиб турарди, чункимен уни тушунаётганлигим унга аён эди.

– Ёшлигимда, айниқса, роман ўқишини яхши кўрардим, – деди у, – якшанба кунлари бир бурчакка ўтириб олиб, қандайдир Мисс Женни² қувончи ва изтиробларига шерик бўлиш менга нечоғлик ҳузур баҳш этганлигига биргина худонинг ўзи шоҳид. Очигини айтсам, шу одат мени ҳануз тарқ этмаган. Бирок камдан-кам ҳолларда, шунда ҳам дидимга жуда мос келсагина бирор китобни кўлга оламан. Мени шундай ёзувчи мафтун қиласиди, токи унинг асарларида ўз дунёмни ва атрофимда кечеётганга ўхшаш воқеаларни кўра олай, ҳикоялари мени ўз уйимдаги ҳаётимдек тўлқинлантирсин ва ҳаяжонга солсин, бу ҳаёт жаннатмисол бўлмаса-да, ҳар қалай мен учун бениҳоя ҳузурхаловат манбаидир.

¹ Бирорта қизнинг, ёки бирорта ёш, енгилтак йигитнинг хуласаси деярли ҳеч бир ёзувчи учун аҳамиятли бўлмаса-да, салгина бўлса ҳам ранжишга сабаб туғилмасин учун хатнинг шу жойини кискартиришни лозим топамиз (*муалиф изоҳи*).

² *Мисс Женни* – немис ёзувчиси Гербеснинг «Мисс Фании Вилкес тарихи» китобининг қаҳрамони (1766) (*тарж.*).

Бу сўзлардан кейин ўз қалб түгёнимни яширишга интилардим. Бу ҳол у қадар узоқ чўзилмади, чунки Лотта гап орасида «Векфилд руҳонийси»¹, ... ҳақида² очиқдан-очиқ гапирганида чидаб туролмадим ва кўнглимдан нима кечган бўлса, ҳаммасини тўкиб солдим. Лотта бошқаларга сўз қотгандан кейингина, уларнинг ҳаммаси гўё бизнинг сўзларимизни эшитмагандек парвойи фалак ўтирганларини сездим. Ҳамроҳимнинг жияни менга бир неча марта масхараомуз бурнини жийириб қаради, бу мен учун аҳамиятсиз эди.

Сұхбатнинг давоми ракс тушишнинг гашти ҳақида борди.

– Бундай эҳтиросни қораласалар ҳам майли, – деди Лотта, – лекин ракс тушишни ҳамма нарсадан устун кўйишимни яширмайман. Агар бирор нарсадан кайфиятим бузилса, сози бузук роялимда контрдансанни данғиллатсан бас, ҳаммаси бир зумда ўтади-кетади.

Сұхбат давомида унинг тим қора кўзларига шу қадар ҳавас билан тикилдимки! Унинг роҳатбахш лаблари ва тиник, хушрўй чехраси бутун борлиғимни шу қадар ўзига ром этган эдики! Гапларининг чукур мазмунига маҳлиё бўлиб, гоҳо унинг сўзларини айнан эшитмасдим!.. Бу ҳолатимни аниқ тасаввур қила оларсан, негаки, сен мени яхши биласан. Хуллас, базм бўладиган уй олдида тўхтаганимизда, файтундан худди туш кўраётган одамдек тушдим ва кечки қоронғилик чўкаётган далаларга тикилганча шу қадар хаёл дарёсига ботибманки, ҳатто ёп-ёруғ залдан эшитилаётган куй ҳам қулоғимга кирмасди².

Лоттанинг ва ҳамроҳим жиянининг рақсдаги жуфтлари Одран ва қандайдир Н.Н. (исмларнинг барчаси

¹ «Векфилд руҳонийси» – инглиз ёзувчиси Оливер Голдсмит асари (1766) (тарж.)

² Бу ерда ҳам бир неча ватандош ёзувчиларнинг номлари тушириб колдирилди. Лотта мақтаган одам, албатта, китобнинг шу жойини ўқиса, ўзи сезади, бошқаларга буни билишининг аҳамияти йўқ (муаллиф изоҳи).

ёдда қолармиди!) исмли икки жаноб бизни файтун ёнида кутиб олиб, ўз хонимларини қўлтиқлаб олишди, мен ҳам ўзимникини юқорига бошладим.

Биз минуэт¹га тушиб, чир айланишардик, бир хонимни қўйиб, иккинчисини таклиф қилардим, аксига олгандек энг укувсизлари ўйинни бас қилишга ва миннатдорчилик билдиришга шошилишмасди. Лотта ўз ҳамроҳи билан инглизча рақсга туша бошлади. Унинг биз билан бир даврада айланиши мен учун қанчалик гаштли бўлганини тасаввур қила оларсан! Уни рақс тушаётганда томоша қылсанг! Бутун фикри-зикри билан ўйинга берилиб кетади, барча ҳаракатлари шу қадар эркин, бежирим, шу қадар табиийки, гўё рақс учун у бутун оламдан воз кечган, шундан бошқа нарсани ҳис этмаётгандек туюларди.

Мен уни иккинчи контрансга таклиф қилдим; у учинчисига тушишга ваъда берди ва немисча валсни жуда-жуда яхши кўришини ниҳоятда очик кўнгиллик билан изҳор қилди.

– Бизда шу нарса одат бўлганки, – давом этди у, – ҳар бир жуфт немисча валсга бирга тушиши керак. Лекин менинг ҳамроҳим валсга жуда ёмон тушади, агар мен уни бу азобдан кутқазсам, у мендан миннатдор бўлади. Сизнинг хонимингиз ҳам уста эмас, бунинг устига валсга тушишни ёқтирумайди. Сиз валсга яхши тушаркансиз, мен буни инглизча рақс пайти сездим. Агар немисча валсга мен билан тушишни истасангиз, менинг ҳамроҳимдан бориб рухсат сўранг, мен эса, сизнинг хонимингиздан рухсат олай.

Мен рози бўлдим, шу орада унинг ҳамроҳи менинг ҳамроҳимни зериктирмай туради, деган қарорга келдик.

Ўйин бошланди ва биз бир зум турли хилда бирбирига чирмашган қўлларга завқ билан тикилиб қолдик. У шу қадар жозибали, енгил айланардики!

¹ Французча минуэт, инглизча рақс, контранс – оммавий ўйин, немисча валс – ўша даврда кент расм бўлган рақслар (*тарж.*)

Ҳамма жуфтлар валсга айлана бошлаганда давра алғов-далғов бўлиб кетди, чунки ҳамма ҳам яхши айлана олмайди-да. Бошқаларнинг роса хумордан чиқишлигини сабр килиб кутдик, нихоят, энг уқувсизлари даврани бўшаттагач, яна бошқа бир жуфт – Одран ва унинг ҳамрохи билан биргаликда тушиб кўнгилдагидек ўйнадик. Мен ҳеч қачон бунчалик енгил айланмаган эдим. Ўзлигимни ҳис этмасдим. Ўз кўлингда энг дилбар вужудни тутиб, борликни унугтганча, у билан парвонадек айланиш ва ... икror бўлайки, Вилҳелм, мен севган ёки менга унаштирилган қизнинг бирорта бошқа киши билан бирга валсга тушишига зинҳор йўл қўймайман, дея хаёлан қасамёд қилдим. Албатта, сен мени тушунасан!

Бироз нафасни ростлаб олиш учун зал бўйлаб у ёқ-бу ёққа юрдик. Кейин у ўтирди, мен зўр-базўр то-пиб келган апелсинларни еб, анча дадиллашдик. Лоттанинг ҳурмат юзасидан андишасиз қўшнисига апелсиндан кетма-кет бўлиб беришидан юрагимга пичок санчилгандек бўларди.

Инглизча рақсга учинчи марта тушганимизда, биз қаторда иккинчи ўринда эдик. Унинг қўлларини тас-виirlab бўлмас роҳат билан тутиб, энг самимий ва беғубор ҳис-туйғулар ёғилиб турган қўзларига тикилганим ҳолда рақсда қатор бўйлаб айланарканмиз, бундан олдинроқ ҳам чехрасидан кексаларга хос ёқимли бир ифода билан дикқатимни ўзига тортган аёлга ёндошдик. У Лоттага кулимсираб қаради-да, бармоғи билан пўписа қилган бўлди ва ёнимиздан ўтаётib икки марта маънодор қилиб Алберт исмини такрорлади.

– Агар малол келмаса, Албертнинг кимлигини айттолмайсизми? – сўрадим мен Лоттадан.

У энди жавоб беришга шайланган ҳам эди, саккиз кишилик қатор ясаш учун ажralишимизга тўғри келиб қолди, биз ўйинда қайта дуч келганимизда унинг чехраси ўйчан тус олганини сездим.

– Сиздан яшириб ҳам нима қилдим? – деди у про-

менада¹ учун менга қўлини узатаркан. – Алберт олижаноб бир одам, мен унга унаштириб қўйилганман.

Бу янгилик эмасди (хонимлар йўлда бу ҳақда менга гапиришган эди), бирок ҳозир янгиликдек туюлди, чунки бу гап менга бирпастда яқин бўлиб қолган Лоттага тегишли, деган фикрга кўниколмасдим. Хуллас, ўзимни йўқотиб қўйдим, жуфтларни аралаштириб юбордим, натижада ўйиндаги тартиб мутлақо бузилиб кетди. Лоттанинг хушёrlиги ва чаққонлиги туфайлигина ўйинда қайтадан тартиб ўрнатилди.

Анчадан буён уфқда яраклаётган чақмоқ ўйин та- мом бўлмасданоқ, янада кучая бошлади, мен уни шуъла деб бошқаларни ишонтирмокчи бўлардим. Момақалдироқ мусиқа овозини босиб кетди. Учта хоним қатордан чиқиб кетди, ҳамроҳлари уларга эргашишди; ҳамма аралаш-қуралаш бўлиб кетди, мусиқа ҳам тинди. Агар баҳтсизлик ёки бирор кўнгилсиз воеа хурсандчилик пайтида юз берса, у янада кучлироқ таъсир этиши табиий, чунки, биринчидан, бундай пайтларда қарама-қаршиликни айниқса кўпроқ ҳис этамиз, иккинчидан, ҳисларимиз янада ўткирлашган бўлади ва дарҳол туйғуларга берилиб кетамиз. Баъзи аёлларнинг бемаъни қилиқларига сабаб қилиб шуларни кўрсатишими мумкин. Энг ақллиси деразага орқасини ўғиргани ҳолда бурчакка ўтириб, қулоқларини маҳкам беркитиб олди. Бошқаси унинг олдида чўкка тушиб, бошини биринчисининг кўйлагига яширди. Учинчиси орқасига суқилиб, синглисини бағрига босганича, кўз ёши тўкарди. Бир нечаси уйга жўнаб қолди; бошқалари ўзларини йўқотиб кўйишганди, худо шаънига маъсум аламдийдаларнинг лабларидан отилиб чиқаётган аянчли ёлборишиларни гўёки тутиб қолишга уринган ёш, шўх йигитларимизнинг кўполликларини тийиб қўйишга уларда дадиллик етишмасди.

¹ Променада – бундай ўйин иштирокчилари кўл ушлашиб, марш садоси остида зал бўйлаб оддий қадам ташлаб юрадилар (тарж.)

Эркакларнинг баъзилари тинчгина чекиб олиш учун пастга тушиб кетиши; бошқа меҳмонлар эса, дарчали деразасига парда тутилган хонага ўтишга унданган ҳовли бекасининг илтифотини жон деб қабул қилиши. У ерга тўпланиб улгурмасимизданоқ, Лотта стулларни доира шаклида териб чиқа бошлади ва ҳамма ўтиргач, бирор ўйин бошлашни таклиф қилди.

Баъзиларнинг яхширок фант умидида тамшаниб бўйинларини чўзишаётганини кўрдим.

— Санаш ўйнаймиз, — деди у, — дикқат! Мен давра бўйлаб ўнгдан чапга қараб айланаман, сизлар эса, навбати билан кетма-кет санайсизлар; жуда тез санаш керак, борди-ю бирор киши тутилиб қолса ёки адашса, бир шапалоқ ейди, шу тарзда минггacha санаймиз.

Ўйин анча қизик кўринарди. У кўлини юкори кўтариб давра бўйлаб айланана бошлади. Биринчи киши «бир» деди, унинг қўшниси «икки», учинчиси «уч» деди ва ҳоказо. У борган сари жадалроқ юра бошлади; биттаси адашиб қолди — шап! — бир шапалоқ! — кулгидан иккинчиси адашди — шап! — иккинчи шапалоқ. Лотта бўлса, яна ҳам тез айланарди. Мен икки шапалоқ едим ва у мени бошқаларга нисбатан қаттиқроқ урганини ички бир кувонч билан хис қилдим. Санаш минггacha етмасдан ўйин умумий кулги ва кий-чув билан тугади. Ҳар ким ўз таниши билан тўда-тўда бўлиб ажralиб кетди, момақалдироқ босилди. Лотта ортидан залга кирдим.

— Шапалоқ ейиш билан овора бўлиб дунёдаги ҳамма нарсани, ёмғирни ҳам унутиши, — деди у йўлакай.

Бунга жавобан ҳеч нарса деёлмадим.

— Ҳаммадан кўпроқ ўзим кўркувдим, — давом этди у, — бошқаларни руҳлантириш учун ўзимни дадил тутдим, карасам ўзим ҳам руҳланиб кетибман.

Дераза олдига бордик. Қаердадир момақалдироқ гулдиради, хузурбахш ёмғир томчилар, руҳни жонлантирувчи бўйга тўла илиқ ҳаво уфурарди. Лотта дераза токчасига тирсаги билан суюнганча атроф-

ни кузатарди, у аввал осмонга, сўнгра менга қаради, кўзлари жиққа ёш эди; қўлини менинг қўлим устига кўйди-да: «Клопшток!»¹ – деди. Шу заҳоти Лоттанинг хаёлига келган машхур қасидани эсладим ва шу сўз билан уйғотган хис-туйғулар денгизига ғарқ бўлдим. Ўзимни тутолмадим, кўзларимда кувонч ёшлари билан энгашдим-да, қўлини ўпдим. Яна кўзларига тикилдим... Олижаноб инсон! Сенга бу кўзлардаги илоҳий ёлқинни кўришни, менга эса кишини таҳқирловчи оғизлардан умрбод сенинг номингни эшиитмасликни насиб этсин.

19 июн

Утган дафъя хикоямнинг қаерида тўхтаб қолганимни эслаёлмайман; уйқуга чўзилганимда тун соат икки эди. Факат шу нарса ёдимда, холос. Агар ўшандা ёзиш ўрнига гап сотганимда эди, балки сени тонг отгунча ушлаб ўтирган бўлармидим.

Балдан қайтишда нималар бўлганини ҳали сенга айтиб берганим йўқ, мана, бугун ҳам бунга қўл тегмайди.

Куёш уфқдан бош кўтараётган пайт эди. Ёмғирда чўмилган ўрмон ва яшнаган дала атрофимизни қуршаган. Ҳамроҳларимиз мудрашарди.

– Сиз ҳам шулардан ўrnак олмайсизми? – сўради у мендан. – Тортинманг, – қўшиб қўйди яна.

– Бу кўзлар чараклаб тураг экан, мени уйку элитолмайди, – дедим кўзларига қаттиқ тикиларканман.

Биз уларнинг дарвозаларига етгунча сергак келдик, хизматкор қиз дарвозани секин очди ва Лоттанинг саволларига жавобан отаси ҳамда укаларининг саломатликларини, ҳозир ҳаммаларининг уйқуда эканликларини маълум қилди. Хайрлашарканмиз, ундан ўша куниёқ тағин кўришишга ижозат сўрадим, у розилик

¹ Клопшток (1724–1803) – Гёте ёшлиқ йилларида анча машхур бўлган немис шоири. Унинг «Баҳор байрами» қасидасига ишора килингани (тарж.)

билдириди ва мен келдим. Қуёш, ой ва юлдузлар аввалгидек ўз йўлларида айлангаётган бўлишлари мумкин, бироқ мен, шундан бўён қачон тун, қачон кундуз эканлигини – умуман атрофимдаги ҳеч нарсани пайқамайман...

21 июн

Мен, Худо севган бандаларигагина раво кўрадиган баҳтли кунларни кечираяпман; нима бўлганда ҳам дунё қувончларини, шунда ҳам асл маънодаги қувончларни тотмадим, деб айтишга ҳаққим йўқ... Сен Валҳаймни кўз олдингга келтирасан; деярли бутун куним шу ерда ўтади, бу ердан Лотта ёнигача яrim соатлик йўл. Унинг хузурида мен ўзлигимни ва инсон учун ато этилган бутун баҳтни ҳис этаман.

Мен Валҳаймни сайлгоҳликка танлаганимда, уни само бағрига шунчалик яқин деб ўйламагандим! Узок сайд қилган пайтларимда, ҳамма орзуларим макони бўлган овчилар саройини гоҳ чўққидан, гоҳ дарё бўйидаги текисликдан туриб юз марталаб кузатгандирман!

Кимматли Вилҳем! Инсонда дунёни кезиш, янги кашфиётлар қилиш ва кенг бўшлиқлар оғушига интилиш истаги нақадар кучли-я! Шу хақда кўп ўйга толаман. Аммо шу билан бирга, бизда ўзимизни ихтиёрий чегаралашга томон ички бир интилиш ҳисси яшайдики, атрофимиздаги нарсаларнинг ҳеч бирига парво қилмай бир маромда кун кечираверишни афзал кўрамиз.

Нақадар ажойиб: бу ерга келиб тепалиқдан кўркам водийни кузата бошлаганим ҳамоно, бутун борлик мени ўзига тортади... Ҳув, ана кичкина ўрмон!.. Қани энди унинг орасига шўнғиб кетсанг!.. Ана у ерда эса тоғ чўқкиси! Қани ўша чўққидан туриб поёнсиз ўлкани томоша қилсанг!.. Бир-бирига улашиб кетган тепаликлар ва сирли водийлар. О, кошкийди, уларнинг ичида йўқолиб кетсанг!.. Мен ўша ёққа қараб шошилламан ва излаганимни тополмай ортга қайтаман. О, бу



чексизликлар ҳам худди келажақдек йироқдир!.. Кўз олдимизни интиҳосиз туманли бўшлиқлар қоплаган, бизнинг туйғуларимиз ҳам шу бўшлиқда худди назаримиздек йўқолиб кетади. Биз унга томон интиламиш. Оҳ! Юрагимизни энг буюк, энг тотли ҳислар лаззатига кондиришга қанчалик ташнамиш-а! Истиқболга интилиб, кўзланган мақсадга етганимизда-чи, ҳайлот! Ҳаммаси тағин ўша эски ҳолига қайтаверади, биз бўлсак, яна ўша ожизлигимиз, чегараланганилигимиз-ча қолаверамиш, қалбларимиз эса, кўз илғамас бирроҳатни кўмсайди.

Шунга ўхшашиб, толмас дарбадар ҳам охир-оқибат ўз ватанини кўмсайди ва ўз кулбасида, умр йўлдоши кўксига бош қўйиб, фарзандлари даврасида, уларни боқишиш ташвишида, бутун ер юзидан излаб тополмаган роҳат-фароғатни топади.

Эрта тонгдан куёш билан бирга туриб Валҳаймга жўнайман. Ошхона боғидан ўзим учун шакарли нўхатлар тераман-да, ўтириб олиб уларни тозалайман ва шу орада Ҳомерни ҳам ўқийман. Ўз кулбамга келиб козонда ёғ доғлаб, нўхатларни сувга солиб, оловга кўйган пайларимда Пенелопа¹нинг довюрак хушторлари ҳўқиз ва чўчқаларни қай тарзда сўйганлари, ичларини тозалаб қовурганларини айнан кўз олдимга келтираман. Қадим ва кўхна турмушга хос белгиларни кундалик шахсий ҳаётимга осонгина сингдириш мумкинлигидан ўзга ҳеч нарса менга бунчалик тинчлик ва осудалик баҳш этолмайди.

Ўз меҳнати билан ўстирган бир бош карамни стол устига келтириб кўйган одамнинг беғубор қувончини қалбан ҳис этиш менга нақадар хузур бағишлади. Бунда киши нафакат карамнинг ўзини, балки у экилган беғубор тонг ва серқуёш кунни, у сугорилган файзли оқшомларни ҳамда экинининг барқ уриб ўсаётганини кўриб севинчга тўлган кунларини – ҳамма-ҳаммасини бир зум эслаб завқланади.

¹ Пенелопа – Ҳомер «Одиссея»си нинг қаҳрамони (тарж.)

Үтган куни шаҳардан амтманниги табиб келди, шу пайтда мен ерда – Лоттанинг укалари орасида ўтирадим: бири менга осилиб олар, иккинчиси тортқилар, мен эса уларни қитиқлардим ва ҳаммамиз овозимизнинг борича хохолаб кулишардик. Сұхбат да-вомида енгларидаги бурмаларини тинимсиз тортқилаб ўтирувчи ақидапараст вайсақи ҳисобланған табиб, на-заримда, менинг қилиқларимни маданиятли одамга хос эмас, деб ҳисоблади, буни очиқ айтмаса-да, юзи-дан яққол билиниб турарди. Аммо мен буни парвой-имга ҳам келтирмадим, роса оқилона сафсата сотишга қўйиб бериб, болаларнинг бузиб ташлаган қофоз уйча-ларини қайтадан куриб ўтиравердим. Шундан кейин у шаҳар айланишга кетди: амтманнинг болалари ёмон тарбияланған, Вертер уларни яна ҳам талтайтириб юборган, деб гап тарқатиби.

Ҳа, дўстим Вилҳелм, дунёда қалбимга энг яқини болалардир. Уларни кузатар эканман, кичкина вужуд-да вакти билан унга зарур бўладиган бутун куч ва фа-зилатларнинг куртак ёзаётганини сезаман; ўжарлигига келгусидаги қатъийлик ва саботлилик, шўхлигига эса, келажакдаги хушфеъллик, турмушдаги хавф-хатарларни енгиб ўтиш қобилияти ва бошқа хусуси-ятлар шу қадар яхлит ва шу қадар беғараз ҳолда кўзга ташланадики! Шунда инсоният Мураббийсининг олтинга тенг сўзларини қайта-қайта такрорлайман: «Агар ўзингиз болага айланмассангиз, унинг қалбига йўл тополмайсиз!»

Айни ўзимизга ўхшаган, ўрнак олишимиз лозим бўлганлари билан-чи, қадрли дўстим, худди бизга қарам кишилардек муомала қиласиз. Гўё улар ўз эр-кига эга бўлмасликлари лозим!.. Ахир, бизнинг ҳам ўз эркимиз бор-ку! Бунақа устунликни ким ўйлаб топ-ди?... Биз каттароқ ва мулоҳазалироқ бўлганлигимиз туфайли шундайми? Марҳаматли Тангрим, сен кўкдан туриб фақатгина катта-кичик болаларнигина кўрасан,

холос; шуларнинг қай бири сенга кўпроқ қувончли бўлса, буни ўғлинг¹ аллақачон маълум қилган. Одамлар унга ишонадилар, аммо амал қилмайдилар (бу ҳам эски гап!) ва болаларига ўз билганларича тарбия берадилар... Хайр, Вилҳелм! Шунча сафсата сотганим ҳам етар.

1 июл

Лоттанинг бирор беморга қанчалик рух бағишлай олишини ўз шўрлик қалбим мисолида ҳис қиласман. Ўлим тўшагида адо бўлаётган ҳар қандай хаста кишидан кўра, менинг қалбим кўпроқ азоб чекади. У бир неча кун шаҳарда, бир мухтарам аёл ёнида бўлади. Шифокорларнинг фикрича, бу аёлнинг ўнгланиши даргумон ва умрининг охирги лаҳзаларида Лотта ни ўз ёнида бўлишини хоҳлаганмиш. Ўтган ҳафта Лотта билан Ш... қишлоғининг руҳонийсини кўргани бордик: қишлоқ тоғ ёнбағрига жойлашган, у ергача бир соатлик йўл. Биз соат тўртларда етиб бордик. Лотта катта синглисини бирга олиб келган эди. Иккита улкан ёнғоқ дарахти соя ташлаб турган руҳоний ҳовлисига кирганимизда истараси иссиққина чол эшик олдида ўтиради, Лоттани кўргач, гўёки жон киргандек, ҳатто ҳассасини ҳам унутиб, унга пешвуз чиқмоқчи бўлди. Лотта югуриб бориб уни жойига ўтказгач, ўзи ҳам ёнига ўтириди, отасидан илиқ салом топширди, чолнинг кексалигидаги овунчоғи бўлган исқиртгина кенжасини эркалатди. У чолни қандай юпатганини, қулоғи оғир бўлгани туфайли чол эшиксин учун овозини кўтариброқ гапиришини, ёш ва соғлом бўлишларига қарамай тўсатдан қазо қилган кишилар, Карлсбад²нинг фойдаси ҳақида жон куйдириб ҳикоя килишини, келгуси йил ёзда чолнинг ўша ёққа боришга аҳд қилганини маъқуллашини, Лотта уни охирги марта кўрганидагига нисбатан ҳозир

¹ Насронийларда ота ва ўғил Худо ҳакида тасаввур бор, бу ерда ана шу ўғил назарда тутилмоқда (*тарж.*).

² Карлсбад – Европадаги курортлардан бири (*тарж.*)

анча тетик кўринишини айтиб, чолга далда берганини ўз кўзинг билан кўрсанг эди!

Бу орада мен руҳонийнинг хотинига ўз эҳтиромимни изҳор қилдим. Чолнинг руҳи анча тетиклашди ва мен, бизга бинойигина соя ташлаб турган ёнғок дарахтларини макташга улгурмасимданок, анча кийналиб бўлса ҳам, уларнинг тарихини сўзлаб бера бошлади:

— Каттасини ким экканини билмаймиз, — деди у. — Бирор у, бирор бу руҳоний эккан, дейди. Хув анави кичкинаси хотиним билан тенг, октябрда эллик ёшга тўлади. Отаси бу дарахтни эрталаб ўтқазган, ўша куни кечқурун эса туғилган. Мансаб жиҳатдан у менинг устозим эди. У киши бу дарахтга қанчалик меҳр қўйғанлигини сўз билан ифодалаб бўлмайди; мен ҳам бунга ундан кам ихлосманд эмасман. Бундан етти йил олдин юпун бир талаба сифатида шу ҳовлига илк бор қадам қўйганимда бўлажак қайлиғим мана шу дарахт остида нимадир тўкиб ўтиради.

Лотта унинг қизи қаердалигини сўради. Айтишларича, у жаноб Шмидт билан яйловга, батраклар хузурига кетибди, чол эса ҳикоясида давом этди:

— Кекса руҳоний мени ҳам, қизини ҳам жуда яхши кўрарди. Мен аввал унинг ёрдамчиси, кейин эса ўринбосари бўлдим.

Ҳикоя тугай деб колганда боғдан жаноб Шмидт билан руҳонийнинг қизи чиқиб келишди. У Лотта билан иссиқ кўришди, бу қиз менга хийла ёққанини яширмайман. Шундай шўх ва хушбичим қорамағиз қиз билан кишлокда вакт ўтказиш анча гаштли бўларди. Унинг жазмани (жаноб Шмидт қизнинг жазмани эканлигини пайқаш қийин эмасди) камгап одам бўлиб, Лотта уни сухбатга тортишга қанчалик уринмасин, барибир, у гапимизга аралашолмади. Кўнглимни хира килган нарса, айниқса, шу бўлдики, ундаги бу хусусият фикр доирасининг торлигидан ҳам кўра, кўпроқ ўжарлик ва бадфеълликдан эди. Бахтга қарши бу хусусият кейинроқ такрор кўзга ташланди.

Сайр пайтида Фредерика Лотта билан, гоҳида мен билан ёнма-ён юрганида унинг шусиз ҳам қорачадан келган юзи янада хиралашиб кетди. Шунда Лотта енгимдан тортиб, Фредерикага ҳаддан ташқари илтифот қилманг, дея огоҳлантириб кўйди. Агар одамларнинг бир-бирларини рухан эзишларини, айниқса, ёшлар ҳаётларининг гуллаган даврида ҳар қандай хурсандчиликлардан баҳраманд бўлиш ўрнига, арзимас гаплар учун кискагина қувончли дамларини йўқка чиқаришларини ва ўтган ишни қайтариб бўлмаслигини анча кеч тушуниб қолишларини кўрсам, беҳад эзилиб кетаман.

Бу воқеа мени тинч кўймади. Кечкурун рухоний ҳовлисига қайтгач, сут ичиб ўтиарканмиз, суҳбат мавзуи ҳаётдаги шодлик ва ғам-ғуссага кўчди. Мен ҳам пайтдан фойдаланиб кишилардаги ярамас хусусиятлар ҳақида ёниб сўзладим.

— Яхши кунлар оз, ёмон кўп, дея қўпинча зорланимиз, — сўз бошладим мен, — назаримда, бу нотўғри. Агар бизга ҳар куни Худованд ато этган яхшилик истиқболига самимий қалб билан чиқсан эдик, ёмонликка тўқнаш кслганимизда уни енгиш осонроқ бўлур эди.

— Бироқ қалбимизга буйрук беролмаймиз-да, — эътиroz билдириди рухонийнинг хотини, — вужудимизнинг ҳам ўзгача раъии бор! Агар кишининг кайфияти ёмон бўлса, у ҳеч қаердан ўзига жой тополмайди.

Мен унинг фикрига кўшилдим.

— Демак, унда бу ҳолни касаллик деб ҳисоблаб, керакли дори-дармонни топишимиз лозим, — деди.

— Мана бу маъқул гап, — гапга аралашди Лотта, — мен, масалан, кўп нарса одамнинг ўзига боғлиқ, деб ўйлайман. Ўзимдан қиёс: агар бирор нарсадан таъбим хира бўлса ёки зериксам, ўрнимдан ирғиб тураманда, бирор куйни хиргойи қилиб, боғда у ёқдан-бу ёкка юраман. Қарабсизки, бирпасда бинойидекман.

— Мен ҳам худди шуни айтмоқчи эдим, — Лоттани кувватладим мен, — ёмон кайфият ҳам эринчоқликка

ўұшайды, хусусан, унинг бир күриниши. Табиатан биз ҳаммамиз эринчоқмиз, аммо буни енгишда үзимизда куч топсак, ишимиз юришиб кетади; үзимиз ҳам бундан роҳатланамиз. – Фредерика гапга дикқат билан кулок соларди. Йигитча эса, биз үз-үзимизга, айникса, ҳис-түйғуларимизга хукмронлик қилолмаймиз, деб эътиroz билдири.

– Ҳозир гап ярамас ҳис-түйғулар ҳақида боряпти, бундан кутулишни ҳар ким ҳам жон-жон деб истайди, – жавоб бердим мен, – киши үз кучининг нималарга кодирлигини уни синаб күрганидагина билади. Борди-ю, киши bemor бўлса, барча дўхтирларга учрайди, үзининг илгариги саломатлигини қайта тиклаш учун ҳар қандай азобга, ҳар қандай аччик дорини ҳам ичишга рози бўлади, албатта.

Рухоний чол бизнинг мунозарага қўшилиш учун қулокларини динг қилиб турганини сезиб, овозимни баландлатдим ва унга караб гапира бошладим:

– Черков ҳар қандай иллатга карши тарғибот юргизади-ю, – дедим мен, – аммо ҳали черков минбаридан туриб ёмон одатларни танқид қилишганини эшитганим йўқ!¹

– Бу иш билан шаҳар рухонийлари шуғуллансан, – фикримни рад этди чол, – дехконларда ёмон одат бўлмайди; ҳар ҳолда баъзан бундай тарғибот ҳеч бўлмаса менинг хотиним ва жаноб амтман учун ортиклик қилмаган бўларди.

Ҳаммамиз кулиб юбордик, ўзи ҳам йўтала-йўтала самимий кулди. Шу орада мунозарамиз бироз узилди, кейин яна йигитча сўз бошлади:

– Сиз бадфельликни иллат дедингиз, менимча, бу муболага.

– Зинҳор, – дедим унга жавобан, – кишидаги ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам таъбини хира қилувчи

¹ Бизда ҳозир Лафатернинг шу мавзуга бағишланган ҳамда Исо пайғамбарнинг китоби хусусидаги ажойиб тарғиботи мавжуд (*муаллиф изоҳи*). *Лафатер* (1741–1801) – швейцариялик олим, ёзувчи ва диний тарғиботчи. Гёте уни шахсан таниган (*тарж.*)

хулқ шу номга лойикдир. Бир-биirimизни бахтли қилолмаганимиз устига яна камдан-кам мұяссар бўладиган озгина қувончни ҳам бир-биirimиздан тортиб олайликми? Кайфияти ёмон бўлса-да, бундан факат якка ўзи қийналадиган, бошқаларнинг тинчлигини бузмаслик учун бу ҳолатни яширишга ўзида етарли куч тополадиган одам бормикан ҳеч? Кўпинча, бад-феъллик ўз ярамаслиги учун ичдан алам чекишдан, ўз-ўзидан норозиликдан келиб чиқади, бу норозилик эса ўта бемаъниликка олиб келадиган ҳасадгўйлик билан боғлиқдир. Бахтли кишиларни кўрганимизда бу бахтни уларга ўзимиз баҳш этмаганлигимизни ҳис этиш чидаб бўлмас ҳолдир.

Менинг хаяжон билан сўзлаётганимни кўриб, Лотта кулимсиради, Фредериканинг кўзларида ялтираган ёш мени янада жўштириб юборди, гапимда давом этдим:

— Бироннинг қалбига ҳукмронликдан фойдаланиб, шу қалбда туғиладиган озгина қувончдан ҳам уни маҳрум қилувчи кишига лаънат дегинг келади. Дунёдаги ҳеч қандай тортиқ, ҳеч қандай юпатишлар ўша золимнинг ярамас киликлари билан заҳарланган кўнглини кўтаролмайди.

Шу лаҳзада юрагим тўлиб кетди; ўтмишдаги шунга ўхшаш баъзи воеалар хотирамда жонланди-да, юрагимни эзib юборди, кўзларимга ёш қалқди.

— Дўстларинг учун факат биргина яхшилик қил, у ҳам бўлса: уларни шодлиқдан маҳрум қилма, уларнинг бахтини ошир, бундан ўзинг ҳам роҳатлан – мана, ҳар куни ўзингдан талаб килишинг керак бўлган нарса. Киши қалбдан ўртанган, ғам-аламдан қақшаган пайтларида заррача бўлса-да, унинг дардини енгиллатишига кодирмисан? Энг қувончли кунларини сен оёқости қилган қизни, ниҳоят, даҳшатли дард енгиб, бутунлай мадорсиз ҳолда, сўник кўзларини осмонга тикиб, манглайнини совук тер томчилари коплаб ётганида, музлаб бораётган юракка қиттаккина дармон ва куч бағишлиш учун борлиғингни сарф этганингда ҳам уни ҳаётга

қайтаролмаслигингни ичдан ҳис этиб, худди жиноят-
чикек унинг тўшаги ёнида тик қотасан ва юрагингни
алам кемира бошлайди.

Бу сўзларни айтарканман, ўзим гувоҳ бўлган
айни шундай воқеани хотирлаш мени адо қилаёди.
Рўмолчамни кўзимга босганча даврадан чиқиб кетдим.
Фақат Лоттанинг «Кетадиган вакт бўлди», деб ортим-
дан чақирган овозигина мени хушимга келтириди. У
йўлда, ҳар нарсани юракка яқин олавермаслик керак,
бу нарса одамни еб ташлайди! Киши ўз-ўзини аяши
керак, деб мени койиди. О, малагим! Сен учуноқ яша-
шим лозим!

6 июл

У ҳалиям ўша ўлим тўшагида ётган аёл билан ово-
ра. Лотта шунчалик ғамхўрки, биргина назариёқ ки-
шига баҳт ато қилади, дардига малҳам бўлади.

Кечакорун унинг Марианна ва кичик Малхен
билан сайрга чиқишидан хабар топгач, у билан учраш-
дим, сайрга бирга кетдик. Бир ярим соатлар чамаси
айланганимиздан сўнг, шаҳар четидаги булок олдида
тўхтадик, бу жой мен учун нихоятда азиз эди, энди
эса янайам табаррукроқ бўлиб қолади. Лотта тош де-
вор устига ўтириди, биз унинг рўпарасида тикка тур-
дик. Атрофни кўздан кечирдим. Оҳ! Оғир танҳоликни
кечирган машъум онлар тагин хотирамда қайта жон-
ланди!

– Қадрдон чашма, – кўнглимдан кечирдим мен, –
ўшандан буён бирор марта ҳам сенинг оромбахшли-
гиндан баҳраманд бўлмаган, ҳатто йўл-йўлакай ҳам
сенга бирор назар ташламаган эдим.

Пастга қараб, Малхеннинг бир стакан сувни авай-
лаб олиб чиқаётганини кўрдим, Лоттага бокиб унинг
мен учун нақадар азизлигини ҳис этдим. Бу орада
кўлида стакан билан Малхен етиб келди. Марианна
ундан стаканни олмоқчи бўлди.

– Йўқ, йўқ! – қичкирди қизча мулоийимгина товуш
билан. – Лотхен, олдин сен ич!

Унинг сўзларидаги самимий меҳрибончиликдан шу даражада меҳрим жўшиб кетдики, уни даст кўтариб каттиқ ўпиб олишдан ўзимни тиёлмадим, қизча эса чинкириб йиглай бошлади.

— Яхши қилмадингиз, — деди Лотта. Мен уялиб колдим. У қизчанинг қўлидан тутиб, зинапоя бўйлаб пастга бошлади.

— Юр, Малхен, — деди у, — тез-тез бўлақол, юзингни булоқ сувига ювгин, ўшанда ҳеч нарса қилмайди.

Турган жойимда қизчани кузатардим: сехрли булоқ суви бутун ифлосликни ювиб ташлайди ва юзни соқол босиб кетиш хавфидан кутқазади, деган ишончда юзини хўл кўлчалари билан шунчалик берилиб ишқалардики! «Бўлди», — деди Лотта, шунда ҳам қизча, қанча кўп ювсам шунча яхши, деган фикрда юзини ишқаларди.

Ишон, Вилҳелм, мен ҳалигача ибодат манзарасини ҳеч қачон бунчалик эҳтирос билан кузатмагандим. Лотта юкорига чиққанида, бутун бир ҳалқнинг гунохини ювган пайғамбарларга топингандек, ўзимни унинг пойига ташлашни истардим.

Юрагим тўлқинланиб турганидан бўлган воқеани ичимда сақлаётмадим, кечкурун бир одамга айтиб бердим. У мени тушунади, деб ўйлагандим, негаки, у анча бамаъни одам-да. Лекин роса одамини топиб гапирибман. Унинг фикрича, Лотта нотўғри қилган, болаларнинг миясига ҳар нарсани сингдириш мумкин эмас, бундай муомала хато фикр ва ишончсизлик туғилишига сабаб бўлади, бундан болаларни ўз вактида асрай билиш лозим.

Унинг уйида бундан бир ҳафта бурун чўқинтириш маросими бўлганини эслаб эътиroz билдирамадим, бироқ ўзим бир ҳақиқатга содиқман: ширин хаёллар қанотида парвоз қилдириб, олий баҳт ато этувчи Тангри биз билан қандай муомалада бўлса, биз ҳам болалар билан шундай муомалада бўлишимиз лозим.



Гүдакмиз-а! Биргина нигоҳ бизни нималарга элтмайди! Ҳали ҳам гүдакмиз! Биз Валҳаймга борган эдик. Хонимлар каратада кетишиди. Сайр пайтида, на заримда, Лоттанинг тим қора кўзларида... тентакман, мени кечир! Аммо бу кўзларни бир кўрсанг эди!.. Гапни қисқа килақолай, чунки уйқум келиб кўзларим юмилиб кетяпти. Хуллас, хонимлар каратага жойлашишиди. Биз эса, – ёшгина В... Зелштадт, Одран ва мен – карета олдида турадик. Ўта шўх ва ҳазилкаш йигитлар хонимлар билан мулокотда эдилар. Мен Лоттанинг нигоҳига интиқ эдим. У гоҳ унга, гоҳ бунга қаарди! Бутун борлиғим билан ёлғиз унга бўйсуниб турсамда, менга, менгагина, унинг назари тушмади! Менинг қалбим ундан минг мартаба афв сўради! Лотта бўлса, менга назар ташламади! Карета кўзғалди! Кўзларимга ёш қалқди. Мен унинг ортидан караб қолдим ва карета деразасидан Лоттанинг шляпаси кўринди. У бурилиб қаради! Оҳ! Менга қарадимикан?

Дўстим! Ана шундай ноаниклиқдан бошим қотган. Мени биргина нарса овутади! Эҳтимол, у менга қарагандир? Эҳтимол! Хайрли кеч! Бориб турган гўдакман-а!..

Бирор жойда у ҳақда оғиз очгудек бўлишса, қанчалик ўнгайсизланишимни кўрсанг эди! У сенга ёқадими, деб сўрашганда-чи? Ёқади! Шу сўзни ўлгудай ёмон кўраман. Лотта кишидаги бутун хаёл ва туйгуларни қамраб олмасдан, шунчаки ёқиши учун одам қандай бўлмоғи керак! Ёқади! Яқинда мендан бирор: «Оссиан¹ сенга ёқадими?» – деб сўради.

¹ *Оссиан* – 1760 йилда шотланд шоири Макферсон ўз шеърларини тўплаб, «Оссиан кўшиклари» номи билан нашр эттирган эди (*тарж.*).

Фрау М...нинг аҳволи оғир; унинг умрини узайтири деб Худога ёлвораман, чунки унга Лотта иккалами бирга қайгурамиз. Мен Лоттани дугона гариникида камдан-кам кўраман, бугун эса у ғалати бир воқеан сўзлаб берди.

Чол М... бачканা, инжик, қурумсок одам бўлиб, хотинини мудом харажатдан қисиб келган. Лекин хотин ҳамиша кийин аҳвoldан кутулиш йўлини топарди. Бундан бир неча кун олдин дўхтир унинг тузалиши гумон деб ҳисоблагач, эрини ёнига чақирипти ва юрагини очипти (Лотта ҳам хонада экан):

— Сенга бир нарсани маълум қилишим керак, бўлмаса бу ўлимимдан кейин кўнгилсизлик ва тушунмовчилик туғдириши мумкин. Мен шу пайтгача иложи борича тежаб-тергаб хўжаликни тебратиб келдим. Аммо шу ўттиз йил давомида сени алдаб келганимни биргина сен кечирасан. Турмуш қурганимизнинг дастлабки пайтларида ейишга ва бошқа уй харажатлари учун арзимаган маблағ ажратардинг. Хўжалигимиз анча кенгайиб, даромадимиз ошганда ҳам шунга қараб хафталик харажатни кўпайтириш хаёлингга келмади; қискаси, қанчалик кўп талаб қилинмасин, сен барабири бир хафтага бир неча гулденни етказишимни талаб қилганингни ўзинг ҳам биларсан. Мен бўлсам миқ этиб оғиз очмасдим, этишмовчилик ўрнини хафтасига келган фойдадан тўлдирадим: уй бекаси пул ўғирлайди, деб хеч ким ўйламайди-ку, ахир. Мен пулни ҳавога совурганим йўқ ва бу ҳақда оғиз ҳам очмасдан, соғ виждан билан абадий кўз юмиб кетсам бўларди, лекин, мендан кейин хўжаликни қўлга оладиган аёл шу заҳотиёқ боши берк кўчага кириб қолиши, сен эса, менинг биринчи хотиним тежаб-тергашни бильарди, дея ўз гапингни ўтказишинг мумкин эди.

Инсон кўзининг ақлга сиғмас даражада парда бошиб қолиши хусусида Лотта икковимиз гаплашиб ўтиридик. Ахир, наҳотки, одам, етти гулден ўрнига

икки баравар кўпроқ харажат қилинаётганда, бунда бирор гап бор, деб гумон қилмаса! Аммо пайғамбарнинг қайнар хумчаси уйида пайдо бўлиб қолганда ҳам бунга ҳайрон бўлмайдиган одамларни ўз кўзим билан кўрганман.

13 июл

Йўқ, мен адашаётганим йўқ! Унинг тимқора кўзларида менга ва менинг тақдиримга нисбатан ҳақиқий ҳамдардлик балқиб турипти! Ҳа, сезяпман, бунга юракдан аминман... Ох, у... у мени севади! О, бу сўзлардаги сеҳрни ифодалаб бера олармиканман?..

У мени севади!.. Бу мени ўз назаримда қанчалик юксакликка кўтаради! Ахир, мен... Бу ҳақда сенга очик айтаверишим мумкин, у мени севишини билганимдан буён ўз-ўзимга топинишими яхши тушунасан...

Бу фикрим сурбетликоми ёки ҳақиқий туйғуми, билмайман. Ҳар ҳолда Лоттанинг қалбини рақибим банд этган, деб ўйламайман. Шундай бўлса-да, барибир, агар Лотта куёви ҳақида гапирса, бекиёс хурмат ва меҳр билан гапирса, ўзимни худди шамшири тортиб олинган, ҳар қандай обрў ва мансабдан маҳрум этилган кишидек ҳис этаман.

16 июл

Қўлларимиз тўсатдан бир-бирига тегиб кетса ёки стол остида оёқларимиз учрашса, бутун борлиғим қанчалик ларзага келишини билсанг эди! Оловдан кўркқандек ўзимни тортаман, лекин яширин бир куч мени яна олдинга ундейди! Бошим чир айланади!.. Лотта-чи... ўзининг сoddадиллиги ва соғлиги туфайли бу майда-чуйда яқинликлар мени қай даражада азоблашини билмайди. Сухбатлашиб ўтирганимизда у қўлини менинг қўлларим устига қўйса ёки гапга қизиқиб кетган дамларда менга яқин келиб, сеҳрли нафаси лабларимга урилса – ўзимни тўлқинда ғарқ бўлаётгандек ҳис қиласан... Қулоқ сол, Вилҳелм! Мен бирор кун мана шу самимий ишончдан ёмон мақсадда

фойдаланишга журъат этсам-чи?.. Сен мени тушунасан, дўстим!.. Йўқ, менинг қалбим бу даражада ярамас эмас. Албатта, у кучсиз!.. Шунинг ўзиёқ иллат эмасми, ахир?..

Лотта мен учун муқаддасдир. Унинг қаршисида ҳар қандай истак ҳам юзага чиқолмайди. Унинг ҳузурида ўзимни йўқотиб қўяман. Вужудимдаги ҳар бир томир ларзага келгандек туюлади... у бир сехрли куйни фортелианода шундай содда ва жозибали қилиб завқ-шавқ билан chaladiki! Бу унинг энг севган куйи! Бу куйнинг ilk садоларини тинглаганимданоқ гўё бутун ғам-ғусса ва ташвишлардан кутулгандек бўламан. Мусиқанинг сехрли қути ҳақидаги эскидан қолган гапларга сўзсиз ишонаман. Оддийгина бир оҳанг мени қанчалик ҳаяжонга солади! Ўз-ўзимни отиб ташлашни истаб турган пайтимда у яна шу куйни chaladi! Қалбимдаги изтироб ва туманлик ёзилиб кетади-да, қайтадан эркин нафас ола бошлайман.

18 июл

Вилҳелм! Бизга муҳаббатсиз ҳаётнинг нима кераги бор? Нурсиз сехрли чироқ нима-ю, бу нима! Сен уни ёққанингдаёқ турли-туман ранглар оппок деворда товлана бошлайди! Бу ўткинчи саробдан бўлак нарса бўлмаса-да, биз уни кўргач, болаларча севинамиз ва ғаройиб ҳодисага маҳлиё бўлиб турамиз. Бугун Лотта билан кўришолмадим: бир неча эзма кишилар ёнида тутилиб қолдим. Энди нима қилиш керак? Ҳеч бўлмаса, унинг ҳузурида бўлган одамни кўриш мақсадида у ёққа хизматкоримни юбордим. Уни сабрсизлик билан кутдим ва шунчалар қувонч билан қарши олдимки! Агар журъат этганимда эди, унинг бошини кўксимга босиб, ўпиб олган бўлардим.

Айтишларича, бонон тоши¹ни офтобга кўйса, у куёш нурларини ўзига ютармиш, кейин анча вақтгача

¹ Бонон тоши – оғир ялтироқ тош бўлиб, 1602 йилда болон-йелик этиқдўз Карсиоролс топган, шу сабабли бонон ёки болониё тоши деб юритилади (*тарж*).

коронғуликни ёритиб турармиш. Хизматкорим ҳам, назаримда, шундай эди. Лоттанинг назари унинг юз-кўзларига, ливрея¹ сининг тугмаларига, плашининг ёқасига тушган, деган туйғу мен учун шундай муқаддас ва кимматли эдики! Шу дақиқада хизматкоримни минг талерга ҳам алмаштирган бўлардим. Унинг ҳузурида ўлтириш улкан баҳт эди. Ҳудоё, сен бундан кулма! Вилхелм, бизга севинч баҳш этувчи нарсалар саробми?

19 июл

«Мен уни кўраман!» дея ҳайқираман ўзимча тонгда уйғонганим заҳотиёқ заррин қуёшга кувонч билан боқарканман, – «мен уни кўраман!» Бутун кун бўйи бундан ўзга истагим йўқ. Ҳамма-ҳаммаси шу умидга сингиб кетади.

20 июл

Сизларнинг маслаҳатларингга кириб, хеч ҳам элчи билан ...га бормоқчи эмасман. Бирорга қарам бўлишни ёқтиримайман, элчининг бемаъни одам эканлигини эса ҳаммамиз яхши биламиз. Онам менинг бирор иш билан шуғулланишимни истаганини ёзиссан. Бу гапинг кулгимни қистатади. Нима, ҳозир бекорчиманми? Мен нўхат саралайманми ёки тариқми, аслида барибир эмасми? Бу дунёда ҳамма нарса беҳуда натижага олиб келади. Кимки виҷдонан ва ўз истаги билан эмас, балки бошқаларга ёқиш мақсадидагина пул, обрў ёки яна бошқа бирор нарса учун меҳнат қилса, у – тентакдир.

24 июл

Расм солишини ташлаб юбормаслигим учун жуда қайғураётганлигинг туфайли, охирги пайтда жуда оз иш қилганлигимни сенга маълум қилишдан кўра, яхшиси, бу ҳақда тўхталмай қўя қолай.

¹ *Ливрея* – Европа мамлакатларида хизматкорлар киядиган уқали кийим (*тарж.*).

Мен ҳеч қачон бунчалик баҳтта мушарраф бўлмагандим, энг майда тош ва гиёҳдан тортиб, бутун табиятга бўлган муҳаббатим ҳеч қачон бу қадар улкан ва чуқур бўлмаган эди, аммо буни қандай ифодалашни ҳам билмайман... Менда тасвирилаш қобилияти шунчалик сустки, ҳамма нарса кўз олдимда сирли тумандек айланишади-да, бирорта ҳам манзарапи илғаб ололмайман. Назаримда, агар сариқ лой ёки мум бўлса, шундан бирор нарса ясаёлсан керак. Агар шу ҳолат давом этаверса, лой оламан-да, ясаб кўраман, бирорта шакл ҳосил бўлар-ку, ахир!

Лоттанинг портретини ишлашга уч марта киришдим ва ҳар сафар ҳам бунинг улдасидан чиколмадим. Кўпроқ алам қилгани шуки, илгаригидек бирор кўринишни дарҳол илиб ололмайман. Бир пайтлар унинг силуэтини чизгандим, энди шу билангина чекланишга мажбурман.

25 июл

Ҳа, азизим, Лотта, барча айтганларингни бажо айлайман, менга иложи борича кўпроқ ва тез-тез юмушлар буюринг. Сиздан факат бир нарсани ўтинаман: ёзган номаларингизга кум сепманг¹. Бугун хатни лабларимга теккизганим захотиёқ тишлиларим орасида кум ғижирлай бошлади.

26 июл

У билан камрок учрашай деб бир неча маротаба ўзимга сўз бердим. Аммо сўзда туриб бўлармиди! Ҳар куни ўз-ўзимни алдайман ва эртага учрашмасликка чин ваъда бераман, тонг отгач, арзимаган бир важ топаман-у, кўз очиб-юмгунча унинг ҳузурида пайдо бўламан. Ёки у кечқурун: «Эртага албатта келарсиз?» – деб айтиб кўяди. Бу гапдан кейин ким ҳам бормай туроларди! Ё бўлмаса, у менга бирор топшириқ беради, жавобини эса ўзим етказишни маъқул кўраман. Ёки

¹ Илгариги вактларда сиёҳни куритиш учун коғоз устига кум сепишган (*тарж.*).

ҳаво ғоят яхши бўлади-да, мен Валҳаймга жўнайман, бу ердан унинг ёнигача ярим соатлик йўл, холос! – Бунчалик яқин масофада интилиш янада кучаяди. Ҳаш-паш дегунча кўрибсанки, ўша ердаман. Бувим магнит тоги ҳакида эртак айтардилар: кемалар ўша тоқка яқин сузиб келишганда, улар ҳамма темир қисмларидан ажралишган, михларни тоғ тортиб кетган ва бечора денгизчилар эса, вайрон бўлган ёғочлар орасида ҳалок бўлишган.

30 июл

Алберт келди, энди кўринмаслигим лозим. У одамларнинг энг яххиси, энг олижаноби бўлганида ҳам ва мен ўзимни ҳар жиҳатдан ундан паст ҳисоблаганимда ҳам, барибир, уни шунчалик камолот эгаси сифатида кўриш – чидаб бўлмас ҳолдир. Ҳа, ҳа, камолот эгаси! – Қисқаси, Вилҳелм, куёв келди! У яхши, ёқимтой одам, у билан аҳил бўлмок керак. Яхшиямки, учрашганларида йўқ эдим! Бўлмаса, ўртаниб адо бўлардим. Бунинг устига шунчалик сипоки, ҳали бирор марта ҳам менинг хузуримда Лоттани ўпгани йўқ. Бунинг учун уни Тангри ярлакасин! Шундай қизни ардоклай билганлиги учун ҳам уни кадрласа бўлади. Менга ҳам муносабати яхши, бу унинг ўз идрокидан кўра, кўпроқ Лоттанинг таъсири бўлса керак, деб гумон қиласман. Бунга аёллар уста бўлишади ва тўғри қилишади ҳам. Чунки икки ошиқ йигит бир-бири билан аҳил бўлса, уларнинг фойдаси-да, аммо бундай ҳоллар камдан-кам учрайди.

Бироқ Алберт ҳурмат қилишга арзигулик одам. У босик, мен эса, аксинча, қизиқконлигимни кўпинча яширолмай қоламан. Унинг муҳаббати юксак ва у Лоттанинг кадрига ета билади. Афтидан, у ғамгин кайфиётда бўлишни унча ёқтирмайди ва сен биласанки, кишилардаги иллатлардан энг ёмон кўрадиганим – мана шу.

Алберт мени ақлли одам деб ҳисоблайди, Лоттага бўлган меҳрибонлигим ва ҳар бир ҳаракатидан

кувонишим, Албертнинг шодлигини оширади ва Лоттани янада кўпроқ севади. У заррача бўлса-да, Лоттани рашик қилмайди, деб айтольмайман, ҳар ҳолда ўзим унинг ўрнида бўлганимда, бу нусхага хайриҳоҳ бўлишимни худо биларди.

Алберт нима бўлса бўлаверсин-у, аммо Лотта ёнида бўлишдек қувончдан энди бенасибман. Бу нима, тентакликми ёки хаёлпастликми? Бирор нарса деб аташнинг ҳожати борми?! Аҳвол ўз-ўзидан аён-ку!.. Ҳозир нима билсам, буларни Алберт келгунига қадар ҳам билардим. Лоттага бирор нарса деб даъво қилишга ҳакким йўқлигини ҳам билардим ва ҳеч нарса даъво ҳам қилмадим. Ҳар ҳолда бу даражада илтифотли бўлишга ҳожат йўқ эди, энди эса, рақиби келиб, севимли қизини тортиб олса, бу ландовур тағин ҳайрон ҳам бўлади.

Тишимни тишимга босиб, ўз баҳтсизлигимдан куламан, лекин мени тақдирга тан беришга ундовчи кишилар устидан ўн баробар ортиқча кулган бўлардим. Демак, аҳвол ўзгармас экан... Мени бундай бефаҳмлардан халос этинглар!.. Ўрмонда у ёқдан-бу ёкка югураман, Лотта олдига келганимда, у Алберт билан боғдаги айвончада ўтирган бўлса ва ўзимнинг бу ерда ортиқчалигимни сезсам, жиннилик қилиб турли-туман бемаъни қиликлар бошлайман.

– Худо ҳақки, ўтинаман сиздан, кечагидек ўйин кўрсатманг! – деди Лотта. – Сизнинг қувноқлигингиз гоят кўрқинчли.

Гап орамизда қолсин-у, Алберт банд бўлган пайтни пойлаб бир зумда ўша ерга бораман. Агар Лотта ёлғиз бўлса, ҳаддан ортиқ севиниб кетаман.

8 август

Азизим Вилҳелм! Ишон, бизни азалий тақдирга бўйсунишга ундовчи кишиларни беҳад қоралаганимда, мутлако сени кўзда тутмаган эдим. Сен ҳам шундай фикрга кела олишинг мумкинлигини ҳатто ўйлаб ҳам кўрганим йўқ. Аслини олганда, сен ҳақсан. Азиз

дүстим, ҳаётда фақат бир нарса, яъни ё униси, ё буниси, деган масала жуда кам ҳолларда ҳал қилинган. Ҳис-туйғулар ва қилиқлар худди кирғибурун ва пучукбурунлар ўртасидаги фарқقا ўхшаб турлитумандир. Сенинг ҳамма исботларингни тан олсам-да, шу билан бирга ана шу ё униси, ё буниси масаласини ҳал қилишга уриниб кўрсам, албатта, мендан ранжи-массан.

Айтасанки, ё Лоттага етишишдан умидинг бор, ёки бутунлай умидсизсан. Биринчи ҳолда, ўз истагингни амалга оширишга урин, акс ҳолда, ўзингни кўлга ол ва охири сени ҳароб қиладиган аянчли туйғудан қутулишга урин...

Азизим! Бу айтишгагина осон, холос, ҳа...

Мабодо, дармонни кури туувчи касаллик секинаста ўлимга элтаётган бирор баҳтсизни кўрсанг, ундан: «Узингга битта ханжар ур-да, барча азоблардан ҳолос бўл», – деб талаб қила олар мидинг? Ахир, кишининг дармонини кури таётган мана шу хасталик, ундан қутулишга бўлган журъатни ҳам емирмайдими? Албатта, сен: ким ҳам бўшанглик ва иккиланиш туфайли ўз ҳаётини хавф остида қолдиришдан кўра, қўлини қирқтиришни афзал кўрмайди?.. Ёки шунга ўхшаш бошқа бирор мисол билан жавоб беришинг мумкин. Эҳтимол, шундайдир! Кел, мисоллар келтиравериб бир-биrimизни безор қилмайлик!.. Етар!.. Ҳа, Вилҳелм, мен ўзимда баъзан шундай журъат сезаманки, гўё отилиб туриб, ҳамма нарсани ўзимдан ирғитиб ташлаб, юргум келади, бироқ қаёққалигини ўзим ҳам билмайман.

Кечқурун

Кўпдан буён ташлаб кўйган кундалик дафтарим бугун яна қўлимга тушиб колди ва воқеа-ходисаларни шунчалик батафсил қайд этганлигимга ҳайрон қолдим! Ўз аҳволимни очик-ойдин кўриб турсамда, барибир, худди боладек қилиқлар қилганман, ҳозир ўшандаги аҳволимни янада аниқроқ тасаввур



киляпман, бирок эс-хушимни йиғишга уринаётганим ҳам йўқ.

10 август

Мен бунақа тентак бўлмаганимда, энг ширин, энг баҳтили ҳаёт эгаси бўлишим мумкин эди. Ҳозир мен бошдан кечираётган қалбга роҳат бағишлиовчи мумтоз лаҳзалар камдан-кам бўлади. Киши ўз баҳтини ўзи яратади, деган гап нақадар тўғри-я!

Энг ажойиб оиланинг аъзоси ҳисобланаман, мўйсафид мени ўз ўғлидек, болалар ўз отасидек севишиади. Лотта эса!.. Ундан кейин, соғдил Алберт ҳам турли ярамас қиликлар билан баҳтимга халақит бермайди, мени дунёда Лоттадан кейин энг қимматли кишиси ҳисоблайди! Биласанми, Вилҳелм, сайр қилиб юарканмиз, у билан Лотта ҳақида бирга сұҳбатлашиш биз учун туганмас қувончдир. Дунёда бундай аҳволдан ҳам кулгилироғи бўлмаса керак. Кўпинча бундан ийғлагим келади.

У менга, Лоттанинг волидаи муҳтарамаси ўлими олдидан хўжаликни ва болаларни Лоттага, Лоттани бўлса, унга васият қилиб қолдирганини айтиб берди. Шундан буён Лотта гўё кайта туғилган: хўжалик ташвишлари билан у худди онадек бўлиб қолган. Ҳаётининг ҳар бир дақиқаси жўшқин муҳаббатсиз ва меҳнатсиз ўтмайди. Лекин шу билан бирга, қувноқлик ва хушчақчақлик ҳеч қачон уни тарқ этмаган! У шуларни ҳикоя қиларкан, мен унинг ёнида юриб, йўл четидаги гулларни териб, уларни тартиб билан дасталайман ва... ёнимизда оқаётган анҳорга иргитаман-да, уларнинг оқим бўйлаб сузишини кузатаман... Сенга бу ҳақда ёзганманми, йўқми, билмайман: Алберт шу ерда қолади ва анча сердаромад мансабга ўтиради, бу идорада уни беҳад ҳурмат килишади. Иш юзасидан эпчиллик, тиришқоқликда унга тенг келадиган кишини ҳали учратганим йўқ.

Алберт дунёдаги энг яхши кишилардан, албатта. Кеча ўртамизда кизиқ бир тортишув бўлиб ўтди. Мен унинг олдига хайрлашгани келгандим. Чунки менда тоққа отда саёҳат қилиш фикри туғилиб қолди, ҳозир шу ердан сенга ёзяпман. Хонада у ёқдан-бу ёқка юарканман, унинг тўппончаларига кўзим тушиб колди.

– Саёҳатга чикишимда тўппончаларингни бериб тур, – дея илтимос қилдим.

– Агар ўзинг ўқлаёлсанг олакол, – деди у, – уларни безак учунгина бу ерга осиб қўйганмиз, холос.

Улардан бирини михдан олдим, у сўзида давом этди: – Ўз эҳтиёткорлигим кўнгилсиз бир ҳодисага сабабчи бўлганидан буён уларни кўлимга ҳам олмайман.

Ўша воқеани билишга кизиқиб қолдим.

– Уч ойча қишлоқда, бир ошнамнида яшадим, иккита ўкланмаган тўппончам бор эди, чунки ҳеч қанака ҳавф ҳам йўқ эди. Ёмғирли кунлардан бирида зерикиб ўтириб, турли бўлмагур фикрлар хаёлимга келаверди: бизга кимdir ҳужум қилиб қолса-я, тўппончалар зарур бўлиб қолса-я, унда... Қисқаси, бунака васвасаларни ўзинг тушунасан... Тўппончаларимни хизматкоримга бериб, уларни тозалашни ва ўқлашни буюрдим, у бўлса, ҳазиллашиб, кизларни кўркитмоқчи бўлди, шомпол ҳали чиқарилмай туриб, қўққисдан тўппончадан ўқ чиқиб кетди, шомпол бир қизнинг ўнг қўлига тегиб кетиб, бош бармоғини парчалаб юборди. Бунинг учун менга анча таъна эшитишга ва қизни даволаш учун харжатни кўтаришга тўғри келди, шундан буён қуролни ҳамиша ўкламасдан қўяман, мана эҳтиёткорликнинг оқибати, азиз дўстим! Ҳавфни олдиндан сезмайсан-да, киши!.. Аммо...

Биласанки, агар шу «аммо»сини ишлатмаса, Албертни жуда яхши кўраман. Ҳар бир қоиданинг ҳам истисно томони борлиги ўз-ўзидан тушунарли эмасми? Лекин, у шу қадар адолатлики, борди-ю, назарида фикри умумийроқ, яхши ўйланмаган, шошқалоқлик

билан айтилган бўлса, шу нарсанинг туб моҳиятига етмагунча қўймайди, сени изоҳлар, гумонлар ва эътиrozларга кўмиб ташлайди. Бу сафар эса, унинг ҳам фикрлари чалкашиб кетди, ниҳоят мен ҳам унга бутунлай қулоқ солмай қўйдим, ҳазил тариқасида кескин бир ҳаракат билан тўппонча оғзини пешонамга тирадим.

— Кўйсанг-чи! Бу нима қилиқ? — деди Алберт мендан тўппончани тортиб оларкан.

— У ўқланмаган-ку, ахир, — эътиroz билдиридим мен.

— Барibir, бундай қилишнинг ҳожати йўқ, — деди у аччиқланиб, — кўз олдимга келтиролмайман, одамнинг шу қадар телбаликка — ўзини-ўзи отиб ташлашга қандай кўли бораркан? Шу бўлмағур фикрнинг ўзиёқ кўнглимни айнитади.

— Жуда ғалати-да бу одамлар, — деб юбордим мен, — ҳар бир нарса учун дарҳол изоҳ топасизлар; у тен-таклик, бу ақллилик, у яхши, бу ёмон! Ахир, шу ҳам энди гап бўлдими? Бунинг учун ҳар бир ишнинг ички сабабини текшириб кўрасизларми? Содир бўлган ва содир бўладиган воқеаларни аниқ кўрсата оласизларми? Агар шундай қилганингизда эди, бунчалик шошилиб хулоса чиқармаган бўлардингиз.

— Ахир, қулоқ солсанг-чи, — деди Алберт, — баъзи қиликлар қандай туйғулар туфайли келиб чиқишидан қатъий назар, ақлга сиғмайди.

Елкамни қисдим-да, унинг фикрини мъқуллаб кўя қолдим.

— Бирок, дўстим, — гап бошладим яна, — бунда ҳам баъзи истисно томонлар бор. Ўғирлик, албатта, иллат ҳисобланади: ўзини ва оиласини очликдан кирилиш хавфидан кутқазиш мақсадида ўғирлик қилишга мажбур бўлган одам ачинишга лойиқми ёки жазогами? Ҳақконий қаҳри келиб, ўз бевафо хотинини ва унинг ярамас хушторини қурбон қилган эркакка, ёки бўлмаса, эҳтиросли лаҳзаларда муҳаббатнинг бир со-ниялик лаззатига ғарқ бўлиб, ўзини йўқотган кизга

ким ҳам тош отади? Ҳатто биздаги хукуқшунослар, совуккон расмиятчилар ҳам бундай ҳолларда бироз бўшашибадилар, жазолашга шошилмайдилар.

— Бу бошқа гап, — жавоб берди Алберт, — чунки одам ҳис-туйғуларга берилиб кетиб, фикрлаш қобилиятини йўқотади ва кишилар унга мастга ёки жиннига қарагандек қарайдилар.

— Эҳ, сиз ҳушёрлар! — дедим кулимсираб. — Жўшкинлик! Мастлик! Жиннилик! Сиз, ақлли кишилар эса, вазмин ва бетараф бўлиб, бир чеккада турасизлар-да, мастларни коралайсизлар, уларни четлаб ўтасизлар, рухоний ҳамда фарисей¹ларга ўхшаб, сизларни ҳам шулардек қилиб яратмагани учун ҳудога шукур қиласизлар. Ўзим ҳам бир неча марта маст бўлганман, мендаги қизиққонлик ҳатто жинниликкача бориб етган, бироқ мен бироргаси учун ҳам ўқинмайман, негаки, ҳамма буюк кишилар бирорта улкан, хаёлга келмаган ишни амалга оширишса, ҳамиша уларни маст ёки жиннига чиқаришларига аллақачон имоним комил бўлган. Мана шу кундалик ҳаётда ҳам бирорта кутилмаган ишга эндинга дадил, вижданан киришган одам кетидан: «Бу одам маст! У жинни бўлган!» — деб ғийбат қилганларини эшитсанг, токатинг ток бўлади, кишининг. Уят эмасми, ахир, ҳушёрлар! Уят эмасми, донолар!

— Бу сенинг навбатдаги хом хаёлинг, — деди Алберт, — ҳамиша бир гапни кўпиртириб юрасан, ҳозир эса, мутлақо ноҳақсан. Ҳозир ўз-ўзини ўлдириш ҳақида гап боряпти-ю, сен буни буюк ишлар билан таққослаб ўтирибсан. Ўз-ўзига қасд қилиш ростдан ҳам кучсизлик-ку, турмуш азобларини енгишдан кўра, тинчгина ўлиб қўяқолиш осон-да, ахир!

Гапни бўлишга тайёр эдим, чунки чин қалбимдан сўзлаган пайтимда агар бирортаси, ҳаммага маълум арзимас ҳақиқатларни менга пеш килса, тоқат қилолмайман. Бироқ бундай гапларни эшитавериб ва

¹ *Фарисей* — қадимги Иудия (Яхудия)да, шахар бойлари ўртасида тузилган диний-сиёсий ташкилот аъзоси (*тарж.*).

аччиқланавериб ўрганиб қолганлигим туфайли ўзимни тутдим ва хийла жўшиб гапира бошладим:

– Сенингча, бу кучсизликми? Ўтинаман, гапнинг моҳиятига етмай туриб ҳукм чиқарма. Мустабид ҳокимнинг бенихоя зулмидан эзилган ҳалқ ниҳоят кўзғалса ва зулм занжирини узиб ташласа, сен буни ҳам кучсизлик дейсанми? Агар бирор одамнинг уйига ўт тушса-ю, у қўрқувдан кучга бўлиб, одатда жойидан қўзғата олмаган юкни осонгина кўтариб чиқса, ёки бўлмаса, бирор киши, аламдан қаҳри келиб, олти киши билан олишиб, барчасини енгса, сенингча, бу ҳам кучсизлик ҳисобланадими? Демак, азизим, тиришиш – кучлилик экан, нега энди, ҳаддан ортиқ шиддат унинг акси бўлсин?

Алберт менга тикилди-да, деди:

– Аччиғинг келмасин-у, лекин сен келтирган мисолларнинг бу масалага мутлақо алоқаси йўқ.

– Эҳтимол, шундайдир, – дедим мен, – менинг фикрларим кўпинча мақтанчоқликка бориб етишини кўп мартараб юзимга айтишган. Қани, бундек ўйлаб кўрайлик-чи, авваллари кўнгилли туюлган ҳаёт юкини ўз елкасидан ирғитиб ташлашга қарор қилган одамнинг кайфияти қанақа бўлиши мумкинлигини тасаввур кила олармиканмиз? Ўзимиз бироз ҳис эта оладиган нарса ҳақидагина фикр юритишга ҳаққимиз бор, холос.

– Одамдаги тоқатнинг ҳам чегараси бор, – сўзимда давом этдим мен, – инсон қувончни ҳам, дарду алами ҳам маълум бир чегарагача кўтара олади, ўша чегарадан ўтдими, бас, у сўзсиз ҳалок бўлади. Демак, бу ерда гап унинг кучли ёки кучсизлиги ҳақида эмас, балки одам ўз азоблари меъёрига – у маънавийми ёки жисмонийми, барибир, бардош бера олиши ҳақида боряпти. Менимча, қаттиқ безгакдан ҳалок бўлган кишини қўрқок дейиш, қанчалик ақлга сиғмаса, ўзўзини ўлдирган одамни ҳам кўрқоқка чиқариш, номаъкулдир.

– Парадокс!¹ Бутунлай парадоксал ҳулоса! – хитоб қилди Алберт.

– Сен ўйлаганчалик эмас, – зътиroz билдиридим мен, – одам гоҳо шундай касалликка йўлиқадики, на-тижада у тамоман ҳолдан тойиб ёки фаолиятсиз бўлиб қолади, буни қайта тиклаш, ҳар қандай нажотбахш уриниш билан ҳам ҳаётни кўнгилдаги изга тушириш имкони бўлмайди, бу фикримга қўшиларсан, энди эса, дўстим, буни руҳий соҳага татбиқ этамиз. Ўз ички хаёллари гирдобида қолган кишига бир назар ташла: ташқи таъсиrlар уни қанчалик эзib, хира фикрлар унда мустаҳкам илдиз ота боради, ниҳоят, кун сайин ўсиб борувчи ғайритабиий бир куч уни ўз-ўзини идо-ра қилиш қобилиятидан маҳрум қилади ва ҳалокатга элтади.

Хотиржам, мулоҳазали дўстнинг баҳтсиз киши аҳволини муҳокама қилиши ҳам, унга панд-насиҳат қилиши ҳам бефойда. Бу худди ўз кучидан беморга заррача ҳам баҳш этолмасдан, унинг тўшаги ёнида турган соғлом киши ҳолатига ўхшайди.

Алберт учун буларнинг барчаси умумий гаплар ҳисобланарди. Шунда мен унга, яқиндагина сувдан ўлик ҳолда топилган қизни эслатдим ва бу киз фожиасини қайта ҳикоя қилдим:

– Бир хилдаги кундалик ишлар, уй юмушларининг тор доирасида ўсган, фақатгина оз-оздан пул тўплаб сотиб олган кийимларини якшанба кунлари кийиб, дугоналари билан шаҳарда сайр қилишга, катта базмда бир озгина ракс тушишга боришдан, айниқса, бир соат-ярим соат кўшниси билан бировларнинг гийбатими ёки олди-кочди гаплар ҳақидами берилиб гап сотишдан бошқа кўнгил очишни билмайдиган ёшгина қизнинг жўшқин қалбida ниҳоят яширин истаклар пайдо бўла бошлайди, эркакларнинг хушомадлари буни янада кучайтиради, илгариги кувончлар

¹ Парадокс – тўғри, соғлом фикрга қарама-қарши бўлган ёки умум томонидан кабул қилинган фикрдан кескин фарқ қиласидиган фикр (марж.).

Энди уни қониктирмайди ва, ниҳоят, у шундай кишини учратадики, аллақандай күзга күримас бир түйғу уни ўшанга томон торта бошлайди, унинг барча умидлари факат ўшанга қаратилади, у бутун борликни унутади, ҳеч нарсани эшитмайди, күрмайди, сезмайди, фақат ўшанигина күмсайди. Бетайин түйғунинг пуч лаззатидан сабоқ олмаган қызы, максадга интилади: ўшаники бўлишни, ўзи истаган бахтга бирга етишишни, ўша интилган барча қувончлардан роҳатланишни истайди. Тинимсиз въдалар умидларига мадад беради, беҳад эркалашлар ундағи ҳис-түйғуни янада оширади, бутун қалбини ром этади; у барча шодликлардан олдиндан лаззатланиб, телбалардек тентирайди; ниҳоят, у бағрини очиб, ўз орзулагиша пешвоз чиқади ва... севгилиси уни ташлаб кетади. Эсанкираган, ақлини йўқотган ҳолда у чукур жар ёқасида турибди, ҳаммаёқ зулмат кўйнида: на бирор тасалли, на бирор умид нишонаси бор! Ахир, уни севгилиси ташлаб кетган, унинг бутун ҳаёти ўшанга боғлиқ эди-да! У атрофидаги дунёни ҳам, йўқотганининг ўрнини босиши мумкин бўлган кишиларни ҳам кўрмайди, ўзини яккаёлғиз, бутунлай ташландик ҳис этади... ва даҳшатли маънавий қашшоқликдан сиқилганича, бутун изтиробларини ҳар томондан бостириб келаётган ўлимга ғарқ қилиш учун кўзини чирт юмади-да, ўзини пастга отади. Кўрдингми, Алберт, бу кўпларнинг қисмати! Айт-чи, шу ҳам касаллик аломати эмасми? Киши бирбирига қарама-қарши кучлар тўсифидан кутулишга йўл тополмайди ва ҳалокатга учрайди. Бу воеаларни кузатаркан: «Тентак! Сабр қилсанг бўларди-ку, пайти келиб, иккиланишлар йўқоларди, тасалли бера оладиган бирорта киши топилиб қоларди, ахир!» дейдиган кишини мен қоралайман. Бу ҳам худди: «Тентак! Қизикконлик туфайли ўлиб кетди. Ўзини кўлга олса, юрагидаги туғён, жўшқинлик босилгунча чидаса бўларди-ку: унда ҳамма нарса ўз изига тушган, мана ҳозир яшаётган бўларди!» деган гапнинг ўзгинаси.

Албертни бу мисол ҳам унчалик кониқтиrmади ва менга ақлдан озган бир қизни мисол қилиб күрсатдинг, деб фикримни рад этди. Дунёкараши кенг, күпни күрган ақлли бир одам шуни ҳам англаб етолмаса, бундай кишини оқлаб бўлармишми?

— Дўстим! — мурожаат қилдим унга, — инсон ҳамиша инсондир. Одамдаги қизиқонлик шиддатли тус олган пайтда ундаги заррача ақлнинг деярли аҳамияти қолмайди ва у инсонликка хос чегарадан чиқиб кетади. Айниқса... бу ҳақда бошқа пайт гаплашармиз, — дедим-да, шляпамни қўлга олдим. Ох, шу пайтда юрагим тўлиб турарди!.. Бир-биримизни тушунмасдан хайрлашдик. Бу дунёда камдан-кам кишилар бир-бирларини тушунадилар.

15 август

Шу нарса аниқки, дунёда муҳаббатгина киши ни азиз қиласди. Мен буни Лотта мисолида сезаман; менинг ҳар куни келишимгагина кўз тикадилар. Бугун Лоттанинг фортелианосини тузатиш учун уларникига бордим, лекин дарҳол ишга киришолмадим, чунки болалар эртак айтиб берасиз, деб туриб олишди. Лотта ҳам уларнинг илтимосларини бажаришимни истарди. Уларга кечки овқатга мен нон улашдим. Улар нонни мендан ҳам худди Лоттадан олган-дек, бажонудил оладилар. Шундан сўнг уларга банди қилинган малика¹ ҳақидаги севимли эртакларини айтиб бердим. Уларнинг бундан олган таассуротларидан ҳайратда қоламан, ишонасанми, ўзим болалардан кўп нарса ўрганаяпман. Баъзан бирорта воқеани ўзимдан тўкиб айтишга тўғри келади, агар янаги сафар бунинг бирор жойи хаёлимдан кўтарилиб қолса, улар дарҳол, аввал бошқача эди, деб колишади, шунинг учун энди ҳеч бир ўзгартириш киритмасдан, ҳаммасини

¹ Ушбу эртакда тасвиirlанган малика нон-сувни камоқхона де-ворларидан ғайритабийи холда ўсиб чиқадиган кўллардан олади (тарж.)

бир бошдан худди илга тизилгандек айтиб беришга ҳаракат қиляпман. Бундан шундай хulosага келдимики, агар ёзувчи ўз асарининг иккинчи нашрига бадиий жиҳатдан мукаммал тузатишлар киритса-да, барibir, бу, китобга зиён келтиради. Кишилар илк таассуротга кўпроқ бериладилар ва ҳар қандай ҳақиқатдан узоқ нарсаларга ҳам ишонаверадилар, у мияга чукур ўрнашади; бу билан ҳисоблашмайдиган одам хато қиласди.

18 август

Нега шунақайкин-а, кишига баҳт келтирувчи нарса, унинг азобларига ҳам йўл очиб беради?

Менга шу қадар роҳат бағишилаган, кўзимга ёруғ дунёни бамисоли жаннат кўрсатган табиатга бўлган улкан ва эҳтиросли муҳаббатим энди бениҳоя азобга айланган, у худди бераҳм шарпадек, ҳамма жойда менга эргашиб юради. Авваллари чўққига чиқиб, дарёдан тортиб узоқ тепаликларгача, бутун гуллаётган водийни кузатардим ва теварак-атрофдаги ҳамма нарса ўсаётганини ҳамда хаёт қайнаётганини кўтардим, этагидан тортиб чўққисигача сервикор, қалин дарахтлар билан қопланган тоғларга, ажойиб ўрмонлар соя ташлаб турган, эгри-буғри бўлиб кетган водийларга тикилардим, тинч дарё шивирлаб турган қамишлар оралаб оқарди, кечки енгил шабадада кўкда сузаётган оппроқ булатлар сувда акс этарди; ўрмонни жонлантирган қушларнинг ғала-ғовурига қулоқ солардим, милёнлаб пашиша тўдалари ботиб бораётган куёшнинг қизил шуъласида ғужғон ўйнашарди ва охирги ёруғ шуъла ғувилаётган кўнғизни майса орасидан тортиб чиқаради, атрофимдаги ҳаракат ва қий-чуввлар назаримни ерга тортарди, мен турган яланғоч чўққидан озиқ оловучи йўсин ҳамда яйдоқ қумтепаликда ўсан бутоқ – буларнинг ҳаммаси менга табиатнинг қайнок, муқаддас ички дунёсини кўз-кўз қиласди; ўшанда ҳамма нарса тўлқинли қалбимдан жой оларди. Табиатнинг бу тўкин-сочинлиги ичидаги ўзимни гўё кўкда

хис этардим, бепоён оламнинг жозибали манзаралари борлиғимни тутёнга соларди. Улкан тоғлар мени куршаб турар, жарликлар олдимда ястаниб ётар, шидатли оқим пастга югурап, дарёлар оёғим остидан окиб ўтарди, ўрмон ва тоғларнинг товуши эшитилиб турарди; мана шу ақлга сиғмас кучларнинг мутаносиблиги ерда яратувчилик ролини ўйнарди; ер устида ва осмон остида эса, бехисоб турли-туман мавжудотлар ғимирлашарди, ҳамма-ҳаммаси хилма-хил шаклга эга. Одамлар бўлса, бир жойга тўпланишиб, уйларига бекинишиб оладилар-да, биз бутун дунёга ҳукмронлик қиласиз, деб кеккайдилар! Бедаво шўрлик! Фикр доиранг шу қадар тор бўлгани учун ҳам ҳамма нарсага шундай тор назарда карайсан! Осмонўпар чўккидан, инсон оёғи етмаган саҳродан тортиб, номаълум уммон қирғокларигача Худо таолонинг рухи кезиб юради ва яшаётган ҳамда уни англайдиган ҳар бир заррачадан шодланади... Ох, ўша пайтларда мен бошим узра учеби ўтаётган турнанинг қанотларига ўтириб кўз илғамас денгиз қирғокларига кетишни, абадий барҳаётликнинг лиммо-лим косасидан ҳаёт лаззатини симиришни, ўзида ва ўзи орқали ҳамма нарсани яратаетган кучнинг роҳатини заррача бўлса-да ҳис этишни чунонам истардимки!

Биласанми, кадрдоним, ўша лаҳзаларни хотирлашнинг ўзиёқ менга ҳузур бағишилади. Ўша таърифга сиғмайдиган туйғуларни хотирада қайта тиклаш, уларни ифодалашга уринишнинг ўзиёқ қалбимни тўлқинлантиради ва ҳозирги ҳолатимнинг даҳшатини янада кўпроқ сезишга ундаиди.

Гўё кўз олдимдаги сирли парда кўтарилиган-у, кенг, ёруғ дунё мен учун мутлақ очиқ лаҳаднинг тубсиз қаъридек туюлади. «Бу ўша! Уткинчи дунё! Ҳаммаси яшин тезлигига ўтади, ўз ҳаётидаги имкониятларни ишга солиб улгурмасдан тўлкинга ғарк бўлади. Ох! Тошларга урилиб, ҳалокатга учрайди», – деб айта олармидинг? Бирор дақика йўқки, сени ва яқинларингни емирмасин, бирор дақика йўқки, ўз их-

тиёрингдан ташқари бўлса-да, бузғунчи бўлмасанг; кичик бир сайд ҳам минглаб қумурскаларнинг ҳаётини қуритади, биргина қадам ташлашинг ўрслик чумолиларнинг машакқат билан курган уяларини вайронага айлантириб, бутун бир кичкина дунёни ер билан яксон қиласди. О, йўқ, менга таъсир қилган нарса фавқулодда очарчиликлар, қишлоқларингизни ювиб кетувчи селлар, шаҳарларингизни ютиб юборувчи зилзилалар эмас; қалбимни ўртаган нарса: барча мавжуд нарсаларни емиришдан ўзгага ярамайдиган, табиат қўйнида яшириниб ётган ҳолдан тойдирувчи кучдир. Мен шу алфозда кўркувда тентирайман. Атрофимда ер, осмон ва унинг ҳаётбахш кучи хукмрон, мен эса, ҳамма нарсани ямлаб ўз қаърига тортувчи тубсиз жарлиқдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайман.

21 август

Эрталаб оғир уйқудан кўз очиб, унга бехудага қўлларимни чўзаман; кечаси ширин туш кўриб, у билан гўё чаманзорда ёнма-ён ўтирган ва қўлларини минглаб бўсаларга кўмиб ташлаганимда, бекорга уни тўшагимдан излайман. Ўша ширин туш кайфида унга интиlamан ва бирданига уйғониб кетаман, оҳ! Эзилган юрагим кўз ёшлари селига бардош беролмай, зулматга элтувчи истиқболим учун ўксиб-ўксиб йиглайман.

22 август

Вилҳелм! Бу чинакам баҳтсизлик! Мендаги жўшқинлик ўрнини қандайдир бекарор лоқайдлик эгаллаган, бекор ҳам ўтиrolмайман, бирор иш ҳам килолмайман. Менда тасвирлаш қобилияти ҳам колмаган, табиатни ҳам ҳис этмайман, китоблар кўнглимни айнитади. Ўз-ўзимиздан жудо бўлдикми, демак, биз учун ҳамма нарса йўққа чиқади. Ишонасанми, эртанги кунимда бирор мақсад, интилиш ва умид билан уйқудан уйғониш ниятида баъзан ҳатто мардикор бўлишни ҳам истаб қоламан. Кулокларигача қофозга кўмилиб ишлаб ўтирган Албертга кўпинча ҳавасим ке-

лади. Агар унинг ўрнида бўлсам, ажойиб бўларди, дея фараз ҳам қилиб кўяман. Уқтирганингдек, элчихонада менга рад килмасликлари мумкин бўлган вазифани эгаллаш мақсадида сенга ва вазирга ёзишга бир неча марта ҳаракат килдим. Ўзим ҳам рад қилмасликларига ишонаман: вазир анчадан буён менга нисбатан илтифотли, бир неча марта, бирор ишга жойлаш, деб маслаҳат ҳам берди. Бир қанча вакт хаёлим шу билан банд бўлади, кейин эса, яхшилаб ўйлайман-да, озодликнинг қадрига етмай, ўз ихтиёри билан ўзини эгарлашга ҳамда эзиз минишларига йўл қўйиб берган от ҳакидаги масал ёдимга тушади¹... Нима қилишим кераклигини ўзим ҳам билмайман... Қимматли дўстим! Аҳволимни ўзгартиришга бўлган интилишим ҳамиша менга эргашиб юрадиган оғир бир ички нотинчликдир, балки?

28 август

Менинг дардимга шифо топиб бўлганида эди, шубҳасиз, бу мана шу одамларнинг қўлидан келарди. Бугун туғилган куним, аzonлаб Албертдан битта тугунча олдим. Уни очдим-у, даставвал, биз илк марта танишганимизда Лоттанинг кўйлагида кўрганим ва ундан бир неча марта илтимос килганим пуштиранг бантлардан бирига кўзим тушди. Бунинг ёнида яна миттиги на иккита китобча бор эди, булардан бири Ҳомернинг кичкина Ветштайн нашри² бўлиб, сайдр пайтида ҳаддан зиёд катта Эрнести нашрини³ кўтариб юрмаслик

¹ Бу антик даврдан қолган масал бўлиб, буғудан қочаётган от ёрдам сўраб одамга мурожаат килади ва унга бир умр хизматкор бўлиб қолади (*тарж.*)

² *Ветштайн нашри* – амстердамлик матбаачи И.Г. Ветштайн томонидан нашр қилинган Ҳомер асарларининг юон ва лотин тилларидаги тўплами (1707).

³ *Эрнести нашри* – лайпцихлик филолог, дин назариётчиси И.А. Эрнести нашр килдирган 5 жилдлик Ҳомер асарлари тўплами. 1759–1764 йилларда Лайпцихда юон ва лотин тилларида босилган (*тарж.*)

учун уни анчадан буён қидириб юрган эдим. Кўряпсанми, улар менинг истакларимни сезадилар ва кичкина бўлса-да, дўстона илтифот кўрсатишга интиладилар. Булар, дабдабали совғалари билан кекка-йиб, бизни ерга урадиган кишиларнинг тортикларидан минг марта афзалроқдир. Мен бу бантни тинимсиз ўпаман ва ўша қайтиб келмас, қисқа, баҳтли кунлар баҳш этган роҳатни хотирлаб, шундан руҳланаман. Шунаقا гаплар, Вилҳелм, мен нолимайман; ҳаёт гуллари факат хаёлдангина иборат! Уларнинг қанчаси из қолдирмасдан йўқолиб кетади! Факат озгина қисми ҳосил беради ва бу ҳосилнинг ҳам жуда ози етилади! Шунинг ўзи ҳам етарли бўлади, аммо... дўстим! Наҳотки, биз бу меваларни назардан қочирамиз, писанд қилмаймиз, уларни татиб кўрмасдан, чириб кетишига йўл қўямиз!

Хайр! Ҳозир гўзал ёз. Кўпинча Лоттанинг боғига чикаман-да, узун ёғоч билан тепадаги пишган нокларни қокаман. Лотта бўлса, пастда туриб уларни илиб олади.

30 август

Телба эмасманми мен шўрпешона? Ўз-ўзимни алдамаяпманми? Бунчалик жиловлаб бўлмас ҳадсиз интизорликнинг нима ҳожати бор? Мен факат унгагина топинаман; ҳаёлимда фақат ўшанинг қиёфаси кезади, оламдаги ҳамма нарсани факат ўша билан муносабатда кўраман. У билан қанчалаб баҳтли онларни кечиряпман, лекин барибир, ундан ажралишим керак!.. Ох, Вилҳелм! Қалбим мени гоҳида қаёқларга элтмайди!

Ундаги чирой, латофатдан, сермаъно сўзларидан роҳатланиб, ёнида икки-уч соатлаб ўтирсам, ҳис-туйғуларим борган сари кучайиб, кўз олдим коронғилашади, бир нарса худди яширин котилдек томоғимдан бўғади, юрагим дукуллаб, туйғуларга йўл очишга уринади ва изтиробимни баттар оширади... Вилҳелм, кўпинча дунёда бор-йўклигимни ҳам унутиб қўяман... баъзан юрак сиқилиши кучайиб кетса ва Лотта би-

розгина бўлса-да, унинг қўллари устига эгилиб, ғам-ҳасратларимни кўз ёшим билан ювишимни истамаса, унда бош олиб чиқиб кетаман! Далаларда тентирайман; тик тоғнинг тепасига тирмашиб чиқиш, бутоқларга урилиб, тиконларга шилиниб, ча-калақзорлар оралаб кезиш унда энг олий шодлигим бўлади. Шундан сўнгтина бироз ором топаман. Бирозгина! Гоҳида эса, толиқиши ва ташналиқдан йўлда йиқилиб қоламан, гоҳо ярим тунда тўлин ой нурида қалин ўрмондаги қийшик бутоқда ўтириб шилингган оёқларимнинг ҳордиғини ёзаман ва тонг отарда ҳолдан тойиб мудраб кетаман! Ох, Вилҳелм! Яккаю ёлғиз хужра, қилдан тўқилган жандা ва кишанингина қўмсайди қалбим. Хайр! Бу изтиробларнинг интиҳоси ўлимдан бошқа нарсага элтади, деб ўйламайман.

3 сентябр

Мен кетишим керак! Қароримни қувватлаганинг учун раҳмат сенга, Вилҳелм! Икки ҳафтадан буён, хузуридан йироклашишим керак, деган фикр билан тентираб юрибман. Кетишим керак. У яна шаҳарлик бир дугонасиникида меҳмондорчиликда. Алберт эса... қисқаси... мен кетишим керак!

10 сентябр

Бу шундай кеча бўлдики, Вилҳелм! Энди мен ҳаммасига чидаёламан. Уни ортиқ ҳеч қачон кўрмайман! Ох, дўстим, сенинг кўксингга ўзимни отиб, юрагимни ўртаётган хисларни алам ва маржон-маржон кўз ёшларим билан ифодалаб беролсан эди! Ҳозир бу ерда бўғилиб, қалб туғёнимни босишга уриниб ўтирибман ва тонг отишини кутяпман, отларни эрта тонгда келтиришади.

Ох, у бўлса, мен билан бошқа кўришолмаслигини хаёлига ҳам келтирмай, тинчтина ухляяпти. Икки соатлик сухбатда ўз ниятимни сездирмасдан ундан ажралишга ўзимда куч топдим. Ё Тангрим, яна қандай сухбат дегин!

Алберт менга, кечки овқатдан сўнг Лотта билан бокқа сайрга чиқишини айтди. Мен эса, улкан каштан дарахтлари остидаги айвонда туриб, охирги марта севимли водий, тинч дарё устида ботаётган қуёшни кузатардим. Ана шу гузал манзарани томоша қилиб, неча марталаб мен у билан турганман, энди эса... ўзим учун азиз бўлиб қолган бу хиёбон бўйлаб у ёқданбу ёққа юрабошладим. Лотта билан танишмасимдан олдин ҳам қандайдир сирли бир куч мени шу гўшага етакларди, учрашувимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу жойга ҳар иккимизда ҳам ихлос зўрлигини сезганимизда қанчалик севингган эдик, бу чиндан ҳам санъаткор кўли билан яратилган самовий гўшалардан бири эди.

Олдин каштан дарахтлари орасида кенг майдон кўз олдингда намоён бўлади. Айтганча, бу ҳакда сенга неча марталаб ёзгандим шекилли: баланд эман дарахтлари бир-бирига чирмасиб кетган, ёндош чакалакзор таъсирида хиёбон ҳамиша қоп-коронғи бўлади ва у ҳар томондан ўралган бурчакка бориб тақалади, бу бурчакда мудом даҳшатли танҳолик ҳукм суради. Бир куни ёзда бу ерга илк марта келганимизда, мени қандай ҳаяжон камраб олгани ҳозир ҳам ёдимда: бу гўша қанчалаб роҳат ва изтироблар макони бўлишини ўшанда ўзимча яққол тасаввур қилгандим.

Ярим соатлар чамаси висолу ҳижроннинг азобли ва ширин хаёлларига берилиб турганимда, уларнинг айвонга кўтарилаётганларини эшидим. Мен уларнинг истиқболига югурдим, титраганча Лоттанинг кўлидан тутдим-да, уни лабларимга тегиздим. Бутазор тепалик ортидан ой кўтарилганда биз эндиғина юқорига чиққан эдик; у ёқ-бу ёқдан гаплашиб коронғи айвонга етганимизни сезмай қолдик. Лотта ичкарига кириб ўриндиқка ўтирди. Алберт унинг ёнидан жой олди, мен ҳам; лекин ички ҳаяжон таъсирида ўтира олмадим, туриб кетдим, уларнинг олдида тик турдим, у ёқ-бу ёққа юрдим, қайта ўтирдим: бу даҳшатли бир ҳолат эди. Лотта кора қайназор охиридаги фусункор ой ну-



рига чўмган айвонга диккатимизни жалб этади. Фоят латиф манзара! Биз бу ерда тим қоронғиликда турганимиз учун у жой янада жозибалирок кўринарди. Биз жим ўтирадик, бироздан кейин Лотта гап бошлади:

– Агар ойдинда сайр қилсан ҳамиша марҳумлар хотираси кўз олдимда гавдаланади-да, келажак ва ўлим хақидаги ҳислар мени камраб олади. Биз йўқ бўлиб кетмаймиз, – давом этди у ёқимли овоз билан, – Вертер, биз яна қайта учрашамизмикан? Бир-биrimизни таниёламизми? Сиз қандай ўйлайсиз? Нима дейсиз шунга?

– Лотта, – дедим унга қўлларимни узатиб, кўзларим жикқа ёшга тўлди, – биз, албатта, учрашамиз! Бу ерда ҳам, у ёқда ҳам кўришамиз.

Вилҳелм! Мен ортиқ гапиролмадим, қалбимни айрилиқ хаёли ўртаётганда, унинг шу ҳақда сўраши шартмиди?

– Мехрибон марҳумлар билармиканлар, – яна гап бошлади у, – хушвақт пайтларимизда уларни эҳтиром билан хотирлашимизни сезармиканлар. О! Сокин кечаларда унинг болалари, ўзимнинг болаларим ўртасида ўтирганимда ва улар худди уни ўраб олгандек атрофимга тўпланишганда, онамнинг сиймоси кўз олдимга келарди. Соғинч ёшлари билан осмонга кўз тикиб, унинг бир зумгина бу ёкка назар ташлашини ва ўлими олдидан, болаларига она бўлиш учун берган сўзим устидан чиқаётганимни биргина марта кўришини истардим. Унга канчалик илтижо қиласман: «Мехрибоним, агар сенинг ўрнингни тўлиқ босолмаётган бўлсан, кечир! Ох! Ахир мен қўлимдан келган ҳамма нарсани қиляпман-ку! Уларни кийинтиряпман, едириб-ичиряпман, энг муҳими, севиб эркалаяпман! Биздаги тотувликни кўрсанг эдинг, муnis онагинам! Унда сен, ўлиминг олдидан болаларинг баҳти учун кўз ёши тўкиб топинганинг ўша яккаю ягона Худога минг қатла шукур килган бўлардинг!»

У ана шуларни айтди! Ох, Вилҳелм, ким ҳам унинг гапларини такрорлай оларди! Совук, ўлик ҳарфлар бу

рухнинг илоҳий қудратини қандай ифодалаб бера олсин!

Алберт меҳрибонлик билан унинг гапини бўлди:

– Бундай қилиб ўзингизни қийнаманг, азизам Лотта, биламан, сиз бунақа туйгуларга тез бериласиз, лекин, илтимос, кераги йўқ...

– Оҳ, Алберт, – деди у, – отам сафарда бўлган пайтларда болаларни ухлатиб, учаламиз юмалоқ стол атрофида бирга ўтказган кечаларни, биламан, унумайсан. Сен кўпинча бирорта қизик китоб келтирадинг, бироқ камдан-кам уни ўқирдинг, чунки ўшандай гўзал, мулойим, кувнок, ишлаб толмас, софдил аёл билан сухбатлашиш дунёда хамма нарсадан ортиқ эдида! Кечалари тиз чўкиб, мени ҳам унга ўхшатгин, деб илтижо билан тўккан кўз ёшларимни Худо инобатга олди.

– Лотта! – дея қичқирдим ва унинг олдида тиз чўкиб, кўлларини беҳисоб кўз ёшларимла ювдим. – Лотта! Худо марҳамати ва волидангиз руҳи ҳамиша сизнинг тепангизда ҳозир!

– Сиз уни билсангиз эди! – деди Лотта менинг кўлларимни қисар экан, – у сиз билан танишишга лойик инсон эди!

Ҳаяжондан нафасим қисилаёзди. Ҳали ҳозиргача ўзим ҳакимда бунчалик юксак, бехад манзур мақтов эшитмагандим. У сўзида давом этди: – Мана шундай аёл, ҳаётининг гуллаган даврида оламни тарк этди, кенжатои ҳали олти ойлик ҳам бўлгани йўқ эди. Касали узоқ чўзилмади, у тинч ва хотиржам эди. Фақат болалари, айниқса, кенжаси учун куйинарди. Аҳволи оғирлашгач, менга: «Болаларни ёнимга келтир!» – деди. Болаларни олиб кирганимда, улар онам тўшагини ўраб олишди, катталари ғамдан ўзини йўқотиб қўйган, майдалари эса, ҳеч нарсани тушуниш масди. Онам қўлларини юқори кўтариб, ўшалар ҳаққи Худога ёлборди ва ҳар бирини ўпгач, уларни чиқариб ўборди-да, менга васият қилди:

– Уларга она бўл! – Мен унга қўлимни узатдим, –

Қизим! – деди у, – сен уларга оналик вужудинг ва оналик эътиборингни бахшида кил. Бунинг нима эканини хис этишингни, сенинг қайнок кўз ёшларингданоқ бир неча марта сезгандим. Укаларинг учун она, отанг учун эса, садоқатли ва меҳрибон аёл ўрнини бос! Унга тасалли бер!

Кейин отамни сўради. Отам эса чексиз аламини биздан яшириш мақсадида уйдан чикиб кетганди, батамом ўзини йўқотиб қўйган эди. Алберт, сен ўшанда хонада эдинг. Онажоним кимнингдир юрганини сездида, бу сен эканлигингни билгач, ёнига чақирди. Кейин иккимизга тинч, хотиржам, очик чехра билан, сизлар биргаликда бахтли бўласизлар, дегандек назар ташлади.

Алберт уни бағрига босиб ўпаркан, хитоб қилди:

– Биз бахтлимиз! Бахтли бўламиз!

Хатто ҳамиша хотиржам Алберт ҳам ўзини тутолмай қолди. Мен бўлсам, ўзимни тамоман йўқотган эдим.

– Вертер! – мурожаат қилди у менга, – қаранг, шундай аёл дунёдан кўз юмса-я! Э, Худойим! Ҳеч аклим етмайди, қандай қилиб одам ҳётдаги энг севимили кишисини олиб кетишларига чидаб тура олади-я. Ҳеч ким буни болаларчалик чуқур хис эта олмайди. Улар, онамизни ёвуз одамлар олиб кетишли, деб анча вақтгacha бекорга зорланиб юришмади, ахир!

У ўрнидан турди. Мен бўлсам, ҳаяжон ва изтиробда жойимдан жилмасдан, унинг қўлини тутиб туардим.

– Кетайлик, – деди у, – алламаҳал бўлди. – У қўлини тортиб олмоқчи бўлди, мен уни қаттироқ қисдим.

– Биз қайта кўришамиз, – дедим мен, – биз топишамиз. Ҳар қандай киёфада ҳам бир-бўримизни танимиз. Мен ўз ихтиёрим билан кетяпман, – давом этдим мен, – ҳар ҳолда «умрбод кетяпман» дейдиган бўлсам бунга кучим етмасди, деб ўйлайман.

Хайр, Лотта! Хайр, Алберт! Биз яна кўришамиз.

— Балки эртага кўришармиз, — деди Лотта ҳазиллашиб.

— Бу «эртага»нинг нима эканлигини мен биламан! Ох! — У қўлини тортиб олаётib сезса эди... Улар ой нурига чўмган хиёбон бўйлаб кетишиди. Уларнинг ортидан кузатиб турдим-да, кейин ўзимни майсалар устига ташлаб юм-юм йиғладим. Ўрнимдан отилиб турдим-да, айвон четига бордим, пастда, баланд қайнин дараҳтлари соясидаги боғ эшиги олдида ок ҳарир кўйлагининг ҳилпираганига кўзим тушди; ўша ёкка кўлларимни чўздим, у ғойиб бўлди.

ИККИНЧИ КИТОБ

1771 йилнинг 20 октябрини

Бу ерга кеча етиб келдик. Элчининг тоби йўқрок, бир неча кун ишга чиқмаса керак. У бунчалик ичиқора бўлмаганда эди, иш жойида бўларди. Қисматим менга оғир синовлар ҳозирлаётганини сезяпман, сезиб турибман. Аммо, дадил бўлиш керак! Бепарвороқ бўлсанг, ҳамма нарса енгил кўчади! Бепарво бўлиш! Менинг қаламим шунаقا сўзларни ёзаётганига кулгим қистайди. Ох, бирозгина бепарво бўла олсайдим, одамларнинг энг баҳтлиси ҳисобланардим. Нима? Бошқалар ўзларининг арзимас кучлари ва қобилиятларини намойиш қилиб олдимда вазминлик билан кеккайишиб юришса-ю, мен ўз кучим ва истеъдодидан иккиланиб ўтирайми? Кудратли Тангрим! Менга нисбатан шу қадар сахийлик қилганингда, нега шунинг ярми ўрнига бефарқлик ва ўз-ўзимга ишонч ато этмадинг?

Сабр қилиш керак, сабр! Ҳаммаси ўз изига тушади. Бу хусусда сен тамоман ҳақсан, азизим. Бутун кунларимни одамлар орасида ўтказиб, уларнинг қай тарзда ҳаёт кечираётгандарига разм сола бошлаганимдан бўён ўз аҳволимга анча кўникиб қолдим. Ўзимизни бошқа нарсаларга, бошқа ҳамма нарсаларни ўзимизга

киёслаймиз, чунки биз шундай яратилғанмиз. Ғаму шодлик ҳам биз муносабатда бұладиган нарсалар-га боғлиқ, бунда энг хавфлisisи ёлғизлиқдир. Поэзия-нинг хаёлий образларидан озиқ олган, табиатан юк-сакликка интилувчи тасаввуримизда шундай кишилар қиёфаси яратилғанки, улар биздан гүё юкори туради, үзимиздан бошқа ҳамма нарса бизга жозибалироқ туюлади ва ҳар қандай бошқа одамни үзимиздан кўра етукроқ деб ўйлаймиз. Бу мутлақо табиийдир. Үзимизда кўп хислатлар етишмаётганини ҳар қадамда ҳис этамиз, уларни ўзга кишиларда кўрамиз, үзимизда мавжуд фазилатларни ҳам унга ёпишириб, яна бунинг устига уни руҳан тинч, бегам, деб ўйлаймиз. Шундай қилиб, биз хаёлан яратган баҳтли инсон тайёр. Аксин-ча, гоҳида иккиланиб, қудратимизга ишониб-ишонмай зўрга олдинга силжисак ҳам, бор кучини ишга солиб, жадал ҳаракат қилғанлардан кўра, йиқилиб-чалишиб бўлса-да, илгарироқ кетганимизни сезамиз, шунда бошқаларга етиб, ҳатто ўзиб кетиб, ўзингга бўлган ҳақиқий ишончни ҳис этасан киши.

26 ноябр

Ҳар қалай бу ерга кўника бошладим. Энг муҳими, иш кўп. Бундан ташқари, турли хулқ-атворли, ҳар хил тоифадаги кишилар билан аралашиб, шулар билан овуниб юрибман. Мен граф К... билан танишдим, борган сари унга бўлган хурматим ошяпти. У улкан ва теран ақл эгаси, лекин бу билан кеккаймайдиган, фикри кенг киши. Унинг муносабатларида одамохунлик ва олижаноблик ҳисси бирам балқиб турадики! Хизмат юзасидан берилган топширикни бажаришда ундан ёрдам сўраганимда, у мендан маслаҳатини аямади. Биз бир-биримизни тушунишимизни ва мендан ўзга бирор киши билан бундай муюмала қилиб бўлмасликни илк сўзларидаёқ уқтириди. Ўз навбатида, мен ҳам унинг менга нисбатан очиккўнгиллигини тасвирлашдан ожизман. Рост гап, сенга ўз бағрини очган

буюк қалбнинг иссиқ меҳрини туюшдан ҳам ортиқрок шодлик дунёда бўлмаса керак.

24 декабр

Элчи жонимдан тўйғазиб юборди, шундай бўлишини аввалдан билгандим. У уччига чиқсан аҳмок, бунақаси ҳали дунёга келмаган. У худди эзма хотинлардек қилдан қийиқ ахтаради. Ҳамиша ўз-ўзидан норози, бунинг устига бирор марта ҳам унинг кўнглини тополмайсан. Менга осон бўляпти: ёзувлар қандай турган бўлса, шундоқлигича кўчиряпман. Баъзан у қоғозни қайтариб: «Ҳар ҳолда дуруст-у, шундай бўлсаям яна бир кўриб чиқинг, янайам мосроқ сўз ёки тўғрироқ иборалар топиш мумкин бўлар», дейишдан ҳам тоймайди. Шунда қоним қайнаб кетади. Ҳатто бирорта боғловчи ҳам тушиб колмаслиги керак. Гоҳида билмасдан бирор сўзнинг ўрнини алмаштириб қўйсам, жон-пони чиқиб кетади. Жумлалар ҳамма вақт аник бир тахлитда тузилиши лозим, акс ҳолда у ҳеч нарса тушунмайди. Бундай одам билан ишлашнинг турганбитетгани азоб.

Менинг бирдан-бир юпанчим – граф К... билан дўстлигимдир. Якинда у элчининг инжиклиги ва ланжлигидан норози эканлигини очиқ-оидин айтди.

– Бундайлар ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнашади, лекин довондан ошиб ўтишга мажбур сайёхдек, шароитга кўнишишга мажбурсан, киши, – деди у, – ана шу довон бўлмаса йўл қулайроқ ва қисқароқ бўларди-ю, лекин ўша довон бор, демак, ундан ошиб ўтиш шарт.

Графнинг менга илтифот кўрсатишини чол сезади, бу унинг ғашини келтиради. У менинг ҳузуримда графни ғийбат килиш учун ҳар қандай қулай имкониятдан фойдаланади. Табиийки, мен бўш келмайман, бундан аҳвол тобора оғирлашади. Айниқса, кеча газабим қайнади, чунки у менга ҳам тил тегизиб ўтди: дунёвий таомилларга граф жуда уста, ишда қўли анча эпчил, қадами ҳам хийла дадил эмишу, лекин бошқа

барча адабиётчилар сингари чуқур билимдонликада ажралиб турмасмиш. Бунинг устига юз ифодаси гүё: «Қалай, бопладимми?» деб турарди. Барибир, бу менга заррача ҳам таъсир қилмади. Мен шундай ўйлайдиган ва ўзларини шу тахлит тутадиган одамлардан нафратланаман. Граф, ўз хислатлари билан ҳам, билими билан ҳам ҳар қандай ҳурматта лойик кишиидир, дедим.

– Ўз билимини кенгайтириб, уни умум манфаатига бағишкашга ва кундалик ҳаётда шу даражада фаол иштирок этиш бахтига мұяссар бўлган кишиларни камдан-кам учратганман, – дедим мен. Ачиған калла учун бу гаплар хитой девори эди; яна қандайдир ортиқча сафсата туфайли бутунлай ҳунобим ошмасин деб, тезрок чиқиб кетишга шошилдим.

Ишла, ишла, деб бошимни айлантиравериб, мени шу кишангә боғлаган сизлар айбдорсизлар. Иш эмиш! Кartoшка экиб, хосилини шаҳарга элтиб сотадиган одам мендан кўра кўпроқ фойда топади. Агар гапим ёлғон бўлса, ўзим михланиб қолган мана шу дўзахда яна ўн йил ишлашга тайёрман. Атрофимда ғимирлашиб ётган жоҳил одамлар ичиде зерикишни, гаройиб қашшоқликни айтмайсанми?! Улардаги шахсиятпарамстлик, бир-биридан озгина бўлса-да, олдинга кетиш учун хушёр туришлар, кузатишлар – бу очик ҳолдаги ўта пасткаш, ўта расво интилиш. Масалан, бир аёл, дуч келган одамга ўзининг мулки ва шуҳрати ҳақида мақтанади, ҳар қандай одам ҳам: «Вой тентак! Ўзининг арзимас шуҳрати ва мулки ҳақида оғиз кўпиртириб юрипти!» деб ўйлаши мумкин. Ҳаммадан аянчлиси шуки, бу аёл – маҳаллий бошқарма миразсининг қизи. Худо ҳаққи, тубан бир ҳолда ўзини шарманда қилишдан тортинмайдиган кишиларга ҳеч тушина олмайман.

Ростини айтсам, азизим, бошқаларни ҳам ўз тарозусида ўлчаш нодонлик эканлигига кундан-кун ишончим комил бўляпти, ўз ташвишларим бошимдан ошибб, қалбим чунонам қайнаб тошяптики, агар бошқалар мени тинч қўйишса, уларга тил ҳам тегизмасдим.

Ярамас ижтимоий муносабатлар, айникса, жигимга тегяпти. Табакаларни фарқлаш қанчалик мұхимлигіни, үзимга ҳам бу қанчалик фойдали эканлигини бошқалардан кам билмайман. Лекин бирозгина күвонч, дунёда заррача баҳтдан баҳраманд бўлганимда, бу тафовут йўлимга ғов бўлмаса бўлгани. Яқинда сайр пайтида, шундай алғов-далғов ҳаётда кўп фазилатларни ўзида мужассамлаштира олган қиз – фройлайн фон Б... билан танишдим. Сухбат давомида бир-бири мизга маъқул бўлиб қолдик, хайрлашарканмиз, уникига боришига ижозат сўрадим. У шунчалик очик кўнгиллик билан марҳамат билдириди, борадиган вакт бўлгунча тоқатим ток бўлди. У бу ерлик эмас, холасиникига меҳмондорчиликка келган. Кампир кўринишидан менга ёқмади. Мен кўлимдан келганча унга ҳурматзътибор кўрсатдим. Сухбат давомида иложи борича ўшанга мурожаат қилдим. Бироздан кейин шу нарса аён бўлди (бунга кейинроқ қиз ҳам икрор бўлди): кек-салигида бир неча аслзода авлодларидан ўзга на бир таянчга, на фаҳму фаросатга ва на кўзга кўринарли мулкка эга бўлмаган, ўз ижтимоий мавқеи пардасига ўралиб колган севимли холаси, аслзодалар табақасига мансублигини пеш қилиб кеккайишдан бошқа хузурни билмайдиган banda экан.

Айтишларича, у ёшлигида жуда гўзал бўлган ва дунёни куйдирган, ўз мағрурлиги билан қанчалаб шўрлик йигитларга азоб берган, ҳаётининг гуллаган даврида эса, арзимас даромадга қаноат қилиб, у билан умр кечирган ва дунёдан ўтган кекса офицерга бутунлай содик бўлиб қолган. Энди бўлса, бева қолган ҷоғида, борди-ю, суюкли жияни бўлмаганида, унинг танҳолигига ҳеч бир киши қайғурмаган бўларди.

1772 йилнинг 8 январи

Расмиятчиликка муккасидан кетган, йиллар давомида бошқалардан бир поғона юқори кўтарилишдан ўзга ўй-фикрлари ва интилишлари бўлмаган одамларни ким деб ҳисоблаш мумкин-а? Уларнинг бундан

бошқа ишлари йўқ, деб ўйлаш мумкин: аксинча, ишлари қалашиб ётипти, худди мана шундай тубан, ярамас одатлар муҳим ишларни бажариш истагига халақит беради. Ўтган ҳафта чанги сайрида жанжал чиқиб, бутун хурсандчилик елга учди.

Мавқенинг мутлақо аҳамияти йўқлигини, юқори мавқени эгаллаган киши камдан-кам асосий ролни ўйнай олишини бу аҳмоқлар нега тушунмайдилар-а? Вазирнинг йўл кўрсатиши билан иш юритадиган кироллар, котибанинг измидан чиқмайдиган вазирлар озми?! Унда кимни биринчи деб ҳисоблаш керак? Менимча, бошқаларни писанд қилмайдиган, бутун куч ва қобилияtlарини ўз режаларини амалга оширишга сарфлаш учун етарли қудрат ҳамда айёрикка эга бўлган кишинигина биринчи деб ҳисобласа бўлади.

20 январ

Азизим Лотта, мен Сизга каттиқ ёмғирдан яшириниб турган мана шу жойим, яъни деҳқонларнинг карвонсаройидан ёзишга мажбурман. Фамгин шаҳарча Д...да ёт, қалбимга тамоман ёт, бегона одамлар орасида тентирай бошлаганимдан буён, бирор марта, бирор дақиқа ҳам Сизга хат ёзишга ҳафсала қилганим йўқ; аммо деразачасига қор ва дўл тинимсиз урилаётган мана шу танҳо гўшада, одамлардан йирокда дастлабки хаёлим Сиз бўлдингиз. Бу ерга кирганимданоқ Сизнинг қиёғангиз кўз ўнгимда гавдаланди. Оҳ, Лотта! Бу шундай муқалдас, шундай қайнок туйғуки! Марҳаматли Тангрим! Шунча муддат давомида ilk баҳтли дам шу бўлса керак!

Малагим, бу паришонхотирлик гирдобида мени бир кўрсангиз эди! Қалбим гўё музга айланган! Юракни ҳаяжонга солувчи на бирор лаҳза, на бирор лаззатли он бор! Ҳеч нарса! Ҳеч нарса йўқ! Гўёки қўғирчок театрида ўтиргандекману, кўз олдимда одамчалар ва отчаларнинг қай тахлит ҳаракат қилишларини кузатман, булар кўзимга кўринмаяптими, деб кўпинча

ўз-ўзимдан сўраб қўяман. Мен ҳам гўё шу театрда ўйнайман, тўғрироғи, мени қўғирчоқдек ўйнатадилар, баъзан қўшнимнинг ёғоч қўлидан тутаман ва даҳшат ичида ортга чекинаман.

Куёш чиқишини кузатишни кечқурунок мўлжаллаб қўяман, бироқ тонгда тўшакдан қўзғала олмайман. Кундузи эса, ойдинда сайр қилиб роҳатлашишни кўнглимга туғиб қўяман, қани энди хонамдан чиқолсам. Нега ухлашга ётаман, нега ўрнимдан тураман – буни ўзим ҳам билмайман. Менга ҳаётий қувват бағишлийдиган манба энди йўқ. Тунлари кўзимдан уйқуни олиб қочадиган, субҳидамда уйғотадиган нур энди гойиб бўлган.

Бу ерда аёлларга хос хислатларни ўзида сақлаб қолган бирдан-бир кимса фрайлайн фон Б...дир. Уни бироз Сизга таққослаш мумкин, суюклим Лотта, лекин Сизга тенг келадиган зот бормикан! «Оҳ-ҳо, мақташга ҳам уста бўлиб қолибсиз!» деярсиз балки. Бунга қисман ҳақлисиз ҳам. Анчадан бери жуда сермулозимат бўлиб қолганман. Чунки бошқача бўлолмайман, кўп ҳазиллашаман, хонимларнинг фикрича, ҳеч ким менчалик қойиллатиб мактаёлмасмиш. («Алдаёлмасмиш ҳам», дея қўшимча қиласиз, эҳтимол, бусиз иш юришадими, тушуняпсизми?) Мен Б... исмли қиз ҳакида гапирмокчи эдим. Унинг мовий кўзларида қалб туйғулари жилоланиб туради. Юқори табақага мансублигидан заррача ҳам қувонмайди – бу уни қийнайди, холос. У ана шу тор кафасдан кутулишни истайди ва биз соатлаб осойишта қишлоқ ҳаёти ҳакида хаёл қиласиз, оҳ! Сиз ҳақингизда ҳам! У Сизни қанчалар кўкларга кўтаришга мажбур, йўқ, йўқ, мажбур эмас, у ўз ҳоҳиши билан шундай қилади! Сиз ҳақингизда сўзласам-чи, жон қулоғи билан тинглайди. Сизни яхши кўради...

Оҳ, саранжом-саришта хонада Сизнинг қаршингизда ўтиришни, севимли дўмбокчаларимизнинг атрофимизда қий-чув кўтариб ўйнашларини, Сизнингча, агар

улар түпполонни ҳаддан ошириб юборишса, вахимали эртаклар айтиб, тинчлантириб күйишни бирам истар-димки!

Кумуш кор қоплаб ётган водий устида күёш жи-мирлаб ботиб боряпти, бўрон ўтиб кетди, мен эса... яна ўз қафасимга қайтишим керак...

Хайр! Алберт ёнингиздами? Хўш, қандай? Бу саво-лим учун Худонинг ўзи кечирсин!

8 феврал

Бир ҳафтадан буён ҳаво айниган, мен бўлсам бун-дан шодман. Негаки шу ерга келганимдан бери би-рор марта ҳам кайфим чоғ бўлгани йўқ, кимдир рас-во қилмаган, заҳарламаган бирор кун йўқ. Мана энди ёмғир шаррос куйиб, гоҳ бўрон кутуриб, ер гоҳ музлаб, гоҳ эриб ётганда, кўчадан кўра уйда ўтириш яхшироқ-ку, ахир, деб ўйлайман-да, енгил тортиб кетаман. Агар эрталаб қўёш чараклаб, очик кундан дарак берса, мана, одамлар бир-бирларидан қизғанадиган тағин бир Худо марҳамати! – деб хитоб қилишдан ўзимни тиёлмай-ман. Улар саломатликни ҳам, яхши номни ҳам, қувонч ва осойишталиктни ҳам бир-бирларидан қизганишади! Кўпинча нодонлик, тушунмаслик ва калтабинлиқдан шундай қилишади, гапларига қулоқ солсангиз дуруст-гина кишиларга ўхшашади. Ичак-чавоқларини тилка-пора қилмасликлари учун гоҳида уларга тиз чўкиб ялингим келади.

17 феврал

Элчим иккимиз бир-биримизга ортиқ тоқат қи-лолмаймиз, деб қўрқаман. У ўта ярамас одам. Унинг ишлаш, раҳбарлик қилиш усули шунчалик кулгили-ки, фикрига қарши гапиришдан ўзимни тиёлмайман. Кўпинча, ишни ўз усулимча, ўз фикримдан чиқариб бажараман, табиийки, бу унга ҳечам ёқмайди. Иш шунгача бориб етдики, у устимдан саройга арз қилган ва вазир менга бироз бўлса-да, ҳар ҳолда танбеҳ берди, мен ишдан бўшаш ҳақида ариза беришга шайла-

ниб турганимда, вазирдан шахсий хат¹ олдим, бу шундай мактуб здики, ундаги буюк донолик ва самимият олдида бош эгишдан ўзга иложим қолмади. Бехад таъсирчанлигим учун у мени қанчалик койиган ва мени фойдали интилиш, бошқаларгатаъсир ўтказиш замухим ишларга аралашиш ҳақидаги чегарадан ортиқ фикрларимга ёшларга хос дадиллик сифатида қанчалик аҳамият берган, шу билан бирга, уларни бутунлай топтаб ташламасдан, балки бироз юмшатишга ҳамда уларни чинакам рўёбга чика оладиган ва кишиларга фойда келтира оладиган йўлга буришга ҳаракат килган! Бир ҳафта давомида бундан руҳим тетикланди ҳамда ўзимни кўлга олдим.

Маънавий сокинлик ва ўз-ўзидан қониқиши зап ажойиб нарса-да! Бу бойлик қанчалик қимматбаҳо ва гўзал бўлгани билан шунчалик мўрт бўлмаганида эди!

20 феврал

Худо ярлақасин сизларни, азизларим, мени маҳрум этган барча яхши кунларни сизларга ато этсин! Мени алдаганинг учун раҳмат сенга, Алберт: мен сизларнинг тўйларингиз ҳақида хабар келишини кутдим ва худди шу куни Лоттанинг силуэтини девордан тантанали тарзда олиб, уни бошқа қоғозлар орасига яшириб қўймокчи эдим. Энди сизлар эр-хотинсизлар, унинг силуэти эса, ҳалиям осиғлик турипти! Майли, тураверсин! Ахир, нега ҳам турмасин? Биламанки, мен сизлар билан биргаман ва сенга халақит бермаганим ҳолда Лоттанинг қалбида яшайман, ха, у ерда иккичи ўринни эгаллайман, мана шу ўринга эга бўлишни истайман, буни сақлаб қолишим шарт. Ох, борди-ю, у мени унутса... ақлдан озардим. Алберт, бу хаёл мен учун бамисли дўзахдир! Хайр, Алберт! Хайр, Лотта! Хайр, самовий фаришта!

¹ Бу обрўли жанобга ҳурмат юзасидан мазкур хат ва кейинрок эслатиладиган яна бир хат чиқариб ташланган, чунки бундай хатларни ошкор қилишдек журъатни ўқувчиларнинг энг илик муносабати ҳам кечириши гумон эди (*муаллиф изоҳи*).

Мени бу ердан кетишга мажбур килаётган бир күнгилсиз воқеа содир бўлди. Аламимдан тишимни қисиб ўтирибман! Жин урсин! Энди буни тузатиб бўлмайди, дидимга мос келмайдиган бу вазифани эгаллашга мажбур килган, кийнаган, шунга ундаған – сизлар айбдорсизлар. Мана энди мен ҳам, сизлар ҳам кўрадиганимизни кўриб ўтирибмиз! Балки сен одатдагидек, бунга ўзинг айбдорсан, мудом бир гапни кўпиртириб юрасан, деярсан, ундай бўлса воқеани, худди солномачидек, аниқ, муфассал баён этишимга руҳсат эт, жаноб.

Граф фон К... менга меҳрибон, серилтифот, бу сенга маълум, бу ҳақда юз марталаб ёзганман. Кеча у мени тушки овқатга таклиф қилган эди. Ҳамиша худди шу куни кечкурун уницида олифта жаноблар ва хонимлар йиғилишарди. Бу мутлақо ёдимдан кўтарилиб кетипти, биз куйи табақа кишилари бу даврага мансуб эмаслигимиз ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман. Шундай қилиб, графникида тушки овқатни егач, столдан туриб, катта залга ўтдик ва ўзаро сухбатлашиб, у ёқданбу ёкка юра бошладик. Кейин бизга полковник Б... ҳам қўшилди, шу тариқа меҳмонларнинг келадиган вақти ҳам яқинлашди. Ҳудо ҳаққи, ҳеч нарса хаёлимга келмасди. Шу пайт фон С... исмли олифта хоним эри ва ғозга ўхшаш ҳурпайган, кўкси теп-текис, хипчабел кизи билан кириб келишди ва *en passant*¹ аслзодаларга хос қиёфада хўмрайишар, бурунларини кўтаришар эди, шу тахлит нусхалар таъбимга мутлақо ўтирганмаганилиги туфайли тезрок бу ерни тарқ этмоқчи бўлдим ва граф ўшаларнинг ёқимсиз сухбатидан халос бўлгунча кутиб тургандим, фройлайн Б... истиқболимда пайдо бўлди. Уни кўрсам кўнглим ҳамиша таскин топади, шу боисдан кетмадим ва у ўтирган ором курси оркасида тик турдим. Анчадан кейингина унинг мен билан одатдагига нисбатан тортиниброк, бироз хижолат бўлиб га-

¹ En passant (*франц.*) – ўтаётуб (*тарж.*)

плашаётганини сездим. Ҳайрон бўлдим. «Наҳотки, у ҳам ҳамма бошқа кишилардек бўлса?» – ўйладим ундан ранжиб ва кетмоқчи бўлдим, лекин барибир қолдим, чунки бунга ишонгим келмасди, уни жон деб оқламоқчи бўлардим, ундан бирон оғиз ёқимли сўз эшитишга умидвор эдим... Ким билади, нега бундай. Бу орада меҳмонлар кўпая бошлиди. Франц I даврига оид бутун аскарий анжомларни такиб олган барон Ф..., сарой маслаҳатчиси Р... (уни бу ерда *in qualitate*¹ жаноб фон Р... деб атайдилар) кулоғи оғиррок рафиқаси билан, ҳатто даққионусдан қолган либосига янги латталарни ямаб олган жулдуровки И... ҳам ва бошқалар тўда-тўда бўлиб кела бошлиди. Мен эса, баъзи танишларимга сўз қотардим, ҳаммаси лўндагина жавоб қайтариб қўяқолишарди. Ҳеч нарса тушунолмасдим, сўнгра бор диккатимни фройлайн Б...га қаратдим. Залнинг нариги томонида аёллар ўзаро шивирлашганларини ва бу эркакларнинг ҳам қулоғига стиб келганини, натижада фон С... хоним граф билан гаплашганини мен сезмабман (буни менга кейинроқ фройлайн фон Б... сўзлаб берди), шундан кейин граф ёнимга келдида, мени дераза олдига етаклади.

– Биздаги ярамас одатларни ўзингиз биласиз, – деди у, – сизнинг бу ерда бўлишингиз меҳмонларга маъқул бўлмаётганини сезяпман. Ҳеч ҳам истамасдимки...

– Жаноби олийлари, – сўзини бўлдим мен, – Худо ҳакқи, мени афв этинг, ўзим буни англашим лозим эди, биламан, бу бефаҳмлигимни сиз кечирасиз... Мен дарҳол кетмоқчи эдим, аммо қандайдир бир куч мени тутиб қолди, – кўшиб қўйдим яна, таъзим қиларканман кулимсираб.

Граф менинг қўлимни чин юракдан қисаркан, шу билан гўё ҳамма нарсани ифодалагандек эди. Мен дабдабали даврадан сезилмасдан чиқиб кетдим, кабриолетга ўтирдим-да, адир тепасидан туриб қуёш ботишини кузатиш, ўз севимли Ҳомеримдан Улисс

¹ *In qualitate (лат.)* – дабдабали, салтанатли (*тарж.*)

қандай қилиб мөхмөндүст чүчқабоқарникида мөхмөн бўлғанлиги ҳақидаги ёқимли кўшикни ўқиш учун М... га қараб йўл олдим. Булар ҳаммаси шу қадар яхши эдики!

Кечки овқатга қайтиб келдим. Қаҳвахонада одам сийрак эди, улар дастурхонни суриб ташлаб, стол бурчагида соққа ўйнашарди. Шу пайт хушфеъл Аделин кириб келди, мени кўргач, бошидан шляпасини олдида, ёнимга келиб шивирлаб сўради:

- Бирор кўнгилсиз воқеа юз бердими?
- Нега бундай деяпсан? – сўрадим мен.
- Граф сени ҳайдаб чиқарибди-ку?
- Даф бўлсин ўшалар, очик ҳавога чикқанимга хурсанд бўлдим.
- Сенинг бунга шунчалик енгил қараганинг яхши-я, аммо, бу ҳакда ҳамма ерда гапиришаётганлари менга алам қиласди.

Шундагина бу ходиса юрагимга етиб борди. Столга ким келиб ўтиrsa, ҳаммасининг мени кузатганлари бежиз эмас экан-да, деб ўйладим. Фазабим тошиб кетди.

Бугун эса, каерга бормайин, ҳамма ерда мендан кўнгил сўрайдилар, душманларим эса, эшитишумча, тантана қилаётганмишлар.

Кеккайиш, менга ҳамма ишни қиласвериш мумкин, деб арзимас ақлини кўкларга кўтариш, мана, нималарга элтади, дейишармиш улар. Шунака ярамас сафсаталарни эшитаверсам, юрагимга пичоқ санчиб олгим келади. Мустақиллик ҳақида нима десалар даяверсинлару, аммо, мен, қандайдир муттаҳамларнинг, бирорта пуч гапни дастак қилиб, хулоса чиқаришларига чида бурадиган одамни кўришни истардим, агар шу сафсата пуч бўлса, унда уларга парво қилмаса ҳам бўлади.

16 марта

Ҳамма нарса ғашимни келтирмоқда. Бугун фрой-лайн Б...ни хиёбонда учратиб колдим ва у билан сўзлашишдан ўзимни тиёлмадим, одамлардан бироз

узоклашганимизданоқ, унинг ўшандаги қилиғидан ранжиганимни изҳор қилдим.

– О, Вертер, – деди у самимий оҳангда, – менинг қалбимни тушуннатуриб, ўшанда саросимада қолганимни шундай изоҳлашингиз тўғрими? Залга кирган дақиқаларимданоқ сиз туфайли қанчалик азобландим! Натижаси шундай бўлишини билгандим, сизни огоҳлантиришга жуда кўп уриндим. Ўша С... ва Т... исмли аёлларга сиз билан бир даврада ўтиргандан кўра, яхшиси эрлари билан кетиб қолиш афзал эканини билардим. Графнинг уларга қарши гапиролмаслигини ҳам билардим. Мана энди канча шов-шув!

– Нима дедингиз, фройлайн? – сўрадим ўзимдаги кўркувни яшириб. Ўтган куни Аделин айтган гапларнинг ҳаммаси ҳаёлимда жонланди ва шу лаҳзада томирларимдан қайнок сув юргандек бўлди.

– Шу туфайли бошимга не кўргуликлар ёғилмади, дейсиз, – деди софкўнгил қиз кўзлари ёшга тўлиб.

Мен ўзимни идора қилолмасдим. Унинг оёқларига ташланишга тайёр эдим.

– Тушунтирангиз-чи, ахир! – кичқирдим мен.

Қизнинг кўз ёшлари юзларидан оқиб туша бошлади. Мен ақлимни йўқота ёздим: у кўз ёшларини яширишга ҳам уринмасдан, уларни артди.

– Холамни биласиз-ку, – гап бошлади у, – у ҳам ўша ерда эди, бўлган воқеага у шундай назар билан қарадики! Вертер, кеча кечкурун ва бугун эрталаб сиз билан танишлигим учун қанча ваъзхонликка тоқат килишга, сизни ёмонлашларини, ерга уришларини эшитишга тўғри келди, сизни ёқлашнинг имкони йўқ эди.

Унинг хар бир сўзи мисоли найзадек юрагимга санчиларди. Буларнинг барчасини мендан сир тутиш нечоғлик олижаноблик бўлишини у сезмасди, у яна, энди миш-мишларнинг кети узилмаслигини, маълум тоифадаги кишиларнинг тантана қилишларини ҳам кўшиб кўйди. Улар энди, юқори табақадаги кишилардан нафратлангани, кеккайгани учун қилмишига яра-

ша бўлди, деб менинг ҳақимда вайсашлари турган гап эмиш.

Оҳ, Вилҳелм, чинакам ҳамдардлик билан айтилган бу сўзларни унинг оғзидан эшитиш... Рухим тушиб кетди, ҳозиргача ҳам хунобим ошиб юрибман. Бирортаси менга очикчасига таъна қилишга журъат этса-ю, мен унинг кўксига ханжар тиқиб олишни истаяпман, зора енгил тортсам.

Оҳ, бу азобдан халос бўлиш учун минг марталаб кўлга пичоқ олдим, айтишларича, отларнинг ажойиб бир насли бўлиб, агар уни ҳаддан ортиқ югуртириб, терлатиб юборсалар, у нафас олиш осон бўлсин учун, тугма хусусиятига кўра қон томирларини тишлаб олармиш. Худди шунга ўхшаб мен ҳам, кўпинча қон томиримни қирқиб ғамдан абадий кутулишни истаб коламан.

24 март

Мени ишдан бўшатишлигини сўраб саройга ариза бердим, ишонаманки, аризам инобатта олинади. Бу хусусда сизлардан рухсат сўрамаганим учун мени кечирасизлар. Нима бўлса ҳам бу ердан кетаман. Мени бунда қолдириш учун қиласидиган барча панд-насиҳатларингни ёддан биламан, демак... буни онамга юмшоққина қилиб тушунтириб кўй, унга бирор ёрдам кўрсатолмасам, мендан ранжимасин, ўзимга ҳам осон эмас. Пайти келиб маҳфий маслаҳатчи ёки элчилик лавозимига кўтарилиши мумкин бўлган қулайгина мартабадан тўсатдан ўғли воз кечса-ю, яна эски аҳволга кайтса, албатта онага осон бўлмайди-да. Нима ўйласаларинг ўйлайверинглар, мени қолдириш мақсадида истаган шарт-шароитларингни рўкач қилаверинглар, мен барибир кетаман. Қаёкка жўнаб кетаётганимни билишни истасаларинг, айтишим мумкин: бу ерда мени ўта қадрлайдиган княз бор. У ниятимни эшифтгач, мени ўз мулкида гўзал баҳор фаслини ўтказишга таклиф этди. Князнинг ваъдасига қараганда, у ерда ихтиёrim тамоман ўзимда бўлармиш. Княз ик-



кимиз бир-биримизни яхши тушунамиз, шу сабабли манглайимга ёзилганини кўраман, дедим-да, кетишига аҳд қилдим.

19 апрел

P.S. Иккала хатинг учун ҳам ташаккур. Саройдан жавоб олгунимга қадар бу мактубни жўнатмай турдим. Хатларингга жавоб ҳам ёзмадим. Онамнинг вазирга арз қилиб ниятимни йўққа чиқаришидан хавфландим. Мана, бўлар иш бўлди, жавобни бўлса олдим. Мени ишдан ғоят истамасдан бўшатишганларини ва вазир менга нималар ёзганини айтишга журъат қиломайман – сизлар яна арз-дод қилишларинг мумкин. Валиаҳд жаноблари менга кетишим олдидан бир хатча билан йигирма беш дукат пул юборипти. Хатни ўқиб, ҳаяжондан кўзларимдан ёш чиқиб кетди; хуллас, яқинда онамдан сўраган пулларнинг энди ҳожати йўқ.

5 май

Эртага бу ердан жўнаб кетаман. Туғилган жойим йўлдан олти миля нарида бўлгани учун у ерни ҳам зиёрат қилиб, ўтмишдаги бахтиёр кунларимни эслаб ўтмоқчиман. Отам вафот этгач, ана шундай хушманзара, осойишта жойни ташлаб, ўзининг диккинафас шаҳрига қамалиш мақсадида онам мени етаклаб чиқкан худди ўша дарвозадан кирмоқчиман. Хайр, Вилҳелм! Сенга ўз саёҳатим тафсилотларини ёзиб турарман.

9 май

Она юртимни бамисли муқаддас жойдек эҳтиром билан зиёрат қилдим, мени ғалати хис-туйғулар қамраб олди. С...га кетадиган йўлда шаҳардан чорак соатлик масофадаги катта арғувон дарахти ёнида тўхтадим-да, аравадан тушдим, хотиралардан тўйгунча роҳатланиб пиёда кетиш учун ямшчикка жавоб бериб юбордим. Мана, болалигимда сайрларимнинг мақсад ва ниҳояси бўлган арғувон дарахти остида турибман.

Ўзгаришлар бекіётс! У пайтларда, болаларча тушуниб етмаслик орқасида юрагимга озиқ топиш, мирикиб яйраш, очкүз, тутғёнли вужудимни қондириш ва тинчлантириш учун ёт ўлкаларга бош олиб кетишга интилардим! Энди-чи... ох, дўстим, қанчалаб рўёбга чиқмаган орзу-умидлар, қанчалаб поймол этилган мақсадлар билан ўша узок ўлқадан қайтиб келяпман!.. Неча марташиб истакларим манбаи бўлган тоғ тизмасининг кўз олдимда ястаниб ётганини кўрардим. Соатлаб аргувон дарахти остида ўтириб, кўзларимга жозибали бўлиб гира-шира кўринган ўрмонлар, водийлар томон интилардим ва улар билан қалбан қўшилиб кетишни орзу қиласдим. Уйга қайтадиган пайт бўлганда-чи, о, бу севимли жойни нечоғлик истамай тарк этардим!..

Шаҳарга яқинлашдим. Шаҳар четидаги эскидан қолган барча таниш уйларга салом бердим. Бу ерда содир бўлган ҳамма ўзгаришлар сингари янги уйлар ҳам менга ёқимсиз туюлди. Дарвоздадан ичкарига киргач, қайтадан ўзимни бамисоли уйдагидек хис этдим. Азиз дўстим, ҳаммасини муфассал ёзиб ўтирумайман. Бу нарсалар менга қанчалик дилбар туюлмасин, барibir ҳикояда зерикарли чиқиши мумкин.

Собиқ уйимиз ёнидаги майдонда тунашга карор қилдим. Утаётиб разм солсам, ёқимтой кекса аёл болалигимизда бизни қамаб олиб таълим берган мактаб энди боққоллик дўконига айлантирилибди. Бу кулбада не-не ҳаяжон, қўркув ва эсанкирашларни бошимдан кечирганимни эсладим. Ҳар қадамда диққатни тортувчи бирор нарса учтарди. Муқаддас жойларни зиёрат қилувчи киши ҳам шунчалик кўп илоҳий хотираларга дуч келмаса керак, унинг қалби шу қадар хузурбахш ҳаяжон билан телиши ҳам гумон. Беҳисоб эсдаликлардан бири мана бу: дарё оқими бўйлаб таниш жойгача тушдим, бу ҳам қачонлардир менинг ҳар кунги йўлим эди. Биз, болалар, шу ердан туриб, ясси тошларни сув бетида сакратишни машқ қиласдик. Гоҳида дарёга тикилиб, сирли хаёллар оғушида сув кетидан кузатиб қолардим. У оқиб ўтадиган ўлкаларни хаёлан кўз ол-

димда гавдалантирадим, тасаввурим кучи нихоясига етса-да, кўз илғамас кенгликлар хаёлотида йўқолиб кетмагунимча, яна илгарига, жуда илгарига интилаверадим – буларни худди кечагина содир бўлгандек хотирладим...

Кўряпсанми, азизим, ота-боболаримизнинг фикр доираси худди шундай чегараланган бўлган ва ўзларини ўшандай баҳтли ҳис этганлар! Уларнинг ҳистийғуларию ижодлари ҳам ўта содда бўлган! Улисс чексиз денгиз ва бепоён ер ҳақида гапиради, бу шунчалик табиий, инсоний, самимий, содда ва сеҳрлики! Агар мен ҳозир ҳар қандай мактаб ўқувчисига қўшилиб, ер юмалоқ, деб такрорласам, бунинг бирор фойдаси борми? Умр ўтказиш учун инсонга озгина, қабр учун эса ундан ҳам озроқ ер парчаси кифоя.

Мана энди, князга қарашли овчилар саройидаман. Бу ернинг хўжайини анча дилкаш ва оддий одам, у билан бемалол чиқишиш мумкин. Уникига мен тушунолмайдиган ғалати одамлар келиб туришади. Улар товламачиларга ҳам ўхшамайдилар, бироқ одамшавонда кишиларга хос кўринишлари ҳам йўқ. Баъзида улар менга самимийдек туюлсалар-да, барибир уларга ишонолмайман. ғашимга теккан нарса яна шуки, княз кўпинча бировлардан эшитган, китоблардан ўқиган нарсалар ҳақидагина гапиради ва буларга бошқа бирор нұктай назарича баҳо беради.

Бутун қудратим, бутун севинч ва изтиробларимнинг манбаи, ягона фахрим бўлган қалбимдан кўра, княз мендаги ақл ва қобилиятни кўпроқ қадрлайди. Мен билган нарсани бошқа ҳар қандай одам ҳам била оларку-я, бироқ бундай қалбга эга бўлолмаслиги мумкин.

25 май

Менинг бир режам бор эди. У амалга ошгунича, бу ҳақда сизларга оғиз очмоқчи эмасдим. Бундан ҳеч гап чиқмагач, демак, энди барибир-да. Мен урушга кетмоқчи эдим, буни аввалдан кўнглимга тушиб

қўйгандим. Аслида, княз Н.қисмида генерал бўлгани туфайли унга қўшилиб, бу ерга келгандим. Бир куни сайр қилиб юрганимизда унга ўз режаларимдан сўз очдим. У фикримга қарши чиқиб, башарти, мен унинг далилларига қулоқ солишни истамаган тақдиримда ҳам бу нарса бемаъни ҳавасдан кўра кўпроқ қизғин истак бўлиши лозимлигини менга уқтириди.

11 июн

Нима десанг, деявер, аммо бу ерда ортиқ қолмайман. Бу ерда нима ҳам қилардим? Зерика бошлайпман. Княз иложи борича кўнглимни овлашга уринади, лекин барибир ўзимни нокулай сезаяпман. Сирасини айтганда, княз иккимизни боғлаб турдиган ҳеч қандай бир умумийлик йўқ. Уни ақлли одам деса бўлади, бироқ ақли ҳам ўртамиёна, яхши ёзилган китоб кишини қандай овутса, унинг муоммаси ҳам мени шундай овутади. Бу ерда тағин бир хафта бўламан, сўнгра яна дарбадарликни бошлайман. Энг кувонарлиси шуки, бу ерда расм солиш билан шуғулланаяпман. Княз санъатни тушунади, агар у саёз илмий тушунчалар ва одатдаги терминлар доирасида чегараланиб қолмаганида эди, билим доираси янада кенгроқ бўларди. Баъзида мен унга бутун қалб ҳарорати билан табиат ва санъат эшигини очаман, у бўлса, билимини намойиш қилиш мақсадида қандайдир ёдлаб олган сўзларини айтиб юборса, аламдан тишлигаримни ғичирлатаман.

16 июн

Ҳа, мен оламни кезиб юрувчи дарбадарман, сизлар мендан ортиқмисизлар?

18 июн

Қаёкка кетмоқчисан? – дейсанми, буни сенга яшириқча айтишим мумкин: Яна икки ҳафта шу ерда қоламан, кейин эса, ...даги конларга боришни мўлжаллаб турибман, аслида гап конда ҳам эмас, Лот-

тага яқинроқ бўлишни истайман, холос, бор гап шу.
Ўз қалбимдан куляпман-у, уни яна ўз эркига қўйиб
беряпман...

29 июл

Ха, бирам яхшики! Ҳаммаси яхши!.. Мен... Унинг умр йўлдоши бўлсам! О, яратган Тангри, менга шундай баҳтни ато этганингда эди, умрим бўйи сенга тинимсиз сажда қилган бўлардим. Ҳасрат қилаётганим йўқ, кўз ёшлиарим, пуч орзуларим учун афв эт мени! У менинг рафиқам бўлса! Қани энди, ер юзидағи энг покиза вужудни бағримга боссам...

Алберт унинг хушбичим қоматини қучса, баданимга муз юргургандек бўлади, Вилҳелм!

Шундай дейишга ҳақлиманими? Вилҳелм, нега ҳакким бўлмасин? Лотта ундан кўра мен билан баҳтироқ бўларди. О, у каби одам Лоттадаги қалб истакларининг барчасини кондиришга қодир эмас. Унда сезгирилик етишмайди... қандай тушунтиурсам экан?.. Айтайлик... муҳаббат китобидаги Лотта иккимизнинг қалбларимиз якдил урган жойга унинг қалби мос жавоб беролмайди. Учинчи бир шахснинг қиликлари хусусида Лотта билан фикрларимиз бир хил чиққан юзлаб ҳолларда ҳам худди шундай. Аммо, азизим, Вилҳелм, у Лоттани бутун борлиғи-ла севади, бундай севгини қадрламай бўладими!..

Эзма бир одам келиб фикримни бўлди. Кўз ёшларим куриб колди. Фикрим чалғиди. Хайр, азизим!

4 август

Биргина менинг аҳволим шунақа эмас. Ҳамма одамларнинг умидлари пучга чиқади, ҳаммаси кутакута алданади. Мен, арғувон дарахти остидаги уйда турадиган таниш аёлникига бордим. Тўнғич ўғли истиқболимга югарди, унинг қувончли кийкириғини эшитиб онаси уйдан чиқиб келди, у беҳад маъюс кўринарди. Унинг дастлабки сўzlари шу бўлди:

— Оҳ, қимматли жаноб, Ҳансим ўлиб қолди.

Бу унинг кенжага ўғли эди. Мен қотиб қолдим.

– Эрим эса, Швейцариядан қуп-куруқ қайтиб келди, – давом этди у, – яхши одамлар ёрдам беришмаганда, у тиланчилик қилишга мажбур бўларкан; аксига олгандек, йўлда яна иситмага ҳам йўлиқипти.

Унга нима деб таскин беришни билмасдим, болага қандайдир арзимаган бир нарса бердим; аёл менга учтўртта олма тутқазиб, уларни олишимни ўтинди, рад килолмадим ва бу аламли хотиралар маконини тарк этдим.

21 август

Мен хар лаҳзада ўзгариб тураман. Гоҳида ҳаёт менга қайтадан кулиб боккандек туюлади. Афсуски, факат бир зумгина, холос!.. Ҳаёл дарёсига ғарқ бўлган пайтларимда, минглаб фикрлар менга тинчлик бермайди. Борди-ю, Алберт ўлиб колса нима бўлади? Унда мен... ха, Лотта билан... Хомҳаёл кетидан, у мени тубсиз жар ёқасига келтиргунича, шу тариқа қуваман ва бирдан чўчиб ўзимга келаман.

Лоттани базмга элтиш учун илк бор ўтган йўл бўйлаб шаҳар четига чиқаман, ўшанда ҳамма нарса тамоман ўзгача эди! Ҳамма-ҳаммаси ўтиб кетди! Ўтмишдан учқун ҳам йўқ, у пайтлар қалбимни тўлқинлатган туйғулардан ном-нишон ҳам қолмаган. Умрининг гуллаган даврида, князлик йилларида тикилаб, бутун зебу зийнатлар билан безатиб, ниҳоят, ўлими олдидан севимли ўғлига умид билан васият килиб қолдирган, кейинчалик эса, куйиб битган саройи харобаларига қайтган марҳум руҳи қандай ҳолатда бўлса, мен ҳам айнан ўшандайман.

3 сентябр

Баъзан ақлим бовар қилмай қолади: мен уни бутун қалб ҳароратим билан севсам-у, ундан ўзга хеч нарсани сезмасам, ундан ўзга маънавий таянчим бўлмаса-ю, яна қандай қилиб бошқа бир кимса уни севишга қодир ва сева олиши мумкин!

Ха, шундай. Табиат кузга бўйин эга бошлаганиданоқ, менинг юрагимда ва атрофимда ҳам ҳазинлик бошланади. Менинг дараҳтларимдаги япроқлар сарғаймоқда, қўшни дараҳтларнинг япроқлари эса аллақачон тўкилиб кетган. Бу ерга келганимданоқ, назаримда, сенга бир деҳқон йигит ҳақида ёзгандим шекилли? Валҳаймда ўша йигитни қайта суриштирдим, айтишларича, у хизматдан ҳайдалганмиш, у ҳақда ҳеч ким ортиқ бирор нарса билмасмиш. Кеча қўшни қишлоққа кетадиган йўлда унга кўккисдан дуч келдим; гаплашдик, у ўз қиссасини сўзлаб берди, эшитиб беҳад ҳаяжонга тушдим, буни ёзувларимдан ҳам осонгина пайқаб оларсан. Аслини олганда, бунинг нима ҳожати бор, ўзимни ҳам қийнайдиган, ярамни янгилайдиган воқеани нега энди ошкор этай? Нега ҳамиша менга ачинишинг ва мени койишинг учун имкон яратиб бераман? Нима бўлса бўлаверсин! Эҳтимол, менинг ҳам қисматим ўшандайдир.

Олдинига, йигит бироз сокин, маъюслик билан саволларимга тортиниброк жавоб бериб турди, лекин тезда гўё ўзига келганидек ва мени эндиғина пайқагандек, журъат қилди-ю, бор қилмишларини тўкиб солди ва ўз баҳтсиз толеидан нолиди. Дўстим, унинг ҳар битта сўзини сенинг ҳукминнга ҳавола килишни истардим! У менга ўз кўнгил дафтари ни очди, ха, хотиралар лаззатига гарқ бўлгани ҳолда шуларни ҳикоя қилди: Унинг ўша аёлга бўлган интилиши кун сайин орта борган, нихоят у, нима килаётганини, нима гапираётганини идрок этолмай, ўзини қаёққа қўйишни билмай қолган. Бўғзига бир нарса тиқилгандек, ҳеч нарса ичолмай, еёлмай қолган, кўзидан уйқу қочган; у буюрилган иш колиб, кераксизни бажарган; гўё шайтон уни йўлдан оздирган; бир куни аёлнинг чердакка чиққанини билиб кетидан борган, тўғрироғи, нимадир уни ўша ёққа тортган. Аёл унинг ёлворишларига қулоқ солмагач, у аёлни зўрлик

билан таслим қилмоқчи бўлган; ўзига нима бўлганига ўзи ҳам тушунмаган. Йигит ниятларининг ҳамиша соф бўлганини, ўша аёлга уйланиб, бирга умр кечиришдан ўзга истаги бўлмаганини айтиб, Худони ўртага қўйиб қасам ичди.

Шуларни сўзларкан, яна нимадир демоқчилик, аммо айтолмаётгандек, гапида тутила бошлади; ниҳоят у, тортиниб иқрор бўлдики, аёл ҳам унга бироз эркинлик берган ва ораларида яқинлик бўлишига йўл қўйган. Йигит тутила-тутила аёлни коралашни истамаслигини, уни ҳозир ҳам бирдек севиши ва қадрлашини айтиб онт ичарди; ўзининг бузук эмаслигини, ақлининг жойидалигини исботлаш учунгина бўларни гапириб берганини, акс ҳолда бундай сўзларни оғзидан чиқармаслигини ҳам кўшиб қўйди... Азиз дўстим, ўша эски қўшиғимни яна бошлайпман, уни тақрорлашдан толмайман: Мана шу йигитни сенга, у менинг кўз олдимда илгари ҳам, ҳозир ҳам қандай турганини тасвиrlаб беролсан эди! Унинг тақдири учун қанчалик қайғураётганимни ва қайғуришим лозимлигини сен хис этадиган даражада ифодалашга лойик сўз тополсан эди! Етарли бўлса керак! Сен мени ҳам, қисматимни ҳам биласан, ҳамма бахтсизларга, айниқса, мана шу бахтсизга мени нима тортаётганини осонгина англаb оларсан.

Хатни қайта ўқиб қарасам, воқеанинг охирини сенга айтиб беришни унутибман. Шусиз ҳам ҳамма нарса равшан-ку. Аёл қаршилик кўрсата бошлаган. Унинг акаси етиб келган, у илгариданоқ йигитни ёмон кўриб, уни бу ердан кеткизиш йўлини қидириб юрган, неғаки, аёл бефарзанд бўлганлиги сабабли ўзлари умид кўзини тикиб турган мерос, синглиси иккинчи марта турмушга чиққан тақдирда кўлдан кетиб қолишидан кўрккан; акаси йигитни шу заҳотиёқ уйдан ҳайдаб соглан ва бу ҳақда шундай шов-шув тарқатганки, аёл ўзи истаган тақдирда ҳам йигитни қайта ишга қабул қиломаган бўларди. У ҳозир янги хизматкор олганиш, айтишларича, янгиси туфайли ҳам акаси билан

жанжаллашармиш, аёл ўшанга турмушга чиқаркан, деб ҳамма бир оғиздан гапираётганим; «Бунга сира-сира тоқат қилолмайман», дейди йигит.

Сенга ёзаётган нарса муболаға эмас, ҳеч нарсаны хаспўшлаганим ҳам йўқ, аксинча, ишонишинг мумкинки, мен уни жўн, ўта жўн ҳикоя қилдим, ҳаммамизга расм-одат бўлиб қолган сўзлар билан ёзиб, бу воқеани қўполлаштириб юбордим.

Бундай муҳаббат, бундай садокат, бундай эҳтирос шоирона хаёл эмас, йўқ, у яшаяпти, у бенихоя соф ҳолда, бизнингча қўпол, маданиятсиз ҳисобланган тоифага мансуб кишилар орасида яшаяпти. Бизлар эса, ўқиб уқмаганлармиз! Ўтинаман, ҳикояни эҳтиром билан ўқи. Бугун шуни ёзарканман, негадир сўниб қолгандекман, буни хатдан ҳам кўриб турибсан, ҳар вактдагидек бўяб, чизиб ташламаганман. Азизим, ўки ва бу дўстингнинг ҳам қисмати эканлигини ўйлаб қўй! Ҳа, шундай эдим, шундай бўлиб қоламан, менда бу баҳтиқаро йигитдаги журъат ва дадилликнинг ярми ҳам йўқ, ўзимни унга тенглаштирмайман ҳам.

5 сентябр

Лотта иш юзасидан қишлоққа кетган эрига кичкина мактуб ёзипти. Хат шундай бошланади: «Азизим, жоним, иложи борича тезроқ қайт! Сени чексиз кувонч билан кутаман!» Ҳозиргина келган бир дўстим, маълум сабабларга кўра, Албертнинг тезда қайтолмаслигини айтди. Хат жўнатилмапти, кечкурун менинг қўлимга тушди. Уни ўқидим-да, кулимсирадим; Лотта нимага кулганимни сўради.

— Хаёл Худонинг қандай буюк марҳамати-я! — дедим мен, — мен бир зумгина гўё бу мактуб менга аталгандек хаёл қилдим.

У гапимни бўлди, сўзларим унга ёқмагандек кўринди, мен жим қолдим.

6 сентябр

Лотта билан илк марта раңса түшганды кийганим ўша одмигина күк фракни анчагача ташлаәлмай юрдим; бирок у ҳозир мутлақо күримсиз бўлиб қолди. Энди, яна шунақа, ёқаси ва енг ҳошиясини ҳам худди ўшандай қилиб, янги фрак, сариқ нимча ва шим ҳам буютиридим.

Барибир булар менга аввалгисидек ёқимли эмас. Билмадим... эҳтимол, пайти келиб буни ҳам ёқтириб коларман.

12 сентябр

Албертни олиб келиш учун Лотта бир неча кунга кетган эди. Бугун Лоттанинг хонасига кирдим; у истиқболимга чиқди, унинг қўлини чексиз кувонч билан ўпдим. Ойнадан канарейка учиб келиб, унинг кафтига қўнди.

— Янги дўстимиз, — деди у қушчани қўлига қўндириб, — буни укаларимга сотиб олдим. Ёқимтойгина-я! Қаранг! Унга нон берсам, қанотчаларини силкитиб, итоат билан чўқийди, қаранг, мени ўпади ҳам!

У қушчани оғзига тутди, қушча бўлса, бу бежирим лабларни шу қадар беозор туртиб қўйдики, гўё ўзига насиб этган лаззатни ҳис этаётгандек эди.

— Сизни ҳам ўпсин, — деди-да, канарейканни менга узатди, қушча тумшуғини унинг лабларидан олиб меннига йўналтириб ва у лабларимга текканда, ширин бир лаззатнинг ёқимли сасини сезгандек бўлдим.

— Унинг ўпичида тамаъгирилик сезилиб турити, — дедим мен, — у овқат излайди, уни қуруқ эркалаш кониктирмайди.

— У овқатни менинг оғзимдан ҳам ейди, — деди Лотта ва соғ муҳаббат ҳислари балқиб турган беозор лаблари билан бир неча увокни қушчага тутди.

Мен юзимни четга ўтиридим. У нега бундай киляпти? Самовий софлик ва роҳатни кўз-кўз қилиб

нега ҳисларимни тобора аланга олдиради, ҳаётга бе-парво қарашга одатлана ёзган юрагимни яна нега уйкудан уйғотади?! Хүш, шундай килса нима бўпти?.. У менга шу қадар ишонадики! Уни нечоғлик севи-шимни билади!

15 сентябр

Вилҳелм, дунёдаги ноёб нарсаларни қадрлашга фаҳму фаросати етмайдиган кишилар ҳам борлигини кўрсанг, тепа сочинг тикка бўлади кишининг.

Ш... қишлоғидаги хушфеъл руҳонийникида Лотта иккимиз соясида ўтирган ёнғок дарахтлари ёдингдадир, албатта. Худо шоҳид, қалбимга мудом бекиёс ором бағишилаган ҳалиги кўркам ёнғок дарахтлари! Улар руҳоний ҳовлисини қанчалик саришта, қанчалик салқин қилиб туришарди! Қанчалик сершоҳ эди улар! Қадимда уларни ўтқазган муқаддас роҳиблар билан ҳам сон-саноқсиз хотиралар боғланган! У ажойиб киши бўлган ва мен шу дарахтлар остида тик туриб эҳтиром билан уни хотирлардим, деб мактабда ўқитувчимиз улардан бирининг, ўз бобосидан эшитган номини тинимсиз тилга оларди. Ишонасанми, кеча гаплашиб ўтирган эдик, ўқитувчим кўзлари ёшга тўлиб, уларни кирқиб ташлашганини айтди... Қирқиб ташлашган! Ҳушимни йўқотаёздим, дарахтларга биринчи болта урган ярамасни мажақлаб ташлагим келарди. Борди-ю, ўз ҳовлимда шундай дарахтлар ўсиб, улардан бирортаси кексаликдан қулаб тушганда юракдан ачинган бўлардим, мана энди бўлса, нимага чидаб ўтирибман! Шуниси кувонарлики, қимматли дўстим, дунёда инсоний туйғу ҳам бор! Бутун қишлоқ нолимокда, ишонаманки, руҳонийнинг хотини ўз қавмига нечоғлик зарар келтирганини ёғ, тухум ва бошқа назр-ниёзларнинг камайганидан ҳам сезади. Чунки, ҳаммасига ўшанинг ўзи – янги руҳонийнинг хотини айбдор (бизнинг руҳоний чол ўлиб кетган), у оқсуяк хаста аёл, ҳеч кимга қўшилмайди, дунёдаги барча нарсаларга ғаразгўйлик билан қарайди,

бошқалар ҳам унга нисбатан самимий эмас. У ғирт ахмоқ, ўзини билимдонлардек тутади-да, диний ақидаларни ислоҳ қилишни ўйлаб чиқариб юради, насронийликни ахлокий-танқидий жиҳатдан янги-часига тубдан ўзгартириш устида бош қотиради, Лагатер мутаассиблигидан кўнгли тўлмайди, хасталик уни шу қадар адo қилганки, ёруғ дунёдан шодланишга ҳам мадори етмайди. Менинг ёнғоқ дараҳтларимни кирктириб ташлатиш факат шундай маҳлукнинггина қўлидан келиши мумкин. Биласанми, ҳечам ўзимга келолмаяпман!.. Тасавур қиласанми: тўкилган барглардан гўё ҳовлиси ифлосланиб, намикиб кетармиш, дараҳтлар уни қуёшдан яширармиш, ёнғоқлар пишгач, болалар дараҳтга тош ота бошлайдилар, бу эса унинг асабига тегармиш, бу унга Кенникот, Землер ва Михаэлис¹ истеъдодларини бир-бирига муқояса қилиш учун чуқур ўйлашга халақит берармиш.

Қишлоқ аҳлиниңг, айниқса, кексаларнинг норози-ликларини кўриб, улардан сўрадим:

– Бунга қандай чидаб турдинглар?

– Агар оқсоқол бирор нарса деса, бизда унинг истагини ҳеч ким қайтаролмайди.

Лекин бир нарса кўнгилдагидек бўлди: хотинининг инжиқликлари жонига теккан руҳоний ҳеч бўлмаса ёнғоқлардан бирор фойда олишга ва бу фойдани ўзаро тақсим қилишга оқсоқол билан келишиб олди. Буни маҳкамама билиб қолиб: «Бу ерда ҳақларинг йўқ!» деди, чунки у илгариданоқ руҳоний мулкининг дараҳтлар ўсган қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини олган ва уни илтимос қилган кишиларга сотган эди. Мана энди улар кулаб ётишибди! О, агар мен княз бўлганимда эди! Руҳонийнинг хотинига ҳам, оқсоқолга ҳам, маҳкамага ҳам кўрсатиб кўярдим... Княз! Дарвоке, княз бўлганимда, мамлакатимдаги дараҳтлар билан неча пуллик ишим бўларди!

¹ Кенникот, Землер, Михаэлис – ўша даврдаги машхур илонхистчилар, «Инжил» шархловчилари (тарж.).

10 октябр

Унинг чаросдек кўзларига назар ташлаганим заҳотиёқ руҳим тетиклашади. Биласанми, мени нима қийнайди: афтидан, Алберт ўзи кутганчалик... баҳтли эмас... мен эса... агар мен... баҳтли бўлардим... Кўп нуктани ўзим ёмон кўраман-у, лекин ҳозир фикримни бошқача ифодалаёлмайман... ҳар ҳолда фикримни англагандирсан.

12 октябр

Оssiан юрагимдан Ҳомерни ситиб чиқарди.¹ Бу буюк зот мени шунақа оламга етакламоқдаки! Ойнинг хира нурида туман пардалариаро аждодларимиз руҳини тентиратиб, бўрон увиллаб ётган далада дарбадар кезишга, ўрмон шовқини ичидаги руҳларнинг тоғдаги горлардан бўтиқ эшитилаётган қичқириғини ҳамда қаҳрамонларча ҳалок бўлган севгилиси дафн этилган жойда, моҳ босиб кетган тўртта тош тепасида юрак-бағри эзилиб кўз ёш тўкаётган қизнинг қайғули ноласини тинглашга ундаяпти. Мен эса, кенг далада ўз ота-боболарининг изларини ахтараётган ўша мўйсафида дарбадар қўшикчини кўряпман, афсус! Мўйсафида уларнинг қабрларинигина топади, холос ва уввос тортиб, ёқимли тунги юлдузга назар ташлайди, юлдуз эса, тўлқинли денгиз ортига яширинади, шунда қаҳрамоннинг хаёлида ўтмиш, яъни довюраклар йўлига муруватли нур тўшалган пайтлар ва кеманинг гулларга бурканиб, ой нури оғушида ғалаба билан қайтгани гавдаланади. Мен унинг манглайида чуқур ҳасрат изларини кўраман, буюк зотларнинг энг сўнгтиси тамоман ҳолдан тойиб, қабрга судралади, марҳум туғишганларининг жисмсиз соялари ҳозирлиги туфайли борган сари жонни ўртагувчи шодликни тўйиб симиради; у совуқ ерга, елда тебранаётган гиёҳга кўз тикаркан, хитоб қилади:

¹ Вертернинг ҳаётдан безиши, унинг қайғуси Оssiанинг аламли поэзиясига берилиши билан изоҳланади (*тарж.*)

— Келади, мени навқиронлик давримдан буён билган ўша жаҳонгашта келади ва: «Қани, кўшиқчи Фингалнинг тўзал ўғли қани?» деб сўрайди. У қабрим устида қадам ташлайпти, бекорга у мени ер юзидан излаяпти.

О, дўстим! Мен, мард яловбардор сингари киличимни суғуриб олиб, ўз ҳукмдоримни аста-секин сўнаётган жон талвасасидан бир зумда халос қилишни ва ўз жонимни ҳам халос этилган пайғамбар изидан жўнатишни истардим.

19 октябр

Ох, қалбим бўм-бўш! Узлуксиз ўртаётган бўм-бўшлик!.. Кўпинча ўйлаб кетаман: агар уни бир мартаина, факат бир мартаина бағримга боссам эди, бу бўм-бўшлик тўлган бўларди.

26 октябр

Ҳа, азиз дўстим, бу менга равshan, тамоман равшан, бир одамнинг ҳаёти у қадар аҳамиятли эмаслиги кундан-кунга равшанроқ сезилляпти. Лоттанинг хузурига бир дугонаси келди, мен китоб ўқиш учун қўшни хонага чиқдим, бироқ ўқиёлмадим, сўнгра ручка олдим-да, ёзишга тутиндим. Уларнинг гурунглашган овозлари эшитиларди, қизлар бир-бирига майдачуда воқеалар, шаҳардаги янгиликлар, бирорнинг турмушга чиқкани, бошқасининг бетоблиги, оғир бетоблиги ҳақида ҳикоя қилишарди:

— У курук ўталади, юз суюклари туртиб чиқкан,гоҳо ҳушидан кетиб қолади.

- Менимча, у узок яшамайди, — деди меҳмон.
- Н.Н.нинг ҳам аҳволи оғир, — кўшиб қўйди Лотта.
- Шишиб кетипти, — қувватлади дугонаси.

Хаёлим мени ўша жафокашларнинг тўшаги ёнига етаклади; улар мутлақо истамасдан ҳаётдан кўз юмадилар, улар... ох, Вилҳелм!.. Менинг хонимларим бўлса, бир бегонанинг ўлими ҳақида кишилар одатда қандай гапиришса, бу ҳақда шундай гапириб ўтиришибди.

Атрофимга назар ташлаб кузатарканман, ҳамма ерда Лоттанинг кўйлакларини, Албертнинг қоғозларини, мебелларни кўраман, булар менга беҳад қадрдон бўлиб кетган, ҳатто мана шу сиёҳдон ҳам. Шунда ўз-ўзимга дейман:

— Ўйлаб қара, бу хонадон учун қанчалик аҳамиятлисан! Муфассал ўйла. Дўстларинг сени қадрлашади! Сен ҳам уларга кам шодлик келтирмайсан, гоҳида шундай туюладики, ўзинг ҳам гўё шуларсиз яшаёлмасдинг, лекин барибир... бу ердан — уларнинг даврасидан кетсанг-чи? Ўрнинг билинармикан? Қачонгача билинаркан? Сендан айрилганларини ҳис этишармикан? Қачонгача?.. Оҳ, одам бу қадар ўткинчи, ҳатто ўзи ўйнаб-ўсган, ўз хаётидан ҳақиқий из қолдирган жойда ҳам, ўз яқинларининг қалбида ҳам унинг хотираси жуда тез ўчиб, йўқ бўлиб кетиши мумкин!

27 октябр

Кишилар бир-бирларига ниҳоятда оз нарса бағишлай олишларини ҳис этсам, кўксимни чок этиб, бошимни эзғилаб ташлагим келади. Афсуски, агар муҳаббат, кувонч, ҳарорат ва шавқ-завқ ўзимда бўлмаса, менга уларни бирор беролмайди ҳамда ўзимнинг қалбим ҳам севинч ҳиссига тўлиб тошган ҳолда, кучсиз ва ҳиссиз бўлган бошқа бир кимсани баҳтли килолмаслигим мумкин.

27 октябр, кечқурун

Улкан қудратга эгаману, лекин унга бўлган ҳиссиёт ҳаммасини босиб кетади; улкан қудратга эгаману, аммо усиз ҳаёт мен учун ҳеч нимадир.

30 октябр

Унинг кўксига отилишдан ўзимни юз марталаб тутиб қоламан. Киши шунча ажойиботларни кўриб турса-ю, унга кўл уришга ҳаққи бўлмаса, унинг нақадар ўртаниши ёлғиз Худога аён. Кўл уриш инсондаги

табиий хусусият-ку! Болалар ҳам нимага кўзлари тушса, ўшанга қўл теккизаверадилар-ку... Мен-чи?..

3 ноябр

Худо гувоҳ! Кўпинча тўшакка қайтиб уйғонмаслик истаги, гоҳида, ҳатто умиди билан ётаман; тонг отгач кўзимни очиб, яна қуёшни кўраман-да, ғамга чулғанаман. О, қани энди қўлимдан келса-ю, айбни об-ҳавога, учинчи бир шахсга, ўнгидан келмаган ишга ағдара олсан, чидаб бўлмас ғам-гусса юкининг ярмигина менинг елкамга тушган бўларди! Оҳ шўрим! Аниқ биламан: ҳамма гуноҳ ўзимда... дарвоке, қандай гуноҳ?! Шуниси борки, авваллари қалбим шавқ-завқдан қайнаб тошган бўлса, энди изтиробдан ўртанади. Ахир бир вақтлар хиссиётлар денгизида сузган, ҳар қадамда жаннатни ҳис этиб, оламни қамраб олишга қодир юракка эга бўлган кимса мен эмасманми? Ана шу юрак энди ўлган, энди у ҳаяжондан энтикмайди, киприкларим куриб қолган, кувонч ёшлари лаззатидан ортиқ баҳра ололмайман, шу туфайли манглайимга ғам чизиқлари тушган. Ғам эзиб ташлаяпти, негаки ҳаётимнинг ягона шодлигини йўқотдим, ўзим учун бутун бир дунё яратса олишимга кўмак берувчи муқаддас, жонлантирувчи қурдат йўқ, у сўнган!.. Деразадан күёшнинг олис тепаликлар ортидан кўтарилиб, туманни ёриб ўтиб, жимжит водийга нур сочишини кузатсан-чи, Оҳ!.. Мана шу кўркам табиат ҳудди суратдек жонсиз туюлади менга; мана шу гўзалликларнинг бариси юрагимда заррача ҳам ҳаяжон уйғотолмайди ва сезгиларимга таъсир этолмайди, мен шўрлик, Тангрим назарида суви қуриган кудукка, кақраган чепакка ўхшаб турибман. Қаттиқ курғокчилик бўлиб, ер сувсизликдан ҳансираф ётганида дехқон ёмғир тилаб Худога ёлворганидек, мен ҳам кўз ёши сўраб, тиз чўкиб Худо таолога тинимсиз илтижо қиласман. Минг афсус! Биламан, Худо ёмғирли ёки иссиқ ҳавони бизнинг ҳаяжонли ўтичларимиз эвазига бермайди. Ўша лаззатли дамлар хотираси мени бе-

корга қийнамайды, ахир мен Худо марҳамати туфайли бошимга ёғилган роҳатни жон-жон деб қабул қилган эдим-да!

8 ноябр

У мени қаноатсизликда айблади! Беҳад юмшоқлик билан! Менинг қаноатсизлигим шундаки, баъзан бир стакан винодан қизишиб қолиб, бутун бир шишани ичиб қўяман.

– Бунақа килманг! – деди у. – Лотта ҳақида ўйлашга тиришинг.

– Ўилаш! Наҳотки, шуни буюриш шарт бўлса? – ёзтиroz қилдим мен. – Ўйлайманми-йўқми, барибир, киёфандиз қалбим кўзгусида мужассам. Мен бугун, якиндагина Сиз файтундан тушган жойда ўтирдим...

Мен арзи дилимни тўкиб солмаслигим учун у гапни бошқа мавзуга бурди. Қимматли дўстим! Мен адо бўлдим! У мени истаган куйига ўйнатади!

15 ноябр

Самимий ҳамдардлигинг, дўстона маслаҳатингдан миннатдорман, Вилҳелм, сендан илтимос, ташвишланма. Азобларга бардош беришга қўйиб бер, мен қанча изтироб чекмайин, буларга чидашга ҳали кувватим етади. Менинг динни қадрлашимни биласан; унинг руҳан эзилганлар учун таянч, умидсизланганлар учун тасалли манбаи эканлигини тушунасан. Аммо унинг ҳар қандай киши учун ҳам шундай бўлиши шартми, шундай бўла оладими? Дунёга бир назар ташла, минглаб кишиларга дин тарғиб қилинса-қилинмаса, бундан катъи назар, ёрдам беролмади, ёрдам беролмайди ҳам, нега энди менга ёрдам берсин? Ҳатто Худонинг ўғли ҳам отаси унга кимни бағишилаган бўлса, ўшаларгина у билан бўлишини айтмайдими? Мен унга бағишиланмаган бўлсан-чи? Отам мени ўзига асрар қўйган бўлса-чи? Буни кўнглим сезиб турипти... Ўтинаман, буларни нотўғри тушунма, самимий сўзларимни зинҳор ҳазилга йўйма! Сенга дилимда

борини очиқ айтаяпман, яхшиси, бу ҳақда оғиз очмасам бўларди, негаки бошқаларнинг ҳам мендек зўрға фаҳми етадиган нарсалар ҳақида истар-истамас ёзидирибман. Бошга тушганга чидаш, ҳаёт жомини тубигача симириш – инсон қисмати мана шу бўлмай нима? Инсон қиёфасидаги Худога ҳаёт шу қадар аччик туюлган тақдирда, нега энди мен кеккайиб, ўзимни ғоят баҳтиёрдек кўрсатиш им керак экан? Бутун борлигим ҳаёт ёки ўлим ўртасида титраб турган, ўтмиш эса, келажакнинг зулмат чохи устида яшиндек чакнаган ва атрофимдаги ҳамма нарса йўқ бўлаётган, дунё ҳам менга қўшилиб сўниб бораётган мана шу даҳшатли даққикаларда нега мен тортиниб туришим керак экан? Мана бу, кувғин қилиниб, дармони қуриб, шиддат билан пастга қулаб бораётган кимсанинг овози эмасми; у кутулишга беҳуда уриниб, жон-жаҳди билан: «Э, Худойим! Э, Худойим! Нега мени ҳалок этдинг!» дея кичкирмоқда. Бутун оламни ўз измида тута оладиган зот бундан тортингмагандан, бу қичкириқдан мен уялишим, бу ҳолдан даҳшатга тушишим керакмиди?

21 ноябр

У ўзини ҳам, мени ҳам нобуд киладиган оғу хозирлаётганини билмайди, тушунмайди; гарчи ҳалокатга элтса-да, у менга тутқазаётган жомни роҳатланниб сипкораман. Нега у менга кўпинча... кўпинчами?.. Ҳар ҳолда баъзан ёқимли назар билан қарайди, нега мендаги ихтиёrsиз хис-туйғуларга илтифот кўрсатади, нега унинг пешонасига менинг изтиробларимга ҳамдардлик битилган?

Кечакайиб, у менга қўлини узатди-да: «Хайр, азизим Вертер!» – деди. Азизим Вертер! У мени биринчи марта «азизим» деб атади, бу сўзлар мени титратиб юборди, уларни тинимсиз тақрорладим, кечаси ўрнимга ётаётиб эса, ўз-ўзимга нималарни дир гапиранман, беҳосдан: «Хайрли кеч, азизим Вертер!» деб юборибман, кейин ўз устимдан кулиб қўйдим.

22 ноябр

«Уни менга қўй!» деб нола қилолмайман, гоҳида у гўё ўзимникидек туюлса-да: «Уни менга бер!» деб ёлворолмайман. У биронники. Мен ўз изтиробларим ҳакида сафсата сотиб ўтирибман; агар ўзимни кўлга ололмаганимда эди, таққослашларнинг кети узилмаган бўларди.

24 ноябр

Менинг азобланиб юрганимни у сезади. Бугун унинг нигоҳи юрагимнинг чуқур тубигача етиб борди. Борсам у ёлғиз экан; мен жим туравердим, у менга қараб турди. Мен ундаги мафтункор жозибани ҳам, ёрқин ақлини ҳам ортиқ пайқамасдим, буларнинг бариси кўз олдимдан ғойиб бўлганди. Мени энг самимий ҳамдардлик, энг оромбахш раҳмдилликка тўла янада жозибалирок нигоҳ сеҳрлаб қўйган эди. Нега унинг оёкларига йиқиломадим? Нега уни бағримга босиб, минглаб бўсалар билан жавоб қайтармадим? У фортелианодан ўзига паноҳ топди, паст, ширали овозда ўз куйига жўр бўла бошлади. Унинг лабларидаги бу қадар жозибани ҳеч қачон кўрмаган эдим: назаримда, улар хиёл очилиб, мусикий асбобдан чиқаётган сеҳрли оҳангни ютарди-да, товушлар мана шу покиза оғиздан акс-садо бўлиб тараларди... Ох, кани энди буни ифодалаб беролсан! Ортиқ тоқат қилолмадим, бош эгиб қасамёд қилдим: «Самовий руҳлар соя солиб турган бу лаблардан бўса олишга ҳеч қачон журъат этмайман!» Лекин барибир, мен, ох!.. Биласанми, олдимда қандайдир тўсиқ тургандай... Уни четлаб ўтсан-да... ўша лаззатни тотсан... кейин гуноҳимни ювиш учун ҳалок бўлсан... Гуноҳ?

26 ноябр

Баъзан ўзимга-ўзим «сенинг қисматинг оғир!» дейман. Ўзгаларни эса, бахтли деб ўйлайман. Ҳеч ким менчалик изтироб чекмаган. Сўнгра ўтмиш шоирини ўқий бошлайман, гўё ўз кечинмаларимни ўкиётгандек

бўламан. Бардошим неларга етаркин? Ё, фалак! Нашотки, илгари ҳам шундай баҳтсизлар бўлган дунёда?

30 ноябр

Йўқ, йўқ, мен мутлақо ўзимга келолмайман. Қаерга бормайин, мени ақлдан оздирадиган воқеаларга дуч келаман. Бугун-чи? Ох, қисмат! Ох, инсонлар!

Мен қирғоқ бўйлаб борардим. Тушки овқат пайти бўлса-да, кўнглим ҳеч нарса тиламасди. Атрофда жон асари йўқ, тоғдан кечки салқин шабада эсарди, водий устини қора булатлар қоплаб олган. Узокдан яшил рангдаги эски кийимли кишига кўзим тушди, у қоядан-қояга ўрмаларди, афтидан, доривор гиёҳ изларди. Унга яқинлашганимда, қадам товушларимни эшитиб, бурилиб қаради, шунда содда бир чехрага кўзим тушди, бироқ унда қандайдир ғайритабии ғамгинлик акс этиб туарди. Қора соchlари икки томонга қайтарилиб, тўғноғич қадаб кўйилган, орқа қисми эса, йўғон қилиб ўрилиб, ташлаб кўйилган. Кийимига қараб уни оддий фуқаро экан, деб ўйладим, шу сабабли унинг нима билан машғул эканлигига қизиқсан, аччиғи чиқмаса керак, деган фикрда нима ахтараёттанини сўрадим.

– Гул ахтаряпман, – жавоб берди у чукур уҳ тортиб, – бироқ уни тополмаяпман.

– Ҳозир пайти эмас-да, ахир, – дедим кулимсираб.

– Гуллар жудаям кўп, – деди у ёнимга тушаркан, – боғимда атиргул ва хушбўй настариннинг икки хили ўсади. Биттасини менга отам совға қилган, у худди ёввойи ўтдек ўсиб ётипти. Икки кундан бўён гул қидираман-у тополмайман. Бу ерда ялангликда ҳам ҳамиша турфа хил: сарик, кўк, қизил гуллар ўсади, чиннигул бирам чиройли гуллайдики. Буларнинг бирортасини ҳам тополмаяпман.

Галати бир ҳисдан сесканиб кетдим-да, эҳтиётлик билан сўрадим:

– Гул сизга нега керак бўлиб қолди?

Унинг юзи аллақандай талвасали илжайишдан буришиб кетди.

– Агар сиримни очмасангиз, айтаман, – деди у бармоини лабига босаркан, – мен севгилимга гулдаста ваъда килгандим.

– Жуда яхши, – дедим мен.

– О-о, унда бусиз ҳам ҳамма нарса тўлиб ётипти, у бадавлат.

– Барибир унга сизнинг гулдастангиз қимматлирок, – далда бердим унга.

– О, унда марваридлар, тож ҳам бор, – давом этди у.

– Унинг исми нима?

– Агар ҳукумат менинг ҳақимни берганида эди, бошқача яшаган бўлардим. Бир вақтлар мен ҳам кўнгилдагидек яшаган эдим. Энди эса... адо бўлган одамман!..

Осмонга тикилган намли кўзлардан ҳамма нарсани ўкиш мумкин эди.

– Демак, илгари бахтли бўлгансиз? – сўрадим мен.

– Ох, ўша қунларга яна қайтсан эди! – деди у, – у пайтлар мен нақадар қувнок, худди сувдаги балиқдек эркин яшардим.

– Ҳайнриҳ! – қичкирди йўл бўйлаб шу ёкка келаётган кампир, – Ҳайнриҳ, қаерда йўқолиб кетдинг? Сени кидирмаган жойимиз қолмади! Юр овқатга!

– Бу Сизнинг ўғлингизми? – сўрадим кампирга яқинлашиб.

– Ҳа, менинг шўрпешона ўғлим, – жавоб берди аёл, – Худо бошимга оғир кун солди.

– У кўпдан буён шунақами? – сўрадим яна.

– Ярим йилдан бери мана шунақа ювош бўлиб қолди, Худога шукур. Утган йили ниҳоятда қутуриб кетганидан жиннихонада занжирда саклашарди. Энди ҳеч кимга ёмонлик қилмайди, нукул қироллар, подшолар ҳакида гапиради. Бирам ювош, босиккина эди! Дастхати жуда чиройли эди, қоғозларни кўчириб ёзар, шу йўл билан тирикчилигимга қарашарди. Тўсатдан ўйчан бўлиб қолди, иситма билан оғриди, кейин қутуриб кетди. Мана энди кўриб турибсиз, қандай бўлиб қолган... Мен сизга айтсан, жаноб...



Мен унинг қуйилиб келаётган сўзларини бўлдим:

– У, бир вактлар эркин, бахтли яшаган эдим, дейди, бу қачон бўлган эди?

– Вой, аҳмоққина! – хитоб қилди кампир, аянчли жилмайиб. – У ақлдан озиб, жиннихонада ётган даврини айтган, шуларни айтиб, ҳамиша мақтаниб юради.

Унинг сўзлари миямга яшиндек урилди, аёлга бир танга тутқаздим-да, кетишга шошилдим.

– Мана, сен қандай бахтли бўлгансан! – деярдим шаҳар томонга жадал кетарканман, – мана, сен қандай эркин, сувдаги балиқдек яшагансан!

Ё, Парвардигори олам! Наҳотки, ҳали эс-хуши куйилмаган ёки ақлдан озган кишиларнингтина пешонасига бахт чизиги битилган бўлса! Бечора! Сенинг ақлдан озиб, телбаларча тентирашингта қанчалик ҳавасим келади!

Сен қишида ўз маликангга гулдаста топиш умидида кезиб юрибсан! Гул тополмаганингдан куйинасан, нега гул йўклигига эса, ақлинг етмайди. Мен бўлсам... мен... умидсиз, мақсадсиз уйдан чиқиб кетаман-да, яна ўша ахволда қайтиб келаман. Борди-ю, ҳукумат сенинг ҳақингни тўласа, жаннатдагидек яшашинг мумкинлигини хаёл қиласан! Ҳаркалай! Сен бахтлисан! Ўз толесизлигинг сабабини ҳаётдаги тўсиқларга ағдара оласан! Барча айб ўз адо бўлган юрагингда, айниган миянгда эканлигини эса сезмайсан! Шу боисдан ҳам дунёдаги бирорта подшо сенга ёрдам беролмайди.

Узок чашма сари йўл тутиб, умрининг сўнгги дақиқаларида ўз дардига дард кўшадиган, азобларини баттар оширадиган жафокаш устидан кулувчи кишига лаънатлар бўлсин! Виждон азобидан кутулиш ва юрагидаги ғам-ғуссани ювиш учун мұқаддас қабр устиста бош эгадиган бахтсиз олдида кеккайдиган кимсага лаънатлар бўлсин!

Инсон оёғи тегмаган сўқмоқда ташланган ҳар бир қадамдан товонлари шилинса, жафокаш банда бундан заррача бўлса-да, ором топади ва у, саёҳатининг ҳар бир азобли куни тугагач, кечаси тинчгина ухлаб

қолади... Сиз сафсатабозлар эса, пар тўшаклар устида ўтириб олиб, буни телбалик деб атайсизлар! Телбалик!.. О, Тангрим! Кўз ёшларимни ўзинг кўриб турибсан. Нечун, ахир, кишиларни қашшок қилиб яратганинг етмагандек, яна уларнинг охирги бурдаларини, сендан, ҳа, сендан куттган заррача марҳаматларини ҳам тортиб олувчи қариндошларини уларга ато этдинг, кудратли Тангрим! Ҳар бир шифобахш илдизу, ток новдасининг ширасига умид кўзи билан қараймиз, шу умид сенга бўлмай кимга? Негаки, сен бизни ўраб турган табиатта шифобахш ва яратувчи куч бағишлагансанки, бунга биз ҳар вакт мухтожмиз. Мен танимайдиган отам! Аввалига вужудимни тўлқинлантириб, энди эса, мендан юз ўгираётган отам! Мени ўз ёнингга чакир! Сукут саклама! Сукут саклаганинг билан ташна қалбимни тинчтолмайсан...

Агар ўғли кутилмаганда қайтиб келса-ю, отасининг бўйнига осилса-да: – Ота, мана мен қайтиб келдим! Мендан ранжима, сенинг истагингга кўра ҳали узок чўзилиши лозим бўлган сафаримни тўхтатиб хузурингга келдим! Ҳаёт ҳамма ерда бир хил: азобукубат чекиб меҳнат килсанг, кувонч ва мукофотга эришасан. Менга буларнинг қизифи борми? Сен қаерда бўлсанг, менга ўша ерда яхши, азобни ҳам, роҳатни ҳам сен билан бирга тортишни истайман! – деса, кайси инсон, кайси ота ўғлидан ранжийди!..

Наҳотки, сен, Кудратли отамиз, ўз ўғлингнинг кўкрагидан итарсанг?

1 декабр

Вилҳелм! Мен сенга ёзганим ўша баҳтли баҳтиқаро Лоттанинг отасида мирза бўлиб ишлаган ва Лоттага нисбатан юрагида муҳаббат уйғонган, уни пинҳон саклашга уринган, бирок яширолмаган, шу туфайли ишдан ҳайдалиб, кейин телба бўлиб қолган. Алберт бу ҳақда менга бепарволик билан гапириб берганида (сен ҳам шундай бепарво ўқисанг керак буни), ушбу воқеа

мени қанчалик изтиробга соганини мана шу қурук сўзлардан ҳам англаб оларсан.

4 декабр

Ўтинаман... мени тушун, мен адо бўлдим, ортиқ чидашга тоқатим қолмади! Бугун унинг хузурида ўтиридим... Ўтиридим, у бўлса, фортелианода турли куйларни чалар ҳамда бутун ҳис-туйғуларини ифодаларди! Ҳаммасини!.. Ҳаммасини!.. Қандай тушунтирсам экан... Синглиси эса, менинг тиззамда ўтириб, қўғирчоғини безатарди. Кўзларимга ёш қалқди. Энгашганимда унинг никоҳ узугига кўзим тушди... Кўз ёшларим оқиб туша бошлади... У бирданига ўша бизга таниш, нихоятда нафис куйни чалишга ўтди, қалбимга сокинлик югурди, ўтмиш – илк бор шу куйни тинглаган пайлар хотираамда жонланди, ғам-ғуссанинг, поймол бўлган умидларнинг мудхиш чизиклари кўз олдимдан ўта бошлади ва... ўрнимдан отилиб туриб хона бўйлаб юра бошладим. Ҳислар түғёнидан нафасим қисилиб кетди.

– Худо ҳаққи, ўтинаман, чалманг! – хитоб қилдим, бенихоя ҳаяжонда унга отиларканман.

У чалишдан тўхтади ва менга тикилиб қолди.

– Вертер! – деди қалбни ўртовчи табассум билан, – Вертер, Сиз ҳастасиз, ҳатто энг лаззатли таомларни ҳам иштаҳангиз тортмайди. Боринг! Илтимос Сиздан, тинчланинг!

Мен унинг олдидан чиқиб кетдим... Тангрим! Аламларимни куриб турибсан, унга ўзинг хотима берарсан.

6 декабр

Ох, бу қиёфа менга ором бермайди! Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам қалбимни тўлдириб туради! Киприклиримни юмганим заҳотиёқ, у шу ерда, худди мана шу манглайим ичиди, кўриш томирлари туташган жойда унинг қоп-қора кўзлари пайдо бўлади. Буни ифодалашдан ожизман! Кўзларимни юмдимми, бас, улар ҳозир бўлишади! Бамисли денгиз, бамисли тубсиз

жарликдек улар кўз олдимда, қалбимда намоён бўла-ди, улар борлиғимни, бутун туйгуларимни эгаллаган.

Бу ярим Худо даражасидаги инсон нимага ҳам қодир?! Мададга муҳтоҷ бўлган энг зарур пайтда кучлари уни тарк этмайдими? Шодлик қанотида парвоз қилганда ёки ғамга чулғанганде уни нимадир тутиб қолади ва у мангулик оламига ғарқ бўлиб кетишни истаб турган лаҳзада, совуқ, хушёр онгини жойига келтириб кўяди.

КИТОБХОНГА НОШИРДАН

Дўстимизнинг сўнгти муҳим кунларидан бизга унинг дастхатига тааллуқли маълумотлар етарлича қолганида эди, унда мен, у қолдирган номаларга ортиқча изоҳ бериб ўтиргмаган бўлардим.

Унинг кечмиши билан яқиндан таниш бўлган кишилардан аниқ маълумотлар тўплашни ўз бурчим деб билдим; бу воқеа жуда оддий, баъзи майда-чуйда тафсилотларни ҳисобга олмаганда, барча маълумотлар бир-бирига деярли тўғри келади; факат воқеа қаҳрамонларининг характерлари ҳакида турлича мулоҳаза юритадилар ва бунга ҳар хил баҳо берадилар.

Бизга эса, зўр машақкат билан тўпланган нарсаларни мархум қолдирган хатларга қўшиб, ҳатто тоғилган энг кичик қоғозларни ҳам диққатдан четда қолдирмасдан батафсил ҳикоя килиб беришгина қолади; донишманд кишилар хусусида гап кетганда, улардаги ҳар бир ҳаракатнинг туб сабабини очиб бериш қанчалик кийинлигини ҳам эслатиб ўтамиз.

Азоб ва ғам-ғусса Вертер юрагида борган сари чукур илдиз отди ва янада маҳкамроқ ўрнашиб, бутун борлиғини чулғаб ола бошлади. Ундаги маънавий соқинлик тамоман бузилган эди, томир-томиригача ларзага солган ички бир түғён ва хаяжон унга ҳалокатли таъсир кўрсатди, ҳамда бутунлай ҳолдан тойдирдики, бунга карши у, шу пайтгача барча дардларга қарши курашганидан ҳам мардонаворрок курашди.

Қалбидаги изтироб бошқа ҳамма маънавий кучларни, ундаги жўшқинликни ҳам, ўткир аклини ҳам емира борди, у кишиларга қўшилмай қўйди, баҳтсизлигини қанчалик ҳис этса, шунчалик адолатсизроқ бўла борди. Бу ҳақда қисман Албертнинг дўстлари гапиришарди; уларнинг таъкидлашларича, Алберт ўзининг узок кутган баҳтига эришиб, уни келгусида ҳам сақлаб қолишга интилган, Албертдек мулойим ва виждонли одам ҳақида бор-йўғини бир йўла сарфлаб, охири азобга чидашдан ўзга иложи қолмайдиган Вертер тўғри фикр юритолмади. Алберт эса, дейишади унинг ўртоқлари, ана шу қисқа вақт ичидаги ҳеч бир ўзгармади, Вертер уни бошданок қандай билган, қандай хурмат қилган ва қадрлаган бўлса, ўша-ўшалигича қолаверди. Алберт Лоттани жондан севарди, у билан фахрланарди ва уни ҳамма дилбар аёл сифатида хурмат қилишини истарди. Унинг заррача ҳам гумонни хаёлига келтиролмаслиги, бирор кимса билан ўзининг бу қимматли ҳазинасини, ҳатто энг иффатли маънода ҳам, бир зумга бўлса-да, бўлишишни истамагани учун уни айблаш адолатданми? Ўртоқларининг айтишича, Алберт кўпинча, Вертер ўтирганида хотинининг хонасидан чиқиб кетаркан, буни у, аччиғидан ёки дўстидан рашк қилиб эмас, балки ўзининг ҳузурида Вертернинг кийналиши туфайли қилган.

Лоттанинг отаси бетоб бўлиб уйдан чиқолмай қолгач, у қизига файтун юборган ва Лотта отасиникига кетган. Очик қиши куни. Биринчи қалин қор ҳамма ёқни қоплаган.

Эртаси куни Вертер, мабодо Алберт уни олиб келишга бормаса, Лоттани уйига кузатиб келиш мақсадида ўша ёққа кетган.

Очиқ ҳаво ҳам унинг мунгли кайфиятини кўтаролмади, юраги қаттиқ сикиласарди, кўз олдига фақат аянчили манзаралар келар, даҳшатли хаёллар исканжасидан қутуломасди.

Ўз ишлари мудом ўнгидан келмагани сабабли, бошқаларнинг аҳволи ҳам унга ихтилофли ва нотинч

туюларди, у Алберт билан хотини ўртасидаги ширин тутувликни буздим, деб ўйлар, бунинг учун ўзини койирди, шу билан бирга, Албертдан пинҳона ранжирди ҳам.

Йўл-йўлакай ҳам шу ҳақда ўйлаб кетди.

– Ҳа, ҳа, – дерди у ўзича яширин бир алам билан, – шу ҳам энди самимий меҳрибонлик, бир-бирига илтифотли муносабат, бузилмас садоқат бўлдими? Бу тўйиш ва бепарволикдан бўлак нарса эмас! Севимили, гўзал хотинидан кўра, уни бошқа арзимас ишлар кўпроқ ўзига тортмайдими? У хотинини қадрлай оладими, ахир, Лотта бунга лойик-ку! Лотта уники, ҳа, уники... бу менга маълум, бошқа кўп нарсаларни билганимдек, буни ҳам биламан; бунга гўё кўнишиб колган бўлсам-да, бу фикр мени барибир ақлдан оздиди, ҳалок этади... Менга нисбатан дўстлик синовдан ўтоддими? Лоттага бўлган меҳрибонлигимни, у, ўз хукукларига тажовуз деб, эътибор билан қарашимни эса, пинҳоний таъна деб тушунмайдими? У мени кўришни истамаслигини, кетишимни хоҳлашини, мени кўриш унга оғирлигини сезаман, бу менга равшан.

Вертер жадал одимини қадам-бақадам секинлатар, тўхтаб қолар ва орқага қайтмоқчи ҳам бўларди, лекин яна йўлида давом этарди ва ўз-ўзи билан сўзлашиб, мулоҳаза юритарди. Шу тариқа ўз истагига қарамакарши ҳолда овчилар саройига етиб келди.

У ичкарига кириб, мўйсафидни ва Лоттани сўради, уйда аллақандай нотинчликни сезди. Болаларнинг каттаси унга Валҳаймда бахтсизлик юз берганини, бир дехқон ўлдирилганини айтди. Бу хабарга у эътибор қилмади. Вертер хонага кирганда, Лотта отасини кўндириш билан овора эди, чунки кария, хасталигига қарамасдан воқеа содир бўлган жойга бориб, тафсилотни билишни истарди. Жиноятчи ҳали аникланмаган, ўликни тонгда оstonадан топишипти, баъзи гумонлар ҳам бор: марҳум бир бева аёлникида хизматкор бўлиб ишлаган, ўша аёлнинг илгари бошқа

хизматкори бўлган-у, у билан жанжаллашиб ҳайдаб юборган.

Бу сўзларни эшитгач, Вертер ўрнидан отилиб турди.

– Наҳотки! – хитоб қилди у. – Мен кетдим, шу зумдаёк ўша ерда бўлишим керак. У Валҳаймга қараб шошилди, хотиралар кўз олдида жонланди, у билан бир неча марта мулоқотда бўлган ва унга шунчалик яқин бўлиб қолган ўша йигит суиқасд қилганига заррача шубҳа қилмасди.

Жасад кўйилган ўша ошхонага бориш учун унга аргувон дараҳтлари остидан ўтишга тўғри келди, авваллари севимли бўлган жой бу гал уни даҳшатга солди.

Шу атрофдаги болалар тез-тез ўйнайдиган остона қонга беланганди. Мұхаббат ва садоқатдек энг олий инсоний туйғулар охири зўрлаш ва ўлимга олиб келган. Улкан дараҳтлар кип-яланғоч бўлиб, қиров босиб ётарди, черковни ўраб олган пастаккина девордан мўралаб турган шохлардаги барглар тўкилиб кетган, қабр тошлари қалин кордан бош чиқариб туришарди.

Ошхона олдига бутун қишлоқ тўпланганди. Вертер у ерга яқинлашаётганида бирданига ғала-ғовур кўтарилилди. Узоқдан бир тўда қуролланган кишилар кўринди ва ҳамма, қотилни олиб келишапти, деб қичқиришарди. Вертер қараб, ўз фикрининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Ҳа! Бу ўз бекасини севиб қолган хизматкор йигит эди. Вертер яқиндагина шўрликни пинҳоний ғазабда, ўзича умидсизланиб юрган ҳолда учратган эди.

– Нима қилиб кўйдинг, баҳтиқаро! – қичқириди Вертер, маҳбус томонга отиларкан.

У Вертерга ўйчан тикилиб турди ва, ниҳоят, хотиржам оҳангда: – У ҳеч кимга насиб ҳам этмайди, бошқа бирор ҳам унга муяссар бўлолмайди! – деди.

Маҳбусни ошхонага олиб кириб кетишиди, Вертер эса, кетишга ошиқди.

Бу мусибатли, даҳшатли ҳодиса Вертернинг бар-

ча фикр-ўйларини остин-устин қилиб юборди. Ундағи алам, умидсизлик ва бепарволик бир лаҳзада ғойиб бўлди. Уни раҳм-шафқат туйғуси эгаллаб олди, унда ўша одамни қутқазишга бўлган жўшқин истак пайдо бўлди. Вертер йигитни шунчалик баҳтсиз деб ҳис килар, уни қотил сифатида шу қадар оклар, ўзини унинг ўрнига қўйиб кўрар ва бошқаларни ҳам бунга ишонтира олишига имони комил эди. У ўша баҳтиқарони ҳимоя этишни истарди, қайноқ сўзлар ҳозироқ лабларидан отилиб чиқишига шай эди, у овчилар уйига шошиларкан, амтманга баён қиладиган барча асосларини ярим овозда ўзича пишишиб борарди.

Хонага киараркан, у ерда Албертга кўзи тушди ва бир зум довдираб қолди, аммо тезда ўзини ўнглаб олди-да, фикрини амтманга ёниб тушунтира кетди. Амтман бир неча марта бошини чайқаб қўйди. Бирор иккинчи бир кишини оқлаш учун нималар дейиши керак бўлса, Вертер ҳам маҳбус ҳақида қанчалик қизғин, чин юракдан тўлиб-тошиб гапирмасин, ўз-ўзидан маълумки, бу сўзлар қарияга таъсир ўтказолмади. Аксинча, у дўстимизнинг сўзини бўлиб, унга кескин эътиroz билдириди. Қотилни ҳимоя қилишни ўз бўйнига олаётгани учун койий бошлади. Қария, бундай қилинган тақдирда ҳар қандай қонун ҳам бекор килиниб, давлат тартибларига ҳеч қандай ҳожат қолмаслигини ва буни қонун йўли билан ҳал қилиш лозимлигини ҳам қўшиб қўйди.

Барибир, Вертер ўз фикрида туриб олиб, амтмандан, мабодо маҳбусни қочириб юбориш имкони бўлса, буни сезиб-сезмаганликка олишини ўтинарди. Амтман бунга ҳам рози бўлмади. Нихоят, сухбатга Алберт аралашди ва у ҳам қариянинг фикрини ёқлади. Вертер якаланиб қолди, амтман бир неча марта «Уни қутқазиб бўлмайди!» дея тақрорлагач, Вертер қаттиқ изтиробда уйига кетиб қолди.

Бу сўзлар Вертерни ўртаб юборганини унинг қофозлари орасидан топилган, афтидан, ўша куни ёзилган хатчадан ҳам пайқаш мумкин:

«Сени қутқазиб бўлмайди, баҳтиқаро! Бизни қутқазиб бўлмаслигини билиб турибман!»

Албертнинг амтман ҳузурида маҳбус иши юзасидан айтган гаплари Вертерга қаттиқ тегди. Назарида, бу сўзлар ўзига ҳам тегишлидек туюлди, гарчи у ақл билан мулоҳаза юритиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам хақ эканликларига ишонса-да, унда шундай туйғу бор эдик, уларнинг ҳақлигини тан олган тақдирда ўз ички асосларидан қайтадигандек туюларди.

Унинг қофозлари ичидан шу масалага тааллуқли бўлган ва, эҳтимол, унинг Албертга муносабатини ифодалайдиган қуидаги хатчани топиб олдик:

«У софдил ва вижданли, деб ўзимга қайта-қайта уқтирганимдан нима фойда; бу ич-ичимни кемириб ташлаяпти; мен адолатли бўлолмайман».

* * *

Кечқурун ҳаво илиқ бўлиб, атрофдаги қорлар эрий бошлади. Шу сабабли Лотта билан Алберт уйга пиёда кетишиди.

Йўлда у худди Вертерни қидиргандек, атрофга алангларди. Алберт Вертер ҳакида гап бошлади, ундаги фазилатларни тан олса-да, уни айблади. Гап орасида у Вертернинг бахтсиз севгисига ҳам тил тегизиб ўтди ва уни узоклаштиурса, яхши бўларди, деб қўшиб қўиди.

— Буни ўзимиз учун яхши бўлади, деб ўйлайман, — деди у, — ўтинаман, сендан, унинг сенга бўлган муомалаларига нисбатан муносабатингни ўзгартиришга, бизнига тез-тез келишларига чек қўйишга урин, эшитган қулокқа яхши эмас. Аллақачон мишишлар тарқалганини эшитдим.

Лотта жим бўлиб қолди. Афтидан, бу Албертни ранжитиб қўиди, ҳар ҳолда, у шу пайтгача Лотта олдиди Вертер хусусида гапирмасди, агар Лоттанинг ўзи бу тўғрида оғиз очса, у гапни бўлар ёки бошқа ёқка буради.

Бахтсиз кимсани қутқазишга бўлган беҳуда уриниш

сўнаёзган оловнинг охирги ёлқини эди. Шундан кейин Вертер баттар ғам-ғусса ва бепарволиккачулғанди, уни энди ҳамма килмишларини инкор қилаётган айбланувчига гувоҳликка чақириб қолишлари мумкин, деган хабарни эшигандада, ақлдан озаёзи.

Илгари ишлаб юрган пайтларидаги бошига тушган хўрликларни, элчихонадаги кўнгилсизликларни, нимадан иши юришмаганини ва нимадан ранжиганини, ҳамма-ҳаммасини хаёлидан бирма-бир ўтказди. Шулар билан гўё ўз ғайратсизлигини окламоқчи бўларди, у ўзини истикболдан тамоман ажралган, кундалик ҳаётдаги юмушларни бажаришга ноқобил деб ҳисоблай бошлади. Шу тарзда, минг хил ўй-фикрлар, туйғулар гирдобида айланиб, гўзал ва севимли аёл ҳузурида мудом бир хил, қувончсиз дамларни ўтказди, унинг осойишталигига ҳалал берди. Нихоят, ўз кучларини мақсадсиз-несиз бехудага сарфлаб, уларни ишдан чиқариб, борган сари ҳалокатга яқинлаша борди. Унинг изтироб ва аламлари, ором билмасдан ўзини ҳар ёққа уришлари, яшашдан толиққани ҳакида ўзи колдирган бир неча хатлар якъол гувоҳлик беради, куйида шу хатларни келтирамиз.

12 декабр

Одамлар баъзи бир бахтсизларни кўришса, шўрлик, савдои бўлибди, дея гапиришади. Қимматли Вилҳелм, менинг ҳам бошимга ҳозир ўша кун тушган. Гоҳо мени нимадир қийнай бошлайди: бу қўмсаш ҳам, эхтирос ҳам эмас, қандайдир, кўксимни ёриб чиқишига, томоғимни бўғишига интилувчи номаълум ички бир тутён! Азоб! Азоб! Шунда мен, мана шу кимсасиз қиши фаслида зулмат тун қўйнида тентирагани чиқиб кетаман.

Кеча кечкурун шаҳар ташқарисига чиқиб кетгим келди. Ҳаво бирданига исиб кетди, эшлишишмча, дарё кирғоқдан тошиб, анхор пишқириб, севимли водийни – Валҳаймгача сув босиб кетганмиш! Кечаси соат ўн бирда ўша ёққа югурдим. Чўққидан туриб, пастга,

дашшатли оқимнинг ой нурида жўш уришини, чакалакзор, ўтлоқ, дала, хуллас, бутун водийни босиб, шамол увиллаши остида бамисоли денгиздек қутуришини кузатиш кўркинчли эди! Ой яна қора булутлар ортидан мўралаб, оқим кўз олдимда ваҳима билан яраклаб шовуллаганида мени қандайдир титроқ ва қўмсаш ҳисси қамраб олди! Оҳ, тубсиз жарлик тепасида қўлларимни ёзиб туарканман, мени нимадир пастга ундарди! Пастга! Роҳат оғушида эсдан оғаёздим. Оҳ, барча азобу изтиробларим билан ўзимни пастга улоқтирам! Тўлқинлар янглиғ кўпириб-тошсан! Оҳ!.. Оёқларимни шундоқ ердан узиб, азобларимга чек кўёлмадим-а!.. Ҳали куним битматти! Буни билиб турипман! О, Вилҳелм! Анави довулга қўшилиб, булутларни тит-пит килиш, тўлқинларни қучиш учун борлиғимни жон деб бағишилаган бўлардим! Эҳ! Наҳотки, маҳбусга бундай роҳат бирор марта насиб этмаса?..

Мен куйига, Лотта иккимиз жазирама кунда сайдан сўнг мажнунтол остидаги дам олган жойимизга алам билан назар ташладим: у ерларни ҳам сув бошиб кетганлиги сабабли мажнунтолни зўрға танидим! Вилҳелм! Овчилар саройининг атрофи, ўтлоқлар, бизнинг айвончамиз ҳам ҳозир селда қолгандир! – дея ўйладим. Маҳбуснинг тушига яйлов, подалар, эътиборли вазифалар кирганидек, менинг қалбимга ҳам ўтмиш хаёллари нурдек ёғиларди! Шу тахлит турaverдим! Ўзимдан норози эмасман, чунки ўлимдан кўрқмайман... Яхиси, мен... Шу ерда турибман-у ўзимни, тахта деворлардан пайраха териб, ҳар эшикдан бир бурда нон тилаб, ўзининг аянчли ва мазмунсиз ҳаётини бирозгина бўлса-да, узайтириш ва енгиллаштиришга интилувчи тиланчи аёлга ўхшатаман.

14 декабр

Азиз дўстим, бу нимаси? Ўз-ўзимдан ваҳимага тушаман! Мен уни энг муқаддас, энг самимий ва соғ муҳаббат билан севмасмидим? Ўшанда юрагимда

жинояткорона истаклар ҳам яшириниб ётмаганмиди? Инкор қилмайман... Бугунги тушни айтмайсанми! О, карама-қаршиликлар сабабини бегона кучлардан излаган кишилар қанчалик ҳакли! Бугунги тун!.. Ҳатто айтишдан құрқаман, у менинг оғушимда эмиш, уни бағримга босиб муhabbat сүзларини шивирлаётган лабларини соңсиз бўсаларга кўмиб ташлабман. Менинг нигоҳим унинг сархушиликдан хиралашган кўзларида ғарқ бўлиб кетганиш! Ё, Парвардигор! Наҳотки, мен ўша қайнок қувончни тўла-тўқис қайта хис этиб, лаззатини totaётганим учун гуноҳкор бўлсам? Лотта! Лотта!.. Бардошим тугади! Мисоли телбаман, бир ҳафтадан буён ҳеч нарсани идрок этолмайман, кўзларимдан ёш аrimайди. Ҳамма жой менга бирдек: ҳам яхши, ҳам ёмон. Бирор истагим ҳам йўқ, талабим ҳам. Яххиси, бутунлай кетганим маъқул.

* * *

Ҳаётдан кетиш ҳақидаги қарор шу кезларда, мана шундай шароитда Вертер қалбидан янада чуқурроқ жой олди. Лотта ёнига қайтганидан буён бундан ўзга паноҳи ва умиди қолмаган эди; лекин у, бу ишни шошма-шошарлик билан эмас, балки мулоҳаза юритиб, иложи борича аниқ қарорга келиб, тинч амалга ошириш учун ўзига сўз берди.

Ундаги иккиланиш, ўз-ўзи билан кураш, коғозлари орасидан топилган, санаси қўйилмаган, афтидан, Вилҳелмга ёзилган хатда кўзга ташланиб туради:

«Унинг ҳозирлиги, унинг тақдери, менинг қисматим учун қайғуриши – кўзларимдан охирги ёшларни булоқдек оқизмокда.

Пардани кўтарсанг-да, унинг ортига ўтсанг! Шу билан тамом! Нега иккиланамиз ва имиллаймиз? Унинг ортида нима борлигини билганимиз туфайлими? У ёқдан ортиқ қайтиш мумкин эмаслиги учунми? Яна шунинг учунки, ўзимиз ўша ҳақда аниқ бир нарса билмасак-да, у ерда қоронғилик ва бўшлиқни тасаввур қилишга одатланиб қолганмиз».

Нихоят, у ана шу ғамгин фикрга борган сари күпроқ боғлана борди ва қатъий қарорга келди, унинг дўстига ёзган куйидаги мужмал хати бундан гувоҳлик беради.

20 декабр

Вилхелм, бундай илтифотинг учун миннатдорман. Ҳа, сен ҳақлисан: мен кетсам яхшироқ бўларди. «Ёнимизга қайт», деган таклифинг менга унча тўғри келмайди, мен бироз айланиб бормоқчиман, айниқса, ҳозир тинимсиз совуқ, йўллар яхши бўлади, деган умиддамиз. Мени олиб кетиш учун келишингдан беҳад мамнунман, икки ҳафтача сабр қил ва менинг келгуси режаларим ҳақидаги хабаримни кут: мева пишгунича уни узмаслик лозим. Икки ҳафтада кўп нарса ҳал бўлади. Онажонимга айтки, у ўғли учун Худога сифинсин ва унга етказган аламларим учун мени кечирсисин. Менинг қисматим шу: кимга қувонч келтиришим лозим бўлса, ўшани азоблайман. Ҳайр, ким-матли дўстим! Сени Худо ўз паноҳида асрасин! Ҳайр!

* * *

Бу орада Лоттанинг қалбida нималар содир бўлди, эрига ва баҳтсиз дўстига нисбатан туйғулари қанақа эди -- буларни сўз билан ифодалашга қодир эмасмиз, унинг табиатини билганимиз учун, кўп нарсани ўзимиз тушуниб оламиз, ҳар қандай соғ аёл қалби эса, унинг қалбини тасаввур қиласи ва уни англашга кодир.

Шуниси равшанки, у Вертерни узоклаштириш мақсадида қўлидан келган ҳамма нарсани килиш учун қатъий қарорга келди, лекин у иккиланар, Вертерга дўстларча юракдан ачинарди, чунки бу, Вертер учун деярли бажариб бўлмайдиган ғоят оғир вазифа эканлигини аниқ биларди. Аммо, шароит ундан жиддий ҳаракат қилишни талаб қиласарди; эри ҳам Лоттага ўхшаб энди бу масалада оғиз очмай қўйди, шундай

бўлса-да, Лотта қалбан унга содиқлигини амалда исботлаш учун иложи борича уринарди.

Худди ўша, Вертер юқоридаги хатни ёзган Рождество байрамидан олдинги якшанба куни кечкурун у Лоттанинг олдига келди, Лотта ёлғиз эди. У укалари ва сингилларига атаб байрамга сотиб олган ўйинчоқларини тартибга солиш билан овора эди. Вертер, бундан болаларнинг беҳад қувонишларини айтди ва илгарилари, эшик қўқкисдан очилиб олмалар, шириналклар, мум шамлар билан безатилган гўзал арчага кўзи тушганда ҳайратдан донг котган пайтларини эслади.

— Агар бамаъни бўлсангиз, Сиз ҳам совға оласиз, — деди Лотта, саросималигини ёқимли табассуми билан яшираркан. — Сизга бир ўрам шамча ва яна у-бу нарсалар тегади.

— Сизнингча, бамаъни одам қандай бўлади? — қичқирди у. — Лотта, азизим! Мен қандай бўлай, ўзимни қандай тутай?

— Пайшанба куни кечкурун арафа, отам билан ҳамма болалар келишади, ҳар ким ўзига аталган совғани олади, — деди Лотта. — Ушанда сиз ҳам келинг, фақат белгиланган вақтда. (Вертер тараддулланди.) Ўтинаман Сиздан, — давом этди у, — шундай бўлиши керак, ҳеч бўлмаса, менинг тинчлигимни аянг, бу ҳол давом этиши мумкин эмас.

Вертер бурилиб кетди ва хонада у ёқдан-бу ёққа юрар экан, ўзича секин такрорлади: «Бундай давом этиши мумкин эмас!» Ўзининг сўзлари уни қанчалик даҳшатга солганини сезган Лотта унинг фикрини бошқа мавзуга тортишга уринди, бироқ энди фойдасиз эди.

— Йўқ, Лотта! — хитоб қилди у. — Мен Сизни бошқа кўрмайман!

— Нега унақа дейсиз? — эътиroz билдириди Лотта. — Сиз биз билан кўришиб турасиз, шундай бўлиши керак ҳам, Вертер, фақат ўзингизни босинг! Ох, нега бунчалик қизиқкон, тутинган нарсангизга бу қадар қизғин берилувчан бўлиб туғилгансиз-а? Ўтинаман! —

такрорлади у Вертернинг қўлидан тутаркан, – оғир бўлинг! Сиздаги билим, зукколик, истеъдод Сизга қанчалик ҳузур-ҳаловат келтириши мумкин! Йигит бўлинг! Сизга факат ачинишгина қўлидан келадиган кимсага бефойда боғланишдан воз кечинг!

У тишларини қисиб, Лоттага алам ичиди тикилди. Лотта эса, унинг қўлини қўйиб юбормасдан, сўзида давом этарди:

– Бир зумгина ўзингизга келинг, Вертер! Наҳотки, ўз-ўзингизни алдаётганингизни, била туриб ўзингизни ҳалокатга элтаётганингизни сезмасангиз? Менинг Сизга нима керагим бор? Вертер, мен бировга бағишлиганман-ку, ахир! Куйиниш не ҳожат? Ох, қўрқаман, қўрқаман, балки бу менга етишиш имкони йўклиги туфайлидир, ахир бу ширин орзу холос-ку?

Вертер қўлини тортиб олди ва унга ғазабли назар билан тикилди.

– Оқилона, ўта оқилона гап! – деди у. – Эҳтимол, бу Албертнинг фикридир? Нозик! Ниҳоятда нозик фикр!

– Ҳар қандай одам ҳам шундай қилиши мумкин, – жавоб берди Лотта, – наҳотки, дунёда Сизнинг юрагингиздан жой оладиган бошқа қиз топиласа? Ўзингизни қўлга олинг, онт ичаманки, Сиз уни топасиз; қўпдан буён Сиз учун ҳам, ўзим учун ҳам қўрқаман; охирги пайтларда бениҳоя азоб исканжасида қолгансиз. Ўтинаман, ўзингизни қўлга олинг. Саёҳат, албатта, руҳингизни енгиллаштиради! Изланг, муҳаббатингизга лойик кимсани топасиз, ўшанда яна қайтиб келинг, хақиқий дўстлик ҳузурини биргалашиб тотамиз.

– Бу гапларни нашр этса бўлади! – деди Вертер совуқ жилмайиб. – Токи ҳамма тарбиячилар бундан ўrnак олсинлар! Азизим Лотта! Яна бироз сабр қилинг, мени безовта қилмай туринг, ҳаммаси жойида бўлади!

– Факат бир шарт билан, Вертер! Байрамга белгиланган вақтда келинг!

У жавоб беришга улгурмаган ҳам эдики, хонага Алберт кириб келди. Улар совук саломлашиши ва довдираганларича хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлашиди. Вертер қандайдир бир мавзуда гап бошлади, лекин гап қовушмади. Алберт ҳам шунга уриниб күрди, сүнгра хотинидан баъзи бир топшириклари ҳақида сўради ва улар ҳали бажарилмаганини эшифтгач, Лоттага (худди Вертерга туюлганидек) совук ва қўпол жавоб қайтарди. Вертер кетмокчи бўлди, бир қарорга келолмасдан, соат иккигача имиллади, бу орада ундаги алам ва ғазаб янада ўса борди; нихоят, кечки овқат тайёр бўлганда, шляпа ва таёқчасини кўлга олди. Алберт уни қолишга ундали, лекин у буни шунчаки расмиятилик, деб тушунди-да, совук миннатдорчилик билдириб, чиқиб кетди.

Үйига қайтгач, ёритиб турмокчи бўлган хизматкори қўлидан шамни олди-да, хонага ёлғиз ўзи кирди ва ўксисб-ўксисб йиглади; кейин дарғазаб ҳолда ўзига-ўзи сўзларкан, хонада жадал юра бошлади, охири ечинмасдан ўзини тўшакка отди, соат ўн бирларга якин ичкарига киришга ва хўжайнинг этигини ечиб қўйишни сўрашга журъят этган хизматкори уни шу ахволда кўрди. Вертер этигини ечиб қўйишга рози бўлди, у хизматкорига, эртага ўзи чақирмагунича хонага киришни ман этди.

Йигирма биринчи декабр душанба куни тонгда, у Лоттага қуийдаги номани битди, бу унинг ўлимидан кейин ёзув столи устидан сургичланган ҳолда топилган ва Лоттага келтириб берилган; афтидан, ўшандаги шароит такозосига кўра, мактуб бўлиб-бўлиб ёзилган, мен ҳам уни қуида қисмларга бўлиб сизга ҳавола киламан.

«Лотта, ҳаммаси ҳал бўлган, мен ўлишим керак ва бу тўғрида ҳеч қандай романтик хаёлларга берилмасдан, бепарво, сени сўнгти марта кўрадиган кун субҳидамида ёзяпман. Ушбу сатрларни ўқиётган вактингда, азизим, ҳаётининг охирги дақиқаларида сен билан мулоқотда бўлишдан ўзга роҳатни билма-

ган беором жафокашнинг қотган жасадини совук қабр ўз бағрига олган бўлади. Оҳ! Бу тун мен учун ҳам даҳшатли, ҳам лаззатли бўлди! Шу кеча давомида қарорим аниқланди ва мустаҳкамланди: мен ўлишим керак! Кечаканда қаттиқ саросимада хузурингдан чиққанимда, бор ҳисларим юрагимдан тошиб кетди ва сенинг олдингда умидсиз, қувончсиз хўрланишдан кўра, ўзимга ўлимни афзал кўрдим!.. Хонамга аранг етиб келдим, ўзимни йўқотган ҳолда тиз чўқдим, о, Тангри! Сен менга қайнок кўз ёшлирининг охирги лаззатини ато этдинг! Миямда минглаб ният, минглаб умидлар айланишарди, бироқ ниҳоят, сўнгти, ягона, катъий фикр мустаҳкам ўрин олди: мен ўлишим керак! Ухлашга ётдим, бутун тонгда, уйкудан кейинги сокин мияда ҳам худди ўша қатъий ва мустаҳкам хукм турарди: мен ўлишим керак! Бу иккиланиш эмас, йўқ, ўзим ана шу қатъий қарорга келдим ва сен учун ўзимни курбон қиласман. Ҳа, Лотта! Яширишнинг нима ҳожати бор? Учаламиздан биримиз кетишимиз лозим, мен кетаман! О, азизим! Бу азобланган юрак кўп марталаб... сенинг эрингни ўлдиришга ҳам... уриниб кўрган... Сени ҳам!.. Ўзимни!.. Майли, шундай бўла қолсин!.. Очиқ ёз кечалари токка чиққанингда мен ҳақимда, менинг кўпинча водий бўйлаб юкорига кўтарилганимни эсла, сўнгра, қабристонга, ботиб бораётган қуёш нурида устидаги баланд ўсган ўтларни шабада тебратаеттган қабримга назар ташла... Ёза бошлаган пайтимда тинч эдим, ҳозир эса, ҳамма нарса кўз олдимда жонланиб, гўдакдек кўз ёш тўқяпман...»

* * *

Соат ўнларга яқин Вертер хизматкорини чақирдида, кийинаётib яқинда жўнаб кетиш тараддуудида эканлигини айтди, шунинг учун кийимларини тозалаб, ҳамма нарсани йўлга таҳт қилиб қўйишни тайинлади; бундан ташкари, ҳамма билан ҳисоб-китобни тўғрилашни, бошқалардаги китобларни йиғишириб келишни, ҳар ҳафта ўзи ёрдам бериб турадиган

камбағалларга эса иккى ойлик ёрдам пулини ҳозирдан тұлаб қўйишни буюрди.

У тушки овқатни хонасига келтиришни сўради ва стол ёнидан туриб тұғри амтманникига кетди, лекин уни уйидан топмади. Гүё барча сўнгги хотиралар юкини ўз гарданига олмоқчи бўлгандек, боғда йўчан кезиб юрди.

Бироқ бу танҳолик узок давом этмади, болалар унинг ёнига югуриб келишиб, унга осилиб олишдида, кетма-кет бидирлай кетиши: эрта, эртадан кейин ва яна бир кун ўтгач, улар Лоттаникига арча байрамга боришидаи, совғалар олишади; улар ўзларининг болаларча хаёллари ваъда қилган ҳар хил ажойиботларни ҳикоя қилишарди.

– Эрта! Эртадан кейин ва яна бир кун ўтгач! – деди Вертер, уларнинг ҳаммасини самимий қучди ва кетишига чоғланди, шунда энг кенжаси унинг кулоғига нимадир шивирлади ва сирни очиб қўйди: катта акалари чиройли янги йил табриклари ёзишган! Бирам каттаки! Биттаси оталари учун, иккинчиси Алберт ва Лоттага аталган, жаноб Вертерга аталгани ҳам бор, буларни янги йил куни эрталаб тақдим этишади.

Бу гаплар уни ҳолдан тойдирди, у болаларнинг ҳар бирига бир тангадан бергач, отасига салом айтишларини сўради-да, отга сакраб минди ва кўзлари ёшга тўлиб жўнаб кетди.

Соат бешларга яқин уйга қайтиб келди ва печканинг тунгача ёниб туришидан хабардор бўлишни оксоҷ қизга тайинлади. Хизматкорига эса китоб ва ички кийимларини чамадоннинг энг тубига жойлаштиришни ва кўйлакларини тикишни буюрди. Афтидан, шундан кейин, Лоттага аталган сўнгги хатнинг куйидаги сатрларини коғозга туширди.

«Сен мени кутмаяпсан! Байрамгача кўришмаймиз, деб ўйлаяпсан? Йўқ, Лотта! Бугун ёки ҳеч қачон! Байрам куни сен бу хатни титраганча кўлларингда тутиб, азиз кўз ёшларинг билан ҳўл қиласан. Мен ўлишим керак ва шундай бўлади ҳам! О, қарорим қатъийлигидан кандай шодман!»

Бу орада Лотта ғалати ақволга тушиб қолди. Вертер билан бүлган сұхбатдан кейин, бир-бирларидан ажралиш қанчалик оғир бўлишини, Вертер ҳам бундан беҳад изтироб чекишини ҳис этди. Алберт хузурида у, Вертернинг байрамгача келмаслигини гап орасида эслатиб қўйди ва Алберт иш юзасидан қўшни қишлоққа бир хизматчиникига жўнаб кетишини ҳамда бугун қайтмаслигини айтди.

Мана, у ёлғиз. Укалари ва сингилларидан бирортаси ҳам ёнида эмас, ўз ахволи ҳакида чукур ўйга толиб ўтирибди. У Албертга бир умр боғланган, ундаги муҳаббат ва садоқатни ҳам ҳис қиласи; ўзи ҳам қалбан унга содик, ундаги қатъийлик ва вафодорлик гўёки бир соғдил аёл уларнинг ҳаётларида баҳт яратиши учунгина мавжуддек туюлади унга; ўзи ва болалари учун бу одам қай даражада аҳамиятли эканини у тушунади. Шу билан бирга, Вертер ҳам унга ғоят қимматли бўлиб қолган; танишувларининг дастлабки лаҳзалариданоқ улардаги руҳан уйғунлик яққол кўзга ташланган, у билан шу пайтгача бўлган муносабат ва бошдан кечирган кўп воқеалар Лотта қалбидан ўчмас из қолдирган эди. Ўзини қизиктирган ҳамда ҳаяжонлантирган ҳамма нарсани Вертер билан ўртоқлашишга одатланиб қолган, борди-ю, у кетса, юрагидаги ортиқ ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган тубсиз бўшлиқни ҳис этиш уни даҳшатга соларди. О, Вертер ҳозироқ акаси бўлиб қолса, нақадар баҳтли бўларди!.. Уни дугоналаридан бирига уйлантириб қўя олса, Алберт билан Вертер ўртасидаги муносабатни қайта тиклаш имкони бўлса эди!..

У барча дугоналарини хаёлидан бир-бир ўтказди ва уларнинг ҳар биридан бирорта камчилик топди, ҳеч бирини унга лойик ҳисоблаёлмади.

Шуларни хаёлдан ўтказаркан, у биринчи марта, тўла англаб етмасдан, ўзининг соғ, муқаддас истаги – Вертерни ўзи учун сақлаш эканлигини чукур ҳис этди, лекин, шу билан бир қаторда, уни сақлай олмаслиги-



ни, бунга ҳакки йўклигини ҳам ўйлаб кўйди; унинг тоза қалбидаги шу пайтгача ҳеч нарса хиралаштира олмаган бекиёс равшанлик ўрнини ғам-ғусса эгаллади: бахт эшиги унинг учун ёпик эди. Кўз олдини туман қоплади ва юраги эзилиб кетди.

Кулоғига зинапоядаги қадам товушлари чалинганда, вақт олти яримларга яқинлашган эди ва у Вертернинг қадам ташлашини ҳамда уни сўраётган овозини дарҳол таниди. Вертер келганда, айтишимиз мумкинки, биринчи марта унинг юраги қаттиқ ура бошлади. У ўзини уйда йўқ, дейишларини афзал кўрди-ю, бирок Вертер рўбарўсида пайдо бўлди ва Лотта уни довдираған ҳамда аччиқланган оҳангда кутиб олди:

- Сиз сўзингизда турмадингиз.
- Мен ҳеч қандай сўз берганим йўқ, – жавоб берди Вертер.
- Ҳеч бўлмаса менинг илтимосимга қулоқ солсангиз бўларди, – ранжиди Лотта, – ахир, мен Сиздан иккимизнинг тинчлигимиз учун илтимос килгандим.

У нима гапираётганини ўзи тушунмасди, Вертер билан танҳо қолмаслик максадида дугоналаридан баъзиларини айтиб келишга одам юборганида нима қилаётганини ҳам англамасди, Вертер ўзи келтирган бир неча китобни чиқариб кўйди ва қандайдир бошқаларини сўради. Лотта эса, бир кўнглида дугоналарининг келишини истаса, бир кўнгли истамасди. Хизматкор қиз қайтиб келиб таклиф қилинган қизларнинг ҳар иккалasi ҳам узр сўраганларини ва келомасликларини айтди.

У хизматкор қизга қўшни хонада ўз ишини қилиб ўтиришни буюрмокчи ҳам бўлди, кейин яна бу фикридан қайтди. Вертер хонада у ёқдан-бу ёққа юрарди, Лотта фортепиано олдига борди-да, минузтни чала бошлади, бирок ҳеч нарса чиқара олмади. Нихоят, ўзини тутиб олди ва Вертер одатдаги жойи бўлган диванга ўтиргач, келиб унинг ёнидан жой олди.

- Ўқийдиган бирор нарсангиз йўқми? – сўради у. Вертерда ҳеч нарса йўқ эди.

— Менинг столим тортмасида сизнинг таржиман-гизда Оссиан қўшиклари бор, ҳали ўқиганим йўқ, уни ўзингиздан эшитишга умид қилгандим, аммо, негадир, шу пайтгача бунинг имкони бўлмади.

Вертер кулимсираганча дафтарни олиб келди, лекин уни қўлига олган заҳотиёқ Вертерни титрок камраб олди, дафтарни очаркан, кўзлари ёшга тўлди. Ўтирида, ўқий бошлади:

«Сокин тун юлдузи, сен уfkда жозибали жимилайсан, булут ортидан нур сочиб чиқсанг-да, тепага қараб мағрур сузиб кетасан. Сен бўшлиқда нимани ахтаряпсан? Қутурган шамол тинган, узокдан анхорнинг шовиллагани кулоққа чалинади ва тўлқинлар ҳув ава-ви чўққилар тубида шовқин солмоқда; майда пашша галалари дала устида ғувиллашмоқда. Нимани ахтаряпсан, гўзал нур? Аммо сен жилмайиб нари кетасан, тўлқинлар қувонч билан сени ўраб олишади-да, майин соchlарингни кўмиб юборишади. Хайр, беозор нур! Яна чаракла, Оссиан қалбининг порлок нури!

Мана, бор қудрати-ла у яна пайдо бўлди. Мен марҳум дўстларимни кўряпман, улар худди қадимдагидек Лорада тўпланишган. Фингал худди туман устунидек туюляпти; атрофида унинг қаҳрамонлари, ана у ерда диний қўшиқ ижрочилари: мўйсафид Уллин! Хушбичим Рино! Моҳир қўшиқчи Алгин! Анави эса, сен, секин қайғураётган Минона!.. Дўстларим, биз Селмада, тепалик устида шитирлаётган ўтларни силкитган баҳор еллари янглиғ қўшиқ айтишда мусобака ўйнаган ўша қувончли кунлардан буён қанчалик ўзгариб кетибмиз!

Мана, чиройини кўз-кўз қилиб Минона чиқиб келди; у нигоҳини ерга тиккан, кўзлари тўла ёш, соч ўримлари тоғдан эсаётган шамолдан оғир силкинади. Унинг сирли овози янграганда, қаҳрамонларнинг қалблари ғам-ғуссага тўлади; чунки улар, гоҳ Салгарнинг қабрини, гоҳ хушловоз оқ Колманинг коронғи кулбасини кўз олдиларига келтиришарди. Хушловоз Колма тепалик устида танҳо қолган, Салгар келишга ваъда

берган бўлса-да, келмаган, атрофга тун коронғилиги чўккан. Тепалик устида ёлғиз ўтирган Колманинг то-вушкига қулоқ тутиңг.

КОЛМА:

Тун! Ёлғиз менгина бўронда тепалик устида унучилганман. Дарапарда шамол увиллайди, сел тоғдан пастга интилади. Тепалик устида бўронда қолган мен бечора ташландикни ёмғирдан ҳимоя қиласидиган бирорта бошпана йўқ.

Булутлар ортидан чиқ, моҳитобон! Чарақланг, тун юлдузлари! Сизнинг нурларингиз, севгилим ов ташвишларидан сўнг дам олиб ётган жойга элтувчи йўлимни ёритсинглар, камони ҳам ёнида ётибди, чарчаган итлари уни ўраб олишган! Мен эса, танҳоман, пастда даҳшатли сел қутуряпти. Сел ва тўлкин шовиллайди, севгилимнинг овози эса эшитилмайди.

Нега менинг Салгарим ҳаяллаяпти? Берган ваъдаси ёдидан чиқдимикан?.. Ана қоя ва дарахт, бунда эса, қутурган тўлкин. Тун чўкканда келаман, деб сўз берган эдинг, ох! Салгарим қаерларда адашиб қолдийкин? Мен отам ва акамдан, барча дабдабалардан кечиб сен билан қочиб кетмоқчи эдим! Бизнинг аждодларимиз илгариданоқ душман бўлиб келишган, лекин биз рақиб бўйламаймиз, о, Салгар! Бир зумгина тин ол, шамол! Бир зумгина тинчлан, эй тўлкин! Овозим водий бўйлаб янграсин, уни менинг сайёҳим эшиксин! Салгар, сени мен чорляпман! Мана қоя, мана дарахт! Салгар! Севгилим, мен бу ердаман! Ахир, нега ҳаяллаяпсан?

Қара, ой чиқди, водийдаги сув ярақлаяпти, чўққи-лар қўнғир тусдаги тепаликлар устида мағрур туришипти; факат Салгар йўқ, у кўринмайди, итлари ҳуриб ундан дарак ҳам беришмайди. Мен бунда танҳо ўтирибман.

Хув пастда, текисликда ётганлар ким? Акамми? Севгилимми? Жавоб беринглар, дўстларим! Улар жим! Кўркувдан титраб кетяпман!.. Ох, улар ўлдирилган!

Қиличлари қонга бўялган! О, ака, акажоним! Нега менинг Салгаримни ҳалок этдинг? О, Салгарим! Нега сен акамни ўлдирдинг? Мен ахир иккингизни ҳам шунчалик севардимки? Сен водийдаги минглаб кишилар ичидаги энг гўзали эдинг! У эса, жангда даҳшат соларди. Жавоб беринглар! Овозимга қулоқ солинглар, азизларим! Ох, улар жим! Абадий жим! Уларнинг кўкси худди ер кўксидек совук!

О, коялардан, бўрон увиллаётган тоғ чўққисидан туриб жавоб беринглар менга, мархумларнинг рухлари! Гапиринглар! Мен бундан чўчимайман!.. Сизлар қаёқка ором излаб кетдингизлар? Сизларни қаердан, кайси тоғ дарасидан ахтарай?.. Шамолда на бир овозни, бўронда на бир жавобни илгайман.

Ғамга чулғаниб, кўз ёши тўкарканман, тонгни кутяпман. Мархумларнинг дўстлари, қабр қазинглар, лекин мен боргунимча дағн этиб қўйманглар. Ҳаёт мени худди тушдек тарк этяпти; тириклар орасида қолишимнинг не маъноси бор? Мен мана шу ерда, гулдураётган чўққилар орасида, селда яшайман. Тепалик устига тун чўкиб, водий тепасида шамол эса бошлаганда, руҳим шамол қўйнида бош кўтаради-да, дўстларим ўлимига кўз ёши тўқади.

Чайлада ўтирган овчи овозимни эшитиб, даҳшатга тушади ва ундан сеҳрланиб қолади; чунки мен, азиз ва севикли дўстларим ҳақида жўшиб куйлайман!

Сен шундай куйладинг, Торманинг ювош, уятчан қизи, Минона. Биз Колма учун кўз ёш тўқдик, қалбларимиз ғам-аламга чулғанди. Шу пайтда қўлида арфа тутган Уллин чиқиб келди ва бизга Алгин қўшиғини куйлаб берди... Алгиннинг овози мулойим янграрди, Рино қалби эса, ёлқинга ўхшарди. Гарчи уларнинг бошпаналари аллақачон тор бўлса-да, овозлари Селмадан янграрди. Бир куни Уллин, қаҳрамонлар ҳали тирик пайтида, овдан қайтиб келганида, тепалик устида уларнинг қўшиқ айтишда беллашаётганларини эшитди. Уларнинг қўшиғи ёқимли, аммо ғамгин эди. Улар, қаҳрамонлар ичидаги биринчи ҳалок бўлган

Морарга атаб мотам күшиғи куйлардилар. Унинг қалби Фингалнинг қалбидек, киличи эса, Оскарнинг қиличидек эди, барибир у ҳалок бўлди. Отаси эса, ўғли учун ёқасини чок этиб қайғуради, синглиснинг кўзлари тўла ёш, ботир Морарнинг синглиси Минонанинг кўзлари жикка ёш эди.

Уллиннинг күшиғи янграган заҳотиёқ, Минона, худди бўронни сезиб, юзини булат ортига яширган уфқдаги ойдек, кўздан ғойиб бўлди. Мен эса, Уллин билан бирга арфа торларини чертиб мотам ашуласига жўр бўлдим.

РИНО:

Шамол ва ёмғир ўтиб кетди, ҳаво ниҳоятда очик, булатлар тарқалишмоқда. Бекарор қуёш тепаликка наридан-бери нур сочмоқда. Шафакдан қизарган оқим водий бўйлаб пастга шошилади. Оқим, сенинг шовуллашинг бирам ёқимли! Аммо менга эшитилаётган товуш бундан ҳам ёқимлироқ. Бу Алпиннинг овози, у марҳумлар хотирасига кўз ёши тўкяпти. У кексаликдан буқчайган, кўзлари йигидан қизариб кетган. Алпин! Хушовоз кўшиқчи! Нима учун сокин тепаликда ёлғизсан! Нега чакалакзор ўрмондаги шамолдек, узок қирғоқларга урилаётган тўлқиндек фарёд чекасан.

АЛПИН:

Рино, мен марҳумлар учун йиглаляпман, овозим қабрда ётганлар ёнига чорлайди. Сен тепалик устида қанчалик мағрур турмагин, водийдаги ўғлонлар ичida қанчалик омадли ҳисобланмагин, барибир, худди Морардек ҳалок бўласан ва қабринг устида кимдир юмюм йиглайди. Тепаликлар сени унутишади, букилган қаддинг қабр гумбази остида ётади.

О, Морар, сен тоғ кийиги янглиғ абжир, зимистон кўқдаги чақмоқдек даҳшатли зинг. Ғазабинг гўё тўлқиндек эди, қиличинг жангда водий устидағи яшиндек яракларди, овозинг бамисоли узок тепаликлар ортидаги момақалдироқдек, ёмғирдан сўнгти

ўрмон шовуллашидек эди. Кўплар сенинг кўлингда жон берди, улар ғазабинг алангасини ўчирди. Урушдан қайтиб келганингда овозинг осойишта янграрди! Чехранг эса, бўрондан кейинги офтобга, сокин тундаги ойга ўхшарди, қалбинг шамол тинчигандан сўнгги кўл янглиғ осуда эди. Энди эса, бошпананг тор! Сен яшаётган жой зулматда! Бир вактлар нақадар буюк бўлган кимса қабрини энди уч қадам билан ўлчаш мумкин! Ўт босиб ётган тўртта тош – мана, сендан ягона ёдгорлик! Яланғоч дарахту шамолда тебраниб турган ўсик гиёҳ овчига қаҳрамон Морар қабридан дарак беради. Сен учун қайғурадиган онанг ҳам, муҳаббат ёшларини тўқадиган севгилинг ҳам йўқ. Сени туккан кимса, Моргланинг қизи ҳам ҳалок бўлган.

Анави жойда ҳассага таяниб юрган ким? Кексалигидан соchlари оқарган, йигидан кўзлари қизарган кимса ким? Бу сенинг отанг, Морар, сендеқ ягона ўғилнинг падари бузруквори. У сенинг жангдаги қаҳрамонлигингни эшитган, душманларинг мағлубияти ҳақида ҳам эшитган! О, жароҳатларингдан эса, у бехабар! Йиғла! Йиғла! Афсус, ўғлинг овозингни эшитмайди. Ўликларнинг уйкуси қаттиқ, тупрок уларнинг ёстиғи. Сенинг овозинг унга етиб бормайди, кичкириғинг уни уйғотолмайди. Тонг отганида эса, қабрда мархум: «Уйғон!» деган товушни эшитади.

Алвидо, марҳумларнинг энг ботири, ғолиб жангчи! Энди сени жанг майдони қайтиб кўрмайди! Шамширинг ярақлаши энди қоронғи ўрмонни ёритмайди. Сен ўзингдан ўғил қолдирмадинг, аммо номинг қўшикларда сақланади ва келажак авлодлар сен ҳақингда – жангда ҳалок бўлган Морар ҳақида хабар топадилар.

Қаҳрамонлар қаттиқ фифон чекишаради, Арминнинг ноласи айниқса кучлироқ эди. У умрининг айни гуллаган даврида ҳалок бўлган ўғлини хотирларди. Унинг ёнида сершовқин Галмолнинг хўжайини Кармор ўтиради.

– Нима сабабдан Армин бунчалик фарёд чекади? – сўради у, – Нега ахир йиғлайди? Ахир қўшиқ қалбга

ором бағишлош ва уни юпатиш учун күйланмайдими? Күшиқлар худди күлдан водийга күтарилаётіб, ранг-баранг гулларни шабнамга күмиб яшнатиб юборган енгил туманга үхшайдылар; аммо қуёш чиқдими, бас, туман шу зумдаёқ тарқалиб кетади. Нега бу қадар нола қиласан, тұлқин ювган Горманинг султони – Армин?

– Ҳа, мен нола қиляпман! Фамим бенихоя, Карморт, сен үғлингни йўқотганинг йўқ, гулдек қизингдан жудо бўлганинг йўқ; жасур Колгар ҳаёт ва гўзал Аннира ҳам ҳаёт. Сенинг уйингдаги ниҳоллар гуллаяпти, о, Карморт, бизнинг наслимиз эса Армин билан тугайди! О, Даура, сенинг тўшагинг зулмат кўйнида! Қабрдаги уйқунг ҳам қаттик!.. Қачон уйғонасан ва сенинг қўшиғинг, ёқимли овозинг қачон қайта янграйди? Куз шамоли, қўзғол! Қўзғол! Қоронғи водий устида ғувилла! Үрмон, шовкин сол! Бўрон, қайнилар тепасида қичкир! Сузавер, ой, булултар орасидан сўлғин чехранг мўраласин! Болаларим ҳалок бўлган – жасур Ариндал ва севимли Даура дунёдан ўтган ўша даҳшатли кечани ёдимга сол.

Даура, қизим, сен гўзал эдинг! Фура тоғлари тепасидаги ойдек фусункор, қордек оппок, соф ҳаводек ёқимли эдинг! Ариндал, сенинг камонинг маҳкам боғланган, жангда ёйни ҳам мўлжалга тегизиб отардинг, назаринг денгиз устидаги тумандек эди, қалконинг эса, момақалдирок пайтидаги яшиндек яракларди!

Урушда шухрат козонган Армар қайтиб келгач, Даурага кўнгил кўйди, Даура ҳам кўп қаршилик кўрсатмади. Дўстлари уларнинг бахтли бўлишларига ишонган эдилар.

Одгалнинг ўғли Эрат, акасини Армар ўлдиргани туфайли илгаридан кек саклаб келарди. У денгизчи кийимида келди. Унинг чиройли қайиқчаси тўлкин устида чайқаларди, соchlарига оқ оралаган, жиддий чехраси хотиржам кўринарди.

– Соҳибжамол қиз, – деди у, – Арминнинг сулув қизи, анави денгиз бўйидаги чўқкида, дарахтлардан

мевалар мўралаб турган жойда Армар Даурани кутяпти; мен унинг севгилисини кутураётган денгиздан олиб ўтгани юборилганман.

Даура унга эргашди ва Армарни чакира бошлади. Чўққилардан акси садогина қайтди, холос.

— Армар! Азизим! Севгилим! Нега мени бунчалик кўркитасан? Жавоб бер! Жавоб бер, Арнатнинг ўғли! Сени Даура чакиряпти!

Сотқин Эрат бўлса, тиржайиб қуруқликка яширинди. Қиз овозининг борича отасини ва акасини чакира бошлади:

— Ариндал! Армин! Наҳотки, ҳеч ким Даурани кутқазмайди?

Унинг товуши денгиз оша етиб келди. Ўғлим Ариндал тепалиқдан югуриб келди: у овчилик яроғаслаҳалари билан даҳшатли кўринарди. Белидаги камарида ўқлар шилдиради, қўлида камон, атрофии бешта қора-қўнғир тусдаги итлар ўраб олган эди. Қирғока у жиноятчи Эратни кўргач, тутиб олдида, қарағайга белидан сикиб боғлаб ташлади. Банди оғриқдан инграб юборди.

Ариндал ўз қайигида Даурани олиб келиш учун денгизга тушди. Шу пайт дарғазаб ҳолда Армар пайдо бўлди-да, ўткир учли ёйни иргитди; у визиллаб бориб сенинг кўксингта қадалди, о, Ариндал, ўғлим! Жиноятчи Эрат ўрнига сен ҳалок бўлдинг, қайигинг тошларга бориб урилди, сен унинг устига йиқилдинг-да, жон бердинг. О, шўрлик Даура, акангнинг қони сенинг оёқларинг остида оқарди!

Тўлкинлар қайиқни парчалаб ташлади, Армар ўз Даурасини кутқазиш, йўқса, ҳалок бўлиш учун ўзини тўлкинлар бағрига отди. Шу пайт тоғдан қаттиқ шамол турди ва денгиз кутуриб, Армарни домига тортди-ю, у абадий ғойиб бўлди.

Ёлғиз ўзим денгиз ўртасидаги қоя устида ўтирадим ва қизимнинг фарёди қулогимга чалинарди. У узлуксиз, қаттиқ фарёд соларди, бироқ отаси уни куткаролмади. Тун бўйи денгиз соҳилида ўтириб

чиқдим ва ойнинг сўлғин нурида у кўзга ташланди, тун бўйи унинг оҳ-ноласини эшитдим, шамол увиллар, ёмғир тинимсиз қояга уриларди. Тонг олдидан Дауранинг товуши сусая бошлади, чўкқиларда ўсган майсаларни елпиб ўтган кечки шабададек у йўқ бўлди. Даура фарёд чекиб ҳалок бўлди ва Арминни танҳо ташлаб кетди! Урушдаги таянчимдан жудо бўлдим, қизлар ичидаги энг гўзал ҳисобланган Даурам ҳалок бўлди.

Тоғда бўрон увиллаганда, тўлқинларни шимол шамоли кўкка ирғитганда, мен ана шу сершовқин қирғоқда, ўша даҳшатли қоядан кўз узмай ўтираман. Ботаётган ой нурида баъзан болаларимнинг соялари кўзга ташланади, улар худди хира шарпадек аянчли танҳоликда кезиб юришади...»

Лоттанинг кўзларидан юракни ғамдан ҳалос этувчи ўшлар маржондек оқа бошлаганини кўрган Вертер ўқишини тўхтатди. У дафтарни ирғитиб юбордида, Лоттанинг қўлини қисганча, аччик кўз ёш тўқди. Лотта иккинчи қўлидаги дастрўмоли билан кўзларини бекитди, иккаласи ҳам даҳшатли ҳолатда эди. Диний қўшиқ қаҳрамонларининг аччик тақдири уларга гўё ўз қайғуларидек туюлди, иккаласи буни бирдек ҳис этишар ва бирдек кўз ёш тўкишарди. Вертернинг кўз ўшлари ва лаблари Лоттанинг қўлини кўйдиради: у кўркиб кетди, кетмоқчи бўлди, бироқ шафқат ва алам уни ипсиз боғлаб кўйганди. У чукур хўрсинди-да, йиги аралаш Вертердан ўқишида давом этишини ниҳоятда ўтиниб сўради! Вертер титрарди, юраги отилиб чиккудек ҳаприқарди, у варакни олди-да, тутилиб тутилиб ўқий бошлади:

– О, баҳор шабадаси, нега мени уйғотасан? Сен эркалатиб: «Мен само шабнами-ла сенга жон баҳш этаман!» – дейсан гўё. Бироқ менинг сўлиш пайтим яқин, япроқларимни юлиб отадиган бўрон яқин. Эртага келади, мени навқиронлик давримдан буён билган ўша сайёҳ келади. У мени ҳамма ёқдан ўз нигоҳи-ла ахтаради, афсуски, тополмайди...»

Бу сўзларнинг бутун қурдати баҳтсиз Вертер устига ёғилди. У чуқур изтиробда ўзини Лоттанинг оёқларига ташлади, унинг қўлини маҳкам ушлаб, кўзларига, манглайига босди, унинг мудҳиш қарорини гўё сезгандек, Лотта кўркувдан титраб кетди. Кўз олди хиралашди, Вертернинг қўлларини қаттиқ қисиб, кўксига кўйди, титраб-қақшаб унинг боши устига эгилди, уларнинг ёнаётган ёноқлари бир-бирига тегиб кетди. Борлик гўё ғойиб бўлди, Вертер уни бағрига босганича нималарни дир шивирлаётган титроқ лабларидан қаттиқ-қаттиқ ўпа бошлади.

– Вертер! – қичқирди Лотта бўғик овозда бошини четга буаркан, – Вертер! – беҳуда ҳаракатлар билан уни четлатишга уринарди. – Вертер! – такрорлади у дадиллик билан қатъий оҳангда. Вертер ортиқ қаршилик қилмади. Лоттани оғушидан бўшатди-да, ўзини телбалардек унинг оёклари остига ташлади. Лотта ўзини ўнглаб олди ва даҳшатли саросимада муҳаббат ва ғазаб ўртасида титраб деди:

– Бу бошқа такрорланмайди! Сиз мени кўрмайсиз, Вертер!

У шўрлик Вертерга муҳаббат тўла нигоҳ билан караб турди-да, қўшни хонага кириб кетди ва ичдан қулфлаб олди. Вертер унинг кетидан қўлларини чўзганча қолаверди. У бошини диванга кўйиб яrim соатлар чамаси полда чўзилиб ётди, қандайдир шитирлаш уни ҳушига келтирди. Хизматкор қиз стол ясатиш учун кирганди. Вертер хонада юра бошлади, яна ўзи ёлғиз қолгач, хона эшигига келиб, секин чақирди:

– Лотта! Лотта! Лоақал бир оғиз сўзимни эшитинг!
Хайрлашув олдидан!

Лотта жим эди. У кутди, ялинди, яна кутди, кейин қичқирди: – Алвидо, Лотта! Умрбод алвидо!

Шу билан ўзини ташқарига отди.

У шаҳар дарвозасигача борди. Қоровуллар уни таниғанлари туфайли индамасдан ўтказиб юборишиди. Ёмғир аралаш кор ёғарди, у бўлса фақат соат ўн бирларга яқин дарвозани қайта тақиллатди. Уйига келга-

нида, хизматкори унинг шляпасиз қайтганини пайқади. Бирок оғиз очишга журъат қилолмади, уни ечинтириди, ҳамма кийимлари жиққа хўл эди. Кейинчалик шляпани тепаликнинг водийга қараган ёнбағридаги чўққидан топишди. Ёғинли зимиштон кечада ҳеч ерига шикаст еткизмасдан қандай қилиб у ерга чикқанлиги кишининг ақлига сифмайди.

У тўшакка ётди, шу кўйи узок ухлади. Хизматкори эрталаб унинг истагига кўра қахва келтирганида, у стол ёнида ёзиб ўтиради. У Лоттага аталган мактубига қуидагиларни қўшимча қилди:

«Шундай қилиб, мен сўнгги бор, ха, сўнгги бор кўзларимни очяпман. Оҳ! Энди уларга офтобни кўриш насиб этмайди! Хира туманли тун уларни тўсиб қўяди. Мотам тут, табиат! Сенинг ўғлинг, сенинг дўстинг, сенинг ошиғингнинг умри тугаяпти. Лотта, бу туйгуни тасвирлаш мушкул, агар ўзингга: «Бу менинг сўнгги субҳидамим! Охиргиси!» деяркансан, бу шуурни факат хира тушга ўхшатиш мумкин. Охиргиси! Лотта, мен «охирги» деган сўзни тушунолмайман. Мана, ҳозир кучга тўлиқман, эртага эса, ерда жонсиз, ҳаракатсиз чўзилиб ётаман. Ўлим! Бу нима дегани? Қара, биз ўлим ҳақида гапиранканмиз, гўё хаёл сурамиз. Кишиларнинг ўлганларини кўп марта кўрганман. Бирок одам табиатан шу қадар чегараланганди, ўз ҳаётининг ибтидоси ва интиҳосини ҳатто пайқамай ҳам қолади. Ҳозир сеники, сеники! Ҳа, сеники! О, маҳбубам! Яна бир зум ўтгач эса... тугайди, адо бўлади... эҳтимол, абадийдир? Йўқ, Лотта, йўқ... Мен қандай қилиб йўқ бўлиб кетай? Қандай қилиб сен йўқ бўлиб кетасан?! Биз ахир мавжудмиз-ку! Йўқ бўлиш!.. Бу нима дегани?.. Яна сўз, юрагим ҳис этмайдиган қуруқ овоз!.. Ҳалок бўл, Лотта! Тор, тимқоронғи совуқ ерга кўмил!.. Мен бир кизни билардим, у журъатсиз ёшлиқ давримда мен учун бутун ёруғ олам эди. У ўлди, мен унинг тобути ортидан бордим, қабри тепасида турдим! Тобутни қабрга туширганларидан кейин, арқонни унинг остидан тортиб олишгач, биринчи курак тупроқни

ташлашди, у даҳшатли қутига бўғиқ урилди, овоз борган сари бўғиқлашиб борди ва қизни бутунлай кўмиб ташлашди!.. Мен ўзимни қабр устига ташладим, бағрим тилка-пора бўлган, эзилган, титраган, саросимага тушган эдим, аммо, барибир, бунинг ўлим эканини, ўз бошимга ҳам бир куни шу кўргулик тушишини билмасдим... Ўлим! Қабр! Англаб бўлмайдиган сўзлар!

Ох, кечир, кечир мени! Кеча! Кеча ўлишим керак эди! О, фариштам! Илк марта, ха, илк марта, бор вужудим-ла дилни яйратувчи бир туйгуни ҳис этдим: у мени севади! У мени севади! Ҳануз лабларимда сенинг лабларингдан ўтган сеҳрли ўт ёняпти ва қалбимни ажиг бир роҳат чулғаяпти. Кечир мени! Кечир!

О, мени севишингни билгандим. Илк самимий нигоҳингданоқ, илк марта қўлимни қисганингдаёқ билгандим, аммо мен кетгач, ёнингда Алберт қоларди, мен бўлсам, азоб ўтида куярдим.

Эсингда борми, ўша ёқимсиз кишилар орасида биз бирон оғиз ҳам сўзлашолмаган, ҳеч бўлмаса, бир-биrimизнинг кўлимизни қисолмаган пайтимиизда менга гул юборгандинг? Ярим кечагача ўша гул олдиди тиз чўкиб турдим, чунки у сенинг менга бўлган муҳаббатинг рамзи эди.

Афуски. Худо таолонинг сахийлик билан кўрсатган муқаддас марҳаматига бўлган ишонч ишонувчи онгида аста-секин сўниб борганидек, бу таассуротлар ҳам ўтиб кетди. Ҳамма нарса ўтади, лекин ҳар қандай абадийлик ҳам, кеча сенинг лабларингдан олган ва ҳозир ҳам ёниб турган мана шу ёлқинли оловни сўндира олмайди! У мени севади! Менинг қўлларим уни кучди, лабларим унинг лабларида титраб, нималарнидир шивирлади. У меники! Ҳа, Лотта, сен абадий меникисан!

Алберт эринг бўлса нима бўлипти? Менга нима? У фақат бу дунёдагина эр, демак, бу дунёда сени севишим, сени унинг бағридан тортиб олишга ва ўз

багримга босишга интилишим гуноҳми? Гуноҳ? Ҳа, майли, мен бунинг учун ўзимни жазолайман. Бу гуноҳни бор илоҳий лаззати билан тотдим, ундан ҳаётий куч-кувват олдим. Ўша лаҳзадан эътиборан, сен меникисан, о, Лотта! Меникисан! Мен кетаман! Ўз отам ёнига, сенинг онанг ёнига кетаман! Мен унга ўз қайғумни сўзлаб бераман, сен келгунингта қадар у мени юпатади, сен келгач эса, мен истиқболингга чиқаман, сени оғушимга оламан ва бир-биримизни кучганимизча Тангри нигоҳи олдида абадий бирга қоламиз.

Мен хаёл қилмаяпман, бу уйдирма эмас! Ўлимим олдидан ҳамма нарса ойдинлашайпти. Биз йўқ бўлмаймиз! Биз қайта топишамиз! Сенинг онангни кўрамиз! Мен уни кўраман, уни топаман ва унга, айнан сенинг қиёфадошинг бўлган онангта ўз дардимни тўкиб соламан».

* * *

Соат ўн бирларга яқин Вертер хизматкорини чақириб, ундан Албертнинг қайтган-қайтмаганини сўради. Хизматкор унинг келганини, отда ўтиб кетганини ўзи кўрганини айтди. Шунда хўжайин унга куйидаги мазмунда хатча тутқазди:

«Саёҳатга чиқиш учун тўппончангизни бериб турсангиз? Сизга доимо соғлиқ тилайман!»

Севимли Лотта ўша кечаси ёмон ухлади. Рўй беришига кўзи етмаган, аммо кўркув ичида кутиб юрган воқеа кўз очиб юмгунча ҳал бўлди-қўйди. Ҳамиша соқин ва хотиржам вужуди қаттиқ ҳаяжон билан тўлибтошиб, минглаб қарама-қарши ҳис-туйғулар мусаффо қалбига бир нафас ором бермасди. Кўксисда ёнаётган олов Вертернинг оғушидан ўтмадими? Эҳтимол, у, хозирги ҳолатини ўзига бениҳоя ишонган, бекиёс соф, иффатли бўлган аввалги кунлари билан солишириб, ўзидан нафратланаётгандир? Эри билан қайтарзда учрашади? Гарчи эридан яширмаса-да, барибир айтишга журъат этолмайдиган ҳодисани унга қандай

килиб билдиради? Иккаласи ҳам узок жим ўтиришгач, ўзи биринчи бўлиб жимликни бузиши ва ноқулай бир холатда Албертга кутилмаган воқеани баён қилиши керакми? Вертернинг келганлиги ҳақидаги хабарнинг ўзиёқ унда ёқимсиз туйғу уйғотади-ю, бу кутилмаган зарба не холга соларкин? Эри бу хабарни эшитиб, хотинини қораламайди деган ўйга ишонса бўладими? Юрагидаги туғёндан Албертнинг воқиф бўлишига йўл қўя олармикан? Аммо, иккинчи томондан, шу пайтгacha эрининг назарида самимий ва биллурдек тоза бўлиб келган, ўз туйғуларини бирор марта яширмаган ва яширолмаган, энди шундай одам олдида муғомбирлик қила оладими? Мана шундай қарама-қарши ўйлар уни хижолат ва нотинч қилса-да, барибир, хаёли яна Вертерга қайтди – у энди Лотта учун йўқ, Лотта ундан кечолмайди ҳам, бироқ, афсуски, уни ўз ҳолига ташлаб кўйишга мажбур. Лоттани йўқотаркан, Вертер учун ҳам ҳамма нарса бемаъни бўлиб қоларди.

Эри ва ўзи ўртасида пайдо бўлган ғов унга ҳозир канчалик оғир туюлишини ҳали тушуниб етмасди! Қандайдир яширин келишмовчилик туфайли мана шундай мулоҳазали, бაъмани кишилар бирбиридан сир яшира бошладилар. Ҳар бири ўзини ҳақ, бошқасини ноҳак деб ўйларди. Муносабатлар шу қадар қийинлашиб ва кескинлашиб кетдики, ниҳоят, мана шу ҳал қилувчи лаҳзада тугунни ечишнинг имкони йўқ эди. Яна самимий ишонч туғилиб, уларнинг илгариги тотувлиги тикланса эди, улар ўртасида ўзаро ҳурмат ва муҳаббат қайта жонланиб, қалбларни илитса эди, балки дўстимизни кутқазишнинг имкони бўларди.

Бундан ташқари, яна бир муҳим вазият мавжуд эди. Вертернинг хатларидан аёнки, у ҳаётни ташлаб кетишига интилишини ҳеч вакт яширмаган. Алберт бу хусусда у билан тез-тез баҳслашарди. Лотта билан эри ўртасида ҳам шу тўғрида тортишув бўларди. Алберт бу тахлит ишларга кескин қарши бўлиб, табиатига хос бўлмаган асабийлик билан, бундай ниятлар

чукур ўйланмасдан енгилтаклик билан қилинишига иккиланмайман, дейишга асосли далилларим бор, деб уктиарди, хатто шу ҳақда ҳазил тариқасида гапириб, ўз ишончсизлигини Лоттага ҳам билдирган эди.

Гарчи, даҳшатли манзара хаёлига келган пайтларида бу уни бир томондан тинчлантирса-да, иккинчи томондан, ҳозир ўзини азоблаётган қўркувни эрига айтишдан чўчиб турарди.

Алберт қайтиб келганда Лотта саросима ҳолатда шошилиб унга пешвоз чиқди. Албертнинг кайфияти ёмон эди, иши ўнгидан келмаган, чунки ўша хизматчи ниҳоятда ўжар ва бачкана эди. Ёмон йўл таъбини баттар хира қилганди.

У Лоттадан ҳол-аҳвол сўради. Лотта кеча кечқурун Вертер келганлигини шошилиб хабар қилди. У хат келмадими, деб сўради, битта хат ва бир неча пакетлар хонасида стол устида ётганлигини эшифтгач, ўша ёққа кетди, Лотта ёлғиз қолди. Ўзи севадиган ва хурмат қиласидиган эри билан учрашув унинг руҳини бирмунча кўтарди. Албертдаги олижаноблик, софдиллик ва муҳаббатни ҳис этаркан, қалби бироз ором топди. Ёнига боргиси келди, қўлига ишини олиб, одатдагидек, унинг хонасига кетди. Лотта кирганди, эри пакетларни очиб ўқиши билан машғул эди. Баъзиларининг мазмуни афтидан ёқимли эмасди, Лотта ундан нималарни дир сўради, у қисқа жавоб қайтарди-да, стол ёнига ўтириб, ёзишга тутиндди.

Шу тариқа улар бир соатлар чамаси ёнма-ён ўтиришиди. Лоттанинг юраги борган сари қаттикроқ сиқиларди. Алберт ўта хуш кайфиятда бўлганида ҳам, кўнглидаги гапни унга айтишга қурби етмаслигини Лотта сезарди. Ўзини қўлга олишга, кўз ёшларини яширишга уринаркан, уни янада оғиррок ғам қуршаб олди.

Вертер хизматкорининг кириб келиши эса тамоман довдиратиб қўйди. Хизматкор Албертга хатчани узатди, Алберт бўлса, хотиржам ҳолатда Лоттага бурилиб деди:

— Тўппончани бериб юборгин. Унга саёхатида оқйўл тилашимни айтиб кўй, — қўшиб қўйди у хизматкорга юзланаркан.

Лоттани гўё яшин ургандек бўлди, у гандираклаб ўрнидан турди, фикр-хаёлини тўплаб ололмасди. Девор ёнига зўрға етиб борди, титроқ қўллари билан тўппончани олди, чангини артди, уни бергиси келмасди, агар Алберт савол назари билан караб шоширмаганида эди, янайм имиллаган бўларди. Бирон оғиз сўз айтишга ҳоли етмасдан, машъум қуролни хизматкорга тутқазди, у чиқиб кетгач, ишни йифиштирида, ҳаддан ташқари ваҳима ичида ўз хонасига кириб кетди. Бор даҳшатни кўнгли олдиндан сезиб турарди. У ўзини эрининг оёқларига ташлаб, кеча кечкурун бўлиб ўтган ҳодисани — ўз гуноҳини, ўзидағи хавотирни унга айтиб бермоқчи ҳам бўларди. Бундай қилишнинг ҳам бефойдалигини тушунарди. Эрини Вертер ёнига боришига кўндира олишига деярли ишонмасди. Тушки овқат пайтида очиқ кўнгил бир дугонаси дарҳол нимадир сўраб кетишига келди-ю, бироқ кетмади ва овқат маҳалида сухбатга жон киритиб ўтириди. Лотта ҳам истаса-истамаса сухбатга аралашиб, нималарнидир гапириб, оғир ўйларни унутишга ўзида куч топишга уринди.

Хизматкори Вертерга тўппончани келтириб берди, Лотта олиб берганлигини эшитгач, Вертер уни ҳаяжон ичида олди. У вино ва нон келтиришни буюрди. Хизматкорини овқатланишга юборди-да, ўтириб ёзишга тутинди:

«Уни сен олиб бергансан, чангини артгансан, мен эса, уни тинимсиз ўпаман, ахир, унга сенинг қўлинг теккан-да! Самовий фариштам, сен ҳам менинг кароримга ҳомийлик қиляпсан! Лотта, сен менга қурол тутқазяпсан, мен ажални сенинг қўлларингдан кутардим! Ҳа, мана энди уни қабул қиляпман! Хизматкоримдан батафсил сўраб олдим. Сен тўппончани узатаркансан, титраб кетдинг, ҳатто бир оғиз сўз демадинг!.. Ох, шўрим! Мен билан видолашмадинг ҳам!.. Наҳотки,

иккимизни абадий боғлаган ўша нарса туфайли сенниг қалбинг мен учун бекилган бўлса? Лотта! Минг йиллар ҳам ўша таассурот ўтини ўчиролмайди. Биламан, ҳис этяпман: сени қайноқ муҳаббат билан севган кишини ҳеч қачон ёмон кўролмайсан».

Овқатдан сўнг у хизматкорига нарсаларни жойлаштиришни буюрди, кўп қофозларни йиртди ва майда-чуйда қарзларни узиш учун чиқиб кетди. Кейин қайтиб келди, яна ташқарига чиқди ва ёмғир ёғаётганига қарамасдан шаҳар четидаги граф боғига йўл олди, теварак-атрофни роса айланди, кечкурун қайтиб келгач, ёзишга ўтириди.

«Вилҳелм, мен дала, ўрмон ва самони охирги марта томоша қилдим. Алвидо, дўстим! Онажоним, мени кечир! Вилҳелм, унга тасалли бер! Сизларга Худо ёр бўлсин! Менинг ишларим ҳаммаси жойида. Алвидо! Биз яна қайтадан кувонч билан кўришамиз!»

«Сенга яхшилик қилолмадим, Алберт, бироқ сен мени кечирасан. Оиласнг тинчлигини буздим, сизларнинг ўрталарингизга ишончсизлик уруфини сочдим. Энди бунга хотима бераман! Алвидо! О, менинг ўлимим сизларга баҳт келтирсан! Алберт, Алберт! Ўша фариштага баҳт ато эт! Худо ҳамиша ёр бўлсин!»

Бутун кеч давомида у қофозларни тартибга солди, кўпларини йиртиб, печкага ташлади, бир қанча пакетларни сурғичлаб, устига Вилҳелмнинг манзилини ёзиб қўйди. Уларнинг ичидаги майда-чуйда хатлар, узук-юлук фикрлар ҳам бор эди, улардан баъзиларини ўзим кўрдим. Соат ўнда у печкага ўтин ташлашни ва бир шиша вино келтиришни буюрди, шундан кейин хизматкорини ухлашга жўнатди. Бунинг ҳужраси ҳам бошқа хизматкорларники сингари орка ҳовлига қараган эди. Хизматкор эрталаб барвакт туриш учун ечинмасдан ётди: хўжайин почта отларини соат олтида келтиришади, деган эди.

«Соат ўн бирдан кейин.

Атрофимдаги ҳамма нарса осойишта, ўзим ҳам тинчман. Сўнгги сонияларда менга шунчалик куч ва осойишталик бағишилаганинг учун сендан миннатдорман, Тангри!

Азизим, дераза олдида туриб, осмонда сузиб юрган улкан булатлар орасидан мўралаётган битта-иккита само чироқларини томоша қиляпман! О, йўқ, сизлар тушиб кетмайсизлар! Парвардигори олам сизларни ҳам, мени ҳам ўз бағрида асрайди. Мен, барча юлдузлар ичида энг севимлиси бўлган Етти қароқчини кўряпман. Кечқурунлари ёнингдан чиқиб кетган пайтларимда, у дарвозанг устида порлаб турарди. Мен унга ҳамиша ҳеч тўймасдан тикилардим! Унда ўзимдаги мўътабар туйғунинг муқаддас рамзи ва белгисини кўрарканман, унга қўлларимни чўзардим! Яна... Ох, Лотта, бу ердаги ҳамма, ҳамма нарса сени эслатади! Атрофимдаги ҳамма нарса сенсан! Мен худди очкўз боладек, сенинг қўлинг теккан майда-чуйдаларни олдимга тўплаб олганман, бебаҳо дурдонам!

Азиз силузтни эсла! Уни сенга васият қилиб қолдирман, Лотта, ўтинаман, уни авайлаб асра. Мен уни минг марталаб ўпганман, кетганимда ва уйга қайтганимда унга минг марталаб бош силкитганман.

Отангга хат ёзиб, ундан мени дағн этишга бошлиқ қилишини сўрадим. Қабристоннинг дала томонидаги энг чеккасида икки туп арғувон дарахти ўсади, мени ўша ерга дағн этишсин. У дўсти хотираси ҳурмати буни бажара олади. Сен ҳам ундан илтимос қил. Тақводор насронийлар қабри ёнида бир шўрлик бахтсизнинг жасади ётишини истамайман. Ох, мени йўл четига ёки танҳо водийга дағн этишларингизни, руҳоний ёки дъякон¹нинг қабр ёнида фотиха ўқиб ўтишларини, самарияликларнинг² эса кўз ёши тўкишини истардим.

¹ Дъякон – католик черковида руҳоний ёрдамчиси (*тарж.*)

² Самарияликлар – Фаластинда диний мазҳабга уюшган этник гурӯҳ (*тарж.*)

Вакт бўлди, Лотта! Мутлақо сесканмасдан, ажал сархушлигини симириш учун совук, даҳшатли қадаҳни оляпман. Уни менга сен тутқазгансан, мен ҳеч иккиланмасдан ичаман! Ҳамма-ҳаммасини, тубигача! Мана, ҳаётимдаги барча умид ва истакларим амалга ошди! Хотиржам ва ҳиссиз бир ҳолатда ўлимнинг мудҳиш эшигини қоқяпман.

О, менга сен учун ўлиш бахти! Ўзимни сен учун курбон қилиш бахти ато этилганда эди! Сенинг ҳаётингда шодлик ва осойишталикни қайта тиклаш эвазига ҳеч иккиланмай, жон деб ҳалок бўлган бўлардим! Афсуски! Ўз яқинлари учун қон тўкиш ва ўз ўлими орқали дўстларига юз карра ортиқ янги ҳаёт бағишлиш шарафи камдан-кам кишиларгагина насиб бўлади!

Лотта, мени шу кийимда дафн этишларини истайман, унга сенинг муқаддас қўлинг теккан. Отангдан ҳам шуни ўтиндим. Рухим тобут устида учеб юради. Чўнтакларимни тинтишга йўл қўйма. Мана бу пуштиранг бант, сени илк бор болаларинг орасида кўрганимда кўксингда эди... Болаларни мен учун ўпид қўй ҳамда уларга бахтсиз дўстларининг қисмати ҳақида сўзлаб бер. Жонгиналарим! Улар ҳозир ҳам мени ўраб туришибди! Оҳ, сенга қанчалик интилардим. Шу бантни ҳам мен билан бирга кўмсинлар. Сен уни тугилган кунимда ҳадя этгандинг! Мен буларга ҳеч тўймасдим!..

Оғир бўл! Ўтинаман сендан, оғир бўл!..

У ўқланган... Соат ўн иккига занг урди! Майли, шундай бўлсин! ... Лотта! Лотта!.. Алвидо! Алвидо!..»

* * *

Кўшнилардан бири порох портлаганини кўрган ва ўқ овозини эшигтан, лекин шу заҳотиёқ ҳамма ёқ жимжит бўлиб колган, бунга аҳамият бермаган.

Эрталаб соат олтида хизматкор шам кўтариб киради. У хўжайнининг ерда ётганини, тўппонча ва

конни күради. У Вертерни чакиради, туртади: жабоб йўқ, хириллаш эшилилади, холос. У докторга, Албертга югуради.

Кўнғироқ товушини эшигандан, Лоттани титрок қамраб олади. У эрини уйғотади, иккаласи ҳам ўринларидан турадилар. Хизматкор фарёд кўтариб, бўлган ҳодисани айтади. Лотта Албертнинг оёғи остига беҳуш ийқилади...

Доктор баҳтсиз бечора ёнига етиб келганда, у ерда ётарди, тузалишига умид йўқ эди, томири ҳамон урар, лекин танаси деярли совуган эди. У ўнг кўзи устидан миясига ўқ узган, мияси отилиб чикқанди. Кўл томирини кесишибди, қон отилиб чиқди, у бўлса ҳамон нафас оларди.

Оромкурси суюнчиғига теккан кондан билиш мумкин эдики, у стол ёнида ўтирганча ўқ узган, кейин полга қулаб тушган ва талвасада оромкурсига урилган. У орқаси билан деразага суюниб, бутунлай ҳолсиз ётарди. Оёғида этик, устига сариқ нимча, кўк фрак кийган.

Бутун уй, бутун маҳалла, бутун шаҳар ҳаяжонга тушди. Вертерни тўшакка ётқизиб, пешонасини боғлаб кўйишибди. У кимир этмас, юзи мурданикidek эди. Упкаси гоҳ сусайиб, гоҳ яна кучайиб, даҳшатли хирилларди. Жони узилиш олдида эди.

Винодан фақатгина бир стакангина ичилган, стол устида «Эмилия Галотти»¹ очик ётарди.

Кекса амтман хабар топган заҳоти отда жадал етиб келди ва аччик-аччик йиғлаб, жон бераётган кимсани ўпди. Кетидан катта ўғиллари келишибди, кучли изтироб ичида тўшак ёнига тиз чўкиб унинг қўллари, лабидан ўпишарди. Вертер жуда яхши кўрадиган энг каттаси эса, унинг жони узилгунча лабларига ёпишиб олди, кейин болани зўрга ажратиб олишибди. Кундуз соат ўн

¹ «Эмилия Галотти» (1772) – буюк немис ёзувчиси Г.Е.Лессинг асари, бу асарни Вертер ўз туйғуларига мос келгани учун кўп мутолаа қилган (тарж.)

иккіда Вертер оламдан ўтди. Амтманнинг ҳозирлиги ва у күрган чора-тадбирлар күнгилларни тинчтди. Унинг күрсатмасига кўра, Вертерни кечаси соат ўн бирларга яқин, ўзи истаган ўша жойга дағы этишди. Қария ўғиллари билан тобут ортида кетди. Алберт боролмади: Лоттанинг аҳволи оғир эди. Тобутни ҳунарманлар кўтариб боришди. Руҳонийлардан бирортаси ҳам уни кузатиб бормади.



Die Wahlverwand- schaften



ҲАМРОЗ ДИЛЛАР

Роман

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

Эдуард – қирчиллама ёшдаги ўзига түк баронни шундай деб атамиз – ўз ниҳолхонасида апрел кунларидан бирининг энг дилбар соатини янги олинган пайванд қаламчаларини ёш танага ўрнатишга бағишилади. У машғулотини ҳозиргина тутатди, асбобанжомларини ғилофга жойлаштириди ва қилган ишини кониқиши билан кузатаётган эди, Боғбон кириб келди, у хўжайини берилиб, ғайрат билан ишлаётганидан завқланди.

– Хотинимни кўрмадингми? – сўради Эдуард кетишига чоғланаркан.

– Бекам у ёқда, янги очилган хиёбон тарафда, – жавоб берди Боғбон, – қаср рўпарасида, тоғнинг тик ёнбағрида курдираётган чимчайла бугун битади. Ҳаммаси роса зўр бўлган, жанобларига ҳам, албатта, маъқул бўлса керак. Манзара ҳам ажойиб: пастида қишлоқ, хиёл ўнгда минорасидан ҳаммаёқ кўрина-диган черков, рўпарада қаср ва боғлар.

– Гапинг тўғри, – жавоб берди Эдуард, – бу ерга келаётганимда у ёқда одамларнинг ишлаётганини кўргандим.

– Ундан сўнг, – сўзида давом этди Боғбон, – ўнг томонда водий юз очади, қалин дарахтзорлар оша мусаффо кенгликларни томоша қилса бўлади. Чўққига олиб чиқадиган зиналар айниқса кетворган. Мухтарама хоним бундай ишларнинг кўзини билади; у билан ишлашнинг гашти бор.

– Унинг ёнига бор, – деди Эдуард, – ундан мени кутиб туришини сўра. Бекангга айтки, мен унинг янги ижодини томоша қилмоқчиман.

Боғбон шу заҳотиёқ жўнади. Эдуард ҳам кўп ўтмай унга эргашди.

У айвонлар олдига түшди-да, йўлакай сув бўйига, ундан кўприкча орқали, янги хиёбондан сўнг йўл икки томонга айрилиб кетадиган жойга етиб келгунича оранжерея ва иссиқхоналарни кўздан кечирди. У қабристон оралаб тоғ ёнбағрига томон олиб борадиган йўлни эмас, иккинчисини танлади, буниси чапдан сал нарироқдаги кўркамгина бутазор орқали юқорилаб борарди; икки йўл туташадиган жойда у айни ўрнига қўйилган ўриндиқда бир зум тин олди, шундан сўнг қояга элтувчи зиналар бўйлаб йўлга түшди ва ниҳоят гоҳ тик, гоҳ ётиқ тор йўлақдаги хилма-хил зиналар ва майдончалар орқали чимчайлага ҳам етиб келди.

Шарлотта жуфти ҳалолини эшик олдидা кутиб олди ва уни шундай ўтқаздиди, бундай ҳолатда у бутун теварак-атрофдаги бааайни рамкага жойлаштирилган-дек манзарани эшик ва деразадан бир назар ташлаш билан илғай оларди. Эдуард баҳор ҳадемай ҳаммаёқни янада гўзаллаштириб юборади, деган ўйдан қувониб кетди.

– Мен факат бир нарсани эслатмоқчийдим, – деди у, – уйча хийла торга ўхшайди.

– Иккаламизга етиб ортади, – жавоб берди Шарлотта .

– Тўғри айтасан, – деди Эдуард, – учинчи кишига ҳам bemalol жой топилади.

– Албатта-да, – жавоб кайтарди Шарлотта, – тўргинчисига ҳам етади. Ундан ортиқ меҳмонларга эса бошқа жой ҳозирлаймиз.

– Бу ерда икковимиз ёлғиз эканлигимиз, бизга ҳеч ким ҳалақит бермаётгани ва кайфиятимиз жойи-далигидан фойдаланиб мен сенга бир гапни айтишим керак, буни анчадан бери дилимда сақлаб келардим, сенга айтмоқчи бўлгандим-у, аммо ҳеч мавриди келмаганди.

– Мен буни сезгандим, – деди Шарлотта.

– Шуни айтиб қўяйки, – қўшиб қўйди Эдуард, – агар почтачи эртага аzonда жўнайман, деб шошилти-маганида, шу боис бугуноқ бир карорга келишимиз

лозим бўлмаганида, эҳтимол, ҳалиям анчагача айтмай юраверардим.

– Хўш, нима гап экан? – сўради Шарлотта самимий оҳангда.

– Гап дўстимиз Капитан ҳақида, – жавоб берди Эдуард. – Унинг тамоман айбисиз бўлатуриб қандай қайгули ахволга тушиб қолганидан хабаринг бор. Гоҳо шунақаси ҳам бўларкан-да. Билимли, қобиляйтли, ишчан бир одамнинг фаолиятсиз, бир алфозда ўтириши қанчалик оғир ахир. Мен унинг учун кўнглимга туккан режамни энди ортиқ яшириб ўтиrolмайман. Истагим шуки, биз уни бирмунча фурсатга ёнимизга таклиф қилсак.

– Буни ўйлаб, ҳар тарафлама мулоҳаза қилиб кўриш керак, – жавоб берди Шарлотта.

– Мен ўз фикрларимни сенга очик-ойдин айтишга тайёрман, – гапни илиб кетди Эдуард, – унинг сўнгги хатида жуда хафа эканлиги сезилиб турипти; бу бирон нарсага мухтоҷлигидан эмас, чунки ўз-ўзини чегара-лаш унинг кўлидан келади, мен энг муҳим нарсанинг ғамини еяпман, холос; у мендан бирон нарса тамаъ қилишгаям уринмайди, негаки ҳаётимиз давомида иккаламиз ҳам бир-биримизнинг олдимизда шу дараҷада қарздор бўлганмизки, кирим-чикимларимиз қай даражада эканлигининг ҳисобидан ҳам чиқолмаймиз... Уни қийнаётган нарса ишсиз ўтириш, холос. Ўзидаги билимларни кун сайин, соат сайин ўзгаларга ҳар тарафлама фойда келтиришга сарф этиш – мана, унга завқ-шавқ бағишлийдиган одат, бу унинг жону дили. Кўлни қовуштириб ўтириш ёки ўқиб-ўрганишни янгидан давом эттириш, ўз маҳоратини янада ошириш, ўзида бўлган бундай имкониятларни керакли жойда кўллаёлмаслик... Етар, азизим, бу энди чидаб бўлмас бир ҳол, бу унинг азобларини икки карра, ҳатто уч карра оширади ва танҳолигини янада кўпроқ ҳис эта-ди.

– Унга кўп жойлардан таклифлар тушган бўлса кепрак, деб ўйлабман, – деди Шарлотта, – ўзим ҳам у

ҳақда айрим жонкуяр дүстларимга ва дугоналаримга ёзгандим, менимча, булар ҳам натижасиз қолмаган.

— Тұғри, — жавоб берdi Эдуард, — айнан мана шу хилма-хил шарт-шароитлар, мана шу таклифлар уни ортиқрек қийнайди, күпроқ безовта қиласы. Булардан биронтаси унга маңқул эмас. У фаолиятсиз үтирипти, у бутун вақтини, бутун фикри-зикрини, бутун борлигини фидо қилиб ишлаши керак, бунга эса унда имкон йўқ. Буларнинг барчасини қанчалик кўп хис этсам, бу ҳақда қанчалик кўп ўйласам, уни бизни-кига олиб келиш истаги шунчалик ошаверади.

— Дўстингнинг аҳволига бунчалик куйиб-пиша-ётганинг, меҳрибончилигинг таҳсинга сазовор, — деди Шарлотта, — аммо ўзингни ҳам, иккаламизни ҳам ўйлашинг лозимлигини илтимос қилишимга изн бер.

— Буни ўйлаб қўйдим, — жавоб берdi Эдуард. — Унинг ёнимизда бўлиши бизга факат фойда ва қувонч келтиради. Харажат ҳакида гапирмайман, у бизниги келадиган бўлса, ҳарҳолда кўп чиқим кетмайди. Унинг бу ерда бўлиши биз учун зигирча ҳам нокулайлик туғдирмаслиги аниқ. У қасрнинг ўнг қанотида яшайверади, қолган ишлар кейин аста-секин изга тушиб кетади. Бу билан унга қанчалик яхшилик қилган бўламиз ва у билан биргаликда бизнинг ҳам қанчалар кўнглимиз ёришади, қанчалар фойда кўрамиз! Мен анчадан бери ер-мулкимизни ва атроф-теваракнинг ўлчовини олишни ўйлаб юрардим. Бу ишга ўша бошқош бўлади. Сен ҳозирги ижарачиларнинг муддатлари ўтгач, келажакда ер-мулкимизни ўзим бошқарсан, деган ниятдасан. Бундай тадбир ўз-ўзича бўлмайди, шубҳасиз. Шу ишга тегишли қанчадан-қанча маслаҳатлари билан унинг озмунча фойдаси тегиши мумкинми, ахир. Бирорта ўшандай киши менга зарурлигини жуда-жуда ҳис этяпман. Қишлоқ одамлари анча билимдон, лекин гаплари бири боғдан, бири тоғдан, баъзан самимий эмас. Шахарлик ўқиганлар ва академияда ишлайдиганлар, ха, энди булар дуруст, андишали, аммо ишнинг кўзини у қадар билишмай-

ди. Дүстимда эса униси ҳам, буниси ҳам мужассам. Бундан ташқари, тағин бошқа юзлаб ҳолатлар ҳам мавжудки, буларга мен чин дилдан эътиборимни қаратаман, чунончи, сенга тегишли бўлганлари ҳам бор, бу нарсалардан фақат яхшилик кутаман. Гапларимни чин дилдан тинглаганинг учун сендан миннатдорман; мана энди сен ҳам бемалол, кўнглингда борини очик-ойдин айтавер; гапингни ҳечам бўлмайман.

— Яхши, — деди Шарлотта, — гапимни барчамизга тегишли бир мулоҳазадан бошламокчиман. Эркаклар кўпроқ оддий, хозир бўлаётган нарсалар ҳақида ўйлашади ва бу тўғри, негаки улар ишлаш, фаолият кўрсатиш учун яратилган; аёллар эса, аксинча, ҳаётда бир-бири билан алокадор нарсалар ҳақида қайғуришади, бу ҳам тўғри, чунки тақдири, оиласарининг тақдири мана шу алоқадорликка бориб тақалади ва айнан мана шу ҳақда ташвиш чекиш улардан талаб қилинади. Шу боисдан, кел, ўзимизнинг ўтмишимизга, ҳозирги ҳаётимизга бир назар ташлаб кўрайлик, ўшанда сен Капитанни чақириш бизнинг ниятларимиз, режаларимиз, мухитимизга тўғри келмаслигига иқорор бўласан. Қадимги муносабатларимизни ёдга олиш мен учун беҳад ёқимли! Ёш пайтимиизда бир-биrimизни жондан ортиқ севардик; кейин бизни ажратиши: отанг бойликка бўлган хирси туфайли сени анча ёши ўтган, бой бир хотинга уйлантирди; мен эса ҳеч бир ўйлаб ўтирмасдан ўзига тўқ, ўзим севмайдиган, аммо баобру бир одамга турмушга чиқишига мажбур бўлдим. Кейин яна бошимиз очилди: сен эртарок бўшадинг, кампикинг сенга катта бойликни мерос қолдирди; мен кейинроқ, айни сен саёҳатдан қайтган вақтингда бўшадим. Шу тариқа тағин қайта топишдик. Биз хотираларимиздан қувонардик ва бизга яшшимиз учун ҳеч бир тўсик йўқ эди. Сен никоҳдан ўтайлик, деб ўтиндинг. Мен бунга дарҳол рози бўлмадим, чунки ёшимиз teng эди, шу сабабли мен аёл бўлганим учун сенга нисбатан хийла қари кўринардим. Ниҳоят, сен ягона бахтинг деб хисоблаган нарсага барибир рад жа-

воби беролмадим. Сен саройда, армияда, саёхатларда бошдан кечирган барча нотинчликлардан менинг ёнимда, мен билан бирга дам олишни, ўзингни ўнглаб олишни, ҳаётдан лаззатланишни хоҳлардинг, факат мен билан. Мен яккаю ёлғиз қизимни пансионатга топширдим, ўша ерда у қишлоқдагидан кўра бирмун-ча кенгроқ билим олиши мумкин эди; нафакат уни, балки суюкли жияним Оттилияни ҳам ўша ёққа юбордим, у менинг кўл остимда, эҳтимол, охир-окибат бор-йўғи уй ишларида яхши ёрдамчи бўлиши мумкин эди. Буларнинг барчаси сенинг розилигинг билан, факат ёлғиз ўзимиз яшашимиз учун, илгаридан жудаям орзу қилган, ниҳоят кеч бўлса-да эришган баҳтимиздан бемалол лаззатланиш имконига эга бўлишимиз учун килинди. Шу тариқа, қишлоқдаги ҳаётимиз бошланди. Мен уйнинг ички томонини кўлга олдим, сен эса ташқарига тегишли ҳамма нарсага бош-қош бўлдинг. Мен ҳаётим мазмунини сенга ҳамма соҳада кўмак беришда, сени деб яшашда кўрдим; кел, – энди ҳеч бўлмаса, бироз синааб кўрайлик, қани шу тахлит факат иккаламиз қачонгача бирга бўлоламиз.

– Ўзинг айтганингдек, ўзаро алоқадорликни ушлаб туриш асосан сизларга тегишли эмас, – жавоб қайтарди Эдуард, – унда сизларни бир маромда гапиртириб тинглаш ёки ҳақ эканликларингга тан бериш шарт эмас; сирасини айтганда, сен ҳам факат бугунги кунгача ҳақ эдинг, холос. Ўз ҳаётимиз учун ҳозиргача курган асосимиз зўр; нима, энди бунинг устига бошқа ҳеч нарса курмаймизми, ишларимиз ортиқ тарақкий топмайдими? Мен боғда, сен хиёбонда рўёбга чиқарган нарсаларимиз факат зоҳидлар учун килиндими?

– Тўғри, – жавоб берди Шарлотта, – жуда тўғри! Факат бизга халақит берадиган, бегона нарсани бу ерга келтирмайлик!.. Эсингда бўлсин, ишларимизни қай тахлит режалаштирамиз, нима ҳақда сухбатлашамиз, ёлғиз иккаламизгагина тегишли бўлиши лозим. Сен дастлаб менга саёҳатинг кундаликларини бир бошдан

айтиб бермокчи, шу аснода ўшанга тегишли айрим қоғозларни тартибга келтирмоқчи ва менинг иштирокимда, менинг кўмагимда ўша бебаҳо, аммо бетартиб ётган дафтарлар ҳамда варакларни биз учун ҳам, ўзгалар учун ҳам қадрли бўлган бир бутун ҳолатга айлантирмоқчи эдинг. Мен сенга нусха кўчиришда ёрдамлашишга ваъда бергандим ва биргалиқда боришимизнинг иложи бўлмаган жойларга фақат иккаламизгина, ёлғиз, жон деб саёҳат қиласиз, деб ўйлагандик. Буни бошлаб ҳам кўйганмиз. Кейин, кечқурунлари тағин сибизғангни чалишни бошладинг, пианинода менга жўр бўляпсан, бизникига қўшнилар келиб туришади, биз ҳам уларниги бориб турмиз. Шуларнинг барчаси туфайли мен ҳархолда ҳаётимда илк марта ёзни кувноқ ўтказишни кўнглимга тушиб кўйгандим.

– Қани энди, сен менга жуда оқилона, жуда чиройли қилиб айтган гапларингни тинглаш билан бирга, – деди Эдуард манглайнини ишқаларкан, – Капитаннинг ҳозирлиги мутлақо ҳалақит бермайди, аксинча, ҳамма ишлар тезлашиб, янада жонланиб кетарди, деган фикр ҳам миямда айланавермасайди. Саёҳатларимда у ҳам қисман иштирок этган; у ҳам анча-мунча хотираларни эсида сақлаб қолган, биз шуларнинг барчасидан фойдаланган бўлардик, ана ўшандагина ажойиб бир бутун нарса юзага келиши мумкин эди.

– Фикримни очиқ-оидин баён қилишга рухсат бер, – сабрсизлик билан эътиroz билдириди Шарлотта, – бу тадбирга менинг кўнглим чопмаяпти, негадир бундан ҳеч бир яхшилик кутмаётгандекман.

– Сиз аёлларни шу тахлит ҳеч гапга кўндириб бўлмайди: негаки оқилсизлар; жон деб одам ўзини курбон қилади: негаки суюклисизлар; сизларни зинхор ранжитиб бўлмайди: негаки кўнгилларинг нозик; одам даҳшатга тушади: негаки ҳамма нарсани олдиндан билласизлар.

– Мен бидъатчи эмасман, – жавоб берди Шарлотта, – борди-ю, кўнгил майллари шунақа бўлса ҳам; агар бунга бирор сабаб бўлмаса, мен уларга аҳамият

бермайман; лекин кўпинча ўзимиз ёки ўзгалар туфайли дуч келган яхши ёки ёмон ишларни беихтиёр хотирлашинг мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳеч бир нарсани орада учинчи бир кишининг пайдо бўлишига тенглаштириб бўлмайди. Мен кўплаб дўстларни, опакаларни, севишганларни, эр-хотинларни кўрганманки, уларнинг муносабатлари янги бир шахснинг тасодифан ёки атайлаб суқулиб кириши орқасида тамоман ўзгариб, ҳаётлари тескари окимга тушиб кетган.

– Бундай ҳолат, – деди Эдуард, – бир қобиққа ўрагиб қолган одамлардагина бўлиши мумкин; катта ҳаёт тажрибасида пишган, онгли одамларда эса бундай бўлмайди.

– Онглилик, азизим, – эътиroz билдириди Шарлотта, – ишончли курол эмас, гоҳида уни ишлатадиган одам учун хавфли ҳам; буларнинг барчасидан шундай хуласа чиқадики, биз шошилмаслигимиз лозим. Тағин бир неча кун мухлат бер, шошилма!

– Кўриниб туриптики, – деди Эдуард, – бир неча кундан кейин ҳам биз шошилган бўлаверамиз. Розилик ёки қаршилик сабабларини иккаламиз ҳам бирдек келтирдик; бир қарорга келиш керак. Кел, ҳаммадан яхиси – чек ташлаймиз.

– Биламан, – деди Шарлотта, – сен бирон нарсада иккилансанг, одатда гаров боғлашни ёки соққа ташлашни яхши кўрасан; бунақа жиддий масалада бундай килиш бориб турган мулоҳазасизлик деб ҳисоблаган бўлардим.

– Капитанга нима деб ёзай? – хитоб қилди Эдуард, – чунки мен унга ҳозироқ хат ёзмоқчиман.

– Биронта хафа қилмайдиган, кўнглини кўтарадиган оддий хат ёз, – деди Шарлотта.

– Бундай хатни ёзгандан ёзмаган яхши, – жавоб қилди Эдуард.

– Айрим ҳолларда, – деди Шарлотта, – умуман ёзмагандан кўра, дўст сифатида нимадир ёзиб туриш ҳам фойдадан холи эмас.

Иккинчи боб

Эдуард хонасида ёлғиз эди, хаёт йўлларининг Шарлотта томонидан қайта эсга олиниши, икковла-ри ўртасидаги муносабатларнинг, орзу-умидларнинг кўнгилдан ўтказилиши унинг ҳиссиётга тўла қалбida чинданам илик ҳис-туйғулар уйғотган эди. У Шар-лотта ёнида, у билан бирга ўзини шу қадар баҳтиёр ҳис этдики, Капитанга самимий, хайриҳоҳ, лекин од-дий, ҳеч нарсага ишора билдиримайдиган ҳат битиши-ни кўнглига тугди. Бироқ стол ёнига бориб, дўстининг мактубини тағин бир бора ўқиб чиқиши учун кўлига олганида, бу ажойиб инсоннинг қайғули аҳволи кўз ўнгидан қайта жонланди, уни шу кунларда қийнаб юр-ган барча кечинмалар яна бош кўтарди ва дўстини мана шундай қалтис аҳволда ёлғиз қолдириш унга мумкинмасдек бўлиб туюлди.

Эдуард бирон марта гапи ерда қолишига ўрган-маганди. Бадавлат ота-онанинг яккаю ягона, эркатой фарзанди бўлган Эдуардни ёши анча катта бир аёл билан ғалати, аммо беҳад манфаатли никоҳга кўн-диришди; аёл ҳам унинг барча эркаликларини кўтарар, бу билан ўзига бўлган яхши муомаласига ўта саҳий-лик билан жавоб қайтаришга ҳаракат қиласарди. Хоти-нининг ўлимидан кейин ўзига бек, ўзига хон бўлиб олган Эдуард сайру саёҳатларда кўнглига сиққанича ҳар қанақа кўнгил очишлару ҳар қанақа эрмакларни ўйлаб топар, аммо ҳаётдан кўп, хилма-хил нарсаларни талаб қилса-да, меъёридан ошмас эди; очиқкўнгил, хозиржавоб, инсофли, керак бўлганда ҳатто жасур бундай йигитнинг истакларига дунёда нима тўсик бўлиши мумкин?

Шу пайтгача ҳамма нарса унинг ихтиёри асосида амалга ошаётганди: ўзининг қатъий, деярли романтик садокати туфайли Шарлоттага ҳам етишди; мана энди эса у ёшлиқдаги дўстини ёнига чакирмоқчи, шу билан ўзининг турмуш тарзини бир қадар ўзгартироқчи бўлганида, айни шу пайтда илк маротаба унга қарши

гапиришяпти, илк маротаба унга халакит беришаяпти. У хафа бўлиб кетди, жаҳли чиқди, бир неча бор ручкани қўлига олди-ю, нима ёзишини билмай, қайта жойига қўйди. Хотинининг истакларига қарши боргиси келмас, аммо уларни бажаришни-да истамасди; ана шунака нотинчлик орқасида у оддийгина мактуб битишга мажбур эди, бирок бу унинг қўлидан келмасди. Табиийки, у вактдан ютишга уринарди. Икки оғиз сўз билан у кейинги кунларда ёзолмагани учун, бугун ҳам ёзган хати кўнгилдагидек бўлмагани учун дўстидан узр сўради ва якин кунларда дурустроқ, кўнгилни тинчтадиган мактуб ёзишга ваъда берди.

Эртаси куни, ўша жойга айланишга боришаётганда Шарлотта пайтдан фойдаланиб, кечаги гапни яна қўзғади, афтидан, у бировнинг режасини сўндиришнинг ишончли йўли ўша ҳақда тез-тез гап очиб туриш, деган фикрга таянган эди.

Эдуард ҳам ўша мавзуга қайтишни истаганди. У одатига кўра мулоим, самимий гапирди: борди-ю, хиссиётлилиги боис у дарров кизишиб кетса, борди-ю, унинг ўжарлиги кимнингдир қўнглига оғир ботса, сухбатдошига нисбатан ундаги мулоимлик хислати барча далил-исботларини юмшатар, натижада барча кайсарликларига қарамасдан, уни ҳамиша хушмуомала деб ҳисоблашаверарди.

Шу тахлит у бугун ҳам Шарлоттада аввал ўша кўтаринки кайфиятни уйғотди, сўнгра атайлаб гапни айлантириб, шу даражага олиб келдики, охир-оқибат хотини хитоб қилди:

— Афтидан, сен, эримга рад жавоби берган масала-да севгилимга ён беришимни истаяпсан шекилли-а? Бирок, азизим, — жавоб берди Шарлотта, — шуни билиб қўйки, сенинг орзу-истакларинг, мулоимлик билан тўлиб-тошиб уларни менга баён қилишинг, мени албатта лоқайд, безътибор колдирмайди. Улар мени дил изхорига ундашади. Шу пайтгача мен ҳам сендан у-бу нарсаларни сир тутиб келардим. Мен ҳам худ-

ди сенинг ҳолатингдаман, ўз-ўзимни енгишга ҳаракат килдим, худди шуни сендан ҳам кутаман.

— Жон кулоғим билан эши таман, — деди Эдуард, — эр-хотин ўртасида баъзан келишмовчиликлар ҳам бўлиб тургани фойдали шекилли, нима дединг, шу ас-нода бир-биринг ҳақида нимадир янги нарсани билиб оласан киши.

— Хўш, айтадиган гапим шуки, — деди Шарлотта, — сен Капитаннинг аҳволи учун қандай куюнсанг, мен Оттилия учун шундай куюнаман. Бу хушфөъл болагинанинг пансионатдаги аҳволи жудаям оғирлигидан афсус чекаман. Агар Лютсиана, менинг қизим, зодагонлардек яшаш учун туғилган, у ерда зодагонлар давраси учун тарбия қилинаётган бўлса, агар тиллар, тарих ва ўтилаётган бошқа фанларни ўзлаштириши худди нотага қараб турли оҳанг жилоларини қийналмасдан рӯёбга чиқаргани сингари осон кўчса; агар тиниб-тинчимаслиги ва хотирасининг зўрлиги туфайли ҳамма нарсани тез унутиб, тагин дарҳол эсга тушира олса; одамлар билан эркин муомаласи, бежирим рақслари, бемалол сухбатга киришиб кета олиши билан ҳаммадан ажralиб турса ва табиат ато этган ҳукмронлик қилиш куввати билан ўз кичик давраси қироличасига айлана олса; агар ана шу пансионат бошлиғи бўлган аёл унинг тимсолида кичик бир илоҳани кўрса, шу илоҳа унинг қўл остига келганидан кейин чинакамига кўзга ташланиб, унга шуҳрат келтириб, ишончини қозонаётган ва кўплаб ёш қизларни ўз даврасига тортаётган бўлса; агар бошлиқнинг илк мактубларию ойлик ҳисоботлари бошдан-охир шу қизнинг бебаҳо фазилатларига мадхия ўқишдан иборат бўлиб қолаётган бўлса — мен бу мадхияларни курукқина ифода килишга мажбурман — ниҳоят, Оттилия ҳақидаги эслатмалари эса, аксинча, узр устига узрдан иборатки, бошқа барча ҳолларда бекаму қўст бўлган кизда ҳеч ўзгариш йўқ эмиш, на кобилиятини, на иқтидорини намойиш қиласмиш. Бундан ташқари, у эслатиб ўтган озгина нарса ҳам мен учун сир эмас,

негаки бу мулойимгина кизда мен билан бирга ўсган онасининг, менинг дугонамнинг бундай хислатлари на-моён бўлган, агар мен уни ўзим тарбия қилганимда ва ўзим кўз-кулоқ бўлганимда эди, унинг қизини ажойиб бир инсон қилиб етиштирган бўлардим.

Аммо, бу нарса бизнинг режамида бўлмаганлиги ҳамда қандайдир бирор янгиликни киритиб турмуш тарзини тинмай ўзгартиравериш яхши эмаслиги боис, мен яхшиси ушбу аҳволга кўникишга мажбурман, ҳатто ўз қизим, шўрлик Оттилияниг бутунлай бизга боғланиб қолганлигини билатуриб ҳам унинг олдида ўз устунликлари билан мақтаниб, бу билан қилган яхшиликларимизни бирмунча қадрсизлантиради.

Ўзгалар олдида гоҳо ўз афзалликларини шафқат-сизларча кўз-кўз қилмайдиган бирорта ўқимишли инсон бормикан! Баъзан мана шундай раҳмсизлик юки остида эзилмаслик учун ким ўзини юкори тутади! Мана шундай синовлар Оттилияниг қадрини оширади; шундай бўлса-да, мен унинг аҳволи оғирлигини билганимдан бери уни бошқа ерга жойлаштиришга уриндим. Ҳадемай жавоб келиши керак, энди иккиласиб ўтирумайман. Ишлар мана шунақа, қадрдоним, иккаламизнинг ҳам садоқатли, меҳрибон қалбларимизда бир хил ташвиш ҳукмрон. Биз улардан ҳалос бўлолмас эканмиз, кел, бу юкни биргаликда кўтарайлик!

– Бизлар ғалати одамлармиз, – деди Эдуард жилмайиб, – бизга ҳалақит берадиган бирор нарсани кўз олдимиздан нари кетказдикми, бўлди, ҳамма иш битди, деб ўйлаймиз. Кўп нарсаларни бой берамиз, лекин озгина нарсага бўлган талабимизни енгишга кучимиз етмайди. Ойим шунақа эди. Болалик ёки ўсмирлик пайтимда унинг ёнида яшардим, ойим тинмай мен учун хавотирланаверарди. Отда сайр қилишга кетиб кечиксам, гўё мен билан бирор баҳтсизлик юз бергандек, жала-паланинг остида қолсам, албатта иситмалаб қоладигандек, ташвишга тушаверарди. Кейин уйимиздан узок-узоқларга кетдим, шу билан ойим учун гўё мен йўқдек бўлиб қолдим... Агар чукурроқ

ўйлаб қаралса, – сўзида давом этди у, – иккаламиз ҳам қалбимизга яқин бўлган иккита асл инсонни, фақат ўзимизни хавф-хатарга кўймаслик учунгина қийин ва қайғули аҳволда қолдирмоқдамиз. Агар шуни худбинлик деб атамасак, бу ишимизда Худонинг ўзи бизни кўллади!

– Хавф фақат икковимизгагина тегишли бўлган-даку, – деди Шарлотта ўйчанлик билан, – унда таваккал килса бўларди. Ўйлаб кўр, Капитан билан Оттилиянинг бир уйда яшашлари аклданми, униси сенинг ёшингдаги, айни севишга кодир ва севилишга муносиб ёшдаги – бу мактовни сенга тортинимай айтаман – эркак бўлса, Оттилия ҳам шундай хислатларга эга қиз бўлса?

– Ҳеч аклим етмайди, – жавоб берди Эдуард. – Оттилияни нега бунча кўкларга кўтарасан! Мен буни фақат шу билан изоҳлайманки, унинг онасига бўлган меҳр-муҳаббатинг энди унга ўтган. У келишган қиз, бу рост, бундан бир йил олдин, биз саёҳатдан қайтиб, икковларингни холангникида учратганимизда Капитан менинг дикқатимни унга қаратгани эсимда. У гўзал, айниқса кўзлари чиройли; бироқ унинг менда бирон-бир таассурот қолдирганини эслаёлмайман.

– Бу гапинг мактовга арзигулик, – деди Шарлотта. – Ахир мен ўша ерда эдим-да, ўша пайтда у менга нисбатан канчалик ёш бўлмасин, эски маъшуқангнинг хозирлиги сенга шу кадар ёқимли эдики, ундаги куртак ёзиб келаётган, кўп нарса кутса бўладиган гўзаллигига эътибор қаратмагансан. Бу ҳам сенга хос хислатлардан бирики, шу боисдан ҳам сен билан бирга яшаш менга ёқади.

Шарлотта кўринишдан бор гапни айтиётган-дек бўлса-да, тағин ниманидир сир тутиб турарди. Гап шундаки, у ўшанда саёҳатдан эндиғина қайтган Эдуардга Оттилияни атайлаб кўрсатганди, бу билан суюкли асранди қизига шундай муносиб жуфтни тўғриламоқчи бўлган эди. Чунки Эдуардни ўзига қаратиш ҳақида энди у ўйламасди. Капитанга

хам, Эдуарднинг дикқатини қизга қаратиш тайинлаб кўйилганди, лекин Шарлоттага бўлган аввалги муҳаббатини қалбида астойдил ардоқлаган Эдуард бошқа ҳеч нарсани кўрмасди ва ўзи эҳтирос билан интилган ҳамда бир қатор шарт-шароитлар туфайли унинг фикрича бир умрга воз кечишига мажбур бўлган бойлигини мана энди нихоят кўлга киритиши мумкинлиги ҳакидаги фикрдан ўзини баҳтли хис этарди.

Эр-хотин янги очилган хиёбон орқали эндиғина қасрга боришни мўлжаллаб туришганида, бир хизматкор уларга томон шошилиб чиқиб кела бошлади ва унинг кувнок овози пастданоқ қулокка чалинди.

– Жаноблари, тезроқ келсинлар! Қаср ҳовлисига отда жаноб Митлер келди. У ҳаммамизни йиғди-да, Сизни топишни буюрди. Мен керакманми-йўқми, шуни билинглар, деди. «Мен керакманми-йўқми?» дея кичқирди у ортимиздан, «Эшитяпсизларми? Тезроқ бўлинглар, тезроқ!»

– Фалати одам-а! – хитоб қилди Эдуард, – аммо лекин айни пайтида келди-да, нима дединг, Шарлотта? Югур ортингта! – буюрди у хизматкорга, – айт унга, у бизга керак, жуда-жуда керак! Кетмай турсин. Отига қаранглар, ўзини залга олиб кириб, олдига нонушта кўйинглар, биз хозир етиб борамиз.

– Юр, энг яқин йўлдан борамиз, – деди у хотинига ва қабристон орқали ўтадиган йўлни танлади, одатда у бу йўлдан юришни ёқтирасди. Шарлоттанинг бу ерга алоҳида бир меҳр билан ғамхўрлик қилганини кўриб беҳад таъсиrlанди. Эски ёдгорликларни иложи борича авайлаган ҳолда Шарлотта бу ерда шундай тартиб ва мукаммаллик ҳосил қилган эдики, эндиликда бу ер йўловчиларнинг назари ва дилини яйратадиган бир жойга айланганди. Энг кўҳна қабртошларни ҳам эҳтиром билан жойлаштирганди. Улар йилига қараб девор бўйлаб кўйиб чиқилган, айримлари деворга ўрнатилган, айримлари бошқа максадларда ишлатилган эди. Ҳатто черковнинг баланд тагзамини ҳам ҳар хил ҳолатларда улар билан безатилган эди. Эду-

ард эшикчани очиб ичкари кирди-ю, хайратдан қотиб колди. У Шарлоттанинг қўлини қисди, қўзларига ёш қалкиди.

Галати меҳмонни кўрган заҳоти кўз ёшлари куриб колди. Қасрда кутишга сабри чидамай қишлоқ орқали отини елдириб қабристон эшигига етиб келди-да, отини тўхтатиб, унга қараб келишаётган дўстларига кичкирди:

— Мени калака қилмаяпсизларми? Ростданам агар керак бўлсан, тушгача шу ерда қоламан. Бекордан-бекорга мени ушлаб турманглар, бугун ишим бошимдан ошиб ётипти.

— Овора бўлиб шу ергача келибсизми, — қичкирди унга Эдуард, — энди ичкарига ҳам киринг, биз ҳозир учрашган ғамгин гўшани Шарлотта қандай чиройли қилиб қўйганини бир томоша қилинг.

— Ёққа, — хитоб қилди отлик, — отда ҳам, пиёда ҳам, каретада ҳам кирмайман. Бу ердагилар тинчгина ухлаб ётишаверсин, улар билан менинг қиладиган ишим йўқ! Бирор кун мени ҳам оёғимни олдинга қилиб ётқизиб олиб келишса, унда бир гап бўлар. Бирон жиддий гап борми?

— Ҳа, — деди Шарлотта, — жуда жиддий гап бор! Биз ўш эр-хотинлар ҳаётимизда биринчи марта боши берк кўчага кириб қолдик, ундан чиқиш йўлини топмаяпмиз.

— Кўринишдан бунақага ўхшамайсизлар, — жавоб берди у, — лекин ҳарҳолда ишонаман. Борди-ю, алда-ётган бўлсаларинг, бундан кейин сизларга ҳечам ёрдам қўлини чўзмайман. Тез ортимдан юринглар, отим эса ҳозирча дам олиб турсин.

Кўп ўтмай учовлари залга йиғилишди. Нонушта тортилди, Митлер эса бугун қилган ва қиладиган ишлари хақида сўзлади.

Бу аломат кимса илгари руҳоний бўлган, ўзига топширилган ишни бекаму кўст бажариб, оиласдаги, кўшнилар ўртасидаги, ниҳоят, бутун бир жамоалар ёки бир канча ер згалари ўртасидаги келишмовчиликлар-

ни, жанжалларни бости-бости қилишга, тинчтишга усталиги билан оғизга тушган эди. У хизмат вазифасида бўлган даврда биронта эр-хотин ажralиш учун ариза бермаган ва маҳаллий судларни ҳеч ким безовта қилмаганди. Ҳукукшунослик билими унга жуда зарурлигини ўз вақтида англаб етган Митлер уни ўрганишга боши билан шўнғиди ва кўп ўтмай ўзини зўр адвокат билан тенглашадиган ҳолатда ҳис эта бошлади. Унинг фаолият доираси борган сари кенгаяверди. Пастдан туриб бошлаган ишини юқорида ҳал қилиши учун уни ҳатто ҳукумат қароргоҳига ҳам таклиф қилишмоқчи бўлишди, шу аснода лотереясига катта ютуқ чиқиб колди-ю, ўртacha бир мулкни сотиб олиб, ижарага берди ва кўпроқ эски одат ҳамда майллари сабабли бўлса керак, агар бировларни яраштириш ёки бировга ёрдам кўрсатиш зарурати бўлмаса, бирорта уйда ҳаяллаб колмасликни ўз фаолиятининг асл мақсади қилиб олди.

Ислар маъносини бирон-бир ирим-сиirimларга боғлайдиган одамлар, унинг Митлер¹ деган фамилияси уни ана шундай ғайритабий қарорга келишига ун DAGАН, дейишади.

Қаҳвани беришганда меҳмон жиддий оҳангда, энди пайсалга солмай айтадиганларингни айтинглар, чунки қаҳвани ичаману кетаман, деди. Эр-хотин кўнгилларида борини муфассал айтишга тушишди, лекин Митлер гап нимадалигига тушунгани заҳоти жаҳл билан иргиб турди-да, дераза олдига сакради ва отни эгарлашни буюрди.

— Ё мени билмайсизлар, — кичқирди у, — мени тушунмайсизлар ёки ичиқора одамсизлар. Бу ерда жанжал нима қилсин? Шу ишда ҳам ёрдам керакми? Сизларга мен бу ёруғ оламда маслаҳат бериш учун яшаб юрибманми? Бу — дунёдаги энг аҳмоқона машғулот. Ҳар ким ўз-ўзига маслаҳат берсин ва қилиши лозим бўлган ишни қилаверсин. Борди-ю, иши юри-

¹ Mittler — воситачи (нем.).

шиб кетса, ўз ақли ва омадидан суюнсин; бирор иш-
кал чиқса, мен күмакка тайёрман, қайғуга шерик
бўладиган одам нима қилишни ўзи билади. Яхши-
ликка яхшилик қайтади, деб ўйлайдиганнинг кўзи
кўр... Ҳа, ҳа! Кулаверинглар – у чалғитади, эҳтимол,
нимагадир фаҳми етгандек кўринади, лекин нима-
га? – Хоҳлаган ишларингни қилаверинглар, бунинг
фарқи йўқ! Дўстларингни ёнларингта чақиринглар
ёки ўз ҳолига кўйинглар, бунинг ҳам фарқи йўқ! Энг
оқилона ишларинг ўнгидан келмаганига ёки аксинча,
энг аҳмоқоналари муваффақият қозонганига гувоҳ
бўлганман. Бошларингни котириб ўтирунглар, агар у
ёки бу тарзда ишларинг юришмай қолса ҳам ташвиш
чекиб ўтирунглар. Менга одам юборинглар, дарҳол
ёрдам бераман. Ушангача камина қулингизга узр!

Шу билан у қахвани ҳам кутмасдан отига иргиб
минди-ю жўнаб кетди.

– Мана, кўрдингми, – деди Шарлотта, – иккита
бир-бирига яқин кимсалар орасида тотувлик бўлмаса,
учинчи кишидан кўп нарса умид қилиб бўлмайди. На-
заримда биз ҳозир, агар шундай дейиш жоиз бўлса,
аввалгидан ҳам кўра кўпроқ саросимада иккиланиб
қолдик.

Агар Капитандан Эдуарднинг сўнгги хатига жавоб
келмаганида, эҳтимол, эр-хотин иккови ҳам ҳали-бери
бир қарорга келолмай юришарди. Капитан унга так-
лиф қилинган жойлардан бирини, ўзига ҳечам тўғри
келмаса-да, эгаллашга қарор қилипти. У ўз дилгир-
лигини бой ва аслзода одамлар билан бўлишмоқчи,
улар эса албатта унинг кўнгли ёзилишига ишонч бил-
диришган эмиш.

Эдуард бутун ахволни аник кўз олдига келтирди ва
уни шарт-шурт тасвирлаб берди.

– Дўстимиз шунақа ахволда қолишига чидаб ту-
раверамизми? – хитоб қилди у. – Бунчалик каттиқкўл
бўлма, Шарлотта!

– Сирасини айтганда, – жавоб берди Шарлот-
та, – анави дали-ғули Митлеримиз ҳақ бўлиб чиқади.

Бунақа ишларда таваккал қилиб бўлмайди ахир. Унинг охири нима билан тугайди, буни ҳеч ким олдиндан билмайди. Ҳаётдаги бундай ўзгаришлар ҳам баҳтга, ҳам қайғуга сабабчи бўлиши мумкин, лекин бунда биз на хизматимиз, на айбимиз бор деб ўйлашга ҳаққимиз йўқ. Сенга ортиқ қаршилик кўрсатишга кучим етмайди. Ҳарҳолда бир уриниб кўрайлик! Сендан ўтиниб сўрайдиган ягона нарсам шуки, бу узоққа чўзилмасин. Менга эса, ававалгидан ҳам жадалроқ унинг ташвишлари билан банд бўлишга қўйиб бер, у тахлит одамларни ҳарқалай қониктирадиган бирор жой топиш учун бутун таниш-билишларимни ишга солай.

Эдуард хотинига ўз миннатдорчилигини тўлқинланиб, энг дилбар сўзлар билан изҳор қилди. У елкасидан тоғ кулагандек дўстига ўз таклифларини хатда баён қилиш учун шошилди. Шарлотта ҳам эрининг дўстона таклифига яқдил эканлигини намойиш қилиш учун хатга ўз қўли билан кўшимча ҳам қилди. У ёқимли, илтифотли қилиб, тез-тез, одатда унга хос бўлмаган шошқалоқлик билан ёзди ва камдан-кам йўл қўядиган қилиғи – охир-оқибат сиёҳ томизиб юбориб, қоғозни бузиб қўйди, жаҳли чикқанидан уни ўчирмоқчи бўлган эди, баттар бўялиб кетди.

Эдуард бунга ҳазиллашиб, варакда жой борлиги учун тағин битта кўшимча қилди: дўстимиз бу белгидан уни қанчалик шошилинч кутаётганимизни англасин ва хат нечоғлик тез ёзилган бўлса, шунчалик тез етиб келсин.

Хизматкор хатни почтага олиб кетди, Эдуард эса Оттилияни пансионатдан бу ёкқа олиб келишни тезлаштиришни Шарлоттага қайта-қайта тайинлашни ўз миннатдорчилигини исбот килишнинг энг тўғри йўли деб билди.

Шарлотта бу ишни кейинга суришни сўради ва бу кеч Эдуардда мусиқа билан шуғулланишга иштиёқ уйғотишига уринди. У роялни қойиллатиб чалса, Эдуард флейта чалишни унчалик келиштиролмасди, у кўпинча тиришиб ҳаракат қиласа-да, бундай ишларда

ўз маҳоратини мукаммаллаштиришга унда чидам ва сабот етишмасди. Шу сабабли у ўз партиясини баравар ижро этолмас: гоҳо дуруст чикқандек кўринса-да, сал тезлашиб кетар, бошқа пайтларда эса, аксинча, суръатни сусайтириб юборар, чунки унда малака етишмасди, у билан бирга дузт ижро этган ҳар қандай одам қийналиб кетарди. Аммо Шарлотта унга мослашишни биларди; у суръатни гоҳ пасайтирап, гоҳ тезлаштирап, шу билан ҳам оқила уй бекаси, ҳам тажрибали капел-майстернинг вазифасини адо этарди, ҳархолда айрим оҳанглар ҳамиша ҳам тўғри чиқмаса-да, умуман олганда меъёрни сақлашни биларди.

Учинчи боб

Капитан келди. Ундан олдин у хийла бамаъни хат жўнатдики, бу Шарлоттани тамоман хотиржам қилди. Ёрқин фикрлаши, ўз аҳволи, дўстлари аҳволини шу кадар аниқ тушуниб етиши истиқболнинг ёруғ ва қувончли бўлишидан нишона эди.

Одатда узоқ вакт кўришмаган дўстлар учрашганида бўлганидек, дастлабки соатларда сухбат қизғин бўлди, бироз толиқиши ҳам. Кечга яқин Шарлотта янги очилган хиёбонда айланишни таклиф этди. Бу жой Капитанга жуда маъқул бўлди, табиат гўзаллиги янада кўзга ташланадиган янги йўлаклар билан қўшилиб кўзни қувонтирадиган бўлганлигини таъкидлади. У борига қаноат қиладиган назари тўқ одам эди, нималар қилиш лозимлигини аниқ билиб турса ҳам индамади, ўз мулкларини унга кўз-кўз қилишаётган инсонларни хафа қилигиси келмади, имконият доирасидан ортиқ нарсани талаб қилмади, ўзи илгари кўрган бундан-да мукаммалроқ жойлар ҳақида ҳам эсламади.

Улар чимчайлага етиб келишиди, у сунъий гуллар ва қишки кўкатлар билан антиқа қилиб безатилган эди, уларнинг орасида буғдой бошоқларининг боғлами, дала ўтлари, дарахт бутоқлари ҳам бўлиб, буларнинг

бари бу ерни безатган инсоннинг бадиий дидини на-
мойиш қиласди.

– Менинг эрим исм тўйи¹ ёки туғилган кунини ни-
шонлашни ёқтирмаса ҳам, мана шу оддийгина безак-
ларни бугунги уч қўшалоқ байрамга бағишиласам,
ҳарқалай у мени койимас.

– Уч қўшалоқ байрам дейсанми? – хитоб қилди
Эдуард.

– Албатта-да, – жавоб берди Шарлотта, – дўсти-
мизнинг ташрифи биз учун байрам, бундан ташқарии,
бугун исм тўйларинг эканлиги икковларингнинг ҳам
эсларингда йўқ шекилли. Ахир ҳар иккалангнинг ҳам
исмларинг Отто эмасми?

Дўстлар кичкина стол узра бир-бирларига кўл уза-
тишди.

– Сен ёшлиқдаги дўстлигимизни эсимга туширяп-
сан, – деди Эдуард. – Болалиқда икковимизнинг ис-
мимиз Отто эди; кейин биз битта пансионатга тушга-
нимизда шу туфайли хийла нокулайликлар бўлувди,
шундан сўнг мен бу чиройли, лўнда исмдан ўз ихтиё-
рим билан воз кечган эдим.

– Бу билан сен жа ҳиммат кўрсатдим, деб ўйлама, –
деди Капитан, – негаки аниқ эсимда, Эдуард исми сен-
га кўпроқ ёқарди, уни суюкли лаблар талаффуз қилса
борми, айниқса бошқача жаранглайди.

Шу тахлит учовлари, меҳмоннинг келишига Шар-
лотта зўр бериб қаршилик кўрсатган ўша столча атро-
фифа ўтиришарди. Фоят мамнун бўлиб ўтирган Эдуард
ўша лаҳзаларни хотинига эслатишни хоҳламаса-да, ба-
рибир:

– Бу ерда тўртинчи кишига ҳам жой етади. – де-
йишдан ўзини тиёлмади.

Шу пайт, гўё бу ерда яйраб ўтиришган дўстлар-
нинг хайрли ўй-фикрлари ва орзу-истакларини маъқул-
ламоқчи ва қувватламоқчи бўлгандек қаср томондан

¹ Православ ва католикларда бирор авлиё билан отдош киши-
нинг черковда шу авлиё йўқланадиган куни ўтказадиган тўйи, бай-
рами (*марж.*)

овчи бурғусининг овози қулокқа чалинди. Уларнинг ҳар бири ўз ўйларига ғарқ бўлиб, мана шундай ажойиб иттифоқда ўз бахтини икки карра ҳис этган ҳолда бу овозга жимгина қулок тутиб ўтиришарди. Эдуард ўрнидан туриб чайладан чиқаркан, биринчи бўлиб жимликни бузди.

– Юр, – деди у Шарлоттага, – дўстимизни тоғ тепасигача бошлаб чиқамиз, тағин у, бизнинг мулкимиз, доимий тураржойимиз шу манзилгина холос, деб ўйламасин, тепада киши йирок-йирокларга назар ташлайди, эркин нафас олади.

– Факат бу гал, – жавоб қайтарди Шарлотта, – эски тик йўлка бўйлаб чиқишимизга тўғри келади. Ишона-манки, ҳадемай тоғнинг тепасигача мен килдираётган йўлак ва зиналар бўйлаб кўтарилиш имконига эга бўламиз.

Қоялар бўйлаб, бутазор ва чангалзорлар оралаб улар ниҳоят тоғнинг нақ тепасига чиқишли, бу ер майдонча эмас, балки узундан-узун ўт босган чўққи эди. Қишлоқ билан қаср узок-узокларда қолиб кетган, ҳатто кўринмас ҳам эди.

Хув пастда ёйилиб кетган кўлчалар, ундан нарида кўлчалар соҳили бўйлаб чўзилган ўрмонзор тепаликлар ва ниҳоят, уларнинг ойнадек силлиқ сатҳида улуғвор экс этиб турган тик қоялар узокдан кўзга ташланиб турарди. Анави, кўлчаларга шаршарадан сув қуялиб турган сойликда битта тегирмон бўлиб, унинг атрофи мазза қилиб дам оладиган жой эди. Уфқка туташиб кетган ярим доира ичидаги чукурлик ва тепаликлар, бутазор ва ўрмонлар ранг-баранг бўлиб алмашиниб турардики, уларнинг дастлабки яшил куртаклари келажакда гуллаб-яшнашдан дарак берарди. У ер-бу ердаги тўп-тўп дараҳтлар ҳам киши назарини ўзига тортарди. Ўртадаги кўл яқинидаги бир тўп терак ва чинорлар манзараларга маҳлиё бўлиб турган дўстларнинг нақ оёқларига тегиб, алоҳида ажралиб туршишарди.



Улар ёш, бакувват, энига ҳам, бўйига ҳам шох отиб, кўкка бўй чўзиб туришарди.

Эдуард дўстининг дикқатини кўпроқ шуларга қаратди.

— Уларни ёшлигимда ўзим ўтқазганман, — хитоб қилди у. — Уларни мен ёш ниҳолчалар пайтида, отам қаср олдидағи боғнинг янги қисмини режалаштираётганда ёзниг ўртасида таг-туғи билан қўпориб ташлашга буюрганда қутқариб қолган эдим. Сўзсиз, улар бу йил ҳам мендан миннатдор бўлиб, янги новдалар чиқаришади.

Улар сайдан хурсанд бўлиб, мамнун ҳолда қайтишди. Мехмонга қасрнинг ўнг қанотидаги кенг, шинам хонани ажратиши, у ерда у китоблари, қоғозлари, асбоб-анжомларини тартиблаб, ўзининг одатдаги ишларини давом эттириш учун тайёрлаб кўйди. Лекин Эдуард дастлабки кунларда унга тинчлик бермади; у Капитанни гоҳ отда, гоҳ пиёда ҳаммаёқча бошлаб борар, уни атроф-теварак билан, мулки билан таништирап, шу аснода унга қўпдан бери бу жойларни яхшироқ билиб олиш, улардан кўпроқ фойда кўриш истаги борлиги ҳақида ҳам сўзлаб берарди.

— Биринчи бўлиб қиладиган ишимиз, — деди Капитан, — компас билан бу жойларнинг режасини олиш. Бу жуда осон, қизиқарли иш, ҳарҳолда у жа аниқ натижажа бермаса-да, барибир фойдадан холи эмас, дастлабки пайтда хийла ёқимли ҳам; бунинг устига ҳеч бир ёрдамчисиз ҳам ўзинг уddeлаб кўяверасан киши. Агар бирор вақт аниқ ўлчовни олиш режанг бўлса, бунинг ҳам ҳарқалай иложи топилиб қолар.

Бундай ишларда Капитан катта тажрибага эга эди. У керакли асбобларни бирга олиб келганди, дарҳол ишга киришиб кетди. У Эдуардга, ўзига бу ишда ёрдам беришлари керак бўлган овчилар ва деҳқонларга нима қилиш лозимлигини тушунтирди. Кундузлари ишлаш қулай эди, кечқурунлари ва тонг пайтлари у чизмаларни тайёрларди. Кўп ўтмай ҳаммаси туш билан чизиб, бўяб чиқилди. Эдуардга ўз мулки қоғозда

янгидан бунёд этилгандек туюлди. У гўё эндиғина у билан танишаётгандек, у эндиғина ўзининг мулкига айлангандек эди назарида.

Шу тариқа, мана шу жойлар ҳакида, янги боғ ташкил қилиш ҳакида гап очилиб кетди, буни табиат билан кўр-кўрона муомала қилиб, қандайдир тасодифий таассуротларга асосланиб қилгандан кўра шунаقا мукаммал лойиҳа бўйича амалга ошириш яхши-да, албатта.

— Буни хотинимга яхшилаб тушунтириш керак, — деди Эдуард.

— Бундай қилма! — жавоб қилди Капитан, у бошқаларнинг фикри ўз фикрига қарама-қарши кўйилишини ёқтирамасди, чунки одамларнинг нуқтаи назарлари ғоят хилма-хиллигини, ҳатто энг оқилона далил-исботлар билан ҳам уларни битта нуқтага жамлаб бўлмаслигини тажрибадан биларди. — Бундай қилма! — хитоб қилди у, — бу билан уни ишдан чалғитасан, холос. Гўзалликка муҳаббати туфайли шундай ишлар билан шуғулланадиган кишилар сингари Шарлотта учун ҳам ниманингdir бажарилиши эмас, балки ўзи нима биландир машғуллиги муҳим. Одам табиат кўйнида пайпасланиб юради-да, у ёки бу жой унга ёқиб қолади; у ёки бу тўсиқни олиб ташлашга киши журъат қилолмайди, ниманидир курбон қилишга қатъият етишмайди; ишнинг натижаси қандай бўлишини киши олдиндан билмайди, тажрибалар ўтказилади, улар гоҳ ўнгидан келади, гоҳ ўнгидан келмайди, эҳтимол, колдириш керак бўлган нарса алмаштирилади, аксинча, алмаштирилиши лозим бўлган нарса қолдирилади, охир-оқибатда, кишига ёқадиган, қалбини тўлқинлантирадиган, аммо қониқтирмайдиган бир нарса ҳосил бўлади.

— Очиғини айтавер, у яратган боғ сенга ёқмайди-а? — сўради Эдуард.

— Агар ишнинг ижроси кўнгилдаги яхши ниятга мос келсайди, бирон нарса демаса ҳам бўларди.

Тоғ чўққилариаро бу йўлакни у минг бир азоб билан қилган, мана энди юқорига чиқмоқчи бўлган хар қандай одам ҳам минг бир азобда чикади. Бу йўлакдан на ёнма-ён, на олдинма-кетин бемалол юриб бўлади. Мутлақо бир маромда қадам ташлаб бўлмайди; айтаман десанг, ҳали гап топилади.

— Бошқача қилишнинг йўли бормиди? — сўради Эдуард.

— Албатта бор эди, — жавоб қайтарди Капитан, — у чўққининг битта бурчагини олиб ташласа бўлди эди, ўша бурчак ўзи ҳам майда-майда бўлакчалардан иборат бўлиб, кўзга унчалик ташланмайдиган бўлиб қолган, ўшанда тоққа чикиш маҳалида яхши бурилиш жойи ҳосил бўлар, бунинг устига йўлакнинг тор, нокулай жойларини тўғрилаш учун тош ҳам етарли бўларди. Бу гаплар орамизда қолсин, менинг мулоҳазаларим уни ишдан чалғитади, кўнглига қаттиқ тегади. Нима қилинган бўлса, майли, шундай қолаверсинг. Агар киши маблағ билан меҳнатни аямаса, чимчайлдан юқорида, тоғ тепасида кўп яхши ишларни амалга оширса бўлади.

Шу тариқа дўстлар бугунги кун учун керагича иш топишган бўлсалар, ўтмишни орзишиб билан берилиб хотирлашни ҳам эсдан чиқаришмади, бундай сухбатларда одатда Шарлотта ҳам иштирок этарди. Бошланган ишлар тугаши биланоқ саёҳат хотираларини ўқишига киришишга, шу йўл билан ўтмишни хотира да жонлантиришга келишиб олишди.

Шарлоттанинг унга жуда маъкул кўринган, қалбини ром этган янги бошланган иши танқидга учраганидан кейин Эдуард негадир Шарлотта билан ёлғиз қолиб гаплашишга кам интиладиган бўлиб қолди. Капитан унга айтган гап ҳакида узоқ вакт миқ этмай юрди; аммо бир куни хотини чимчайлдан чўққига томон яна йўлак ва пиллапоялар очишига киришганини кўриб чидаб туролмади ва бироз иккиланиб тургач, ўзининг янги фикрини унга айтди.

Шарлотта ўйланиб колди. Бу гапларнинг тўғрилигига, сўзсиз, унинг фаҳм-фаросати етарди; бироқ килинган иш энди оркага қайтишга имкон бермасди; булар ўзига маъкул, дидига мос эди, ҳатто ўша танқидга учраган жойлар ҳам майдада бўлакчалари гача ёқимли эди; у барча далил-исботларга карши чиқди, ўзининг мўъжазгина ижод маҳсулини зўр бериб химоя килди, дарҳол қанакадир катта, мураккаб ишларни бошлаб юрадиган, қандайдир хазил-хузулниям харажатни ўйламасдан жиддий ишга айлантириб, орқасидан катта-катта тадбирларни келтириб чиқардиган эркакларни койиди. У қаттиқ ранжиган, дили озор топган, саросимада қолган эди; у эскисидан ҳам воз кечолмасди, янгисини ҳам тўла рад қилолмасди; бироқ мард аёл бўлганлигидан фикрлари обдон пишиб етилгунча ишни маълум муддатга шу ерда тўхтатиб туришга қарор килди.

Шарлотта ўзининг одатдаги севимли ишидан ажраблиб ўтирган бир пайтда, эркаклар ўз ишларига янада кўпроқ иштиёқ билан берилишар, боғ ва иссиқхона билан берилиб шуғулланишар, шу билан бир вактда ора-чорада ўзларининг одатдаги заминдорча машғулотларини ҳам эсдан чиқаришмас, овга чиқишар, отларни сотиб олишар, алмаштиришар, совутишар, аравага қўшишга ўргатишар, Шарлотта бўлса кундан-кунга ўзини ёлғиз ҳис этарди. У Капитаннинг ташвишида хатлар ёзиш билан тинмай шуғулланар, аммо барибир ёлғизликдан қийналарди. Шу орада пансионатдан келган хатлар билан машғул бўлиб анча овунди.

Энг муфассал хатлардан бири Бошлиқ аёлнинг Шарлоттанинг кизи эришган ютукларни иштиёқ билан, миридан-сиригача ёритган мактуби бўлиб, унда яна қисқагина қўшимча ҳам бор эди; бундан ташқари, Бошлиқ ёрдамчисининг қўли билан ёзилган варақ ҳам тиркалганди; биз қуйида ҳар иккаласини келтирамиз.

Бошлиқ аёлнинг қўшимча мактуби

Муҳтарама хоним, аслини олганда, Оттилия ҳақида олдинги ҳатларимда ёзган гапларимни тақорорлайман, холос. Уни койигим ҳам келмайди, шу билан бирга ундан мамнун ҳам бўлолмайман. У ҳамишагидек камтарин, хизматдан бўйин товламайди, лекин айни мана шу хизматга шайлиги, кўп нарсалардан ўзини четга тортиши менга маъқул эмас. Жаноби олиялари яқинда нул билан бирқанча буюмлар юборган эдингиз. Пулга қўл ҳам теккизмади, буюмлар ҳам қандай бўлса шундай ётитти. Ўзига тегишили нарсаларни тартибли, тоза сақлайди, бу рост, худди шунинг учунгина қўйлакларини алмаштиради афтидан. Еб-ичишдан ўзини тортишини ҳам мақтаб бўлмайди. Дастурхонимиз тўкин-сочин эмас, аммо болаларнинг мазали, фойдали таомларни тўйғунча мазза қилиб ейишларини кўрсан қувониб кетаман. Дид билан тайёрланиб, дастурхонга қўйилган нарса ейилиши керак. Оттилияга буни ҳечам тушутириб бўлмайди. У албатта ўзига бирорта иш топади, атайлаб бирор таомни ёки десертни тановул қўлмаслик учун хизматкор улгурмай қолган бирор юмушни бажаршига кетади. Шуни назардан қочирмаслик керакки, мана шу ҳолатлар оқибати бўлса керак, унинг чап чаккаси оғриб тураркан, мен ҳам буни яқинда билиб қолдим; оғриқ албатта ўтиб кетади, лекин азоб беради, зўрайиб кетиши ҳам мумкин. Бошқа жиҳатлардан гўзал, ёқимтой бўлган бу қиз ҳақида айтадиган гапларим шулар.

Ёрдамчининг иловаси

Одатда бизнинг муҳтарама бошлигимиз отоналар ёки ҳомийларга тарбияланувчилар ҳақидаги кузатувлари битилган мактубларни менга ўқишига беради. Сиз жаноби олияларига йўлланадиган мактубларни эса ҳамиша икки карра дикқат билан, икки карра мамнуният билан ўқийман; нега деганда, агар биз Сизни, зодагонлар доирасида обрўсини оширадиган ёрқин

хислатларни ўзида жамлаган қизингиз боис қутлаш баҳтига мұяссар бўлсак, мен ўзим шуни таъкидлашни истардимки, асранди қизингизга оналик қилиши баҳти ҳам Сиз учун бундан кам эмас, бу қиз бошқаларнинг ҳам, биринчи навбатда ўзининг ҳам баҳту шодлиги учун туғилган. Оттилияга ўхшаган тарбияланувчилар бизда битта эмас, муҳтарама бошлигимизнинг бундайлар ҳақидаги фикрига мен қўшилолмайман. Бу тиниб-тинчимас аёлни, ўз меҳнатининг мевалари очиқ-равшан кўзга ташланишини талаб қиғанлиги учун қораламайман, бироқ тагин бошқа, кўзга кўринмас мевалар ҳам бор, мева бўлганда ҳам энг зўр, энг ширадорки, улар эртами, кечми, янги, гўзал ҳаётга асос бўлишлари мумкин. Сизнинг асранди қизингиз ҳам, шубҳасиз, ана шундайлардан. Мен унга дарс бера бошлаганимдан бери унинг бир хил қадам билан, астасекинлик билан орқага эмас, ҳамиша олдинга қараб интилишини сезаман. Агар бирорта болага таълим беришни бошидан бошлаш керак бўлса, бу ишни биринчи навбатда унга қилиш зарур. Олдин ўрганилган мавзу билан боғлиқ бўлмаган нарсани у тушунмайди. Энг осон вазифа бўлса ҳам, агар Оттилия уни бирор нарса билан алоқадорликда кўрмаса, ожиз бўлиб боши берк кўчага кириб қолади. Борди-ю, унга ўша алоқадор ҳалқаларни топишга кўмаклашиб юборилса, энг қийин вазифани ҳам даров тушуниб олади.

Шу тариқа секин силжиркан, у дугоналаридан ортда қолади, уларнинг қобилиятлари тамоман бошқача, мудом олдинга интилишади, ҳамма нарсани, бирор нарса билан боғлиқ бўладими-йўқми, бариги-бир, тез қабул қилишади, осон эсда олиб қолишади ва қийналмай амалда қўллашади. Гоҳо жуда зўр, аммо жўшқин, бесабр ўқитувчиларнинг дарсларида мавзу тез тушунтириб ўтиб кетилса, у ҳеч нарса ўзлаштиrolмай, бирон нарса ўрганолмай қолиб кетаверади. Менга унинг ёзуви туфайли, грамматика қоидаларини ўзлаштиrolмаслиги туфайли кўп бор шикоят қилишган. Гап нимадалигини текшириб кўрдим:

тұғри, у секин, қандайдир зүриқиб ёзади, лекин ёзуви күримсиз ва хунук әмас. Менинг фаним бўлмаса-да, фаранг тилидан унга битталаб тушунтирган нарсамни осонгина илгаб олди. Биласизми, ҳайрон қоласан киши: у жуда кўп нарсани билади, билганда ҳам пухта билади, унга савол беришдими, бўлди, ҳеч нарса бишмагандек тураверади.

Агар хатимни умумий мулоҳаза билан якунладиган бўлсан, фикрим бундай: у тарбияланувчига ўхшаб эмас, баъки тарбиячи бўладиган қизга ўхшаб ўқийди, хуллас, ўқувчи қизга ўхшаб эмас, бўлгуси ўқитувчига ўхшаб ўқийди. Мен ўзим тарбиячи ва ўқитувчи бўлатуриб уни ўзимга тенглаштириб ўтирганим, бундан ўзга дурустроқ мақтov тополмаганим, эҳтимол, жаноби олияларига галати туюлар. Аммо Сиз жаноби олияларининг кузатувчанлигингиz, одамларни, асл зодалар даврасини яхши билишингиz менинг oddий, самимий сўзларимдан тўғри хулоса чиқаришингиzга ёрдам беради. Бу қизга ҳам кўп умидлар боғлаш мумкинлигига амин бўласиз. Сиз жаноби олияларини ишонтириб айтаманки ва руҳсати олийларини сўрайманки, мен бундан кейин ҳам бирорта муҳим ва кўнгилни кўтарадиган gap бўлса Сизга ёзib тураман.

Шарлотта бу хатни ўқиб хурсанд бўлди. Унинг мазмунни ўзининг Оттилия ҳакидаги тасаввурларига айнан мос келарди; ўқитувчининг ўз шогирдига хос хислатларни анча-мунча жўшқинлик билан ифодалашини кўриб Шарлотта жилмайишдан ўзини тиёлмади. Ҳар қандай кинғир фикрлардан холи, мулоҳазали бу аёл, бошқа кўп ҳоллар сингари бундай муносабатга ҳам йўл кўйиб берарди; Оттилияни тушуниб, унинг учун куюнадиган одамни у қадрларди; негаки, лоқайдлик, бир-бирига душманлик ҳукм сурадиган бу ёруғ оламда ҳар қандай самимий меҳр-муҳаббатни юксак қадрлаш лозимлигини унга ҳаётнинг ўзи ўргатган эди.

Тўртинчи боб

Тез орада топографик харита ҳам тайёр бўлди: унда мулк ва унинг теварак-атрофи кенг кўламда, аник-равшан, қалам ва бўёқ билан акс эттирилган, Капитан тригонометрик ўлчовлар ёрдамида ҳаммасини аниклаб чикишга муваффак бўлган эди, бу тиниб-тинчимас одамчалик ҳеч ким кам ухламаса керак, кунлари энг муҳим мақсадларга сарф бўлар, шу сабабли ҳар куни кечга бориб иш бажарилган бўларди.

— Энди эса, — деди у дўстига, — навбатдаги вазифага — мулк тавсифига ўтамиш; бунинг учун олдиндан тўпланган маълумотлар мавжуд бўлса керак, ўшалардан биз айрим ерларнинг ижара баҳосини ва бошқа кўп нарсаларни аниклаб олишимиз мумкин. Биз бир нарсани ўзимизга белгилаб, ўзимиз учун қонун қилиб олишимиз керак: ишга тегишли бўлган ҳамма нарсани турмушдан ажратиб ол! Иш жиддийлик ва қаттиққўлликни, турмуш эса эркинликни талаб киласди; ишда қатъий мунтазамлилик керак, турмушда эса ҳархиллик бўлгани тузук, шунда ҳаёт марокли, мазмунли бўлади. Ишингдан кўнглинг тўқ бўлса, ҳаётда ўзингни эркинрок ҳис этасан, уларнинг бирини иккинчиси билан аралаштиранг борми, хотиржамлигинг ҳам барҳам топади.

Эдуард бу сўзлардаги енгил таънани пайқади. Табиатан тартибсиз бўлганлигидан қоғозларини жойжойига тахлашга ҳеч фурсат топмасди. Қоғозларнинг бошқаларга тегишли бўлганлари ҳам, фақат ўзиға қарашлилари ҳам аралаш-куралаш бўлиб ётар, у иш билан машғулотни сухбат ва кўнгил очишлардан ўз меъёрида фарқлашни билмасди. Энди унга осон бўлди, бу вазифани дўсти ўз бўйнига олди, битта «мен»нинг кўлидан ҳамиша ҳам келавермайдиган саралашни иккинчи бир «мен» амалга ошираётганини кўриб Эдуард енгил тортди.

Капитан яшайдиган қанотда улар жорий ишлар учун токчалар, тугалланганлари учун архив қилишди;

барча ҳужжатлар, коғозлар, ҳисоб-китоб варакаларини аллақаерлардаги нарсалар сакланадиган жойлардан, хоналардан, жавонлардан, қутылардан чиқариб олишиб, тезлик билан ҳаммасини бинойидек тартибга солиб, тур-турига қараб белги қўйиб, тахлаб чиқишиди. Нимани излашса, ҳатто мўлжалдагидан ҳам тезроқ топиладиган бўлди. Бу ишда уларга кекса котибининг кўрсатган ёрдами жуда кўл келди, у кун бўйи, ҳатто ярим кечагача стол ёнидан нари кетмади, ҳолбуки, шу пайтгача Эдуард ундан норози бўлиб юарди.

— Мен уни танимай қолдим, — деди Эдуард дўстига, — у кучи етганича эски вазифаларини бажармагунча унга янги иш буюрмаймиз; кўряпсанми, у қанча ишларни килиб кўйди; унга халақит берсанг борми, ҳеч нарса қилмай кўяди.

Дўстлар шу тахлит кунларни бирга ўтказишиб, кечкурунлари Шарлоттанинг ёнига боришини ҳам канда қилишмасди. Борди-ю, қўшни мулклардан бирон меҳмон-пехмон келиб қолмаса — бунақаси тез-тез бўлиб туарди — дўстлар суҳбати ҳам, китобхонлиги ҳам одатда мавжуд жамиятнинг фаровонлиги, фойдаси ва тўқислигига таъсир кўрсатадиган нарсаларга бағишлиланар эди.

Бугунги кундан завқ олишга одатланган Шарлотта, эрининг мамнунлигини кўриб, ўзи ҳам бундан роҳатланарди. Кўпдан бери хўжаликда ўзи изга туширишни хоҳлаган, лекин мавриди бўлмаган кўплаб тадбирлар Капитан кўмагида энди амалга ошиди. Уй дорихонаси бойитилди, ҳозиргача унда дорилар камгина эди, Шарлотта китоблар ҳамда одамларнинг оғзидан эшитган маълумотлар ёрдамида энди бошқаларга аввалгидан кўра кўпроқ ва фойдалироқ ёрдам кўрсатиш имконига эга бўлди.

Улар одамларни кўпинча саросимага солиб қўядиган одатдаги бахтсиз ҳодисаларни ҳам ҳисобга олиб, сувга чўкканларни кутқазиша аскотадиган барча анжомларни ғамлашди. Бу ерда кўллар, дарёчалар, бошқа сув ҳавзалари кўп бўлганлиги боис бунақа

бахтсизликлар тез-тез содир бўлиб турарди. Капитан шу бўлимга айниқса кўпроқ дикқатни қаратди. Эдуард эса, бундай ходиса бир пайлар дўстининг ҳаётида бутун бир воқеа бўлганлигини қистириб ўтмай туролмади. Лекин Капитан, қайғули хотираларни нари қувмоқчи бўлгандек индамади. Эдуард ҳам гап орқасидан қувмади; бу воқеадан унча-мунча ҳабардор бўлган Шарлотта ҳам эрининг гапига қўшимча қилмай, индамай ўтираверди.

— Ишни шу ерда тўхтатсан ҳам бўлади, — деди бир куни кечқурун Капитан, — энди бизга шу нарсалар билан муомала қилиш йўлларини биладиган одам етишмайди. Мен ўзимга таниш бўлган битта полк жарроҳини тавсия қилишим мумкин, у ҳозир арзимаган ҳақ учун ҳам чақирган жойга бораверади; у менга кўп бор оғир ички касалликларни даволашда энг зўр дўхтирлардан ҳам кўра кўпроқ ёрдам берган, ахир кишлоқ жойларда ҳаммадан кўп зарур бўладиган нарса ҳам шу биринчи шошилинч ёрдам-да.

Жарроҳни кечиктирмай таклиф қилишди, эр-хотин, шу кунгача бўлар-бўлмас нарсаларга сарфланаётган пулларни энди энг зарур эҳтиёжларга сарфлаш имконияти туғилганидан хурсанд бўлишиди.

Шундай қилиб, Шарлотта Капитаннинг фаолиятидан, билимидан ўзича хulosса чиқарди ва унинг шу ердалигидан мамнун бўлиб, бу биронта ёмон оқибатга олиб келиши мумкинлиги ҳақида қайғуриб ўтирамади. У Капитанга бермокчи бўлган саволларини одатда олдиндан ўйлаб олар, у ҳаётни жуда севганлиги туфайли барча хавфли, ўлимга олиб келадиган нарсаларни уйдан йўқотиш йўлини изларди. Сопол идишлардаги кўрғошин сири, мис идишдаги яшил бўёқ унинг кўнглига мудом таҳлика соларди. У Капитандан буларни тушунтириб беришни сўради, табиийки, бунинг учун уларга физикавий ва кимёвий тушунчаларга мурожаат қилишга тўғри келди.

Овоз чиқариб ўқиши яхши кўрадиган Эдуард мудом шундай мавзулардаги тасодифий, аммо қизиқарли

сүхбатларга турткы бериб юрарди. У ёкимли, босик овозга эга бўлиб, бир вақтлар шеърий ва насрый асарларни одамлар олдида юксак илҳом билан ифодали ўкиши оркасида машхур бўлган эди. Энди уни бошқа нарсалар қизиқтириарди, кейинги пайтларда у асосан физика, кимё, техникага оид китобларни овоз чиқариб ўқишини ёқтириарди.

Унинг бир одати бор эди, эҳтимол, бу одат кўпчилик одамларга хосдир, китоб ўқиётганида ўша саҳифага бирор қараб турганини ёмон кўрарди. Илгарилари у шеърлар, драмалар, қиссаларни овоз чиқариб ўқиганида, худди шоирлар, актёrlар, хикоя қилувчилар сингари орада тўхтаб-тўхтаб, тингловчиларни куттириш, ҳаяжонини ошириш одати бадиий сўз усталари учун ҳам табиий бир жўшқинлик, илҳом самараси бўлса, борди-ю, бирор киши саҳифага кўз ташлаб, ҳали у ўқимаган сатрларни ҳам олдинроқ ўқишига улгурса, бундай илҳом сўниб коларди. Шунинг учун Эдуард шундай жойга ўтириб олардикি, ортида ҳеч ким турмасди. Энди эса, улар уч кишигина бўлишганидан бундай эҳтиёткорлик ортиқча эди; бунинг устига энди унга кишиларни лол қолдириш, ҳис-ҳаяжонларини қўзғаш зарурати йўқлигидан жой танлашга алоҳида эътибор ҳам килмай қўйганди.

Бирок бир куни кечкурун, ўқиётганида Шарлоттанинг китобга қараб ўтирганини сезиб қолди. Ўша эски жаҳли чиқиш одати тағин қўзғади-да, хийла дағал оҳангда деди:

– Наҳотки, жамоат жойига тўғри келмайдиган мана шунга ўхшаш кўплаб қиликларни ташлашнинг иложи бўлмаса! Мен овоз чиқариб ўқиётган нарса хикоя килаётган нарсамнинг ўзи эмасми, ахир? Ёзилган, чоп этилган нарса менинг фикрим, менинг қалбимнинг ўрнини босади-ку; агар мен бирорга фикрларимни битта-битталаб тушунтирганимда, қалбимдаги ҳистуйғуларимни бўлишаётганимда, гўё пешонамдан ёки қўкрагимдан дарча очилгандек, ўша сүхбатдошим мијамда ёки юрагимда бор нарсани айтмасимданоқ би-

либ олса, кейин менинг гапиргим келадими? Китобимга кимдир қараб турса, назаримда мени бўлак-бўлак килиб ташлашаётгандек туюлади.

Шарлоттанинг катта давраларда ҳам, тор даврада ҳам синовдан ўтган топқирлиги айниқса шунда намоён бўлардики, у сездирмасдан бирор ёқимсиз, кескин, ҳатто ўта жўшқин мулоҳазани бартараф қилишга, чўзилиб кетган гапни бўлиб юборишга, қовушмай турганини улаб юборишга уста эди, бу гал ҳам ана шу яхши хислати қўл келди:

— Шу лаҳзада кўнглимдан нималар кечайдиганини айтсан, менинг ҳатомни кечирсанг керак деб ўйлайман. Сенинг яқинлик ҳақида ўқиётганингни эшитиб ўтириб, хаёлимга ўзимнинг кариндошларим, яқинларим, ҳозирги пайтда менга анчагина ташвиш тутдираётган амакиваччам келди. Кейин дикқатим яна сенинг ўқишингга қайтди, тинглаб турсам, гап жонсиз жисмлар ҳақида бораётган экан, фикран қаерда тўхтаб колганимни аниқлаб олиш учун китобингга кўз ташладим.

— Қиёслаш сени чалғитиб, довдиратиб қўйган, — деди Эдуард. — Бу ерда бор-йўғи тупроқ ва маъданлар ҳақида гап боряпти, аммо инсон — Наргис¹нинг ўзи, ҳамма жойда ўз аксини кўради, ялтироқ қоғозни бутун оламга тўшаб, ўшанда ҳам ўз аксини кўришга тайёр.

— Ҳа! — гапни давом эттириди Капитан, — инсон ўзидан ташқарида бўлган ҳамма нарсага шу назар билан қарайди; ўз ақлию аҳмоқлигини ҳам, иродасию енгилтаклигини ҳам ҳайвонларга, ўсимликларга, табиат кучларига, илоҳларга кўчиради.

¹ Наргис — Овидийнинг «Метаморфоза» асаридаги мифологик қаҳрамонлардан бири. У беҳад гўзал бўлган, ўзидан бошқа ҳеч кимни севмаган. Шу худбинлиги учун муҳаббат худоси Афродита уни жазолаган: бир куни у дарёнинг шишадек тиник сувидан ичмоқчи бўлганида сувда ўз аксини кўриб, ўз-ўзига ишқи тушиб, ўз аксидан кўз узолмай қолган ва ўша ерда вафот этган. Уни севган нимфалар эртасига уни дағн этиш учун келишса, жасад ўрнидан хушбўй бир гул — ажал гули ўсиб чиқкан эмиш. Ўша гулнинг номи наргис деб аталган (тарж.)

— Сизларни ҳозирги мавзудан чалғитиши ҳохла-
масдим-у, лекин менга икки оғиз сүз билан тушунти-
ринглар, бу ерда, яқинлик ҳақида сүз борди, бу нима
дегани ўзи?

— Ҳозир, — жавоб берди Капитан, Шарлотта унга
мурожаат килгач, — шубҳасиз, кучим етганича, бун-
дан ўн йиллар олдин менга ўргаттанлари, китоблар-
дан олган билимим доирасида тушунтиришга ури-
ниб кўраман, лекин ҳозир ҳам илм дунёсида шундай
ўйлашадими-йўқми, бу фикр ҳозирги таълимотга
тўғри келадими-йўқми, бу ҳақда бир нарса деёлмай-
ман.

— Ҳозирги пайтда, — деди Эдуард, — бир ўрганган
билиминг бутун умрга тўғри келмагани ёмон-да. Ота-
боболаримиз ҳамиша ёшлиқда олган билимларига тая-
нишган, биз эса, замондан орқада қолмаслик учун ҳар
беш йилда билимимизни янгилаб туришимиз керак.

— Биз аёллар, — деди Шарлотта, — энг майдага таф-
силотларгача билишимиз шарт эмас; очигини айтсам,
менга факат сўзнинг маъносини билиш кифоя, холос,
чунки бирор даврада ўтирганингда хорижий ёки ил-
мий сўзни ноўрин айтиб кўйишдан ҳам қулгилироқ
ҳол йўқ-да. Мана шундай ҳолларда ўша сўз қандай
маънода қўлланилади, шуни билмоқчиман, холос.
Фанда у нимани англатади, бу энди олимларга ҳавола,
назаримда уларнинг ҳам ҳали-бери ягона бир фикрга
келишлари даргумон кўринади.

— Хўш, бунинг тезрок моҳиятига етиш учун гапни
нимадан бошласа бўлади? — бироз жим туриб сўради
Эдуард Капитандан, у ўйланиб турди-да, деди:

— Агар рухсат берсаларинг, мен тасаввурим доира-
сида гапни узокдан бошласам, ўшанда мақсадга тезрок
етсан керак.

— Ишонаверинглар, мен жон қулоғим билан тин-
глайман, — деди Шарлотта қўлидаги ишини четга
кўяркан. Капитан сўзини бошлади:

— Табиатдаги биз кўриб турган барча нарсалар ав-
вало маълум даражада ўз-ўзи билан алоқадорликда

бўлади. Ўз-ўзидан тушунарли бўлган гапни айтиш, эҳтимол, ғалати туюлар; ҳархолда маълум нарса ҳақида одам аввал тўлик тушунча ҳосил қилиб, ундан сўнг-гина номаълумга ўтса дуруст бўлади.

— Менимча, — гапни бўлди Эдуард, — агар биз мисоллар билан тушунтиrsак, унга ҳам, ўзимизга ҳам осон бўларди. Сув, мой, симобни кўз олдингга келтириб кўр, ўшанда уларнинг қисмларидағи бирлик, ўзаро алоқадорликни кўрасан. Бирон кучлироқ ташки таъсир ёки шунга ўхшаш ҳол юз бермаса, улар ана шу бирликни йўқотишмайди. Ўша таъсир четлатилган заҳоти улар яна бирикиб олишади.

— Бунга шубҳа йўқ, — тасдиқлади Шарлотта, — ёмғир томчилари оқимга тез қўшилиб кетади. Ҳали болалигимиздаёқ симоб билан ўйнаганимизда уни соққачаларга бўлсак, улар яна бирикиб олишса ҳайрон бўлардик.

— Гап келганда йўлакай бир муҳим нарсани эслатиб ўтай, — гапга аралашди Капитан, — мана шу соққага айланиш хусусияти қатъий бир тарзда фактат соф, суюқ ҳолатдагина юз беради, холос. Тушаётган ёмғир томчилари ҳам юмалоқ; симоб соққачалари ҳақида ўзингиз айтдингиз; ҳатто эритилган қўрғошин ҳам, агар у ҳавода қотишга улгурса, ерга юмалоқ бўлиб тушади.

— Шу ерда гапингизни бўлай, — деди Шарлотта, — фикрингизни тўғри англадим чамамда. Ҳар битта жисм ўз-ўзи билан алоқадорликда бўлгани каби бошқа нарсалар билан ҳам алоқада бўлиши керак.

— Нарсаларнинг ҳар хиллигига қараб, — гапни илиб кетди Эдуард, — бу муносабат ҳам ҳар хил бўлади. Баъзида улар баайни дўстлардек, эски ошнолардек учрашишади, тез яқинлашиб, қўшилиб кетишади, бир-бирида бирон нарсани ўзгартирмайди, олайлик, сув билан вино сингари. Айримлари бор, аксинча, бир-бирларига бегонадек, ҳатто зўрлаб аралаштиранг ёки ишқаласанг ҳам бирикмайди. Мисол учун сув билан мойни қўшиб чайқатсанг ҳам ажралиб кетаверади.

— Бундай олиб карасанг, — деди Шарлотта, — бу оддий шаклларда ўзингга таниш одамларни кўриш кийин эмас; ҳаммадан ҳам кўра, ўзимиз яшаган давраларни эсга солади. Бу жонсиз жисмларга жамиятдаги турли қарама-қарши қатламлар: турли касбдаги кишилар, хунармандлар, дворянлар, учинчи табақа, аскарлар, оддий фуқаролар кўпроқ ўхшайди.

— Шундай бўлса-да, — кўшиб кўйди Эдуард, — буларни қонунлар, удумлар бирлаштириб турганидек, бизнинг кимёвий оламимида ҳам шундай воситачи ҳалқалар борки, улар ёрдамида бир-бирига зид нарсаларни бирлаштирса бўлади.

— Мана, мисол учун, — кўшиб кўйди Капитан, — ишқорли туз ёрдамида мой билан сувни қўшамиз.

— Тушунтиришга шошилманг, — деди Шарлотта, — мен ҳам сизлар билан изма-из бораётганимни исбот килай. Биз ҳозир «яқинлик» тушунчасига етиб келмадикми?

— Тўппа-тўғри, — жавоб берди Капитан, — ҳозир уни бор маъно-моҳияти билан билиб оламиз. Рўпара келганда бир-бирини дарҳол тушунадиган, тез топишиб кетадиган нарсаларни биз яқинлар деб атаймиз. Бир-бирларига зид бўлишларига қарамай, эҳтимол, ана шу зидлик туфайлидир, ишқорлар ва кислоталарда ана шундай яқинлик яққол кўзга ташланади, улар бир-бирларига зўр бериб интилишади, кўшилишади, шу жараёнда ўзгаришларга учраб, биргаликда янги модда яратишади. Масалан, оҳакни олайлик, у ҳар қандай турдаги кислотага кучли майл билдиради ҳамда улар билан кўшилишга интилади. Кимё кабинетимизга келинг, Сизга роса қизиқарли тажрибалар қилиб кўрсатамиз, улар кишига сўзлар, номлар, атамалардан кўра яхшироқ тасаввур беради.

— Ростини айтсан, — деди Шарлотта, — Сиз бу ғалати жисмларни яқин деяпсизу, менинг назаримда уларни кондошлиқ эмас, балки рухий ва ҳиссий яқинлик бирлаштиради. Худди мана шу тахлит одамлар орасида чин дўстлик вужудга келади; айни ўша

қарама-қарши характер охири кишиларни бир-бири билан қовуштиради. Қани күрай-чи, мана шундай сирли таъсирлардан қайси бирини менга намойиш киларкансызлар. Энди ўқисанг, – деди у Эдуардга юзланиб, – сенга халақит бермайман, дикқат билан тинглайман, чунки энди буни тушуниб етдим.

– Энди бизни гапга солдингми, – эътиroz билдириди Эдлуард, – осонгина қутулиб қўяқолмайсан, ахир ҳаммадан қизифи ҳам ўша мураккаб ҳоллар-да. Факат ўшаларда яқинликнинг босқичларини, яъни яқинроқ ва кучлироқ ҳамда узоқроқ ва кучсизроқ босқичларини билиб оласан; агар яқинлик ажрашишга сабаб бўлсагина қизиқ бўлади.

– Наҳотки, юқори давраларда баҳтга қарши тез-тез эшитиладиган мана шу ёқимсиз сўз, – хитоб қилди Шарлотта, – табиий фанларда ҳам учраса!

– Бўлмасам-чи! – жавоб қайтарди Эдуард, – бир вактлар кимёда ажратиш санъати фахрий атама ҳисобланарди.

– Демак, – кўшимча қилди Шарлотта, – ҳозир бундай дейиши мас экан-да, бу жуда яхши. Юксак санъат – бу бирлаштириш, мана шу таҳsinga лойик иш. Бирлаштириш санъати дунёдаги ҳар қандай соҳада ҳам ёқимли. Гапни бошладингларми, энди бир неча мана шунаقا ҳодисалардан айтиб беринглар!

– Биз юқорида тилга олган ҳодисаларга тагин қайтамиз, – деди Капитан, – мисол учун оҳактошни олсак, маълум миқдорда оҳаксимон тупроқ, бизга ҳавосимон ҳолатда маълум бўлган кучсиз кислота билан бирикиб кетган. Агар бир бўлак оҳактошни суюлтирилган олтингугурт кислотасига қўшсак, кислота оҳак билан қўшилиб, ганчга айланади, аниви ҳавосимон кислота бўлса, учиб кетади. Мана шу ерда ажрашиш ва янги бирикиш ҳосил бўлади, шу ҳодисани биз «танланган яқинлик» (хамроз диллар¹),

¹ Ушбу асар номи асл нусхада «Die Wahlverwandschaften», сўзма-сўз таржимаси «Танланган яқинлик», ушбу сўз билан Гёте айнан юкоридаги фикрларни кўзда туттган (*тарж.*)

деб аташга ҳақкимиз бор, дарҳакиқат бу бошқаси ол-дида иккинчисини афзал кўриб, фақат шуни ихтиёрий танлашнинг худди ўзи-да.

— Мен табиатшуносларни кечирганимдек, — деди Шарлотта, — Сиз ҳам мени маъзур тутасиз; мен бу ерда танлашни эмас, табиатнинг қатъий қонунини кўряпман, бу фикрим ҳам унчалик тўғри эмас, сираси-ни айтганда, буни тасодиф натижаси деса ҳам бўлади. Ўғриларни келтириб чиқаргани сингари тасодиф ўзаро боғланишни ҳам вужудга келтиради; энди Сизнинг моддаларингиз ҳакида гапирадиган бўлсак, менимча танлаш ихтиёри шу жисмларни бириктирадиган ким-ёгарнинг қўлида. Борди-ю, улар бирикишса, унда Худо ёр бўлсин! Ҳозирги айтиб берган ҳолатингизда ҳавосимон кислотага раҳмим келади, бечора ҳали чек-сизликда қанча тентираши керак.

— Бундан кейин, — эътиroz билдириди Капитан, — сув билан кўшилиб, маъданли сувга айланниб соғлом ва бемор одамларга роҳат багиашлаш унинг қўлида.

— Ганч энди бошқа масала, — деди Шарлотта, — у тайёр, жисмга айланган, унинг ташвишини қилмаса ҳам бўлади, анави сургундаги модда эса, ҳали ўзига бирор манзил-макон топгунича кўп азоб тортади.

— Ё мен хато қиляпман, — жилмайиб деди Эдуард, — ёки сенинг сўзларингда қандайдир шама яширган. Ҳазиллашяпман, деб икрор бўл! Сенинг назарингда мен гўё олтингугурт кислотаси билан бириккан оҳактош мисол сенинг даврангдан ажралиб чиқиб, Капитан билан бирлашиб олганман ва ўша итоатсиз ганчга айланганман, тўғри топдимми?

— Агар шу гапларингни, — жавоб берди Шарлотта, — юрагингдан чиқариб айтаётган бўлсанг, унда мен хотиржамман. Бунақа таққослашлар гаштли, қизиқарли, ахир ким ҳам бир нималарни қиёслаб вақтичоғлик қилмайди? Бироқ инсон бундай моддалардан анчамунча юқори туради, агар у «танлаш», «танланган яқинлик» сўзларига хасислик қилмаса, унда ўз-ўзини янада чукурроқ тафтиш килишга ва бунақа сўзларнинг

маъносини обдон чақишига ўрганади. Бахтга қарши, мен шундай воқеаларнинг гувоҳи бўлганманки, икки кишининг самимий, кўринишдан мустаҳкамдек иттифоки учинчи бир кишининг тасодифан орага суқилиши оқибатида бузилиб кетган ва чиройли ришталар билан боғланган кимсалардан бири номаълум бўшлиққа бадарға қилинганди.

— Кимёгарлар бу жиҳатдан хийла устакор, — деди Эдуард, — ҳеч бири ёлғиз қолмасин учун, улар қандайдир тўртинчи бир моддани бириқтиришади.

— Ҳа, шундай, — деди Капитан, — энг муҳим, энг эътиборга лойик ҳодисаларда мана шу майл ва яқинлик, мана шу ихтилоф ва ажрашиб яққол, худди бири иккинчисига чатиштирилгандек кўзга ташланади, ўшангача жуфт-жуфт бўлиб турган жисмларнинг тўртталаси ёнма-ён қўйилса, аввалги жуфтидан ажрабиб, янгиси билан бириқади. Мана шундай бўлиниш ва бириқиш, мана шундай кочиш ва қидириш ростдан ҳам Худонинг иродаси билан содир бўлишига имон келтирасан киши. Мана шундай моддаларда ўзига хос ҳоҳлаш ва танлаш қурдати борлигига ишонасан, ўшанда «танланган яқинлик» атамаси шуларга айнан мос келади.

— Бирорта шунаقا ҳолатни тасвирлаб беринг! — илтимос қилди Шарлотта.

— Бу ерда, — жавоб қайтарди Капитан, — қуруқ сўз камлик қиласиди. Айтдим-ку, тажрибалар қилиб кўрсатганим заҳотиёқ Сизга аниқ-равshan бўлади-қолади. Акс ҳолда Сизга барibir аниқ тасаввур бермайдиган кўполдан-кўпол атамалар билан миянгизни ачишиб ўтиришимга тўғри келади. Зоҳиран ўликдек, аммо ботинан ҳар лаҳзада ҳаракатга келишига тайёр турган бу моддаларни одам ҳаракат жараёнида ўз кўзи билан кўриши керак: улар бир-бирини қидиришади, қамраб олишади, парчалашади, яксон қилишади, шимиб олишади, шундан сўнг, ичдан бир бутунликка айлангач, ўзгача, янги, кутилмаган бир шаклда пайдо бўлишади. Ана ўшанда биз уларни абдий тирикликка, хис-

түйғуга ҳамда идрок этишга қодир деб тан оламиз, негаки ўз түйғуларимиз уларни бор бўйича кузатишга етарли эмасдек, идрокимиз уларни илғашга камлик қиладигандек туюлаверади.

– Илмий атамалар билан, – деди Эдуард, – ўзи амалда кўриб эмас, балки тушунчалар орқали танишган одамга улар қийин, кулгили туюлиши шубҳасиз, буни инкор қилиб бўлмайди. Шу ерда тилга олинган муносабатларни биз ҳозирча ҳарфлар билан белгилаб турсак бўлар ҳархолда.

– Агар эзмаликка йўймасаларинг, – давом этди Капитан, – ўз фикримни белгилар тилида қисқача баён қилсам. Қандайdir А ни кўз олдингизга келтиринг, у Б билан қаттиқ боғланган, уни хилма-хил йўллар билан ҳам, ҳатто куч ишлатиб ҳам ажратиб бўлмайди; энди қандайdir В ни кўз олдингизга келтиринг, у ҳам Г га худди шундай муносабатда; энди иккала жуфтни ҳам яқинлаштиринг: А Г га, В эса Б га интилади, шундай бўладики, ким кимдан олдин воз кечди-ю, ким ким билан олдинроқ янгидан бирлашиб олди, аниқлашга улгурмай қоласиз.

– Ана энди, – Капитаннинг гапини бўлди Эдуард, – буларнинг барчасини ўз кўзимиз билан кўрмагунимизча, қиёс учун ана шу шартли белгиларни оламиз, ўша қиёсни дарҳол амалда қўллаш учун унга таяниб иш кўрамиз. Сен, Шарлотта, А бўласан, мен эса Б, аслида мен фақат сенга тобеман-да ўзи, худди Б ҳарфи А га тобе бўлгани сингари. В – сўзсиз, бу Капитан, ҳозирча у маълум даражада мени сендан чалғитади. Сен номаълумликка силжиб кетмаслигинг учун сенинг ёнингга қандайdir Г ни келтириш инсофдан бўлади, ҳеч бир шубҳа йўқки, ўша Г ёқимтой қиз Оттилиядир, сен энди уни чақириб олишга қаршилик қилмаслигинг керак.

– Яхши! – дея жавоб берди Шарлотта, – ҳарқалай менинг назаримда бу мисол унча тўғри келмаса-да, бугун фикрларимиз бир жойдан чиққани, моддалар ва характерлардаги яқинлик бизга ўз қарашларимизни

очиқчасига айтиш имконини яратгани жуда яхши бўлди, деб ҳисоблайман. Шундай қилиб, ростини айтсам, бугун мен Оттилияни олиб келишга қатъий қарор қилдим; чунки ҳозирги садоқатли уй-рўзғор бошқарувчим кетмоқчи, у эрга тегаяпти. Бу ишни мен ўз фойдам учун қиласман; Оттилиянинг фойдаси учун бунга мени нима ундаши ҳакида сен бизга ўқиб бerasan. Елканг оша қоғозга қарамайман, бироқ хатда нима ёзилгани менга маълум. Қани, ўки, ўқийвер! – шундай деб у хатни чиқарди-да, Эдуардга узатди.

Бешинчи боб

Бошлиқ аёлнинг мактуби

Мұхтарама хоним, бугунги мактубим қисқа бўлса маъзур тутарсиз, чунки мен ҳали тарбияланувчила-римиздан қабул қилган очиқ синовларнинг натижалари ҳакида уларнинг ота-оналарига, ҳомийларига ха-бар қилишим керак; рухсатингиз билан гапим қисқа бўлади, чунки оз гап билан кўп фикрни айта оламан. Қизингиз ҳар жиҳатдан биринчи ўринни эгаллади. Хатга илова қилинаётган гувоҳномалар, олган муко-фотларини тасвирлаган ўз мактубидан кўриниб тур-ганидек, эришган ажойиб ютуқларидан у бениҳоя баҳтиёр, албатта, бундан Сиз ҳам хурсанд ва хотиржам бўласиз. Менинг хурсандчилигим у даражада эмас, не-гаки шундай муваффақиятларга эришган қизни биз бу ерда узоқ ушлаб туролмаслигимизни олдиндан билиб турибман. Менинг фикримча, унинг учун нималар энг муҳим эканлиги ҳакида ўз мuloҳазаларимни тез ора-да Сиз мұхтарама хонимга баён қилиш баҳтига мус-сар бўлиш вазифасини ўз бўйнимга оламан. Оттилия ҳакида менинг мұхтарам ёрдамчим ёзади.

Ёрдамчининг мактуби

Мұхтарама бошлигимиз Оттилия ҳакида ёзишини менга топширдилар, бунинг сабаби, бир томондан, айтилиши мумкин бўлмаган нарсани айтишини нокулай

ҳисоблайдилар, иккинчи томондан, ўзи узр сўрашга ҳожатманд бўлганларидан шу ишни менга топширишини лозим кўрдилар.

Ўзи билган ва қўлидан келадиган нарсаларни намоши қилиш бечора Оттилияга қанчалик қийинлигини яхши билганлигим туфайли очиқ синовлардан мен унинг учун анча хавфсираган эдим, бунинг устига тайёргарлик қўришининг умуман иложи йўқ, одатдаги кунлардагидек иложи бўлганида ҳам Оттилияни ўзини билагондек тутишга ўргатиб бўлмасди. Имтиҳонлар натижаси менинг хавотиримдан ҳам ошиб тушди; у биронта ҳам мукофот ололмади, ҳатто гувоҳномага ҳам лойиқ кўримаганлар қаторида қолди. Тагин нима ҳам дейин? Чиройлиликда уникудан ўтадиган дастхат йўқ, лекин бошқалар тезроқ ёзишиади, ҳисобни ҳаммаси тез ечишиди, у ҳаммадан яхши ечадиган қийин масалаларга синов пайтида навбат етмади. Фаранг тили бўйича қўплари таржима қилиш ва бидирлашда ундан ўзиб кетишиди; тарихдан эса, номлар ва саналарни дарҳол эслаб ололмади; жузгрофиядан давлат чегараларини чалкаштириб юборди. Мусиқадан у билан бир нечтагина оддий оҳангларни ижро этиб беришига на вақт топилди, на тинч шароит бўлди. Расм учун эҳтимол мукофот оларди, чизиқлари равон, иш чуқур ўйлаб, астойдил бажарилган эди, афсуски, гоя жуда кенг ўйланганидан белгиланган вақтда чизиб улуролмади.

Ўқувчилар кетишигач, имтиҳон олувчилар кенгашшишга қолишиди, биз ўқитувчиларга ҳам у ёки бу мулоҳазаларимизни айтишига ижозат беришганда пайқадимки, Оттилия ҳақида умуман гапиришмади, гапиришса ҳам ҳарҳолда ранжиб, бепарволик билан гапиришиди. Унинг характерини тасвирласам, уларнинг кўнглини юмшатарман, деган ишонч билан жонжон деб бу ишга журъат қилдим ва тўлиқ ишонч билан гапирдим, негаки ўзим ҳам ёшлигимда худди шундай аянчили аҳволда қолган эдим-да. Сўзларимни дикқат билан тинглашди, гапимни тугатганимда бош



имтиҳон олувчи менга мулойим, лекин лўнда қилиб деди: «Қобилият – бу шарт-шароит, муҳими, унинг натижаси бўлсин. Ҳар қандай тарбиянинг мақсади ҳам шу, ота-оналар ва ҳомийларнинг ягона, аниқ истаги ҳам, болаларнинг ўзлари ҳам унчалик тушуниб етмаган, сезиб-сезмаган интилишлари ҳам мана шу, синов мақсади ҳам ҳудди шу нарса, синовда на факат ўқувчиларга, балки ўқитувчиларга ҳам баҳо бершишиди. Сиздан эшишган гапларимиз бу қизга яхши умидлар боғлашимизга имкон беради, энди Сизга келсак, ўз ўқувчи қизларингиздаги мавжуд қобилияtlарга бунчалик эътибор берәётганингиз, шубҳасиз, мақтovга сазовор. Агар йил давомида дуруст натижаларга эриша олсангиз, унда Сизни ҳам, қобилияtlли ўқувчингизни ҳам чин дилдан кутлаймиз».

Бундай натижга бўлишига мен олдиндан кўникиб ҳам қолувдим, лекин ҳаял ўтмай бундан-да даҳшатлиси содир бўлишини кутмагандим. Ўз қўзичноқларидан биронтасининг йўқолишини истамаган меҳрибон чўпон сингари ёки бу ердаги ҳолатга қайтсак, ҳамма нарсани ортиқча безакларсиз кўришини истамаган муҳтарама бошлигимиз имтиҳон олувчилар кетишгач, ўз норозилигини яширолмади ва бошқа ўқувчилар ўз мукофотларидан шодланишаётган бир маҳалда дераза олдида жимгина турган Оттилияга деди: «Худо ҳаққи, айтинг-чи, одам аҳмоқ бўлмаса-ю, аммо қандай қилиб шунаقا аҳмоқларча таассурот қолдириши мумкин?» Оттилия мутлақо хотиржам жавоб қилди: «Узр, меҳрибон онажсон, айни шу бугун бошим оғрияпти, қаттиқ оғрияпти!» «Буни ҳеч кимга билдирма!» деди одатда гоят раҳмдил бўлган бошлигимиз ва норози қиёфада нари кетди.

Тўғри, у буни ҳеч кимга билдиргани йўқ, чунки Оттилиянинг юз ифодаси ҳам ўзгармади, унинг бирор марта қўлинин чаккасига олиб борганини ҳам кўрмадим. Бу ҳам ҳали ҳолва эди. Ҳамиша шўх, саимий бўлган Сизнинг қизингиз эса, муҳтарама хоним, ҳозирги ютуқларидан бурни кўтарилиб, ўзини

тутолмай қолди. У мукофотларию гувоҳномаларини кўтариб у хонадан бу хонага югурап, Оттилияниң юзи олдида уларни айлантирганча: «Бугун омадинг юришмади!» деб қичқирарди. Оттилия эса: «Бу ҳали охирги синов эмас», деб жавоб қайтарди. Сизнинг қизингиз бўлса: «Сен эса ҳамиша охиргилигингча қолаверасан!» деб қичқирди-да, чопганича кетди.

Оттилия бошқа ҳар қандай одамга хотиржам кўриниши мумкин, лекин менга эмас. У қарши курашадиган ёқимсиз ички галаён одатда чехрасининг икки хил рангидан билинади. Чап юзи бирданига қизарив, ўнги оқариб кетади. Мен буни сездим-да, аралашмай туролмадим. Бошлигимизни четга тортдим-да, вазият ҳақида у билан жиiddий гаплашдим. Бу оқила аёл ўз хатосини тушунди, биз узоқ гаплашдик, шунинг учун гапни чўзиб ўтирумасдан ўз қароримиз ва илтимосимизни Сиз, муҳтарама хонимга етказмоқчиман. Оттилияни маълум муддатга ўз ёнингизга олинг. Илтимосимизнинг сабабларини ўзингиз жуда яхши англаб етасиз. Агар шунга рози бўлсангиз, бу мулоийим қиз билан қандай муомала қилиш кераклигини мен муфассал ёзиб юбораман. Сизнинг қизингиз бу ердан кетганиданоқ – бу аниқ бўлса керак – биз Оттилияни тагин жон деб пансионатга қайтариб опкеламиз.

Яна бир нарсани қўшиб қўяй, айтиши эсимдан чиқиб кетиши мумкин: Оттилияниң бирор нарса талаб қилганини ёки ҳеч бўлмаса қаттиқ илтимос қилганини бирор марта бўлсин кўрганим йўқ. Бироқ аҳён-аҳёнда бўлса-да, кимдир ундан бирор нарсани талаб қиласа, ўшани рад этишига уринади. У шундай ишора қиласиди, бунинг маъносини тушунган ҳар қандай одамга у кучли таъсир қиласи. У кафтларини маҳкам қисади-да, қўлларини юқори кўтаради, кейин кўксига олиб бориб, олдинга хиёл эгилади ва талаб қилувчи кишига шундай назар билан тикиладики, у ўз талаби ёки илтимосидан шу заҳоти воз кечади. Борди-ю, марҳаматли хоним, Сизнинг Оттилияга муносабатингизда бундай ҳол юз берииш гумон бўлса-да,

бирор марта шундай ишорага дуч келсангиз, менинг сўзларимни эсланг ва Оттилияни маъзур тутинг.

Эдуард бу хатларни овоз чиқариб ўкиркан, жилмайиб кўяр ва бошини чайқарди. Айрим шахсларни ва умумий ҳолатни муҳокама ҳам қилиб олишди.

– Гап тамом! – хитоб қилди ниҳоят Эдуард, – бўлди, Оттилия келади! У сенга ёрдамчи бўлади, азизим, биз эса, энди ўз режаларимизни ўртага ташласак: мен ўнг қанотга, Капитан ёнига кўчиб ўтсам яхши бўлар, дейман. Бизга эрталаб, кечкурунлари ишлаш кулай. Ўшандা сенга ва Оттилияга жой бемалол бўлиб қолади.

Шарлотта рози бўлди, Эдуард уларнинг бундан кейинги ҳаёт тарзини баён қилиб берди ва гап орасида қўшиб қўйди:

– Ахён-аҳёнда жиянингнинг чап чаккаси оғриб тургани яхши ҳархолда, баъзан менинг ўнг чаккам оғрийди. Агар бу бир вактда содир бўлса, рўбарў ўтириб оламиз-да, мен ўнг қўлимга, у чап қўлига суяниб, бошларимизни турли томонларга буриб оламиз, ўшандা иккита бир-бирига мос кўриниш ҳосил бўлади.

Капитан бу хавфли ҳолат деб баҳоламоқчи бўлди, аммо Эдуард хитоб қилди:

– Қадрдон дўстим, Г дан эҳтиёт бўлаверинг! Борди-ю, В ни тортиб олишса, шўрлик Б нима қилади?

– Менинг назаримда, – қўшиб қўйди Шарлотта, – бу ўз-ўзидан равшан.

– Албатта, – хитоб қилди Эдуард, – Б ўз А сига, аввал охир ўзиникига қайтиб боради! – Шундай дея иргиб ўрнидан турди-да, Шарлоттани маҳкам бағрига босди.

Олтинчи боб

Оттилияни олиб келган карета қаср олдида тўхтади. Шарлотта уни кутиб олгани чиқди; дилбар қиз унга томон интилди ва ўзини унинг оёғига ташлаб, тиззаларидан кучди.

— Бунақа хўрланишнинг нима кераги бор! — деди Шарлотта сал хижолат бўлиб ва кизни турғазишига уринди.

— Бу хўрланиш эмас, — жавоб қайтарди Оттилия ўрнидан турмай, — шу ҳолатда менга бўйим Сизнинг тиззангиздан келадиган, Сиз мени жуда-жуда яхши кўрган пайтларни эслаш хуш ёқади.

У ўрнидан турди, Шарлотта уни меҳр билан бағрига босди. Уни эркакларга танишириши ва меҳмон сифатида алоҳида диккат-эътибор кўрсатиши. Гўзаллик — ҳамма жойда ёқимли меҳмондир. Оттилия сухбатга диккат билан кулок солаётгандек кўринса-да, ўзи гап-сўзга кўшилмай ўтиреди.

Эртасига эрталаб Эдуард Шарлоттага деди:

— У жуда дилбар қиз, яхши сухбатдош.

— Сухбатдош? — сўради Шарлотта жилмайиб, — у ҳали оғзини ҳам очгани йўқ-ку.

— Шундайми? — сўради Эдуард, гўё эслашга уринаркан, — бу жуда ғалати-ку!

Шарлотта янги келган қизга уй-рўзғор ишларида нималар қилиш кераклигини салгина ишора қилди, холос. Оттилия бор тартиб-коидани дарҳол англаб олди, энг муҳими ҳис этди. У ҳамма учун, алоҳида ҳар бир киши учун нималар қилиш кераклигини бир пасда илғаб олди. Ҳамма ишлар ўз ўрнида бажариларди. У гўё ҳеч қандай буйрук бериб ўтирмасдан ишларни бошқаарди, борди-ю, бирортаси имилладиган бўлса, ишга дарров ўзи киришиб кетарди.

Бўш вақти кўп қолаётганини кўргач, у ўзига иш жадвали тузиб олишга Шарлоттадан рухсат сўради ва унга қатъий амал қилди. У ишларни шундай бажаардики, Шарлотта бунда ёрдамчи ўз мактубида ёзган чизгиларни кўтарди. Уни ўз ихтиёрига қўйиб беришиди. Шарлотта камдан-кам пайтлардагина у-бу ишларни эслатиб қўярди. Чунончи, Шарлотта бир неча бор ёзганда тезрок ҳаракат қилсин, деган фикрда учи хиёл ўтмаслашган қаламни қўйиб қўяр, аммо кўп ўтмай қаламнинг учи тағин ингичка қилиб текисланган бўларди.

Улар ёлғиз қолган пайтларда фаранг тилица гаплашишга келишиб олишди. Шарлотта бунга қатый риоя килди, негаки Оттилия чет тилицады машқни бажариш шарт бўлган пайтда янада сўзамол бўлиб кетарди. Бундай пайтларда ўзи хоҳлаганидан ҳам кўпроқ гапириб кўярди. Оттилияning пансионат ҳаёти ҳакидаги муфассал, аммо беғараз ҳикояси Шарлоттага айникса ёқди. У Шарлотта учун ёқимли сухбатдош эди ва Шарлотта пайти келиб унинг садоқатли дўстига айланишига умид боғларди.

Бу орада Шарлотта Оттилияга тегишли эски хатларни кайта кўриб чиқди, шу билан бу мулоҳим қиз ҳакида пансионат бошлиғи, унинг ёрдамчиси ёзган мулоҳазаларни хотирасида тикламоқчи ва уларни кизнинг ўз хатти-харакатлари билан қиёсламоқчи бўлди. Шарлотта, ёнма-ён яшаб турган одамдан нима кутишнингни билиш, унинг қайси жиҳатларини тарбияласа бўлади-ю, нималарига бир умрга кўникиш ва кечириш учун унинг характеристини тезроқ билиб олиш лозим деб ҳисобларди.

Бу текширувдан у, албатта, ҳеч бир янгилик тополмади, бироқ айрим таниш ҳолатлар унинг диққатини тортди ва булар муҳим бўлиб кўринди. Айтайлик, Оттилияning ейиш-ичишдан ўзини тийиши уни чинакамига ташвишга сола бошлади.

Иккала аёлни банд қилган навбатдаги нарса кийим-кечаклар эди. Шарлотта Оттилиядан дид билан, зўр кийинишини талаб қиласди. Чакқон, очиқкўнгил қиз ўзига илгари тортиқ қилинган матоларни дарҳол бишишга киришди ва тез орада ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўзига ғоят бежирим кўйлаклар тика оладиган бўлиб қолди. Янги башсанг кийимлардан яна ҳам сарвкомат бўлиб кетди, агар инсоннинг мафтункорлиги сиртига чиқса, бор фазилатлари атрофидагиларга таъсир этганидан унинг бутун борлиғи гўё яшнаб, яна ҳам дилбар бўлиб кетгандек туюлади.

Мана шунинг учун Оттилия биринчи кунданоқ том маънода иккала эркакнинг кўзини қувонтирди. Агар

зумрад ўзининг ажиб ранги билан кўзга хуш ёқса, ҳатто мана шу асл сезги органига шифобаҳш таъсир кўрсатса, инсон гўзаллиги барча зоҳирий ва ботиний туйғуларимизга янада каттароқ куч билан таъсир қиласди. Бу гўзалликка назари тушган кишига ҳеч бир ёмонлик йўламайди; у ўз-ўзи билан ва бутун олам билан ўзини уйғунликда ҳис этади.

Оттилияниң келишидан маълум маънода ҳамма манфаатдор бўлди. Эдуард билан Капитан бирга тўпланадиган барча соатларга, ҳатто сонияларигача аниқ риоя қилишадиган бўлишди. Тушликка ҳам, чойга ҳам, сайр қилишларга ҳам улар озгина бўлса-да, ўзларини куттиришмасди. Улар айниқса кечқурунлари, столдан туриб кетишга шошилишмасди. Шарлотта буни пайқади ва уларни кузата бошлади. Улардан қайси бири бу нарсага кўпроқ интилаётганини билишга уринди, аммо ҳеч қанақа фаркни сезмади. Икковла-ри ҳам бирдек сўзамол бўлиб қолишди. Сухбат учун ҳам кўпроқ Оттилияни иштирок этишга ундейдиган, унинг савиясига, билим доирасига мос келадиган мавзуларни танлашарди. Улар Оттилия қайтиб келгунича китоб ўқишини ёки ҳикояни тўхтатиб туришарди. Улар мулойим, дилкаш бўлиб қолишли.

Бунга жавобан Оттилия кундан-кунга зўр иштиёқ билан хизмат қила бошлади. Хонадонга, одамларга, рўзғорга у қанчалик кўнига борса, ишни ҳам шунчалик ғайрат билан килар, ҳар бир назарни, ҳар бир ҳаракатни шунчалик тез тушунар, ҳар бир товуш ёки сўзни оғиздан чиқар-чиқмас илғаб оларди. Ундаги хотиржам зийраклик, вазмин ғайратчанлик ҳеч бир ўзгармади. У ўтирадими, ўрнидан турадими, кетадими, келадими, бирор нарсани олиб борадими, олиб келадими ёки яна ўтирадими – бу доимий майин ҳаракатларнинг барчаси мутлақо бесаранжомликларсиз, бир хил адo этиларди. Бунинг устига, у шу қадар енгил қадам ташлардики, қадам товуши ҳатто эшитилмасди.

Оттилияниң виждонан хизмат қилиши Шарлотта-
ни қувонтиради. Бирок, үзига маъқул келмаган битта
нарсани у Оттилиядан яшира олмади.

— Борди-ю, бирор киши, — деди у бир куни От-
тилияга, — қўлидан бирор нарсани тушириб юборса,
уни дарҳол эгилиб олиб бериш инсондаги яхши хис-
лат ҳисобланади. Бу билан гўё үзимизни ўша одамга
хизмат қилишга бурчли деб ҳисоблаймиз; бироқ аслзо-
далар даврасида бундай хизматни кимга кўрсатиш ке-
раклигини билиш лозим. Гап аёллар ҳақида кетса, мен
сенга ҳеч бир қонун-қоидани рўкач қилмайман. Сен
ёшсан, юқори табака одамларига ва қарияларга бун-
дай хизмат қилиш — бурч; үзинг тенгиларга — хурмат;
болалар ва қуи табакаларга — инсонийлик ва мурув-
ват; лекин эркакларга нисбатан қиз боланинг бундай
хурмат-эътибор кўрсатиши ярамайди.

— Бу одатимни тарк этишга ҳаракат қиласман, —
жавоб берди Оттилия, — агар Сизга бунинг сабаби-
ни айтсам, мени кечирарсиз, деб үйлайман. Бизга та-
рихни ўқитишган, аммо мен бундан зарур бўлган да-
ражада билим эгалламаганман; бу менга нима учун
керак бўлишини билмаганман. Айрим воқеаларгина
миямга ўрнашиб қолган, мана улардан бигтаси: Ан-
глия кироли Карл Биринчи ўз маслаҳатчилари олдида
турганида қўлидаги ҳассанинг олтиндан ясалган бош-
часи ерга тушиб кетади. Бундай ҳолатларда атрофда-
ги барча одамлар ҳаракатга келишга кўнишиб қолган
қирол бу гал ҳам унга кимдир хизмат қилишидан
умидвор бўлиб атрофига назар ташлайди. Бироқ ҳеч
ким қимир этмайди, шунда үзи эгилиб олтин бошча-
ни ердан олади. Бу воқеадан шундай дилим оғридики,
билмайман, бунга асос борми-йўқми, ўшандан бери
бирор кишининг бирор нарсани тушириб юборганини
кўрсам, дарҳол эгилиб олиб беришдан үзимни тиёл-
майман. Ҳаркалай бундай қилиш ҳамиша ҳам одобдан
эмас, бунинг устига, — жилмайиб қўшиб кўйди у, — мен
ҳамма ерда ўз ҳикоямни айтиб беравермайман-ку, шу-
нинг учун бундан кейин үзимни тушишга уринаман.

Бу орада икки дүстни банд этган яхши ишлар түхтовсиз олға силжириди. Ҳар куни улар бирорта ишни ўйлаб қўйишга ва амалга оширишга бирор янги сабаб топишарди.

Бир куни икковлари қишлоқ бўйлаб боришар экан, унинг жой етишмаслиги туфайли тартиб ва тозаликка риоя қилолмайдиган бошқа қишлоқлардан нақадар орқада қолганини кўриб кўнгиллари ғаш бўлди.

— Эсингдами, — деди Капитан, — Шветсарияда саёҳат қилиб юрганимизда биронта қишлоқда боғчани кўнгилдагидек безатишни, шветсарияча қурилиш услуби асосида эмас, балки яшаш учун жуда зарур бўлган шветсарияча тартиб ва орасталик асосида қишлоқ барпо қилишни орзу қилган эдик.

— Бу ишни, масалан, худди шу ерда қилса бўлади, — деди Эдуард. — Қаср жойлашган тоғнинг бурчаги олдинга туртиб чиккан; қишлоқ унинг рўпарасига хийла тартибли ярим айлана тарзида қурилган; ўртадан ариқ оқиб ўтади, сувни баландга кўтариш учун кимдир тошдан, бошқаси ёғоч қозикдан, учинчиси тахта ёки ходадан, кўшниси эса, ёғоч тўсингдан фойдаланади, улар бир-бирларига кўмаклашмайдигина эмас, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарап келтиради. Бунинг устига йўл ҳам нокулай: гоҳ юкорига чиқади, гоҳ пастга тушади, гоҳ сув, гоҳ тошлар бўйлаб юради. Агар қишлоқ аҳли озгина меҳнат қилишдан қочишмагандা эди, бу ерда ярим доирали девор қуришга унчалик кўп харажат ҳам кетмасди, девор орқаси бўйлаб йўлни уйларгача олиб бораардик, қишлоқни чиройли, тартибли қилиб кўярдик, барчага тегишли шу муаммони ечиш билан майда-чўйда ташвишларнинг ҳаммасидан бирваракайига кутулардик.

— Кел, уриниб кўрамиз, — деди Капитан ва атрофга назар ташларкан қилинадиган ишларни чамалади.

— Мен шаҳарликлар билан ҳам, дехқонлар билан ҳам, агар уларга тўғридан-тўғри буйруқ беролмайдиган бўлсам, ош-қатиқ бўлишни ёмон кўраман, — деди Эдуард.

– Бир жихатдан сен ҳақсан, – жавоб қилди Капитан, – бунақа ишлар күп марталаб менинг ҳам таъбимни хира қилган. Одам нимага эришиши керагу нимани қурбон қилиши кераклигини түғри чамалаётмагани кийин-да. Зарур воситаларга таянмай туриб бирон-бир мақсадта эришиш ҳам кийин. Құплар восита билан мақсадни фарқлашмайды-да, кейингисига дикқатни қараташ үрнига олдингиси билан қаноатланиб құяқолишиади. Ҳар қандай ёмонликни у күзга ташланған жойда бартараф қилишга уринишади, у нима сабабдан келиб чиқди, унинг асл томири қаерда, бу ҳақда үйлашмайди. Шунинг учун бировга маслаҳат бериш, айниқса, фақат бугуннинг ташвишини қиладиган, камдан-кам эртанги кундан нарисини күрадиган оммага үргатиши жуда кийин. Борди-ю, бирон бир оммавий тадбирида бири ютса-ю, бошқаси юткизса, унда уларни зинхор келиштириб бүлмайди. Ҳар қандай умум манфаатига тегишли ишлар ҳокимиятнинг чексиз кучи ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Улар гаплашиб туришаркан, бир гадой улардан садақа сўради, у қашшоқ кимсадан кура күпроқ сурбетга ўхшарди. Гапини бўлишганини ёмон күрадиган Эдуард, аввалига уни бир неча бор юмшоқ оҳангда рад қилса ҳам кетавермагач, уришиб берди. Бирок бу одам аста-секин нари кетаркан, ўзича тўнғиллар, сўкинар ва гадойга садақа бермасанг берма, аммо уни ҳақорат қилма, дея гадойнинг ҳак-хуқуқларини, у ҳам бошқа бандалар қатори Яратганинг ҳамда олий ҳокимиятнинг паноҳида эканлигини рўкач қилгач, Эдуард тамоман ўзини тутолмай қолди.

Капитан уни тинчлантириш мақсадида деди:

– Маҳаллий полицияни шунақа ишларга жалб қилишимиз учун бу ҳодиса бизга сабоқ бўлсин! Садақа бериш керак, бироқ буни одам ўзи, айниқса, уйида қилмаслиги керак. Ҳар қандай ишда, шунинг дек, хайрия ишида ҳам, меъёр ва мунтазамлилик зарур. Садақани беҳад күп бераверсанг, тиланчи нари кетиши үрнига одамга бутунлай ёпишиб олади. Саёҳатда

юрган пайтларингда кўчада турган тиланчи ёнидан кутилмаган баҳт тарзида ўтиб кетаётганингда осмондан ташлагандек садака бериб кетсанг, бу бошқа гап. Кишлоқ билан қасрнинг жойлашиши биз учун бу ишни осонлаштиради; мен бу ҳақда аввалдан ўйлаб кўйганман.

Кишлоқнинг бир чеккасида меҳмонхона жойлашган, иккинчи чеккасида кекса, ҳурматли эр-хотинлар яшашади. Ҳар иккала жойга ҳам оз-оздан пул қўйиш керак. Кишлоққа кираётган эмас, чиқаётган одамгагина бирон нарса берилсин. Ҳар иккала уй ҳам қасрга олиб борадиган йўл бўйида жойлашган, бу ёққа келмоқчи бўлган ҳар қандай одам ўша жойга жўнатилиши керак.

– Кел, – деди Эдуард, – бу ишни хозир бажарамиз Колганларини кейин келишаверамиз.

Улар меҳмонхонага ва кекса эр-хотинлар ҳузурига киришди, масала дарров ҳал бўлди-кўйди.

– Аниқ биламанки, – деди Эдуард улар бирга қаср томон кетишаётганда, – дунёда ҳамма нарса оқилона фикр ва қатъий қарорга боғлиқ. Мана, масалан, сен хотинимнинг боғ барпо қилиш режасига қарши чиқиб тўғри қилган эдинг, менга ҳам янги-янги тузатишларга туртки бергандинг, бу ҳақда мен, ичимда гап сақлаш одатим йўқлигидан дарҳол хотинимга айтгандим.

– Шундай деб ўйловдим-а, – зътиroz билдириди Капитан, – лекин буни маъкулламайман. Сен уни фикридан чалғитдинг, у барча ишларни ташлаб қўйди, лекин барибир бизнинг мулоҳазамизга қўшилмайди; бу ҳақда гапиргиси ҳам келмайди, чимчайласига бизни ортиқ таклиф ҳам қилмаяпти, бироқ хозиргача Оттилия билан у ёққа бир неча марта чиқишиди.

– Биз эса, – деди Эдуард, – бундан чўчимаслигимиз керак. Бирон яхши нарсани қилиш мумкин ва лозим эканлигига амин бўлсам, ўша нарса амалга ошганини кўрмагунимча кўнглим жойига тушмас эди. Ахир биз бирон ишни бошлашга устамиз-ку. Кел, кечки сұхбатларимиз давомида инглиз боғлари тасвирини

ўқиймиз, мис гравюраларни кўрамиз, кейин сен чизган мулк харитаси билан шуғулланамиз! Аввалига бунга шунчаки сиёsat учун, эрмак ишдек қарап керак, кейин иш ўз-ўзидан жиддий тус олади,

Ушбу сухбатдан кейин китоблар варакланди, уларда аввал жойнинг лойихаси ва дастлабки, табиий, ишланмаган ҳолати тасвир этилган, кейинги саҳифалардан эса амалга оширилган ўзгаришлар, яъни табиат неъматларидан фойдаланиш ҳамда уларни кўпайтиришни кўзда тутган санъат маҳсуллари жой олган эди. Худди шуларни ўз мулкига, ўзини ўраб турган жойларга, шу ерда килиш мумкин бўлган ишларга осонгина кўчирса бўларди.

Капитан тузиб чиқкан харита кўпгина хайрли ишларга йўл очарди; фақат аввалига Шарлоттага илгари бошлаган режадан воз кечиш қийин бўлди. Ҳарқалай кейин тоғ тепасига олиб чиқадиган осонроқ йўлни топишиди. Юқорида, хушманзара дараҳтзор ёнидаги тепалик ёнбағрида эса шийпонча қурмоқчи бўлишиди, унинг учун шундай жой танлашдики, у қаср деразаларидан кўриниб туради, ундан бўлса қаср ва бофни кўриб туриш мумкин эди.

Капитан ҳамма нарсани чуқур ўйлаб, тарозига солиб кўрди ва ўша қурилажак қишлоқ йўли, ўша ариқ бўйидаги девор ва ўша кўтарма ҳақида тағин гап очди.

– Тоғ тепасига олиб чиқадиган қулай йўл қуриш асносида, – деди у, – деворга етадиган тош ҳам йигаман. Бир иш иккинчисига уланиб кетади ва ҳар иккаласи ҳам тезроқ ва арzonроқ битади.

– Энди, – деди Шарлотта, – ташвиш тортишга менинг ҳам галим келди. Ҳамма ишларнинг аниқ ҳисоб-китобини қилиш керак; бу тахлит ишларга қанча маблағ сарф бўлишини билсанг, ўшанда одам на фақат ҳафтага, ҳатто бир ойга кетадиган пулни аниқ ҳисоблаб қўяди. Пул менинг қўл остимда; пулни тилхат бўйича ўзим бериб, харажатнини ўзим ҳисоблаб бораман.

– Сен бизга ишонмаяпсан, шекилли, – деди Эдуард.

— Ўзбошимчалик бўладиган жойда, тўғри, унчалик ишонмайман, — жавоб берди Шарлотта, — Сизлардан кўра ўзбоимчаликнинг олдини биз аёллар яхшироқ оламиз.

Кўрсатмалар берилди, ишга жадал киришишди, Капитанинг ўзи ишнинг бошида турди, Шарлотта деярли ҳар куни жиддий ва аниқ ишлашига гувоҳ бўларди. Капитан ҳам уни яхшироқ билиб олди ва икковларига биргаликда ишлаш ҳамда мақсадга етиш осонроқ кўчарди.

Иш ҳам худди бирга рақс тушишга ўхшайди: бир хил қадам ташлаётган жуфтлар бир-бири учун зарур бўлишади; бундан эса улар ўртасида беихтиёр ўзаро ҳурмат келиб чиқадики, Шарлотта ҳам Капитанни яқинроқ билганидан бери чинакамига ҳурмати ошди, бунинг исботи сифатида Шарлоттага жуда ҳам ёққан ҳушманзара майдончани безатишга киришганида, бу иш Капитанга маъқул бўлмагач, ҳеч бир ранжимасдан, иккиланмасдан ундан воз кечганини кўрсатса бўлади.

Еттинчи боб

Шарлотта билан Капитан биргаликда топишган машғулот Эдуарднинг Оттилия билан янада яқинроқ боғланиб қолишига сабаб бўлди. Шусиз ҳам Эдуарднинг юрагида унга нисбатан анчадан бери майнин, дўустона туйғу уйғонган эди. Оттилия ҳаммага, Эдуардга эса янада кўпроқ илтифотли, жонкуяр эди; Эдуарддаги иззатталаблик туфайли унга шундай туюларди, эҳтимол. Ҳархолда шубҳа йўқ эди: унга қандай овқатлар қандай кўринишда ёқишини Оттилия аллақачон билиб олган эди; у чойга қанча қандай солади, шунга ўхшаш нарсалар Оттилияниң назаридан четда колмаган эди. Айниқса Эдуард елvizакдан кўрқани учун Оттилия уни шундан асрashга ҳаракат қиласи, Шарлотта эса мудом тоза ҳаво бўлишини хоҳлар, бунингда дастидан Эдуард иккови келишолмасди. Шунингдек, боғда ва гулзорда нима қилиш кераклигини

хам Оттилия яхши биларди. Эдуард нимани хоҳласа у бажаришга ҳаракат килар, хуллас калом, у шу тахлит Эдуарднинг қўриқчисига айландики, борди-ю, у кўринмай қолса, бу Эдуардга жуда қаттиқ таъсир қиласидиган бўлиб қолди. Бунинг устига икковлари тамоман ёлғиз қолишса, Оттилия анча очилиб, бемалол сўзлашарди.

Ёши катта бўлса-да, Эдуардда ҳалигача болаларга хос нимадир сақланиб қолган, ёш Оттилияга бу нарса айниқса ёқарди. Улар бир-бирларини энди таниган пайтларни эслашни яхши қўришарди; хотирлашлар Эдуард билан Шарлоттанинг бир-бирларига энди кўнгил қўйган давларигача бориб етарди. Оттилия, уларнинг саройдаги энг жозибали жуфтлар бўлишгани эсида эканлигини уктиради. Эдуард унга узоқ ёшлидаги бундай хотираларни эслаб ўтирма, деганида, Оттилия ўша пайтдаги битта воқеа, яъни бир куни Эдуард кириб келганида у Шарлоттанинг этагига бекиниб олганини, йўқ, кўркқанидан эмас, балки кутилмагандан унинг келиб қолганидан шундай қилганини тинмай уктиради. Яна шунинг учунки, қўшиб қўярди у, Эдуард унда жуда кучли таассурот қолдирган, унга бехад ёккан эди-да.

Мана шундай шароитларда икки дўст томонидан бошланган айрим ишлар анча-мунча тўхтаб қолди, шундан сўнг улар кўп нарсаларни қайта кўриб чиқиши, хатлар ёзишни зарур деб топишиди. Шу мақсад билан идорага келишганда, у ерда котиб бекорчиликдан зерикиб ўтиради. Улар ишга киришиб кетишиди ва кўп ўтмай ўзлари ҳам сезмаган ҳолда, авваллари ўзлари бажарадиган кўп юмушларни котибга юклашди. Дастробки ҳисоб-китобни тузишни Капитан, дастробки хатни ёзишни Эдуард бирданига уддасидан чиқишиолмади. Улар хийла муддат ёзишди, ўчиришди, яна ёзишиб кўчиришди, ниҳоят, иши айниқса юришмаётган Эдуард соат неча бўлганини сўради.

Шунда маълум бўлдики, Капитан кўп йиллардан бери илк бор хронометрик соатини бурашни эсдан

чиқарипти; шунда вактнинг улар учун фарксиз экан-лигини англаб етишмаган бўлса-да, ҳарқалай ҳис этгандек бўлишди.

Эркаклар ишларини бирмунча силжитиб қўйишганда аёллар ҳам анча-мунча ҳаракат килиб қолишиди. Умуман олганда, оиласдаги маълум шахслар ва зарурий шарт-шароитларга боғлик бўлган одатдаги ҳаёт тарзи ҳаддан ортиқ меҳрни ҳам, туғилиб келаётган ҳистайғуларни ҳам мисоли бир идишдек ўз бағрига олади ва маълум бир муддат ўтиши билан ана шу янги нарса ичидан сезиларли ғалаён бошланади-да, идишдан тошиб чиқади.

Дўстларимизда юзага келаётган ўзаро мойиллик энг ёқимли туйғуларга манба бўларди. Кўнгиллар бир-бирига йўл очиб, фавқулодда бир ўзаро илтифот ҳукм сурарди. Ҳар бири ўзини бахтли ҳис этар, бошқанинг ҳам бахтига тўскинлик қилмасди.

Бундай холат рухни кўтаради, кўнгилни кенг киласди, инсон килаётган, килмоқчи бўлган ҳамма ишларнинг чек-чегараси бўлмайди. Дўстлар энди камдан-кам хонада ўтиришарди. Улар узок-узоқларга сайдра чиқишаради, Эдуард билан Оттилия сўқмокларни танлаш, йўллар топиш учун илгарилаб кетишиса, Капитан билан Шарлотта жиддий сұхбатлашганча ўзлари илк бор кўраётган жойлардан, бетакрор табиат манзараларидан завқланиб, анча илгарилаб кетган ҳамроҳлари ортидан шошилмай боришаради.

Бир куни улар қасрнинг ўнг қанотидаги дарвозадан чиқишиб, меҳмонхона томон тушиб боришиди, кўприкдан ўтиб кўл қирғоғи бўйлаб сув кўриниб турган жойгача кетишиди, ундан нарёғида қирғокни чакалакзор тепалик ва қоятошлар ўраб олганидан юриш кийин бўлиб қолди.

Бирок Эдуард илгари ов қилиб бу ерларни яхши билганидан ўт босиб кетган сўқмоқ йўл бўйлаб Оттилияни бошлаб кетаверди, шу яқин атрофда чўкқилар орасида эски тегирмон борлигини у биларди. Тез орада бу сўқмоқ йўл ҳам тугади ва улар моҳ босиб кет-

ган тошлар орасидаги қалин чангалзорда бир муддат йўл тополмай қолиши; аммо тегирмон тошларининг гулдураши излаётган жойлари узоқ эмаслигидан дарак берди.

Коятош чеккасига чиқиб карашгач, улар шундоккина пастликда жойлашган, эскирганидан қорайиб кетган, ажойиб бир ёғоч қурилмани кўриши; уни тик қоялар ва баланд тарвақайлаган дараҳтлар ўраб турарди. Улар моҳлар ва коя синиклари орқали тўғри тушиб бора қолишга карор қилиши; Эдуард олдинда борарди; у ортига қараб Оттилияниң ҳеч бир кўркмасдан, сесканмасдан бемалол тошдан-тошга сакраб тушиб келаётганини кўрганда, назарида тепасида илоҳий бир жонзот учиб юргандек ҳис этди. Гоҳо юриш қийин жойларда Оттилия унинг узатган қўлини ушлаганида ёки кифтига суюнганида, у шу нарсага икрор бўлардики, шу пайтгача бирорта бундай нафис аёл зоти унга яқинлашмаган эди. Ҳатто унда, Оттилия тойиб ёки қоқилиб кетса-ю, қизни дарҳол кўтариб олиб бағримга боссам, деган истак бор эди. Йўқ, зинхор у бундай қиломайди, айниқса битта сабаб туфайли; у кизнинг иззат-нафсига тегишдан ва унга бирор зарап етказишдан кўрқарди.

Бунга сабаб нималигини ҳозир билиб оламиз. Пастга тушиб, баланд дараҳтлар соясига қўйилган оддий ёғоч стол ёнига жойлашишгач, Эдуард Тегирмончининг мулоҳимгина хотинини сутга, тавозе ила кутиб олган тегирмончини Капитан билан Шарлоттани бошлаб келишга жўнатгач, сал тортиниброк сўз бошлади:

– Сизга бир илтимосим бор, кимматли Оттилия. Мени маъзур тутинг, ҳатто буни бажармасангиз ҳам майли! Сиз қўйлагингиз ичиди, кўксингизда суратли медалион осиб юрасиз, Сиз буни сир тутмайсиз, сир тутишга ҳожат ҳам йўқ. Бу отангизнинг, Сиз деярли билмайдиган, бирок юрагингиз ёнидан жой олишга лойик бўлган ажойиб инсоннинг сурати. Мени кечирасизу, сурат беҳад катта ва бу метал, бу шиша, Сиз биронта болани кўтариб юрганингизда ёки бирон нар-

сани олиб бораёттанингиздами, карета чайқалсами ёки мана ҳозиргидек тоғдан тушаёттандами, Сизга бирон зарар етказмасайди, деб мудом хавотирда юраман. Күтилмаганда бирон нарсага урилиб ёки тегиб кетсангиз, йиқилиб тушсангиз Сиз учун бирон хавф-хатар туғилмасайди, деб қўрқаман. Сиздан илтимос, мен учун шу медалионни тақиб юрманг, ёдингизда, хонангизда, майли, асранг; ўз хонангиздан унга энг яхши, энг муқаддас жойни ажратинг, фақат, менинг назаримда, эҳтимол, ўта муболаға килаёттандирман, хавф туғдирадиган жойда – кўксингизда олиб юрманг.

У сўзлаётганида Оттилия индамай бир нуқтага тикилганча ўтири; кейин Эдуардан кўра кўпроқ кўкка қараб шошилмай, ҳеч бир иккиланмай занжирни ечди-да, суратни олди, уни манглайига қўйди-да, дўстига узатаркан деди: – Уйга қайтиб боргунимизча Сизда турсин! Сизнинг самимий ғамхўрлигингизни нечоғлик қадрлашимни мен бундан ортикроқ исбот қилолмайман.

Дўсти суратни лабларига босишга журъат қилолмади, аммо кизнинг кўлини ушлаб, уларни кўзларига суртди. Бир-бири билан чатишган шундай гўзал кўллар, эҳтимол, ҳеч қачон бўлмагандир. Эдуарднинг елкасидан мисоли тоғ кулагандек бўлди, Оттилия билан уни ажратиб турган девор гўё кулаёттандек эди.

Капитан билан Шарлотта ҳам Тегирмончи ҳамроҳлигига қулайроқ сўқмоқ йўл орқали етиб келишди. Ҳамма хурсанд бўлиб бир-бирлари билан саломлашишди, дам олиб, қоринларни тўйғазишли. Уйга бояги йўлдан қайтмасликка қарор қилишди, Эдуард ариқнинг коятошли қирғоғидаги сўқмоқ йўл бўйлаб кетишини таклиф қилди, бироз юришгач, кўллар ҳам кўзга ташланиб колди. Кейин улар ўрмонли чангальзор орқали юришди, далалардан нарида, узоқдаги ям-яшил мевали боғларга кўмилган қишлоқлар, ажойиб гўшалар, кўрғонлар элас-элас кўринарди; улардан берирокда, чангальзорли тепалик устида ёқимтойгина хутор ястаниб ётарди. Улар секин-аста баландлик-

ка чиқиб боришгач, бу жойларнинг бутун гўзаллиги мана мен, деб яққол кўзга ташланди, у ердан чиройликкина чакалакзор орқали ўтилгач, шундокқина каср рўпарасидаги қояга чиқиларди.

Улар ўzlари ҳам кутмаган ҳолда бу ерда пайдо бўлишганда бирам қувонишдик! Улар бутун бир кичик дунёни кезиб чиқишиган, мана энди янги қурилиш тушадиган жойда туришар ва ўз хонадонлари деразаларига қарашарди. Сўнгра чимчайлага тушишида ва у ерда илк марта тўртовлари ўтиришди. Бугунги босиб ўтилган йўлда шунча вакт ва куч сарфламасдан, бамайлихотир, яйраб-яшнаб сайр қилиш мумкин бўладиган ҳолга келтириш ҳақидаги яқдил орзудан ҳам ортиқроқ мавзу топилмаса керак ҳозир. Ҳар ким ўз режасини баён қилди, лекин ҳаммалари шунга икror бўлишдик, борди-ю, бугун улар бир неча соат сарфлашган йўл текисланса, у ёқ-буёғи билан бир соатда қасрга етиб келиш мумкин. Улар хаёлан тегирмоннинг пастроғида, ариқ кўлга қуйиладиган жойда йўлни қисқартирадиган ҳамда манзарага файз киритадиган кўприк ҳам қуриб қўйишганди, шу пайт Шарлотта бу тахлит тадбирлар учун зарур бўладиган чиқимларни ёдга солди ва хаёлий яратувчиликка чек қўйди.

– Бунинг ҳам йўлини қилса бўлади, – эътиroz билдириди Эдуард, – анави ўрмондаги жойлашиши чиройли-ю, лекин кам даромад берадиган хутор бор-ку, ўшани сотсак бўлади; ундан келган пулни мана шунақа ишларга сарфлашимиз мумкин, шу тариқа пул ҳам жойига сарфлангач, мазза килиб сайр қиласиз, йил охирида ҳисоб-китоб қилинганда кам фойда бе-ряпти, деб ҳозиргидек норози бўлиб ўтирмаймиз.

Яхши уй бекаси бўлган Шарлотта бунга ҳеч нима деёлмади. Илгари ҳам шу ҳақда гапиришган эди. Капитан ўрмонда яшайдиган дехконлар ўртасида ерларни чегаралаш режасини тузиб чиқишини таклиф қилди; Эдуард эса ишнинг янада осонроқ ва қулайрок йўлини кўрсатди. Хуторни кўпдан бери сўраб юрган,

ҳозирги ижарачига бериш керак, пулинни аниқ муддатларда бўлиб-бўлиб тўлайди, йўл қурилиши ҳам худди ўша муддатларда вакти-вақти билан давом этаверади. Бундай мантиқли, жўяли таклифни ҳамма қўллаб-куватлади, ўтирганларнинг ҳар бири илондек буралиб кетган йўлни хаёлан кўз олдига келтирди ва унинг ён-верига тағин янги-янги дам оладиган манзарали гўшалар барпо қилишга умид боғлади.

Буларнинг барчасини бутун икир-чикирлари билан тасаввур қилиш учун улар кечқурун уйда йиғилишгач, янги харитани ўртага ёйишди. Босиб ўтилган йўлни ва унинг айрим жойларини яна ҳам қулайроқ қилиш имкониятларини қараб чиқишиди. Барча аввалги тахминларни қайта муҳокама қилиб, уларни янги туғилган фикрлар билан тўлдиришди, қаср рўпарасида янги курилажак уй учун танланган жойни маъқуллашди ҳамда ўшангача борадиган йўл узил-кесил аниқлаб олинди.

Оттилия бутун муҳокама давомида чурқ этмай ўтириди, охири Эдуард шу пайтгача Шарлотта олдида ётган режани унинг олдига суриб кўйди-да, ўз фикрини айтишини сўради, Оттилияning бир зум саросимада қолганини кўргач, мулоимлик билан унга, ҳали ҳеч нарса ҳал қилинганича йўқ, иш бор-йўғи режалаштириляпти, холос, сен ҳам фикрингни айтавер, дегандек далда берди.

— Мен уйни мана бу ерга курган бўлардим, — деди Оттилия тепаликнинг энг юқорисини бармоғи билан кўрсатаркан. — тўғри, бу ердан қаср кўринмайди, уни ўрмонча тўсиб туради; шундай бўлса-да, бу ерда одам ўзини бутунлай бошқа, янги бир дунёда тургандек ҳис этади, чунки қишлоқ ҳам, бошқа жойлар ҳам киши назаридан четда бўлади. У ёқдан кўллар, тегирмон, тепаликлар, тоғлар, жарликлар беҳад гўзал кўринади; буни мен ўша ердан ўтаётганда билдим.

— Унинг гапи тўғри! — хитоб қилди Эдуард. — Қандай қилиб бу фикр миямизга келмабди? Мана, қаранглар, қаранглар, шундайми, Оттилия? — У қаламни

олди-да, тепалик устига қаттиқ босиб узунчок түртбурчак чизди.

Бу Капитаннинг юрагига қаттиқ ботди, негаки дид билан, топ-тоза қилиб чизилган режанинг бу тахлит ифлос қилинганини кўриш унга ёқмасди. Бирок у ўзини босди ва сал ранжиган бўлди-ю, кейин бу фикрга қўшилди.

— Оттилияning гапи тўғри, — деди у, — ахир биз узок-узокларга қаҳва ичиш, мазза қилиб балиқхўрлик қилиш учун сайр қилмаймизми? Бу нарсалар уйда у қадар мазали туюлмайди-да. Машгулотларни, буюмларни янгилаб туришни хоҳлаймиз. Ота-боболаримиз қасрни бекорга бу ерга куришмаган: у шамоллардан пана жойда, одамга нима керак бўлса, ҳаммаси яқинатрофдан топилади; бошпана учун эмас, балки вактни гаштли ўтказишга мўлжалланган бино эса ўша ерга ярашади ва биз ҳали у ерда канча-канча кўнгилли лаҳзаларни бирга бошдан кечирамиз.

Бу хақда улар канча кўп гапиришса, режа уларга шунчалик ёқимли туюларди; бу фикр Оттилиядан чиққани учун Эдуард кувончини яшира олмасди, гўё бу таклифни ўзи киритгандек бундан ғуурланарди.

Саккизинчи боб

Эртасигаёқ Капитан ўша жойни бориб кўрди ва тахминий режани белгилади, ҳаммалари бу ерга йиғилиб, ўша қарорни яна бир бор тасдиклагандан кейин эса барча зарур жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда аниқ лойиҳа ва сметани тузди. Мухим тайёргарликларни кўриш ҳам назардан четда қолмади. Хуторни сотиш тадбирига ҳам дарҳол киришилди. Капитан Эдуардга, янги бино пойдеворини қўйиш муносабати билан Шарлоттанинг туғилган кунини байрам қилиш на фақат оддий эътибор, балки бурч ҳам эканлигини эслатиб қўйди. Эдуард бу тахлит тантаналарни ёқтирумасди, аммо бу гал уни кўндириш осон бўлди, чунки унинг миясига сал кейинрок бўладиган Отти-

лияниң туғилған кунини ҳам худди шундай қилиб нишонласа бўлади, деган фикр келиб колди.

Янги бошланаётган тадбирлар ва улар билан боғлик ишлар Шарлоттага беҳад жиддий, аҳамиятли, шу билан бирга қалтис туюларди, шу боисдан у сметаларни, сарфланадиган маблағ микдорини ҳамда ишларни бажариш муддатларини қайта кўриб чиқиш билан шуғулланди. Улар кундузлари кам кўришишарди, бироқ кечкуунлари иштиёқ билан бир ерга йиғилишарди.

Бу орада Оттилия рўзғорни тамоман ўз қўлига олди, унинг хотиржам, вазмин феъл-автори билан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмасди-да, ахир. У олий табака орасидаги ёки табиат қўйнидаги ҳаётдан кўра кўпроқ уй-рўзғорга бутун фикри-зикри билан берилган эди. Эдуард тез орада сездики, Оттилия шунчаки ҳурмат юзасидангина сайдарларда иштирок этар, кечкуунлари тоза ҳавода дам олишганда шунчаки одоб юзасидан келиб ўтирас, гоҳида ҳатто уйга кириб кетиш учун рўзғор ташвишларига тегишли бирор баҳона қидирарди. Шундан сўнг Эдуард биргаликдаги сайдарлардан кўёш ботмай турибоқ қайтишга ҳаракат қиласидиган бўлди ва кўпдан бери қилмай қўйган иши – шеър ўқишни, айниқса, ўқиётган кишидан уларга соф, қайнок муҳаббат туйгуларини сингдиришни талаб қиласидиган шеърларни ўқишни одат қилди.

Одатда улар кечкуунлари чоғроқкина стол атрофига, ҳар бири ўзи учун белгиланган жойда: Шарлотта диванда, Оттилия унинг рўпарасидаги оромкурсида, эркаклар эса уларнинг ўртасида ўтиришарди. Оттилия Эдуарднинг ўнг тарафида, ўқиётганида шам кўядиган томонида ўтиради. У Эдуардга яқинроқ сурилиб оларди, у ҳам китобни кузатиб борар, негаки бироннинг овозидан кўра ўз кўзларига кўпроқ ишонарди; Эдуард ҳам ўз навбатида Оттилияга ўқиши қулайроқ бўлсин, деб унга яқинроқ ўтиришга ҳаракат қиласиди; бундан ташқари, Эдуард керагидан ортиқ пауза қиласиди ва Оттилия саҳифани охиригача ўқиб бўлгачгина кейинги варакни очарди.

Шарлотта билан Капитан буни сезишиб, бир-бirlарига қараб кулимсираб кўйишарди; Оттилияниң Эдуардга бўлган маҳфий туйғусини фош қилган тағин бир воеа уларни янада ҳайратга солди.

Бир куни кечкурун бир ёқимсиз меҳмон уларнинг анча вақтини олди, у кетгач Эдуард яна бироз ўтиришни таклиф қилди. У анчадан бери қўлига олмай кўйган сибизғасини чалгиси келиб қолди. Шарлотта одатда икковлари чаладиган сонаталарни излашга тушди, уларни тополмагач, Оттилия, мен уларни ўз хонамга олиб кирган эдим, дея тортинибгина икрор бўлди.

– Сиз менга роялда жўр бўлишга розимисиз, бу қўлингиздан келадими? – хитоб қилди Эдуард кўзлари кувончдан ёниб.

– Қўлимдан келса керак, деб ўйлайман, – жавоб қилди Оттилия. У ноталарни олиб келди-да, роял ёнига ўтирди. Тингловчилар унинг чалишини дикқат билан кузатиши ва Оттилия ёлғиз ўзи ушбу мусика асарини мукаммал ўрганиб олганини кўриб, ҳайрон қолишиди, Эдуарднинг чалиш усулига мослашишнинг уддасидан чиқиши уларни янада лол қолдириди. «Мослашишнинг уддасидан чиқиши» – десак у кадар тўғри бўлмайди; негаки Эдуард гоҳ суст, гоҳ шошилиб чалганида унинг оҳангига тўғрилаш Шарлоттаниң маҳоратига ва ихтиёрига боғлиқ бўлган бўлса, буни уларнинг ижроларида бир неча бор эшитган Оттилия сонатани гўё Эдуард унга жўр бўлсин деган мақсадда ўрганиб олгандек эди. У Эдуарднинг камчиликларини шу даражада ўзлаштириб олган эдики, бундан ўзига хос табиий, жўшкин бир бутунлик вужудга келган, ҳаркалай оҳанг у қадар маромида чикмаган бўлса-да, бирок беҳад хушжаранг ва ёқимли эди. Мусика асарини шундай ёқимли тарзда ўзгартирилган ҳолатда эшитиш ҳатто бастакорнинг ўзига ҳам ёкарди эҳтимол.

Бу кутилмаган, ғалати воеани кўриб Шарлотта билан Капитан бирон нарса дейишмади, бунга худди болаларнинг қилиғига қарагандек карашди,

охир-оқибатда яхши натижага олиб келмайдиган бундай қилиқларни одам маъқулламаса-да, танбеҳ ҳам бермайди, тўғрироғи, ҳавас қилиши мумкин. Ахир аслини олганда уларда ҳам бир-бирига шу тахлит интилиш пайдо бўлаётган ва эҳтимол улар жиддийрек ҳамда мулоҳазалироқ бўлганликлари, ўзларини идора килаолганликлари учун ҳам бу туйғу хавфлироқ эди.

Капитан ўзини Шарлоттага тамоман боғлаб кўйиш хавфини туғдираётган енгиб бўлмас бир одат пайдо бўлаётганини сеза бошлади. У ўз-ўзи билан курашаркан, Шарлотта бокқа келадиган пайтда у ердан кетар, иложи борича барвактрон туриб, барча ишларни тартибга келтирас, шундан сўнг қасрдаги ўзига тегишли қанотга кетарди. Дастребаки кунлари Шарлотта буни тасодифга йўиди; бироқ кейин, сабабини англади шекилли, уни янада кўпроқ хурмат қила бошлади.

Шарлотта билан ёлғиз қолишдан қочаркан, Капитан тобора яқинлашаётган ажойиб байрам – унинг туғилган кунига ишларни тезлаштириш ва якунлашга аввалгидан ҳам жўшқинроқ киришди; қишлоқ орқасида пастдан тепага караб йўл курдиаркан, у тош кестириш баҳонасида тепадан пастга караб ҳам йўл очишни буюрди, у ишни шундай ташкил қилдики, тантана бўладиган кунга ўтар кечаси йўлларни бирлаштиришни мўлжаллади. Курилажак уйнинг ертўласи ковлаб, тўғрироғи кесиб тайёр қилиб кўйилган, пойдеворга мўлжалланган чиройли тошлар турли ёғочлару тахталар билан беркитиб кўйилган эди.

У ёки бу даражада яширишга уринишаётган ботиний туйғуларга йўғрилган зоҳирий ишчанлик, са-мимий сирли мақсадлар, улар бирга йиғилишган лаҳзаларда гапнинг қовушишига тўсқинлик қиласди, шунинг учун нимадир етишмаётганини сезган Эдуард бир куни кечкурун Капитандан Шарлоттанинг роялдаги жўрлигида скрипкада ниманидир чалиб беришини сўради. Капитан кўпчиликнинг истагига қаршилик қилолмади ва икковлари энг қийин мусиқа асаридан

бирини қийналмасдан, берилиб, юксак илхом билан ижро этишдики, бундан ўзлари ҳам, иккала тингловчи ҳам хузур қилишди. Бундан кейин ҳам тез-тез шундай ижро этиш ва биргаликда машқ қилишга қарор қилишди.

– Улар биздан кўра яхшиrok чалишди, Оттилия! – деди Эдуард. – Уларга таҳсин айтамиз, бироқ ўзимиз ҳам завқланамиз.

Тўққизинчи боб

Туғилган қун етиб келди ва ҳамма нарса: қишлоқ йўлинни дарё томондан ўраб турадиган девор ҳам, черков ёнидан ўтадиган йўл ҳам тайёр бўлди, бу йўл шу ерда Шарлоттанинг истаги бўйича очилган сўқмок йўл билан бироз қўшилиб, кейин қоя томон буралиб-буралиб, чимчайлани аввал чап тарафда, кескин бурилишдан сўнг ўнг тарафда қолдириб чиқиб кетар ва шу таҳлит чўққигача етиб борарди.

Бу тантанали кунга кўп меҳмонлар келишди. Ҳаммалари черковга боришли, у ер байрамона ясан-тусан қилиб олган диндорлар билан тўла эди. Ибодат қилиш маросими тугагач, тартибга кўра олдинда ўғил болалар, ўспиринлар ва эркаклар, кейин олий табақадагилар ўз меҳмонлари ва мулозимлари билан, энг охирида кизлар ва аёллар боришли.

Баландликда, йўл бурилган жойда, қояни кесиб майдонча қилишганди, ўша ерда Капитан Шарлоттани ва меҳмонларни дам олишга таклиф қилди. Бу ердан бутун йўл, олдинда кетаётган эркаклар тўдаси, уларнинг ортидан силжиётган, мана ҳозир ёnlаридан ўтиб бораётган аёллар кўриниб турарди. Ҳаво ажойиб, манзара ҳам бенихоя зўр эди. Ҳайратга тушган ва ҳаяжонланган Шарлотта Капитаннинг қўлини са-мимий қисди.

Улар ҳам олдинга силжиётган ва аллақачон бўла-жак уй тушадиган жойни ўраб олаётган одамлар кетидан эргашишли. Уй эгалари ва энг ҳурматли меҳмон-

ларни пастга, бир томонига тиргович тираб қўйилган, пойдеворга ишлатишга тайёр тошлар турган жойга тушишга таклиф қилишди. Ясаниб олган уста бир қўлида куракча, бир қўлида болға ушлаганча ажойиб шеърий нутқ сўзладики, биз буни насрда шунчаки мазмунини ифодалашмиз мумкин, холос.

– Ҳар қандай қурилишда, – дея гапини бошлади у, – учта қоидага эътибор қилиш зарур: бино қулай жойда туриши, мустаҳкам пойдевори бўлиши, тўлик охирига етказилиши керак. Аслини олганда, биринчиси қурилиш эгасининг иши; чунки шаҳарда фақат монарх ва жамоа қаерда бино қуриш мумкинлигига курсатма бера олиши мумкин бўлганидек, қишлоқда мулк эгасигина: менинг бошпанам бошқа жойда эмас, худди мана шу ерда туриши керак, дейиш хукукига эга.

Бу сўзлар айтилганда Эдуард билан Оттилия юзмажуз ўтиришган бўлса-да, бир-бирига қарашга журъат қилишолмади.

– Учинчиси – қурилишни туталлаш жуда кўп одамлар меҳнатидан иборат, унда кимлар қатнашмайди дейсиз. Иккинчиси эса, яъни пойдевор қўйиш – бу ғиши терувчи устанинг иши, дадил айтишим мумкин, бутун ишнинг бош асоси. Бу муҳим тадбир, шуннинг учун сизларни бу ерга таклиф қилдик; негаки бундай тантаналар чуқур ер остида ўтказилади. Бу ерда, чуқур қилиб қазилган мана шу тор жойда сизлар бизнинг сирли меҳнатимизга гувоҳ бўлиб илтифот кўрсатасизлар. Биз ҳозир манави силликланганд тошни уйнинг пойдеворига қўямиз, ёнида гўзал ва хурматли зотлар катор бўлиб турган ердевор эса, кўп ўтмай кўздан йўқолади, уни пойдевор эгаллаб олади.

Манави тошнинг чекка бурчаги бинонинг ўнг бурчагини, тўртбурчакли томони унинг тўғрилигини, ётиқ ва тик ҳолати эса деворларнинг мувозанатини таъминлайди; биз буни ерга шундоққина ўрнатиб қўяқолсак ҳам бўлаверарди, ахир у ўз оғирлиги билан ҳам тураверади-да. Лекин шу ерда ҳам оҳаксиз, биритириувчи воситасиз иш битмайди; чунки табиатан

бир-бирини ёқтирувчи одамлар ҳам қонун воситасида қовуштирилгач, бир-бирлари билан янада жипслаш-ғанлари сингари тошлар ҳам шаклан бир-бирига мос келишса, мана шу бириктирувчи кучлар ёрдамида янада маҳкамроқ бирлашишади; меҳнат килаётган одамлар орасида бекор ўтириш одобдан эмаслиги туфайли Сизлар ҳам бизнинг ишимизда иштирок этишдан бош тортмайсизлар, деб ўйлайман.

Шундай дея уста куракчасини Шарлоттага узатди, у бўлса куракча билан оҳак олиб тош устига ташлади. Бошқалар ҳам шундай килишди ва тош шу заҳоти пастга туширилди, кейин Шарлотта ва қолганларга болғача тутқазишли, улар тошга уч бор уриб, гўё тошнинг ер билан қовушишига оқ фотиха беришли.

– Фишт терувчининг иши, – сўзида давом этди нотик, – ҳамманинг кўз олдида, ошкора қилинса-да, бироқ унинг яширин жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Режа билан курилган асос кўмиб ташланади, куппа-кундуз куни тиклаган деворларимиз ҳам ҳатто охир-оқибатда бизни эслатиб туриши гумон. Тош йўнувчи ва ҳайкалтарошнинг иши кўпроқ кўзга ташланади, бундан ташқари, сувоқчи қўлларимизнинг изини батамом ўчириб, биз қилган ишларни ўзлаштириб, тошни устидан суваб, бўяб, текислаб ташлашига ҳам кўнишишимиз керак.

Қилган меҳнатининг ҳалол бўлиши ғишт терувчи учун бўлмай, яна ким учун бўлиши мумкин? Ундан ўзга тағин ким ўз қилган ишининг қадрини тушуниб ета олади? Уй битиб, ери текисланиб, пардозланиб, ташқи қисми безаклар билан қопланиб бўлгач, у ҳар қандай қобиқлар орқали бўлса-да, ичкарига қарайди ва бутун бинонинг мавжудлиги ҳамда мустаҳкамлигини таъминлаган тўғри, пухта туташтирилган жойларни пайқаб олади.

Бирон ёмонлик қилиб қўйган одам уни яширишга ҳарчанд уринмасин, барибир, бир кун келиб сир очилишидан қўрқани сингари, яширинча бирон савоб иш қилган одам ҳам, бу иш унинг ихтиёридан

ташқари ҳаммага маълум бўлишини кутади. Шунинг учун, келинглар, мана шу тош биз учун эсдалик тоши бўлиб қолсин. Бу ерга, тошларни кесиб маҳсус қазилган чуқурликка ҳар хил нарсаларни узоқ келаҗак авлодларга шоҳидлик учун ташлашимиз лозим. Манави ковшарланган металл идишларда ёзма маълумотлар сақланади; манави металл тахтачаларга эса ҳар хил ғаройиботлар ўйиб ишланган; манави бежирим шиша идишларга эса тайёрланган йили кўрсатилган энг яхши вино солинган, бу ерда яна шу йилда зарб қилинган турли қимматдаги тангалар ҳам бор: буларнинг барини биз хўжайиннинг сахийлиги туфайли олдик. Борди-ю, меҳмонлар ва томошибинлар ичидан кимдир келгуси авлодга бирон нарса қолдириш истагида бўлса, бемалол, жой ҳали топилади.

У бироз тин олиб, атрофига назар ташлади, одатда, шундай пайтларда бўлгани сингари ҳеч ким жойидан жилмади, ҳамма иккиланиб туриб қолди, охири бир ёш, қувноқ зобит сўз бошлади:

– Модомики ушбу хазинада бўлмаган бирор нарсани ташлаш мендан ҳам талаб қилинар экан, мен ҳам ўз мундиримдан иккита тугмани кесиб олиб ташлайман, улар ҳам келажак авлоднинг мулки бўлишга лойик деб ўйлайман.

Айтилган сўз – отилган ўқ! Шу билан кўпчилик унга эргашишди, Аёллар тароқларини аяб ўтиришмади, хушбўй нарсалар солинган шишачалари ва бошқа майда-чуйдаларидан воз кечишид; факат Оттилиягина бир қарорга келолмай турарди, бу ҳолат Эдуард бир мулоимим сўз билан унинг дикқатини хотира учун ўйиб ташланган нарсалардан четга тортмагунча давом этди. Шунда у бўйнидаги отасининг расми осилган тилла занжирчани узиб олди-да, бошқа буюмлар устига секин кўйди. Эдуард эса айни пайтида олиб келинган қопқокни дарҳол туширишни ва цементлаб ташлашни буюрди.

Бу ишларда айниқса фаоллик кўрсатган ёш уста тағин нотик қиёфасини эгаллади ва сўзида давом этди:

— Биз бу тошни бир умрга, уйнинг ҳозирги ва келгуси хўжайнларининг узоқ вактлик ҳузур-ҳаловатда ҳаёт кечиришлари учун кўяяпмиз. Ҳозир ушбу ҳазинани бекитар эканмиз, энг муҳим ишлардан бирини бажариш баробаринда инсонларга тегишли ҳамма нарса ўткинчи эканлигини ҳам эсдан чиқармаймиз; шу билан бирга, бу жисп ёпилган қопқоқ қачонлардир эҳтимол очилар, деган ўйга ҳам борамиз, аммо бу нарса факат биз ҳали қуриб улгурмаган уй бузилгандан кейингина содир бўлиши мумкин.

Ўйни қуриш учун келажак ҳақида ўй суришни бас килайлик-да, ҳозирги кунга қайтайлик! Келинглар, тантаналар тугаши биланоқ ишга киришайлик, бу ерда ишлайдиган усталардан бирортаси ишсиз қолмасин, токи бино тезроқ қад ростласин ва қуриб битказилисин, ҳали ҳозирча йўқ уйнинг деразаларидан хўжайнин оила аъзолари ва меҳмонлари билан атроф-теваракни қувонч билан томоша қилишсин, мана шуларнинг ва шу ерда ҳозир бўлганларнинг соғлиги учун қадаҳ кўтараман!

Шундай дея у нозик қиррали қадаҳни бир кўтаришда бўшатди-да, ҳавога ирғитди; чунки қувончли лаҳзаларда кўтарилган қадаҳни синдириш қувончнинг ошиб-тошиб кетганлигини англатади. Бироқ бу гал бошқача бўлди: идиш қайтиб ерга тушмади, гаройибот ҳам содир бўлмади.

Гап шундаки, қурилишни тезроқ битказиш учун рўпарадаги бурчакда аллақачон пойдевор кўйилиб, ҳатто деворларни ҳам тиклаб улгуришган, керагидан ортиқ баланд қилиб синчлар ўрнатишган эди.

Курувчиларнинг фойдасини кўзлаб, тантаналар муносабати билан уларнинг устига тахталарни қўйиб, бир гала тамошобинларни ўша ерга чиқаришган эди. Қадаҳ ўша томонга учеб чиқди, уни биттаси дархол илиб олди ва буни ўзи учун баҳтли тасодиф деб қабул қилди. У қадаҳни қўлидан қўйиб юбормасдан шундай намойиш қилдики, унда нафис чирмаштириб ўйилган Э ва О ҳарфлари кўзга ташланди: бу Эдуард учун ёшлик пайтида буюртирилган қадаҳлардан бири эди.



Тахталар усти бўшаб қолди, меҳмонларнинг энг абжирлари атрофни томоша қилиш учун улар устига чиқиб олишиб, тўрт тарафдаги гўзал манзарани таърифлашдан чарчашмасди; бир қават ҳажмида баландликка кўтарилиган одамнинг назари нималарга тушмайди дейсиз! Текисликнинг хув ичкарисида бир неча янги қишлоқлар кўзга ташланади; дарёнинг кумуш тасмаси аниқ кўриниб туради; ҳатто биттаси пойтахтдаги минорани ҳам кўрдим, дея ишонтиromoқчи бўларди. Орқа томонда, ўрмонзор тепаликлар ортида йироқ тоғ тизмаларининг биллур чўкқилари қад кўтарган эди, яқин атрофдаги жойлар яхлит бир бутунликдек туюларди.

— Анави учта ҳовузни, — деди кимдир, — битта катта кўлга бирлаштириш керак, ўшанда манзара бундан ҳам ажойиб бўлар эди.

— Буни қилса бўлади, — деди Капитан, — ҳақиқатан ҳам улар илгари катта бир тоғ кўлинни ташкил этишарди.

— Фақат илтимос, — деди Эдуард, — менинг терак ва чинорларимга раҳм қилинглар, ўртадаги ҳовуз бўйида улар қандай гўзал бўлиб туришипти. Қаранг, — мурожаат қилди у Оттилияга ўша томонни кўрсатаркан ва уни бир неча қадам олдинга етаклади, — манави дарахтларни ўзим ўтқазганман.

— Уларнинг экилганига қанча бўлган? — сўради Оттилия.

— Сиз нечага кирган бўлсангиз таҳминан шунча, — жавоб берди Эдуард, — ха, азизим, Сиз ҳали беланчакда ётганингизда мен аллақачон дарахт ўтқазганман.

Одамлар қасрга қайтиб келишди. Тушликдан сўнг бу ердаги янги ўзгаришларни кўриш учун уларни қишлоқ бўйлаб сайрга таклиф қилишди. Қишлоқ аҳли Капитаннинг илтимосига кўра ўз уйларининг олдига тўпланишди; улар қатор бўлиб тизилишмади, балки ҳар ким ўз оиласи билан тўпланди, кеч бўлаётганлиги сабабли кимдир ўз ишлари билан банд, кимдир янги кўйилган курсиларда дам олиб ўтиради. Уларга, ҳеч бўлмаса ҳар якшанбада ва бай-

рамлар арафасида атрофни тозалаб, тартибга келтириб туриш ҳакида кўнгилли топширик берилганди. Дўстларимиз даврасида юзага келган дилкаш муносабатлар меҳмонларнинг бехад кўплигидан ҳамиша узилиб қолар, бу уларга ёқмасди. Тўртовлари ҳам катта залда ёлғиз қолишганда роса хурсанд бўлишди; бирок ўз уйидаги бу осойишталик ҳам узоқка чўзилмади: Эдуардга эртага янги меҳмонлар келаётганидан хабар берувчи хатни келтириб бериши.

– Тахминимиз тўғри чиқди, – хитоб қилди Эдуард Шарлоттага, – Граф кўпам куттириб ўтирумайди, у эртага келаркан.

– Унда Баронесса ҳам келса керак! – жавоб берди Шарлотта.

– Бўлмасам-чи! – жавоб қайтарди Эдуард, – эртага у ҳам келади. Улар эртага бизнида тунашга рухсат сўрашяпти, индинига йўлда давом этишмокчи.

– Унда ҳаммасини ҳозирлаб қўйишимиз керак, Оттилия! – деди Шарлотта.

– Уларни қандай жойлаштиришни буюрасиз? – сўради Оттилия.

Шарлотта энг муҳим нарсаларни тушунтиргач, Оттилия чиқиб кетди.

Капитан бу икки шахс орасидаги муносабатлар билан кизикди, у буларни юзаки биларди. Улар илгаридан, оиласи бўлган пайтларида ёқ бир-бирларини севиб қолишган. Иккита оиланинг бузилиши анча-мунча шов-шувларсиз кечмади, албатта; ажралиш ҳакида ҳам гап-сўзлар бўлди. Баронесса бунга муваффак бўлди, Граф эса йўқ. Улар шунчаки узилишиб кетгандек бўлишди-ю, аслида муносабатлари сакланиб қолаверди; борди-ю, улар кишини князлик кароргоҳида бирга ўтказа олишмаса, ёз пайтлари бирга саёҳатлар қилиб, сув бўйларига бориб бунинг ҳиссасини чиқаришарди. Улар икковлари ҳам Эдуард билан Шарлоттадан сал каттарок эди, тўртовларини ҳам саройдаги ҳаётлари даврида боғланган дўстлик иплари бирлаштириб турарди. Иккала жуфтлар ҳам ҳаркалай ҳар жиҳатдан гаплари бир-бирларига тўғри келавермаса-да, яхши

муносабатда эдилар. Уларнинг бу галги ташрифи илк дафъа Шарлоттага у қадар маъқул келмади, агар сабабини суриширадиган бўлса, бу Оттилия туфайли эди. Соф, мулойим қиз боланинг бундай намунага гувоҳ бўлишига ҳали эрта эди.

– Улар бир-икки кун кейинроқ келишса ҳам бўларди, – деди Эдуард Оттилия хонага қайтиб кирганида, – унгача хоторни сотиш ишини ниҳоясига етказган бўлардик, васиқа тайёр; бир нусхаси менда, тағин бир нусха керак; кари котибимиз касал бўлиб колипти.

Капитан ўз кўмагини таклиф қилди, Шарлотта ҳам; бироқ Эдуард ҳаммасини рад қилди.

– Келинг, мен кўчириб берай! – шоша-пиша деди Оттилия.

– Сен вақтида тугатолмайсан, – деди Шарлотта.

– У индин эрталаб менинг қўлимга тегса бўлди, лекин жуда кўп-да, – деди Эдуард.

– Ёзib улгураман, – хитоб қилди Оттилия, аллақачон қофозни қўлида тутиб тураркан.

Эртаси куни эрталаб, меҳмонларни вақтида кутиб олиш учун юкори қаватдан уларнинг йўлига қараб туришган эди, Эдуард:

– Хув анави йўлда имилланиб келаётган отлик ким? – деди.

Капитан отлиқнинг кўринишини аниқ тасвирлади.

– Э-э, бу ўша, – деди Эдуард, – сен мендан кўра яхшироқ илғаган белгилар менга кўринаётган умумий қиёфага тамоман мос келади. Бу – Митлер. Нега у бунчалик секин, жуда секин келяпти?

Отлиқ яқинроқ келди, бу ростдан ҳам Митлер экан. У зинапоядан шошилмай кўтарилааркан, уни дўстона кутиб олишди.

– Нега кечакелмадингиз? – сўради Эдуард.

– Шов-шувли тантаналарни ёқтирмайман, – жавоб берди у. – Бугун эса дўстимнинг туғилган кунини Сизлар билан биргаликда осойишта байрам қилиш учун келдим.

– Шунча бўш вақтни қаердан топасиз? – ҳазиломуз сўради Эдуард.

— Агар ташрифимнинг Сизлар учун тариқча қадри бўлса, кеча менда туғилган бир фикр учун мендан миннатдор бўлишларинг керак. Кечаги қуннинг ярмини чинакам хурсанд бўлиб, ўзим муросага келтирган хонадонда ўтказдим. Сизларнида туғилган кун нишонланётганини ўша ерда эшилди. Буни бориб турган ҳудбинлик деса бўлади, ўйладим мен, кимни муросага келтирсанг, ўшаларнинг кувончларига шерик бўласан. Нега энди осойишталиктининг қадрига етиб хаёт кечираётган дўстларинг билан ҳам бирга хурсандчилик қилмайсан? Айтилган сўз – отилган ўқ! Мана, кеча ўйлаганимга амал қилиб, бугун бу ёқка келдим.

— Кеча келганингизда кўп меҳмонларни кўрадингиз, бугун улар камгина, – деди Шарлотта. – Граф билан Баронесса келишади, улар ҳам Сизга анчагина ташвиш келтиришган эди.

Үй эгалари томонидан самимий кутиб олинган ғалати меҳмон бирданига аччиғи келиб дўстлари даврасидан юлқиниб чиқди-да, шляпаси билан қамчисини қидира бошлади.

— Мен салгина дам олиб, кўнгил ёзмоқчи бўлсам, ҳар гал қандайдир машъум рух изимдан юради. Ўз конунларим чизигидан чиқмаслигим керак шекилли, мана энди шунча йўлга тағин қайтиб кетаман. Анави иккови билан бир жойда ўтиришни истамайман, ўзларинг ҳам эҳтиёт бўлинглар! Улар касофатдан бошка нарса келтиришмайди! Улар бамисоли заҳар, борган жойларини заҳарлашади.

Уни тинчлантиришга уринишди, лекин фойдаси бўлмади.

— Ким никоҳни бузса, – хитоб қилди у, – кимки сўзда етмагандек, яна амалда маънавий-ахлоқий уюшманинг бундай асосига путур етказса, ўша ерда мен керак бўламан; борди-ю, уларни келиштириш қўлимдан келмаса, унда унақа одамларни кўришни ҳам истамайман. Никоҳ – бу инсоний маданиятнинг ибтидоси ва чўккисидир. У кўпол одамни юмшатади, зиёли одамга эса ўз юмшоқлигини намойиш қилишга имкон яратади. Никоҳ бузилмаслиги керак; чунки у баҳт келти-

ради, бошка ҳар қандай майда-чуйда ғам-ташвишлар унинг олдида арзимасдир. Қанақа ғам-ташвиш ҳакида гап бўлиши мумкин? Гоҳи-гоҳида одамда бетокатлик кайфияти пайдо бўлади-да, ўзини гўё бахтсиздек ҳисоблайди. Ўшандай лаҳзалар ўтиб кетган заҳоти одам ўзини бахтли ҳис этабошлайди ва ҳамма нарса аввал қандай бўлса, тағин аслига қайтади. Ажрашиш учун ҳеч қандай сабабга ўрин қолдирмаслик керак. Одамзоднинг табиати шундайки, у қувончдан ҳам, ташвишдан ҳам юқори туради, эр-хотинлар бир-бирларининг олдиларида қанчалик қарздор эканликларини санаб адoғига етиш қийин. Бу шундай интиҳосиз қарзки, уни умр давомида ҳам узиб бўлмайди. Баъзан чидаб бўлмас ҳоллар ҳам бўлиб туради, инкор қилмайман, ахир бу табиий ҳол-ку. Биз виждонимиз билан ҳам худди шундай боғланганмиз, пайти келадики, ундан ҳам безор бўлиб кетамиз, чунки эр-хотин бир-бирига қандай нотинчилклар туғдирса, у ҳам бизни шундай нотинч қиласди.

У куйиниб гапирди, агар почтачининг ҳуштаги ҳурматли меҳмонлар келишганидан дарак бермаганида эҳтимол ҳалигача гапираверарди. Улар ҳам худди келишиб олгандек икки тарафдан каср ҳовлисига караталарда кириб келишди. Уй эгалари уларга пешвуз чикишганда Митлер бекиниб олди, отини меҳмонхона олдига келтиришларини буюрди ва таъби тирриқ бўлиб жўнаб кетди.

Унинчи боб

Салом-аликдан сўнг меҳмонларни уйга бошлаб киришди; улар бир вақтлар қанча-қанчалаб бахтли кунларни кечирган, анчадан бери қадам босмаган бу қасрга, бу хонадонга қувонч билан кириб келишди. Уларнинг ташрифидан дўстларимиз ҳам роса курсанд бўлишди. Граф ҳам, баронесса ҳам чиройда, хушкоматлиликда бир хил эдиларки, бундай ҳолат ёшлик пайтлардагига нисбатан ўрта ёшда ҳам кам қадрланмайди; илк гуллар бироз сўлган бўлиши

мумкин, шундай бўлса-да, улар бирдек кишининг дикқат-эътиборини ўзларига тортиб туришади. Бунинг устига бу жуфт ўзларини аслзодача тутишни беҳад ўрнига қўйишарди. Ҳаётий муносабатларга, воеа-ходисаларга ўта эркин қарашлари, улардаги кувноқлик ҳамда зоҳирий оддийлик дарҳол бошқаларга ҳам юкар, буларнинг барчасини ўта маданиятлилик чегаралаб турар, аммо бунда-бирон бир зўракилик сезилмасди.

Бу хусусият даврага дарҳол ўз таъсирини кўрсатди. Мехмонлар тўғри аслзодалар даврасидан чиқиб келишган, бу уларнинг кийим-кечакларидан, буюмлари, бутун кўринишларидан сезилиб турар, қишлоқча ва пинҳоний жўшқин руҳиятли дўстларимиздан сезиларли тарзда фарқ килиб туришарди, бирок кўхна хотиралар ҳозирги қизиқишилар билан коришиб, қизғин сұхбат ҳаммани бирдек ўзига жалб қилгач, бу фарқ билинмай кетди.

Кўп ўтмай улар икки гурухга бўлинишди. Аёллар ўзларига тегишли бўлмага ўтишиб, хилма-хил янгиликларни ўртоқлашишди, баҳорда янги урф бўлган кийимлар, уларнинг бичиклари, шляпалар ва шу кабиларни кўздан кечиришиб, мириқиб сұхбатлашишди. Эркаклар бўлса, янги келтирилган кареталар ва отларни бориб кўришди, уларни сотиш ва алмаштириш ҳакида келишиб олишди.

Фақат тушлик пайтидагина ҳаммалари тағин йигилишди. Ҳамма қайтадан ясаниб олганди, меҳмонлар бунда ҳам ўз афзалликларини намойиш килишиди. Уларнинг кийимлари яп-янги, биринчи марта устлагрига олгандек, шу билан бирга, одатда кийиб юрган кулай кийимдек эди.

Сұхбат қизғин кечди, одатда ҳамма нарсага қизиқадиган, аслида ҳеч нарса қизиқтиrmайдиган шу тоифа одамлар даврасида бўлганидек, мавзулар ўзгариб турди. Хизматкорлар тушунишмасин деган мақсадда француз тилида сўзлашишди. Олий ва ўрта доира аслзодалариаро муносабатларга ҳам гап орасида тўхтабиб ўтишди. Фақатгина битта мавзу атрофида сұхбат одатдагидан кўра чўзилиб кетди, яъни Шарлотта ёш-

ликдаги дугоналаридан бири ҳакида хабар топғанмиш, яқин орада унинг эридан ажрашмоқчи эканлигини эшитиб, күнгли хира бўлғанмиш.

— Хафа бўлиб кетасан киши! — деди Шарлотта. — Кўпдан бери кўрмаган дугонангни дориломон яшаяпти, яхши кўрадиган дугонанг ўз қисматидан мамнун, деб ўйлайсан, ана-мана дегунча, карабсанки, унинг тақдири кил устида турган, у иккинчи бор, эҳтимол, тағин ҳаётнинг янги қалтис сўқмоғига қадам босаётган бўлади.

— Аслида-чи, азизим, — эътиroz билдириди граф, — агар мана шундай кутилмаган лаҳзаларда довдираб қолсак, бунга ўзимиз айбормиз. Бизнинг назаримизда барча дунёвий ишлар, айникса, эр-хотин муносабатлари зинхор-базинҳор дахлсиздек туюлади, энди никоҳ ҳакида гапирадиган бўлсак, бизга комедиялардаги воқеаларни мисол келтирмоқчи бўлишади, ҳолбуки, биз ҳамиша кўрадиган бундай томошаларнинг дунё ишларига ҳеч бир алоқаси йўқ. Комедияда никоҳ бизга бир неча кўринишлар давомида тўсиқларга учраб, охири орзуларнинг ушалиши тарзида намойиш қилинади, ўша мақсадга етишган заҳоти парда ёпилади, қалбимизда эса ўша лаҳзалардан қоникиш ҳисси оҳанг таратиб тураверади. Ҳаётда бўлса бошқача; бу ерда саҳна ортида ҳам ўйин давом этаверади, парда кайтадан очилгандан кейин эса ҳеч нарсани кўргинг ҳам, эшигинг ҳам келмайди.

— Агар биз ўша саҳнадан тушган одамлар, — деди Шарлотта кулимсираб, — тағин бирорта ролни ўйнашдан бош тортмасликларини кўрсак, ҳарқалай, бу у қадар ёмон иш бўлмаса керак.

— Бунга қарши бирон нарса деб бўлмайди, — деди граф. — Янги ролни бемалол ўйнайвериш мумкин, лекин агар киши ҳаётни ўрганса, тушуниб етади: никоҳда ҳам, яъни ёруғ оламдаги барча ўзгарувчи нарсалар орасидаги ўша олдиндан белгилаб қўйилган абадийликда ҳам қандайдир номувофик бир нарса бор. Кайфияти яхши бўлған пайтда янги қонунлар лойиҳаси устида бош котирадиган дўстларимдан

бири, ҳар қандай никоҳни ҳам беш йилга тузиш кепрак, деб ҳисобларди. Бу чиройли, мұқаддас, тоқ сон ва мана шу муддат, деярди у, бир-бирларини билиб олишларига, бир неча фарзандни дунёга келтиришга, жанжаллашишга, энг мұхими, тағин ярашиб олишга етади. Одатда у бу ҳақда шундай деярди: «Дастлабки даврлар қандай баҳтли кечган бўларди! Ҳарҳолда икки-уч йил хушвакт ўтади. Ундан кейин улардан биттасида муносабатларни узокрокқа чўзиш истаги туғилиб қолиши ҳам мумкин. Белгиланган муддатга яқинлашган сари ундаги илтифот ҳам орта борган бўларди. Бундай муносабат бепарво, ҳатто баъзан ҳамма нарсадан иллат излайдиган иккинчи кишини ром этиши, муросага келтириши мумкин. Яхши кишилар даврасида одам вакт ўтганини сезмаганидек, эр-хотинлар ҳам белгиланган муддат ўз-ўзидан узайиб қолганини тўсатдан сезиб қолишиса, роса кувонишиб, ҳайрон қолишган бўларди». Бу сўзлар ғоят ёқимли, шўхчан жаранглаган, Шарлоттага туюлганидек, бу ҳазилга чуқур ахлоқий мазмун бериш мумкин бўлса-да, ҳарқалай бундай фикрлар, айниқса Оттилия туфайли унга маъқул эмасди. У бу тахлит ножӯя, яrim ножӯя ҳолатлар худди одатга айланиб кетган, ҳатто мақтовга сазовор ишлардек караладиган эркин суҳбатлардан ҳам хавфлироқ нарса бўлмаслигини яхши биларди, зеро, оиласиий муносабатлар кўргонини бузадиган ҳамма нарса ўшандай ҳолатлар сирасига киради. Шу боисдан у ўзига хос назокат билан суҳбат мавзуини бошқа ёққа буришга уринди, бунга муваффақ бўлолмагач, Оттилияни бирон нима учун юборолмаслигидан, у ҳамма нарсани бадастур килиб қўйганидан афсусланди. Зийрак қиз бош хизматкорга назари ва имо-ишоралар орқали кўрсатмалар бериб ўтириди, иккита янги ишга келган, нўноқ хизматкорларни ҳисобга олмагандা, ҳаммаси жойида бўлди.

Шундай қилиб, Шарлоттанинг гап маромини ўзгартиришга уринишини сезмаган граф ўша мавзуда гапиришда давом этди. Унда гапиравериб сухбат дошларининг жонига тегиш одати бўлмаса-да, хо-

тинидан ажрашишга тўсиқ бўлаётган ташвиш ва қийинчиликлар уни бехад эзib юборган, никоҳ ришталари билан боғлиқ ҳамма нарса унинг ғазабини келтирас, шу билан бир вактда у баронесса билан айнан ўша ришталар орқали боғланишни жон-дилидан истарди.

– Ўша дўстим, – дея давом этди у, – яна бошқа бир конун лойиҳасини таклиф этганди: иккала тараф ҳам, ҳеч бўлмаганда улардан биттаси учинчи марта оила қурган тақдирдагина никоҳ мустаҳкам бўлиши мумкин. Негаки бундай кимса никоҳни қандайдир инкор қилиб бўлмайдиган бир нарса деб тан олишга мажбур бўлади. Бундан ташқари, улар авваалги никоҳларида ўзларини қандай тутишган, ёмон қиликларидан ҳам кўра ажрашишга кўпроқ сабабчи бўладиган аллақандай ғайриоддий қиликлари бўлмаганми, шу каби жиҳатлар энди унга аник-равшан бўлиб қолиши керак. Хуллас, ўзаро керакли маълумотларни тўплаш зарур; уйланганларга ҳам, уйланмаганларга ҳам бирдек эътибор килиш лозим, чунки ҳали шароит қандай бўлишини одам билмайди.

– Ну нарса ҳарқалай одамларнинг эътиборини анча ўзига тортса керак, – деди Эдуард, – чунки, сирасини айтганда, ҳозир, биз оиласи бўлган пайтимиизда, биздан на яхши хислатларимиз, на нуксонларимиз ҳақида бирор сўрамайди.

– Бунақа тартиблар шароитида, – жилмайиб гапга аралашди баронесса, – бизнинг азиз хўжайнларимиз аллақачон бемалол иккинчи босқичга чиқиб, учинчи-сига қадам қўйишга тайёрланишган бўлар эди.

– Уларга яхши бўлди, – деди граф, – одатда консистория¹лар истар-истамас қиладиган ишни ўлим осонгина ҳал қилди-қўйди.

– Марҳумларни тинч қўяйлик, – эътиroz билдириди Шарлотта жиддий назар билан.

– Нега? – сўради граф, – ахир биз уларни эслаб,

¹ Консистория – архиерей хузуридаги православ черковининг маъмурий ва суд органи (*тарж.*)

рухларини шод киламиз-ку. Улар шундай камтар бўлишганки, ўзларидан қолдирган кўп хайрли ишларни қилишга бир неча йилни сарфлашган, холос.

— Бундай ҳолларда умрингнинг энг яхши йилларини курбон қилишга мажбур бўлмасанг эди, — деди баронесса сўник хўрсиниш билан.

— Дарҳақиқат, — деди граф, — борди-ю, дунёда орзуларинг жуда кам ушалса, бундан умидсизликка тушиш ростдан ҳам ҳеч гап бўлмай коларди. Болалар берган ваъдаларини бажаришмайди; ёшлар жуда кам ҳолларда бажаришади, улар бажарган тақдирда ҳам, зодагонлар уларга берган ваъдаларининг устидан чиқишмайди.

Суҳбат мавзуи ўзгарганидан суюнган Шарлотта гапга қизғин аралашди:

— Нима бўлти! Шусиз ҳам биз ҳаётдаги яхши имкониятлардан жуда кам, онда-сонда фойдаланишга аллақачон кўникиб қолганмиз.

— Ношукурлик қилманглар, — деди граф, — сиз икковларингга жуда кўп яхши кунлар насиб қилган. Эдуард икковингиз саройдаги энг гўзал, муносиб жуфт бўлган пайтларингни яхши эслайман; энди бўлса, на ўшандай ажойиб кунлар, на ёрқин образлар бор, ҳеч биридан дом-дарак йўқ. Икковингиз бирга раксга тушганингизда, одамлар сизлардан кўз узолмай қолишарди, сизлар эса, худди кўзгуга қарагандек бирбirlарингизга тикилиб олардингиз.

— У замонлардан бери кўп нарсалар ўзгариб кетди, — деди Шарлотта, — мана энди бунақа чиройли мақтовларни тортиниб эшитишга тўғри келади.

— Қатъиятлироқ бўлмагани учун, — деди граф, — Эдуардни ичимда кўп койирдим; ҳарқанча ғалати бўлишса-да, ота-онаси ҳарҳолда ён беришган бўларди, ўн йилни ютиш, ахир бу ҳазил гап эмас-да.

— Мен унинг ёнини оламан, — гапни бўлди баронесса, — Шарлотта ҳам оппоққина эмас, у ҳам у ёқбу ёғига карашдан тийилмаган, у Эдуардни чин дилдан севса-да, унга турмушга чиқишни зимдан кўзлаб кўйган бўлса-да, — бунга ўзим гувоҳ эдим — гоҳида уни

шунака қаттиқ қийнардики, натижада у қалтис қарорга келди, яъни Шарлоттадан узокрок бўлиш, уни унутиш учун саёҳатга мажбур бўлди.

Эдуард баронессага қараб ёнини олгани учун миннатдор бўлгандек бош силкиб қўйди.

– Шарлоттадан узр сўраб тағин бир нарсани қўшиб кўйишим керак, – давом этди баронесса, – ўша пайтда бунинг кўнглига йўл топган одамнинг Шарлотта га мойиллигини ҳам биларди, яқиндан таниган ҳамма одамлар уни сизлар ўйлаганларингдан кўра анча ёқимлироқ деб ҳисоблашарди.

– Азизим, – деди Граф бироз қизиқконлик билан, – тан олайлик энди, ўша одам Сизга ҳам бефарқ эмасди, Шарлотта бошқа бирордан ҳам кўра Сиздан кўпроқ хавфсираганди. Менимча, аёлларнинг биронта эркакка бўлган ўз мойилликларини узок саклашлари жуда яхши одат, унга ҳеч қандай айрилиқ монелик ҳам қилмайди, йўқотолмайди ҳам.

– Бундай ажойиб хислат эркакларда янада кучлироқ бўлса керак, – эътиroz билдириди Баронесса, – гапнинг пўсткаласини айтганда, азизим граф, менинг сезишимча, Сиз бир вақтлар ёқтирган битта аёлчалик ҳеч ким Сизга ўз хукмини ўтказолмайди. Ўзим гувоҳ бўлганман, шундайлардан бирининг илтимосини ўринлатишга роса жон кўйдирган эдингиз, ҳолбуки ўз ёнгиздаги ҳозирги аёлнинг шу тахлит илтимоси учун бу қадар куюнмаган бўлардингиз.

– Бундай кесатикларга чидаса бўлади, – жавоб берди Граф, – мен Шарлоттанинг биринчи эрини ёмон кўришимга сабаб шу эдики, у табиат бир-бири учун яратган жуфтни, тенги йўқ мос жуфтни ажратиб юборди, улар на беш йиллик муддат ҳақида, на иккинчи никоҳ ҳақида қайғуришмасди, учинчиси ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади.

– Энди биз, – деди Шарлотта, – бой берилган имконларимизнинг ҳиссасини чиқаришга ҳаракат қиласиз.

– Шундай қилишларинг керак, – деди Граф, – биринчи никоҳларинг, – дея давом этди у сал жаҳлдор

оҳангда, — сирасини айтганда кўнгилдагидек никоҳ бўлмаган эди, умуман олганда, хиёл оширворган бўлсан маъзур тутасизлар-у, бахтга қарши никоҳда қандайдир бир қўполлик бор; у энг нозик муносабатларга халақит беради, ҳамма нарса, аслида эрхотинлардан бири бир амаллаб ўзига сингдириб юрган таги бўш ишончга боғлиқ бўлиб қолади. Қолганлари ўз-ўзидан аён, назаримда одамлар ҳар бири ўз йўлидан кетиши учун номигагина бирлашадигандек туюлади.

Шу пайт Шарлотта бу гапларга бутунлай чек қўйиш ниятида орага кутилмаган бир гап қўшди, сухбат мароми ўзгарди; сухбат умумий тус олди, унга иккала эр хотин ҳам, Капитан ҳам қўшилишди; ҳатто Оттилияга ўз фикрларини айтишга имкон туғилди, қаҳвахўрлик пайтида ҳамманинг кайфи чоғ, бу билан нафис саватларда қўйилган хилма-хил мева-чевалар, чиройли гулдонлардаги ранг-баранг, кўзни камаштирувчи гуллар уйғунлашиб кетган эди.

Янги барпо қилинаётган боғ ҳақида ҳам сўз борди, тушликдан шундок ўша ерга боришли. Оттилия қандайдир уй-рўзғор ишларини баҳона қилиб бормади; аслида эса у васиқани қўчиришга ўтиради. Капитан графни гапга тутди, кейин уларга Шарлотта ҳам қўшилди. Тоғнинг энг тепасига чиқишганида Капитан мулойимлик билан лойиҳани олиб келай, деб пастга тушиб кетгач, граф Шарлоттага деди:

— Бу одам менга жуда ёқади. У ҳар томонла маъзакорлиги ва жиддийлиги сезилиб туради. Унинг бу ерда қилаётган ишлари юқори доираларда юксак баҳоланган бўларди.

Шарлотта Капитан шаънига айтилган мақтовларни ички бир қониқиш билан тинглади. Бироқ буни сездирмади ва унинг сўзларини хотиржам, вазминлик билан маъқуллаб турди. Лекин графнинг кейинги сўзларидан у шунчалик ҳайратга тушдиди:

— Мен у билан айни пайтида танишдим. Битта жой бор, бу одам ўша ерга жуда мос тушади, мен уни ўша жойга тавсия қилсан, унга яхшилик қилган ҳамда

юқори мартабали дүстларимдан бирига хизмат қилған бўламан.

Бу гаплар Шарлоттага байни яшин ургандек таъсир қилди. Граф ҳеч нарсани сезмади; чунки аёллар ҳамиша ўзларини тутишга уста бўлишади; ҳар қандай кутилмаган ҳолатларда ҳам мудом ўзларини тутабила-дигандек кўрсатишади. Энди у Графнинг сўзларини умуман эшигасди, Граф эса давом этарди:

— Мен бирон ишни режалаштиридимми, бўлди, зудлик билан бажараман. Миямда хатни ҳам тайёр қилиб кўйдим, уни тезда ёзиб ташлашга сабрим чидамаяпти. Сиз менга биронта сувори топиб берсангиз, хатни шу бугун кечкуруноқ жўнатиш имкони бўларди.

Шарлотта ичдан эзиларди. Кутилмаган бу таклиф ва ўз аҳволи туфайли эсанкираб қолганидан у бир оғиз сўз айтолмади. Хайрият граф ўз режаларини баён қилишда давом этдики, уларнинг Капитан учун афзаллик томонлари Шарлоттанинг назаридан четда қолмади. Айни шу лаҳзада Капитан келиб қолди ва ўз чизмаларини графга намойиш қилди. Шарлотта, ҳадемай кетиши керак бўлган дўстига тамоман бошқа назар билан каради. Ўзини зўрлаб таъзим қилди-да, чимчайла томон шошилди. Ярим йўлдаёк кўзларидан ёшлари қуиилиб келди ва у мана шу кичкина, торгина ҳужрача ичига ўзини отди-да, ўз ғамлари, ўз изтироблари, ўз чорасизликлари гирдобида қолдики, буларнинг бўлиши мумкинлигини у бир неча дақиқа олдин ҳатто хаёлига ҳам келтиролмасди.

Бу пайтда Эдуард Баронесса билан ҳовузлар бўйида айланиб юришарди. Одамлар ҳақида ҳамма нарсани билишга қизиқадиган бу зийрак аёл, секин гап очди ва пайқадики, Эдуард оғзидан мой томиб Оттилияни мақтарди; у шундай усталик билан Эдуарднинг кўнглидаги гапларни билиб олдики, бу эндинга бошлианаётган эмас, балки аллақачон томир отган туйғу эканлигига баронессада шак-шубҳа қолмади.

Оилали аёллар, гарчанд улар бир-бирларини ёқтиришмаса-да, ўзаро, айниқса, ёш кизлар хусусида, гаплари бир жойдан чиқади. Дунё ишларидан кўзи

пишган бу аёл бундай мойилликнинг оқибатларини дарҳол кўз олдига келтириди. Бунинг устига у бугун эрталаб Шарлотта билан Оттилия ҳақида гаплашган ва бу камгап, мулоимгина қизнинг бу ерда қолишини маъқулламаган, уни шаҳарга, яккаю ягона қизининг тарбияси учун куюниб, одоблигина биронта қиз суриштириб юрган, уни ўзининг иккинчи қизидек қабул қилмоқчи, шунга лойик барча ҳукуқ ва имтиёзлар билан таъминламоқчи бўлган битта дугонасиникига жўнатишни таклиф қилган, Шарлотта бу ҳақда ўйлаб кўришга ваъда берганди.

Мана энди Эдуарднинг дилидагини билиб олганидан кейин Баронесса ўз режасини амалга оширишга қатъий қарор қилди, бу қарор қанчалик тез мустаҳкамлана борса, Эдуарднинг истакларини у шунчалик тилёғламалик билан маъқулларди. Зеро, хеч ким бу аёлчалик ўзини тутишни билмасди, фавқулодда ҳоллардаги бундай дадиллик бизни ҳатто оддий ҳолларда ҳам соҳтакорлик қилишга одатлантиради ҳамда ўзимизда мавжуд бўлган куч-кувватни, хокимликни бошқаларга ҳам ёйишга ундейди, бу билан гўё сиртдан эришилган ютуқлар орқали ичдан юз берган йўқотишларнинг ўрнини тўлдирмоқчи бўламиз.

Бундай фикрлаш тарзига одатда бировларнинг ақли торлиги, қўйилган тўрга онгсизларча тушиб қолиш ҳолларидан қандайдир ичдан қувониш ҳам қўшилиб кетади. Биз на факат айни пайтдаги муваффақиятлардан, балки келгусида кимнингдир бошига тушиши мумкин бўлган иснодлардан ҳам хурсанд бўламиз. Баронесса хийлагина маккор эдики, Эдуард билан Шарлоттани ўз мулкига узум узишга таклиф қилди-ю, Эдуарднинг, Оттилияни ҳам у ерга бирга олиб борсак бўладими, деган саволига шундай жавоб қилдики, у бу жавобни ўз истагига ҳамоҳанг маънода қабул қилса ҳам бўларди.

Эдуард ҳаяжон билан бу гўзал жойлар, кенг дарёлар, тепаликлар, қоялар, токзорлар, кўхна қасрлар, қайиқда сузишлар, узум узиш, уни эзишнинг гашти

ва бошқа нарсалар ҳакида гапира кетди, соддалиги туфайли бундай манзаралар Оттилияning таъсирчан қалбини қандай ҳаяжонга солиши мумкинлигини очик-ойдин ҳозирданоқ қувониб изҳор эта бошлади. Шу чоқ Оттилияning улар томонга келаётганини кўришди, Баронесса бўлса Эдуардга, ушбу кузги сафар тўғрисида ҳозирча Оттилияга ҳеч нарса демай туришини шоша-пиша тайинлади, негаки бирор нарса-га олдиндан қувонилса, одатда муваффакиятсизликка юз тутади. Эдуард ваъда берди, лекин уни Оттилия истиқболига жадалроқ юришга ундали, ҳатто суюкли қиз хузурига тезроқ етиш учун ундан бир неча қадам ўтиб ҳам кетди. Қалbidаги қувонч унинг бутун сиймосида акс этиб туради. Эдуард қизнинг кўлини ўпди ва йўл бўйи териб келган дала гулларини унга тутқазди. Буни кўрган баронесса юрагида ғазаб қайнаётганини ҳис этди. Нега деганда, нафақат бу мойилликнинг ножӯялиги унга маъқул келмасди, шу билан бирга, бундаги нафосат ва ёқимлиликни ҳам анави эътиборга лойик ҳеч вақоси йўқ, соддагина қизга лойик кўргиси келмасди.

Кечки овқатга ўтиришганда ҳаммалари тамоман ўзгача кайфиятда эдилар. Аллақачон кечки овқатгача хатни ёзиб, жўнатишга ҳам ултурган граф Капитан билан гаплашиб ўтирас, уни ёнига ўтқазиб олиб, босиқлик билан, эзмаланмасдан ҳамма нарсани сўрабилиб олишга тиришарди. Графнинг ўнг тарафида ўтирган баронессани у ҳам, шунингдек Эдуард ҳам сухбатга тортишга уринишмас, Эдуард бўлса аввал чанқоқликдан, кейин ҳаяжондан тинмай вино қуйиб иchar ва ёнига ўтқазиб олган Оттилия билан берилиб сухбатлашарди, қарама-карши тарафда Капитан ёнида ўтирган Шарлотта эса, ўз ички ғалаёнини яширишга зўр бериб уринар, бироқ бунинг уддасидан чиқолмасди.

Баронессанинг эса кузатиш учун вақти бисёр эди. У Шарлоттадаги бесаранжомликни пайқади, ҳозир фақат Эдуард билан Оттилияning муносабатларини ўйлаётгани учун, Шарлотта ҳам эрининг қилиғидан

кайфияти тушиб, аччиқланиб ўтирипти, деган ишонч билан ўз режасини энди тезрок амалга ошириш ҳақида ўйлай бошлади.

Кечки овқатдан кейин ҳам улар орасидаги совуклик давом этди. Капитанни яхшироқ билиб олиш истагида бўлган Граф, бу босик, зинҳор такаббурликни билмайдиган, хушхулқ одамнинг кўнглида не истаги борлигини билиш мақсадида хилма-хил усулларни ишга солди. Улар залнинг бир томонида у ёқдан-бу ёққа юришар, бу орада винодан ва яхши умидлардан сархуш бўлган Эдуард дераза олдида Оттилия билан ҳазиллашар, Шарлотта билан баронесса бўлса, залнинг бошқа тарафида жимгина бориб келишарди. Уларнинг сукути ва мақсадсиз-несиз бориб-келишлари нихоят бошқаларга ҳам таъсир қилди. Аёллар ўзларига тегишли бўлмаларга, эркаклар ҳам ўз томонларига кетишиди, шу тахлит кун ҳам ўз адогига етди гўё.

Ўн биринчи боб

Эдуард Графни унга ажратилган хонага бошлаб борди ва сухбатга берилиб, унинг ёнида анча қолиб кетди. Граф ўтмиш хотираларига берилиб, Шрлоттанинг гўзаллигини тўлиб-тошиб эслай кетди ва уни яхши биладиган одам сифатида қизғин, кўкларга кўтариб мақтади:

— Чиройли оёқ — табиатнинг улуғ неъмати. Бу сўлмас гўзаллик. Мен бугун уни кетаётганида кузатиб турдим; уни шундок туфлисидан ўпгим ва сарматларнинг бироз қўпол, аммо чуқур эҳтиром ҳисси билан йўғрилган энг қадрли удумини, яъни азиз ва севикли аёлнинг соғлиги учун унинг туфлисида вино ичиш одатини такрорлагим келади.

Бу иккита қалбан яқин одамлар учун сухбат мавзуси фақатгина оёқ бўлиб қолмади. Улар Шарлоттадан қадимги воқеалар ва саргузаштларга кўчишиди, бу икки севишганлар қандай тўсикларга дуч келишганини, бошқалар қандай қилиб уларнинг учрашишларига халал беришганини, бир-бирларига ўз севгиларини

изҳор қилиш учун қанчалик қийналишганини, қандай йўлларни ўйлаб топишганини хотирлашди.

– Эсингдами? – деда сўзида давом этди Граф, – бизнинг муҳтарам хўжайинларимиз амакиларини кўриш учун унинг салобатли қасрига йиғилишган куни мен сен билан бирга қанақа саргузаштда дўстона, бегараз иштирок этган эдим? Бутун кунни ясан-тусан кийиниб олиб, ўйин-кулги билан ўтказган эдик, бундан сўнг лоақал туннинг ярмини бемалол ишқий сухбатлар билан ўтказиш лозим эди.

– Сарой хонимларининг кўшкига борадиган йўл эсингизда бўлса керак, – деди Эдуард. – Маъшуқам ёнига эсон-омон етиб боргандик.

– У бўлса. – деди Граф, – менинг мамнунлигимдан ҳам кўра кўпроқ одамшавандалик ҳақида қайғуриб, ёнида бир бадбашара дугонасини олиб қолган эди; натижада, сизлар гоҳ сўз билан, гоҳ нозик кўз уришишлар билан фикр алмашганларингда, менинг ҳечам кўнглим жойига тушмаган эди.

– Кечагина, – жавоб қилди Эдуард, – Сиздан хабар келганида, хотиним билан ўша воқеани, айникса, бизнинг қайтишимизни эсладик. Ўшанда йўлдан адашиб, гвардия соқчилик постига бориб қолган эдик. Бу ердан ўтиш йўлини яхши билганимиз учун, бошқа жойлар сингари, бу ердаги соқчилар ёнидан ҳам бемалол ўтиб кета оламиз, деб ўйладик. Лекин биз эшикларни очганимизда ҳайратдан қотиб қолгандик! Бутун йўлга тўшаклар ташланган, уларнинг устида бир неча қатор бўлиб чўзилиб ётган сўлокмонлар уйқуни уришарди. Соқчилардан ягона уйғоқ ўтиргани бизга ҳайрон бўлиб қаради; биз бўлсак, ёшлиқ жасорати ва шўхлиги билан узун кўнжли этиклардаги оёқлар устидан ҳатлаб ўтиб кетавердик, хуррак отаётган Ануқ ўғилларидан¹ бирортаси ҳам уйғонмаганди.

¹ Ануқ ўғиллари – улкан одамлар, афсонавий Кањонда яшашган, Ануқ Одам Атонинг кизи, унинг ўғилларидан бирининг оти Авж ибн Ануқ. Улар Мусо алайхиссалом давригача яшашган. Гёте бу ерда чўзилиб ётган соқчиларни ўша улкан одамларга киёслаб муболага қилган (*тарж.*)

— Шовқин-сурон кўтарилисинг учун, — деди Граф, — бирам чалишиб кетгим келувди, ғаройиб қўзғолоннинг гувоҳи бўлардик-да ўзиям!

Шу лаҳзада қасрдаги соат ўн иккига занг урди.

— Аллақачон ярим тун бўлди — деди Граф жилмайиб, — айни пайти. Қимматли барон, Сиздан бир дўстона илтимос қилмокчиман: мен Сизни ўшанда кузатиб қўйганимдек, сиз мени бугун кузатиб қўйинг; Баронессага, ҳали келаман, деб ваъда бериб қўйгандим. Кун бўйи бизга ёлғиз сўзлашиш имкони бўлмади, анча бўлди кўришмаганимизга, бирон соат юракдан сўзлашишнинг гаштига нима етсин. Борадиган йўлни кўрсатинг, қайтишда йўлни ўзим топиб оламан, ҳарқалай бу ерда кўнгли учун этикларга чалишиб юрмайман-ку.

— Мен меҳмоннавозлик ила бу хизматни жон-жон деб адо этаман, — деди Эдуард, — лекин учала хонимларимиз ҳали бирга ўтиришмаганимикан. Ким билади, биз ҳали уларни бирга тополамизми-йўқми ёки уларни бесаранжом қилиб, аллақандай ғалати кайфиятга солиб қўймасмиканмиз.

— Ташибишиш тортманг, — деди Граф, — Баронесса мени кутяпти. Ҳозир у аниқ ўз хонасида, ёлғиз ўтирипти.

— Ундей бўлса, ҳеч қийинчилик жойи йўқ, — жавоб берди Эдуард ва шамни кўлига олиб, узун йўлакка олиб борадиган яширин зинапоя бўйлаб графни пастга бошлиб кетди. Эдуард йўлак охиридаги кичкина эшикчани очди. Улар айланма зинадан кўтарилиши; тепадаги тор майдончада Эдуард графга шамни тутқаздида, ўнг тарафдаги гулқоғозлар қопланган эшикка имо қилди, кўл тегар-тегмас эшик очилди ва графни ичкарига олди, Эдуард тимқоронғиликда колди.

Чапдаги бошқа эшик Шарлоттанинг ётоқхонасига олиб киради. Унга овозлар эшитилди. Шарлотта оқсочига гапиради:

— Оттилия ётдими?

— Йўқ, — жавоб берди оқсоч, — у ҳали пастда ўтириб ёзяпти.

– Майли, тунги чирокни ёк-да, – деди Шарлотта, – боравер, алламаҳал бўлди. Ўзим шамни ўчириб, ечиниб ётаман.

Эдуард Оттилиянинг ёзаётганини эшитиб ҳаяжонга тушди. «У мен учун харакат қиляпти!» дея ўйлади тантана қилиб. Қоронғулик оғушида ҳаёлга ғарқ бўлиб, у Оттилияни ўтириб ёзаётган ҳолатда кўз олдига келтирди; гўё у қиз олдига кирган, уни кўргандек, қиз унга бурилиб қарагандек туюлди; у тағин бир бор Оттилиянинг ёнида ўтиришни енгиб бўлмас даражада хоҳлади. Бирок бу ердан у яшайдиган пастак болохонага йўл йўқ эди. Эдуард шундокқина хотинининг хонасига олиб кирадиган эшик олдидаги турарди, унинг миясида ҳамма нарса ғалати бир тарзда алғовдалғов бўлиб кетди. У эшикни очмоқчи бўлди, у ичдан маҳкамланган эди, секин чертди, бироқ Шарлотта эшиitmади.

Шарлотта каттагина хонада ҳаяжон ичидаги ўқданбу ёққа бориб келарди. У Графнинг ўша кутилмаган таклифидан кейин ўзи ўйлаб кўйган нарсаларни қайта-қайта такрорлади. Худди Капитан унинг олдигинасида тургандек туюларди. У ҳозир уйни тўлдириб, сайргоҳларга жон бағишлаб турипти, лекин у кетиши керак, ҳаммаёқ бўшаб қолиши керак! У ўзига нима дейиши мумкин бўлса, ҳаммасини айтди, ҳатто одатда одам ўзини овутадиган – шундай оғриқларни ҳам вакт даволаши мумкин, деган ғарифона тасаллини ҳам ўзига бериб кўрди. Оғриқни даволаш учун керак бўладиган вактни лаънатлади; оғриқ таскин топадиган ўша қирғин келгур вактга лаънат ўқиди.

Ниҳоят кўз ёшларидан топган юпанчи айни кўнгилдагидек бўлди, у камдан-кам юпанч топарди. У ўзини диванга ташлади-да, бутунлай қайғу гирдобида колди. Эдуард ҳам эшик олдидан нари кетолмасди; у яна бир марта тақиллатди, учинчи бор қаттикроқ тақиллатди, шунда Шарлотта тун сукунатида буни аниқ эшиитди ва кўрқиб сакраб турди. Бу Капитан бўлиши мумкин, бўлиши зарур, деган фикр илк бор унинг ҳаёлидан

кечди, бу мумкин эмас, деди у кейин. Тақиллагандек туюлди, деб ҳам ўйлади; лекин у буни эшигиди, эшиганига ишонишни истарди, ишонишдан қўркарди. У ётоқхонага ўтди, секингина занжирлаб қўйилган эшик олдига яқинлашди. У кўрккани учун узини койиди: «Баронессага бирон нима керак бўлган бўлиши мумкин-ку ахир!» деди у ўз-ўзига ва баланд овозда хотиржам, ишонч билан сўради:

– Ким у?

Паст товуш жавоб қайтарди:

– Бу менман.

– Ким? – қайта сўради Шарлотта овозни танимагани учун, Унинг назарида эшик ортида Капитан тургандек эди. Овоз хийла баландроқ эшитилди: – Эдуардман.

Шарлотта эшикни очди, олдида эри туради. Эдуард у билан ҳазил аралаш саломлашди. У ҳам шу оҳангда жавоб қайтаришга муваффақ бўлди. Эдуард ўзининг сирли ташрифини сирли изоҳлар билан хаспўшлашга уринди.

– Нега келганимни билмокчи бўлсанг, – деди у ниҳоят, – шунга икрор бўлишим керакки, бугун кечқурун сенинг туфлингни ўпаман, деб ўзимга сўз бергандим.

– Бу анчадан бери хаёлингта келмаганди! – деди Шарлотта.

– Бир томондан ёмон, – жавоб берди Эдуард, – иккинчи томондан яхши бўлти!

Ўзининг енгил тунги кийимини унинг назаридан яшириш мақсадида Шарлотта оромкурсига ўтирди. Эдуард унинг олдида тиз чўкди, эри ўзининг туфлисини ўпишига Шарлотта қаршилик қилолмади, туфли эрининг қўлида қолди ва у хотинининг оёғини кучдида, уни меҳр билан кўксига босди.

Шарлотта шундай аёллар тоифасига кирадики, бундайлар табиатан ўртacha бўлиб, оилавий ҳаётда ҳам ўзларини хеч бир зўрма-зўракиликсиз, табиий, худди маъшукалардек тутишади. У хеч қачон эрида эхтирос

кўзғатишга уринмаган, унинг истакларига ҳам деярли қаршилик кўрсатмаган, аммо, эътиборсиз ҳам бўлмай, ўзидан бездирадиган қаттиққўллик ҳам қилмасдан, мумкин бўлган ишлардан ҳам ҳамиша ботинан тортиниб турадиган севувчи келинга ўхшаб турарди. Бу оқшом Эдуард олдида унинг бу хусусияти икки баравар ошганди. Эрининг кетишини у чунонам юракдан истардик; негаки дўстининг шарпаси гўё унга таъна қилаёттандек эди. Бироқ айни ўша, Эдуардни нари итариши керак бўлган нарса уни Шарлоттага томон тортарди. У олдин йиғлаган эди, табиатан иродаси суст аёллар йиғлагандан сўнг ўз тароватларини йўқотишса, биз одатда кучли ва қатъиятли деб ҳисоблаган аёллар кўз ёшлардан, аксинча, ютадилар. Эдуард шундай шириңсўз, шундай меҳрибон, шундай қатъий эдик, у шу ерда қолишга Шарлоттадан рухсат сўради; у ҳеч нарса талаб қилмас, лекин ярим ҳазил, ярим чин уни кўндиришга уринарди; у ўз ҳак-хукуки ҳақида ўйламасди ҳам ва ниҳоят, ўйинқароқлик билан шамни ўчирди.

Мана энди, фақат тунги чирокнинг хира нурида ички интилиш, хаёл кучи борлик устидан ғалаба килди. Эдуарднинг оғушида гўё Оттилия эди-ю, Шарлоттанинг кўксига гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоклашиб Капитаннинг тимсоли сузуб юарди, шуниси қизиқки, бу ерда мавжуд бўлмаган нарса мавжудлари билан жозибали ва мафтункор бир тарзда аралаш-куралаш бўлиб кетганди.

Нима бўлганда ҳам, айни лаҳзаларни ўзининг дахлизиз ҳак-хукуқидан маҳрум қилиб бўлмайди. Туннинг бир қисмини улар сұхбатлашиб, ҳазил-хузул қилиб ўтказишиди, қанчалик эмин-эркин сўзлашишмасин, афусски, қалблари бунда иштирок этолмади. Бироқ Эдуард тонгда ўз хотини тўшагида уйғонганида, гўё янги кун деразадан хунук мўралаб тургандек туюлиб кетди. У секин ўрнидан турди-ю, жўнаб қолди, Шарлотта уйғонганида эса, ёлғиз ётганини кўриб ажабланди.

Ўн иккинчи боб

Эрталаб бутун жамоа нонуштага тўпланишганда, агар зийрак кузатувчи бўлса, уларнинг ҳар биридаги бир-бирларига бўлган муносабатдаги, ички туйғулари ва кайфиятларидағи фаркни илғаб олган бўларди. Граф билан Баронесса икки севишган кимсалар бошдан кечирилган айрилиқдан сўнг ўзларини боғлаб турган туйғуларига қатъий ишонч ҳиссини туйган ҳолда кувончли кайфиятда учрашишган бўлса, Эдуард билан Шарлотта гўё Оттилия билан Капитан олдидা уялаётгандек ва пушаймон бўлаётгандек эди. Негаки муҳаббат шундай нарсаки, у фақат ўз ҳак-хукукини талаб қиласди ва бошика ҳар қандайи унинг олдидা абасдир. Оттилия болаларча шўх ва табиатига кўра очиқкўнгил эди. Капитан жиддий кўринарди; Граф билан бўлган сухбат унинг кўнглида маълум муддат гўё тинчланиб, ухлаб қолган ҳамма нарсани қўзғатиб юборган ва у мисоли бу ерда кўпам зарур эмасдек, аслида фақат вактни ўлдириш учун наридан бери қимиirlаб юргандек ҳис эта бошлаган эди. Иккала меҳмон жўнаб кетиб улгурмасданоқ янги меҳмонларни кутиб олишга тўғри келди, бу кўнглини ёзиш, ўзини унтишни хоҳлаган Шарлоттага маъқул бўлди; аксинча, Оттилия билан мулоқот қилишга ўзида икки карра интилиш сезган Эдуардга ёқмади; шунингдек, эртага эрталабга тайёр қилиши керак бўлган нусхани ҳали кўчириб улгурмагани учун Оттилияга ҳам ёқмади. Шунинг учун ўша одамлар жўнаб кетишганлари заҳоти дарҳол ўз хонасига шошилди.

Кеч кирди. Эдуард, Шарлотта ва Капитан, меҳмонлар ҳали каретага жойлашиб улгуришмай, уларни кузатиш мақсадида бироз пиёда боришли, кейин ҳовуз бўйларида айланиб келишга қарор қилишли. Айни шу куни Эдуард узок жойдан анчагина пулга буюртирган қайиқни олиб келишли. Ҳаммалари, қайиқ енгилмикан, уни бошқариш осонмикан, синаб кўрмоқчи бўлишли. У ўртадаги ҳовуз бўйига, бир тўп кекса

эмнлар яқинига боғлаб қўйилган эди, боғда келгусида бўладиган ўзгаришлар лойиҳасида ўша эмнлар ҳам ҳисобга олинган эди. Бу ерда бандаргоҳ бўлиши, дараҳтлар остида кўлда сузиб юрган қайиқчилар ўз йўлларини бурадиган шинам дам олиш павилиони қурилиши лозим эди.

– Нариги томонда қаерда бандаргоҳ қисак яхшироқ бўларкин-а? – сўради Эдуард. – Менинг чинорларим ёнида бўлса керак, деб ўйлайман.

– Улар ўнг томондан анча узокда, – деди Капитан. – Агар пастроқда тўхтайдиган бўлса, унда қасрга яқинроқ бўлади; ҳархолда ўйлаб кўриш керак.

Капитан аллақачон қайиқнинг куйруқ тарафида эшкакни қўлига олди. Шарлотта қайиқка чикди, орқасидан Эдуард эргашди ва иккинчи эшкакни олди, лекин энди эшкакни тортмокчи бўлганида Оттилия эсига тушди, сувдаги сайрда узок қолиб кетишини, ким билади қачон қайтиши мумкинлигини ўйлади. У шу заҳоти бир қарорга келди-да, қайиқдан сакраб тушди, кўлидаги эшкакни Капитанга узатди ва апил-тапил узр сўради-да, уйга томон шошилди.

У ерда унга, Оттилияниң ичдан бекитиб олиб ёзаётганини айтишди. Қиз унинг учун нимадир қилаётганидан кўнгли яйраб кетган бўлса-да, уни ёнида кўролмаслигидан аччик афсус чекди.. Ундаги бетоқатлик лаҳза сайин ортаборди. У катта зал бўйлаб у ёқдан-бу ёкка бориб келди, нималар биландир шуғулланмоқчи бўлди, бирок бирон нарсага диккатини жамломади. Оттилияни кўришни, Шарлотта билан Капитан қайтиб келгунларича ёлғиз кўришни истарди. Тун чўкди, шамларни ёкишди.

Ниҳоят, мафтункорликдан гул-гул очилган Оттилия кириб келди, Дўсти учун нимадир килолгани ҳакидаги туйғу уни ўз наздида кўкларга кўтарарди. У асл нусхани ва кўчирилган нусхани Эдуард олдига стол устига кўйди.

– Солиширасизми? – сўради у табассум қилиб.

Эдуард нима деб жавоб килишни билмасди. У

қизга қаради, күчирилган қоғозга қаради.

Дастлабки саҳифалар нафис аёллар дастхатида ғоятда хафсала билан ёзилган, кейин усул гүё ўзгарган, енгилрок ва эркинрок тус олганди; бирок сўнгти саҳифаларга кўз югуртириб чиқкан Эдуард хайратда қолди:

– Худо ҳакқи! – хитоб қилди у, – бу нимаси? Бу менинг дастхатим-ку!

У Оттилияга қаради, тағин қоғозга назар солди, айниқса унинг охири бутунлай унинг ёзуви эди. Оттилия жим, аммо Эдуарднинг кўзларига юксак кониқиши билан қараб турарди. Эдуард унга кўлларини узатди.

– Сен мени севасан! – хитоб қилди у. – Оттилия, сен мени севасан! – Улар бир-бирларини бағриларига босишиди. Ким кимни аввал кучоқлади, фарқлаб бўлмасди.

Шу лаҳзалардан бошлаб Эдуарднинг кўзи олдида олам тамоман ўзгарди, унинг ўзи ҳам аввалгидек эмас, дунё ҳам аввалгидек эмасди. Улар рўбарў туришар, Эдуард қизнинг кўлларидан ушлаб олган, яна қучоқлашишмоқчи бўлгандек, бир-бирларининг кўзларига тикилишган эди.

Шарлотта билан Капитан кириб келишиди. Узок ушланиб қолишгани учун узр сўрашганида Эдуард мийигида кулиб кўйди ва: «О, бунчалар барвакт кайтдинглар! » дея ичидаги ўйлаб кўйди.

Кечки овқатга ўтиришиди. Бугунги меҳмонларни муҳокама қила бошлишиди. Севгидан маст бўлган Эдуард уларнинг ҳар бири ҳақида яхши, андиша билан, ҳатто кўпроқ маъқуллаб гапирди. Бу фикрларга учалик қўшилмаган Шарлотта ундаги бу кайфиятни пайқади ва одатда меҳмонлар кетгандан кейин уларни аямай коралайдиган одам, бугун бунчалик мулойиму меҳрибон бўлиб қолибди, деб ҳазиллашиди.

Эдуард қатъий ишонч билан қизғин хитоб қилди:

– Битта одамни жон-танинг билан севсанг, ўшанда кўзингга қолган ҳамма одамлар севишга муносиб бўлиб кўринади!

Оттилия кўзларини пастга олди, Шарлотта эса бир нуктага тикилган эди.

Капитан хам ўз фикрини изҳор килди:

– Бирони беҳад ҳурматлаш, қадрлаш туйғусида ҳам худди шунга ўхшаш нарса бор. Биттагина одамга шундай ҳис-туйғуни бағишилаш қудратига эга бўлганингдагина дунёдаги қадрли нарсани англаб етасланасан.

Шарлотта бугун кечқурун Капитан икковлари ўртасида содир бўлган воқеалар хотирасига берилиш учун дарров ўз ётоқхонасига кетишга ҳаракат қилди.

Эдуард ерга сакраётиб қайиқни кирғокдан нари итариб, хотини билан дўстини чайқалаётган муҳит ихтиёрига ташлаб кетгач, Шарлотта ўзи уни деб қанчалар азоб чеккан одамнинг ғира-шира қоронғиликда олдингинасида ўтирганини, эшқаклар билан қайиқни гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга бошқариб бораётганини кўрди. У камдан-кам бўладиган чукур ғам-ғуссага чулғанди. Қайиқнинг ҳаракати, эшқакларнинг шалоплаши, гоҳо сув юзасини сийпаб ўтган шабада, камишларнинг шилдираши, кечиккан күшларнинг канот қоқиши, дастлабки юлдузларнинг милтиллаши ва сувдаги акси – буларнинг барчаси чексиз сукунат бағрида худди хаёлий бир нарсага ўхшарди. Гўё дўсти уни узок-узокларга олиб бориб, кирғокка тушириб, ёлғиз ўзини қолдириб кетадигандек туюларди. Унинг юрагини ғайриоддий бир ҳаяжон қамради, у йиғлаёлмасди.

Бу орада Капитан, унинг фикрича боғ қандай бўлишини тасвирлади. Қайиқнинг афзалликларини таъриф-тавсиф қиласкан, уни битта одам иккала эшқак билан осонгина бошқара олиши мумкин, деди. Шарлотта ҳам буни ўзи ўрганиб олса бўлади, баъзан одам якка ўзи сувда, бир вактнинг ўзида ҳам эшқачи, ҳам бошқарувчи бўлиб сайр қилса, бундан ёқимли туйғу йўқ.

Бўлғуси айрилиқни ўйлаб Шарлоттанинг юраги сиқилиб кетди. «У буни атайлаб айтятпими? –

ўйлади у ўзича. – У ҳам бу ҳақда биладими? Тахмин қиляптими? Ёки, ўзи ҳам сезмаган ҳолда тасодифан менинг қисматимни олдиндан айтиб беряптими?» Унинг қалбини чукур ғам-ғусса, бетоқатлик چулғаб олди; у Капитандан тезрок қирғокқа чиқиб, қасрга қайтишни илтимос қилди.

Капитан илк дафъа ҳовузларни айланиб ўтди, уларнинг чукурлигини аввал бир қадар текширган бўлсада, айрим жойлари унга нотаниш эди. Қоронғилик куюклаша борди; у йўлни қирғокқа чиқиш кулайрок бўлган жойга томон бурди, ўша ердан сўқмоқ йўл бўйлаб қасрга борса бўларди. Шарлотта, вахимага тушиб қуруқликка чиқайлик, дея илтимосини такрорлагач, ўйлаган йўлидан ҳам қайтди.

У қирғокқа яқинлашиш учун янгидан ҳаракат қилди, бироқ маълум масофага етганда қайик сузмай қолганини сезди, у саёзликка тиқилган эди, уни чиқариб олишга бўлган бутун ҳаракатлари беҳуда кетди. Нима қилиш керак? Унинг унча чукур бўлмаган сувга тушиб, дўстини қирғокқа кўтариб ўтишдан бошқа иложи қолмади. У ўзининг суюкли юкини эсон-омон қуруқликка олиб чиқди, у мувозанатини йўқотмаслик ёки Шарлоттага бирор зиён-заҳмат етказмаслик учун етарли куч-кувватга эга эди; шундай бўлса ҳам Шарлотта кўрқанидан унинг бўйнидан кучоқлаб олди. Капитан уни маҳкам ушлаб, бағрига босиб олганди. У Шарлоттани ниҳоят ўт ўсган ерга кўйганида ҳаяжон ва саросимада эди. Шарлотта қўлларини халиям унинг бўйнидан олмаган эди, у аёлни тағин кучоқлаб олди-да, лабларидан қаттиқ ўпди; аммо шу заҳотиёқ унинг оёқларига йиқилди, қўлларига лабини босиб, хитоб қилди:

– Шарлотта, мени кечирасизми?

Дўсти журъят қилган, ўзи ҳам деярли унга қайтарган бўса Шарлоттани ўзига келтирди. У Капитаннинг қўлини кисди, бироқ уни ўрнидан турғизмади. Унга томон энгашиб, қўлини унинг елкасига қўйиб нидо қилди:

— Ушбу лаҳза ҳаётимизда бутун бир давр бўлиб қолади, бунга халал бериш қўлимиздан келмайди, лекин шу даврни ўзимизга муносиб қилиш бизга боғлик. Сиз кетишингиз керак, азиз дўстим, Сиз кетасиз. Граф Сизнинг ҳаётингизни яхшилаш ниятида; бу мени ҳам хурсанд қилади, ҳам хафа қилади. Ҳамма нарса аник бўлгунича мен бирон сўз айтмоқчи эмасдим; аммо ушбу лаҳза сирни очишга мени мажбур қилади: ўз ахволимизни ўзгартириш учун бизда кучкүвват етгандагина мен ўзимни ҳам, Сизни ҳам кечира оламан, бироқ хис-туйғуларимиз устидан ҳукмронлик қилиш қўлимиздан келмайди. У Капитанни турғизиб, қўлларига суянган кўйи жимгина қаср томон йўл олишиди.

Мана энди бўлса у ўз ётоқхонасида турар, бу ерда Эдуарднинг хотини эканлигини ҳис этмай, тан олмай иложи йўқ эди. Шундай қарама-қаршиликлар гирдобида унга хилма-хил ҳаётий синовларда чиниккан қатъиятли феъли ёрдамга келди. Ҳар бир нарсада ўзига хисоб беришга, ўзини қўлга олишга одатланган Шарлотта бу гал ҳам ҳаммасини мулоҳаза элагидан ўтказгач, осонгина хоҳлаган рухий осойишталика эриша олди; ғаройиб тунги ташриф эсига тушиб ўзича мийифида кулиб кўйди. Бироқ шу аснода уни хайрли истак ва умидлар ила қоришиб кетган ғалати бир туйғу, қувончли-қўркинчли титрок камраб олди. Тўлкинланиб тиз чўкди-да, меҳроб олдида Эдуардга қилган қасамёдини тақрорлади. Дўстлик, мойиллик, ўз манфаатидан воз кечиш ёрқин тимсолларда унинг кўз олдидан ўтабошлади. Кўп ўтмай уни тотли ҳорғинлик чулғади-да, хотиржам уйқуга кетди.

Ўн учинчи боб

Эдуард ўзича мутлако бошқача кайфиятда эди. Ухлаш ҳақида шу даражада кам ўйладики, ҳатто ечи-ниш ҳаёлига ҳам келмасди. Ҳужжатнинг кўчирилган нусхасини, Оттилияning болаларча содда ёзувидаги

бош қисмини минг марталаб ўпарди; охирини ўпгиси ҳам келмасди, назарида буёгини ўзи ёзгандек туюларди. «О, бу бошқа хужжат бўлганда эди!» деярди у ичida, бу хужжат унинг энг эзгу истаги рўёбга чиқсанлигиги нинг энг гўзал исботи эмасми, ахир! Бу қоғоз унинг қўлида қолмайдими! Учинчи бир кишининг имзоси билан хунуклашган бўлса-да, уни узлуксиз кўксига босмайдими, ахир!

Кичрайиб бораётган ой ўрмон тепасига чиқди. Илиққина тун Эдуардни ташқарига ундарди; у қаср атрофида айланди, у барча бандаларнинг энг бетоқати ва энг баҳтлиси эди, боғларда айланди, улар унинг учун жуда тор туюлади; у далага шошилди, дала унга жуда кенг туюлди. Яна қасрга қайтгиси келди, Оттилияning деразаси олдида тўхтади. Терраса зинасига ўтириди. «Деворлар ва панжаралар, – ўйлади у ичida, – бизни ажаратиб турипти, аммо қалбларимиз ажралмасдир. Агар ҳозир у шу ерда бўлсайди, у менинг, мен унинг кучогига отилардик, шундай ишончдан ўзга тағин менга нима керак!» Атроф жимжит, биронта барг ҳам шитир этмасди; шу қадар жимжитлик эдики, ҳатто ер остидаги кун билан туннинг фарқига бормайдиган тиниб-тинчимас ҳайвонларнинг ер ковлашлари унга эшитилиб турарди. У ўзининг баҳтиёр хаёлларига гарқ бўлганча охир үхлаб қолди ва қуёш чиқиб, чароғон нурлари билан тонгги туманларни тарқатган пайтда уйғонди.

У ўз мулкида уйғонгандарнинг биринчиси эди. Назарида ишчилар ишга жуда кечикишаётгандек эди. Улар келишди; унинг кўзига улар ҳам, бугунга мўлжалланган ишлар ҳам беҳад оз кўринди. У кўпроқ ишчиларни талаб қилди, унга ваъда беришди ва ўша куниёқ уларни жўнатишиди. Аммо ўз режаларининг тезроқ рўёбга чиқанини қўришга шошилгани учун булар ҳам оз туюлди. Янги нарса яратиш унга қувонч бағишламайди: у ҳаммаси тезроқ тайёр бўлишини хоҳлади – ким учун? Оттилияning юришига қулай бўлсин учун йўллар курилиши, Оттилия дам олиш

имконига эга бўлиши учун ўриндиқлар ўз жойида туриши керак. Янги уй қурилишини ҳам кучи етганча тезлаштирумокда: у Оттилияниг таваллуд кунига қуриб битказилиши лозим. Эдуард на хаёлда тиним билади, на фаолиятда. Севиши ва севимли эканлиги ҳақидаги туйғу барча сарҳадлар оша уни чексизликка етаклайди. Назарида барча хоналар, бутун теваракатроф тамоман ўзгариб кетган! У ўз уйини ҳам танимай қолган. Оттилияниг ҳозирлиги бошқа ҳамма нарсани ютиб юборган: у гўё Оттилияга қўшилиб кетган; у ортиқ ҳеч нарса ҳақида ўйламайди, виждан деган нарса хаёлига келмайди; шу пайтгача унинг табиатида бекиниб ётган барча туйғулар юзага чиққан, унинг бутун вужуди Оттилияга томон интилади.

Капитан бу талвасали изтиробларни кўриб туриб, унинг аянчли оқибатларидан огоҳлантиришга уринади. Ҳозирги пайтда беҳад ошиғич тарзда бир томонлама қилинаётган барча тадбирларни у биргаликдаги хотиржам турмуш учун режалаштирган эди. Хуторни сотишга ҳам унинг ўзи бош-кош бўлди, пулнинг бир қисми қўлга тегди, келишилганидек, Шарлотта бу пулларни ўз кассасига қўйди. Лекин Шарлотта ҳозир, биринчи ҳафтада қатъиятли ва сабр-тоқатли бўлиб, тартиб-интизомга риоя килиши керак; чунки бунаقا шошилишда маблағ узокқа бормайди.

Кўп ишлар бошлаб қўйилган, лекин ҳали кўп нарса қилиниши лозим эди. Капитан қандай қилиб шунча ташвишлар билан Шарлоттани ёлғиз ташлаб кетади! Улар маслаҳатлашиб, шундай қарорга келишдик, режалаштирилган ишларни яхшиси тезлаштиришади, қарзга пул олиб, уни тўлаш муддатини сотилган хуторнинг қолган пуллари келгунига қадар узайтиришади. Бу ишни ўша пулига эгалик ҳукуқидан воз кечиш йўли билан деярли безиён қиласа бўларди; қўл ҳам узун бўларди; ҳамма ишлар жой-жойига қўйилган, ишчилар етарли, ҳатто керагидан ортиқ бўлгач, тез орада мақсадга етса мумкин, албатта. Эдуард бунга жон деб рози бўлди, зеро бу йўл унинг ниятларига тўла мос келарди.

Бу орада Шарлотта ич-ичидан ўзи олдиндан ўйлаб, бир қарорга келиб күйган фикрида қолаверди, дүсти уни бу ишда мардларча құллаб-куватлаб турди. Айни шу нарса уларнинг бир-бирларига ишончларини янада оширди. Улар Эдуарднинг эктироси хусусида фикрлашишди, нима қилиш кераклиги ҳақида маслағатлашишди. Шарлотта Оттилияни ўзига яқынрок тортишга уринар, уни қаттиқ кузатарди, унинг ўз қалби ўзига қанчалик ойдинрок бўла борса, қизнинг қалбига ҳам шунчалик чуқуррок назар ташлай борарди. У қизни бу ердан узоқлаштиришдан ўзга најот йўлини кўрмасди.

Кизи Люсиананинг пансионатдаги ютуқларига берилган аъло баҳо Шарлоттага Худонинг хайрли инояди бўлиб туюлди. Бундан хабар топган холаси уни бутунлай ўз ёнига олиб кетиш, ўзи билан бирга олиб юриб, олий давраларга олиб чиқиш ниятида эди. Оттилия пансионатга қайтиб борса бўлаверади, Капитан ҳам бу ердан кетгач, хотиржам ҳаёт кечирадиган бўлар, ҳамма нарса бир неча ой олдингидек ўз изига тушиб, ҳатто ундан ҳам яхшироқ бўлиб кетарди. Шарлотта ўзининг Эдуардга муносабати тез орада тикланишига ишонарди, у ҳаёлида ҳамма нарсани шундай аниқ ҳисоб-китоб килдики, бу гўё илгариги чегаралangan ҳолатга тағин қайтиш, куч билан юзага чиқкан туйғуларни тағин ўзининг тор қафасига жойлаш мумкин, деган хато фикрни мустаҳкамлади.

Бу орада Эдуард ўз йўлига кўйилган тўсиклардан жуда қаттиқ оғринди. Кўп ўтмай у, ўзини ва Оттилияни бир-бирларидан узоқлаштиришга уринаётгандарини, ёлғиз сухбатлашишга, ҳатто у билан бошқалардан холи учрашишга халақит беришаётганини сезиб қолди, бундан хафа бўлган Эдуард бошка нарсалардан ҳам хафа бўла бошлади. Борди-ю, унга Оттилия билан йўлакай сўзлашиш имкони туғилиб қолса, унга факатгина ўз севгисини изҳор қилибгина қолмай, хотини ва Капитан устидан шикоят ҳам киларди. У ўзининг тизгиниз қиликлари билан маблағга қирон келтираётганини сез-

мас, Шарлотта билан Капитанни иш жараёнида дастлабки келишувга риоя қилмаганликда айблар, аслида эса, ўзи ҳам худди шундай қилишга рози бўлган, ҳатто шундай қилишни зарур деб ҳисоблаган эди.

Нафрат – адолатсизлик, аммо муҳаббат ундан ҳам баттар. Оттилия ҳам Шарлотта билан Капитандан бир қадар бегонасирай бошлади. Бир куни Эдуард Оттилияга, Капитаннинг дўст сифатида мана шунақа шароитларда уччалик самимий ҳаракат қилмаётгани ҳақида арз қилганида, Оттилия мулоҳаза қилмасдан жавоб қайтарди:

– Унинг Сизга нисбатан уччалик самимий эмаслиги менга аввалданоқ ёқмаганди. Бир куни унинг Шарлоттага: «Эдуард сибизғасини дудуллатмасдан бизни аяса эди! Бу унинг кўлидан келмайди, уни эшитиш ҳам кишига малол келади» деганини эшигандим. Бу менга қанчалик оғир ботганини тасаввур эта оларсиз, ахир мен Сизга жон деб жўр бўламан-ку.

Гапини тутатар-тутатмас, ички бир овоз унга «яхшиси, индамасанг бўларди», дея шивирлади; бирор энди кеч эди. Эдуарднинг чехраси ўзгарди. Ҳеч қачон бирон-бир нарса шунчалик уни ранжитмаган эди; унинг энг севимли интилишларига, заррача ҳам зътиrozларга сабаб бўлмайдиган болаларча эрмагига тил теккизилган эди. Уни қизиктирадиган, уни қувонтирадиган нарсаларга дўстлари эҳтиёткорлик билан муносабат билдиришлари лозим эди-ку, ахир. У, укувсиз мусиқачи тингловчиларнинг қулоғини қоматга келтириши нечоғлик даҳшат эканини ўйлаб кўрмаган эди. Унинг иззат-нафси лат еган, ҳеч кечиролмас, қаҳрғазабга тўлган эди. У ўзини ҳар қандай мажбуриятлардан озод ҳис этди.

Оттилияning ёнида бўлиш, уни кўриш, унга нималарнидир шивирлаш, бирор нимани айтиш истаги унда кундан-кунга ортаборди. Яширикча хат ёзишишни сўраш мақсадида Оттилияга мактубча ёзишга қарор қилди. Шу истак қисқагина баён қилинган қоғоз парчаси ёзув столи устида ётарди, хизматкор Эдуарднинг

соchlарини жингалак қилиш учун кириб келганида елвизакдан учиb ерга тушди. Қиздирилган қисқични текшириб кўриш учун хизматкор одатда ерда ётган бирорта қоғозчани оларди; бу гал у ўша хатчани олиб, дарҳол қисди ва қоғоз қовжираб қолди. Бу қилиқни кўриб қолган Эдуард уни хизматкор кўлидан тортиб олди. Кўп ўтмай у бошқасини ёзишга ўтируди, иккинчи дафъа ҳам қалами унга бўйсунмади. Унинг юрагини бир қадар иккиланиш, бир қадар ғалаён камраб олди, бироқ буни енгди. У Оттилиянинг яқинига бориш имкони туғилган заҳоти қоғозчани унинг кўлига тикди.

Оттилия жавоб ёзишни кечиктирмади. У хатчани ўқимасдан бичими калта нимчасининг саёзгина чўнтағига солиб қўйди. Қоғозча чўнтақдан сирғалиб чиқиб ерга тушди, буни Эдуард сезмади. Шарлотта уни кўриб қолди-да, ердан олиб, шошилинч кўз ташлагач, унга берди.

– Манави сенинг кўлинг билан ёзилган қоғозга ўхшайди, – деди у, – бунинг йўқолиб қолишини истамасанг керак.

Эдуард гарангсиб қолди. «Муғомбирлик қиляпти-микан? – ўйлади у. – У хатчанинг мазмунини ўқиб олди-микан ёки уни ёзувларнинг ўхшашлиги чалғитяпти-ми?» У сўнгти фикрга умид боғлади, шуни тахмин қилди. Уни огохлантиришди, каттиқ огохлантиришди; бироқ бу ғаройиб, кутимаган, гўё аллақандай олий бир куч биз билан мулоқот қилаётгандек туюлган ишоралар унинг эҳтирослари олдида тушунарсиз бир нарса эди; эҳтирослари кучайган сайин бошқаларнинг уни чегаралашга интилишлари дилини шу қадар кўпроқ оғритарди. Ундаги дилкашлиқ, самимият барҳам топди. Ўзи билан ўзи бўлиб қолди ва дўсти ҳамда хотини билан вакт ўтказишга мажбур бўлиб қолса, энди уларга бўлган илгариги яқинликни қайта тиклашга, қайта жонлантиришга кучи етмасди. Шу муносабат билан у ўзига ўзи таъна қилишга мажбур бўлса, бу унга нокулай туюларди, бир илож қилиб ҳазил-хузул қилмоқчи бўлса, бу ҳам ҳар қандай самимияту одатдаги мафтункорлигидан маҳрум эди.

Мана шу синовларнинг барчасини кўтаришда Шарлоттага унинг ирода кучи кўмакка келди. У мана шундай гўзал, олижаноб муҳаббат туйғусидан воз кечиш ҳақидаги жиддий қарорнинг фаҳмига етиб турарди.

Анави икковига ҳам ёрдам беришни шу кадар истардики! У сезиб турарди: бундай ярани даволаш учун бу ердан узоклаштиришнинг ўзи камлик қиласди. У қизгина билан бу масалада гаплашиб олишга карор қилди, аммо бунга кучи етмади: ўз иккилашилари ҳақидаги хотиралар унга халақит берди. Бу хақда умумий гаплар билан чегараланиб қўяқолди; шу умумий гаплар эслашга журъат қилолмаётган ўз аҳволига жуда мос келарди. У Оттилияга килмоқчи бўлган ҳар бир ишора ўз қалбига ҳам тегишли эди. Қизни огоҳлантирумокчи бўларди-ю, лекин ўзи ҳам ўша огоҳлантиришга муҳтоҷ эканлигини ҳис этарди. Шунинг учун у сукут сақлаган ҳолда севишганларни алоҳида қилишга ҳаракат қилди, бироқ бундан ахвол яхшиланмади. Гоҳо унинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетадиган имо-ишоралар Оттилияга таъсир қилмасди. Эдуард Шарлоттанинг Капитанга мойиллиги ҳақида Оттилияга сездириб кўйган, яна Шарлоттанинг ўзи ажрашишни истаётганини, Эдуард бунга яхшилик билан эришиши мумкинлигига ҳам ишора қилиб кўйган, Оттилияни бўлса ўзининг гуноҳсиз эканлиги ҳақидаги туйғу ушлаб турар, қалбининг туб-тубидан истаган баҳтга эришиш йўлида у факат Эдуард учунгина яшарди. Унга бўлган муҳаббати туфайли ўзининг барча хайрли ишларидан куч-кувват олиб, ҳар қандай ишни унинг учунгина бажариб, бошқалар билан янада самимийрок муносабатда бўлиб, ўзини ердаги жаннатда ҳис этарди.

Улар шу тахлит ҳаммалари бирга, ҳар бири ўзича, эртанги кун ҳақида гоҳ қайғуриб, гоҳ қайғурмай умргузаронлик қилишарди: ҳамма ишлар ўз изида давом этар, гўё ҳаёт гаровга тикилгандек, фавқулодда ҳолатлардагидек, ҳечнарса юз бермагандек, кунлар бир хилда ўтиб борарди.

Ўн тўртинчи боб

Шундай кунларда графдан Капитанга хат, ҳатто қўшалоқ хат келди: истиқболга улкан ваъдалар бе-рувчи биттасини ҳаммага зълон қилса бўларди; ик-кинчисида эса майор унвони, катта маош ва бошка имкониятларга эга бўлган обрўли лавозимни эгаллаш ҳақидаги аниқ таклиф баён қилинган эди, айрим муҳим сабабларга кўра буни ҳозирча сир тутиш та-лаб қилинарди. Шу сабабли Капитан дўстларига узок келажакдан кутадиган умидлари ҳақида сўзлади, холос. Яқин орада бўладиган ишлар ҳақида инда-мади.

Бу орада у бошланган ишларни жадал давом эттириди, ўзи кетганидан кейин ҳаммаси аввалгидек давом этиши учун зимдан чора-тадбирлар кўриб қўйди. Энди ҳамма ишларни аниқ бир муддатга, Оттилиянинг туғилган кунига тугаллаш лозимлигини у ҳам англаб етди. Мана энди иккала дўст ўзаро келишувсиз ҳам биргаликда ҳаракат қилишарди. Эдуард беҳад мамнун: карз олинган пуллар эвазига касса анча бойиди, ишлар жадал олдинга силжияпти.

Учта ҳовузни битта кўлга айлантириш режаси-ни ҳозирги пайтда Капитан жон-жон деб рад қилган бўларди. Пастки тўғонни мустаҳкамлаш, ўргадагисини олиб ташлаш керак, буларнинг бари умуман олганда кийин ва қалтис эди. Бироқ бир-бири билан боғлик ҳар иккала иш ҳам бошланган эди, бу ерда айни пайтида Капитаннинг собиқ шогирди ёш меъмор пайдо бўлдики, у гоҳ моҳир усталар ёрдамида, гоҳ байлаб бе-рилган ишларнинг мумкин бўлган жойларда топшири-лиши туфайли ишни олдинга силжитиб, курилишнинг ишончли ва мустаҳкам бўлишига кафолат берарди; Капитан бўлса, ўзининг йўклиги сезилмаслигидан кувонарди. Чунки унда ўзига муносиб ўринбосар то-пилмагунча ниҳоясига етмаган ишни ташлаб кетиш одати йўқ эди. Ҳа, у ўзларининг кетишини сездиришга уриниб, иш жойларидаги муҳитни чигаллаштира-

диган, ўзлари ортиқ иштирок этмайдиган жойларни пала-партиш қилиб ташлашга уринадиган худбин одамлардан беҳад нафратланарди.

Шундай қилиб, ҳамма жон күйдириб ишлар, ҳеч ким очиқ гапирмаса-да, ўз олдига аник шундай мақсад қўймаса-да, ҳамма Оттилияниг туғилган кунини тантанали байрам қилиш ниятида эди. Бирок Шарлоттанинг ҳар қандай ғайирликлардан холи фикрича бу ҳакиқий байрамга айланмаслиги керак эди. Оттилиянинг ёшлиги, хонадондаги ўрни, оиласа муносабати унга байрам маликасига айланишга йўл бермасди. Эдуард бўлса, бу ҳақда оғиз очишни истамасди, унинг фикрича ҳаммаси ўз-ўзидан, кутимаганда, табиий бир тарзда юз бериши, қувонтириши керак эди.

Ҳамма бирдек сўзсиз қарорга келдики, ўша кунга ёзги уй битиши керак ва шу муносабат билан ҳалқни ҳамда ёру дўстларни таклиф қилиб, байрам уюштирилади.

Аммо Эдуарднинг муҳаббати чексиз эди. Оттилияни ўзиники ҳисоблашга ҳаракат қиларкан, ундаги фидойилик, тухфалар, ваъдаларнинг чеки йўқ эди. Ўша куни унинг Оттилияга Шарлоттанинг маслаҳати билан тортиқ қилмоқчи бўлган байрам совғалари унга ғоят ғариб кўринди. У ўзининг кийим-кечагига қараб турадиган, ҳар хил кийимлар билан савдо килувчи одамлар билан доимо алоқада бўлиб турадиган хизматкори билан маслаҳатлашди; қандай пайтда қанақа совға-саломларни, қай тарзда тортиқ қилишнинг фахмига дурустгина етадиган хизматкор дарҳол шаҳарда нағисгина сандикча буюртириди, унинг устига қизил сахтиён тери қопланган, пўлат михлар коқилган бўлиб, ичи ана шундай идишга мос совға-саломлар билан тўла эди.

У Эдуардга яна бир маслаҳат берди. Отишга шу пайтгача ҳеч бир имкони бўлмаган мушак бор эди. Уни тўлдириш ва кенгайтириш кийин эмас эди. Эдуард бу таклифга ёпишиб олди, хизматкор буни ташкил

килишга ваъда берди. Ушбу тадбир ҳакида ҳеч кимга оғиз очишмади.

Бу орада Капитан байрам куни яқинлашган сари тартибни саклаш йўл-йўриклари ҳакида ғамхўрлик килди, унинг фикрича, бир жойда кўп одамлар, томошабинлар тўпланганда бу нарса жуда мухим эди. У байрам куни тиланчиларни бу ерга йўлатмаслик, тантананинг тароватини бузадиган бошқа ҳолларнинг олдини олишнинг ҳам йўлини қилиб қўйди.

Эдуард билан унинг ишончли кишиси эса мушак отишга тайёргарлик билан банд эди. Уни ўрта ховуз бўйидаги бир тўп баланд эманлар олдидан туриб отиш мўлжалланган эди; одамлар эса рўпарадаги чинорлар остида туриб, керакли масофадан мушакнинг ёнишини, сувдаги аксини ва сув бетида оловнинг жимжимадор товланишини bemalol, бехатар томоша килишлари керак эди.

Арзимаган бир баҳона кўрсатиб Эдуард чинорлар ости, атрофидаги майдонни шох-шаббалар, ўтўланлар, чимлардан тозалашни буюрди, шунда тартибга келтирилган майдонда энiga ва бўйига шохлаб кетган бу дарахтлар бутун салобати билан кўзга ташланди. Бундан Эдуарднинг қалби қувончга тўлди. «Буларни мен йилнинг тахминан шу маҳалида ўтқазган эдим. Неча йил ўтди ўшандан бери?» леди у ўз-ўзига. Уйига қайтган заҳоти у отаси қишлоқда яшаган пайтида мунтазам ёзиб борган эски кундаликларни варақлади. Ҳархолда мана шу кўчат ўтқазиш тадбири кундаликда акс этган бўлиши мумкин, аммо айни ўша куни содир бўлган, Эдуарднинг ёдида яхши сақланиб қолган бир оиласий ҳодиса сўзсиз унда баён қилинган бўлиши керак. У бир неча дафтарларни варақлаб кўрди; ўша эслатма топилди. Ғаройиб ўхшашликни кўрганида Эдуард шунчалик ҳайратга тушди, шунчалик севиндики! Ўша дарахтлар ўтқазилган йил ва кун Оттилия туғилган йил ва куннинг нақ ўзи эди.

Үн бешинчи боб

Нихоят, Эдуард орзикиб кутган куннинг тонги отди; секин-аста меҳмонлар ҳам тўплана бошлаши; чунки таклифномалар атрофдаги узок жойларга ҳам жўнатилган, пойдевор қўйиш тантаналарига келолмаган, бу ҳакда кўп яхши гаплар эшитган одамлар бу иккинчи байрамдан қолиб кетишини хоҳлашмасди.

Тушликка яқин қаср ҳовлисига мусика билан дурдгорлар кириб келишиди, улар башанг, пайдар-пай чайқалиб турган кўкат ва гуллардан ясалган гулчамбарлар кўтариб олишган эди. Улар табрик сўзларини айтишиди ва аёллардан гулчамбарни безатиш учун бирқанча шойи рўмол ва тасмалар сўраб олишиди. Хўжайнилар тушлик қилишар экан, бу гуруҳ кувноқ кий-чувлар билан йўлида давом этди, бир муддат қишлоқда тўхтаб, тағин аёллар ва қизлардан ипак тасмалар йиг’гач, нихоят оломон курсовида янги уй қад кўтариб турган тепалик устига чиқишиди.

Тушлиқдан сўнг Шарлотта меҳмонларни бироз ушлаб турди. У одамларнинг бир тартибда, тантанавор юришини хоҳламади, улар манзилга гурух-гурух бўлиб, ҳеч қандай унвону тартибларга риоя қиласдан боришиди. Шарлотта Оттилияни ҳам ушлаб турди, бироқ бу билан ҳеч нарсага зриша олмади; негаки Оттилия ҳаммадан кейин келди, шундай бўлдики, гўё тантаналарни унинг келиши шарафига бошламоқчи бўлгандек, у келган заҳоти карнаю ногоралар гумбурлаб кетди.

Уй ҳали пардозланмагани учун меъморий безаклар ўрнига Капитаннинг кўрсатмаси билан уни яшил бутоклар ва гуллар билан безатишиди, бироқ унга билдириласдан Эдуард Меъморга буюриб, эшик тепасига ўша кунги санани гуллар билан белгилатди. Бундан ташқари, уй пештоқининг энг кўринарли жойига гуллардан Оттилия исмини ҳам ёзиш кўзда тутилган эди, аммо Капитан ўз вақтида билиб қолиб, бунга йўл кўймади. У усталик билан бу ишни рад қилиш йўлини

топди ва гуллардан ясалган тайёр ҳарфларни четга йиғишириб қўйишиди.

Гулчамбарни узун таёқ учига санчишиди, у гир атрофдан кўзга ташланиб турарди. Ипак рўмол ва тасмалар ҳавода хилпиарди, кисқа табрик сўзи шамолда деярли эшитилмади. Тантанали маросим ниҳоясига етди, атрофи шийпончалар билан ўралган уй олдида-ги текисланган майдончада энди ракс бошланиши керак эди. Ёқимтойгина дурадгор йигит Эдуардга шўх дехқон қизини таклиф этди, ўзи ўша қиз ёнида турган Оттилияни раксга тортди. Бу икки жуфтга бошқалар эргашишиди, кўп ўтмай Эдуард қизни алмаштириди ва Оттилияни ўзига тортиб, у билан ракс тушишда давом этди. қувноқ ёшлар халқ рақсларида иштирок этишиди, кексароқ кишилар уларни томоша қилиб туришиди.

Шундан сўнг, меҳмонлар айланиб келишга тарқалишаёттанды куёш ботишидан олдин чинорлар остида тағин тўпланишга келишишиди. Эдуард у ерга ҳаммадан аввал келди, ҳаммаёқни саранжомлатди, анави томонда мушакчилар гуруҳи ҳамда рангдор чирокларни ёқиши керак бўлган хизматкори билан гапни бир жойга қўйди.

Капитан шу муносабат билан кўрилган тайёргарликларни унча хушламади; у Эдуард билан томошабинларнинг ҳаддан зиёд тўпланиб кетиши ҳакида гаплашиб олмоқчи эди, бироқ Эдуард шоша-пиша тантананинг бу қисмини унинг ўзига қўйиб беришини илтимос қилди.

Халқ юқори қисми қазилган, чимлардан тозаланган тўғон қиялигига тўпланишган, бу ер нотекис ва мустаҳкам эмас эди. Қуёш ботиб, шом қоронғулиги чўқди, қоронғулик қуюқлашишини кутиб меҳмонларга салқин ичимликлар тарқатишди. Бу жойни ҳамма қиёси йўқ деб ҳисоблади ва келгусида шу ердан туриб хушманзара соҳилли кенг кўлларни мазза қилиб томоша қилса бўлади, деб хаёлан қувонишарди.

Сокин кеча, гир эттан шабаданинг йўқлиги тунги байрамнинг ажойиб бўлишидан дарак берарди, аммо

түсатдан қаттык дод-вой овозлари эшишилди. Түғондан катта бир палахса ер узилиб, бир неча одамлар ҳам сувга қулагаб тушиши. Борган сари күпаяётган одамларнинг юки остида күтарма дош беролмади. Ҳар бири энг яхши жойни эгаллашга ҳаракат қилган, мана энди на олдинга, на орқага силжиб бўлмасди.

Ҳамма жойидан сакраб турди, улар ёрдам беришдан кўра кўпроқ томошаталаб эди; қандай қилиб ҳам ёрдам беришсин, у ерга боришнинг ўзи мумкин эмас эди. Капитан бир нечта довюраклар билан тўғон томонга шошилди, чўкаётганларни кутқазишига интилаётган фидойиларга йўл очиш учун дарҳол одамларни пастга, кирғокқа ҳайдади. Аллақачон ҳамма, ким ўз кучи билан, ким бирорларнинг кўмагида қурукликка чиқиб олди, фақат битта болагина кўрқанидан соҳилга яқинлашиш ўрнига борган сари ундан узоқлашарди. Афтидан, унинг кучи қолмаган, сув юзида ахён-ахёнда гоҳ қўли, гоҳ оёғи кўриниб қоларди. Бахтга қарши қайик ҳам нариги соҳилда, мушаклар билан тўла эди; уни бўшатиш ҳам осон эмас эди, шу сабабли ёрдам кечикаётган эди. Капитан ўйлаб ўтирмасдан устки кийимларини ечиб ташлади, ҳамманинг назари унга қаратилган эди – унинг келишган, бақувват қадди-қомати ҳаммада умид уйғотди; бирок у сувга сакраганида тўда ичидан ҳайрат қичқириги эшишилди. Ҳамманинг кўзи унда эди, моҳир сузувчи бўлгани учун у дарров болага етиб борди ва уни тўғон олдига олиб чиқди, бола кўринишдан ўликка ўхшарди.

Бу орада қайик ҳам етиб келди, Капитан унга ўтириб, шу ерда турганлардан, ҳамма кутқарилганми-йўқми, деб сўради. Табиб келиб, ўлдига чиқазишиган болани ўз назоратига олди. Шарлотта келиб Капитандан ўзи ҳакида ҳам қайғуришини, қасрга бориб, кийимларини алмаштиришни ўтинди. Чўкаётганларни кутқазиша бевосита иштирок этишган, шу атрофда турган бир канча вазмин мулоҳазали одамлар, ҳамма кутқарилди, дея қасам ичиб ишонтиришмагунча, Капитан иккиланиб турди.

Уйга кетаётганида Шарлотта унинг орқасидан ку-
затиб тураркан, вино, чой сингари зарур нарсалар бе-
китиб қўйилган бўлса керак, шундай пайтларда одам-
лар одатда ўзларини йўқотиб қўйишади, деб ўйлади;
у ҳамон чинорлар остида турган меҳмонлар ёнидан
шоша-пиша ўтди. Эдуард одамларни тарқалиб кетмас-
ликка, шу ерда бўлишга кўндириш билан овора эди;
кўп ўтмай, у ишора қилиши, мушакбозлик бошланиши
керак эди. Шарлотта унинг ёнига келиб, бу эрмакни
қолдиришни, ҳозир бунинг ўрни эмаслигини, айни шу
лаҳзада бу ҳеч кимга қувонч келтирмаслигини сўради;
кутқарилган одам ва кутқарувчи ҳақида қайгуриш ке-
раклигини эслатди.

– Табиб ўзи билади нима қилишни, – эътиroz бил-
дирди Эдуард. – Нима керак бўлса, унда ҳаммаси
бор, унинг ишига аралашсак, биз факат халақит бера-
миз.

Шарлотта ўз гапида туриб олди ва Оттилияни им-
лади, бу ҳам дарҳол кетишга ҷоғланди. Эдуард унинг
қўлидан тутди-да, хитоб қилди:

– Бу куннинг лазаретда ниҳоясига етишини ис-
тамайман! Бу шафқат ҳамширасига тўғри келади.
Ҳушидан кетганлар бизсиз ҳам ўзларига келишиб, ти-
рикларнинг кийимлари қурийверади.

Шарлотта индамай нари кетди. Баъзилар унга эр-
гашишди, айримлари Эдуард билан қолишли; ҳеч
ким охирида қолишини истамагани учун ниҳоят ҳамма
тарқалиб кетди. Эдуард билан Оттилия чинорлар
остида ёлғиз қолишли. Оттилия уни қасрга қайтишга
кўндиришга қанчалик уринмасин, Эдуард сўзидан
қайтмади:

– Йўқ, Оттилия! – хитоб қилди у, – фавқулодда
ишлар осонгина содир бўлмайди. Бугунги кутилма-
ган ҳодиса бизни янада яқинлаштиради. Сен меники-
сан! Мен сенга буни кўп бор уқтирганман, кел, тин-
май шуни такрорлаб, онт ичавермайлик, бу кундек
равшан-ку, ахир.

Нариги кирғоқдан қайиқ ҳам етиб келди. Бу хизматкор эди, у энди мушакбозлик нима бўлади, дея тортинибгина сўради.

– Ёндиринглар уни! – қичкирди унга Эдуард. – У ёлғиз сен учун буюртирилган эди, Оттилия, мана энди ёлғиз ўзинг томоша киласан! Ёнингда ўтириб бундан сен билан биргаликда завқланишимга ижозат бер. – У қизнинг ёнига авайлабгина, унга тегмасдан жойлашди.

Ракеталар визиллаб учар, гумбурлаб отилганда ёлқинлари кўкка ўрларди, юмалок оловлар илонизи бўлиб бориб, карс-курс ёриларди, ғилдираклар визиллаб айланар, дастлаб битта-биттадан, кейин қушақуша бўлиб, кейин ҳаммаси бирлашиб, борган сари зўрайиб бир-бирига улашиб бораради. Қалби аланга олаётган Эдуард, бу ёлқинли манзарани қувонч ва ҳаяжон ичидаги кузатарди. Бирок гоҳ ёниб, гоҳ ўчаётган бундай олов ва шовқин Оттилиянинг нозик, тўлкинли вужудига қувончдан кўра кўпроқ қўркув олиб киради. У кўрка-писа Эдуардга суюнди, бу яқинлик, бу ишонч унга Оттилия тамоман ўзимники, деган туйғуни бағишлади.

Тун ўз хукмини ўтказиб улгурмаган ҳам эдики, ой чиқиб уларнинг уйга қайтаётган йўлларига нур сочди. Шляпасини қўлида тутиб олган бир нусха улар олдини тўсиб садака сўради, афтидан, шундай тантанали кунда унга ҳеч вақо тегмаган эди. Ой унинг юзини ёритиб турганидан Эдуард қайси бир куни учратган суллоҳ гадойни таниди. Аммо у шу қадар баҳтли эдики, бундан хафа ҳам бўлмади, бугун садака сўраш қатъиян манъ этилгани ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмади. Чўнтағига кўл тикди-ю, битта тилла тангани олиб гадойга тутқазди. У истаган одамга шундай қувонч бағишлиши мумкин эди, илло ўзи ҳам чексиз қувончу баҳт оғушида эди:

Бу орада уйдаги ишлар ҳам қўнгилдагидек яқун топган эди. Табибининг уринишлари, барча зарурий воситаларнинг мавжудлиги, Шарлоттанинг астойдил ғамхўрлиги – буларнинг барчаси ўз самарасини бердики, бола ниҳоят хушига келтирилди. Меҳмонлар

тарқалишди, бирлари узокдан бўлса-да, мушакбозликни томоша қилмоқчи бўлишса, бошқалари бугунги ҳаяжонли воқеалардан бироз дам олиш мақсадида ўзларининг осойишта маконларига қайтишни лозим кўришди.

Хўл кийимларини апил-тапил алмаштиргач, Ка питан ҳам болага ёрдам кўрсатишда жон куйдириб иштирок этди; мана, ҳаммаёқ тинчиди ва у Шарлотта билан хонада ёлғиз қолди. Яқин орада жўнаб кетишини очиккўнгиллик билан эълон қилди. Бу кеч Шарлотта чунонам кўп нарсани бошдан кечирдики, бу янгилик унга жилла таъсир этмади; дўсти ўзини накадар курбон қилиб, бошқаларни ҳам кутқазганига, охир-оқибат ўзи ҳам омон қолганига гувоҳ бўлди. Бу гаройиб ҳодисалар, унинг назарида, зинхор-базинҳор баҳтсиз келажакни эмас, аксинча, беҳад мазмундор нарсаларни вайда қиласарди.

Оттилия билан бирга кириб келган Эдуардга ҳам Капитаннинг жўнаб кетиши ҳақида маълум қилишди. У Шарлотта бу ҳақдаги ҳамма гапларни аллақачон билган, деган гумонга борди-ю, аммо ўзи ва ўз фикр-ўйлари билан тамоман банд бўлганидан буни кўнглига яқин олиб ўтиrmади.

Аксинча, у Капитан ғоят фахрли ҳамда обрўли лавозимни эгаллаши кутилаётганини эшитиб, бундан беҳад мамнун бўлди. Undagi яширин истаклар бўлаётган воқеалардан олдинлаб кетишга интиларди. У Капитанни Шарлотта билан, ўзини эса Оттилия билан хаёлан қовуштиради. Шундай тантанали кунда унга бундан ортиқ инъомнинг кераги йўқ эди.

Оттилия эса ўз хонасига кириб столи устида турган сеҳрли сандикчага кўзи тушганида ҳайратдан котиб қолди! Шоша-пиша уни очди. Бунда ҳамма нарса шу қадар санъаткорона жойлаштирилган эдики, уларни кўлга олиш у ёқда турсин, зўрға қўл теккизишга журъат этди. Муслин, батис, шойи матолар, шолрўмollар, тўрлар нафисликда, қимматбаҳоликда, бежиримликда бир-бири билан рақобат қилишарди. Тақинчоқларни

ҳам эсдан чиқаришмаган эди. Үнга кундек равшан эди: уни на факат бир марта, балки кўп бор бошдан-оёқ кийинтиришни максад қилишган; бирок нарсаларнинг бари шунчалик қимматбаҳо ҳамда бегона эдики, Оттилия буларни ҳаттоки хаёлида ҳам ўзиники дёйлмасди.

Ўн олтинчи боб

Эртаси куни Капитан дўстларига миннатдорчилик или йўғрилган хат қолдириб ғойиб бўлди. Шарлотта икковлари кеча кечқурун бир-икки оғиз сўз билан хайрлашишган эди. Шарлотта абадий айрилиқни ҳис этди ва бунга кўникди; чунки Капитан сўнгги сонияларда унга кўрсатгани Графнинг иккинчи мактубида бир манфаатли никоҳга ҳам шама қилинган эди; гарчанд Капитан бу шамага эътибор қилмаган эса-да, барибир Шарлотта масала ҳал бўлган, деб ўйлади ва Капитандан тамоман воз кечди.

Ана энди у бошқалардан ҳам айни шундай қилишни талаб этишга ўзини ҳақли ҳисоблади. Бу унга қийинлик қилмадими, бошқалар ҳам бунга ўзларида куч топишсин. Эри билан сухбатни худди бу гап-сўзларга батамом чек кўйиш лозим, деган ўй билан очиқласига, ишонч билан бошлади.

– Дўстимиз бизни ташлаб кетди, – деди у, – мана энди икковимиз тағин илгаригидек бирга ўтирибмиз, аввалги ҳолатга яна қайтаоламиزمийўқми, бу бизга боғлиқ.

Ўз эҳтиросларига мос келмаган ҳамма нарсага қулоғи кар бўлган Эдуард, Шарлотта хув бева қолиб юрган пайтларга ишора қиляпти, шу йўл билан, ҳарқалай мубҳам бир тарзда бўлса-да, ажрашишга умид боғлаяпти, деган ўйга борди. Шунинг учун кулимсираб жавоб қайтарди:

– Бўлмасам-чи! Гапимиз бир жойдан чикса бўлди-да.

Аммо Шарлоттанинг жавобидан ҳайратда қолди:

— Оттилияning ҳаёт тарзини ўзгартириш ҳам бизга боғлик бўлиб турипти; унга мос келиши мумкин бўлган иккита имконият бор: у пансионатга қайтиб бориши мумкин, негаки қизим бувисиникига кетган; бундан ташқари, бир обрўли хонадон унга бағрини очиб турипти, у ерда Оттилия уларнинг яккаю ягона қизлари билан кўнгли тусаганча хузур-халоватдан баҳраманд бўлиши мумкин.

— Шуниси ҳам борки, — кескин жавоб қайтарди Эдуард, — бизнинг дўстона даврамизда эрка бўлиб юрган Оттилия бошқа шароитга кўниколмаслиги мумкин.

— Ҳаммамиз ҳам эрка бўлиб кетдик, — деди Шарлотта, — шу жумладан сен ҳам. Эс-хушимишни йиғиб олиш пайти келди, кичкина даврамиз аъзоларининг кисмати ҳақида қайғуришимиз, бу йўлда анча-мунча курбон беришимиз ҳам керак бўлади.

— Мен эса, — деди Эдуард, — Оттилияни курбон бериш инсофдан эмас, деб ўйлайман, борди-ю биз уни бегона одамлар даврасига итариб юборсак, уни курбон берганимиз бўлади. Капитан бу ерда ўз баҳтини топти, биз уни хотиржам, ҳатто мамнуният билан жўната оламиз. Ким билади, Оттилияни нима кутаяпти; шошлиш нимага керак?

— Бизни нима кутаётгани, харҳолда аён, — жавоб берди Шарлотта ҳаяжон билан, масалага узил-кесил нукта кўйишга қарор қилгани учун гапида давом этди: — Сен Оттилияни севасан, унга боғланиб қоляпсан. Унда ҳам сенга нисбатан интилиш ва эҳтирос туғилиб, ўсиб бормоқда. Нега энди ҳар бир дақика бу учун тайёрлаб, исбот қилиб бераётган нарсани ўз номи билан атамайлик? Бу охир-оқибат нимага олиб келади, дея ўз-ўзимиздан сўрашга нега бизда куч-ирода етишмайди?

— Бунга дабдурустдан жавоб беришга қодир эмас эканмиз, — деди Эдуард ўзини бирмунча қўлга олиб, — унда, ҳеч бўлмаса ҳозир истиқбол бизга нима ҳозирлаётгани ҳали номаълум бўлганда шошилмаслигимиз керак, деб ўйлайман.

– Буни билиш учун, – жавоб қайтарди Шарлотта, – маҳсус ақл-заковат зарур эмас, нима бўлганда ҳам ҳозироқ айтиш мумкин, икковимиз ҳам ёш бола эмас-мизки, бориши истамаган, бориш мумкин бўлмаган жойга қадам қўйсак. Биз учун ҳеч ким қайғурмайди; ўз-ўзимизга дўст, ўз-ўзимизга маслаҳатгўй бўлмоғимиз даркор. Бизни мушкул ахволга тушади, гап-сўзга қолади ёки кулги бўлади, деган ўй-фикр ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

– Наҳотки, мени кораласанг, – жавоб берди Эдуард хотинининг самимий, очиқчасига айтган сўзларига эътиroz билдиришга қурби етмай, – Оттилияning баҳти учун куйинсам, наҳотки, мени гуноҳкор деб ҳисобласанг? Ҳали коронғи бўлган келажак баҳти учун эмас, айни ҳозирги баҳти учун куйинсам? Ўзинг ўйла, чин дилдан, ўз-ўзингни алдамасдан, бизнинг даврамиздан юлиб олинган ва бегона қўлларга топширилган Оттилияning аҳволини кўз олдингга келтириб кур, мен, масалан, уни бундай ахволга солишдек жоҳилликни ўзимга раво кўрмаган бўлардим.

Шарлотта эрининг қувлиги ортида катъий қарор яширинганини аниқ сезиб турарди. Эри ундан қанчалар узоклашиб кетганини мана энди ҳис этди. У ҳаяжон ичидаги хитоб қилди:

– Наҳотки, бизни бир-биримиздан ажратиб, мени эримдан, фарзандларни отасидан жудо қилиб, Оттилия баҳтли бўлса!?

– Болаларимиз ҳақида, менимча, куйинишга ҳали эрта, – деди Эдуард совук кулимсираб; кейин сал мулоим оҳантда қўшиб қўйди:

– Сўнгти хulosага келишнинг нима кераги бор?

– Эҳтирос шу хulosага олиб келади-да, – қўшиб қўйди Шарлотта, – вақт борлигига менинг тўғри маслаҳатимга кулоқ тут, икковимиз учун ҳам фойдали бўлган кўмагимни рад килма. Мураккаб вазиятларда оқибатни аниқ кўра оладиган кишигина кўмак бериши, тўғри йўлга солиши лозим. Ҳозир ўшандай одам – менман. Жоним, азизим, Эдуард, менга ишон!



Наҳотки, мени ўзим эришган баҳтдан, ўзимнинг энг азиз хукукларимдан, сендан шундоққина воз кечиб кўяқолади, деб ўйласанг?

– Ким бундай деяпти? – бироз жижолат бўлиб эътиroz билдириди Эдуард.

– Сен ўзинг, – жавоб берди Шарлотта. – Ахир Оттилияни ёнимизда қолдириш билан бунинг оқибати нима бўлишига рағбат билдирмаяпсанми? Дилингда борини айт, деб зўрламайман, агар ўзингни қўлга ололмасанг, ҳархолда, ўз-ўзингни алдаш ҳам қўлингдан келмайди.

Эдуард унинг ҳақлигини ич-ичидан ҳис этди. Айтилган сўз – даҳшат, айниқса у қалбинг сенга кўпдан сездириб турган гапни бирданига ифода этсаю қўйса; Эдуард айни лаҳзадаги вазиятдан ўзини олиб қочишига уриниб сўради:

– Ахир мен ҳали аниқ тушуниб етганим йўқ, нима қилмоқчисан ўзи?

– Сен билан, – жавоб қилди Шарлотта, – иккала таклифни муҳокама қилмоқчи эдим. Ҳар иккаласи ҳам яхши таклифлар. Пансионат – айни ҳозирги ҳолатида Оттилия учун энг қулай жой. Анави иккинчи, каттароқ, кенгроқ имконият эса, назаримда, келажакда анча нарса ваъда қиласди. Кейин у эрига иккала режани батафсил тавсифлади ва ниҳоят деди: – Ўйлашимча, анави хонимнинг хонадони пансионатдан кўра кўп жиҳатдан афзалрок, айниқса, мен у ерда ҳалиги ёш йигитнинг Оттилияга бўлган интилиши, эҳтимол эҳтиросининг янада кучайишини истамасдим.

Эдуард кўринишдангина, ўзига имкон қолдириш учун унинг фикрига кўшилгандек бўлди. Ҳамма нарсани қатъий ҳал этишга қарор қилган Шарлотта, фикрини Эдуард кескин рад этмагач, имкониятдан фойдаланиб, Оттилияни тез кунда жўнатиб юбормоқчи бўлди, бунга у аввалдан ими-жимида ҳозирлик кўриб ҳам қўйган эди.

Эдуард даҳшатга тушди; у ўзини алданган ҳисоблади ва хотинининг мулойим сўзларида риёкорлик

ва сохталикни, уни баҳтидан бир умрга жудо қилувчи режани пайқади. Зоҳиран у ҳамма ишни Шарлоттага ташлаб қўйгандек кўринса-да, ботинда аник карорга келиб қўйган эди. Нафасни ростлаб олиш, Оттилияни жўнатиб юборишдек даҳшатли хавфнинг олдини олиш мақсадида уйдан кетишини ичига туккан эди. Шу билан бирга, буни Шарлоттадан яшириб ўтиrmади, шу дақиқадан бошлаб Оттилияни кўрмайман, уни қузатмайман, деб хотинини ишонтиришга эришди. Уз мақсадимга етдим, деб ўйлаган Шарлотта унинг ҳамма гапига кўнди. Эдуард отларни буюртириди, хизматкорга нималарни жойлаш ва ўзи билан қаерга бориш ҳиқида кўрсатма бергач, ҳозироқ йўлга тушаётгандек ўтириб ёзишга тутинди.

Эдуарддан Шарлоттага

Азизам, бошимизга тушган баҳтсизликнинг давоси борми-йўқми, билмайману, аммо шуни сезиб турибман: ҳозирги мушкул вазиятдан қутулиш учун ўзимга ҳам, барчамизга ҳам нафасни ростлашга имкон беришм керак. Модомики ўзимни қурбон қилаётган эканман, демак, талаб қилишга ҳақлиман. Уз хонадонимни тарқ этяпман, бирмунча тинч, кўнгилдагидек шартшароитлардагина қайтиб келаман. Уйга сен эгалик қилишинг керак, аммо Оттилия билан биргаликда. Мен унинг бегона одамларнинг эмас, сенинг ёнингда бўлишини истайман. Уни авайла, у билан худди ҳамишагидек, ҳатто янада мулоийроқ, самимиyroқ, меҳрибонроқ муносабатда бўл. Оттилия билан маҳфий алоқа боғламасликка сўз бераман. Яхшиси бирмунча муддат қандай яшаётгандарингни билмаганим маъқул; ҳаммаси яхши бўлади, дея ишонишни истайман. Мен ҳақимда ҳам шу фикрда бўлинглар. Сендан ягона, қатъий, қалбим тубидан чиққан ўтингчим шуки: Оттилияни бошқа жойга ўтказишга, шароитни ўзгартиришга уринма. Сенинг қасрингдан, сенинг богингдан ташқарида, бегоналар қўлига топширилган ҳолда у менини бўлади, мен унга эгалик қиламан. Агар

менинг муҳаббатимга, менинг истакларимга, менинг дардларимга ҳурмат билан қарасанг, менинг хомхалларимни, орзу-умидларимни разгбатлантиранг, ўшандада мен ҳам имкон тугилган пайтда дардимга даво топишдан бош тортмайман.

Охири жумла унинг қалбидан эмас, қаламидан тўкилди. Қоғоз юзида буларни кўргач, аччик-аччик йиғлади. Қандай бўлмасин, у Оттилияни севишидан баҳтдан, борингки, баҳтсизлиқдан воз кечиши лозим эди! Нима қилаётганини мана эндиғина у ҳис этди. Охири нима билан тугашини билмаган ҳолда у кетмокда. Хархолда, у ҳозир Оттилия билан учрашмаслиги керак, қачондир учрашадими – йўқми, буни ҳам аниқ айтиш қийин! Аммо хат ёзилди, отлар эшик олдида кутиб турибди; у ҳар лаҳзада бирор жойда Оттилияга кўзи тушиб қолишидан ва шу заҳотиёқ ўз қароридан воз кечиши мумкинлигидан титраб туриши керак бўлади. У ўзини қўлга олди; истаган пайтда қайтиб келиш ўзига боғлиқ-ку, қолаверса, унинг кетиши ўз орзуларининг рўёбга чиқишини эҳтимол яқинлаштирас. Борди-ю, у бу ерда қолса, унда Оттилияни кетказишларини тасаввур қилиб кўрди. Хатни конвертга солиб ёпиштириб кўйди-да, зинадан югуриб тушиб, отга ирғиб минди.

Меҳмонхона ёнидан ўтаётib у кеча кечқурун саҳйларча ҳадя берган тиланчининг шийпонча остида ўтирганини кўрди. У хотиржам тушлик қилиб ўтирган жойидан туриб, Эдуардга қараб эҳтиром билан таъзим қилди. Кеча Эдуард Оттилияни қўлтиқлаб келаётганида бу одам унинг олдидан чиқсан эди; мана энди эса у Эдуарднинг ҳаётидаги энг баҳтли лаҳзаларни эсига солмоқда. Унинг изтироблари янада ортди; у ортда қолдираётган нарсани ҳис этиш чидаб бўлмас ҳолат эди; у гадойга тағин бир бор кўз ташлади.

– О, сенга ҳавас қилса бўлади! – хитоб қилди Эдуард, – сен ҳамон кечаги садақа гашти билан юрибсан, мен эса кечаги баҳтимдан энди жудоман!

Ўн еттинчи боб

Кимнингдир отда ўтиб кетганини эшитган Оттилия дераза олдига борди ва отлиқ Эдуардни орқасидан кўриб қолди. Уни кўрмасдан, унга тонғги салом йўлламасдан Эдуарднинг уйдан кетгани унга ғалати туюлди. У хавотирга тушди ва Шарлотта уни узок сайрга ўзи билан бирга олиб, истаган нарсаси ҳақида гапириб, худди атайлаб қилгандек, зри ҳақида чурқ этмагач, ўйчан бўлиб қолди. Сайдан қайтишгач, икки кишига мўлжаллаб стол ясатилганини кўрганда Оттилияning ҳайрати яна ҳам ортди.

Айрим арзимаган одатларимиздан жудо бўлсак қанчалик куйинами, лекин гап бирон бир аҳамиятли нарса ҳақида бўлса, юрак зил кетади. Эдуард билан Капитан йўқ, Шарлотта анча вактдан бери илк бор овқатга ўзи бош-қош бўлди, бу Оттилияга гўё у ўз вазифасидан четлатилгандек туюлди. Мана энди икки аёл юзма-юз ўтиришипти; Шарлотта Капитаннинг янги хизмат вазифаси ҳақида, уни якин орада қайта кўришга умид деярли йўқлиги ҳақида bemalol сўзларди. Шу лаҳзада Оттилияга фақат бир нарса: Эдуард дўстини сал нарироқкача кузатиб кўйиш учун отда кетган, деган фикргина таскин берарди.

Улар столдан туришганда дераза ортида Эдуарднинг йўл каретасига кўзлари тушди, уни бу ерга ким чақиртириди, дея Шарлотта норози оҳангда сўраган эди, унга буни хизматкор келтирди, тағин у-бу нарсаларни олиб кетмоқчи, деб жавоб беришди. Ўзидаги ҳайрат ва дардни кўрсатмаслик учун Оттилияга бутун ирода кучини ишга солишга тўғри келди.

Хизматкор кириб, яна айрим нарсаларни: Эдуарднинг чашкаси, бир жуфт кумуш қошиқ, ҳар хил майда-чуйдаларни сўради, буларнинг бари узок саёҳатга, бирмунча вакт уйда бўлмасликка мўлжалланган нарсалар эканлигига Оттилияning фаҳми етди.

Шарлотта бу илтимосларни кескин рад этди, хўжайин нима исташини тушунмайман, чунки ўзига

керакли буюмларнинг барини олган деди. Ягона мақсад-муддаоси Оттилия билан сўзлашиш ва уни бирор баҳона билан хонадан олиб чиқиши бўлган устамон йигит у-бу важ кўрсатиб, ўз талабида туриб олди, шунда Оттилия унинг талабини бажармокка киришди; Шарлотта бунга йўл кўймади, хизматкорнинг кетишидан ўзга иложи қолмади ва карета жўнаб кетди.

Бу Оттилия учун даҳшатли сониялар бўлди. У гап нимадалигини тушунмас, ҳеч нарсага изоҳ тополмасди; ҳарқалай Эдуардидан узок муддатта айрилганини сезиб турарди, Шарлотта унинг аҳволини тушунди ва ёлғиз қолдирди. Қизнинг дард-аламлари, кўз ёшларини тасвиrlашдан ожизмиз. Унинг изтироблари беадад эди. У ёлғиз Худогагина нола қилар, ундан мана шу кунга чидашига кўмак беришини ўтинарди; у кунга ҳам, тунга ҳам чидади, эс-хушини йигиб олгач, ўзини бутунлай бошқа одамдек ҳис этди.

У ўз-ўзини идора қиломас, кўниколмасди; аммо шундай катта йўқотишдан кейин унинг бошига бунданда баттар кун тушиши мумкинлигидан хавфсиарди. Ҳуши ўзига келгач, илк ташвиши, эркаклар кетишигач, энди уни ҳам бу ердан бадарға қилишади, деган ўй бўлди. У Эдуарднинг пўписаларидан, ўшалар туфайли унинг Шарлотта ёнида қолиши таъмин этилганидан бехабар эди. Шарлоттанинг муносабати уни бир қадар тинчлантириди. Шарлотта бечора қизгинани ҷалғитишига уринар, унинг ёлғиз қолишига камдан-кам истамайгина рухсат берарди; гарчанд кучли эҳтиросни сўз билан сўндириб бўлмаслигига ақли етса-да, ҳарқалай у мулоҳазакорлик, ақл-фаросат кучининг нималарга қодирлигига фаҳми етар, шу боисдан ўзи ва Оттилияга тегишли кўп нарсалар хусусида сўз очарди. Бир куни Шарлотта нима ҳам бўлиб, аниқ мақсадда, атайлаб оқилона мулоҳаза билдирган эди, бундан Оттилияning кўнгли хийла таскин топди:

– Гоҳо биз, – гап бошлади Шарлотта, – кимнидир эҳтирослар бўхронидан хотиржам олиб чиқсан, миннатдорчилигининг чек-чегараси бўлмайди! Кел, бир-

галашиб, эркакларимиз ниҳоясига етказмай кетган ишларни бардам бўлиб, вактичоғлик билан давом эттирайлик, улар қизиккон, бесабр феъллари билан бузишга мойил бўлган ишларни биз ўз босиклигимиз билан асрраб, гуллаб-яшннатайлики, токи бу уларнинг қайтишларига энг яхши тортиқ бўлсин.

— Сиз босиклик ҳақида эслатдингиз, холажон, — жавоб берди Оттилия, — бу меъёрга ҳам тегишлики, эркакларнинг гоҳида меъёрни, айниқса, винога нисбатан, билмасликларини эслатгим келади. Кўпинча бошқалардаги мулоҳазакорлик, фаҳм-фаросат, атрофдагиларга бўлган дикқат-эътибор, хушмуомалалик, ҳатто меҳрибонлик соатлаб ғойиб бўлганига, яхши бир инсон ўзгаларга бағишлиши мумкин бўлган яхши кайфият ўрнига унга кўнгилхиралиқ ҳамда баҳтсизлик келтирганига гувоҳ бўлганимда жуда-жуда эзилиб, ҳатто кўркиб кетганман. Бунака ҳодисалар кўпинча хавфли хulosаларга олиб келиши мумкин!

Шарлотта унинг фикрига қўшилди-ю, бироқ гапни чўзиб ўтирмади, Оттилия бу ерда ҳам Эдуардни кўзда туваётганини сезмаслик мумкин эмас эди, чунки Эдуард ҳамиша бўлмаса ҳам, ҳарҳолда тез-тез, ўзидағи хурсандчиликни, сўзамолликни, куч-кувватни вино билан кўтаришни меъёрдан ортиқ ёқтиарди.

Шарлоттанинг мулоҳазаси Оттилияни эркакларнинг, кўпроқ Эдуарднинг қайтиши ҳақидаги фикрга етаклаган бўлса, Капитаннинг келгусида уйланиши ҳақида баайни аллақачон ҳал бўлган, барчага маълум ҳодисадек бемалол гапиришидан англадики, қолган нарсалар ҳам илгари Эдуард билдирган фикрлардан кўра тамоман бошқача манзара касб этар экан. Шу бойисдан Оттилия Шарлоттанинг ҳар бир сўзи, ҳар бир имо-ишораси, ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатадиган бўлди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда Оттилия сезгир, шубҳаланадиган, қув бўлиб қолди.

Шу билан бирга Шарлотта уни ўраб турган мухитдаги майда-чуйдаларгача ўткир нигоҳ ила кузатар, ўзига хос абжирлик билан ишларга бош-қош бўлар,

ўз навбатида буларда Оттилияни ҳам иштирок этишга мажбур киларди. У ҳатто рўзғорни қисиб қўйишдан ҳам тортингмади; буларнинг барини бундек тарозига солиб кўрди-да, аянчли қилиқларини ҳам яхшиликни кўзловчи ҳолат деб ҳисоблади. Борди-ю, улар эскича йўл тутганларида ҳисобларини йўқотиб қўйишган ва гоҳо ўзлари ҳам билмаган ҳолда, ҳисоб-китобсиз ҳаёт кечириш орқасида турмушлари инкиrozга юз тутмасада, харқалай заифлашиб қолган бўларди.

Боғда бажарилаётган ишларни у тўхтатмади. Аксинча, келгусида мукаммал ҳолга келтирилиши керак бўлган ишларга замин ясовчи тадбирларни давом эттиришни буюрди ва шу билан чегараланди. Ахир эри қайтиб келгач ҳам кўнгилни ёзадиган машғулотлар топиши керак эди-да.

Бундай ишлар ва режалар қаторида у меъморнинг ишлаш усулини ҳам тинмай мақтарди. Қиска вақт ичиде кўл қирғоқлари ҳам тамоман янгиланди, хилма-хил дарахтлар экилиб, чим ётқизилиб безатилди. Янги уйда эса факат уни сақлаб туришгагина керак бўлган ишлар бажарилди, холос, колганларини эса кейин яна иштиёқ билан янгидан бошлаш учун ҳозирча тўхтатишни буюрди. Шундай жараёнда у ўзини хотиржам ва қувноқ тутарди. Оттилия сиртдан шундай кўринарди; аслида эса у барча бўлаётган ишларда Эдуард тез орада қайтадими ёки йўқми, мана шунинг белгиларини топишга интилар, бундан ўзга нарса уни қизиктирмасди.

Шунинг учун бошланган бир иш уни кувонтирди, яъни беҳад кенгайиб кетган боғни мудом ораста сақлаб туриш мақсадида атрофдаги дехкон болалири жалб этилди. Эдуардда илгари шу фикр туғилган эди. Болаларга кечкурун ишдан сўнг ювениб-тараниб олишгач, киядиган очиқ рангли либослар тикиришиди. Кийимлар қасрда сақланар, уларни идора қилиш энг абжир, энг ишchan болага топширилган эди; барча ишларга меъмор бошчилик қиласарди. Ҳаш-паш дегунча болалар ишнинг ҳадисини олиб қолишиди.

Уларни ишга ўргатиш қийин бўлмади, аммо пайти-ни топишса ўзига хос ҳийла-найранг ҳам ишлатмай қолишмасди. Шубҳасиз, улар кураклари, узун сопли пичоқлари, хаскашлари, кичкина белкурак ва кетмон-чалари, куракчалари, еллиғичга ўхаш супургилари билан пайдо бўлишганда, бошқалари уларнинг ортидан ўт-ўланлар ва тошларни йиғишириб олиш учун саватларини кўтариб ёки катта темир замбилғалтакни итариб жўнашганида, бу ғаройиб бир қувноқ манза-ра касб этардики, меъмор бу орада бօғ шийпонининг ҳошиялари учун бир қанча ҳолатлар ва ҳаракатларни қофозга тушириб улгуарди; Оттилия бўлса бунда хўжайнинг тез орада қайтишига бағишлиланажак тан-танани кўёарди, холос.

Бу нарса унга ҳам Эдуардни шунга ўхаш нима биландир кутиб олиш истагини ато этди. Улар кўпдан бери қишлоқ қизларини тикиш, тўқиши, ип йигириш сингари аёллар хунарларини ўрганишга жалб этиш ис-тагида эдилар. Қишлоқни ободонлаштириш, тозалаш ишлари бошлангандан бери қизлар ҳам анча гайратчан бўлиб қолиши. Оттилия аҳён-аҳёнда, кўнгли тусаган пайтларда уларни рухлантириб турарди. Бироқ энди у бу иш билан астойдил, мунтазам шугулланишга жазм этди. Ўғил болалар тўдасидан кура қизлар тўдасининг бошини бир жойга қўшиш хийла мушкул. У узок ўйлаб ўтирмасдан, ўз фаҳм-фаросати буюрганича йўл тутди: ҳар бир қизга ўз хонадони, ўз ота-онаси, ўз яқинларига меҳр-мухаббат туйғусини сингдиришга ҳаракат қилди.

Кўплари билан бу иш ўнгидан келди. Фақат бит-та шўх-шаддотгина қизчадан, кўлидан бирон иш кел-майди, уйда ишларга қаралишни истамайди, дея ши-коят қилишарди. Оттилия қизчадан хафа бўлолмасди, сабаби қизча уни беҳад яхши кўёарди. У Оттилия-га суркалгани-суркалган, агар қўйиб берса, изидан колмай юрарди. Оттилия ёнида гайратига гайрат қўши-либ кетар, чарчаш нималигини билмасди. Гўзалbekaga меҳрибончилик қилиш қизча учун эҳтиёжга айланган

эди. Бошида Оттилия қизчага чидаб ўтиради; борабора ўзи ҳам унга ўрганиб қолди; ниҳоят, улар ажралмас бўлиб қолишида-да, Нанни мудом ўз бекасига эргашиб юрадиган бўлди.

Оттилия тез-тез боғни айланиб, у ердаги орас-талиқдан севинарди. Қулупнай ва олча пишиғи ўтган, бироқ Нанни қолган-кутган меваларни топиб, ҳузур қилиб ёярди. Куздаги мўл ҳосилдан дарак бериб турган бошқа дараҳтларга қараб Боғбон ҳар гал хўжайнини эслар, унинг тезроқ қайтиб келишини истарди. Оттилия кекса Боғбоннинг сўзларига жон деб кулоқ тутарди. У ўз ишининг устаси эди ва Оттилияга Эдуард хақида сўзлашдан чарчамасди. Оттилия баҳорги қилинган пайвандлар ҳаммаси олганини кўриб қувонч изхор килганини кўрганида, Боғбон ўйчанлик билан деди:

— Истагим, меҳрибон хўжайнимиз ҳам буларни кўриб қувонса эди. Агар у кузда келса эди, эски қаср боғида отаси давридан бери сақланиб қолган ажойиб навларни кўрган бўларди. Ҳозирги боғбонлар монах оталариға ўхшашмаган. Каталогларда баландпарвоз навлар кўрсатилган, холос. Уларни экиб, парваришлаб, мевасига етиб келгач, қарабсанки, бундай дараҳтларни боғда олиб ўтиришга ҳам арзимайди.

Бу содик хизматкор, қачон Оттилияни кўрмасин, хўжайнин қачон қайтади, дея сўрайверарди. Шубҳасиз, Оттилия аник муддатни айттолмас, шунда софдил чол, менга ростини айтгиси келмаяпти, деган ўйда ундан хафалигини яширолмасди. Оттилия бўлса, ҳамма нарсадан бехабарлигидан, устига устак буни унга эслатаверишганидан кийналарди. Шунга қарамасдан, у гулпушталару жўяклардан нари кетолмасди. Эдуард икковлари биргалиқда нимаики экишган, ўтқазишган бўлса, мана ҳозир гуллаб яшнайапти, уларга ортиқ ҳеч қандай парвариш керак эмас, ёлғиз суғориб турйлса бас, буни Нанни жон-жон деб бажаради. Ҳали гунчалаб турган кечки гулларга Оттилия шунаقا ҳиссиёт билан назар ташлардики, улар Эдуарднинг та-

валлуд кунигача барқ уриб очилиши керак; Оттилия бу кунни унинг ўзи билан бирга нишонлашни истар, ўшандада бу гуллар унинг муҳаббати ва миннадорчилиги рамзи бўлишлари мумкин эди! Аммо бу тантанани кўриш умиди уни гоҳо тарк этарди. Иккиланиш ва хавотир ҳисси бечора кизнинг қалбига мудом соя ташлаб тутарди.

Шарлотта билан самимий, очиқ муносабатни тиклашга энди ишонч йўқ эди ҳисоби. Нафсамбири ни айтганда, бу икки аёлнинг ахволи бир-бирига ўхшамасди. Ҳамма нарса эскича қолса-ю, турмуш одатдаги изига тушиб кетса эди, Шарлотта чинакам баҳтли бўлган, келажак томон ёруг йўллар очилган бўларди; Оттилия эса, ҳамма нарсадан, ҳа, ҳа, ҳамма нарсадан мосуво бўларди; негаки, у дастлаб бутун ҳаёт кувончларини Эдуардда кўрган, мана энди бўлса, қалбida илгари тасаввуринга ҳам сиғдиролмаган беадад бўшлиқни сезарди. Излаётган қалб ўзига нимадир етишмаётганини ҳис этса, жудоликка учраган қалб нима етишмаётганини ҳис этади. Соғинч ҳисси ўкинч ҳамда бетоқатликка айланиб кетар, кутишга ва бунга чидашга кўнишиб қолган аёл табиати бундай муҳитдан кутулиб чиқиши, қандайдир ишларни амалга оширишни истаб қоларди.

Оттилия Эдуардан воз кечмаганди. Шарлотта ўз ишончига қарама-қарши ўларок оқилона йўл тутиб, эри ва Оттилия ўртасида келажакда оддий, дўстона муносабат юзага келишига ишонган тақдирида ҳам, у Эдуардан қандоқ воз кечиши мумкин эди ахир. У неча марталаб кечалари, хонасини ичдан бекитиб олиб, очиқ сандиқча олдида тиз чўкканча туғилган кунида олган совғаларига тикилиб ўтирас, улардан бирортасини ўзига на ишлатган, на бичтирган, на тикитирган эди. Шўрлик қиз неча марталаб қуёш уфқдан бош кўтариши биланок авваллари ўзи учун ҳузурхаловат манбаи бўлган уйдан чиқиб кетишга шошилар, бир вактлар бефарқ бўлган атроф-далаларга қочиб кетарди. Куруқ ерда ҳам у ором топмасди.

Шунда қайикқа ўтириб, күл ўртасига томон сузіб кетарди; у ерда қўйнидан саёҳат хотираларини чиқариб, тўлкинлар қўйнида чайқалганча ўқишга тутинар, хаёллари уни узок-узокларга олиб кетарди; у ҳамишагидек дўстининг қалбига, дўсти эса бунинг қалбига яқин бўлиб қолаверишди.

Ўн саккизинчи боб

Сиз билан тариштирганимиз анави ғалати табиатли тинмасак одам, Митлер, дўстлар хонадонидаги келишмовчиликлардан хабар топгач, гарчи улардан бирортаси ҳам ундан ёрдам сўрамаган бўлса-да, ўз садокатию маҳоратини исбот килишга тайёр турарди. Шунга қарамасдан, бироз сабр қилиб туришни маъкул кўрди; чунки руҳий-маънавий ишларда оддий одамларга қараганда билимли кишиларга ёрдам кўрсатиш қийин эканлигини у жуда яхши биларди. Шу боисдан бир қанча муддат бу ишни ўз ҳолига ташлаб кўйди; ниҳоят чидаб туролмади-да, Эдуардни излаб топишга шошилди, аввалроқ унинг изини топишга муваффак ҳам бўлган эди.

Йўл уни ажойиб бир водийга бошлаб борди, у ердаги ям-яшил ўтлок, дараҳтзорлар орасида мудом кайнаб турувчи булок гоҳ илонизи бўлиб, гоҳ шовуллаб окар, тепаликларнинг ёнбағирларида серҳосил далалару бепоён мевазорлар чўзилиб кетган эди. Қишлоклар бирбиридан хийла узок жойлашган, ҳаммаёқ жимжит эди. Айрим гўшалари рассомга мўлжалланмаган бўлса-да, инсонларнинг ҳаёт кечириши учун нақ кўнгилдаги жойлар эди. Ниҳоят, унинг кўзи боғлар билан ўралган бир қўрғончага тушди, у ерда оддийгина, шинамгина уй бор эди. Эдуард шу ерда истиқомат қилаётган бўлса керак, деб ўйлади у ва ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди.

Бу ғариб дўстимиз ҳақида нима ҳам дея олардик, у танҳоликда ўз хиссиётларига батамом берилган, ўзича режалар тузар, дилида турли орзу-умидларини

ардокларди. Оттилияни шу ерда кўришни, уни шу ерга олиб келишни, келишга уни кўндиришни исташини ўзидан яширасди; мисида тагин қанчалаб мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган фикрлар кезмасди дейсиз. Хаёллари барча мавжуд имкониятлар оралаб кезарди. Агар у бу ерда Оттилия висолига етишолмаса, унга конуний эришиш қўлидан келмаса, унда шу мулкка эгаликни унга топширади. У бу ерда танҳо, ҳеч кимга қарам бўлмасдан яшасин; у баҳтли бўлиши лозим. «Ҳаттоки, – дерди у хаёллари уни янада илгарига етаклаган кезларда, – бошқа бирор билан ҳам баҳтли бўлса майли».

Унинг кунлари шу тахлит умид ва аламлар, кўз ёшлиари ва кўтаринкилик, режалар, ҳозирлик кўришлар, иккиланишлар исканжасида ўтарди. Митлернинг пайдо бўлишидан у ҳайрон қолмади, уни анчадан бери кутар, ҳаттоки бу ташрифдан суюнди ҳам. Агар уни Шарлотта юборган бўлса, Эдуард турли-туман важлару изоҳларини, айтиш мумкинки, кескин таклифларини ҳам кўнглида тайёрлаб қўйган эди; борди-ю Митлернинг Оттилиядан сўз очишига умид боғлаш имкони бўлса, унда Митлерни Ҳудо марҳамати янглиғ кучоқ очиб кутиб олади.

Митлерни бирор киши юбормаганини, у ўз ихтиёри билан келганини эшитганда Эдуард қаттиқ ранжиди. Жим бўлиб қолди, сухбат ҳам дастлаб унча қовушмади. Бироқ Митлер яхши билардик, севгига лиммолим қалб ичидагини изҳор қилишни, дўстига кўнглида кечаётган гапларни тўкиб солишни истайди. Шунинг учун у ёқ-бу ёқдан бироз гаплашиб ўтиришгач, воситачилик ролидан воз кечди-да, сирдош дўст сифатида унинг кўнглига йўл топишга ўтди.

У Эдуардни якка-ёлғиз яшаётгани туфайли дўстона койиган эди, шундай жавоб олди:

– О, ростини айтсан, қандай қилиб мен вақтимни бундан гаштироқ ўтказишим мумкин эди! Мудом у билан бандман, мудом унинг ёнидаман. Менда шундай бебаҳо имконият борки, ҳар дакиқада Оттилия

хозир қаерда, қаёкка боряпти, дея ҳаёл қила оламан. Уни одатдаги ташвишлар, машгүлотлар билан банд ҳолда, нима қилаётганини, нима қымкычилегини күриб тураман, хуллас, шу йўл билан ўз-ўзимни овутаман. Фақат шу билангина чекланмайман; ахир мен ундан йирокда қандоқ баҳтли бўлай! Тағин ҳаёлларим кўчасига кириб кетаман, Оттилия нима қилиши мумкинки, менга яқинрок бўлса. Унинг номидан ўзимга меҳр-муҳаббатга тўла дилбар мактублар ёзаман; уларга жавоблар қайтараман-да, барчасини асраб қўяман. Унга томон бир қадам ҳам босмасликка сўз берганман, сўзимнинг устидан чиқаман. Лекин нега унинг ўзи мени йўқламайди, уни нима ушлаб турипти? Наҳотки, Шарлотта қаттиққўллик қилиб, менга ёзмаслиги, ўзи ҳақида хабар бермаслиги учун ваъда беришга, қасам ичишга уни мажбур этган бўлса? Бу табиий ҳол, бўлиши мумкин, аммо, барибир, мен буни кўз кўриб, кулоқ эшишмаган зулм деб биламан. Агар у мени севса – мен бунга ишонаман, буни биламан, – нега у бир қарорга келмайди, нега қочиб кетишга, менинг қучоғимга отилишга журъат этмайди? У шундай қилиши керак эди, деб ўйлаб қоламан гоҳида, шундай қилиш қўлидан келарди. Даҳлизда бирон нарса шитирласа ҳам эшикка кўз тикаман: у кириб келса-я, деб ўйлайман, бунга умид қиласман. Ох! Ахир мумкин бўладиган нарса ман қилинган, мен бўлсам, ман қилинган нарса рўёбга чикишини ҳаёл қилиб ўтираман. Кечалари, уйқудан уйғониб кетганимда, ётоқхонага тунги чирокнинг хира нури таралиб турганида, унинг қиёфаси, унинг руҳи, тепамда сузид юргандек, гўё ёнимдадек, менга яқинлашаётгандек, фақат бир лаҳзагина менга тегинаётгандек туюлади, шунда, у мен ҳакимда ўйляпти, у менини, деган ўйга ишона олсан эди.

Мени биргина кувонч овутади. Унинг ёнида бўлган кезларимда сира тушимга кирмасди; энди бўлса, бир-биримиздан йирок, мудом тушимда биргамиз; энг қизиги: бу ерда, қўшни турадиган бир қанча ёқимтой

одамлар билан танишганимдан бери у тушимда ҳозир бўлиб, гўё менга: «Атрофингга қанча қарамагин, мендан ўзга гўзалрок ва ёқимлироғини тополмайсан!» деяётгандек бўлади. Бирор тушим йўкки, у аралашмаган бўлсин. Икковимиз бошдан кечирган ҳамма нарсалар аралаш-куралаш бўлиб ётипти. Гоҳо иккаламиз гўё шартнома тузамиз: манави унинг қўли, буниси меники; бу унинг имзоси, буниси меники – улар бир-бирига аралашиб, хиралашиб йўқолиб кетишади. Баъзан хаёлнинг бундай ўйинидан толиқиб, изтироб чекаман. Гоҳо Оттилия тушимда шундай қиладики, у хақдаги тасаввурим хиралашгандек бўлади; ўшандай пайтларда мен уни нақадар севишимни ҳис этаман-да, тасвирлаб бўлмас даражада кўркиб кетаман. Гоҳида табиатига хос бўлмаган бир тарзда мени масхара қилади, қийнайди; аммо дарҳол ўзгаради-да, чиройли, юм-юмалоқ фариштадек чехраси чўзилиб кетади-ю, бошқа бирорга айланаб қолади. Нима десангиз денг, мен азоб, ташвиш-таҳлика исканжасидаман.

Мендан кулманг, азизим Митлер, ёки кулгингиз келса, кулаверинг! О, мен ўз муҳаббатимдан, айтиш мумкинки, телбаларча, жиловлаб бўлмас эҳтиросимдан уялмайман! Йўқ, мен ҳозиргача севмаган эдим, севги нималигини мана энди билаяпман; шу пайтгача, уни билгунимгача, уни севиб қолгунимгача, ха, бутун борлиғимла, чинакам севиб қолгунимгача ҳаётимдаги ҳамма нарса фақат муқаддимадан, фақат сусткашликдан, фақат вақт ўтказишдан, фақат вақтни йўқотишдан иборат бўлган. Тўғри, юзимга бўлмаса-да, оркамдан, мени укувсизликда, қўлимдан иш келмасликда айблаб, таъна қилувчилар ҳам бўлган. Майли, гапиришаверсин; аммо мен ўша пайтда ҳали ўзимни қайси соҳада қобилиятга зга эканлитимни исбот қилиб беролмас эдим. Мана энди, муҳаббат бобида мендан ўтадиган одамни кўришни истардим.

Сўзсиз, севги қайгули, дарду изтиробларга тўла санъат; аммо у мен учун шу қадар табиий, шу қадар қадрдонки, мен ундан ҳечам воз кечолмасам керак.

Бундай қайнок дил изҳоридан кейин Эдуард анча енгил тортди; шу билан бирга, ўзидағи ғайриоддий ҳолат бор бўй-бости билан шундок кўз олдида гавдаланди-да, азобли қарама-қаршиликлар юки остида ўзини тутолмай қолди, дўстига ичида борини тўкиб солганидан кўнгли юмшаб, кўз ёшлари дарёдек оқа бошлади.

Ўз қизиқонлиги ва чўрткесарлигини зўр-базўр яшириб турган Митлерни Эдуарддаги ҳиссиётларнинг бундай портлаб юзага чиқиши ўз ташрифи мавзусидан чекинишга мажбур этди ва эътиrozларини очик баён қилди. Айтдики, Эдуард ўзини қўлга олиши, эркаклик шаъни-ғурури хақида ўйлаб кўриши, инсоннинг олий бурчи бахтсизликда ўзини қўлга олиш, ғам-қайғуга сабр-бардош билан чидаш эканлигини ёдида саклаши лозимки, айнан мана шундай хислатлари туфайли одам қадр-киммат топади, бошқаларга намуна қилиб кўрсатилади.

Азобли ҳиссиётлар, ҳаяжон оғушидаги Эдуардга бу сўзлар пуч ва бемаъни туюлди.

– Хотиржам, бахти бекам одамга гапириш осон, – фифони чиқиб деди Эдуард, – аммо сўзлари изтироб чекаётган одамга жуда оғир ботишини ўйлаб кўриб, ўз сўзларидан уялса бўларди. Беғам, беташвиш одам бошқалардан беҳад сабр-бардошли бўлишни талаб қиласди, беҳад изтиробни эса у тан олишни истамайди. Шундай вазиятлар бўладики, ха, ха, бундайлари кўп топилади! Унда ҳар қандай тасалли – тубанлик, куюниш – бурчdir. Ахир ўз қаҳрамонларини чексиз ғамаламлар исканжасида кўз ёши тўкаётган ҳолатда тасвирлаган олижаноб юонон бундан ор қилмади-ку. Манави ҳикмат ҳам ўшанга тегишли: «Кўп йиғлайдиган одам – яхши одам!» Кўзидан ёш чиқмайдиган, тошкўнгил одам менинг яқинимга йўламасин! Бахтсизнинг аҳволини томоша қилишдан нарига ўтольмайдиган бахтлига лаънат ўқийман. Жисмоний ва руҳий азоблар юки остида бўлса-да, шўрлик бахтсиз бахтлиларнинг мақтовига сазовор бўлиш учун ўзини хушнуд

қилиб кўрсатиши, бунинг ўлимини қарсаклар билан олқишлиашлари учун уларнинг кўзлари олдида одоб билан гладиатор сингари жон бериши керак. Азизим Митлер, келганингиз учун ташаккур; лекин Сиз боғда, ён-атрофда бироз айланиб келсангиз менга катта илтифот кўрсатган бўлардингиз. Ҳали тағин учрашамиз. Мен эса, ўзимни босиб олишга, Сизга ўхшашга ҳаракат қиласман.

Митлер сухбатни бўлишдан кўра яхшиси ён беришга карор қилди, чунки янгидан гап маромига киришиш осон бўлмасди. Эдуард ҳам ўзини мақсадга яқинлаштираётган сухбатни давом эттиришга мойил эди.

— Албатта, — деди Эдуард, — ҳар хил керак-нокерак фикрлару баҳс-мунозаралардан фойда йўқ; шунга карамасдан сухбатимиз асносида мен илк бор нимага қарор қилишим керагу нима қарорга келганлигимга амин бўлдим, шуни чинакам ҳис этдим. Ҳозирги ва келажакдаги ҳаётим кўз олдимда шундоқ гавдаланди; менга ё азобни ёки ҳузурни танлаш қолди, холос. Барака топинг, ажрашишимизга ёрдам беринг, бу жуда муҳим, аслида биз аллақачон ажрашганмиз; Шарлоттанинг розилигини олиб беринг. Ортиқча гап-сўз тарқатмайман, назаримда, ажрашиш қийин бўлмайди. У ёққа боринг, азизим, барчамизга тасалли беринг ва барчамизни бахтли килинг!

Митлер нима дейишни билмай қолди. Эдуард давом этди:

— Оттилия иккимизнинг қисматимиз ажралмас, биз нобуд бўлмаймиз. Манави қадаҳни қаранг! Унга исмларимизнинг бош ҳарфлари биргаликда ўйиб ёзилган. Шодиёналик онларида бир бахтиёр киши уни осмонга иргитди; ундан энди хеч ким ичиши мумкин эмасди, у тошлок ерга тушиб чил-чил синиши лозим эди, бироқ уни ҳавода тутиб қолишиди. Мен уни катта баҳога сотиб олдим ва қисмат хукм этган қалб ришталари узилмаслигига ўзимни кун сайин ишонтириш мақсадида ундан ҳар куни ичаяпман.

— Ох, шўргинам курсин, — қичқирди Митлер, — дўстларимга чидаш учун қанчалар сабр-тоқатли бўлишим керак-а! Бунинг устига, тағин аллақандай бидъат билан тўқнаш келиб турсанг-чи, кишиларга одат бўлган нарсалар орасида энг ёмон кўрадиганим мана шу иллат. Биз башоратлар, олдиндан сезиш, тушлар воситасида кундалик ҳаётни гўё аҳамиятлироқ қилишга интиламиз. Бироқ ҳаёт ўзи аҳамиятли бўлиб, атрофимиздаги ҳамма нарса қўзғолиб, тўлқинланган пайтда ўша шарпалар таъсирида момақалдироқ янада кўркинчлироқ бўлиб кетади.

— Келинг, — хитоб қилди Эдуард, — ҳаётдаги мана шу тўс-тўполонлар гирдобида, мана шу умид ва ваҳима гирдобида шўрлик қалбга атиги йўлчи юлдузга ўхшаш бирон нарса қолдиринг, токи у ўшанга томон йўл тополмаса-да, лоақал узокдан қараб туролсин.

— Агар бу ишда, — жавоб берди Митлер, — бирон мантиқ борлигига ишончим комил бўлганида, эътиroz билдириб ўтирмасдим; бироқ мудом сезганман: бирорта одам огоҳлантирувчи белгиларга эътибор қилмайди-да, бутун дикқатию умидини ваъдалар бериб ишонтирадиган, алдоқчи нарсаларга қаратади.

Эдуарднинг Шарлотта хузурига боришини сўраб қилган илтимосини Митлер хийла қувониб қабул қилди, негаки сухбат уни бирмунча коронги гўшаларга бошлаб кетган, бундай гўшаларда узок ушланиб колса, ўзини анча ёмон ҳис этарди. Ҳозирги лаҳзаларда Эдуардга бирон бир эътиroz билдириш имкони борми? Вактдан ютиш, икки аёлнинг қай аҳволдалигини билиш — унинг фикрича, қилиниши лозим бўлган энг муҳим иш мана шу эди.

Митлер Шарлотта хузурига шошилди, уни ҳамишагидек сокин ва хотиржам кайфиятда топди. Шарлотта бўлиб ўтган воқеаларни батафсил гапириб берди, чунки Митлер Эдуарднинг сўзларидан фақат келиб чиқадиган оқибатгагина баҳо бериши мумкин эди. У гапни эҳтиёт бўлиб бошлади, бироқ «никоҳни бекор қилиш» деган сўзни ҳатто гап орасида бўлса-

да айтишга журъат этолмади. Шунча күнгилсиз гап-сүзлардан кейин ҳам Шарлотта ниҳоят фикрини айтганида Митлер ҳайратдан лол бўлиб колди, ўз нуктаи назарича қанчалик қувонди:

– Ҳаммаси ўз изига тушади, Эдуард қайтиб келади, дея умид қилишим, ишонишими керак, – деди Шарлотта, – қандай қилиб яна бошқача бўлиши мумкин, шундай хушвақт ҳолатимни кўриб турибсиз-ку!

– Мен Сизни тўғри тушундимми? – гапни бўлди Митлер.

– Мутлақо, – жавоб берди Шарлотта.

– Бу хабарни етказган Худога беадад шукурлар бўлсин! – хитоб қилди у қўлларини силкитиб. – Бундай далил эркак юрагига қандай таъсир этиши менга маълум. Қанча-қанча никоҳлар шу туфайли тезлашган, мустаҳкамланган, қайта тикланган. Мана шундай эзгу умид мингта бошқа сўздан кўра кўпроқ таъсир этади, негаки имконимизда бўлиши мумкин бўлган энг асл умид шу. Шунга қарамасдан, – сўзида давом этди у, – менга келсак, рањишига барча асосларим бор, деб ўйлайман. Кўриб турганимдек, бу ишда менинг нафсониятимни ҳеч нарса қондиролмайди. Мен сизларникида хизматимга яраша раҳматга умид боғлаёлмайман. Бир дўхтир дўстимни кўп эслаб турман, у камбағал кимсаларни Худо йўлига осонги-на даволарди, бироқ хизматига кўп ҳақ тўлайдиган бадавлат кишиларни даволаб тузатишга ҳамиша ҳам муваффақ бўлавермасди. Яхшиямки, сизларда масала энди ўз-ўзидан ҳал бўлади; менинг бутун уринишлариму панд-насиҳатларим фойда бермаган бўларди.

Энди Шарлотта ундан бу хабарни Эдуардга етказишни, хатини ҳам элтиб беришни, нима қилиш, қандоқ тадбир кўриш лозимлигини ҳал қилишни талаб кила бошлади. Бироқ Митлер бунга рози бўлмади.

– Ҳаммаси ҳал бўлган, – хитоб қилди Митлер, – Ёзаверинг! Кимдан бериб юборманг, у бу ишни менда яхшироқ қилиб бажаради. Мен эса, қаерда кўпроқ керак бўлсан, ўша ёққа жўнайман. Энди сизларга

бахт-саодат тилаш учунгина чўқинтириш маросимига қайтиб келаман.

Шарлотта Митлердан норози бўлди, бунақаси илгари ҳам тез-тез бўлиб турарди. Характеридаги жўшқинлик кўпинча ишнинг ўнгидан келишига туртки берар, ортиқча шошқалоқлиги эса баъзан ишни бузиб қўярди. Ҳеч ким унингчалик дабдурустдан юзага келган фикрлар таъсирига берилувчан бўлмаса керак.

Шарлотта юборган одамни кўриб Эдуард анчамунча кўркиб кетди. Мактубда «ҳа» жавоби ҳам бўлиши мумкин, «йўқ» жавоби ҳам. У анчагача хатни очишга журъат этолмади, уни ўқиб кўргач эса, беҳад ҳайратга тушди; мана бу сўнгги сатрларни ўқигач эса, тошдек қотиб колди: «Ўз хотининг ёнига жазман мисол келганинг ўша тун ёдингдами? Жиловлаб бўлмас эҳтирос билан уни ўзингга тортиб, худди маъшуқадек, худди ёш келинде оғушингга олгандинг. Бахтимиз инқирозга юз тутиш хавфи остида турган мана шу дакиқаларда шу ғаройиб тасодиф баҳона оиласвий муносабатларимизни янги ришталар билан мустаҳкамлашни истаган Худо марҳаматига, кел, шукроналик келтирайлик».

Ушбу лаҳзаларда Эдуарднинг кўнглидан нималар кечганини тасвирлаш оғир бўларди. Шу таҳлит руҳий саросималик онларида, ниҳоят, эски одатлар, эски мойилликларнинг асоратлари сезилиб турадики, булар вақтни ўлдиришга, ҳаётни тўлдириб туришга кўмак беради. Ов ва уруш ҳам зодагон киши учун энг қулаг чора. Эдуарднинг кўнгли ички осойишталикни сақлаш учун ташки хавф-хатарни қўмсарди. У ҳалокатни қўмсарди, негаки ҳаёт унинг учун азобга айланадётганди. Ўз ўлимим билан севгилимга, дўстларимга бахт ато этаман, деган фикр унга тасалли берарди. У қарорини сир сақлагани боис ҳеч ким унга тўскинлик қилмасди. У барча расмиятчиликларга амал қилган ҳолда васиятнома битди; Оттилияга мулкни васият қилиш имконияти қалбига хузур олиб кирди. Шунингдек, у Шарлоттани ҳам, туғилмаган фарзандини ҳам,

Капитанни ҳам, хизматкорларни ҳам эсдан чиқармади. Янгидан бошланган уруш унинг режаларига кулагай шароит туғдирди. Ўртамиёна ҳарбий кўмондонлар унинг ёшлик йилларида кўп тускинлик қилганлари туфайли у хизматни тарк этганди. Мана энди бўлса, лашкарбоши билан жангга кириш ва у ҳақда: унинг раҳнамолиги остида ҳалок бўлиш эҳтимоли бўлса-да, ғалабага шубҳа йўқ, дея олиш Эдуарднинг қалбида кўтаринки туйғулар уйғотарди.

Шарлоттанинг сири Оттилияга ҳам аён бўлгач, у ҳам Эдуард сингари, ҳатто ундан-да баттар ҳайратга тушиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолди. Энди гапирадиган гали ҳам қолмаганди. Бирон нарсага умид боғлаёлмас, орзу килишга ҳаққи ҳам йўқ эди. Бундан кейин айрим кўчирмалар бермоқчи бўлганимиз кундалик дафтари унинг кўнглига назар ташлашта унчамунча имкон беради, деб ўйлаймиз.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

Кундалик ҳаётда шундай ҳодисалар ҳам тез-тез учраб турадики, буларни биз эпик асарларда ёзувчининг бадиий услуби деб кўкларга кўтарамиз, бош қаҳрамонлар кўздан нари кетиб, биздан узоклашиб, фаолиятдан тўхтаганлари заҳоти, уларнинг ўрнини иккинчиси, учинчиси, ҳозиргacha кўзга ташланмаган бирор кимса тўлдиради ҳамда ўзининг бутун ҳатти-харакатлари билан гўё бизнинг эътиборимиз, ҳамдардлигимиз, мактову таҳсиларимизга сазовор бўлгандек кўринади.

Эдуард билан Капитан жўнаб кетишганиданоқ анатви меъмор кундан-кунга ўзини муҳим одамдек тута бошлади, амалга оширилаётган барча ишларни ўз кўлига олиб, билимдон ва ғайратли одамга айланди; шу билан бирга у хонимларимизнинг ҳам анча-мунча кўнглини топиб, бекорчи, зерикарли онларда улар-

ни сұхбатлар билан чалғитишиң ҳам биларди. Ташқи қиёfasининг ўзиданоқ киши унга ишониб, ёқтириб коларди. Том маңнода бүй-басты келишган бу йигит хушқад, бирок бүйи у қадар узун эмас, камтару, аммо тортинчоқ эмас, киришимли, бирок пашшахурда эмас эди. У ҳар қандай иш ва топширикни кувонч билан бажаарарди, ишнинг орқа-ўнгини беҳад яхши билганигидан тез орада бутун хўжалик, уй-рўзгор ишларида унга ҳамма нарса ойдин бўлиб қолди, унинг самарали таъсири ҳамма ёқда сезила бошлади. Одатда унга нотаниш меҳмонларни кутиб олиш топширилар, у бундайларни ё қайтариб юборишга ёки бўлмаса бундай ташрифдан бирор бир нокулайлик келиб чиқмаслиги учун аёлларни иложи борича шунга тайёрлашга муваффак бўла оларди.

Яқинда бир ёш юрист унга анча-мунча ташвиш орттириди, уни қўшни заминдор айтарли мухим бўлмаган, аммо Шарлоттанинг қўнглига хийла оғир ботган бир масалани ойдинлаштиришга юборган эди. Шуни таъкидлашимиз керакки, у шу пайтгача эҳтимол қўзғалмай ётиши мумкин бўлган кўплаб нарсаларга туртки берди.

Қабристонда Шарлотта йўлга қўйган ўзгаришлар эсингизда бўлса керак. Барча ёдгорликлар жойларидан олиниб, черков девори тубларига ҳамда панжараларга суяб қўйилган эди. Бошқа жойлар текисланди. Черковга ва у орқали нариги томондаги эшикчага элтадиган кенг йўлак бундан мустасно эди, у ерга беданинг турли навлари экиб ташланган, хозир улар гуркираб ўсиб, гуллаб ётарди. Бундан буён янги қабрларни маълум тартибда, қабристоннинг бир чеккасидан бошлаб қазишга, аммо уларни ер билан баравар қилиб, беда экилиши кўрсатма берилган эди. Якшанба ва байрам кунлари черковга келадиган ҳар қандай одам ҳам бу ердаги манзаранинг муносиблиги ҳамда гўзаллигини инкор килмасди. Ҳатто эскича урф-одатларга ихлос киладиган қари рухоний ҳам дастлаб бундай ўзгаришларни бир қадар ёқтиrmади, бирок кейин уйнинг орқа эшиги олдидағи кекса эманлар остида худ-

ди Филемон ўз Бавкидаси билан ўтиргандек ўтириб қабр дүнгликлари ўрнида чиройли гулзор гиламни кузатаркан, бундан хурсанд бўлди, колаверса бу ўзгариш унинг хўжалигига анча-мунча фойда ҳам келтирарди, чунки Шарлотта бу жойдан фойдаланиш ҳукукини руҳонийлар ихтиёрига берган эди.

Шунга қарамасдан черковдаги жамоа аъзоларидан айримлари, аждодларимиз қўйилган жойлардаги белгилар олиб ташланди, энди улар ҳақидаги хотира-лар ҳам ўчиб кетади, дея норозилик ҳам билдириши-ди; ёдгорликлар яхши сақланаётган бўлса-да, улар фақатгина ким дафн этилганини билдиради, холос, қаерда дафн этилгани эса номаълум, кўпларнинг фик-рича, ана шу «каерда»си энг мухимдир.

Битта қўшни оиласлагилар худди шундай фикрда эди, улар кўп йиллар олдин худди шу қабристондан ўзлари ва ўз якинлари учун жой эгаллашган, бунинг учун черковга маълум миқдорда пул ҳам тўлаб туришарди. Мана энди ўша шартномани бекор қилиш ҳамда бундан буён пул тўламасликларини билдириш учун ёш юристни юборишган эди, негаки шартноманинг бу шартларини томонларнинг бири бузган ҳамда ҳеч бир эътиroz ва далилларга кулоқ солишимаган эди. Бу ўзгаришларнинг сабабчиси бўлган Шарлотта йигитча билан ёлғиз гаплашмоқчи бўлди, юрист ҳарқалай қизишиб бўлса-да, аммо хийла босиклик билан ўзининг ва хўжайнининг далил-исботларини тушунирди ва йиғилган одамларни бирмунча ўйлашга мажбур қилди.

– Кўриб турибсиз, – деди у ўзидаги қатъиятликни юмшатиш учун бироз тин олгач, – кўриб турибсиз, нафакат бойвучча, ҳатто энг йўқсил одам ҳам ўз якинлари дафн этилган жойга бирор белги қўйишни истайди. Ўз фарзандини қабрга қўйган энг камбағал дехқон ҳам қабр устига кўримсизгина ёғоч қўйишдан, уни гулчамбар билан безатишдан бирмунча юпанч топади, лоакал қайғу-аламлари янги пайтида шу йўл билан марҳум ҳақидаги хотираларни қалбида асрайди, зеро вакт ўтиши билан ғам-алам сингари бу белгилар

ҳам йўқолиб кетади. Бой-бадавлат одамлар бу хочларни темирга алмаштириб, маҳкамлашади ва уларни турли йўллар билан асрashади, булар энди узок йилларгача сақланиб туради. Бир кун келиб темир хочлар ҳам кийшайиб, йўқ бўлиб кетади, шунда бадавлат одамлар тошдан ёдгорлик тиклашни ўз бурчлари деб билишади, булар эса бир қанча авлодлар умрига етади ва кейинги авлодлар уларни таъмирлаб, янгилашлари мумкин. Бироқ биз интиладиган нарса тош эмас, балки унинг остида ётган, биз ерга ишониб топширган марҳумдир. Гап факат хотирадагина эмас, балки ўша инсон ҳақида ҳам, ўтмиш хотираларидағина эмас, балки ҳозирги кунда ҳам. Азиз марҳумлар руҳини мен ёдгорлик рўпарасида эмас, балки қабр уюми ёнида яқинроқ ва чукурроқ ҳис этаман, негаки ёдгорлик ҳали ўзича кўп нарсани ифодаламайди; ўша тош белгилаб турган қабр атрофига узок вакт эрлари, хотинлари, қариндошлари, дўстлари тўпланишади, ҳаёт бўлган инсон эса ўз яқинларининг қабрлари ёнига бегоналарни ҳамда ёмон одамларни йўлатмаслик ҳукукини ўзларида саклаб колмоқлари лозим.

Мана шунинг учун ҳам мен хўжайним битимни бузишга тўла ҳақли деб ҳисоблайман; бу ҳам ҳали ҳеч нарса эмас, негаки бу оила шундай жудоликка учрадики, буни қоплаш жуда кийин. Энди улар ўз суюкли кишиларини қабрлари олдида хотирлашдан, пайти келиб уларнинг ёнгинасидан жой олиш умидидан маҳрум бўлишаяпти.

– Бу энди даъволашиб юришга арзийдиган иш эмас, – эътиroz билдири Шарлотта. – Мен ўз қилган ишимдан пушаймон эмасман, черковга эса йўқотган харажатлари ўрнини қоплайман. Сиз эса, шуни билиб кўйингки, келтирган далилларингиз мени ҳечам қониқтирмади. Бу дунёдан ўтганимиздан кейин барчамизга насиб бўладиган тенглик ҳақидаги тотли туйғу биздаги шахсиятни, меҳр-оқибат ва ҳаётий муносабатларни узайтиришга бўлган қатъий ва қайсар уринишдан кўра мен учун кўпроқ тасалли бўлади. Бунга Сиз нима дейсиз? – дея у меъморга мурожаат қилди.

— Бундай ишда, — деди у, — на баҳслашишни, на бирор ҳукм айтишни истамасдим. Рухсат берсангиз, менинг санъатимга, фикрлаш тарзимга тўғри келадиган фикр айтсам. Кули урнага жойланган суюкли кишимизни бағримизга босишдан маҳрум бўлган лаҳзалардан эътиборан, уни гуллар билан безатилган катта саркофагларда саклашга қурбимиз етадиган даражада бой ва қатъиятли бўлолмаганимиз, ўзимиз ва яқинларимиз учун черковдан жой тополмай, ташкарида ётишга маҳкум бўлганимиз боис, муҳтарама хоним, Сиз кўллаган тартибни маъқуллаймизда. Битта қавм аъзолари бир-бирлари билан ёнма-ён ётишса, улар ўз яқинлари ёнида ва орасида ором олаётгандек бўлишади; пайти келиб замин бизни ҳам ўз бағрига олар экан, унда, менимча, тўсатдан пайдо бўлган ва бора-бора чўкиб кетадиган кабрни ҳеч кечиктирмасдан текислаб, шу йўл билан ер остида ётган марҳумларнинг ҳар бирининг устини енгиллатишдан ҳам табийроқ ва савоблироқ иш борми!

— Биронта ёдгорлик белгисисиз, хотира уйғотадиган бирон бир нарсасиз ҳамма нарса шундоккина йўқ бўлиб кетаверадими? — сўради Оттилия.

— Зинҳор базинҳор! — сўзида давом этди Меъмор, — хотиралардан эмас, факат жойдан воз кечилади, холос. Меъмор ва ҳайкалтарош ўзларидан, уларнинг санъатидан, уларнинг қўлларидан инсонлар ўз ҳаётларининг давомини кутишларидан манфаатдордирлар; шу босидан менинг истагим шуки, дид ва фаросат билан ишланган ёдгорликлар дуч келган жойда сочилиб ётмасдан, уларнинг умрини узайтирадиган бирор жойда тартибли сақланса, тақводор ва бой-бадавлат одамлар черковда қўйилиш имтиёзидан воз кечишаётган экан, унда черков ичидаги ҳамда қабристон атрофидаги чиройли залларда ёдгорликларни ва хотира ёзувларини сақласа ҳам бўлади. Уларни безаш учун қўллаш мумкин бўлган саноқсиз шакллару усууллар ҳамда нақшлар мавжуд.

— Агар рассомлар шунчалик бой экан, — сўради Оттилия, — унда айтинг-чи: нега улар ўша факирона обе-

лиск, кўримсиз устунлар ёки урналардан мудом воз кечолмайдилар? Сиз мақтаётган минглаб нақшлар ўрнида мен минглаб тақрорларни кўраяпман, холос.

— Ростдан ҳам бизда шунака, — жавоб берди Меъмор, — лекин ҳамма жойда эмас. Сирасини айтганда, бирор нарсани кашф килиб, уни муносиб тарзда қўллай олиш осон иш эмас. Айникса ғамгин буюнга қувноқ ранг бағишлиш, мунгли нарса тасвирида мунгга берилиб кетмаслик хийла қийинчиликлар туғдиради. Турли хил ёдгорликлар лойиҳаларига келсак, мен улардан қўпини тўплаганман, мавриди келганда уларни Сизга кўрсатаман, аммо инсон учун энг яхши ёдгорлик ўзининг тасвири бўлиб қолаверади. Бу тасвир бошқа ҳар қандай нарсадан кўра ҳам, унинг қандай бўлгани ҳакида тасаввур бериб туради; бу чўзиқ ёки қисқа ноталар учун энг яхши матн бўлиши мумкин; шуниси борки, у ҳаётнинг энг гуллаган даврида қилиниши керак, афсуски, одатда ҳамиша бу давр ўтказиб юборилади. Жонли кўринишларни сақлаб қолишини ҳеч ким ўйламайди, борди-ю бундай килингандан ҳам у тўкис бўлмайди. Олайлик, мурданнинг юзидан шоша-пиша гипс тасвир олишади-да, уни постамент устига қўйишади ва буни бюст деб аташади. Кейин бунга ҳаётийлик бағишлиш рассом учун қанчалар қийинчилик туғдиради!

— Ўзингиз билмаган ва хоҳламаган ҳолда, — деди Шарлотта, — гап мавзусини бутунлай мен истаган томонга бурдингиз. Ахир инсон тасвири бошқаларга боғлиқ эмас-ку; у каерда туришидан қатъий назар ўзи учун туради, ўзи дафн килинган жойни кўрсатиб туришини биз ундан талаб килмаймиз-ку. Дилемдаги ғалати туйғуни Сизга айтами? Портретлардан аллақандай кўнглим қолипти; назаримда улар бизга таъна билан қараётгандек туюлади; улар бизга йирок, ўтиб кетган нарсаларни эслатишади ҳамда бугуннинг қадрига етиш қанчалик оғирлигини сездириб туришади. Умримиз давомида қанча-қанча одамларни кўрганимизни, билганимизни, улар биз учун, биз улар учун қанчалик қадрли бўлганимизни ўйласанг, юра-

гинг эзилиб кетади кишининг! Зукко одамни учратамизу, лекин у билан сухбатлашмаймиз, олимни учратамизу, ундан бирор нарса ўрганмаймиз, сайёхни учратамизу, ундан бирор нарсани билиб олмаймиз; калби муҳаббатга тўла одамни учратамизу, бироқ ўзимиз унинг кўнглини тополмаймиз.

Бундай ҳолат фақатгина ўткинчи нарсаларга тегишли эмас. Бутун бир жамият ва оилалар ўз суюкли аъзоларига нисбатан, шаҳарлар ўз обрўли фуқароларига нисбатан, халклар энг яхши подшоҳларига нисбатан, миллатлар ўзларининг энг номдор кишиларига нисбатан шундай йўл тутадилар.

Бир куни, нега марҳумлар ҳақида яхши гапларни бемалол айтаверишади-ю, тириклар ҳақида гапирганда истиҳола килиб туришади, дея сўрашганларини эшитдим. Жавоб шундай бўлди: негаки биз ўтганлардан хавфсираб ўтирмаймиз, тириклар билан эса бир кун келиб учрашиб қолишимиз мумкин. Мана шунаقا, бошқаларнинг хотираси ҳақида қайғуришда самимият йўқ; аслида бу худбинларча найрангбозлик, қанийди бунинг аксича тириклар билан ҳамиша фаол алокада бўлиб турсак.

Иккинчи боб

Шу воқеа ва шунга боғлиқ гап-сўзлар сабаб бўлиб, эртасига қабристонга боришди, уни янада хушманзара қилиш учун Меъмор йигит яхшигина таклифларни ўртага ташлади. Бундан ташқари, у черковнинг, яъни бошданоқ унинг дикқатини ўзига тортган бинонинг ҳам ташвишини қилди.

Немис услуби руҳида қурилган ушбу черков бир неча асрлардан бери бежирим пардозланган, чиройли мутаносибликда сакланиб турарди. Кўшни монастирни қурган одам ўз меҳри ва салоҳиятини шу мўъжазгина бинода ҳам намоён қилган, дея фараз қилса бўлади, гарчи унинг ҳозирги, протестантча ибодатларга мўлжалланган ички жиҳози черковни аввалги сокинлик ва улуғворликдан маҳрум

қилган бўлса-да, у ҳамон томошибинларга жиддий ва ёқимли таъсир кўрсатарди. Черковнинг ичи ва ташини қадимги ҳолатида қайта тикламок ҳамда унинг олдида ястаниб ётган қабристон билан мослаштиромоқ учун меъморга Шарлоттадан бироз маблағ сўраб олиш қийин бўлмади. Унинг ўзи ҳам эпчилгина эди, уй курилишида ишлаётган бир қанча ишчиларни ҳам мана шу хайрли иш битгунча ушлаб туришга карор қилинди.

Черков биносини теварак-атрофидаги иморатлар, ёнма-ён қурилган бинолар билан биргаликда яхшилаб ўрганиб чиқишигач, Меъморни беҳад ҳайратга солган ва хурсанд қилган, унча кўзга ташланмайдиган, кичкина меҳроб борлиги маълум бўлдики, у охорли ва жозиб мутаносиблиги, жилвакор ва пишиқ-пухта нақшлари билан ажралиб турарди. Шу билан бирга унда ўша қадимги ибодат удумларини англатувчи ўймакорлик ва расм қолдиклари ҳам сакланган бўлиб, ўша удумга кўра бир байрам маҳсус тасвиirlар ва идиш-оёклар билан ўзига хос тарзда нишонланар эди.

Меъмор ушбу меҳробни ҳам пайсалга солмасдан ўз лойиҳасига киритди, максади мозийдан ва ўша пайтдаги удумлардан хотира сифатида уни қайта тиклаш эди. У аллақачон хаёлида яланғоч деворларни ўз дидига мослаб безатар, ҳамда ўз рассомлик маҳоратини бунда синаб кўришидан қалби қувончга тўларди; аммо буни Шарлотта ва Оттилиядан ҳозирча сир тутишга карор килди.

Ўзи ваъда қилганидек, у аввало аёлларга қабрларга кўйилган эски ёдгорликлар, идиш-оёклар ва шуларга ўхшаш буюмларнинг ҳомаки чизгилари ҳамда лойиҳаларини кўрсатди, гап мавзуси шимол ҳалқларининг қабр уюмларига кўчгач, у ўша қабрлардан топилган куроллар ва идишлардан ташкил топган ўз коллекциясини намойиш килди. У буларнинг барчасини кутиларга тартиб билан, кулай қилиб жойлаштирган ҳамда деворга ўйиб ўрнатилган, мато билан қопланган тахталарга маҳкамлаган эдики,

шундан бу күхна, ноёб буюмлар бежирим күриниш касб этган ва одам уларга баайни безак буюмлар дўконидаги нарсаларга қарагандек қизиқиши билан қарагиси келарди. Киши ёлғизлиқда ким биландир мулоқотда бўлишни истайди, Меъмор шуни ҳисобга олиб, коллекциясини бир марта кўрсатгач, энди ҳар кечкурун ўз ҳазинасининг бирор бўлагини олиб келиб кўз-кўз киларди. Бу нарсаларнинг барчаси: брактеатлар¹, қадимги қалин тангалар, муҳрлар ва бошқалар асосан Германияда ишланган эди. Улар инсон хаёлотини қадим ўтмишга буар, Меъмор бўлса, қадимда чоп этилган нашрлар, ёғочга, мисга ўйилган гравюраларни намойиш қилиб, ўз шарҳларига жон киргизарди; черков ҳам ўша қадимиий руҳдаги пардоз ва накшлар туфайли кундан кунга эски замонлардагига ўхшаб борар, шу боисдан ҳам ростакам янги замонда яшяпмизми ўзи, атрофда содир бўлаётган янги удумлар, урф-одатлар, яшаш тарзи ва тушунчалар туш эмасми, дея беихтиёр ўз-ўзингга савол берасан киши.

Шу тахлит руҳий тайёргарлиқдан сўнг, Меъмор олиб келган қалингина папка жуда зўр таассурот қолдирди. Папкада фигуralарнинг контурлари сақланарди, улар расмлардан айнан кўчирилгани боис ўз қадимиий характерларини йўқотмаган эди, булар аёлларни чунонам ҳайратта солдики! Барча образлардан ҳаёт уфуриб турарди; улар улуғвор бўлмасалар-да, ҳарқалай дилни яйратарди. Диққат, эътиборнинг бир нуқтага жамланганлиги, биздан юкори турадиган нимагадир ихтиёрий иқрорлик, меҳр-мухаббатни сабртоқат билан кутиш – барча чехраларда, гавдаларнинг ҳолатида шундоқкина акс этиб турарди. Ялтирибош мўйсафи, жингалаксоч болакай, тийрак йигитча, жиддий эркак, хотиржам зоҳид, парвоз қилаётган фаришта – буларнинг барчаси эзгу орзу-умидлар, беозор қувонч оғушида ҳузур-ҳаловат гаштини сурешарди.

¹ *Брактеат* – бир томонлама зарб этилган ўрта аср тангаси (тарж.)

Энг оддий ҳаётий воқеада ҳам самовий шуъла акс этар ва бу мавжудотлардан ҳар бири гүё Худога шукроналик учун яратилгандек эди.

Бундай оламга айрим одамлар худди ҳойнаҳой изи ҳам ўчиб кетган Олтин асрға, йўқолиб кетган жаниатга қарагандек қарашса керак. Фақат Оттилиягина бунда ўзини қалбига яқин кимсалар орасида тургандек сезса ажаб эмас. Меъмор меҳроб гумбазларини шу намуналар асосида безатиб, бу билан ўзига яхши муносабатда бўлишган жойда ўзидан яхшигина хотира қолдиришга қарор қилган экан, бунга ким ҳам эътиroz билдиради. Бу ҳақда у анча хафа бўлиб гапирди; негаки, бундай дилбар даврадаги ҳаёти бир умр давом этмаслиги кундек равшан, аксинча, бунга тез орада барҳам берилса керак.

Бу кунлар воқеаларга бой бўлмаса-да, бироқ жиддий мулокотлар кўп бўлди. Шундан келиб чиқиб биз Оттилиянинг кундаликларидағи ёзувлардан айрим жойларини келтиришни лозим топамиз ва улар ҳакида сўз очишни бошлашдан олдин, бу гўзал сахифаларни ўқиш давомида миямизга келган бир қиёсни айтмай ўтольмаймиз.

Англия денгиз флотидаги маҳсус бир қоида ҳакида эшитганим бор эди: киролликка қарашли флотнинг барча анжомлари, энг йўғон канатдан тортиб энг ингичка арқонгача шундай эшиларканки, уларнинг бошидан охиригача орасидан қизил ип ўтаркан, бутун арқонни тарқатмагунча уни тортиб олиб бўлмас экан, ўша арқоннинг кичик бир бўлагидан ҳам унинг Англия денгиз флотига қарашли эканлигини билиш мумкин экан.

Худди шунингдек, Оттилиянинг кундаликларидан ҳам барча ёзувларни бирлаштириб турадиган эҳтиром ва садоқат қизил ип каби ўтган. Ундаги мулоҳазалар, фикр-ўйлар, алоҳида ҳикматли сўзлар, бари-бариси, уларни ёзган инсонга хос ва унинг учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳатто биз танлаб олиб бу ерда келтираётган парчаларнинг ҳар бири сўзсиз бунга гувоҳлик беради.

Оттилияниң күндәлік дафтаридан

Қачондир үзинг севған кишилар ёнига дағын этилмөқ хаёллари уни нариги дүнёга олиб кетганида инсон қалбидә түгелиши мүмкін бўлган энг ёқимли умиддир. «Үз яқинларинг ёнига йигилмоқ»¹ деган фикр қанчалар ёқимли.

Марҳумларни ва биздан йироқдаги кишиларимизни бизга яқинлаштирадиган ёдгорликлар ва белгилар жуда кўп. Бирортаси ҳам портретга тенг келолмайди. Баъзан дўст билан бўлган баҳсада жозиба бўлганидек, севимли кишининг портрети билан суҳбатда, ҳатто у ўхшамаса ҳам, қандайдир жозиба бор. Киши гоҳида келишолмай қолганида ҳам ажратмас эканлигини ҳис этиш гоятда ёқимли.

Гоҳо ёнингдаги одам билан ҳам портрет билан гаплашгандек гаплашасан киши. У биз билан сўзлашмаслиги, ҳатто бизга эътибор ҳам қилмаслиги мүмкин; биз уни кўриб турамиз, унга боғлиқлигимизни ҳис этамиз, бу боғлиқлик мустаҳкамланиб ҳам бориши мүмкин, у бунинг учун ҳеч нарса қилмайди, буни ҳис ҳам этмайди, худди портретдек олдимизда тураверади.

Ўзинг билган одамларнинг портрети сени ҳеч қачон қониқтиrmайди. Шу сабабли портрет чизувчи-ларга ҳамиша раҳмим келади.

Оддий одамлардан мүмкин бўлмаган нарсаларни ҳеч қачон талаб қилишмайди, портрет чизувчилардан эса буни талаб қилишади. Улар ҳар бир кишининг бошқаларга муносабатини, ҳурмати ёки нафратини портретида акс эттиришлари лозим; улар ўша одами қандай тасаввур қилишларинигина эмас, балки ҳар қандай бошқа одам уни қандай тасаввур қилиши лозим бўлса, шундай тасвирлашлари талаб қилинади. Бундай рассомлар бора-бора жаҳлдор, ўжар, ҳамма нарсага лоқайд бўлиб қолишиса, бунга мен ҳайрон

¹ Инжилдан олинган сўзлар, «Ўлгач ўз аждодлари дахмасида дағын этилиш» маъносини англатади (тарж.).

бўлмайман. Бунинг бизга аҳамияти йўғ-у, бироқ биз учун суюкли ва қадрли инсонларнинг портретларига эга бўлишдан кўпинча маҳрум бўлиб қоламиз.

Меъморнинг қабр теналари, тоши парчалари бекитиб турган ер остида, мурдалар ёнида ётган қуроллар, қадимий идишилардан тўплаган коллексияси, шубҳасиз, исботлаб турибдики, инсон ўлимидан сўнг ўз шахсиятини ҳимоялашга интилиши бефойдадир. Биз қанчалар мураккабмиз-а! Меъморнинг сўзига қараганда, ўша қабрларни ўзи очганмиш, шунга қарамай у келгуси авлодлар учун ёдгорликлар куришдан бўшамайди.

Бироқ бунчалар қаттиққўл бўлиш нимага керак? Ахир қилаётган барча ҳатти-ҳаракатларимиз абадијатга дахлдор эмас-ку? Кечқурун ечиниш учун эрталаб кийинмаймизми? Тагин қайтиб келиш учун бирор ёққа кетмаймизми? Нега ўз яқинларимиз ёнида поақал бир асринга бўлса-да дафн этилишини истамаслигимиз керак?

Дунёдан ўтган кишиларни, зиёратчишар оёги остида топталган қабртошларни, ҳатто дахмалар устига қулаган черковларни кўрганимизда, ўлимдан кейинги ҳаётинг иккинчи ҳаёт бўлиб туюлади, унга ҳайкалчалар ёки қабртошдаги ёзувлар бўлиб кирамиз, у ҳаётда ушбу ёргу оламдагидан кўра узокроқ бўламиз. Бироқ бу ҳайкалча ҳам, иккинчи ҳаёт ҳам эртами-кечми йўқ бўлиб ктади. Вақт на фақат одамлар устидан, ёдгорликлар устидан ҳам ҳукмронлик қиласди.

Учинчи боб

Ярим-ёрти биладиган иш билан шугулланиш ёқимили нарса, шунинг учун ҳеч қачон эгаллаёлмайдиган санъатга берилган ишқибозни айбламаслик ёки ўз санъати доирасидан чишиб, кўшни соҳага ўтиб кетишини истаб қолган рассомни қораламаслик лозим.

Меъморнинг меҳробга нақш бериш ҳакидаги режасига ана шундай кечиримли назар билан қараймиз. Бўёқлар танланган, ўлчовлар олинган, чизмалар тайёр;

янгиликка ҳар қандай даъводан у воз кечди; ўз контурларига суюнди: ўтирган ва парвоз қилаётган фариштадарни жой-жойига қўйиш, улар билан бино шифтини санъаткорона безатиш – унинг ташвиши мана шу эди.

Ёғоч-тахталар келтирилди, иш олдинга силжиди, дикқатни тортадиган ишлар бажарилгач, у Шарлотта билан Оттилиянинг бу ерга келишига эътиroz билдири мади. Фаришталарнинг жонли чеҳралари, уларнинг ложувард осмон фонида хилпираётган кийимлари кўзни қувонтиради; улардаги сокинлик ва беозорлик кишининг бор дикқатини ўзига тортар ва ғоятда ёқимли таассурот қолдиради.

Аёллар унинг ёнига, тахтасупага кўтарилишиди, Оттилия ишнинг осон, бир маромда, хотиржам кетаётганини айтиб улгурмай, ўқиш даврида ўргангандари эсига тушиб қолди ва чутка билан бўёқни олиб, меъмор ўргатганидек қилиб фариштанинг кийимларидан бирини бутун бурмалари билан аниқ ва моҳирона чизди. Оттилиянинг бирор машғулот билан берилиб шуғулланганини кўрганда Шарлотта ҳамиша хурсанд бўлади, ҳозир ҳам уларга ҳалақит бермади ва ўз фикр-ўйларига берилиш ҳамда ҳеч кимга изҳор қўйлмайдиган мулоҳаза ва ташвишларини ёлғиз ўзи тарозига солиб кўриш учун бу ердан узоқлашди. Агар ўртамиёна одамлар кундалик келишмовчиликлардан эсанкираб, талвасага тушиб, бизни, аттанг, дея жилмайишга мажбур қилишса, қалбига буюк қисмат уруғи экилган, унинг ниш уришини кутишга мажбур бўлган, аммо ундан яхшилик унадими ёки ёмонликми, баҳт унадими ёки баҳтсизликми, буни билмайдиган, билишга қодир ҳам бўлмаган инсонга, аксинча, чукур курмат билан қараймиз.

Шарлотта эрининг ёлғиз яшаётган жойига чопар жўнатганда, Эдуард ўша одам орқали Шарлоттага меҳрибон ва ҳамдард, лекин самимият ва меҳрмуҳаббатдан кўра сипо ва жиддий оҳангдаги жавоб хати юборди. Эжуард уйдан ғойиб бўлгач, хотини ундан анчагача хабар тополмай юрди, охири бир газетада тасодифан унинг исмини ўқиб қолди, у ерда Эду-

ард бир жангда намуна кўрсатганлар қаторида тилга олинган эди. Эри қандай йўлни танлаганини энди у биларди, унинг катта хавф-хатарлардан омон қолгани ҳам энди аён, шу билан бирга, бундан ҳам баттарроқ хавф-хатарларни излашига имони комил эди, шундан келиб чиқиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам уни энг хавфли қарордан қайтариш қийин бўлишини Шарлотта аниқравшан тасаввур қила оларди. У ана шундай ташвишли хаёллар билан яшар, бу ҳакда оғиз очмас, ҳар хил йўлларни кидирар, аммо ҳеч бири унинг кўнглини тинчтолмасди.

Бу гаплардан хабари ҳам йўқ Оттилия, бутун борлиги билан ўша ишга шўнғиб кетди ва Шарлотта ҳам унга ҳар куни шуғулланишга осонгина рухсат берди. Иш тез юришиб кетди ва кўп ўтмай кўм-кўк гумбаз ўз муносиб эгалари билан тўлди. Тинмай қилинган машқлар туфайли Оттилия билан меъмор охирги фигуralарга келганда бемалол ҳаракат қила бошлашди; маҳоратлари анча ошиб колди. Меъмор ёлғиз ўзи чизган чеҳраларда битта ўзига хослик борган сари кўзга ташланаверди: уларнинг бари Оттилияга ўхшай бошлашди. Ҳаётда ёки расмда бирор чеҳрани ўзига намуна сифатида танламаган ёш йигитнинг қалбига ёнгинасида турган гўзал қиз шу даражада кучли таъсир кўрсатган эдики, кўзи билан кўргани бора-бора қўлига кўчиб, охираша иккаласи ҳам баҳамжиҳат бўлиб ишлай бошлашди. Хуллас калом, сўнгти чизилган чеҳралардан бири шунчалик мукаммал чиқдики, гўё Оттилияниң ўзи тепадан пастга караб тургандек туюларди.

Гумбаздаги иш битди; деворларни шундок қолдиришга, факат оч жигаррангсифат бўёқ суриб чиқишига қарор қилишди; шу билан тўкрок рангдаги нафис устунлар ва ёпиширилган сунъий безаклар янада кўзга ташланиб турадиган бўлди. Бир фикр иккинчисини туғдирганидек, тағин гул ва мевалардан гўё еру осмонни бирлаштириб турадиган маржон тизишга қарор қилишди.

Бу Оттилияning нақ күнглидаги иш эди. У боғлардан энг гўзал намуналарни топди, гарчи гулчамбарлар анчагина меҳнат талаб қилган бўлса-да, улар бу ишни мўлжалдагидан ҳам олдин бажаришди.

Шунга қарамай, ҳали ҳаммаёқ бетартиб эди. Тахтасупалар пала-партиш суреб кўйилган, тахталар сочиб ташланган, нотекис пол бўёқлар тўкилиб ётганлигидан янада кўримсизлашган эди. Меъмор хонимлар унга бир ҳафта муддат беришларини ва ўшангача меҳробга кирмасликларини илтимос қилди. Ниҳоят, ажойиб оқшомларнинг бирида уларни ўша ёққа қадам ранжида қилишга таклиф этди; бироқ уларни бошлаб боришга имкон йўклигини изхор қилди-да, дарҳол кетди.

— У бизга қандай кутилмаган совға ҳозирлаган бўлмасин, — деди Шарлотта у кетгач, — ҳозир у ёкка боришга менда мутлақо иштиёқ йўқ. Ўзинг бориб келақол, кейин айтиб берасан. Афтидан у бирон ишни қойиллатган кўринади. Аввал сенинг айтганларинг бўйича, сўнgra ўзим қўриб ҳузур қиласман.

Шарлоттанинг кўп ҳолларда жуда эҳтиёт бўлиб, ҳис-ҳаяжонлардан ўзини асраб, айниқса, кутилмаган ҳодисалардан қочиб юришини билган Оттилия, дарҳол ёлғиз йўлга тушди, беихтиёр атрофдан Меъморни қидира бошлади, у ҳеч қаерда йўқ эди, афтидан бекиниб олганди. Қиз эшиги очиқ турган черковга кирди, у ер аллақачон пардозланган, тозалаб, табаррук қилиб кўйилган эди. Мехробнинг мис билан қопланган оғир эшигини секингина очиб ичкарига кирди ва таниш бинода ҳайратангиз манзарага дуч келди. Яккаю ягона баланд деразадан улуғвор, ранг-баранг ёруғлик тушиб турарди; деразага рангдор ойналар санъаткорона ўрнатилган эди. Натижада ҳаммаёқ ғаройиб ранг касб этган ва кишига ажойиб бир кайфият бахш этарди. Ўзига хос шаклдаги ғиштлар ётқизилиб, гипс эритмаси билан маҳкамланган полнинг безаги билан омухта бўлиб, гумбаз ва деворларнинг гўзаллигига янада гўзаллик қўшилган эди. Ғиштлар ва рангдор

ойналарни мөймөр яширикча тайёрлаб, киска муддатда ўрнаттиришга муваффак бўлганди. Ўтириш учун жойлар ҳам ҳозирланганди. Черковдаги эски осориатикалар ичидан топилган бир нечта чиройли ўймакор стуллар ҳам шу ерга келтирилиб, девор бўйлаб териб кўйилганди.

Оттилия ўзига таниш, бирок бир бутунлик ичida нотаниш бўлиб кўринаётган манзарани кўриб кувонди. У караб турди, у ёкка-бу ёққа юрди, кўрди, синчиклаб кузатди; нихоят стуллардан бирига ўтириди, ён-атрофига назар ташларкан, унда шундай туйғу бор эдики, гўё у яшаяптими, яшамаяптими, фикрлаяптими, фикрламаяптими билолмас, гўё мана шу кўриб тургандари ҳам, ўзи ҳам ғойиб бўладигандек эди; деразадан куёш нури тушмай қолгачгина Оттилия ўзига келди ва қасрга томон шошилди.

Қандай муҳим кунда уни бунчалик ҳайрат туйғуси камраганини Оттилия ўзидан яширмасди. Бу кун Эдуард туғилган куннинг арафаси бўлиб, уни тамоман бошқача нишонлашга умид боғлаганди. Бу байрамга ҳаммаёқ қандай безатилган бўларди! Мана энди боғдаги кузги гуллар ҳам қўл урилмай турипти. Кунгабокарлар ҳамишагидек бошларини қуёшга буриб туришар; астралар ҳам ҳамишагидек қунишибгина туришар, улардан тўқилган гулчамбарлар эса бирор жойни безатиш учун намуна бўлиб хизмат қилишлари, борди-ю улардан бирор мақсадда фойдаланиш керак бўлиб қолса, агар бу бор-йўғи ижодкорнинг эрмаги бўлмаса, фақатгина бирорта мақбарага қўйиш мумкин, холос.

У ҳозир Эдуард унинг туғилган кунида ташкил қилган дабдабали тадбирларни эслади; янги курилган уй ҳақида ҳам ўйлади, улар у ерда қанчалаб хушбахт кунларни кечиришган бўларди. Мушакбозлик ҳам унинг кулоқлари остида, кўзи олдида намоён бўлди, ёлғиз туравергани сайин, мушакбозлик унинг хаёлида ўшанча ёрқинроқ гавдаланар ва у ўзини янада ёлғизроқ ҳис этарди. У энди Эдуарднинг қўлига су-



янмас, энди у қўл ўзига суюнчиқ бўлишига умид ҳам боғламасди.

Оттилияниң кундалик дафтаридан

Ёш рассомнинг битта фикрини ёзib қўйишни истардим: «Хунарманд мисолида ҳам, рассом мисолида ҳам кўриш мумкинки, одам ўзига тегишли бўлган нарсага камдан-кам эгалик қила олади. Ижод намуналари уни худди ўзи бола очган инини тарк этган қушдек тарк этишиади».

Шу маънода Меъморнинг қисмати янада ҳайратнангиз. Биноларни тиклашга у бутун ақли ва қалбини багишлайди-ю, аммо эгалик қилишни хаёлига ҳам келтирмайди! Кирол қасрлари ўз улугворликлари учун, у ерларда ҳеч қачон ҳузур қилиб ўтиrolмайдиган қурувчилар олдида бурчлидир. Ибодатхоналарда у ўзи ва муқаддас орзулари ўртасига чегара тортади; у дабдабали тантаналар учун ўзи тиклаган зиналардан кўтарилишга журъат этолмайди, бу баийни қўли гул уста бўёқ ва қимматбаҳо тошларни моҳирона қўшиб безаган муқаддас сандиққа фақат узоқдан қарабгина таъзим қилганига ўхшайди. Курувчи бойга саройнинг қалити билан бирга ундаги барча қулайлигу орасталикни ҳам қўшиб топширади, ўзи эса ундан тирноқча ҳам фойдаланмайди. Шу тариқа санъат ижодкордан узоқлашиб, худди унинг мустақил бўлиб кетган ўғли қайтиб келмаганидек, асари ҳам ундан бегона бўлиб кетмайдими?

Санъат умум мулки, шунингдек, ҳаммага, шу жумладан, мусаввирга ҳам тегишли нарсадан иборат бўлса эди, нақадар муқаммалашган бўларди!

Қадимги ҳалқларнинг тасаввурларидан бири – тантанавор, қўрқинчили бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Улар ўз аждодларини улкан горларда таҳтлар устида ўтириб, сокин сухбат билан машгул ҳолда тасаввур қилишган. Янги келган кишини эса, агар у шунга лойиқ бўлса, ўринларидан туриб, эгилиб кутиб олишган. Кеча мен меҳробда, ўймакор стул-

да ўтирганимда, атрофимда яна бир қанча стуллар турганида, ўша фикр менга гоятда ёқимли ва қувончли туюлди. «Нега шу ерда ўтиравермайсан? – дедим ўзимга ўзим, диққатингни бир ерга жамлаб, жисимгина, узоқ-узоқлардаги дўстларинг қайтиб келгунларича ўтиранг-да, уларнинг истиқболига ўрнингдан туриб, тавозе билан уларга жойларини кўрсатсанг». Рангдор ойналар кундузни гира-шира қилиб қўяди, кимдир авадий ўчмайдиган чироқ топсайди, тунда бу ер қоронги бўлмасди.

Киши қандай ҳолатда бўлмасин, ҳамиша ўзининг кўраётганини сезади. Назаримда, одам кўришни бас қиласагина туш кўради. Шундай пайт келадики, ичимиздаги нур ташқарига чиқади-да, шу билан бошқаси бизга керак бўлмай қолади.

Йил охирлаяпти. Шамол ангизларни тебратади, тебратгани бошқа ҳеч нарса ҳам йўқ, анави баланд дараҳтлардаги қип-қизил меваларгина бизга аллақандай қувончли нарсани эслатмоқчига ўхшайди, бу галла янчувчининг бир маромдаги уриши бошоқда кишини тўйдирадиган ва ҳаёт берадиган қанчалаб нарсалар борлигини элашга бизни мажбур қиласди.

Тўртинчи боб

Бу воқеалардан сўнг, дунёning омонатлиги ва бебақолиги ҳақидаги туйғуларга берилишдан сўнг Эдуарднинг урушда эришиладиган ўткинчи бахтга ишонгани ҳақидаги, энди Оттилиядан яшириб бўлмай колган хабар уни қандай ларзага солиши аниқ эди. Унинг миясини, бахтга қарши, аниқ асосга эга бўлган ғамгин хаёллар эгаллаб олди. Яхшиямки, одамнинг мијасига ғамнинг ҳам маълум кисми жой бўлади; меъёрдан ошиғи ё одамни ҳалок қиласди ёки бўлмаса локайд қилиб қўяди. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, кўркув ва умид бирга қўшилиб, бир-бирини емиради ва эътиборсизлик қаърида йўқолиб кетади. Акс ҳолда биз суюкли кишиларимиз ҳаёти қаерлардадир биздан йирокда соат

сайин хавф-хатар остида колишини билатуриб қандай қилиб одатдаги ҳәётимизни давом эттиришимиз мумкин эди?

Шундай бўлдики, гўё ғойибдан бир раҳнамо пайдо бўлиб, Оттилияни кўллади, кутилмаганда Оттилия яккаю-ёлғиз, нима қиларини билмай ўтирган мана шу жимжитликни бузиб, бутун бир ёввойи тўдани бу ерга бошқариб келди ва унга анча-мунча ташвиш орттириган бўлса-да, аммо унинг хаёлларини чалғитиб, ўз кучига ишонч пайдо килди.

Шарлоттанинг қизи Лютсиана, пансионатни туғатиб, олий даврага қадам кўяр-кўймас холасининг уйида дарҳол кўплаб ёр-дўстлар орттириб улгурмай, унинг баҳтга эришиш орзуси чиндан-да баҳт олиб келди: бир бой-бадавлат йигит қалбидаги қизни ўзиники қилиш истаги туғилди. Кўлидаги катта бойлик унга ҳар қандай яхши нарсани згаллашга ҳукуқ берар, энди бутун олий табақанинг ҳавасини келтириш учун унга кўлидаги бошқа неъматлар билан бир қаторда соҳибжамол хотин етишмасди, холос.

Ушбу оиласи ташвиш Шарлоттанинг анчагина бошини котирди, бутун ўй-фикрлари, ёзишмаларининг мазмунига айланди, Эдуарддан бирон аникроқ хабар топиш ҳақидаги ёзишма бунга кирмайди; шу боисдан Оттилия ҳам кейинги пайтларда, одатдагидан ҳам кўпроқ ёлғиз қоладиган бўлиб қолди. Лютсиана-нинг келишини у ҳам биларди; шунинг учун уйда энг муҳим ишларни бажариб қўйганди; бирок меҳмонлар бунчалик тез келишади деб ўйлашмаганди. Ҳали хатпат ёзишиб, келишамиз, аниқ вактини белгилаймиз, деб ўйлашганди, ногаҳон қасрга ва Оттилиянинг бoshига бостириб келиб қолишиди.

Дастлаб чўрилар ва хизматкорлар, сандик ва қутилар ортилган аравалар етиб келди; уйда иккичарра кўп одам бўлса керак, деб ўйлашган эди; лекин меҳмонларнинг ўзлари пайдо бўлишди: холаси билан Лютсиана бир неча дугоналари, куёвбода ўз шотирлари билан. Кираверишдаги йўлак сандиклар, тутун-

лар ва бошқа буюмларга тўлиб кетган эди. Хизматкорлар кутилар ва ғилофларни базур ажратиб олишарди. Юкларни ташиб тугатишолмасди. Бу орада шаррос ёмғир куйиб бердики, бундан бесаранжомлик янада ортди. Бу ғала-ғовурли тўс-тўполонни Оттилия хотиржам ғайрат билан қарши олди, ундаги жўшқин ишчанлик бор бўй-басти билан намоён бўлди: бир зумда у ҳаммани жойлаштириб, ҳамма нарсани йигиштириб бўлди. Ҳар бир одамга бўлма ажратилди, ҳар бир одамга ўзига муносиб тарзда қулайлик яратилди. Ҳаммага гўё уларга яхши хизмат кўрсатаётгандек туюлар, негаки ҳеч кимга ўз-ўзига хизмат килиш тақиқланмаган эди.

Узок йўл азобидан кейин ҳамма ҳам мазза қилиб дам олишни хоҳларди; куёвбола бўлғуси қайноаси билан яқиндан танишишини, унга ўзининг Лютсианага бўлган муҳаббатини, ўз хайрли мақсадларини изхор қилишни истарди; лекин Лютсиананинг кутишга сабртоқати етмасди. Мана ниҳоят у ўзининг отга миниш орзусига етишди. Куёвнинг отлари зўр эди, ҳамма дарҳол отларга минишди. Шамол ва ёмғирни, ёмон ҳаво ва бўронни писанд ҳам қилишмади; гўё инсонга хаёт факат ҳўл бўлишу, кейин кийимларни қуритиш учунгина берилгандек эди. Бордию Лютсиананинг хаёлига бирор жойга яёв бориш фикри келиб қолса, устидаги кийими, оёғидаги пояфзали тўғри келадими-йўқми, бу ҳақда сўраб ҳам ўтирган бўларди: у кўп бора эшигтан хиёбонни албагта қўриши лозим эди. Отда ўтиб бўлмайдиган жойлардан пиёда ўтишди. Тез орада у ҳамма нарсаларни кўриб, ўз фикрини айтиб бўлди. Ундаги жўшқинлик туфайли бирон нарсани ман қилиб бўлмасди. Одамлар унинг дастидан анчагина азоб чекишли, ҳаммадан ҳам чўри кизларнинг кир ювиш, дазмол қилиш, бузиш, ямашдан бошлари чиқмай қолди.

У уйни ва атрофни кўриб улгурмай қўшниларни бориб кўришни ўз бурчи ҳисоблади. Отда ва араваларда жуда тез юрганлари боис қўшни қишлоқлар бир-

биридан анча йирок туюлди. Қасрға энди жавоб ташрифлари ёғилди, улар одам йўқ пайтда келмасликлари учун аниқ кунлар белгиланди.

Шарлотта холаси ва куёвнинг ишончли кишиси ёрдамида тўй ташвишлари билан банд экан, Оттилия ўз қўл остидагилар кўмагида бу қадар одам кўплигига қарамасдан ҳамма нарса етарли бўлиши учун қайғурди, бунинг учун овчилару боғбонлар, балиқчилару савдогарлар оёққа турғазилди, Лютсиана бўлса баайни ёнаётган узун думли кометадек елиб югуради. Мехмонларни одатдагидек банд қилиш кўп ўтмай унга ёқмай қолди. У карта столи атрофидаги энг кекса кишиларнингина тинч кўярди, холос; озгина бўлса-да ҳаракат қилишга кодир бўлган кишилар эса, – ундаги мафтункор шиддатни кўриб ким ҳам ҳаракатта келмайди дейсиз? – гоҳ раксда, гоҳ фанта, гоҳ жарима ва бошқа кўнгилочар ўйинларда иштирок этишар эди. Барча тадбирлар давомида Лютсиана ҳамманинг дикқат марказида бўлсада, барибир, ҳеч ким, айникса биронта эркак, у ким бўлишидан қатъий назар, қизнинг назаридан четда қолмади; ҳатто у бирнеча чолларнинг ҳам эҳтиромига сазовор бўлди: қиз уларнинг айни ўша пайтда уларнинг туғилган ва исм кунларини билиб олиб, уларни дабдаба билан нишонлади. Бундан ташқари, у ноёб жозибага эга эди; унинг дикқат-эътиборидан ҳамманинг боши осмонда эди, ҳар бир киши ўзини унинг эътиборига кўпроқ сазовор бўлган ҳисобларди: ҳатто даврадиги энг кекса киши ҳам мана шундай алдовга учди.

Гўё у бирор унвонга, амалга, шон-шуҳратга ёки бирон бир шунга ўхшаш аҳамиятли мавқега эга бўлган эркакларни ўзига ром қилиш нияти билан ҳаракат килаётгандек, улардаги зако ва андишани оёқости қилиб, ўзининг жиловсиз тантикликларига бўйин эгишга мажбур килаётган бўлса-да, ёшлар ҳам бундан четда қолмади: ҳар бирининг ўз навбати, ўз куни, ўз соати келардики, қиз ўзига маҳлиё қилиб, ха-

ёлини ўғирларди. Кўп ўтмай у диккатини Меъморга ҳам қаратди, Меъмор бўлса, қалин, жингалак соchlари остидан бегараз қараб, бир чеккада хотиржам, бемалол турап, берилган саволларга ҳам лўнда, ўринли жавоб кайтарарди, афтидан, бу ишларга яқиндан аралашиши ни истамасди, ниҳоят қиз, эҳтимол ранжиб, эҳтимол айёрги тутиб, Меъморни куннинг қаҳрамонига айлантиришга ва ўз шотирлари сафига тортишга карор қилди.

Лютсиана бекорга шунча юқ билан келмаганди, у нимани хоҳласа шуни қиласди. Кийимларини тинмай алмаштириб туришни кўзда тутган эди. Агар олий давралардаги таомилга кўра эрталабдан кечгача гоҳ у кўйлагини, гоҳ бу кўйлагини кийиб, кунига уч-тўрт марта кийим алмаштиришдан хузур қилса, гоҳида ҳакиқий маскарад кийимида, гоҳ дехқон аёл, гоҳ балиқчи аёл, гоҳ фаришта, гоҳ гулчи қиз қиёфасида пайдо бўларди. У ҳатто капюшонда бўлса ҳам ёшгина чехраси янада ёшроқ кўринишини билса-да, кампир либосида ҳам чиқарди, ўтирганлар кўзи олдида хаёл билан ҳакиқат чинакамига шу қадар коришиб кетардиди, улар ҳатто Заал дарёсидан сув париси чиқиб келдими, деб ҳам ўйлаб қолишарди.

Кўпинча у пантомималар ва ракслар учун кийим алмаштирас, бунда турли-туман характерларни ифода этар эди. Унинг шотирлари орасидан бир йигитча фортелианода унинг ҳаракатларига мослаб мусиқа чалмоқчи бўлса, икки оғизгина сўз билан улар бир-биirlарини дарҳол тушунишарди.

Бир куни, дабдабали балнинг танаффуси ҷоғида гўё кутилмаганда, аслида буни ўзи олдиндан тайинлаб кўйганди, ундан шунақа пантомималардан бирини ижро этиб беришни сўраб қолишганида, гўё буни кутмагандек, тортиниб турди, унинг одатига хилоф равишда узок илтимос қилишди. У бир қарорга келолмай, бошқалардан бадиҳагўйга ўхшаш мавзу беришларини сўради ва ниҳоят, афтидан келишиб кўйилган ўша йигитча фотелиано олдига ўтириб, битта мотам

куйини чала бошлади, қиздан Артемизия¹ ролини ижро этиб беришни сўради, Лютсиана буни қойиллатиб бажарди. Бироз ялинтириб тургач, ичкарига кириб кетди-да, дафн куйининг нафис-ғамгин садолари остида, қўлида урнани кўтариб олганча, қиролнинг беваси киёфасида пайдо бўлди. Унинг ортидан катта кора тахта билан, учи ингичка қилиб йўнилиб, олтин райс-федер²га ўрнатилган бўрни кўтариб чиқишиди.

Унинг муҳлис ва адъютантларидан бирининг кулогига қиз ниманидир шипшиганди эди, у дарҳол ёш Меъмор ёнига бориб, ундан Меъмор сифатида Мавзолнинг мақбарасини чизишни, шу тариқа томошада оддий кузатувчи бўлиб эмас, балки ҳақиқий актёр бўлиб иштирок этишини на фақат илтимос қилди, ҳаттоқи буюрди. Меъмор канчалик хижолатли кўринмасин, – негаки унинг замонавий фуқаро кийимидағи кичкина қопкора жуссаси анави шаффоф шойилар, кора ғижим матолар, ипак шокилалар, ранг-баранг мунчоклар, тожларга тамоман зид эди, – шунга қарамай, бу томоша унга ғалати кўринса-да, ўзини дарҳол қўлга олди. Фоятда жиддийлик билан иккита хизматкор ушлаб турган қора тахта олдига чукур мулоҳаза билан, аниқ қилиб мақбара чизди, бу Карияникидан кўра кўпроқ лангобард ҳукмдорининг мақбарасига ўхшарди, аммо шаклан гўзал, деталлари аниқ, ажойиб безакли бу расмнинг қандай юзага келишини хузур қилиб кузатиб туришиди ва у тайёр бўлгач, ундан кўз узолмай колишиди.

Шу муддат давомида у қироличага деярли назар солмади, тамоман ўз машғулотига берилди. Ниҳоят, буйруғингиз бажарилди, деган ишора билан қизга

¹ Артемизия – Кария кироличаси (IV аср). Эри Мавзолнинг вафотидан кейин у ҳар куни чойига эрининг кулидан бир чимдимдан қўшиб ичган ва унинг қабри устига дабдабали ёдгорлик ўрнаттирган, бу ёдгорлик «дунёнинг етти мўъжизаларидан бири» деб тан олинган. «Мавзолей» сўзи шундан келиб чиқкан (*тарж.*)

² Райсфедер – қалта қалам суқиб қўйилладиган маҳсус найча (*тарж.*)

таъзим қилгач, у Меъморга урнани кўрсатиб, буни мавзолей тепасида тасвирланган ҳолатда кўриш истаги борлигини билдириди. Меъмор буни хоҳламасдан бажарди, зеро урна ушбу ният моҳиятига тўғри келмасди. Лютсианага келсак, у ишнинг ниҳоясини сабрсизлик билан кутарди; чунки мақсади Меъмордан мукаммал расм кутиш эмасди. Агар Меъмор бор-йўғи кабр тошига ўхшаш нарсанигина чизиб, қолган бутун вақтини унга бағишилаганида эди, бу унинг мақсад-муддаосига хийла мос келар эди. Аммо йигитнинг хатти-ҳаракатлари уни ташвишга солди, негаки у гоҳ қайғуни ифода этиб, гоҳ буйруғу кўрсатмалар бериб, гоҳ борган сари қад кўтараётган мавзолейдан ҳайратга тушиб, хилма-хил ҳаракатлар килишга уринаётган ва бирон йўлини топиб йигит билан бақамти келишга қанчалик ҳаракат қилаётган бўлмасин, Меъмор унга мутлако бўй бермас, охир-окибат қизга урнадан паноҳ излашга, уни кўксига босиб, кўзларини кўкка тикишдан бошқа илож қолмади, ва ниҳоят, бундай қийин аҳволда у Кария кироличасидан кўра Эфес беваси¹ га ўхшаб қолди. Томоша узоқ чўзилди, одатда сабртоқатли бўлган пианиночи ҳам, қайси оҳангга ўтишни билмай қолди. У урнани пирамида тепасида кўргач, Худога беадад шукурлар қилди, киролича Меъморга ташаккур изҳор қилаётганида, беихтиёр кувноқ оҳангни чалиб юборди, натижада томоша бутунлай ўз ҳарактерини йўқотди ва одамларнинг кайфияти ҳам кўтарилиб кетди, улар икки гуруҳга бўлиниб, бирлари қизнинг бетакрор ўйинидан, бошқалари Меъмор моҳирона чизган гўзал суратдан ҳайратда эканликларини изҳор қила бошлишди.

Айниқса куёв Меъмор билан берилиб сұхбатлашди.

– Афсуски, – деди у, – бу расмни узоқ саклаб бўлмайди. Рухсат берсангиз, уни мен ўз хонамга олиб бордирсам, у ерда иккимиз бу ҳақда сұхбатлашсак.

¹ Эфес беваси – Петронийнинг «Сатирикон» ҳикоясидаги аёлга ишора, у эрининг жасадини кўриқлаётган жангчига қабр устида ўзини топширган (*тарж.*)

— Бу Сизга маъкул экан, — деди Меъмор, — бино ва ёдгорликларнинг худди шундай мукаммал ишланган суратларини кўрсатиш имумкин, бу шунчаки йўлакай ишланган чизма.

Нарирокда турган Оттилия уларга яқинлашди.

— Кечиктирмасдан, — деди у Меъморга, — бир йўлини қилиб баронга ўз коллекциянгизни кўрсатинг; у санъат ва осори-атиқалар шайдоси; Сизлар бир-бирларингиз билан яқиндан танишсаларингиз яхши бўларди.

Лютсиана ҳам уларга яқинлашиб:

— Нима ҳақда гаплашыпсизлар? — деб сўради.

— Манави жанобга тегишли бўлган расмлар коллекцияси ҳақида, — жавоб берди Барон, — уларни бизга пайтини топиб кўрсатмоқчи.

— Уларни ҳозироқ келтирсин! — хитоб қилди Лютсиана. — Ҳозироқ олиб келасиз-а, шундайми? — муғомбириона қўшиб қўйди у Меъморнинг иккала қўлидан дўстона тутаркан.

— Ҳозир бунинг мавриди бўлмаса керак, — жавоб берди Меъмор.

— Нега? — хитоб қилди Лютсиана ҳокимона оҳангда, — Сиз ўз қироличангизнинг буйруғига бўйсунмайсизми?

Унинг илтимосида масхара оҳангги бор эди.

— Үжарлик қилманг! — шивирлади Оттилия Меъморга. Меъмор таъзим қилиб узоклашди; бу на маъқуллашни билдиради, на инкорни.

Меъмор узоклашиб улгурмай, Лютсиана зал бўйлаб този ит ортидан югуришга тушди.

— Эҳ, — хитоб қилди у ногаҳон онасига йўликиб, — қандай баҳтсизман-а! Маймунимни бирга олиб келмабман; одамларим ўз қуляйликларини йўлаб, уни олдиришмади, мен ўйин лаззатидан маҳрум бўлдим. Уни олиб келдираман, бирортаси бориб уни олиб келади. Лоақал расмини кўрсам ҳам роса курсанд бўлардим. Албатта уни чизишни буютираман, расм ҳамиша ёнимда бўлади.

— Кутубхонадан сен учун хилма-хил маймунлар сурати чизилган бутун бир китобни олиб келтиргизаман, — деди Шарлотта, — кўнглинг жойига тушар.

Лютсиана кувончдан қичқириб юборди, шу заҳотиёқ катта қалин китобни келтиришди. Бу одамсизмон ва мусаввир томонидан яна ҳам одамга ўхшатиб чизилган бадбашара жонзотларнинг расми Лютсианага бекиёс кувонч бағишилади. Айниқса, бу ҳайвонларнинг ҳар бирида танишларига ўхшаш томонларни топиш унга ҳузур бағишиларди.

— Манави амакимга ўхшамайдими ахир? — шафқатсизларча хитоб қилди у, — манавиниси атторга, М.га, буниси руҳоний С.га, буниси эса, ҳаҳ оти нима эди, анави ... Аслини олганда, маймунлар *Insroybles*¹нинг ўзи, нега уларни энг яхши давраларга кабул қилишмайди, ҳеч ақлим етмайди.

У бу сўзларни энг яхши даврада айтган бўлса-да, ҳеч ким ундан ранжимади. Ундаги жозибага мафтун бўлган бу ердаги одамлар унинг барча қиликларини кечиришар, мана ниҳоят одобсизлигини ҳам кечиришди.

Бу орада Оттилия куёв билан гаплашиб турди. У Меъморнинг кайтишини кутарди, Меъмор жиддий, улуғвор коллекциясини келтирса эди, одамлар маймунвозликдан ҳалос бўлишган бўларди. Шунга ишониб, у Барон билан сўзлашишда давом этди ва унинг дикқатини кўп нарсаларга қаратишга муваффак бўлди. Бироқ меъмордан дарак йўқ эди, ниҳоят қайтиб келди-ю, лекин қўллари қуп-курук ҳолда, гўё ундан ҳеч нарсани сўрашмагандек, одамларга қўшилиб кетди. Оттилия бир зум хафа бўлиб, ҳайратга тушиб, боши котиб турди: буни қандай тушунса бўлади? Ахир у Меъмордан яхши гап билан илтимос қилганди, куёвни руҳига мос нарса билан хурсанд қилмоқчиди, негаки у Лютсианани нечоғлик севмасин, унинг қиликларидан сиқилаётгани кўриниб турарди.

¹*Insroybles* – Франция республикасининг 1795–1799 йиллардаги хукумати, яъни Директория давридаги олифталар (*марж.*)

Маймунлар кечки овқатга навбатни беришга мажбур бўлишди. Ундан сўнг бошланган ўйинлар, ҳатто рақслар, ниҳоят бир жойда хомуш ўтиришлар ва босилиб қолган ўйин-кулгини тағин бошлишлар, одатдагидек, ярим тунгача давом этди. Чунки Люсиана эрталаб жойидан вактида туролмасликка, кечкурун эса вактида жойига ётолмасликка кўникиб қолган эди.

Бу орада Оттилияning кундалик дафтарида одатий воқеалар камрок ёритила бошлиди, унда кўпроқ ҳаётдан олинган, ҳаётга тегишли бўлган коида ва ҳикматли сўзлар пайдо бўла бошлиди. Уларнинг кўпчилигини у ўзи ўйлаб топмаган бўлса-да, эҳтимол, бирор одамнинг дафтари кўлига тушган бўлса, ўшандан ўзига ёққанларини кўчириб олган бўлиши ҳам мумкин. Айрим ўзи ёзганларини эса услубидан билиб олса бўлади.

Оттилияning кундалик дафтаридан

Биз келажакка кўз тикишини яхши кўрамиз, чунки унда мавжуд бўлган тасодифларни қалбимиздаги яширин истакларимиз билан ўз фойдамизга йўналтиришига умид боғлаймиз.

Катта даврада шунча одамларнинг бошини кўшиган тасодиф бизнинг ҳам дўстларимизни бу ерга келтирса эди, деган ўйга боришдан ўзингни тиёлмайсан киши.

Қанчалик ўз қобигингга ўралиб яшамагин, қандай бўлиб бирор сендан қарздор, сен эса бирордан қарздор бўлиб қолганингни сезмай қоласан.

Бизга ташаккур изҳор қилиши лозим бўлган одамни учратиб қолсак, бу ҳақда дарҳол эслаймиз. Ўзимиз ташаккур изҳор қилишимиз лозим бўлган одамни неча бор учратмайлик, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Кўнгилдаги гапни айтиши табиий эҳтиёж, айтилган гапни худди ўшандай қабул қилиши эса – билимдонлик белгиси.

Одам кўпчилик орасида ўтирганида бошқаларнинг сўзларини нотўгри тушунганини англаб етса эди, кўп гапирмаган бўларди.

Бировларнинг сўзларини тўғри англаб етшишмайди шекилини, бошқаларга кўпинча нотўгри етказишади.

Тингловчиларга ёқадими-ёқмайдими, тинмай гапираверадиган киши, одамларнинг гашига тегади.

Айтмолган ҳар бир сўз қарама-қарши фикр уйготади.

Қарама-қаршилик ва тилёгламалик аралашган жойда сұхбатнинг бурди кетади.

Гаплари бир жойдан чиқадиган одамлар давраси – энг ёқимли даврадир.

Кулгили ҳолатларга қандай муносабатда бўлишига қараб кишининг феъл-автори айниқса яхшироқ намоён бўлади.

Кулгили нарса киши идрокида беғараз бир тарзда жамланадиган маънавий зиддиятлардан келиб чиқади.

Ҳис-туйгули киши кулгили гап бўлмаса-да, кўпинча кулаверади. Уни нима ҳаяжонга солмасин, манманлиги ҳамиша устун келиб туради.

Зийрак одам деярли ҳамма нарсадан кулги топади, мулоҳазали одам эса бундай эмас.

Ёши ўтиб қолган бир одамга, ҳали ҳам ёш аёлларга сўйкалиб юрасиз, дея таъна қилишди. «Бу мудом яшариб юришининг ягона воситаси, ахир ёш кўринишни ким хоҳламайди» дея жавоб қилди у.

Биз хато-камчиликларимизни кўрсатишларига йўл кўямиз, уларнинг дастидан жазо ҳам оламиз; бироқ улардан қутулишга келганда тоқат қилолмай қоламиз.

Маълум камчиликлар айрим шахсларнинг яшиши учун зарурдир. Аммо эски қадрдан дўстларимиз ўзларига хос одатлардан воз кечишига, бизга ёқмаган бўларди.

Агар бирорта одам ўз одатларига тескари ҳаракатлар қила бошлиса: «У тез орада ўлади» дейишади.

Қанақа камчиликларни ўзимизда саклашимиз, ҳатто тарбиялашимиз керак? Одамларни ҳақорат қилишдан кўра яхиси тилёгламалик қилишини.

Эҳтирослар – олий нуқтага етган камчилик ёки фазилатлардир.

Бизнинг эҳтиросларимиз – Кақнуснинг ўзи. Эскиси ёниб кулга айланган жойдан янгиси пайдо бўлаверади.

Кучли эҳтирослар тузатиб бўлмайдиган дард. Бу дардни даволаш қўлидан келадиган восита уни янада хавфли қилиб қўяди.

Эҳтирос дил изҳори орқали кучаяди ва босила-ди. Севган кишишимиз ёнида дил изҳори қилиш ва жим ўтириша меъёрга риоя қилиш, эҳтимол, энг тўғри йўл бўлса керак.

Бешинчи боб

Шу тариқа Лютиянанинг тантиқликларига чек-чегара йўқ эди. Унинг ихлосмандлари борган сари ортиб борар, эрмак ўйинлари айримларни қизиктириб қолган бўлса, бошқаларни уларга кўрсатган ёрдам ва эҳтироми билан ром этган эди. У мислсиз даражада сахий эди; холаси ва куёвнинг меҳрибонликлари туфайли унинг қўлига шу қадар кўп гўзал ва қимматбаҳо буюмлар тушдики, булар унинг ўз шахсий мулкидек туюлмас, атрофида уюлиб ётган буюмларнинг қадрини билмас эди. У ҳеч бир иккиласдан ўзининг қимматбаҳо шолрўмолини назарида бошқалардан кўра кўримсизрок кийинган аёлнинг елкасига ёпиб кўяр, буни шу қадар самимий, шўхчан бажаардики, ҳеч ким бундай тортиққа эътиroz билдиrolmas эди. Унинг шотирларидан бирида мудом ҳамён бўлар ва у қизнинг топшириғига биноан қаерга боришмасин, энг кекса, энг бемор кишиларнинг кўнглини топиши, озгина муддатга бўлса-да, ахволларини енгиллатиши лозим эди. Бунинг орқасида бутун теварак-атрофда унинг обрў-эътибори ортди, аммо бундан нокулайликлар ҳам келиб чиқди, яъни гала-гала суллоҳ камбағаллар ёпирилиб кела бошлашди.

Унинг бир баҳтсиз йигитга сабот билан, чин дилдан кўрсатган юксак диққат-эътибори ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ шон-шуҳрат келтирди. Йигит аслида чиройли ва соҳт-сумбати келишган бўлса-да, кўпчиликдан ўзини олиб қочар, чунки муносиб бир тарзда – урушда ўнг қўлидан айрилган эди. Бу мажрухлик уни шундай сержаҳл қилиб қўйган эдики, ҳар гал янги таниш ортирганида қандай ярадор бўлгани ҳақидаги саволларга жавоб беравериш жонига теккан, шундан у яшириниб олишни, китоб мутолаа қилишни ёки шунга ўхашаш ишлар билан машғул бўлишни афзал билар, хеч қачон одамларга аралашмасликка карор қилган эди.

Ҳаётда шундай йигитнинг мавжудлиги қиздан пинҳон қолмади. Уни дастлаб кичикроқ даврага, кейин сал каттароқ, охири энг катта даврага ҳам таклиф қилишди. Лютсиана унга бошқалардан кўра мулойимроқ муносабатда бўларди; айниқса, унинг атрофида гирдикапалак бўлавериб, ниҳоят унинг майиб эканлигини сезмайдиган ҳам қилиб қўйди ва унда майиблигидан ғурурланиш туйғусини уйғотди. Овқат маҳали қиз уни доимо ўз ёнига ўтқазар, егуликларни унинг олдига кесиб қўяр, унга фақат санчки билан тайёр овқатни олиб ейиш қоларди, холос. Борди-ю унинг ёнидаги жойни кексароқ ёки обрўлироқ бирор одам эгаллаган бўлса, у столнинг нариги тарафидан туриб бўлса ҳам йигитга меҳрибончилик кўрсатар, икковини ажратиб турган масофа маҳрум қилиши мумкин бўлган хизматларнинг ўрнини тўлдиришга хизматкорларни шошилтирас эди. Ниҳоят, у йигитни чап қўлда ёзишга ҳам кўндириди, йигит барча тажрибалари ҳақида унга хабар бериб туриши лозим эди, хуллас, у йигитнинг ёнидами ёки узокдами, доимо у билан алоқа боғлаб туриши керак эди. Йигит ўзига нима бўлаётганини тушунолмас, тапнинг рости, шудақиқалардан эътиборан ҳаётни янгидан бошлаган эди.

Эҳтимол, бундай қилиқлар куёвга ёқмаслиги мумкин, деб ҳам ўйлашгандир; лекин бундай бўлмади. Бу

хатти-ҳаракатларни у қизнинг улуғ хизмати деб билди ва турли ортиқча таъна-маломатларга нописанд қарайдиган бепарво феълини билгани учун бундан ташвиш тортмади. Лютсиана ҳар қандай одам билан истаганча шўхлик қилиши мумкин эди, ҳар бир одам унинг туртиб юбориши, тортқилаши ёки масхара қилишидан хавфсираб турарди; лекин ҳеч ким унга бундай муносабатда бўлолмас, ҳеч ким у йўл қўйган эркинликларнинг юздан бирича ҳам жавоб қайтаролмас эди, шу тариқа у бошқаларни ўзига нисбатан одоб доирасида тутар, ўзи эса бу чегарани деярли ҳар дақиқада бузарди.

Умуман олганда, шундай тасаввур туғилардики, гўё Лютсиана мақтовга ҳам, танбеҳга ҳам, меҳрумұхабbatга ҳам бир хилда рўпара бўлишга одатланиб қолган эди. Агар у турли йўллар билан одамларни ўзига жалб қилишга ҳаракат килса, одатда бир вақтнинг ўзида заҳар тили билан яна уларнинг кайфијатини бузарди. Қайси қўни-қўшниникига ташриф буюришмасин, саройларда ёки оддий хонадонларда уни ва ҳамроҳларини қанчалик кучоқ очиб қаршилашмасин, барибир, қайтишаётганда ўзини тутолмаслиги боис одамлар орасидаги муносабатлар унга нукул кулгили бўлиб туюлишини яшиrolмасди. Анави ерда «сен олдин уйлан», «сен олдин уйлан», дея бир-бирига изн беравериб қариб қолганларини ҳам сезмай қолган акаука бўлса, бошқа ерда кичкинагина ёш аёл барваста, қари эри билан, яна бир жойда, аксинча, кичкина тийрак эркак ўзини ҳам эплолмайдиган девдек хотин билан умр кечиришади. Бир уйда у ҳар қадамида болага дуч келса, бошқа уй одамга тўла бўлса-да, бўм-бўш туюлади, негаки у ерда болалар йўқ эди. Қари чолкампирларни, унинг фикрича, тезроқ дафн қилиш керак, токи уйда тағин кимларнингдир кулгиси янграсин, ахир уларда меросхўр ҳам йўқ экан. Ёш эр-хотинлар саёҳатга кетишлари лозим, рўзғор ташвишлари уларга тўғри келмайди. Нарсаларга ҳам худди одамлардек,

биноларга худди уй-рўзғор буюмларидек муносабатда бўларди. Айниқса, деворлардаги ҳар қандай безакларни масхара қиласади. Қадимий суратли гиламдан тортиб энг янги гулқоғозларгача, энг табаррук оиласий суратдан тортиб енгил-елпи ишланган замонавий гравюрагача – ҳамма-ҳаммаси унинг масхараомуз назаридан четда қолмас, шу ён-атрофдаги бирон нарса қандай қилиб омон қолганига ҳайрон қолмай иложинг йўқ эди.

Бу тахлит ҳамма нарсага чизик тортишда, эҳтимол, кўнглида бирон бир хусумат бўлмаса керак; бу кўпроқ ундаги тантликлик нишонаси бўлиши мумкин; аммо Оттилияга нисбатан унда чинакам хусумат бор эди. Жимгина тинмай меҳнат қилаётган мулойимгина қизнинг барчанинг дикқатини тортиб, мактовларига сазовор бўлиши Лютсиананинг ғазабини қўзғарди; боғларга ва иссиқхоналарга Оттилиянинг қанчалар меҳнати синггани ҳакида сўз борса-чи, гўё ҳозир қаҳратон қиш эканлигини унутгандек, на гул, на мева кўринмайди-ку, дея кинояомуз ҳайрат изхор қиласар, бунинг устига хона ва столларни безатиш учун шунчалик кўп кўкарган бутоқлар олиб келишни талаб қиласадики, Оттилия билан боғбон янаги йилга, эҳтимол, ҳатто узок келажакка боғдан кутган умидлари пучга чиқаётганидан ғоятда ташвишга тушибарди.

Бунинг устига, у Оттилияга шу пайтгача тартиб билан қилиб келаётган хўжалик ишларида халақит берарди. Оттилия кўнгилочар сайдарларда, чанада учишларда иштирок этиши, кўшни кишлокларда уюштириладиган балларга бирга бориши керак эди; у на кордан, на совуқдан, на тунги аёзли бўронлардан кўрқмаслиги лозим, ахир бундан бошқалар ўлмаяптику. Нозик ниҳолгина қиз бундан кўп азоб тортди, лекин Лютсианага бундан ҳеч бир манфаат йўқ эди; Оттилия жуда оддий кийинса-да, у ҳамиша эркакларга энг гўзал бўлиб кўринар ёки шундай туюларди. У катта залларда биринчи ўринда ўтирадими ёки охир-

ги ўриндами, бундан қатъий назар, ундаги сехрли бир нафосат эркакларни унинг атрофига тўпларди, Лютиананинг куёви ҳам у билан тез-тез сухбатлашарди, у ўзини банд килиб турган бир масалада Оттилиянинг маслаҳати ва кўмагига муҳтож эди.

Куёв Меъмор билан яқиндан танишиб олди, санъат асарлари коллексияси муносабати билан тарихий мавзуларда кўпроқ сухбатлашди, бошка соҳаларда ҳам, айниқса, меҳроб билан танишгач, унинг маҳоратига юқори баҳо берди. Барон ёш, бадавлат эди; у ҳам коллексия тўплар, курилиш бошлиш ниятида эди; ундаги санъатга бўлган қизикиш кучли, аммо билими етарли эмасди; у Меъмор тимсолида ўз мақсадларига кўп бора биргаликда эришиши мумкин бўлган одамни топганига ишонди. У келинга мақсадини маълум қилди; Лютиана бу таклифни маъқуллади ва бундан ғоятда шодланди, Меъмордаги талантдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдан ҳам кўра кўпроқ бу ёш йигитни Оттилиядан четлашиб учун ҳам шундай қилди, чунки унга йигитнинг Оттилияга кўнгли бордек туюлди. Гарчи кизнинг тайёргарликсиз уюштирилган тантанали тадбирларида Меъмор фаол қатнашиб, ундоқ ёки бундок таклифларини манзур этган бўлса-да, Лютиана барча ишлар ўзининг кўлидан бинойидек келишига ишонарди; одатда унинг ўйлаб топган нарсалари бемаъни бўлганлигидан уларни зийрак ва чақкон хизматкор ҳам энг етук санъаткор даражасида амалга ошира оларди. Борди-ю, у туғилган куни ёки шунга ўхаш тантанали кунни нишонлаб, бирор кишига ёқишни истаб қолса, унинг тахайюлоти курбонлик қилинадиган, гипсдан ясалган ёки тирик бошга тулчамбар кийгизиш маросими ўтказиладиган меҳробдан нарига ўтолмасди.

Куёв Меъморнинг уйдаги мавкеи ҳақида сўраганида Оттилия унга фақат яхши хизматлари ҳақида гапирди. Шарлоттанинг Меъморга дуруст бир иш жойи гаплашиб кўйгани Оттилияга маълум эди; агар меҳмонлар келиб қолишмаганида бу йигит меҳробдаги

ишлар тутагани заҳоти кетиши керак эди, чунки барча курилиш ишларини киш кириши билан оқ тұхтатишига буйрук берилған эди; шунинг учун янги хұжайинлар бу құли гул рассомга муносиб иш топиб беришса ва унинг иқтидорини қадрлашса күнгилдагидек иш бұларди.

Оттилияning Меъморга нисбатан шахсий муносабатлари тоза ва самимий эди. Бундай ёқимтой ва ишchan йигитнинг ҳозирлиги қизни худди аканинг яқинлиги сингари кувонтираr ва қалбига малҳам бўларди. Унинг йигиттга нисбатан туйғулари покиза ва ҳис-ҳаяжонларсиз бўлиб, қариндошлик доирасидан четга чиқмасди; чунки унинг қалбида бошка одамга ўрин йўқ эди, у Эдуардга бўлган муҳаббат билан лиммо-лим эди, факат ҳамма нарсага қодир Худогина, бу қалбга Эдуард билан тенг эталик кила олиши мумкин эди.

Киш ўз кучини кўрсата борган сари, бўрон авжига мингандар сари, йўллар юриб бўлмас даражаги етган сари, қишининг бир тутам кунларини бундай дилтортар даврада ўтказиш кўнгилга хуш ёқарди гўё. Одамлар оқими сал камайиб улгурмай тағин бир гала меҳмонлар уйни босди. Узок гарнizonларнинг зобитлари, ўзи учун катта фойда кўзлаган илмли кишилар, даврага ноқулайликлар олиб кирган маданиятсиз одамлар ёпирилиб кела бошлашди; оддий фуқаролар ҳам кам эмасди, бир куни ҳеч кутмаганда Граф билан Баронесса кириб келишди.

Уларнинг келишлари билан гўё ҳақиқий аслзодалар давраси ҳосил бўлди. Обрў-эътиборли ва аслзода эркаклар Графни ўраб олишди, хонимлар эса Баронессага алоҳида эхтиром кўрсатишди. Уларни биргаликда ва шундай кайфи чоғ ҳолатда кўришганидан одамларнинг ҳайратлари узокқа чўзилмади; маълум бўлишича, Графнинг хотини вафот этганиш ва маросимлар ўтганданоқ улар никоҳдан ўтишармиш. Оттилия уларнинг биринчи ташрифларини, никоҳ ва ажралиш, уйланиш ва қўйди-чиқди ҳақидаги умид, кутиш, маҳрум бўлиш ва юз ўгириш ҳақида айтилган ҳар бир

сўзни ёдга олди. Ўшанда нимага умид боғлашни билмаган бу икки инсон мана энди ўзлари кутган баҳтга эришиш арафасида туришарди, буни ўйлаб Оттилия беихтиёр ох тортиб юборди.

Граф мусиқани яхши кўришини эшитгани заҳоти Лютсиана дарҳол консерт уюштиришга қарор қилди; ўзи гитара чалиб кўшик ҳам айтмоқчи бўлди. Шундок қилди ҳам. У гитарани дурустгина чалар, овози ҳам ширалигина эди; кўшиқнинг сўзига келсак, одатда немис гўзали гитара жўрлигига куйлаганида сўzlари қандай тушунарсиз бўлса, бу ҳам худди шундай эди. Шунга қарамай, ҳамма унинг кўшиғи зўр чиққанини таъкидлади ва гулдурос қарсаклар билан олқишлади. Фақатгина бир масалада ғалати омадсизликка дуч келди. Даврада битта шоир ҳам ўтирганди, қиз унинг ўзига бағишлиб бирорта шеър ёзишига умид боғлаганди, шу сабабли ўша кеч фақат унинг шеърларига басталанган кўшиқларни куйлади. Шоир ҳам бошқалар сингари унга ҳурмат-эҳтиром изҳор қилди, лекин қиз кўпроқ нарса кутганди. У бу ҳақда шоирга бир неча бор шама қилди-ю, лекин ортиқ ҳеч нарсага эришолмади, охири чидаёлмасдан унинг ҳузурига сарой аъёнларидан бирини юбориб, ўзининг ажойиб шеърларини шундай ажойиб ижрова тинглаб ҳаяжонга тушмаяптими, билиб келишга буюрди.

— Менинг шеърларим? — сўради у ҳайратланиб. — Кечирасиз, жаноб, — кўшиб қўйди у, — мен унли товушлардан бўлак ҳеч нарса эшитмадим, ўшаларнинг ҳам ҳаммасини эмас. Шунга қарамасдан бундай самимий ният учун ўз ташаккуримни изҳор қилишга ўзимни бурчли деб биламан.

Сарой аъёни жим бўлганча қолди. Шоир бўлса аллақандай ёқимли сўзлар билан қийин аҳволдан чиқиб кетишга уринди. Шунда қиз ундан факат ўзига бағишлиб битилган шеър кутишини очик-ойдин айтди. Имкони бўлганида эди, шоир унинг кўлига алифбони шундоқкина тутқазиб, ўзинг хоҳлаган мусиқага истаган мақтов шеърингни тўкиб олавер, деган бўларди.

Аммо бу иш охир-оқибат қизнинг хафалиги билан тугади. Кўп ўтмай унга маълум бўлдики, шоир худди ўша кеч Оттилияниг суюкли куйларидан бирига истаганидан ҳам зўр, роса ёқимли шеър ёзиб берганмиш.

Ўзига нима тўғри келади-ю, нима тўғри келмайди, фарқига бормайдиган барча ўзига ўхшаган одамлар сингари Люсиана ҳам ўз омадини шеър айтишда синаб кўрмоқчи бўлди. Унинг хотираси яхши эди, лекин, очигини айтганда, у ҳеч бир хис-ҳаяжонсиз, шошиб либ ўқирди. У балладаларни, ҳикояларни, одатда сўз усталари учун тузилган тўпламлардаги ҳамма нарсаларни ўқийверарди. Бунинг устига кўлларини силкитишдек ёқимсиз одати бор эдики, натижада эпик, лирик ва драматик элементлар бир-бири билан боғланиш ўрнига аралаш-куралаш бўлиб кетарди.

Зийрак одам бўлган Граф бу давра иштирокчиларининг қизиқишилари, ҳаваслари ва ўйин-кулгиларининг моҳияти билан танишгач, Люсианага, ким билади, яхши чиқадими-йўқми, томошанинг янги бир турини, қизга айни мос тушадиганини таклиф қилди.

– Бу ерда, – деди у, – ғоятда келишган кўплаб қоматларни кўряпман, менимча, образли ҳолат ва ҳаракатларни ифода эта олишса керак. Сиз ҳақиқатда мавжуд бўлган машхур картиналарни ўзингиз намоён қилишга уриниб кўрганмисиз? Бундай қайта яратиш, гарчанд у катта меҳнат талаб қилса-да, шу билан бирга, мислсиз нафосатни ҳам намойиш этади.

Люсиана бу иш ўзига айнан мос келишини дарҳол англаб етди. Унинг хушбичим қомати, гавдаси, келишган ва маъноли чехраси, оч жигарранг соч ўримлари, текис бўйни – барча-барчаси гўё расм учун яратилгандек эди; у ҳаракатланишдан кўра тек турганида гўзалроқ кўринишини, ҳаракатларида баъзан ёқимсиз белгилар кўзга ташланиб қолишини билганида эди, эҳтимол, жон-жон деб тирик расмга айланиб қоларди.

Ҳаммалари машхур расмлар ўйилган гравюраларни қидиришга тушишди; дастлаб Ван Дайкнинг

«Велизарий»¹ расмини танлашди. Ёши анча ўттан, узун бўйли, қад-комати келишган бир киши ўтирган кўр генерални, меъмор унинг олдида раҳми келиб, хомуш турган, ўзи ҳам жуда ўхшаб кетадиган жангчини ифодалаши керак эди. Лютсиана бўлса, ўзини гўё камтар кўрсатиб, орка томонда турган аёлни танлади, у ҳамёнидан кафтига садака учун тангаларни солар, бир кампир эса, афтидан унга исрофгарчилик қилма, дея танбех бераётганди. Расмда тиланчига садака узатаётган тагин бир аёл ҳам бор эди.

Бу ва бошқа расмлар билан ҳаммалари жиддий шуғулланишди. Уларни қай тахлит намойиш қилиш хақида Граф айрим кўрсатмалар бергач, Меъмор саҳна куриш ва чироқни тартибга келтиришга киришди. Анча-мунча нарсалар тайёр бўлгач маълум бўлдики, бундай тадбир катта сарф-харажатларни талаб қиласкан, бунинг устига нақ қишининг чилласида кўплаб зарур буюмлар қишлоқда топилавермас экан, шу сабабли Лютсиана ҳеч бир иккиланиб ўтирасдан, деярли барча кийимларини, рассомлар ҳафсала билан режалаштирган турли-туман костюмлар учун кесиб ишлатишга рухсат берди.

Кеч ҳам кирди; тирик расмлар кўп сонли томошибинларга намойиш қилинди ва барчанинг олқишига сазовор бўлди. Ёқимли мусика томоша олдидаги бетоқатликни янада кучайтириди. Спектакл «Велизарий» билан бошланди. Гавдалар шунчалик мос келар, ранглар шунчалик тўғри танланган, ёруғлик шунчалик санъаткорона ўрнатилган эдики, назарингда ўзингни гўё бошқа дунёга ўтиб қолгандек ҳис этсан киши, тасаввурдан кўра мавжуд воқелик кишида аллақандай кўркинчли туйғу уйғотарди.

Парда туширилди, лекин томошибинлар талаблари-га биноан қайта-қайта тагин кўтарилди. Улар бундан-

¹ Ван Даик (1599–1641) – машҳур фламанд рассоми, Гёте уни гравюра орқали билган; расмда мағлуб бўлган византийлик лашкарбоши Велизарий кўр тиланчи ҳолида тасвириланган (*тарж.*)

да зўр сурат тасвири билан одамларни ҳайратга со-
лиш учун тайёр бўлгунларича мусиқали танаффус
томушабинларни банд қилиб турди. Бу Пуссеннинг
машхур картинаси «Аҳасфер ва Эсфер»¹эди. Бу сафар
Лютсиана кўпроқ ўзига эътибор берган эди. У беҳуш
йиқилган қиролича тимсолида ўзидағи бор нафосат-
ни намоён қила олган, оқилона бир тарзда атрофига
энг гўзал, энг ёқимтой қизларни танлаб олган, бироқ
уларнинг бирортаси ҳам гўзаликда у билан тенглаша,
олмас эди. Оттилия бошқа расмлар сингари бу кар-
тинада ҳам иштирок этишдан четлаштирилди. Олтин
тахтда Зевс мисол савлат тўкиб ўтирган қирол роли-
га соҳт-сумбати келишган, чиройли одамни танлашди,
натижада бу картина ҳам мислсиз мукаммаллик касб
этди.

Учинчисига Торбург²нинг «Ота ўгитлари» деб
номланган картинасини танлашди, ахир ким ҳам шу
картина бўйича бизнинг Вилле ишлаган гравюрани
билмайди!

Оёқларини бир-бирига чалиштириб ўтирган оли-
жаноб, мард келбатли ота, олдида турган қизини аф-
тидан тартибга чакираради. Қизнинг шойи кўйлак кий-
ган хушбичим гавдаси орқа томондан кўриниб турган
бўлса-да, бироқ у ҳаяжонини зўрға босиб турганини
сезиш қийин эмасди. Отанинг панд-насиҳатлари қўпол
ва хафа қиласидиган эмас шекилли, бу унинг юз ифода-
си ва ўтиришидан сезилиб турарди; онасига келсак, у
сипқориб юборгиси келиб турган бир стакан винога

¹ «Аҳасфер ва Эсфер» – «Таврот»да ёзилишича, форс қироли Аҳасфер вазирининг иғвосига учуб ҳамма яхудийларни ўлди-
ришни буюради. Унинг яхудий хотини Эсфер қиролдан ўз
халқини саклаб колишни ўтинади. Фаранг рассоми Николас Пус-
син (1565–1593) чизган суратда бу илтимоснинг рад килиниши ва
қироличанинг беҳуш бўлиб йикилиши тасвир этилган (*тарж.*)

² Торбург (асли Герард Тербарх) (1617–1681) – голланд рассо-
ми, турмуш манзараларини акс эттирувчи расмлар устаси. Вилле
Йоҳан Георг (1715–1808) – XVIII вср немис гравюрачиси, асосан
Парижда яшаган. (*тарж.*)

тикилганча гўё ўзидаги хижолатпазликни яширишга уринарди.

Шу аснода Лютсиана бор гўзаллиги билан намоён бўлди. Унинг соч ўримлари, бошининг шакли, бўйни, энсаси тасвирлаб бўлмас даражада жозиба касб этган эди, антик услубда тикилган кўйлаклардаги ҳозирги аёлларда деярли билинмайдиган беҳад назокатли, хипча бели қадимиј русумдаги костюмда яққол кўзга ташланиб турарди; бунинг устига Меъмор оқ шойининг тифиз бурмаларига моҳирона бир табиийлик бағишлишга ҳаракат қилдики, расмнинг бу жонли нусхаси асл нусхадан ҳам ўтиб тушди ва ҳамманинг олқишига сазовор бўлди. Такрор кўринишни талаб килишларнинг чеки йўқ эди, орка томондан тўйгунча кўриб бўлишгац гўзал вужудни энди юзини ҳам кўришга бўлган томошабинлардаги табиий истак орта борди, шунда кайси бир бесабр ҳазилкаш кимса ҳамманинг кўнглидаги гапни, яъни одатда баъзан сахифа охирида ёзиладиган «Tournez s'il vous plait»¹ сўзларини баланд овозда айтиб юборди. Ижрочилар бўлса ўз устунликларини яхши англашар, ўз роллари мазмунига бор вужудлари билан берилиб кетишганидан бу чақирикларга парво қилиш хаёлларига ҳам келмасди. Хижолатда қолган қиз юзини томошабинлар тарафга буришни ўйлаб ҳам кўрмай хотиржам турар, ота аввалгидек панд-насиҳат қилаётган ҳолатда ўтирас, онаси бўлса бурни ва кўзини тип-тиник стакандан узмас, ҳозиргина винодан ичгандек туюлса-да, вино камаймас эди. Кейин тасвирга тортилган, ошхона ва бозорлар акс этган нидерланд рассомларининг майдачуйда картиналари ҳақида гапиришимизга ҳам арзимаса керак.

Граф билан Баронесса никоҳларининг биринчи баҳтли ҳафтасидаёқ қайтиб келишга ваъда берив жўнаб кетиши, Шарлотта бўлса, азоб-уқубатларга тўла иккى ойдан сўнг ниҳоят бошқа меҳмонлардан ҳам

¹«Илтимос, бурилинг» (французча). (Тарж.)

халос бўлишга умид боғлади. У ёшлик шўхликлари ва қаллиқлик даври ўтгач, кизининг баҳти бўлишига тўла ишонарди; куёв эса ўзини дунёдаги баҳтиларнинг баҳтлиси хисобларди. Беҳисоб бойлиги ва хотиржам феъл-авторига қарамасдан у ўзига бутун оламни ром этган аёлга эга бўлаётганидан бағоят ғурурланарди. Йигит ҳамма нарсани у билан боғлашга ва у орқалигина ўзига тегишли деб хисоблашга шунчалик одатланиб қолдики, ҳатто бирорта янги меҳмон келиб дарҳол қизга эътибор қаратмаса ва унинг фазилатларини алоҳида қадрламаса, бу куёвга ёқмасди, йигитдаги яхши хислатларнинг қадрига етадиган айрим кекса кишилар одатда кўпроқ куёвга мулозимат қилишарди. Меъмор билан ҳам тез орада гапни бир жойга қўйишди. У янги йилга уларнинг ёнига келиши ва карнавални бирга ўтказиши керак эди. Лютсиана бу ерда муваффақиятли қўйилган жонли картиналарни ва юзлаб шунга ўхшаш томошаларни ўша шаҳарда тағин такрор қўйиш шавқ-завқи билан ёнар, бунинг устига холаси ҳам, куёви ҳам қизнинг хурсандчиликлари учун кетадиган сарф-харажатни ҳеч бир аяшмасди.

Жўнаб кетадиган кун ҳам келди, лекин одатдагидек хайрлашиб бўлмайди-ку ахир. Бир куни кимдир баланд овозда, Шарлоттанинг ҳам қишки захираларини кўп ўтмай еб битиришса керак, деб ҳазиллашганди, мана ҳозир Велизарий ролини бажарган битта бойбадавлат, обрўли, Лютсиананинг фазилатларини илгаридан қадрлаб юрадиган одам ўйлаб ўтирмасдан хитоб қилди: «Келинглар, полякча одатни қиласиз! Юринглар меникига, мени еб битиришга, шу тахлит ҳамманикини айланамиз!» Айтилган сўз – отилган ўқ: Лютсиана рози бўлди. Эртаси куни ҳамма нарса йиғиширилди ва тўда бошқа мулкка ташланди. У ерда ҳам жой етарли, аммо қулайлик ва шинамлик етишмасди. Бундан кўп ўнғайсизликлар келиб чиқдикни, айни мана шулардан Лютсиана хурсанд бўлди. Ҳаёт тамоман тартибсиз ва бесаранжом бўла

борди. Қалин қорда ит билан ов қилиш, бундан ҳам баттар ёкимсиз тадбирлар ўйлаб топилди. На фақат эркаклар, ҳатто хотинлар ҳам уларда иштирок этишдан четда қолиши мади, ҳаммалари шу тахлит ов қилиб, отда ва чаналарда, шовқин-сурон билан бир мулкдан иккинчисига ўтишиб, ниҳоят қароргоҳга яқинлашишди; у ерда шаҳар ва саройда қандай қилиб күнгил очишлари ҳақидаги гап-сўзлар ва хабарлар тасаввурга бошқача йўналиш берди ва Лютиянани барча шотирлари ҳамроҳлигида, олдинда холаси, бутунлай бошқа муҳитга олиб кириб кетди.

Оттилияниң кундалик дафтаридан

Ҳаётда одам ўзини қандай қилиб кўрсатса, шундай қабул қилишади; аммо у ўзини бирон арзигулиқ қилиб кўрсатиши керак. Ҳақиқи одамдан кўра бирор билан чиқишиолмайдигани нисбатан чидамлироқ бўлади.

Бирон бир оқибатни келтириб чиқарадиган нарсадан бошқа ҳамма нарсанни жамиятнинг бўйнига ортиши мумкин.

Бизнинг ёнимизга келадиган одамларни билиб ололмаймиз; уларнинг қандайлигини билмоқ учун олдишариға боришимиз керак.

Мен уйимизга келган меҳмонларнинг нимасидандир айб топишмизни табиий бир ҳол деб ўйлайман, кетиб улгурмаслариданоқ улар ҳақида ўта мулоҳим қилиб ҳукм чиқарамиз; чунки уларни гўё ўз қаричимиз билан ўлчаш ҳуқуқига эгамиш. Ҳатто энг мулоҳазали ва кечиримли одамлар ҳам бундай пайтларда қаттиқ танқидга камдан-кам чидайдилар.

Аксинча, одам бошқаларни кида бўлса-да, уларни ўз даврасида, ўз одатлари билан, ўзгармас, кундалик табиий шароитларда кўрсанг, уларнинг атрофдагиларга қандай таъсир кўрсатишлари ёки ўзларига бўйсундиришиларидан воқиф бўлсанг, кўп жиҳатдан эътиборга лойиқ бўлган бу ҳолатларни кулгили ҳисобласанг, бу энди бераҳмлик ёки ичқоралик оқибатидир.

Ўзни идора қилиш ва яхши хулқ-автор деб аталаувчи нарсалар орқали бошқа пайт куч билан ёки бошқа йўл билан эришиладиган нарсага эришиш мумкин.

Аёллар билан муносабат – яхши хулқ-авторнинг бир кўринишиидир.

Инсон характери, шахсиятининг ўзига хослиги яшаши тарзи билан қандай қилиб мос келиши мумкин?

Шахсиятнинг ўзига хослиги айнан яшаши тарзи туфайли юзага чиқиши мумкин, деса бўлади. Ҳар бир одам катта нарсаларни хоҳлайди, бироқ бу нокулайликлар эвазига бўлмаслиги керак.

Олий даврада бўлганидек умуман ҳаётда ҳам билимли аскар катта устунликларга эга бўлади.

Тарбия кўрмаган аскарлар ҳеч бўлмаганда феъл-авторларини намойиш қилишимайди, куч-қудрат ортида очиқкўнгшлик яширгани боис керак бўлганда улар билан ҳам чиқиша бўлади.

Маданиятсиз фуқародан ҳам бадҳазмроқ одам бўлмайди. Ундан сезгирикни талаб қиласа бўлади, негаки бунинг қўпполликка ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Хушхулқликни беҳад нозик ҳис этадиган одамлар билан яшасанг, бирон одобсизлик содир бўлиб қолса, улар учун титраб турасан киши. Худди шунингдек, бирор одам стулда тебраниб ўтираса, Шарлотта учун у билан бирга азоб чекаман, чунки у бундай қилиқни ўлгудек ёмон кўради.

Бурнига кўзойнагини қўндириб олганча тор дўс-тона даврага кириб келган одамни ҳам, у билан биз аёллар сўзлашишини ҳам истамаслигимизни билганида эди, бундай қилмаган бўларди.

Хурмат-эҳтиром ўрнига расмиятчилик кўрсатиш ҳамиша кулгилидир. Таъзим қилганданоқ шиятани олиб қўйиш қанчалик кулгили бўлишини билгандиа эди, одам бундай қилмаган бўларди.

Назокатлиликнинг чуқур маънавий асосга эга бўлмаган бирон бир ташқи белгиси йўқ. Мана шу белгини ва асосни сингдирадиган тарбия энг тўғри тарбиядир.

Халқ – бу күзгү, унда ҳар бир одам ўз аксини күради.

Қалб назокати деган нарса бор; у мұхаббат билан қондоши. Үндан ташқи хулқининг энг ёқимли назокати ҳосил бўлади.

Ихтиёрий бўйсуниш – энг гўзал ҳолат, у қандай қилиб мұхаббатсиз юзага келиши мумкин эди.

Биз истагимиз гўё амалга ошган, дея хаёл қилмагунимизча, ўз истакларимиздан ҳеч қачон узоклашиб олмаймиз.

Озод бўлмай туриб ўзини озодман, деб ҳисоблаш – қулиқдан ҳам баттардир.

Одам ўзини озодман, деб эълон қилган заҳотиёқ ўзини тобе ҳис қила бошлиайди. Борди-ю ўзини тобе деб эълон қилишга журъати етса, дарҳол ўзини озоддек ҳис этади.

Ўзга киши эга бўлган улкан устунликка қарши бирдан-бир восита севгидир.

Таникли киши устидан нодонларнинг кулишаётганига гувоҳ бўлиши даҳшатли ҳолатдир.

Айтишларича, хизматкор учун ҳеч қандай қаҳрамон йўқ. Сабаби, фақат қаҳрамонгина қаҳрамонни тан олади. Эҳтимол хизматкор ҳам ўзига ўҳшаганларни қадрлар.

Истеъододсиз одам учун даҳо ҳам агадий барҳаёт эмас, дейишдан кўра улканроқ юпанч йўқ.

Буюк одамлар қандайдир бир заиф тарафлари орқали ўз даври билан боғлиқ бўлишади.

Одатда одамларни аслида қандайлигидан кўра хавфлироқ ҳисоблашади. Аҳмоқлару ақлилар бирдек хавфсиздир. Ярим аҳмогу ярим ақлилар, мана шулар энг хавфли одамлардир.

Олий табакадан четлашишининг энг қулай йўли – санъатдир, у билан боғланишининг энг қулай йўли ҳам санъат.

Ҳатто энг қувончили ва энг қайгули дақиқаларда ҳам биз санъаткорга муҳтож бўламиз.

Санъат – энг қийин ва энг хавфли соҳадир.

Кийин ишининг осон бажарилаётганини кўриш бизга номумкинлик ҳақида тасаввур беради.

Мақсадга яқинлашганимиз сайн қийинчилек орта-веради.

Экишдан кўра ҳосилни йўғими қийинроқ.

Олтинчи боб

Келиб кетган меҳмонларнинг Шарлоттага келтирган катта нотинчилари шу жиҳатдан фойдали бўлдики, у қизини тўла-тўкис билиб олди, бунда унинг олий ҳётдан хабардорлиги жуда яхши ёрдам берди. Бунчалик ғаройиб хулқ-атворни у эндиғина учратада ётган бўлмаса-да, бироқ бу қадар меъёридан ошган ҳолатни ҳеч қачон кўрмаганди. Шу билан бирга, тажрибадан маълумки, бундай одамлар ҳаётни шартшароитлар таъсирида, ота-оналар таъсирида чиникиб катта бўлган сари ёқимли ва хушфеъл бўла боришади, худбинликдан қутулиб, фаолликка бўлган қайноқ интилиш борган сари аниқ йўналиш касб этади.

Шарлотта она сифатида бошқаларга ёқимсиз бўлиб туюлган кўплаб ҳолатларга жон-жон деб чидади, негаки бегоналар боридан фойдаланишни хуш кўрадиган ёки ҳеч бўлмагандан нохушликларга тоқат қилишни истамаган пайтда ота-оналарга умид килиш хусусияти хосдир.

Бироқ қизи жўнаб кетганидан кейин Шарлотта ғалати ва кутилмаган нохуш ҳолатга тушдикӣ, энг ёмони – бу ёқимсиз гап-сўзлар, хулқ-атворидаги номуносиб жиҳатлар эмас, балки мактовга лойиқ жиҳатлар туфайли келиб чиқди.

Лютсиана нафақат қувноқлар билан қувноқ, ғамгинлар билан ғамгин бўлишни ўзига қоида қилиб олган эди, балки қарама-қаршиликлар талабидан келиб чиқб, гоҳида қувноқларни хафа, ғамгинларни қувноқ қилиб ҳам юборарди. Қайси оиласа бормасин, аввалио, меҳмонлар ёнига чиқолмайдиган нимжон ва бемор аъзоларни суриштиради. Улар ётган хоналарга ки-

риб, гүё дүхтирдек, ҳамиша каретада олиб юрадиган ўз дори кутисидан уларнинг ҳар бирига кучли таъсир этувчи дорилардан буюрарди; бундай муолажа яхши натижা берадими ёки ёмонми, ўз-ўзидан аёнки, тасодифга боғлиқ бўларди.

Бу тахлит хайрияларга у беҳад қаттиққўллик билан ёндошар, ҳеч кимга қулок солмас, ўз хатти-ҳаракатларини тамоман тўғри деб биларди. Аммо бир гал биттасининг руҳий дардини даволашда хатога йўл қўйди, бу ҳодиса Шарлоттага анчагина ташвиш келтирди, негаки бу оқибатсиз қолмади ва ҳамма шу ҳақда гапириб юрди. Буни Шарлотта кизи жўнаб кетгандан кейин эшитди; ўша ҳодисага гувоҳ бўлган Оттилия бу ҳақда Шарлоттага муфассал ҳисобот беришга мажбур бўлди.

Обрў-эътиборли оиласалардан бирининг қизи ўз ука-сингилларидан бирининг ўлимидан ўзини айбдор санаб, ҳалигача ўзига келолмай, ўзини кечиролмай ётаркан. У хонасидан чиқмай нима биландир машғул бўларкан ва ўз яқинларига ҳам улар якка-якка киришсагина тоқат қиласаркан; борди-ю олдига бир вактда бир неча киши кирса, улар менинг аҳволимни муҳокама қилишяпти, деб гумон қиласаркан. Ёлғиз кирган ҳар бир одамга ўз фикрларини бемалол билдирав, у билан соатлаб сўзлашиб ўтиаркан.

Лютсиана бу ҳақда эшитганиданоқ бу уйга борган заҳоти мӯъжиза содир қилишни ва қизни одамлар даврасига қайтаришни ичидан ўйлаб қўйди. Бу гал у одатдагидан кўра эҳтиёткоррок ҳаракат қилди, руҳий бемор ёнига киришга ҳамда мусика билан унинг ишончини қозонишга муваффақ бўлди. Аммо охирида у хатога йўл қўйди; ўзича ҳаммани қойил қолдириш мақсадида чиройли, рангпаргина қизни бир куни кечқурун, етарлича тайёр бўлди, деган ўйда ялтири-юлтири серодам даврага олиб чиқди; борди-ю меҳмонлар кўркув ва қизиқишдан ўзларини ножўя тутмаганларида, аввалига беморнинг атрофини ўраб олишиб, кейин яна тарқалишиб, шивир-шивир қилган-

ча бошларини чайқатишиб қизни гарантисиб, ҳаяжонлантириб күйишмаганда эхтимол яхши бўларди. Ҳиссиётли вужуд бунга бардош беролмади. У гўё даҳшатли маҳлукдан қўркқанда қичкиргандек овозининг борича дод солганча қочиб кетди. Қўрқиб кетган меҳмонлар ҳар томонга отилишди, Оттилия беҳуш қизни ўз хонасига олиб киришга ёрдам берди.

Бу орада Люксиана меҳмонларга қаттиқ танбеҳ берди, бунга ёлғиз ўзи айбдор эканлиги ҳақида ўйлаб кўрмади, бу ва бошқа муваффакиятсизликларидан ҳеч бир хижолат бўлмай, тағин аввалгича ўзини тутиш ва ҳаракат қилишда давом этди.

Ўшандан кейин беморнинг ақволи ёмонлашган, касаллик шу даражада авж олганки, бечора қизнинг ота-онаси уни касалхонага жойлаштиришга мажбур бўлишган. Шарлоттага эса бу оила бошига қизи томонидан етказилган аламни ўта босиклик билан енгиллатишдан ўзга илож қолмади. Бу ҳодиса Оттилияга жуда қаттиқ таъсир қилди; у қизга шу даражада ачиндики, мунтазам даволаш орқали беморни оёқка турғизиш мумкин бўларди, деган фикрга батамом ишонар, буни Шарлоттадан ҳам яшириб ўтирамади.

Одатда бўлиб ўтган ёқимли воқеалардан кўра ёқимсизлари ҳақида кўп гапиришганидек, ўша кеч Оттилияни хафа қилган бир тушунмовчиликка ҳам тил тегизишли, ўшанда Оттилия самимий илтимос қилган бўлса-да, Меъмор ўз коллексиясини кўрсатишни истамаган эди. Бу рад жавобни Оттилия сира кўнглидан чиқаролмас, негалигини ўзи ҳам билмасди. Унинг туйгулари тамоман табиий эди; чунки Оттилиядек қиз илтимос қилдими, Меъмордек йигит рад қилмаслиги лозим эди. Бирок Оттилия пайтини топиб қилган мулойимгина таъналарига Меъмор бир қатор жўяли сабабларни кўрсатганди.

— Ҳатто маълумотли одамлар ҳам, — деди у, — ноёб санъат асарларига қандай муносабатда бўлишларини билсангиз эди, уларни жамоат жойида намойиш қилишни истамаслигимни кечирган бўлардингиз. Ҳеч

ким бирор медални четидан ушлаб кўрмайди; ҳамма энг гўзал зарбларни, нозик фонни қўли билан си-
лаб кўради, энг камёб буюмларни бош ва кўрсаткич
бармоғи орасига олиб у ёқ-бу ёққа айлантиради, гўё
бадий шаклни шу йўл билан баҳоламоқчи бўлишади.
Катта варақни икки қўллаб ушлаш лозимлиги ҳақида
ўйлаб ҳам ўтирамасдан, бирор димоғдор сиёсатдон га-
зетани қўлига олиб, уни фижимлаганча жаҳон янги-
ликлари ҳақида олдиндан ўз фикрларини билдиргани
сингари, бебаҳо гравюрани, бирон қиёси йўқ расмни
бир қўллаб ушлашади. Санъат асари билан йигирма
киши шундай муомала қилишса, йигирма биринчи
учун ҳеч вако қолмаслиги ҳақида ҳеч ким ўйлаб ҳам
ўтирамайди.

– Мен ҳам баъзан, – сўради Оттилия, – Сизни шун-
дай аҳволга солмаганманми? Узим билмаган ҳолда
қимматбаҳо асарларингизнинг бирортасига зарап ет-
казмаганманми?

– Ҳеч қачон, – жавоб берди Меъмор, – ҳеч қачон!
Сиз бундай ишни қилмайсиз; одоб сиздаги туғма хис-
лат.

– Ҳарқалай, – деди Оттилия, – одоб-аҳлоқ қоидалари ҳақидаги китобнинг кўпчилик орасида ейиш-ичиш қоидалари бобидан кейин музейларда ва санъат асарларини томоша қилаётганда одам ўзини қандай тутиши ҳақида муфассал битта боб киритилса ёмон бўлмасди.

– Албатта, – жавоб берди Меъмор, – ўшанда музей ходимлари ва ҳаваскорлар ўз коллексияларини бемалол намойиш қилишган бўларди.

Оттилия уни аллақачон кечирган эди; бирок Меъмор унинг таънасини юрагига яқин олгандек туюлиб, дўстлардан ҳеч нарсасини аямаслиги ҳақида тинмай унга уқтиравергач, у Меъморнинг нозик қалбини яра-
лаб кўйганини тушунди ва унинг олдида ўзини бур-
чли хис қилди. Шу сухбат асносида Меъморнинг унга қилган бир илтимосини кескин рад қилиш қўлидан келмади, ҳарқалай ўз ҳисларини дархол чамалаб

кўрса-да, унинг истакларини қандай бажариши мумкинлигини тасаввур қилолмади.

Мана, гап нимада эди. Лютсиананинг ғайириқдан Оттилияни жонли расм томошаларидан четлаштиргани меъморга қаттиқ ботган эди; Шарлоттанинг ўзини ёмон ҳис этиб кўнгил очар тадбирларнинг мана шу энг ажойиб қисмида кам катнашганини ҳам афсус билан таъкидлаб қўйди. Мана энди у улардан бири нинг шарафиға, иккинчисининг кўнгил очиши учун шу пайтгача ўтказилган тадбирлардан ҳам афзалроқ бирон томоша ташкил килиш орқали ўз эҳтиромини изхор қилмасдан кетишни хоҳламасди. Эҳтимол, бунга ўзи ҳам дуруст англаб етмаган бошқа, яширин бир истак қўшилгандир: бу хонадонни, бу оиласи тарк этиш унга жуда оғир эди, Оттилиянинг кўзларини ортиқ кўрмасликни у ақлига сиғдиролмас, негаки у кейинги пайтларда Оттилиянинг самимий ва мулојим боқувчи назари билангина яшаган эди.

Рождество байрами яқинлашарди, тўсатдан унга маълум бўлдики, ўша инсон жисмларидан иборат жонли картиналар ргаесере¹ деб аталмиш, мана шу муқаддас кунда Биби Марям ва унинг боласига бағишланган, уларнинг гўё факирлардек аввал чўпонларга, кейин қиролларга эҳтиром кўрсатишини ифода этувчи тасвирдан пайдо бўлишган.

Бундай манзаранинг мумкинлигини у яққол тасаввур этди. Келишган, соғломгина бола топиши; аёл ва эркак чўпонларни топиш ҳам қийин бўлмади; аммо Оттилиясиз иш юришмасди. Йигит ўз тасаввурида уни Биби Марям даражасига кўтарди ва борди-ю у рад жавобини берса, режа амалга ошмай қолишини биларди. Бундай таклифдан довдираб қолган Оттилия Меъморни рухсат олиш учун Шарлоттага юборди. Шарлотта жон деб рухсат берди ва бундай муқаддас ролга журъати етмаётган Оттилиядаги кўркувни мулојимлик билан босишга муваффак бўлди. Меъмор бўлса,

¹ Praesere – (лат. ясли дегани) – Исо туғилишини тасвирловчи расмнинг техник белгиси (тарж.).

рождество кечасига ҳамма нарса тахт бўлсин учун кечаю кундуз тинмай ишлади.

У том маънода кечаю кундуз ишлади. У кўп нарса талаб қилмас, Оттилияниг ҳозирлиги унинг учун гўё барча қувончларниг ўрнини босарди; у Оттилия учун ишлар экан, Оттилия учун нима биландир машғул бўлар экан, на уйкута, на еб-ичишга муҳтоҷлик сезарди. Тантанали кечага ҳамма нарса тайёр бўлган эди. У духовой оркестр тўплашга ҳам муваффак бўлдики, улар хушоҳанг увертюра билан томошабинларда кўтаринки кайфият ҳосил қилишга муваффак бўлишди. Парда кўтарилганда Шарлотта ҳайратдан котиб қолди. Намойиш қилинаётган картина кўп бора такрор кўрсатилган, ундан у қадар катта таассурот кутмаса ҳам бўларди. Аммо бу гал картина тарзида ги воқелик бошқача кўринишга эга эди. Хонада кечкидан кўра кўпроқ тунги манзара ҳоким эди, шунга карамасдан, у ердаги ҳар бир нарса аниқ кўриниб турарди. Бутун нур боладан чиқиб келиши керак, деган тенгсиз фикрни меъмор зукко ўйланган ёритиш механизми ёрдамида амалга оширишга эришди, бу механизмни томошабинлардан олд томондаги заиф нурлар тушиб турган фигуralар тўсиб турарди. Кувнок ўғил ва қиз болалар давра олиб туришар, уларниг ол юзлари паст томондан равshan ёритилган эди. Бунда фаришталар ҳам йўқ эмасди, уларниг нури Худо нури олдида хиралашган, нафис таналари Худо-одамникига нисбатан нурсиз ва бўғиқ туюларди.

Бахтни қарангки, бола энг ёқимли ҳолатда ухлаб қолган, натижада томошабиннинг назари онага тушганда маҳлиё бўлиб кузатишга ҳеч нарса халақит бермасди, она бола кўринсин деб назокатли ҳаракат билан унинг устидаги ёпқични кўтаради. Худди мана шу лаҳза расмда михланиб қолган эди. Жисмонан сўқир, рухан ҳайратга чўмган атрофдаги халқ гўё нурдан қамашган кўзларини четга олиш учун эндиғина ҳаракатга келгандек бўлди, қувончли қизиқиши билан тағин болага қарашди, гарчи айрим кексаларниг юз-

ларида ҳайрат ва эҳтиром акс этган бўлса-да, бошқа одамларда бу туйғудан кўра ажабланиш ва кувонч кучлироқ эди.

Оттилияниң кўриниши, туриши, юз ифодаси, на-зари қачонлардир рассом тасвир этган ҳамма нарса-ни босиб кетди. Бирорта зукко билимдон бу манза-рани курса эди, бирон бир ҳаракат уни бузиб юбо-ришидан қўрқувга тушган, бундай гўзал нарсани ортиқ кўриш насиб қилмайди, дея ташвишлан-ган бўларди. Афсуски, бу ерда бундай таассурот-дан тўйғунча хузур киладиган бирон киши йўқ эди.

Факат Меъморгина узун бўйли, келишган чў-пон ролида тиз чўкиб турғанларни ён тарафдан-гина кўрар, ноқулай жойдан бўлса-да, ҳаммадан ортиқ мазза киларди. Осмондан тушган малика-нинг юз ифодасини ким ҳам тасвиirlаб бера олар-ди? Аклга сиғмас улкан баҳт олдидағи, ўзи лойик бўлмаган ҳолда насиб этган мислсиз эъзоз олдидағи жозибали камсукумлик – мана унинг чехрасида нима акс этган эди, шунингдек, унда ўз туйғулари билан бирга бажараётган роли туфайли пайдо бўлган тасав-вурлари ҳам намоён эди.

Шарлотта бу мўъжизакор картинадан кувончга тўлди, айниқса, бола унга қаттиқ таъсир килди. Кўзларидан ёш қўйилди, яқин орада ўзи ҳам шундай ёқимтой гўдакни тиззаларида олиб ўтиришини яққол тасаввур қилди.

Пардани туширишди, бир томондан ижрочила-га бироз дам бериб, бошқа томондан, саҳнада айrim ўзгаришлар қилмоқчи бўлишди. Рассом дастлабки на-мойишдаги тун ва ночорлик саҳнасини кун ва шон-шавкат саҳнасига айлантиришни режалаштириди, шу мақсадда саҳнани ҳар тарафдан ёритадиган ва танаф-фус пайтида ёкиш мўлжалланган чирокларни тайёр-лашди.

Ярим сохта қиёфадаги Оттилияни шу пайтгача хотиржам қилган нарса бу диний томошани Шарлотта ва уйдагиларнинг бир нечтасидан бошқа ҳеч кимнинг

кўрмаганлиги эди. Шунинг учун танаффус махали бир бегона киши келганлигини, уни залда Шарлотта очик чехра билан кутиб олганини эшишиб, хийла ҳаяжонланди. Унинг кимлигини қизга айтишолмади. У томошага халақит бермаслик учун эзисб сўраб ўтирмади. Шам ва чирокларни ёқишиди ва қиз нурлар оғушида қолди. Парда кўтарилиди, томошабинлар кўзи олдида ажойиб манзара намоён бўлди: бутун картина нурни кўйнида эди, ғойиб бўлган соялар ўрнида фақат ранглар қолган бўлиб, улар муносиб танлангани боис нурни мўътадил қилиб туради. Пастга қараган узун киприклари оша Оттилия Шарлотта ёнида ўтирган бир эркакни кўрди. Унинг юзини кўролмади, лекин овозидан пансионат бошлиғининг ёрдамчиси деб ўйлади. Уни ғалати ҳиссиёт қамраб олди. Бу садоқатли устознинг овозини эшифтмаганидан бери қанчачанча воқеалар бўлиб ўтди! Унинг қалбида қувонч ва қайгулари занжири яшин мисол ярқ этди-ю, уни шу саволни ўз-ўзига беришга ундаdi: «Унга ҳамма нарса ҳақида икрор бўлиш, ҳаммасини айтиб бериш кўлингдан келадими? Унинг олдида бундай муқаддас тимсол сифатида кўринишга қанчалик лойиқсан, ҳамиша оддий ва табиий ҳолатда кўриб юргани сени, ҳа сени, бундай никобда учратиш унга қанчалик ғалати туоларкин?» Ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган тезлиқда унинг ҳислари ва акли кураша бошлади. Юраги сиқилди, кўзлари ёшга тўлди, шундай бўлса-да, у худди расмдагидек қилт этмай туришга ҳаракат қилди; бола қимирлай бошлаганини кўриб у ғоятда кувонди ва Меъмор пардани яна туширинглар, деб имлашга мажбур бўлди.

Кадрдон дўстининг истиқболига чиқолмаслик ҳақидаги азобли туйғу сўнгги лахзалардаги бошқа ҳисларига қўшилиб, Оттилияни янада кўпроқ хижолат қиларди. У мана шу бегона либос ва безакда унинг ёнига чиқса бўладими? Кийимини алмаштириシンми? Узоқ ўйлаб ўтирмасдан кейинги фикрни танлади ва танаффус чоғида ўзини қўлга олиб, хотир-

жам бўлишга, ва ниҳоят, одатдаги кийимида меҳмон билан саломлашгунига қадар ўз ички мувозанатини қайта тиклаб олишга ҳаракат қилди.

Еттинчи боб

Хайриҳоҳ дўстларига энг яхши тилаклар тилаб кетар экан, Меъмор уларнинг ҳурматли ўқитувчи билан бирга колишаётганидан мамнун эди; шунга қарамасдан, уларнинг ўзига қанчалик меҳрибонлик кўрсатишганини ўйларкан, бошқа бир киши тез орада, муносиб тарзда, тўлиқ унинг ўрнини босиши мумкин, деган шундай камсукум одамларга хос фикр қалбини қийнокқа солди. У шу пайтгача кетишга иккиланиб юрганди, мана энди тезроқ жўнашга шошилди; чунки ўзи кетганидан сўнг содир бўладиган воқеаларга гувоҳ бўлишни истамасди.

Шу тахлит ярим қайғули ҳис-туйғулар орасида жўнаш олдидан унга хонимлар қилган ҳадя катта юпанч бўлди, совға қилишган ушбу нимчани унинг кўзи олдидан хонимлар узоқ вақт тўқишиган, охири бунга эга бўладиган баҳтли инсонга у ғойибона ҳавас килиб юрарди. Севгувчи садоқатли инсонга қилинган бундай тортиқ кўнгилга ғоятда хуш ёқади, чунки нозик бармоқларнинг бетиним ҳаракатини эсларкан, қалби ҳам бундай узлуксиз меҳнатда иштирок этмай қолмаган-ку, деган тотли хаёлга боришдан ўзини тутолмайди.

Энди хонимлар янги кишига меҳмондўстлик қилишлари, унга илтифот кўрсатишлари, у ҳам бу ерда эмин-эркин бўлиши керак эди. Аёл зотининг ўз ички, ўзгармас қизиқишлиари борки, уларни дунёда ҳеч нарса ўзгартира олмайди, очиқ, юракдан бўлган мулоқот пайтида улар ўзларини айни чоғда банд қилиб турган эркакнинг таъсирига осон ва жон деб берилишлари мумкин; шундай қилиб, такаббурлигу мойиллик, катъийлигу кўнгилчанлик билан улар ҳукмронликни ўз кўлларида тутиб туришадики, маданиятли дав-

радаги биронта эркак бундан бош тортишга журъат қилолмайди.

Агар Меъмор ўз истаги ва қизиқиши орқасида иктидорини шу икки аёлнинг ҳузур-ҳаловати, истаклари учун сарфлаган, барча машғулот ва тадбирлар шу рух ва шу мақсадда уюштирилган бўлса, муаллимнинг келиши билан кўп ўтмай ҳаёт тарзи ўзгарди. У гурунглашиб ўтиришга, одамлар орасидаги муносабатлар, айниқса, ёшлар тарбияси масаласини мухокама килишга уста эди. Шу тарика ҳозиргача бўлган ҳаётга нисбатан сезиларли фарқ келиб чиқди, бунинг устига муаллим бундан олдин бу ерда қилинган ишларнинг барчасини деярли маъқулламади.

Уни кутиб олган жонли картина ҳақида бирон оғиз гапирмади. Унга черков, меҳроб ва шуларга тегишли нарсаларни мамнунлик ҳисси билан кўрсатишганида бу ҳақдаги фикр ва қарашларини изхор қилмай туролмади.

— Менинг фикримга келсак, — деди у, — илоҳий нарсани ақлий нарсага бу тахлит якинлаштириш, бу тахлит аралаштириш маъқул эмас, одамларда илоҳий ҳис-туйғуларни кўзғатиш ва сақлаб туриш мақсадида маълум бир хоналарни маҳсус ажратиб, муқаддаслаштириб, безатиб қўйишлари ҳам менга маъқул эмас. Ҳеч кандай жихоз, ҳатто энг оддийси ҳам, бизга мудом ҳамроҳлик қилиб юрадиган, ҳар кандай жойни ибодатхонага айлантиришга қодир бўлган биздаги илоҳий туйғуга халакит бермаслиги лозим. Уйдаги ибодатлар ҳар куни овқат ейиладиган, меҳмон кутиладиган, ўйин ва ракслар билан кўнгил очиладиган залда килиниши менга ёқади. Одамдаги энг олий, энг етук нарса бирон шаклга эга эмас; уни олийжаноб мақсадлардан бошқасига ишлатишдан эҳтиёт бўлмоқ кетак.

Унинг ўй-фикрларини умуман аллақачон билган, кисқа фурсат ичида янада кўпроқ танишиб олган Шарлотта, дарҳол уни ўз фаолияти доирасига бошлади, меъмор кетишидан олдин кўриқдан ўтказган боғбон болаларини чакириб, катта залда саф тортиш-

ни буюрди, топ-тоза, чиройли формалардаги болалар бир хил ҳаракатлари ҳамда эркин, жўшқин табиатлари билан кишида яхши таассурот қолдиришарди. Муаллим уларни ўз усули бўйича имтиҳондан ўтказди ва турли-туман саволлар билан уларга хос хусусиятлар ва қобилиятларини бир зумда билиб олди, тахминан бир соатга ҳам етмасдан у болаларга кўп нарсаларни ўргатиб, айни вактда тўғри йўлга йўналтироди ҳам.

— Бу қандай қўлингиздан келади? — сўради Шарлотта болалар кетишгач. — Мен диққат билан тинглаб ўтиредим; энг оддий нарсалар ҳақида сўз борди, шундай қисқа мулдатда, шунча кўп савол-жавоблар орқали бу тариқа ҳамма нарса ҳақида изчил тўхталиш менинг қўлимдан келмасди, деб ўйлайман.

— Эҳтимол, — жавоб берди муаллим, — одам ўз касбининг сир-асрорларини очмаса яхши бўларди дейман. Бироқ мен Сизга жуда кўп нарсаларга эришишга кўмак берадиган битта ҳақиқатни очмасдан туролмайман. Бирор буюм, тушунча, масалани олинг-да, уни хоҳлаган ном билан атанг; ҳамиша ўшани кўз остингизда тутинг; уни бутун икир-чикирларигача аниқлаб олинг, ўшанда бир тўда болалар билан мулоқот чоғида, ўша нарса ҳақида болаларда қандай фикрлар туғилди, уларга тағин нималарни сингдириш, нималарни айтиш кераклигини осонгина билиб оласиз. Саволларингизга берилган жавоблар бемаъни бўлса ҳам майли, улар аравани курук олиб кочишса ҳам майли, энг муҳими, Сизнинг навбатдаги саволингиз уларнинг ақли ва қалбини асосий нуқтага қайтарсин, муҳими Сиз уларни ўз нуқтай назарингиздан четга чиқишига йўл қўйманг, шундагина болалар ўқитувчи нимани ва қандай килишни хоҳлаётганини ўйлашга, тушиунишга, ишонч ҳосил қилишга мажбур бўлишади. Ўқитувчининг энг катта хатоси — ўзини ўкувчиларга чалғитишига йўл қўйиб беришида, уларнинг диққатини таҳлил қилинаётган масала атрофида тутиб туролмаслигида. Ўзингиз ҳам бир шундай тажриба ўтказиб

кўринг, бунинг жуда марокли иш эканлигини билиб оласиз.

– Қойил, – деди Шарлотта, – яхши педагогика мулойим мумомланинг тамоман тескариси. Аслзодалар даврасида бирон нарса устида чукур тўхталиб ўтирилмайди, таълимда эса талаб – хаёл тарқоқлигига қарши курашишдир.

– Хаёлни бўлмасдан хилма-хилликка эришиш, агар бу мақтовга лойик мувозанатни осон эгаллаш имкони бўлса, таълимда ҳам, ҳаётда ҳам энг зўр шиор бўлган бўларди, – деди муаллим ва галини давом эттироқчи эди, ҳовли бўйлаб шахдам қадам ташлаб боришаётган болаларга тагин бир бор қараб олиш учун Шарлотта уни тўхтатди. Муаллим болаларни ҳарбий кийимда юришга мажбур қилишларидан мамнунлигини изхор қилди. – Эркаклар, – деди у, – ёшлиқдан ҳарбий кийимда юришса бўларди, негаки улар биргаликда ҳаракат қилишга, ўзини тенглар орасида тенг ҳис қилиб, итоат этишга ва кўпчилик учун хизмат қилишга одатланишлари зарур. Шу билан бирга, ҳар қандай форма ҳарбий рухни ҳамда қадди-қоматни тик тутиб юришни таъминлади, шусиз ҳам ўғил болалар туғма аскарлардир; уларнинг қандай кураш тушишларига, уруш-уруш ўйнашларига, хужумга ўтишларию ҳамла қилишларига бир қараб кўринг.

– Қизларимни хилма-хил кийинтирганимни кўриб, гапга қўшилди Оттилия, – мени қораламайсиз деб ўйлайман, уларни Сизга рўбарў қиласай, ишонаманки, ранг-барангликдан кўзингиз кувонади.

– Бу менга жуда маъқул, – жавоб берди муаллим, – аёллар албатта хилма-хил, ўз дидига мос кийимда юришлари керак, ҳар бири қайси кийим унга ярашини, тўғри келишини фарқлашга ўрганиши зарур. Бунга энг мухим сабаб тағин шуки, улар умр бўйи якка ҳолда яшаш ва ҳаракат қилишларини билишади.

– Бу фикр унча тўғри бўлмаса керак, – деди Шарлотта, – ахир биз ҳеч қачон ёлғиз ўтирмаймиз-ку.

– О, ха! – жавоб берди муаллим, – агар бошқа аёлларга нисбатан олиб қарасак, менинг гапим түғри. Истаган аёлни олиб қаранг, маъшуқами у, келинми, хотинми, уй бекасими, онами, фарқи йўқ, мудом бир ўзи, мудом ўз бошига ёлғиз ва ёлғизликни хоҳлади. Ҳатто энг такаббурлари ҳам шуни истайди. Ҳар бир аёл ўз табиатига кўра бошқасидан фарқ қиласди; ҳар бир аёлдан бутун аёл жинси қилиши керак бўлган ҳамма нарса талаб қилинади. Эркакларда эса бундай эмас. Эркакнинг ёнига эркак керак; агар у дунёда мавжуд бўлмасайди, у иккинчи эркакни ўзи яратган бўларди; аёл эса, ўзига ўхшашини ясашни хаёлига келтирмасдан бир умр яшали мумкин.

– Ҳақиқатни ғаройиб тарзда ифодаласанг бўлди, – деди Шарлотта, – ўшанда ғаройиб нарса ҳақиқат бўлиб туюлади. Биз Сизнинг фикрларингиздан энг яхши томонларини ажратиб оламиз, аёл сифатида аёллар билан биргаллашиб, эркакларнинг биздан баланд келишларига имкон бермаслик учун ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қиласмиз. Эркакларнинг ўзаро келишмовчиликларидан бундан буён янада кўпроқ кувонсак, бизни кораламассиз, деб ўйлайман.

Тажрибали муаллим Оттилияning ўз қўл остидаги қизчалар билан қандай муносабатда бўлишини дикқат билан кузатиб, буни чин дилдан маъкуллади.

– Ўз қўл остингиздагиларга, – деди у, – энг зарур нарсаларни ўргатиб тўғри қилипсиз. Орасталик болаларда ўз қадр-кимматини сақлаш туйғусини уйғотади, агар уларга ўзлари килаётган ишни онгли ва дадил қилишга ўргатилса, максадга эришилган бўлади.

У катта қониқиши билан таъкидладики, бунда ҳеч нарса шунчаки юзаки, хўжакўрсинга эмас, балки зарурий ички талаблар асосида қилиняпти.

– Одамларда эшитишга қулоқ бўлганида эди, – хитоб килди у, – тарбиянинг моҳиятини ифода қилмок учун қанчалик оз сўз зарур бўлар эди.

– Буни менда синаб кўрмайсизми? – деди Оттилия мулоийимлик билан.

— Жоним билан, — жавоб берди муаллим; — бирок бу сирни очиб қўймайсиз. Ўғил болаларни хизматкорликка, қизларни оналилка тайёрлаш керак, ўшанда ҳамма ерда ишлар яхши бўлади.

— Она бўлишга, — жавоб берди Оттилия, — аёллар ҳарқалай рози бўлишса керак, чунки она бўлишмаса ҳам, улар ҳарҳолда тарбиячи бўлишлари мумкин; лекин йигитларимиз хизматкор бўлишга кўп ҳам рози бўлаверишмаса керак, чунки уларнинг ҳар бири буйруқ беришни ёқтириши шундоккина сезилиб туради-ку.

— Шунинг учун биз буни уларга айтмаймиз, — деди муаллим, — биз ҳаётга қадам қўярканмиз, ўз-ўзимизни алдаймиз, ҳаёт эса бизни алдамайди. Қанча одам охир-оқибат мажбур бўладиган нарсага ўз ихтиёри билан рози бўлиши мумкин? Келинг, асосий масала-га тегишли бўлмаган бу фикрларни ҳозирча қўйиб турайлик. Сизнинг ўз тарбияланувчиларингиз билан тўғри муомала усулини топа олганингиз — Сизнинг ютуғингиздир. Қизларингиздан кичиклари қўғирчоқ ўйнаб, кийкимлардан уларга бирон нарса тикишса, катта опалари кичикларига ғамхўрлик килишса ва хонадон ўз оғирини ўзи енгил қиласа, ҳаётда ташланган навбатдаги қадам кийин кечмайди ва бундай қиз ота уйида қолдириб кетган нарсани эриникида топа олади.

Бирок юқори табакаларда вазифа анчагина мушкуллашади. Биз бунда хийла дабдабали, нозик, на зокатли, энг қийини ижтимоий муносабатлар билан ҳисоблашишга мажбур бўламиз. Шу сабабли ўз тарбияланувчиларимизда ташқи фазилатларни ҳам шакллантириш керак бўлади; бу зарур, бу жуда ажойиб, агар бунда меъёрдан ошилмаса жуда яхши бўларди; негаки болаларни бир мунча кенгрок давралар учун тайёрлашни мақсад қилиб олинса, уларнинг табиати аслида нимани хоҳлаши назарда тутилмаса, уларни осонгина чексизликка тортиб кетиш мумкин. Асосий масала мана шу бўлиб, буни тарбиячилар у ёки бу дарражада ечишади, ё ечишолмайди.

Биз пансионатда ўқувчи қизларимизга сингдиради-
ган күплаб нарсалар юрагимга ғулғула солади, чун-
ки улардан жуда ози келажакда асқотиши тажрибадан
маълум-да, ахир. Улар уй бекаси ёки она бўлишдими,
бас, улардан воз кечишади ёки унугиб юборишади.
Шунга қарамай, ўзимни шу соҳага бағишилаган экан-
ман, бир кун келиб, бирорта садоқатли ёрдамчи билан
биргаликда ўқувчи қизларимда, улар мустақил ҳаётга
қадам қўйганларида зарур бўладиган хислатларни ка-
мол топтиришга муваффак бўламан, деган милтилла-
ган умиддан воз кечолмайман; ўшанда ўз-ўзимга: шу
жиҳатдан уларнинг тарбияси поёнига етди, деб айта
олардим. Бундан кейин бошқа тарбия келиб чиқиши
мумкин, албатта, бунга энди ҳаётимизнинг ҳар бир
даврида ё ўзимиз сабабчи бўламиз, ёки турли шарт-
шароитлар сабаб бўлади.

Бу фикрлар Оттилияга қанчалар ҳақиқат бўлиб ту-
юлди! Ўтган йили ҳаёлга ҳам келмаган эҳтирос мана
энди уни нечоғлик ўзгартириб юборди! Яқин, жуда
яқин келажагига назар ташлар экан, ўзини қандай си-
новлар кутаётганини тасаввур қилди!

Бу йигит ёрдамчи аёл, рафиқа ҳақида бекорга эс-
латгани йўқ; негаки қанчалик камсукум бўлмасин,
имо-ишора билан бўлса-да, ўз ниятини сездириб
қўйишдан ўзини тиёлмади; шу билан бирга, айrim
воқеалар ва шарт-шароитлар унга шу келишида ўз
мақсадига яқинлашишга туртки берди.

Пансионат бошлиғи энди анча қариб қолди; у
кўпдан бери ўз қўли остида ишловчилар орасидан
ўзига ўринбосар бўлишга арзийдиган одамни излаб
юрарди, ниҳоят, ҳар томонлама ишончини қозонган
ёрдамчисига бу вазифани таклиф қилди. У бошлиқ би-
лан бирга ўқув юртини бошқариши, бу жойга худди
ўзиникидек муносабатда бўлиши ва аёлнинг вафоти-
дан кейин худди меросхўрдек унга раҳбарлик қилиши
керак эди. Энди энг асосий иш унинг ўзига ҳамфир
рафиқа топишда қолган эди. Ғойибона унинг қўз ол-
дida ва қалбида Оттилия гавдаланар эди; тўғриси, уни

айрим шубҳалар қийнарди, энди эса қулай имкониятлар туғилиб, шубҳа-гумонларни тарқатди. Люсиана пансионатдан кетган, Оттилия у ерга бемалол қайтиб бораверса бўлади; унинг Эдуард билан муносабатлари ҳакида айрим миш-мишлар ҳам тарқалганди, аммо одатда бундай ҳолларда бўлганидек, бу гапларга бепарво қарашди, аслида Оттилияning қайтишига шувоқеа йўл очиб бериши ҳам мумкин. Борди-ю, кутилмаган меҳмонларнинг ташрифи бунга туртки берманганда у аниқ бир қарорга келмаган, бирон қадам ташлаёлмаган бўларди, ахир обрў-эътиборли одамларнинг биронта даврада пайдо бўлиши ҳеч қачон самарасиз қолмайди-да.

Граф билан Баронессага кўпинча турли пансионатларнинг афзаликлари ҳакидаги саволларни эшлишига тўғри келарди, негаки ҳар бир одам ўз фарзандларининг тарбияси ҳакида қайғуряди-да, булар бўлса, жуда кўп мактоблар айтишадиган мана шу пансионат билан танишишни ният қилишганди, мана энди улар ўзларининг янги мавқеларида бу ишни биргаликда адо этишса бўларди. Баронесса эса тағин бошқа бир нарсани кўзда тутган эди. Узининг сўнгти ташрифи чоғида Шарлотта икковлари Эдуард билан Оттилияга тегишли ҳамма гапларни муфассал муҳокама қилишган эди. Оттилияни бу ердан кеткизишни узилкесил талаб қилганди. Эдуарднинг дўқ-пўписаларидан қўрқкан Шарлоттага далда беришга уринганди. Улар турли йўлларни қидиришганди, пансионат ҳакида сўз кетганда бошлиқ ёрдамчисининг Оттилияни ўзига яқин олиб юришини эслашган, шунда Баронессанинг у ерга бориш ҳакидаги қарори янада мустаҳкамланган эди.

У пансионатга бориб, бошлиқ ёрдамчиси билан танишади, ўқув юртини кўради ва Оттилия ҳакида сухбатлашади. Улар ҳам у ҳақда тўлиб-тошиб гапиришарди, чунки у Оттилияни ўша келганида билиб олганди. Оттилия унга ўзини яқин олиб, ҳатто Графни ёқтириб ҳам қолган, чунки у Графнинг сермазмун

сухбатларидан ўзига шу пайтгача номаълум бўлган нарсаларни кўриб, билиб олишга умид боғлаган эди. Агар Эдуард билан муносабатда бутув дунёни унуса, Графнинг ҳозирлигида дунё унга ғоятда жозибадор бўлиб туюларди. Ҳар қандай интилиш икки томонламадир. Граф Оттилияни худди қизидек ўзига яқин оларди. Шу билан Оттилия энди иккинчи бор, аввалидан ҳам баттар Баронесса йўлига тўғаноқ бўлганди. Ким билади дейсиз, бу қиз эҳтирос онларида Баронессага карши нималар қилмайди! Ана энди оиласи аёлларни ундан халос қилиш учун уни эрга бериш кифоядир.

Баронесса сездирмасдан, аммо усталик билан муаллимни саройга бир бор ташриф буюришни ундали, муаллим ундан яшириб ҳам ўтирган режа ва орзуларини шу йўл билан амалга ошириши мумкинилигини уктириди.

Бошлиқ аёлнинг тўлиқ розилиги билан у йўлга тушар экан, қалбида энг яхши орзуларни сақларди. Оттилияниң ўзига ихлоси баландлигини биларди; улар ўртасида табака туфайли фарқ бўлса-да, ҳозирги давр дунёкараши бунга ҳам чек қўйиши аниқ. Баронесса бўлса, Оттилияниң ҳамон камбағал қиз эканлигини сездириб қўйишни унумади. Унингча, бой хонадон билан қариндош бўлиш ҳеч кимга манфаат келтирмайди; чунки улар қанчалик бой бўлишмасин, яқин қариндош бўлгач, меросга янада кўпроқ ҳуқуққа эга бўлишса-да, уларни салмоқдор суммадан маҳрум килишга кишининг виждони йўл қўймайди. Шунга хайрон қоласанки, одам вафотидан сўнг камдан-кам холларда ўз бойлигини суюкли кишилари учун сарфлаш имтиёзига эга бўлади, афтидан, анъаналарга хурмат юзасидан, агар васият қилувчи истак билдирмаса ҳам, унинг мероси маълум кишиларга ўтишини афзал билишса керак.

Йўлда бораркан, у Оттилияни ўз туйгуларига муносиб деб ўйлади. Қизғин кутиб олиши, унинг умидларига янада канот бағишлади. Шунга қарамай Отти-

лиянинг ўзига нисбатан аввалгидек очиқ эмаслигини сезди; лекин у анча етилган, билими ошган, айтиш мумкинки, уни билганига нисбатан хийла киришувчан бўлган эди. Муаллимнинг касбига нима тегишли бўлса, ҳаммаси билан самимий танишириши. Бирок ҳар гал у мақсадга яқинлашишни истаганда, қандайдир ички бир ҳадик уни тўхтатиб қоларди.

Лекин бир куни Шарлота Оттилия хузурида гап очиб бунга имкон туғдирди: – Хўш, мана менинг мулкимда қад ростлаётган ҳамма нарсани деярли кўриб чиқдингиз. Энди Оттилия ҳақида нима дейсиз? Унинг олдида бемалол гапираверишингиз мумкин.

Муаллим ўта синчковлик ва чукур мулоҳаза билан айтдики, Оттилия яхши томонга хийла ўзгарган, ўзини анча эркин тутадиган, жуда киришимли, дунё ишларига юксак назар билан қарайдиган бўлипти, булар унинг сўзларидан кўра ҳаракатларида кўпроқ сезилади, у тағин қўшиб қўйдик, унингча, агар Оттилия маълум муддаттга пансионатга қайтиб борса эди, у ерда ҳамма нарсани пухта, аниқ бир йўналишда миясига сингдирив олган бўларди, чунки олий давра бизга бу нарсаларни мунтазам ўргатмайди, балки қониктиришдан кўра кўпроқ фикримизни чалғитади, гоҳида эса керак бўлмаган пайтда ўргатади. У бу ҳақда гапни чўзиб ўтираслигини айтди; Оттилиянинг ўзи ўша пайтда ўзаро боғлиқ бўлган қайси машғулотлардан узиб олинганини яхши билади.

Оттилия ҳам буни рад қилмади; аммо бу сўзларни эшишиб нимани ҳис қилганини ҳеч кимга айттолмасди, зоро буни қандай изхор қилишни-да билмасди. У суюкли одами ҳақида ўйлаганида дунёдаги бирор нарсани алоқадорликда кўрмасди, усиз қандай қилиб бирон нарса алоқадорликда бўлиши мумкинлигини тасаввур қилолмасди.

Шарлотта бу таклифга мулойимлик билан оқилона жавоб қайтарди. У айтдики, улар икковлари ҳам Оттилиянинг пансионатга қайтишини анчадан бери исташарди. Шу муддат ичida у ўзининг суюкли дўсти

ва ёрдамчисидан ажраполмаган; бирок у бундан буён, борди-ю Оттилия пансионатга қайтиб бориб, узилиб колган ўқишини давом эттириб, тамомлашни жуда истайдиган бўлса, қаршилик қилмайди.

Бу сўзлардан муаллим хурсанд бўлди; гарчи бу хақда ўйлашнинг ўзиданоқ юраги оркага тортиб кетган бўлса-да, Оттилия бирон оғиз сўз айтольмади. Шарлотта бўлса вақтдан ютмоқчи эди; унинг фикрича, Эдуард уйга қайтади, баҳтли ота бўлиб уйда қолади, кейин эса – бунга унинг ишончи комил эди – ҳаммаси ўз изиги тушади, Оттилия ҳам қандай бўлмасин ўз йўлини топиб олади.

Ҳаммани ўйлашга мажбур қилган узоқ сухбатдан сўнг одатда барчани хижолатли ҳолатга солиб кўядиган ғалати жимлик бошланди. Аёллар залда у ёқдан бу ёкка юра бошлишди, муаллим бўлса айрим китобларни вараклашга тушди ва ниҳоят Лютсиана давридан шу ерда колиб кетган катта китобни қўлга олди. Унда нуқул маймунлар чизилганини кўриб дархол ёпиб кўйди. Шу ҳодиса афтидан сухбатга туртки берган шекилли, бунинг изларини Оттилияning кундалик дафтаридан кўрамиз.

Оттилияning кундалик дафтаридан

Қандай қилиб одам шундай хунук маймунлар расмини чизишни ақлига сигдира оларкин? Ҳатто уларга ҳайвонларга қарагандек қарасак, қанчалар тубанлашамиз; борди-ю, гуноҳга ботиб, таниш одамларни шуларга қиёслагудек бўлсак, рости гап, жоҳил бўлиб кетамиз.

Карикатура ва пародиялар билан машгул бўладиган одам маълум маънода руҳан етук бўлмайди. Устозимга ташаккурлар бўлсинки, мени табиат тарихи билан қийнашмади; қуртлар, кўнгизлар билан ошначиликка тобу тоқатим йўқ.

Мана энди у ҳам шундай эканлигига иқрор бўлдим. «Табиатдаги, – деди у, – бизни ўраб турган нарсалардан бошқаси билан таниш бўлишимизнинг кераги йўқ.

Атрофимизда гүллаб-яшнаётган, мева бераётган, биз ёнидан тинмай ўтиб турадиган ҳар бир дараҳт, биз устидан юриб ўтадиган ҳар бир гиёх билан чиндан ҳам алоқадамиз; улар бизнинг ҳақиқий ҳамгўшаларимиз. Шоҳдан-шоҳга сакраб юрган, тепамиздаги бутоқда сайраётган қушлар бизга тегишили, болалигимиздан биз билан сұхбат қуришади ва биз уларнинг тилига тушунишини ўрганамиз. Ахир ўз муҳитидан узилган ҳар қандай бегона жонзот бизда фақат кўникиш йўли билангина бартараф қилинадиган ёқимсиз таассурот қолдирмайдими? Маймуналар, тўтилар, ҳар хил қаланги-қасангиларга тоқат қўлмоқ учун одам нечоғлик шовқин-суронли ҳаёт кечириши керак.

Гоҳида мени шундай гаройиб нарсаларни кўришига бўлган қизиқиш ўзига тортса, шундай ажойиботларни тирик, одатдаги ҳолатида бошқа ажойиботлар билан алоқадорликда кўрадиган сайдёхга ҳавасим келади. Унинг ўзи ҳам бундай пайтда бошқача одам бўлиб қолса керак. Ҳеч ким палмалар остида жазосиз тентирамайди, эҳтимол фил ва йўлбарслар ўз ватанларида бўлишса ҳиссиётлар ҳам бошқача бўлса керак.

Хурмат-эҳтиромга шундай тибиатшунос сазоворки, токи у ҳар қандай бегона, гаройиб нарсани ўз шароитида, ўз атроф-муҳити билан бирга қўшиб тасвирлаб, таҳлил қилиб бера олсин. Ҳумболд'нинг ҳикоя қилишини бир мартагина эшишишини чунонам хоҳлардимки!

Табиат тарихи хонаси бизга худди турли хил мўмиёланган ҳайвонлар ва дараҳтлар қўйиб ташланган Миср мақбараасидек туюлган бўларди. Коҳинлар табақасига эҳтимол сирли гира-ширатликда бундай иши билан шугуланиши тўғри келар; бироқ умумий таълимда бунга йўл қўйиб бўлмайди, улар бизга энг яқин ва энг эътиборга молик нарсани осонгина сиқиб чиқаришлари мумкин.

¹Жаҳонгашта табиатшунос Александр фон Хумболд (1769–1859) 1795 йилдан эътиборан Гёте билан дўст бўлган (тарж.)

Бирорта хайрли иш ёки бирорта яхши шеър билан ҳис – туйгуларимизни уйгота олган ўқитувчи табиат мавжудотининг бутун бир галасини номлари ва турларига қараб шарҳлаб берадиган одамдан кўра кўпроқ нарса беради; чунки охир-оқибат бусиз ҳам биз билишимиз мумкин бўлган ҳақиқат – инсон Худо тимсолининг энг мукаммал, яккаю-ягона кўриниши эканлиги дидир.

Ҳар бир одамга ўзини қизиқтирган, ўзига қувонч баҳси этадиган, ўзи учун фойдали деб билган иш билан шуғулланиши учун эркинлик берилиши керак; бироқ инсоният ўрганадиган ҳақиқий объект инсондир.

Саккизинчи боб

Яқинда бўлиб ўтган ҳодисаларга диққатни жалб этиш камдан-кам одамларнинг кўлидан келади. Ё бизни ҳозирги кун қаттиқ ўзига торгади, ё бўлмаса биз ўтмишда йўқолиб кетамиз ва тамоман йўқ бўлиб кетган нарсаларни қайта тиклашга иложи борича уринашимиз. Ҳатто энг бой ва обрўли оилаларда ҳам, ўз аждодлари олдида канчалик бурчли бўлишмасин, оталарига нисбатан боболарини кўпроқ хотирлашади.

Мана шундай ўй-хаёллар билан банд бўлган муаллимимиз тугаётган қиши баҳор билан бекинмачок ўйнаётган ажойиб кунларнинг бирида қасрнинг кўхна, улкан боғи бўйлаб айланиб юраркан, баланд ўсган липа дарахтлари, Эдуарднинг отаси даврига тегишли бўлган биртекис хиёбонларни кўриб кўнгли завқ-шавққа тўларди. Улар ўша эккан одамларнинг кўнглидагидек бўлиб бир текисда шохлаб ўсиб кетишган, мана энди уларнинг гўзаллигига мафтун бўлиб, завқланадиган пайтда эса, ҳеч ким бу ҳақда оғиз очмасди; бу ерларга деярли ҳеч ким келмас, барча ўйин-кулгилару сарф-харажатлар бошқа томонга, очик ва кенг тарафларга йўналтирилган эди.

Қасрга қайтиб келгач, у Шарлоттага ўз мулоҳазаларини изхор қилди ва Шарлотта буни хайриҳоҳлик билан қабул қилди.

— Ҳаёт бизни ўз оқимига тортар экан, — деди у, — гүё ўзимиз мустақил ҳаракат қиляпмиз, ўз машғулотларимизни, ўйин-кулгиларимизни ўзимиз танлаяпмиз, деб ўйлаймиз; лекин бундок кўзни каттароқ очиб зеҳн солсак, мана шу даврнинг режаларини, интилишларини амалга оширишга бўйсундирилганимизни кўрамиз.

— Шубҳасиз, — деди муаллим, — ким ҳам ўз муҳити оқимига қарши тура олади? Вақт олға силжияпти, у билан бирга қарашлар, мулоҳазалар, тўғри-нотўғри фикрлар, дидлар ҳам ўзгаряпти. Борди-ю, ўғилнинг ёшлиги айни мана шу бурилиш даврига тўғри келса, унда ота ва ўғил ўртасида ҳеч қандай умумийлик бўлмаслиги кундек равshan. Агар ота яшаган даврда одамлар ниманидир ўзлаштиришни, мулкини ўзига биркитиб кўйишни, ҳар бир нарсани чегаралаб, меъерини билишни, дунёдан узилиб, ўз хузур-ҳаловати билан бўлишни ёқтирадиган бўлишса, унда ўғил қулочни кенг отишга, фикрлашишга, беркитиб ташланган нарсаларни очиб, бўлишишга интилади.

— Бутун-бутун даврлар, — жавоб берди Шарлотта, — худди ана шу Сиз тасвирлаган ота ва ўғилга ўхшайди. Ҳар бир шаҳар ўз деворлари ва хандакларига эга бўлгани, ҳар қандай дворяннинг мулки қайсиdir ботқоқликка қурилгани, кўримсизгина саройга фақат осма кўпrik орқали ўтиш мумкин бўлгани ҳакида биз ҳатто аниқ тасаввурга ҳам эга эмасмиз. Ҳозир ҳатто катта шаҳарларнинг деворлари ҳам олиб ташланиб, князъ саройлари атрофидаги хандаклар кўмиб ташланмоқда, шаҳарлар йирик манзилгоҳларга айланмоқда ва саёҳат қилиб юриб буларни кўраркансан, оммавий тотувлик юзага келган ва олтин аср эшик қоқмокда, деб ўйлайсан киши. Борди-ю, бирорта боғ кенг гўшага ўхшамаса, у ҳеч кимга ёқимли кўринмайди; ҳеч нарса сунъийликни, зўрма-зўракиликни эслатмаслиги керак; ҳаммамиз ҳам ўзимизни эркин сезиб, bemalol нафас олиш-

ни истаймиз. Одам мана шу ҳолатдан бошқа, эскича ҳолатга ўтаолиши мумкин, деб ўйлайсизми, дўстим?

– Нега бўлмасин, – жавоб берди муаллим, – ҳар қандай ҳолатнинг ҳам, у чегараланганми ёки эркинми, катъий назар, ўз қийинчиликлари бор. Кейингиси тўкин-сочинликка эрк беради ва бу исрофгарчиликка олиб келади. Келинг, энг қулайи, буни Сизнинг мисолингизда олиб кўрайлик. Етишмовчилик бошландими, киши дарҳол ўз-ўзини чегаралашга ўтади. Ўз еридан фойда олишни истаган одамлар етиштирган хосилидан маҳрум бўлмаслик учун боғни тағин ўраб олишади. Шу тариқа нарсаларга янгила қараш астасекин юзага келади. Фойда кўриш яна ўз ҳукмини ўтказади ва ҳатто бой одам ҳам ниҳоят ҳамма нарсадан фойда чиқариш йўлини қидира бошлайди. Менга ишонаверинг: Сизнинг ўғлингиз мана бу янги хиёбонлардан воз кечиб, ўша баланд деворларга ва бобосининг улкан липалари остига кетиши эҳтимолдан холи эмас.

Шарлотта олдиндан ўғил туғасан, дейишларидан ичиди хурсанд бўлди ва шу боисдан бир кун келиб муаллимнинг севимли боғи бошига тушиши мумкин бўлган қўполроқ башоратини кечирди. Шунинг учун у мулојимгина қилиб деди:

– Икковимиз ҳам у кадар қари эмасмиз, шу сабабли бундай қарама-каршиликларга ҳали дуч келмаганимиз; бироқ хаёлан узок болаликка қайтиб, ўша пайтда эшитганларимиз кекса одамларнинг шикоятларини эсласак, бутун мамлакатлар ва шаҳарлар кисматини ҳам эътиборга олсак, Сизнинг фикрларингизга эътиroz билдиришга ҳеч бир асос қолмайди. Наҳотки, мана шундай ҳолатни ўзгартириб бўлмаса, наҳотки, ота билан ўғилни, ота-оналар билан фарзандларни муросага келтириб бўлмаса? Сиз менга бирам яхши қилиб ўғилни башорат қилдингиз; наҳотки у билан отаси ўртасида келишмовчилик юз берса? Наҳотки, ота-онаси қурган нарсани худди ўша руҳда давом эт-

тириб поёнига етказиши ва янада юксалтириш ўрнига уни бузса?

— Бунинг битта оқилона йўли бор, — жавоб кайтарди муаллим, — бироқ одамлар буни камдан-кам қўллашади. Ота ўғилни ўзига шерик қилиб олмоғи, ўзи билан биргаликда куришга, экишга имкон яратмоғи, ўзида ҳам бўлганидек ўғлининг айрим безиён инжикликларига ҳам рухсат бермоғи лозим. Бир фаолият иккинчиси билан чатишиб кетиши керак, ҳеч қачон уларни бир-бирига ёпишириш ярамайди. Ёш новдача катта танага тез ва соз бирикади, йўғон шохча эса ҳеч қачон қўшилиб битиб кетмайди.

Муаллим жўнаб кетиш олдидан Шарлоттага тасодифан ёқимли гап айтганидан севинди ва бу билан ўзига нисбатан унинг ихлосини оширди. Уйидан чикқанига анча бўлган бўлса-да, Оттилия ҳакида узил-кесил жавоб олмагунча жўнашга журъати етмай туради, Шарлоттанинг кўзи ёrimагунча бунинг иложи йўқлигига ишончи комил эди. Мавжуд шартшароитларга бўйин эгиб, келажакка умид боғлаганча бошлиқ аёл ҳузурига қайтди.

Шарлоттанинг ой-куни яқинлашарди. У хонасидан деярли чиқмасди. Унинг атрофида тўпланган аёллар тор даврани ташкил қилишарди. Оттилия уй-рўзгор ишлари билан банд бўлар, бироқ нима қилаётганини идрок қилмасди. У тақдирига тамоман тан берган эди; бундан кейин ҳам Шарлоттага, боласига, Эдуардга хизмат қилишга аҳд қилган, аммо бу қандай юз беради, ўзи ҳам билмасди. Кун бўйи иш-ташвиш билан банд бўлиш унинг учун бундай чигалликлар ботқоғидан кутулишнинг бирдан-бир йўли эди.

Шарлотта эсон-омон ўғил туғиб олди, аёлларнинг фикрича у отасининг куйиб кўйган ўзи эди. Факат Оттилия бўшанган кимсани кутлаб, бекага баҳт тиларкан, ичида бу фикрга қўшилмади. Ҳали ҳам қизининг тўйи тараддулари билан банд бўлган Шарлотта зрининг йўқлигидан жуда куйинди; ўғли туғилганда ҳам

отаси уйда бўлмади; болага қандай исм беришни ҳам отаси ҳал қилмайди энди.

Табриклагани энг аввал етиб келган дўстлардан бири Митлер бўлди, у ўз айғокчиларига бу воқеа ҳақидаги хабарни ўзига кечиктирмай етказишни тайинлаган эди. У дархол зўр кайфиятда етиб келди. Оттилияning хузурида хурсандчиликгини зўрга яширди, Шарлоттага бўлса буни баралла изҳор қилди ва барча ташвишларни ўртадан кўтаришга ҳамда ўткинчи қийинчиликларни бартараф қилишга қодир одам бўлиб кўринди. Чўқинтириш маросимини кечиктирмасликка қарор қилишди. Бир оёғи гўрда бўлган қари руҳоний ўз дуолари билан ўтмишни келажак билан боғлаши лозим эди; болага Отто исмини беришга келишишди; уни отаси ва дўстининг исмидан бошқа исм билан аташ мумкин эмас эди. Юзлаб иккиланишлар, эътиrozлар, сусткашликлар, фикрдан қайтишлар, гоҳ оқил, гоҳ ўзгача маслаҳатлар беришлар, фикрдан қайтиб тағин кўнишларни бартараф қилиш учун руҳонийга анча-мунча уринишга тўғри келди, негаки бундай вазиятларда бир қийинчиликни енгсанг, бошкаси пайдо бўлаверади ва барчанинг кўнглини топаман, дейсану ҳамиша кимнидир хафа қилиб кўясан.

Барча хабарлару қариндошларга жўнатиладиган ҳатларни Митлер ўз бўйнига олди; буларнинг барчаси зудлик билан тайёрланиши керак эди, чунки ушбу оила бошига кўнган бахтни ҳамма, ҳатто ичикора, бошқаларни кўролмайдиганлар ҳам билишини жудажуда истарди. Тўғрисини айтганда, яқинда бўлиб ўтган севги можаролари ҳали одамларнинг эсидан чиқмаган, бусиз ҳам улар нима содир бўлмасин, одамларнинг гап-сўз қилишларига баҳона бўлади, деб ўйлашарди.

Чўқинтириш маросимини кўнгилдагидек, аммо камтарона, чўзмасдан ўтказишга қарор қилишди. Митлер билан Оттилияни бир овоздан чўқинтирган отоналикка танлашди. Черков хизматчилари етаклаб олган қари руҳоний аста-секин кириб келди. Дуо ўқилди,

болани Оттилияниң күлига беришди, у болага мөхр билан тикилди ва унинг очик турган күзларига қараб титраб кетди; баайни ўз күзларига қараб тургандек хис этди ўзини; бундай ўхашашлик ҳар кимни ҳам ҳайратга солиши аниқ эди. Болани күлига олган Митлер ҳам эсанкираб қолди: боланинг бутун қиёфаси Капитанга шундоққина қуиб кўйгандек ўхаши кўзга ташланиб туар, бунақасини у шу пайтгача ҳечам кўрмаган эди.

Очиқкўнгил кари рухонийнинг нимжонлиги чўқинтириш маросими учун Митлерга черковдаги катта ибодатдан ўзга бирон тадбир уюштириш имконини бермади. Митлер бўлаётган ҳодисалар таъсирида қачонлардир ўзи ҳам ибодат килганини эслади, умуман олганда, ҳар қандай ҳолатда ҳам у нимани галиришни, фикрини қандай изҳор килишни биларди. Бу сафар эса, тор давра факатгина дўстларидан иборат бўлганлиги туфайли галиришга янада кўпроқ иштиёқ сезди. Шунинг учун маросим сўнггига у рухонийнинг ўрнини хотиржам эгаллаб, чўқинтирган ота сифатидаги ўз бурчлари ва умидларини қизғин изҳор қилишга тушди, Шарлоттанинг мамнун чехрасида бу гапларни маъқуллаш аломатларини пайқагач, янада берилиб сўзлади.

Кари рухонийнинг жон-жон деб ўтиргиси келаётганини жўшқин нотик пайқамас, ҳадемай бир фалопатни бошлиш арафасида эканлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди; у шу ерда ҳозир бўлганлардан ҳар бирининг гўдакка муносабатини тавсифлаб, Оттилияниң сабр-тоқатини синовдан ўтказиб бўлгач, ниҳоят, мана бу сўзлар билан рухонийга мурожаат қилди:

— Сиз эса, меҳрибон отахон, энди Симеон билан бирга такрорлашингиз мумкин: «Яратган Роббим, ўз кулингга бу дунёни тинчгина тарк этишга имкон бер, чунки менинг кўзларим бу хонадоннинг асрорчисини кўриб турибди».

У сўзини тантанавор тугатиш арафасида эди, лекин гўдакни узатаётганида кўрдики, чол гўё болага

томон энгашгандек туюлди-ю, бирок кескин оркага чайқалиб кетди. Уни зўрға тутиб қолиши ва оромкурсига ўтқазишди, дарҳол керакли ёрдамни кўрсатишсада, фойдаси бўлмади, у жон таслим қилган эди.

Туғилиш ва ўлимни, тобут ва бешикни шундоққина ёнма-ён кўриш ва ҳис этиш, бундай улкан қарама-каршиликни на факат тасаввурга сиғдириш, балки ўз кўзлари билан кўриб туриш бу ердаги одамлар учун оғир синов эди, бунинг устига бу ҳодиса кутилмаганда юз берганди. Ёлғиз Оттилиягина юзида ҳалигача самимий меҳрибон ифода сакланиб турган марҳумга қандайдир ҳавас билан қаради. Қизнинг жисмидаги ҳаёт сўнган эди, нега тана сакланиб қолавераркин-а? Шу тахлит кундузги нохуш ҳодисалар уни ҳаётнинг бебақолиги, ўлим, жудолик ҳақида ўйлашга мажбур қилса, тундаги ажойиб-таройиб тушларидан юпанч топар, улар севгилисининг ҳаёт эканлигидан хабар бериб, ўзидағи ҳаётий кучни ҳам мустаҳкамларди. Кечалари тўшакка ётиб, уйку ва бедорлик ўртасида ширин ҳислар оғушида сузаркан, гўё ёп-ёруғ, нафис нурлар билан тўлган бўшлиққа қараб тургандек бўларди. У ерда Эдуардни аниқ кўрар, аммо Оттилия уни авваллари кўрган кийимда эмас, балки ҳарбий кийимда бўлар, ҳар гал ҳар хил ҳолатда, бироқ тамоман табиий, ҳеч қандай ҳаёлий бўлиб кўринмасди; тик турар, юрар, ётар, от устида бўларди. Бу тимсол майда-чуйда тафсилотларигача унинг кўз олдида ҳаракат қилар, буни кўриш учун қиз ўзини сира зўриқтирмас, бундай қилишга на жисмоний, на ҳаёл кучини сарфламасди. Гоҳида у Эдуардни ўраб олинган аҳволда, аллақандай ҳаракатланаётган коронғи, ёруғ бўлмаган фонда кўрарди; бироқ кўзига гоҳ одамлар, гоҳ отлар, гоҳ дарахтлар, гоҳида эса тоғлар бўлиб кўринадиган сояларни фарқлаёлмасди. Одатда у мана шундай ҳаёлотлар кўйнида ухлар, тонг отгач, аzonлаб уйғонганида ўзини дадил, хотиржам ҳис этарди; Эдуарднинг тирик эканлигига, ўзининг у билан ҳали ҳам қалбан ягона эканлигига ишончи комил эди.

Тўққизинчи боб

Баҳор келди, кечроқ, лекин одатдагидан кўра жўшқинроқ, қувноқроқ келди. Оттилия боғда ўз меҳнатларининг мевасини кўрди: ҳамма нарса ўз вақтида куртак ёзиб, кўкарди ва гуллади; шинам оранжереялар ҳамда иссиқхоналарнинг жўякларида ҳозирланган нарсалар ниҳоят уйғонган табиатга дарҳол пешваз чиқди, қилиниши лозим бўлган барча ишлар илгаригидек келажакка умид билан тўлган меҳнатни эмас, балки айни пайтдаги қувончли қониқишини англатарди.

Лютсиананинг жинниликлари орқасида туваклардаги ўсимликлар орасида содир бўлган йўқотишлар, айрим дараҳт шоҳларидаги мутаносибликнинг бузилиши туфайли Оттилия боғбонни анча юпатишга мажбур бўлди, ҳадемай ҳаммаси қайтадан тикланади, дея уни руҳлантириди; аммо боғбон ўз касбини шу қадар яхши билар, шу қадар чукур ҳис этардики, бу юпатишлар унинг дилини ёзолмасди. Боғбонга ҳар хил иштиёқу ишқивозликлар халақит бериши мумкин бўлмаганидек, ўсимликнинг бир маромдаги ўсиши ҳам издан чиқмаслиги керак, чунки ўсимлик шу тариқа доимий ва вактинчалик етукликка эришади. Ўсимлик ҳам баайни кайсар одамнинг ўзгинаси. Агар у билан муомала қилишни билсанг, ҳамма нарсага зришасан. Самимий нигоҳ, осойишта изчиллик, йилнинг ҳар фаслида, ҳар соатда қилиниши лозим бўлган иш, эҳтимол, боғбондан ўзга бирорта бошқа одамдан талаб қилинмаса керак.

Дилкаш кария бу хислатларнинг барчасини эгалланган, шу боисдан ҳам Оттилия у билан ишлашни хуш кўрарди; шуниси борки, анчадан бери у ўз маҳоратини хотиржам ишга сололмаётганди. Бир одамнинг кўлидан бир ҳунар, бошқанинг қўлидан бошқа ҳунар келгани сингари, у мевачилик ва сабзавотчиликни, эскича русумдаги боғдорчиликни беш кўлдай билсада, оранжерея билан муомалада, пиёзли гуллар, чиннингул ва наврўзгуллар етиштиришда ҳатто табиат билан

беллаша олса-да, янги пайдо бўлган манзарали дарахтлар ва кенг расм бўлган гуллар унга бир қадар бегона бўлиб қолаверди ва ботаниканинг унинг кўз олдида вақт ўтиши билан очилган чексиз майдони ҳамда унда қалашиб ётган нотаниш номлар уни бирмунча чўчитар ва кўнглини хира қиларди. Хўжайинлар ўтган йили буюртириб олишган ўсимликларни у маблағни беҳудаги елга совуриш деб ҳисобларди, бу қимматбаҳо гулларнинг айримлари куриб қолганини кўп бора кўрган, назарида, боғ ишлари савдогарлари билан муносабатлари яхши эмас, улар бунга ҳалол хизмат қилишмасди.

Шу сабабли у кўплаб тажрибалардан сўнг ўзига хос бир режа туздики, буни Оттилия ҳам астойдил кувватлади, бу режа Эдуарднинг қайтишига мўлжалланган бўлиб, унинг йўқлиги шу ва бошқа кўплаб ҳолларда кундан-кунга ғоятда сезилаётганди.

Ўсимликлар қанчалик чуқур томир отган, қанчалик ўсиб-улгайган сайин Оттилия ҳам шунчалик бу жойларга боғланиб қолди. Роппа-роса бир йил муқаддам у бу ерга бир бегона, ҳеч бир кўзга ташланмайдиган кимса сингари кирган эди; шу муддат ичидан қанча нарсаларга эришди! Бироқ, афсус, шу вақт мобайнида қанча нарсани йўқотмади дейсиз! У ҳеч қачон бунчалар бой-бадавлат ва бунчалар ночор бўлмаган эди. Шу икки тушунча ҳакидаги туйғу унинг қалбида бир зум ичидан шу қадар коришиб, аралаш-куралаш бўлиб кетдики, бундай ҳолатдан қутулишнинг ягона йўли уй ишларига жон-жаҳди билан киришиш эканлигини англади.

Эдуард нимани ёқтирса, Оттилия ўша ҳақда қайғуришини жуда яхши тушунса бўлади; ахир у Эдуарднинг тез орада қайтиб келиб, у бўлмаган пайтларда Оттилиянинг жонкуярлик билан қилган хизматларини кўриб ундан миннатдор бўлишига нега ҳам умид боғламасин!

У Эдуардга тағин бошқача йўллар билан ҳам фойда келтиришга ҳаракат қилди. Болага ғамхўрлик

килишни деярли бутунлай ўз бўйнига олди, унинг бевосита боқувчисига айланди, шу тариқа ҳеч қандай энага ёлламасликка, болани сув аралаштирилган сут билан боқишига қарор қилишди. Бола ўша гўзал фаслда тоза ҳаводан нафас олиши керак эди. Оттилия уни меҳр билан кўлида кўтариб юрар, ухлаб ётган, ҳали ҳеч нимани тушунмайдиган гўдакнинг болалигини кувонч билан қутлаётган чамандек очилган гуллар орасида гўё гўдак билан бирга ўсиб-улғайиши керак бўлган бутоклар ва ниҳоллар орасида олиб юради. Атрофга назар соларкан, у боланинг нечоғлиқ бойбадавлат муҳитда дунёга келгани ҳакида беихтиёр ўйлаб қўярди; негаки кўз илғаши мумкин бўлган ҳамма нарсалар вакти келиб шунига тегишли бўлади. Илоҳим, у ота-онасининг кўзи олдида катта йигит бўлсин ва улар ўртасида янгидан вужудга келган иттифоқни оқласин!

Оттилия буни шу қадар аниқ ҳис этдики, бу қарорнинг узил-кесил ҳақ эканлигига икror бўлди ва ўзи ҳакида ўйламади ҳам. Мана шу мусаффо осмон остида, куёшнинг мана шу ёркин нурлари қўйнида у шунга амин бўлдики, унинг севгиси ҳеч нарса таъма қилмасагина мукаммал бўлиши мумкин; гоҳида у шундай мукаммалликка эришдим, деб ҳам ўйларди. У дўстига фақат яхшилик тиларди, ундан воз кечишига ҳам ўзида куч топишига ишонарди, унинг баҳтли эканлигини билса бўлди, ҳатто уни ҳечам кўрмасликка-да рози эди. Аммо бир нарсада унинг қарори қатъий эди: ҳеч қачон бошқа бирорвга ўзини бағишиламайди.

Куз ҳам гўзалликда баҳордан қолишмаслиги ҳакида қайғуришди. Барча ёзда ўсадиган, кузда ҳам очилишда давом этадиган, совуқни писанд қilmайдиган гулларни, айниқса, астрани роса кўп экишдики, буларнинг хилма-хил навлари ер юзида баайни юлдузли осмондек ёйилиши керак эди.

Оттилияниң кундалик дағғаридан

Бирор жойда ўқиган ёки эшишган, диққатимизни тортган бирорта яхши фикрни дархол кундалик дағтаримизда қайд этамиз. Борди-ю, шу билан бирга дүстларимизнинг хатларида келтирилган қизиқ фикрларни, ўзига хос мулоҳазаларни, йўлакай қистириб ўтилган доно сўзларни кўчириб қўйишга фурсат топганимизда эди, маънан жуда бойиб кетган бўлар эдик. Хатларни ҳеч қачон қайта ўқимаслик учун сақлашади, охир-оқибат уларни эҳтиёткорлик юзасидан йўқ қилиб юборишади, шу тариқа ҳаётнинг энг гўзал, энг самимий нафаси биз учун ҳам, бошқалар учун ҳам қайтмас бўлиб йўқолиб кетади. Мен бундай йўқотишга йўл қўймасликка қарор қилдим.

Ҳар йилнинг эртаги тагин бошидан бошланаяпти. Биз эса, Ҳудога шукур, унинг энг ёқимли саҳифасини ўқияпмиз. Бинафша ва марваридгулар гўё уларга сарлавҳа ёки виньетка¹ дир. Ҳаёт китобини очганимизда улардан чексиз завқ оламиз.

Камбагалларни, айниқса, болаларни кўчаларда ўтириб олиб тиланчилик қилишига койиимиз. Бирон қиладиган юмуш топилиб қолса, улар дархол ишга киришиб кетишларини сезмаймизми? Табиат ўз роҳатбахши бойликларини очган заҳотиёқ болалар биронта ишни бошлиш учун пайдо бўлишади; ҳеч бири тиланчилик қилмайди, ҳар бири сенга гулдаста тутади; бола уни сен ҳали уйқуда ётганингда тўплаган, ўтинувчи кимса худди қўлидаги тортиги сингари сенга мунис назар ташлаб турипти. Талаб қилишига озгина ҳак-хуқуқи бўлган одам кўзга аянчили кўринмайди.

Нега йил гоҳида қисқа, гоҳида узун келади, нега у қисқа туюлади-ю, хотираларда эса узун! Мен учун ўтган йил шундай бўлди, ўткинчи ва абадий нарсалар бир-бири билан чатишиб кетган бозга буни ўта

¹ Виньетка – китобнинг бош ва охирги саҳифасига ишланган гул (тарж.)

қаттиқ ҳис этаман. Ахир ўзига монанд бирон бир из қолдирмайдыган ҳеч бир ўткинчи нарса йүқ-ку.

Киши ҳам ўзига хос ёқимли. Дараҳтлар күз олдимизда шундай сирли ва ялангоч ҳолда туришса, ҳаммаёк кенгайиб қолғандек туулади. Улар ҳеч нарса эмас, биздан ҳеч нарсаны бекитишмайды ҳам. Улар бўртиб, куртак ёзабошлагани замоноқ, сабримиз етмай қолади: тезроқ барг ёзишса, атроф-теварак тезроқ яшинаса, дараҳт ҳам аниқ бир шаклга кирса, деймиз.

Ҳар бир етук нарса маълум даражада ўз туридан ўзиб кетиши керак, у қандайдир ўзгача, беқиёс бўлмоги лозим. Айрим товушлар нуктаи назаридан булбул ҳам бир қуш; кейин у ўз синфидан юқори кўтарилади-да, кўйлаш аслида нима эканлигини ҳар бир паррандага уқтириб қўймоқчи бўлади.

Севгисиз ҳаёт, севгилингдан йироқда яшаш *Comedit a tiroir*¹, яъни сурима қутилар ҳақидаги ёмон пьеса. Бир қутини сурив чиқарасан-да, иккинчисини сурив киргизасан ва кейингисига ўтасан. Бу ерда юз берадиган барча яхши ва аҳамиятли нарсалар бир-бири билан деярли боғланмайди. Ҳар гал янгидан бошлишинг ва ҳар гал шундай тугаллашинг керак.

Ўнинчи боб

Шарлоттага келсак, у соғлом ва қувноқ. У дўмбоккина боласини кўриб қувонади, унинг кўп нарсанни вайда қилувчи киёфасидан кўзини ва кўнглини узолмайди. У ана шу бола туфайли ёруғ олам билан, ўз мулки билан янгича муносабатта эга бўлди; унда илгариги харакатчанлиги яна уйғона бошлади; қаёқка қарамасин, ўтган иили кўп ишлар қилинганига гувоҳ бўлар, қилинган ишлардан қалби қувонарди. Қалби беғубор хисларга тўлган ҳолда у Оттилия ва бола билан чимчайлана кўтарилди; гўдакни худди уйдаги

¹ *Comedit a tiroir* – сўзма-сўз таржимаси: Сурима қутилар комедияси (французча), яъни кўринишлари бир-бири билан боғланмаган пьеса (*тарж.*)

мәхробға күйгандек столча устига күйркан, иккита ўриндиқ бўш қолганини кўриб, ўтган даврларни эслаб кетди ва ўзи ҳамда Оттилия учун кўнглида янги умид учқунлари уйғонди.

Ёш кизлар кўпинча у ёки бу ёш йигитни кўришса, ичларида, ўшанга турмушга чиксам бўладими, дея ўз-ўзларига савол беришади; бирок ўз кизи ёки асранди кизи ҳақида қайғурадиган кимса эса, янада кенгрок даврага назар ташлайди. Мана шу лаҳзаларда Шарлотта ҳам шундай кайфиятда эди, унга Оттилия билан Капитаннинг никоҳи номумкин туюлмасди, ахир улар худди мана шу чайлада бир вактлар ёнма-ён ўтиришганди-ку. Анави манфаатли никоҳ умиди йўққа чиққани Шарлоттага маълум эди.

Шарлотта юкорига кўтарила, Оттилия кўлида бола билан унинг кетидан борарди. Шарлоттанинг миясидан хилма-хил ўйлар кечарди. Ҳатто қурукликда ҳам кема ҳалокати юз бериши мумкин; унинг жуда тез ўзини тутиб олиши ва куч тўплаши энг муҳим иш эди. Ахир, ҳаёт ютуклару йўқотишлардан иборат-да! Ким ҳам хилма-хил режалар тузмайди-ю, тўсиқларга дуч келмайди! Кўпинча бирор йўлни танлаймиз-у, тағин ундан воз кечамиз! Аксарият ҳолларда унданда юкорироғини эгаллаш учун аниқ кўзлаган мақсадимиздан воз кечамиз! Йўлда сайёҳнинг ғилдираги синади-да, кўнгли хижил бўлади, мана шу ёқимсиз ҳодиса сабаб бўлиб, бутун келгуси ҳаётига таъсир эта-диган дилкаш таниш-билишлар орттиради. Қисмат орзуларимизни рўёбга чиқаради, аммо ўзига хос тарзда, ўйлаганимиздан ҳам ортикроқни беради.

Шу ва шунга ўхшаш ўй-хаёллар оғушида Шарлотта тоғ тепасидаги янги бино олдига етиб борди ва ўз ўйларининг исботини кўрди. Негаки атроф тасаввур қилганидан ҳам кўра чиройлироқ эди. Ҳалакит берадиган барча майда-чуйда нарсалар йиғишириб олинган. Табиат ва вакт кўли билан яратилган барча гўзал нарсалар шундоқ ажралиб, кўзни қувонтириб турарди, айрим қисмларни бир-бирига боғлаб туришлари ва

очик қолган жойларни тұлдириш учун экилган күпласб
ниҳоллар ям-яшил бўлган эди.

Үйнинг ўзи деярли яшашга тайёр, деразалардан, айниқса, юқори хоналардан қарагандаги манзара беҳад ранг-баранг эди. Одам қанча узоқ тикилиб турса, шунча кўпроқ гўзалик кашф этиларди. Бу ерда куннинг турли вақтларида қандай кўринишлар, ой ва куёш нури таъсирида қандай жилвалар ҳосил бўлмасди дейсиз! Шу ерда қолишини чунонам истади, Шарлоттанинг кўнглида тағин куриш, тағин бунёд этиш истаги туғилди, чунки барча қора ишлар ниҳоясига етган эди! Битта дурадгор, битта гулқоғозларни ёпиштирувчи уста, андоза ёрдамида деворга енгил олтин ранг берувчи уста керак эди, холос, шу билан қисқа муддат ичидан бино тайёр бўларди. Ертўла билан ошхона тезда жихозланди; негаки қасрдан узоқ жойда барча зарур нарсалар қўл остида бўлиши керак эди-да. Иккала аёл бола билан юқорига жойлашишди. Бу жойдан уларга худди янги марказ сингари кутилмаган сайр қилиш йўллари намоён бўлди. Улар бундай юксакликда, обҳавоси ажойиб мусаффо жойда очик ҳаводан ҳузур қилиб нафас олишарди.

Оттилия гоҳ ёлғиз, гоҳ бола билан чинорлар ёнига тушишни жуда ёқтиради, бу қулайгина йўлак кўлнинг нариги соҳилига сузиб ўтишга мўлжалланган қайиқ боғлаб кўйилган жойга элтарди. Баъзан у мазза қилиб қайиқда сузарди, бола билан эмас, ёлғиз ўзи, чунки Шарлоттга бунга рухсат бермасди. Оттилия бирор кун ҳам қаср олдидаги бокқа боғбон ҳузурига боришни канда килмас, ҳозирда усти очиб кўйилган кўплаб кўчатларни парвариш қилишга астайдил кўмаклашарди.

Мана шу гўзал фаслда бир инглизнинг ташриф бујюриши Шарлоттага жуда кўл келди, у саёҳат пайтида Эдуард билан танишган, кейин ҳам бир неча бор у билан учрашган ва энди бўлса хушманзара боғларни кўришга қизиқарди, бу ҳақда унга Эдуард кўп гапирган эди. У Графнинг тавсияномасини олиб кел-

ган, шу билан бирга Шарлоттага бир камгап, аммо ёқимтойгина кишини ҳамроҳим деб таништириди. Гоҳ Шарлотта ва Оттилия ҳузурида, гоҳ боғбон ва овчилар, кўпроқ ўз ҳамроҳи билан, баъзан якка ўзи теварак-атрофдаги жойларда кезиб юрар, у билдириган фикр-мулоҳазалардан, унинг бундай боғларнинг ихлосманди ва билимдони эканлигини, афтидан ўзи ҳам шундай боғлар яратганини англаса бўларди. Хийла ёши ўтган бўлса-да, ҳаётни безаши ва мазмунли қилиши мумкин бўлган ҳамма ишларда қизғин иштирок этарди. Унинг ҳузурида аёллар ўзларини ўраб турган ҳамма нарсадан ҳаловат топишарди. Унинг тажрибали нигоҳи ҳар бир таассуротни соғ ҳолида қабул қилас, бу ерда вужудга келтирилган нарсалардан роса қувонарди, бу жойларни у илгари кўрмаганлигидан, нималар инсон кўли билан килингану, нималар табиат томонидан яратилганини фарқлай олмасди.

Айтиш мумкинки, боғ унинг кўрсатмалари орқасида гўё ўсида ва бойиди. Янги ўсиб келаётган ниҳоллар келажакда нима беришларини у хозироқ айтиб берди. Бирон-бир гўзалликни бўрттириш ёки янгидан ҳосил қилиш мумкин бўлган ҳеч бир жой унинг назаридан четда қолмасди. Бир жойда ариқчани кўрсатиб, агар у тозаланса, анави бутазорнинг безаги бўлиши мумкин, деди, бошқа бир жойдаги тепаликни тозалаб, кенгайтирилса, яхшигина дам оладиган жой бўлиши мумкин, бор-йўғи бир нечтагина дараҳтлар кесиб ташланса, бу ердан сервикор тоғ чўққиларини томоша қилса бўлади, деди. У хонадон эгаларига ҳали кўп ишлар қилишларида яхши тилаклар билдириди ва уларни бу ишда шошилмасликка, қуриш ва бунёд қилиш ҳузурини кейинги йилларга ҳам асрашга ундали.

Гурунглардан ташқари пайтларда у одамларни ҳеч ҳам безор қилмасди; чунки у куннинг асосий қисмида кўчма камера ёрдамида боғнинг энг хушманзара жойларини суратга олиш ва расм чизиш билан шуғулланар, шу билан ўзи ва бошқалар учун

саёхатлари ҳақида хосил түпларди. Бу ишни у бир неча йиллардан бери барча дикқатта сазовор жойларда қиласы, шу тариқа жуда қызық ва ёқимли коллекция түплаган зди. У үзи билан олиб юрган катта портфелини очиб, аёлларга күрсатди ва гоҳ расмлар билан, гоҳ изохлари билан уларнинг диккатини жалб қилди. Улар хилват гўшаларидан туриб осонгина дунёни ке-заётганларидан, кўз олдиларидан лип-лип ўтаётган соҳиллар ва портларни, тоғлар, денгиз ва дарёларни, шаҳарлару қасрларни ҳамда тарихдан маълум бошқа жуда кўп жойларни томоша қилаётганларидан хурсанд здилар.

Хонимлардан ҳар бирининг қизиқишилари ҳар хил зди, Шарлоттани умуман дикқатга сазовор тарихий жойлар, нарсалар қизиқтирса, Оттилия кўпроқ Эдуард жўшиб ҳикоя қилган, ўша ерларга қайта-қайта боришни, узок муддат бўлишни яхши кўрган жойларга диккатини қаратарди; зеро, ҳар бир одамнинг яқиндами, узокдами, у ёки бу гўшаларга интилиши бўладики, бу гўшалар илк хотиралар туфайлими, маълум бир сабаблар ёки бўлмаса одат туфайлими дидига ўтириб, қалбини ҳаяжонга солиб туради.

Шу боисдан у лорддан, унга энг ёқадиган жойлар қайси, борди-ю унга танлаш имкони берилса, қаерга жойлашган бўларди, деб суради. У ҳеч иккиланмасдан бир қанча кўркам манзилларни кўрсатди ва француз тилидаги ўзига хос аксент билан, нега у ерлар унга кадрли ва суюкли эканлигини шошилмасдан тушуни-тириб берди.

Унинг одатдаги яшаш жойи қаер, у энг кўп қаерга қайтиб боришни истайди, деган саволга ҳеч иккиланмай хонимлар учун кутилмаган қуйидаги жавобни берди:

— Мен ҳамма жойда ўзимни уйимдагидай ҳис этишга одатланиб қолганман, бошқалар мен учун қуришса, экиб-тикишса, уй ишлари билан шугулланишса, мана шу менга қулайрок. Ўз хусусий мулкимга боргим келмайди, бир жиҳатдан сиёсий сабабларга кўра шундай

бўлса, кўпроқ бунга ўғлим сабабчи, мен аслида уни деб меҳнат қилдим, ҳаммасини унга бераман, у билан бирга хузур-ҳаловатда яшайман, деб умид боғладим, у бўлса ҳамма нарсага бефарқ, ана энди Ҳиндистонга жўнаб кетди, у ерда бошқа кўплаб ўзи сингарилар қатори ҳаётдан баҳра олмоқчи ёки бор-будини елга совурмоқчи.

Тўғри, биз ҳаётга тайёрланиш учун беҳад кўп кучу маблағ сарфлаймиз. Дастлабки қадамларимизда камгина борига шукур қилиш ўрнига борган сари кенгликларга интилаверамиз ва шу билан ҳаётимизни янада нокулай қилиб қўямиз. Мен қурган уйда, менинг боғ-роғларимда, хиёбонларимда ким хузур қилиб яшаяпти? Мен эмас, менинг якинларим эмас: бегона меҳмонлар, текинтомоклар, тиниб-тинчимас сайёҳлар яшашяпти.

Хатто бой-бадавлат бўлсак-да, ўзимизни ҳамиша, айниқса қишлоқ жойда, ярим-ёрти ҳис этамиз, бу ерда, шаҳарда одатланган нарсалар етишмай туради. Энг севиб ўқийдиган китобинг ёнингда эмас, энг зарур бўлган буюмни олишни унугтансан. Биз тағин кетиш учун мудом уйимизни жиҳозлаймиз, борди-ю, буни ўзимиз чин дилдан истаб қиласак, бунга бизни вазият, истак, тасодиф, мажбурият, тағин шунга ўхшаш нималардир мажбур қиласди.

Ўз сўзлари иккала аёлнинг кўнглига қанчалик қаттиқ текканини тасаввур ҳам қилолмасди. Аҳвол-руҳияти ўзига маълум бўлган бирон даврада ҳаттоки умумий бир фикрни айтиб юборган ҳар кандай одам ҳам шундай ҳавф остида қолади-ку! Шарлотта учун бундай нафсониятга тегишлар, борингки, кўнглида кири йўқ, очиккўнгил одамлар томонидан айтилган бўлса-да, янгилик эмасди; ҳаёт бор бўй-басти билан унинг кўзи олдида намоён эдики, мабодо бирор кимса эҳтиётсизлик билан, мулоҳаза қилиб ўтирасдан уни ёқимсиз бир жойга назар ташлашга мажбур қилган тақдирда ҳам унчалик кўнгли оғримасди. Кўришдан кўра кўпроқ ҳис этадиган Оттилия бўлса, тажрибасиз-

лигига бориб кўришни хоҳламаган, тўғрироғи, кўриш мумкин бўлмаган нарсага назар солмаслиги керак эди, Оттилияни бу самимий сўзлар даҳшатли аҳволга со-либ кўйди; негаки кимдир бир силташ билан унинг кўзи олдидаги юпанч пардасини йиртиб ташлагандек бўлди ва гўё шу пайтгача уй ва ҳовли учун, боғ, парк ва бутун теварак-атроф учун амалга оширилган ишлар беҳудадек туюлиб кетди, чунки буларнинг барчаси тегишли бўлган кимса булардан фойдаланмайди, у ҳам, худди манави меҳмон сингари, энг яқинлар ва суюкли кишилари томонидан дунё бўйлаб кезишга, энг ёмони хавф остида колишга мажбур этилган. У сукут саклашга ва тинглашга одатланганди, аммо бу гал у ичдан азоб чекар, бу азоб меҳмон сўзлагани сайин босилишдан кўра янада кучайиб борар, меҳмон бўлса, ўзига хос оқиллик ва сермулоҳазалик билан сўзида давом этарди.

— Назаримда, — деди у, — энди мен ўз йўлимни топиб олдим, ўзимни мудом, нимадандир ҳузур қилиш мақсадида бошқа кўп нарсадан воз кечадиган сайёҳ деб хисоблайман. Ўзгаришларга кўнишиб колдим, булар мен учун эҳтиёжга айланди, бу-гўё операда декорациялар роса кўп бўлса ҳам одам тағин янгилари ни кутганга қиёслаш мумкин. Энг яхши ва энг ёмон меҳмонхонадан нима кутишим ўзимга аён; у ҳар қанча яхши ё ёмон бўлгани билан ўзим одатланган нарсани ҳеч қаердан тополмайман, охир-оқибат зарурий одатга ёки ихтиёрий тасодифга боғлик бўлиб қолганинг маълум бўлиб қолади. Ҳарҳолда энди бирон нарсамини жойига кўйишмаганидан ёки йўколганидан, доимий яшайдиган хонам ишдан чиқиб қолганидан, уни таъмиrlаш лозимлигидан, яхши кўрган чашкамни синдириб кўйишганидан, анча вақтгача бошқасидан кўнглим тортмай чой ичиб юрганимдан кўнглим хижил бўлмайди. Буларнинг барчасидан энди халос бўлганман, мабодо мен турган уй ёна бошласа, хизматкорлар буюмларимни йиғиширишади ва биз ҳовлидан ҳамда шаҳардан чиқиб кетаверамиз. Мана шундай аф-

запликлардан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилсак, йил охирида мен қилган харажат шу муддат ичида уйда қилган харажатимдан ошмагани маълум бўлади.

Бу сўзларни эшитаркан, Оттилияning кўз олди-га нукул Эдуард келарди, унинг қийинчиликлар ва йўқотишларга чидаб, нотаниш йўлларда кезишини, очик далада хавф-хатарлар остида ётишини, узлуксиз нотинчлик ва таҳлика куршовида факатгина ҳеч нима йўқотмаслик учун, ҳамма нарсани бартараф қилиш учун ватансиз ва ёру дўстларсиз яшашга кўникишни тасаввур қилди. Яхшиямки, сухбатдошлар бир муддатга тарқалишди. Оттилия ёлғизлиқда тўйиб йиғлаб олиш учун ичкарига кириб кетди. Ҳеч қачон қалбни кемиравчи оғриқ уни мана шу аниқликчалик қийнамаган эди, буни Оттилия ўзи учун янада аниқлаштиришга интилди, негаки ҳамиша кимдир сени қийнамоқчи бўлса, сен ўз-ўзингни қийнашга тушасан.

Эдуарднинг аҳволи унга шу даражада аянчли, шу даражада ташвишли туюлдики, нима қилиб бўлса-да унинг Шарлотта билан қайта ярашишлари учун ҳамма нарсани қилишга, бирон-бир хилватгоҳда ўз дарди ва севгисини бекитиб, қандайдир юмуш билан машғул бўлишга жазм қилди.

Бу орада лорднинг мулоҳазали, камгап, яхшигина синчков ҳамроҳи сухбатда йўл қўйилган хатоликни сезиб, дўстига вазиятлардаги ўхшашликни тушунтириди. Бу оиласидаги аҳволдан лорднинг хабари йўқ эди; ҳамроҳини эса, сирасини айтганда, саёҳатларда шунга ўхшаш, атайлаб ёки табиий ҳолда юз берадиган, қонун ёки ўзбошимчаликнинг, акл-хуш ва фаҳм-фаросатнинг, эҳтирос ва нотўғри холосанинг тўқнашувидан келиб чиқадиган воқеалар қизиктирас, у аввалданоқ, кўпроқ шу хонадонда бўлган даврида, нималар бўлиб ўтгану нималар бўлди, ҳаммасини билиб олганди.

Лорд жуда афсусланди, бироқ бундан хижолат чекиб ўтирмади. Бундай аҳволга тушиб ўтирмаслик учун даврада ҳамиша жим ўтириш лозим; негаки нафақат

жиддий фикрлар, балки олди-қочди гаплар ҳам давра-да ўтирганларни қаттיק хафа килиб қўйиши мумкин.

– Бугун кечқурун бу хатомизни тузатамиз, – деди лорд, – умумий мавзуларда гаплашмасликка уринамиз. Бугун хонимларга, саёҳатимиз давомида портфелингизга ва хотирангизга тўплаб олган биронта дилтортар саргузаштними, қизиқарли воқеаними айтиб беринг!

Ниятлари ҳар қанча холис бўлмасин, меҳмонлар бу гал ҳам дўстларини самимий сухбат билан банд килишга муваффақ бўлишолмади. Лорднинг ҳамроҳи бир қанча ғаройиб, ибратли, кувноқ, таъсирчан, қўрқинчли ҳикояларни айтиб, уларнинг диққат-эътиборларини тамоман ўзига қаратиб олгандан сўнг сухбатни бир ажойиб, ёқимли воқеа ҳакидаги ҳикоя билан якунлашга қарор килди, бу воқеа тингловчиларининг қалбига нечоғлик яқинлигини тасаввур ҳам қилмади.

Ажойиб қўшни болалар

Новела

Кўшни яшайдиган иккита обрўли оиланинг фарзандлари, бир ўғил билан бир қиз келажакда эр-хотин бўлишга муносиб эдилар, бунга ёшлари ҳам тўғри келарди, шундай хайрли мақсадда уларни биргаликда тарбия қилишар, ҳар икковининг ота-оналари келгусидаги никоҳдан ҳозироқ хурсанд эдилар. Бирок шу орада маълум бўлдики, бу ният амалга ошмайди, боиси ҳар иккала ажойиб болалар ўртасида ғалати бир душманлик пайдо бўлган эди. Ҳаркалай улар бир-бирларига жуда ўхшашарди. Икковлари ҳам ўз-ўзига жуда ишонган, нима хоҳлашини биладиган, ўз қарорида қатъий эди; уларнинг ҳар қайсисини тенгдошлари бирдек севишар ва қадрлашарди; аммо бирга бўлишганда ҳамиша ракибларга айланишарди, ҳар бири фақат ўзи учун курар, ҳамиша дуч келиб қолишиса, бир-бирининг қурган нарсасини бузар, битта мақсад йўлида интилишмас, бирок битта нарсани деб курашишарди; одатда ювош ва хушмуомала бўлишса-

да, дуч келиб қолишиңа бир-бирини күрөлмас, баджахл бўлиб қолишарди.

Бундай ғалати муносабатлар болаликдаги ўйинлар пайтидаёқ кўзга ташланган, йиллар ўтиши билан кескинлашиб бораради. Уруш-уруш ўйнашаркан, икки лагерга бўлиниб олиб бир-бирларига қарши жанг қилишган ўғил болаларга эргашиб, бу жасур қиз отрядлардан бирига бошлиқ бўлиб олди-да, рақиб қисмга қарши шундай мардонавор ва шиддатли хужум қилдики, агар қизнинг доимий рақиби каттиқ туриб қаршилик кўрсатмаганида ва рақибасини куролсизлантириб, асирга олмаганида, уларнинг бошлиғи аник қуён бўларди. Ўшанда ҳам қиз ўзини шу қадар ҳимоя қилдики, бола кўзларидан хавотир олиб ҳамда қизни ярадор қилиб кўймаслик учун шойи бўйинбоғини юлиб олиб, унинг кўлларини орқасига қайриб боғлаб кўйишга мажбур бўлди.

Буни қиз ҳеч қачон кечиролмади ва кейин ҳам болага зарар етказиш учун зимдан турли йўлларни кидира бошлади, бундай тажовузкор муносабатни билib қолган ота-оналар бир-бирлари билан келишиб, иккала рақибни ажратишга ва аввалги ширин орзула-ридан воз кечишга қарор қилишди.

Бола янги муҳитга тушгач, ўзини яхши томондан намоён қилди. Таълимнинг ҳар қандай тури унга фойда келтиради. Кўллаб-куватловчиларнинг ундаши ва ўз қизиқиши уни ҳарбий соҳага етаклади. Қаерда бўлмасин, ҳамма жойда уни севишар ва қадрлашарди. Табиатан ёқимли бўлган бола гўё бошқаларга яхшилик қилиш, манфаат келтириш учунгина ҳаракат қилаётгандек бўлар, ўзи ҳам англамаган ҳолда унга табиат ато қилган бирдан-бир рақибидан ҳолос бўлганига бахтлидек эди.

Қиз бўлса бирданига кескин ўзгарди. Ёши, муносаб тарбия, айниқса, қалбидаги ички бир туйғу туфайли бўлса керак, ўғил болалар билан биргалиқдаги бебош ўйинлардан четлашди. Умуман олганда, унга нимадир етишмаётгандек бўлар, агрофида унинг нафра-

тини күзғашга арзийдиган ҳеч нарса йўқ эди. Унинг муҳаббатига ҳали ҳеч ким сазовор бўлмаганди.

Кизнинг аввалги қўшни-рақибидан каттароқ, зодагон, бой, обрўли, давраларнинг гули, аёлларнинг суюклиси бўлган бир ёш йигит уни бор вужуди билан ёқтириб қолди. Умрида илк бора қизга бир дўст, ошиқ, жазман эътибор қилди. Ундан кўра ёшлари ҳам каттароқ, маълумотлироқ бўлган, ички ва ташқи жиҳатдан ҳам яққол кўзга ташлагиб турадиган бошқа жуда кўп аёллардан кўра йигит уни афзал билгани қизга хуш ёқди. Унинг ҳар қандай хираликлардан холи бўлган доимий дикқат-эътибори, ҳар хил ёқимсиз ҳолатлардаги ёрдамга тайёрлиги, садоқати, қизнинг отонасига айтган, келажакда қиз билан бирга бўлишга чин дилдан умид боғлаши ҳақидаги сўзлари – негаки қиз ҳали жуда ёш эди – буларнинг барчаси кизда унга нисбатан илиқлик уйғотди, одатланиш, юкори табақа томонидан тан олинган муносабатлар ҳам бунга кўмак берди. Уни кўпинча келин дейишарди, нихоят ўзи ҳам бунга кўнишиб қолди ва у анчадан бери унинг кўёви ҳисобланиб келган йигит билан узук алмашишганда на унинг ўзи, на бошқа бирон киши ҳали бу севги синовдан ўтиши кераклиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

Унаштирилгандан кейин ҳам воқеаларнинг тинч оқими ўзгармади. Иккала тараф ҳам ишни ўз оқимига ташлаб кўйди, биргаликдаги ҳаётдан улар курсанд эдилар ва бу ёқимли дамлардан келгусидаги жиддий ҳаётнинг баҳори сифатида роҳатланишга жазм қилишди.

Бу орада анави йигитча ўқишини муваффакиятли адо қилиб, ҳаёт йўлида янги поғонага кўтарилиб, туғишганларини кўриш учун таътилга келди. Ўз-ўзидан аёнки, у гўзал қўшни қизнинг йўлида тағин пайдо бўлди. Қиз охирги пайтларда факат самимий, келинларга хос оиласиб ҳис-туйғулар оғушида яшар, атрофидагилар билан инок-иттифоқда ўзини баҳтли ҳис килар, маълум маънода баҳтли ҳам эди. Мана энди эса анча вактдан бери биринчи марта йўлида

нимадир пайдо бўлди: мана шу «нимадир» унинг нафратини қўзғамади; энди нафратланиш унинг кўлидан келмасди; аслида йигитчадаги ички фазилатларни ғира-шира тан олиш бўлган болаларга хос нафрат энди масрур ҳайратга, завқ билан кузатишга, ошкора қизиқувчанликка, гоҳ истаб, гоҳ истамай, бирок муқаррар бир тарзда яқинлашишга айландики, буларнинг барчаси икки тарафлама эди. Анча вақт кўришмаганлари узок сухбатларга имкон яратди. Энди анча акллари кириб қолганда ўша болаларча келишмовчиликларни ҳам кулиб-кулиб эслашди, гўё ўша пайтдаги кескин муносабатлар ўрнини энди худди ўшандай эътироф эгаллаши лозимдек, ўша кибрли нафратни ҳеч бўлмаса мулойим, дўстона муносабат билан юмшатиш зарурдек туюларди.

Йигитга келсак, у ҳеч бир акл-мулоҳаза чегарасидан нарига ўтмади. Мавқеи, таниш-билишлар доираси, ғурури, келажакдан умиди уни шу даражада банд қилган эдики, у ёқимтой келиннинг дўстона илтифотларини миннатдорлик хисси билан қабул қилди, бунда ўзига нисбатан ҳеч бир ортиқча нарсани кўрмади, уни куёвидан тортиб олиш истагида ҳам эмасди, бунинг устига куёв билан муносабатлари яхши эди.

Қизнинг аҳволи тамоман ўзгача эди. У худди уйқудан уйғонгандек эди. Унинг қўшни бола билан кураши совуқ муносабат остига яширинган кучли, чинакам севгидан ўзга нарса эмас эди. Мана энди, хотираларида ҳам, у ҳамиша йигитни севгандек туюларди. Кўлида курол билан болага қарши душманлардек курашганини эслаб энди жилмайиб кўяди; бола уни куролсизлантирганида энг тотли туйғуларни ҳис этганини хотирлайди; қўлларини боғлагани ҳам унга беҳад ёқиб тушганини аниқ тасаввур қиласди, болага азоб бериш учун қилган барча қилгилклари унинг дикқатини ўзига тортиш мақсадидаги беғараз восита-лар эди, холос. У ўша айрилиқни лаънатлади, ғафлатда колганидан афсус чекди, мудрок босган, зерикарли одатларни қоралади, шулар оқибатида арзимас бир

одам унга күёв бўлиб ўтирипти; у ўзгарган, икки карра ўзгарган, буни энди ким қандай қабул қилишига қараб олдинга ҳам, орқага ҳам ўзгарган эди.

Борди-ю, бирор кимса қиз қалбининг тубида аср-ётган туйғуларини таҳлил қилиб, уларни англаб етишга уринса эди, ҳечам уни кораламаган бўларди; чунки, гапнинг рости, агар қўшни йигит билан ёнма-ён қўйиб солиштирилса, куёвнинг ютқазиши аниқ эди: агар иккинчиси маълум маънода ишончга лойик бўлса, биринчисига эса тўлиқ ишонса бўлар эди; агар одам иккинчиси билан жон-жон деб суҳбатлашишни истаса, биринчисини ҳамроҳликка танлаган бўларди; борди-ю гап қийинрок синов ҳакида, фавқулодда ҳолатлар ҳакида кетадиган бўлса, унда иккинчисидан умид камрок, биринчисига тўлиқ ишонса бўларди. Бундай фаркларни аёллар туғма сезги билан ҳис этишади ва буни ўстиришга уларда сабаб ҳам, асос ҳам бор.

Гўзал келин қалбининг тубида шундай туйғуларни канчалик кўп ардоқласа, кимдир куёвнинг фойдасига тегишли бўлган, вазият, бурч келтириб чикарган, дилга солган нарсаларни қанчалик кам тилга олса, гўё ўзгаририб бўлмайдиган мажбурият ана шу бурч томон етаклаётгандек туюлса, қизнинг гўзал қалби фақат битта нарсани шунчалик кўп қўмсади; бир томондан олий давра ва оиласи, күёв ва унга берган ваъдаси оёқ-кўлини маҳкам боғлаб турган бўлса, иккинчи томондан, мағрур йигит ўз ўйлари, режа ва нијатлари ҳакида сир сақлаб ўтираси, ўзини гўё қизга садоқатли ва меҳрибон акадек тутар, ҳатто яқинда жўнаб кетиши ҳакида ҳам гап орасида айтиб қўйди, натижада гўё қиздаги болаликдаги рух бутун маккорлигу тажовузкорлиги билан қайта уйғонгандек бўлди ва мана энди у ҳаётнинг хийла юқори поғонасида қаҳр-ғазабга тўлиб ўзини янада сезиларлироқ, янада ҳалокатлироқ намоён этишга чоғланарди. У ўлишга карор қилди, бу билан ўзи бир вактлар нафратланган, энди эса қаттиқ севиб қолган кишисини бефарқлиги учун жазоламоқчи ва ҳамонки ўзи унга эга бўлолмас

экан, ҳеч бўлмаса бир умр унинг хаёлида, афсус-надоматларида муҳрланиб қолмоқчи бўлди. У истардики, ўзининг жонсиз қиёфаси йигитнинг кўз олдидан кетмасин, у қизнинг ҳис-туйғуларини англаб етмагани, тушунмагани, етарлича қадрламагани учун ўзига тинмай таъна қилсин.

Мана шундай даҳшатли хаёл уни мудом тарк этмасди. У бу ҳолатни нима қилиб бўлса ҳам сездирмас, гарчи у одамлар кўзига ғалати кўринса-да, барибир бирор киши ундаги изтиробнинг ички, асл сабабларини тушуниб етиш учун етарлича эътибор ва зийракликка эга эмасди.

Бу орада дўстлар, қариндошлару танишлар турлитуман байрамлар уюштиришга киришиб кетишиди. Бирор кун йўқ эдик, қандайдир янги, кутимаган маросим ташкил килинмасин. Табиатнинг бирон-бир хушманзара жойи йўқ эдик, чиройли безатилиб, кўплаб дилкаш меҳмонлар учун тайёрлаб қўйилмаган бўлсин. Бизнинг йигитчамиз ҳам жўнаб кетишидан олдин бир тадбир уюштиromoқчи бўлди ва ёш жуфтларни яқин оила аъзолари билан бирга дарё бўйлаб кўнгилочар сайдрга таклиф қилди. Меҳмонлар катта, чиройли, зўр безатилган кемага кўтарилишиди, бу кичкина зали, бирқанча каюталари бўлган, сувда ҳам қуруқликдаги кулайликлар билан таъминлай оладиган яхталардан бири эди.

Мусиқа садолари остида катта дарё бўйлаб сузуб боришарди; одамлар кундузги иссиқдан қочиб пастки каюталарга кириб олишганча ҳар хил кувнок ўйинлар билан банд бўлишди. Ҳеч бекор ўтиrolмайдиган ёш мезбон бўлса, рулни, кекса капитан ўрнини эгаллади, буниси эса bemалол уйқуга кетди; уйғоқ бошқарувчига эса бор эҳтиёткорлигини ишга солишга тўғри келарди, чунки шундай жойга яқинлашишаётган эдик, у ерда дарё ўзанини иккита орол қисиб қўйган, майда тошлар билан қопланган текис қирғоқлар бири у ёқдан, бири бу ёқдан ёриб кириб, оқимни ҳавфли қилиб қўйган эди. Фамхўр ва сергак рул бошқарувчиси

капитанни уйғотиш фикрига ҳам борди, аммо ўзига ишонгани учун кемани тор бўғозга томон ҳайдади. Шу лаҳзада унинг соҳибжамол ракибаси бошида гулчамбар билан пайдо бўлди. У гулчамбарини олди-да, рул бошқарувчига ирғитди.

– Ма, эсадиликка олиб қўй! – дея қичкирди қиз, – мени ортиқ кўрмайсан! – Шу сўзлар билан у яхтанинг олд томонига ўтди-да, ўзини сувга отди.

– Кутқаринглар! Кутқаринглар! Чўқаяпти! – деган овозлар эшитилди, Йигит ҳаддан ташқари саросимада қолди. Шовқиндан уйғониб кетган капитан рулни кўлга олишга, йигит эса беришга ҳаракат қилишиди, мана шу лаҳзада йигит устки кийимини ечиб улоқтириди-да, ўзини сувга отди ва соҳибжамол ракибаси томон сузиб кетди. Сув – уни билган ва у билан муомала қилиш кўлидан келадиган одамга дўст бўлади. У йигитни сурисиб кетди, моҳир сузуви эса унинг ҳокимиға айланди. Тез орада йигит оқим сурисиб кетган соҳибжамолга етиб олди; қизни тутиб олди-да, сув юзасида кўтарганча суза кетди; ороллар ва тошлар ортда қолиб кетгунча ва дарё яна ўзининг кенг ўзанига тушиб олгунча оқим уларни сурисиб кетаверди. Ниҳоят у ўзига келди, дастлабки тахлиқадан сўнг мана энди тин олди, шу пайтгача ўйлаб ҳам ўтирасдан беихтиёр ҳаракат қилган эди; у сувдан бошини кўтариб атрофни кўздан кечирди ва бор кучини тўплаб, текис, буталар билан қопланган, дарёга шундоққина кулай улашиб кетган қирғоқ томон сузиб кетди. Ўша ерда кўлидаги гўзал юкни ерга кўйди; лекин унда ҳаёт асари сезилмасди. Йигит саросимада қолди, бирок шу пайт кўзига бутазор томон кириб кетган йўлака кўринди, Қимматли юкини яна елкасига ортиб олди, кўп ўтмай ягона уйчага кўзи тушди ва ўша томонга йўналди. У ерда яхши одамлар – ёш эр-хотинлар туришаркан. Бахтсизлик, қийинчилик пайтида ортиқча сўзнинг кераги йўқ. У хаёлида нимани сўрамоқчи бўлса, ҳаммаси муҳайё қилинди. Гуриллаб олов ёнар, дарҳол тахта каравот устига жун адёл ёзилди,

пўстинми, мўйнами, қандай иситадиган нарса бўлса, ҳозир қилишди. Кутқазишга бўлган интилиш ҳар қандай бошқа хаёлни суриб чиқарди. Ярим музлаган, гўзал, яланғоч вужудни тагин ҳаётга қайтариш учун ҳамма нарсани қилишди. Буни уддалашди ҳам. Қиз кўзларини очди, дўстини кўрди ва илохий қўллари билан унинг бўйнидан кучоклаб олди. Шу ҳолатда узоқ қолди; кўз ёшлари дарёдек оқди ва дардини ювиб кетди.

— Сени эндиғина топганимда, — хитоб қилди у, — наҳотки, мени ташлаб кетасан?

— Зинхор, — жўшиб деди йигит, — зинхор! — нима деяётганини ва нима қилаётганини англаш ҳам етмай. — Ўзингни асра, — қўшиб кўйди у. — ўзингни асра! Ўзинг учун, мен учун ўзингни ўйла.

Шундагина қиз ўзи ҳақида ўйлади ва қандай аҳволда эканлигини энди пайқади. У севгилиси, ҳалоскоридан уялишни ҳам ўйламасди; лекин уни қўлидан бўшатди, ахир йигит ўзи ҳақида ҳам қайғуриши керак эди-да, унинг устидаги бутун кийими жиққа ҳўл эди.

Ёш эр-хотинлар маслаҳатлашиб олишди-да, эри йигитга, хотини соҳибжамол қизга ўз тўй либосларини таклиф қилишди, у жуда яхши сакланган, шундок осиғлик турарди; уларни бошдан-оёқ кийинтиришди. Кўп ўтмай иккала саргузашт изловчиларни нафақат кийинтиришди, балки безантиришди ҳам. Кўринишлари мислсиз гўзал эди, тагин бир жойга йиғилишгач, бир-бирларини кўриб ҳайратга тушишди, жиловлаб бўлмас эхтирос оғушида, шу билан бирга, ўз қилиқларидан жилмайишиб, бир-бирининг кучоғига отилишди. Ёшлиқ қуввати ва муҳаббат берган кўтаринкилик уларнинг кучини қайта тиклади; уларни раксга чорловчи мусиқа етишмасди, холос.

Сувдан қуруқликка, ўлимдан ҳаётга, оила даврасидан кимсасиз ўрмонга, таҳлиқадан ҳузур-ҳаловатга, лоқайдликдан муҳаббатга, эхтиросга кўчиш, барчасининг кўз очиб юмгунча содир бўлиши — буни идрок қилишга миянинг кучи етмасди; у жойидан отилиб чиқиб кетиши ёки жинни бўлиши мумкин эди. Бундай

ҳодисани ҳазм қымкын учун юрак күмакка келиши кепрек.

Тамоман бир-бири билан бўлиб қолишган ёшлар бироз фурсат ўтгачгина ортда қолғанларнинг қандай кўркув, қандай хавотир чангалида қолишганини ўйлашди ва ўзлари ҳам энди бошқалар кўзига қандай кўринишлари мумкинлиги ҳакида кам қайғуришмади ва кам хавотирга туши шмади.

– Кочиб кетамизми? Бекинамизми? – сўради йигит.

– Бирга бўламиз, – деди қиз унинг бўйнига осилиб олганча.

Улардан саёзликка ўтириб қолган кема ҳакида эшитган заҳотиёқ дехқон ортиқ савол бериб ўтирмасдан кирғоққа томон шошилди.

Яхта эсон-омон дарёда сузид борарди; уни ҷакириб олиш осон бўлмади. Йўқолғанларни топиш умидида тахминан сузид боришарди. Шунинг учун дехқон қичкириб, имо-ишоралар қилиб, тўхташ учун қулай бўлган жойни кўрсатиб, тинмай қичкириш ва имо-ишоралар қилишда давом этавергач, кема кирғоққа томон бурилди, тўхташганда уларни қандай манзара кутарди! Ёшларнинг ота-оналари биринчи бўлиб кирғоққа сакрашди, куёвнинг ақлдан озишига оз қолганди. Ота-оналар суюкли фарзандлари кутқазилганини эшитиб ҳам улгурмасдан уларнинг ўзлари буталар орасидан чиқиб келишди. Яқин келмагунларича уларни таниёлишмади.

– Кимларни кўряпмиз? – қичкиришди оналар.

– Нималарни кўряпмиз? – қичкиришди оталар.

Омон қолғанлар уларнинг оёқларига йиқилишди.

– Ўз фарзандларингизмиз, – дейишлиди улар, – битта жуфтмиз!

– Бизни афв этинглар, – хитоб қилди қиз.

– Бизга оқ фотиҳа беринглар, – хитоб қилди йигит.

– Бизга оқ фотиҳа беринглар, – дейишлиди ҳар икковлари, ҳамма жим бўлиб қолган эди.

– Оқ фотиҳа беринглар! – дейишлиди учинчи бор, ким ҳам буни рад этарди дейсиз!

Ўи биринчи боб

Ҳикоя килувчи тинганида ёки тўғрироғи ту-
гаттанида Шарлоттанинг хийла ҳаяжонда эканли-
гини пайқади; у ўрнидан турди-да, секин узр сўраб
ташқарига чиқди; бу ҳикоя унга таниш эди. Бундай
воқеа Капитан ва унга қўшни қиз билан ростдан ҳам
содир бўлган, айнан инглиз айтиб берганидек бўлмаса
ҳам, ҳар қалай асосий воқеалар шундай кечган, ай-
рим тафсилотлари қўшиб-чатилган эди. Одатда шун-
га ўхшаш воқеалар юз берганда аввал одамларнинг
оғзидан ўтиб, кейин ҳикоячининг хаёлоти билан
бирмунча безатилиб тингловчига етказилади. Охир-
оқибатда асл воқеа қандай кечганлиги ҳам номаълум
бўлиб қолади. Оттилия ҳам меҳмонларнинг илтимоси
билан Шарлоттанинг ортидан чиқди, шунда лорд, бу
сафар ҳам хатога йўл қўймаганмикин, буларга маълум
бўлган ёки тегиб кетадиган воқеани айтиб бердик ше-
килли, дея гап кистирди.

— Эҳтиёт бўлишимиз керақ, — давом этди у, — та-
гин бирон хато иш қилиб қўймайлик. Бу ерда кўрган
барча яхшиликлар ва қулайликлар учун уй бекалари-
га етарлича жавоб қайтаролмадик чамамда; бу ердан
жўнаб кетиш учун бирон ишонарли важ топишимиз
лозим.

— Айтиб қўйай, — жавоб берди ҳамроҳи, — бир нарса
мени бу ерда ушлаб турибдики, ўшани аниқлаб ол-
магунимча бу уйни тарк этолмайман. Кеча биз кўчма
камера билан парк орқали ўтаётганимизда, милорд,
энг хушманзара жойларни танлаш билан банд бўлиб,
ёнгинангизда нима бўлганини сезмай ҳам қолдингиз.
Сиз асосий йўлдан четта бурилиб, нариги қирғоқ
кафтдек кўриниб турадиган, кўлнинг одам кам бора-
диган жойига йўл олдингиз. Биз билан бораётган От-
тилия тўхтаб қолди-да, ўша томонга қайикда сузиб
ўтишимизни илтимос қилди. Мен бунга рози бўлдим
ва дилбар эшқакчининг дадил ҳаракатларини мазза
қилиб томоша қилдим. Мен унга, Швейцариядан кейин

тўлқинлар узра бу қадар хузур килиб чайқалмаганимга иқрор бўлдим, у ерда ҳам қайиқчи ўрнида гўзалдан гўзал қизлар ўтиришади, дедим. Ҳар ҳолда нега у ёнлама йўлдан юришни истамаганини сўрашдан ўзимни тиёлмадим, чунки бунда аллақандай кўркувга ўхашаросималик бор эди.

— Агар устимдан кулмасангиз, — деди у самимият билан, — гарчи бу мен учун сир бўлса-да, Сизга бу ҳақда у-бу нарсаларни айтишим мумкин. Ҳамиша ўша ёнлама йўлдан юрсам аллақандай титроқ босади, бошка ҳеч қаерда бундай ҳолатга тушмайман ва буни тушунтириб ҳам беролмайман. Шу боисдан ўшандай туйғуни ҳис этмаслик учун ўша йўлдан юрмайман, бунинг устига ўшандан сўнг чап чаккамда оғриқ бошлиниди, бошка пайтлари ҳам гохида шундай оғриқдан азоб чекиб тураман.

Биз қирғокка етиб келдик, Оттилия Сиз билан сухбатга берилди, мен бўлсам, у менга узокдан туриб аниқ кўрсатган жойни кузатдим. Ўша ерда тошкўмирнинг аниқ белгиларини пайқаганимда қандай ҳайратланганимни билсангиз эди, ишончим комилки, агар ўша жойда қазиш ишлари олиб борилса, ер остида тошкўмирнинг бой захирасини топиш мумкин.

Узр, милорд, кўраяпман, куляяпсиз, биламанки, Сиз бу нарсаларга ишонмасангиз ҳам, менинг бунга чин дилдан берилганимни оқил инсон ва дўст сифатида маъқуллайсиз; аммо мен бу дилбар қиз билан маятник тебраниши тажрибасини ўтказмай туриб бу ердан кетолмайман.

Бирон пайт йўқ эдики, шу нарса ҳақида сўз кетганда лорд ҳар гал шунга қарши ўз эътиrozларини билдирмасин, ҳамроҳи буларни сабр-тоқат ва камсуқумлик билан қабул қилас, аммо барибир охири ўз фикри ва ўз билганида қолаверарди. Шу билан бирга, у узлуксиз таъкидлардики, бундай тажрибалар ҳар қандай одам билан амалга ошмаслиги мумкин, бироқ ишни тўхтатмаслик керак, аксинча, тажрибани яна ҳам

жиддийроқ ва чукурроқ ўтказавериш керак, негаки, эҳтимол, бизга ҳозиргача номаълум бўлган, ноорганик моддалар ўртасидаги ўзаро ҳамда органик моддалар, шунингдек, кейингиларининг ўзаро якинлиги ва муносабатлари юзага чиқиши мумкин.

У чиройли кутичада мудом ўзи билан бирга олиб юрадиган буюмлар йигиндиси – тилла узуклар, темир колчедан¹ бўлаклари ва бошқа металларни ёйиб кўйди ва синов учун ипга тизилган бир хил металларни бошқа металлар устига тушира бошлади.

– Менда ҳеч нарса ҳаракатга келмаётгани учун, – деди у шунда, – ичингизда қувонаётганингиз, милорд, юзингиздан кўриниб турибди, мен бундан хафа эмасман. Менинг қилаётган ишим шунчаки бир эрмак. Хонимлар келишса биз бу ерда қанақа ғаройиб ишларни бошлаётганимизга қизиқиб қолишлари аник.

Аёллар қайтиб келишди. Шарлотта гап нимадалигига дарҳол тушунди.

– Мен булар ҳакида у-бу нарсаларни эшитганман, – деди у, – лекин уларнинг ҳаракатини бирор марта кўрмаганман. Мана Сизда ҳаммаси тап-тайёр экан, келинг, синаб кўрамиз, менга таъсир қиласдими-йўкми.

У ипни қўлига олди, у бу ишга жиддий ёндошгани учун ипни ҳеч бир ҳаяжонсиз ушлаб турди; бироқ ҳеч қандай тебраниш сезилмади. Оттилияга навбат келди. У маятникни ерда ётган металлар устида мутлако бемалол, мутлако хотиржам ва ҳис-ҳаяжонсиз тутиб турди. Шу лаҳзада маятник гўё катта бир куч билан ҳаракатга келди ва ерга қандай метал қўйишганига қараб гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга, доира бўйлаб, эгри-бугри бўлиб айлана бошлади, ёки тўғри чизик бўйлаб ҳаракатга келарди, бу меҳмон кутган натижадан ҳам ортиқроқ эди.

¹ Колчедан – металларнинг олтингугурт, маргимуш билан биркувидан хосил бўлган маъданларнинг умумий номи ва шундай маъданли рудалар (*тарж.*)

Лорд бироз довдираб қолди, лекин унинг ҳамроҳи шундай мамнун, ўз ишига берилган эдики, тажрибани тинмай такрорлаш ва шаклини ўзгартиришни талаб киларди. Оттилия мулойимлик билан унинг илтимосини бажарар, ниҳоят боши қайтадан оғрий бошлага-нини айтиб, унга рухсат беришини сўради. Ҳайратга тушиб, ҳатто илҳомланиб кетган меҳмон, борди-ю Оттилия унинг даволаш усулига ихлос қиласа, уни бу дардан халос қилиши мумкинлигини завқ-шавқ билан уқтиради. Бирпас жим қолиши, шунда гап нимадалигини фаҳмлаган Шарлотта холис ният билан қилинган бу таклифни рад этди, негаки ўзи ҳамиша қаттиқ рад этиб келган ишга кўзи олдида йўл қўйишни истамасди.

Меҳмонлар кетиши, гарчи улар ғалати бир тарзда хонимларнинг иззат-нафсларига бир қадар тегиб ўтишган бўлса-да, ҳархолда уларда қачонлардир тағин учрашиб қолиш истагини ҳам уйғотиб кетишиди. Энди Шарлотта очик кунлардан фойдаланиб, кўни-қўшниларникига жавоб ташрифлари қилди, буни ҳеч ниҳоясига етказолмас, чунки бутун атрофдагилар, кимлар чин кўнгилдан, кимлар одатга кўра унга ҳалигача алоҳида эътибор кўрсатишарди. Уйда эса болани кўриб кўнгли яйрарди; уни сўймай, унга ғамхўрлик қилмай бўлмасди, У ростдан ҳам Худо берган ҳайратангиз бир бола эди, унинг бўйи, қомати, кучи, саломатлиги кўзни қувонтиради; ундаги кишини ҳайратга соладиган яна бир нарса борган сари кўзга яққолроқ ташланиб бораётган икки карра ўхшашлик эди. Юз ифодалари ва гавда тузилиши билан бола борган сари Капитанга ўхшаса, кўзларини Оттилияning кўзларидан фарқлаш қийин эди.

Мана шу ғайритабиий яқинлик ва эҳтимол яна ҳам кўпроқ суюкли кишисининг боласига меҳрмуҳаббат кўрсатувчи аёлдаги нозик туйгулар туфайлими, Оттилия, гарчи болани бошқа аёл туккан бўлсада, улғаяётган гўдакка она ўрнини босар, тўғрироғи, унинг иккинчи онаси эди. Шарлотта бўлмаса Отти-

лия энага ва бола ёнида ўзи қоларди. Нани болани ундан рашк қилиб, бекаси бутун қалб қўрини унга бағишаётганини кўриб уни тарк этган ва ота-онаси ёнига кетиб қолган эди. Оттилия болани тоза ҳавога олиб чиқишида давом этар ва узок-узокларга сайр қиласарди. Керак бўлганда болани овқатлантириш учун сут солинган шишачани ҳам бирга олиб юрарди. Бирорта китоб олволишни ҳам унутмас, кўлида бола, китоб ўқий-ўқий сайр қилиб юраркан, нақ Пенсероза¹-нинг ўзига айланарди.

Ўн иккинчи боб

Урушнинг асосий мақсади амалга ошди ва орденларга кўумилган Эдуард иззат-икром билан хизматдан бўшатилди. У дарҳол ўзининг ихчамгина мулкига йўл олди, у ерда уни уйидагилар ҳақидаги муфассал хабарлар кутарди; уларга сезилмайдиган қилиб қаттиқ кузатув тайинланган эди. Жимжиттинга гўша уни кучок очиб кутиб олди, унинг кўрсатмасига биноан бу ерда кўп нарсалар ўзгартирилган, тузатилган ва янада яхшиланган, мулкнинг ичидаги атрофида очик, кенг жойлар етишмаётган бўлса, буларнинг ўрни ички тартиб ва куляйликлар билан тўлдирилган эди. Жўшқин ҳаёт оқими туфайли дадил ҳаракатлар қилишга ўрганган Эдуард, мана энди узок вакълардан бери кўнглига туғиб юрган ишни амалга оширмоқчи бўлди. Энг аввало у ёнига Майорни таклиф қилди. Учрашув ғоятда кувончли бўлди, Ёшлиқдаги дўстлик худди кон-кариндошликка ўхшаб шундай улуғ кучга эгаки, на йўл қўйилган хатоликлар, на тушунмовчиликлар, улар қай тарзда содир бўлган бўлмасин, ҳеч қачон ҳалақит беролмайди ва муносабатлар ҳаял ўтмай тикланиб кетаверади.

¹Пенсероза – италянча сўз бўлиб, «хаёлга ботган, хаёлга берилган» деган маънони англатади. Қадимги рассомларнинг севимли мотиви (тарж.)

Дўстини хурсанд кутиб олган Эдуард дарҳол унинг ишлари ва аҳволи ҳақида сўрашга тушиб кетди ва ишлари кўнгилдагидек эканлигини, баҳт унга кулиб боққанини эшилди. Кейин Эдуард ярим ҳазил тариқасида дўстона оҳангда нозик иттифок ҳақида гап борми-йўкми, деб сўради. Дўсти буни қатъий рад этди.

— Сендан яшириб ўтирадиган гапим йўқ, бундай қилмайман ҳам, — сўзида давом этди Эдуард, — сен билан фикр ва режаларим ҳақида ўртоқлашишим керак. Оттилияни қаттиқ севишимни биласан, факат у туфайли, уруш оловини кечиб юрганимни ҳам аллақачон фаҳмлаган бўлсанг керак. Усиз мен учун ўз мазманини йўқотган ҳаётдан кетмоқчи бўлганимни ҳам яшириб ўтирмайман; тағин шуни ҳам таъкидлаб ўтайки, ҳеч қаҷон бунга тўлик журъат этолмаганман. У билан кечган баҳтли онлар шу кадар ёқимли, ардоқли эдик, ундан воз кечишга ўзимда зинҳор куч тополмадим. Шунчалик таскин берувчи хаёллар, аниқ аломатлар, Оттилия менини бўлади, деган ишончни кўнглимга соларди. Исмларимизнинг бош ҳарфи ўйилган қадаҳ уйнинг асоси куйилаётган пайтда ҳавога ирғитилган, лекин чил-чил синмасдан ҳавода тутиб олинган эди, ҳозир у менинг қўлимда. Мана шу кимсасиз гўшада ишончсизликларга тўла соатларни бошдан кечирап-канман, бир куни ўзимга-ўзим: «Майли, мен ўзим, шу қадаҳ ўрнига ўзим, бизнинг ковушишимиз мумкинми ёки йўкми, ўзим шуни билдирадиган аломат бўлай, дея хитоб қилдим, — бораман, беақлларча эмас, балки яшашдан умиди бор одамга ўхшаб ажал қидираман. Оттилия учун жанг қиласман, у эса менга мукофот бўлади; мен уни ҳар бир жанговор юриш, ҳар бир траншеяда, ҳар бир босиб олинган қалъада қўлга киритаман, унга эришаман. Соғ-саломат қолиш учун, Оттилияни қўлга киритиш, уни йўқотмаслик учун мўъжизалар яратаман» дедим.

Мана шундай туйғулар менга йўл кўрсатди, барча ҳавф-хатарлар қуршовида улар менга тиргак бўлди; мана энди ўзимни қийинчиликларни енгиб ўтган, ўз

мақсадига эришган одамдек хис қиляпман, гүё ѡч нарса менинг йўлимни тўсолмайдигандек. Оттилия меники, бу фикрнинг амалга ошишига тўсқинлик киладиган бирор нарсани тан олмайман.

– Бир чизик тортиш билан, – деди Майор, – сенга қаршилик қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсани ўчириб ташламоқчи бўляпсан; унутмаки, бу қаршилик яна такрорланиши мумкин. Хотинингга муносабатинг ҳақида том маънода ўйлаб кўришни ўз ихтиёрингга қолдираман, лекин унинг олдида, ўз олдингда қарздор эканлигингни унутмаслигинг зарур. Қисмат сизларга ўғил ато этгани ҳақида ўйлаганим заҳоти сизлар бир умрга бир-бирларингга бахшида этилганликларингни, ўша норасида учун бирга яшашларинг, унинг тарбияси, келажак ҳаёти ҳақида бирга қайғуришларинг лозимлигини сенга уктиришга ўзимни бурчли деб биламан.

– Гўё ўзларининг мавжудлиги болалар учун муҳим деб ҳисоблаш – ота-оналарнинг хомхаёлидир. Тирик жон борки, ўзи учун егулик ва кўмакни топади; агар отасидан эрта жудо бўлган ўғил ёшлиқда қулайлик ва яхши таъминотга эга бўлолмаса, эҳтимол, шу туфайли тезрок етилиб, катта ҳаётга барвақт қадам кўяди, атрофидаги одамларга мослашиб кераклигини ўрганади, ахир эртами-кечми буни барчамиз ўрганишимиз керак. Ҳозир гап бу ҳақда эмас; бир нечта болани боқишига ҳам бойлигимиз етиб ортади, битта бошга шунча бойликни сочиш – бу зинҳор бизнинг бурчимиз ҳам, хайрсаҳоватимиз ҳам эмас.

Майор Шарлоттанинг фазилатлари, Эдуардга нисбатан событ, синовдан ўтган муносабатлари ҳақида икки оғиз гапирмоқчи эди, бу унинг гапини кесиб ташлади:

– Биз аҳмоқлик қилдик, мен буни жуда яхши англаб етдим. Кимки маълум ёшга етганда ёшлиқдаги орзу-истакларини амалга оширмоқчи бўлса, бу ўз-ўзини алдаш бўлади; чунки инсон ҳаётининг ҳар бир ўн йиллиги ўз бахти, умид ва режаларига эга. Шартшароитлар ёки ўз аҳмоқлиги туфайли гоҳ ўтмишга,

гоҳ келажакка ўзини урадиган одамнинг ҳолигавой! Биз ахмоқлик қилдик, наҳотки бу бир умрлик бўлса? Наҳотки, биз аллақандай шубҳа-гумонларни деб давримиз удумлари бизга ман этмаган нарсалардан воз кечсак? Қанчалик кўп ҳолларда одам ўз қилмишлари, ўз режаларидан юз ўтируса, айни мана шу ҳолатда бундай қилмаслиги керак, ахир бу ерда гап жузъийлик эмас, балки умумийлик устида, у ёки бу вазият ҳақида эмас, балки умуман ҳаёт ҳақида кетяпти-ку.

Майор ҳам зукколик билан, ҳам қатъий тарзда Эдуардга уни хотини билан, иккала оила билан, юқори давра билан, ер-мулки билан боғлаб турган кўплаб ришталар ҳақида тушунтиришга уринди, бирок унда бирон бир хайриҳоҳликни кўрмади.

– Буларнинг ҳаммаси, дўсттинам, – жавоб берди Эдуард, – кўз олдимдан лип-лип ўтиб турди: қизғин жанг пайтида ҳам, гумбур-гумбурлардан ер титраганда ҳам, атрофимда ўқлар визиллаб учганида ҳам, ўнгу сўлимда дўстларим ҳалок бўлишганда ҳам, остимдаги отим ярадор бўлганида ҳам, бошимдаги шляпами ни ўқ тешиб ўтганида ҳам; буларнинг барчаси тинч оқшомларда, юлдузлар чараклаб турган осмон остида, гулхан атрофида ўтирганимда ҳам ёдимдан чиқмади. Кейин мен алоқада бўлган барча одамлар хаёлимда на-моён бўлди; уларнинг барчасини фикрим, туйғуларим элагидан ўтказдим; буларнинг барчасига кўниқдим, барчасини кўп марталаб кўнглимдан чиқардим, ме-нимча, энди бир умрга бўлса керак.

Сендан қандоқ қилиб яширай, шундай лаҳзаларда сен ҳам менинг ёнимда, мен билан бирга бўлдинг; ахир биз кўпдан бери бир одамдек эмасмизми? Агар олдингда қарздор бўлсан, мана энди уни ортиғи билан узадиган пайт келди; борди-ю, сен менинг олдимда қарздор бўлсанг, энди мен билан ҳисоб-китоб қилишинг мумкин. Биламан, Шарлоттани севасан, у бунга арзийди; биламан, у ҳам сенга бефарқ эмас, ахир қандай қилиб сенинг қадрингни билмасин! Қабул қил уни менинг кўлимдан, Оттилияни менга бер! Шунда биз ер юзидағи энг баҳтли одамлар бўламиз.

— Сен мени шундай бебаҳо тортиқ эвазига со-тиб олмокчи бўлганинг учун ҳам, — жавоб берди Майор, — мен янада эҳтиёткорроқ, янада қаттиққўлроқ бўлишим керак. Сенинг таклифингга жимгина куллук қиласан, зеро у ишни енгиллатиш ўрнига баттар қийинлаштиради. Гап на фақат сен ҳақингда, балки мен ҳақимда ҳам боряпти, қисмат ҳақидагина эмас, яхши ном ҳақида ҳам, шу пайтгача номига доғ тушмаган иккита эркакнинг ор-номуси ҳақида ҳам боряпти, булар мана шундай ҳайратомуз қиликлари билан, буни бошқача атаб ҳам бўлмайди, ўзларини хавф остига кўйиб, жамият олдида ғалати бир кўринишда намоён бўлишмоқда.

— Айни шундай покдомон бўлганимиз учун ҳам, — жавоб берди Эдуард, — энди одамларнинг таъна-дашномларига имкон яратишимиз керак. Бир умр ҳурмат-эътибор қозониб келган одам бирон ножӯя иш қилса ҳам обрўсидан тушмайди, борди-ю шу ишни бошқа одам қилса, унга шубҳа билан қарашади. Менга келсак, яқинда ўтган синовларим ҳаққи, бошқалар учун килган оғир, хавф-хатарларга тўла ишларим ҳаққи, энди ўзим учун ҳам нимадир килишга ҳақлиман деб ўйлайман. Сен ва Шарлоттага келсак, буни ке-лажак кўлига топширамиз; мени эса, сен ҳам, бошқа бирор ҳам ўйлаган режамдан қайтаролмайди. Менга ёрдам қўлинни чўзган одамдан мен ҳам ёрдамимни ая-майман, борди-ю мени ўз ҳолимга ташлаб кўйишса ёки қаршилик кўрсатмокчи бўлишса, мен ҳам жим ўтирумайман, нима бўлса бўлаверсин.

Майор Эдуарднинг ниятига иложи борича қар-шилик қилишни ўз бурчи деб билди ва дўстига қарши оқилона усул кўллади, сиртдан унга ён босгандек бўлди-да, никоҳ ва кўйди-чиқди ишларини амалга оширишнинг расмий жиҳатлари ва йўл-йўриқлари ҳақида сўз очди. Шунда кўплаб кўнгилни хира киладиган, мураккаб, нокулай ҳолатлар мавжудлиги маълум бўлди, натижада Эдуарднинг кайфияти та-моман бузилди.

— Кўриниб турипти, — хитоб қилди у нихоят, — бирор ҳақингни нафақат душманларингдан, балки дўстларингдан ҳам ҳужум билан олишингга тўғри келади. Ўзим ҳоҳлаган, ўзим учун зарур бўлган нарсадан зинҳор воз кечмайман; шубҳасиз, унга эга бўламан, тез орада, сўзим қатъий. Биламан, бундай муносабатларни на йўқ қилиб бўлади, на янгила бўлади, уларнинг кўпини яксон қилишга, қотиб қолганларини силжитишга тўғри келади. Мулоҳаза билан бирон нарсага эришиб бўлмайди; ақл-идрок барча муаммони ҳал қилади, тарозининг бир палласи кўтарилиб кетса, босиб қўйишнинг йўли топилади. Ўзинг учун, мен учун ҳаракат қилишга шошил, дўстим, ўзинг учун, мен учун тугунларни еч, ипларни тарқат ва яна боғла! Бошқаларнинг фикрига қулок солиб ўтирма; шусиз ҳам юқори даврада биз ҳақимида тўйгунча гапиришиди; яна бир бор гапиришади, бошка эскирган нарсалар ҳақида гапиришни бас қилганлари сингари бизни ҳам унутишади ва ўз ҳолимизга қўйишади, ишларимизга ортиқ аралашибмайди.

Майорнинг бу ишга худди олдиндан узил-кесил ҳал қилиб қўйилгандек қараётган Эдуардга ён беришдан ўзга иложи қолмади, Эдуард бўлса ҳамма ишларни қандай ташкил қилишни эринмай муҳокама қилас, келажак ҳақида кувониб, ҳатто ҳазил-хузул қилиб сўзларди.

Кейин тағин жиддий тортиб қолди ва ўйчан оҳангда сўзида давом этди: — Агар биз умидга кўз тутиб, тасодиф юз беради-ю, ишимизни осонлаштиради, бизга йўл очади, ўшанда ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлади, деб ўтираверсак, бу ўз-ўзимизни жинояткорона алдаш бўлади. Бу аҳволда мушкулликдан чиқолмаймиз, хотиржамлигимизни тиклаёлмаймиз; йўқ жойдан ҳамма ишда айбдор бўлиб ўтирсан, қандоқ қилиб ўзимга юпанч топай! Шарлоттани ўзим зўрлаб, сени уйимизга олиб келдим, Оттилия ҳам шу ўзгаришдан бизнинг уйимизда пайдо бўлди, Бунинг оқибатида келиб чиқсан натижага биз энди зўравонлик қилолмаймиз, аммо буни зарарсизланти-

риш, шарт-шароитдан ўз манфаатимиз йўлида фойдаланиш кўлимиздан келади. Мен барчамизнинг кела жагимиз учун очаётган гўзал ва ёқимли манзаралардан юз ўгиришинг мумкин, менга, барчамизга бундан ихтиёрий воз кечишни таклиф этишинг мумкин, негаки сен буни мумкин деб ҳисоблайсан, негаки бу нарса умуман мумкин; борди-ю биз эски ҳолатимизга қайтишга қарор қилган тақдиримизда ҳам баъзибир нокулайликлар, кўнгилхираликлар, хафагарчиликлар бошимизга тушарди-ку, бундан ҳеч бир яхшилик ёки шодмонлик келиб чиқмасди-ку? Агар сен менинг ёнимга келиш, мен билан бирга туриш имконидан маҳрум этилганингда эди, шу дабдабали хаётинг сенга татирмиди? Бўлиб ўтган воқеалардан кейин бундай яшаш азобли бўларди, албатта. Шарлотта икковимиз нечоғлик бой-бадавлат бўлмайлик, қайгули бир аҳволда қолган бўлардик. Агар сен ва олий даврадагилар, бир-биридан узоклашиш йиллар давомида юракдан чуқур жой олган бундай туйғуларни ўчиради, ўтмаслаштиради, деб ҳисоблайдиган бўлсаларинг, гап айни мана шу, азоб ва айрилиқда эмас, балки хурсандчиликда, хаётдан қониқиб яшаш мумкин бўлган йиллар ҳақида кетмоқда. Нихоят, энг муҳим гапни айтай: биз ички-ташқи шарт-шароитимиз ва ҳолатимизга қараб ҳамма нарсага чидашимиз мумкин, аммо Оттилия нима бўлади, у бизнинг уйимиздан кетишга, бизнинг кўмагимиздан маҳрум бўлишга, совукдан совук лаънати олий даврада аянчли ҳаёт кечиришга маҳкум этиладими! Менга шундай бир шароитни кўрсатки, токи Оттилия у ерда менсиз, бизсиз баҳтли бўла олсин, ўшанда бу ҳаммасидан ҳам кўра кучлироқ асос бўлади, бу мени кўнишга мажбур килолмаса-да, ҳарҳолда уни ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрай.

Бу муаммони ечиш осон эмас эди; нима бўлганда ҳам дўсти билан чўмичга илинадиган бирор жавоб топа олмади ва Эдуардга тағин бир бор бу ишнинг нечоғлик жиддий, нозик, маълум маънода хавфли ҳам эканлигини, ҳаркалай, буни қандай амалга ошириш йўлларини муфассал ўйлаб кўриш лозимлиги-

ни уктиришга уринди. Эдуард рози бўлди, шу шарт биланки, бу ишда аниқ бир қарорга келиб, дастлабки қадамлар ташланмагунча дўсти уни ташлаб кетмаслиги керак.

Ўн учинчи боб

Тамоман бегона, бир-бирига бефарқ бўлган кишилар ҳам бир муддат бирга туришгач, ўзаро дардлашишга тушиб кетишади ва улар орасида маълум маънода яқинлик пайдо бўлади. Шунингдек, дўстларимиз ҳам анча вакт бир жойда, ҳар куни, ҳар соатда мулоқотда бўлиб, бирга тирикчилик қилишгач, ораларида ҳеч бир сир қолмади. Улар бўлиб ўтган эски воқеаларни хотирлашди, Эдуард саёҳатдан қайтиб келганидан сўнг Шарлотта Оттилияни унга тўғриламоқчи ва охири бу дилбар қизни Эдуардга эрга бериш ниятида бўлганини ҳам Майор яшириб ўтирмади. Бу янгиликдан эсанкираб, хурсанд бўлиб кетган Эдуард ҳеч тортинмасдан Шарлотта билан Майор ўртасидаги ўзаро интилиш ҳақида гапирди ва бу унинг кўнглидаги иш бўлгани учун буни ўта ёркин бўёкларда тавсифлади.

Бунга тўлиқ икрор бўлиш ҳам, тўлиқ рад этиш ҳам Майорнинг кўлидан келмади; лекин Эдуард ўз фикрини қатъий туриб маъқулларди. Ҳамма нарса унга на фақат мумкиндек, балки аллақачон содир бўлгандек туюларди. Ўзлари хоҳлаган ишга ҳамма томонларнинг розилик беришлари қолганди, холос; ажрашиш, шубҳасиз, кийин эмас, дарҳол никоҳдан ўтишади ва Эдуард Оттилия билан саёҳатга жўнаб кетади.

Инсоннинг хаёл кучи яратадиган энг ёқимли нарсалар ичida, эҳтимол, икки ошиқ-маъшук хаёл қиласидиган жозибадан ўтадигани бўлмаса керак, ёш эр-хотинлар ўзлари қадам кўядиган янги, соф оламдаги ўзгача, тоза ҳаётларидан завқланишга, хилма-хил шарт-шароитларда кечадиган давомли турмушларида синовдан ўтиб, томир отишга умид боғлайдилар. Бу орада Майор билан Шарлотта чегараланмаган ҳукукка эга бўлишади, яъни бойлик, ер-мулк ва бошқа барча

дунёвий неъматларга нима тегишли бўлса, ҳаммасига хуқук ва адолат юзасидан эгалик қилишлари кепрак бўладики, бунга барча томонлар рози бўлишади. Эдуард ҳаммадан кўпроқ эътибор қилиб, айниқса, қаттиқ туриб уқдирган нарса мана бу эди: модомики бола онасида қолар экан, уни майор тарбия қилиши, ўз қараашлари асосида боладаги қобилиятни ўстириши керак бўлади. Чўқинтириш чоғида унга бекорга буларнинг умумий номи бўлган Отто исмини беришмаган.

Бу гаплар Эдуарднинг миясига шу қадар сингдик, буларни амалга оширишни бирор кунга ҳам кеччикиришни истамасди. Ўз ер-мулкига олиб борадиган йўлда улар бир шаҳарчага кириб келишди, бу ерда Эдуарднинг уйи бўлиб, ўша уйда у Майорнинг қайтиб келишини кутмоқчи эди. Бирок у ўзини енголмади ва дўстини тағин бироз бошлаб боришга қарор қилди. Улар отда эдилар, муҳим гаплар билан бўлиб, анча нарига бориб қолишли.

Тўсатдан улар узокдаги тепалик устида яп-янги уйни кўриб қолишли, унинг қип-қизил ялтирок ғиштлари илк бор уларнинг кўзларини қамаштириди, Эдуардни енгиб бўлмас истак эгаллаб олди; шу бугун кечқурунок ҳамма иш ҳал бўлиши керак. У яқин орадаги бир қишлоқда бекиниб ётмокчи бўлди; Майор эса кўққисдан кириб келади-да, Шарлотта олдига масалани кескин кўяди, кутилмаган таклифга ўз фикрини очик-ойдин, бемалол айтишга мажбур қиласди. Чунки Эдуард худди ўзидағи истаклар Шарлоттада ҳам бор деб йўлар, унинг истакларига ҳамоҳанг иш килаётганига ишонар, тез орада унинг розилигини олишига умид боғлар, негаки ўзида бундан ўзга истак йўқ эди.

У кувончли натижани кўз олдига келтирас, пистирмасида кўнгилдаги хабарни тезроқ олиш учун Майордан, розилик олинса, буни бир неча бор ўқ узиш ёки кеч кириб қолса, ракета отиш орқали билдиришини сўради.

Майор қасрға отда етиб келди. Шарлоттa уйда йўқ эди, айтишларича, хозирги пайтда у тепадаги янги уйда яшаркан, хозир эса қўшни кишлоққа мөхмон бўлиб кетган, ҳали-бери уйга қайтмасмиш. У отини колдирган мөхмонхонага қайтиб кетди.

Бу орада бетоқатликдан юраги тарс ёрилаёзган Эдуард ўз бошпанасидан чикди-да, факат овчилар ва балиқчиларгина юрадиган ёлғизоёқ сўқмок бўйлаб ўз паркига томон борди ва кечга томон кўл якинидаги бутазорга етиб келди, ойнадек яраклаб турган тип-тиник кўл илк бор яққол кўзга ташланди.

Шу кеч Оттилия кўл атрофида сайр қилар, қўлида бола билан, одати бўйича китоб ўқиб юрарди. Шу тариқа у кечув олдидағи эманга яқинлаши. Гўдак ухлаб колганди; у ерга ўтириди-да, болани ёнига ётқизиб, ўқишда давом этди. Бу китоб нозик дилларни титратиб, ўзига ром қилиб кўядиган хилидан эди. У вакт тушунчасини тамоман унуглан, янги уйга етиб боргунча ҳали анча-мунча йўл юриши лозимлиги ҳакида ўйламасди ҳам, китобга берилганча, ўз-ўзини унугланча ўтирап, шу қадар жозибали кўринардики, гўё атрофидаги дараҳтлару буталар уни кўраётганлигидан қувониб, янада жонланишлари лозимдек эди. Шу чоқ ботиб бораётган қуёшнинг қизғиши нурлари унга орқа томондан тушди-да, юзи ва елкаси ни олтин рангга бўяди.

Ҳеч кимга сезилмасдан шу ергача келишга муваффак бўлган Эдуард, паркда ҳам, атроф-теваракда ҳам ҳеч кимни кўрмади ва йўлида давом этди. Мана у худди ўша эманлар ёнидаги бутазордан чикди ва Оттилияни кўрди, қиз ҳам уни кўрди; у кизнинг ёнига отилиб бориб, оёқларига ўзини ташлади. Иккови ҳам ўзларини қўлга олиш учун узок жим қолиши, кейин Эдуард қандай килиб ва нега бу ерларга келганини икки оғиз сўзда тушунтирди, Майор Шарлотта ҳузурига кетган, эҳтимол, шу дақиқаларда уларнинг тақдирни ҳал бўлаётгандир. У Оттилиянинг севгисига ҳеч качон шубҳа билан қарамаган, албатта қиз ҳам бунинг севгисидан шубҳаланмайди. У қизнинг розили-

гини сўради. Киз иккиланди, Эдуард ёлворди; ўзининг илгариги хукуқларидан фойдаланиб, уни ўз бағрига олди; киз болага ишора қилди.

Эдуард уни кўриб ҳайратда қолди.

– Кудратингдан ўргилай, – хитоб қилди у, – агар ўз хотинимдан, ўз дўстимдан шубҳаланишга асосим бўлсайди, бу гўдак уларга қарши даҳшатли далил бўларди. Ахир бу Майорнинг ўзгинаси эмасми? Бундай ўхшашликни хеч қачон кўрмагандим.

– Ундоқ эмас, – жавоб берди Оттилия, – ҳамма уни менга ўхшайди дейишади.

– Қандай қилиб? – сўради Эдуард, шу лаҳзада бола кўзларини очди, катта-катта, қоп-кора, ўткир, чукур ва мулойим бокувчи кўзлар. Бола атрофга маъноли назар билан бοқарди; гўё олдида турган одамларни танийдигандек эди. Эдуард боланинг олдига ўзини отди, кейин Оттилия олдида тиз чўкди.

– Ҳа, бу сенсан! – хитоб қилди у. – Булар сенинг кўзларинг! Эҳ! Кўзларингга қарашга менга изн бер. Бу гўдакка ҳаёт ато этган ўша машъум лаҳзаларга парда тортишга изн бер. Наҳотки, мен сенинг биллурдек тоза қалбинги, ўзаро бегонадек эр-хотин бир-бирларини кўксиларига босиб, қонуний иттифоқни эҳтиросли истаклари билан булғашга журъат этишлари мумкин, деган ёқимсиз фикр билан хира қилсан? Ёки йўқми, модомики иш шу даражага бориб етган экан, модомики менинг Шарлотта билан муносабатим бекор бўлаётган экан, модомики сен меники бўлар экансан, нега энди буни айтмай? Нега энди шафқатсиз сўзни айтмаслигим керак экан? Бу бола икки томонлама хиёнатнинг мевасидир! У бир-биримизга боғлаш ўрнига мени хотинимдан, хотинимни мендан ажратади. Майли, у менга қарши гувоҳлик берсин, майли, бу ажойиб кўзлар айтсин: мен бошқа бирорнинг кучоғида сенга тегишли эдим, билиб қўй, Оттилия, ўша жиноятимни фақат сенинг кучоғингда ювиш им мумкин.

– Э, ана! – дея хитоб қилганча ўрнидан отилиб турди, ўқ овози эши билгани учун Майор белги беряпти, деб ўйлади. Бу яқин жойдаги тоғдан бир овчи отган

ўқ овози эди. Ўқ бошқа отилмади; Эдуард бесаранжом бўла бошлади.

Оттилия куёш тоғлар ортига ботиб бораёттанини эндинга пайқади. Унинг сўнгги нурлари тепаликдаги уйнинг дераза ойналарида акс этди.

– Кет, Эдуард! – ўтинди Оттилия, – Биз қанча вакт айриликда бўлдик, қанча вакт чидадик. Шарлотта олдида қанчалик қарздор эканлигимиз эсингда бўлсин. Бизнинг тақдиримизни у ҳал қиласи, ундан ўтиб бирор иш қилмайлик. Агар у рози бўлса, мен сеникиман; акс ҳолда, мен сендан воз кечаман. Агар тез орада иш ҳал бўлишига ишонсанг, унда кутамиз. Майор сени кутаётган қишлоққа қайт. Изоҳ талаб қиласиган ҳар нарса содир бўлиши мумкин. Совуқ бир ўқ овози сенга музокаранинг муваффақиятли тугаганидан хабар беришига ишонасанми? Эҳтимол, у хозир сени қидириб юргандир. У Шарлоттани учратолмаган, буни биламан; у Шарлоттага пешвоз чиқиш учун кетган бўлиши ҳам мумкин, чунки унинг қаерга кетгани маълум эди. Тасодифлар тўлиб ётипти! Мени қўй! У хозир қайтиши керак. У бола икковимизни хув тепада кутяпти.

Бу гапларни у шоша-пиша гапирди. Хаёлида барча имкониятларни чамалаб чиқди. У Эдуарднинг ёнида ўзини баҳтли сезар, лекин ҳозир уни жўнатиб юбориши кераклигини ҳам биларди.

– Ялинаман сенга, севгилим, ёлвораман! – хитоб қилди у, – уйингга қайтиб бор-да, Майорни кут!

– Сенинг буйруғингга бўйсунаман! – жавоб берди Эдуард унга эҳтирос билан боқаркан, кейин эса уни қаттиқ кучди. Қиз унинг бўйнидан кучоқлаб олди-да, меҳр билан бағрига босди. Умид баайни кўкда учган юлдуздек уларнинг бошлари узра лип этиб ўтди. Улар ўзларини бир-бирлариники деб ўйладилар, тасаввур қилдилар; улар биринчи марта бемалол, тортинмай ўпишишди ва зўрға, дилда дард билан ажрашишди.

Куёш ботиб, қош корайди, кўлдан нам ҳаво эса бошлади. Оттилия хижолатда, ҳаяжонда эди; у тепаликдаги уйга назар ташлади, назарида пешайвонда

Шарлоттанинг ок кўйлаги кўрингандек бўлди. Кўлни айланиб ўтадиган йўл узоқ эди; Шарлотта ҳамиша болани сабрсизлик билан кутишини у биларди. Рўпарасидаги чинорларни шундоқкина кўриб турипти, уйга тўғри олиб борадиган ёлғизоёқ йўлдан уни кўл ажратиб турипти, холос. Кўзию хаёли билан ҳам у ўша ерда. Бола билан қайикқа тушиш хавфи ҳам бу шошилинчда ортга чекинди. У қайикқа томон шошилди, юраги дукуллаб ураётганини, қадамлари чалкашиб кетаётганини, ҳушдан кетиш хавфи борлигини сезмасди ҳам.

У қайикқа сакраб чиқди-да, эшкакларни олиб, қирғокдан узилди. Иккинчи марта қайиқни зўрлик билан итарди, қайик қалқиб кетди-да, суза кетди. Чап қўлида ҳам болани, ҳам китобни ушлаб олган, ўнг қўлида эшкак билан ўзи ҳам қалқиб кетди ва қайик ичига йикилди. Бир томонга эшкакни тушириб юборди, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, иккинчи томонда бола ҳам, китоб ҳам сувга тушиб кетди, у боланинг кийимидан ушлаб қолишга улгурди, бироқ ноқулай ҳолат ўзига ўрнидан туришга халакит берарди. Ўзини ўнглаб, ўрнидан туриб олишга бўш ўнг кўли етарли эмасди, ниҳоят у болани сувдан тортиб олишга муваффақ бўлди, аммо унинг кўзлари юмуқ, нафас ҳам олмасди.

Шу лаҳзада у тамоман ҳушёр тортиди, лекин қайғуси ошиб тошган эди. Қайик кўлнинг ўртасида, эшкак нарига кетиб қолган, қирғокда ҳеч ким кўринмасди, бирор кўринганида ҳам бунинг унга нима фойдаси тегарди! Ҳаммадан узилган қиз умидсиз бир ҳолда хиёнаткор офат кўйнида сузиб юарди.

У ўз-ўзидан кўмак қидирди. Тез-тез чўккан одамларни кутқазиш ҳақида эшитарди. У ўз туғилган кунида кечқурун бўлган ҳодисани эслади. Болани ечинтириди-да, ўзининг юпқа кўйлаги билан артди. У устидаги кийимини йиртиб, илк бор кўкрагини очик осмон олдида яланғоч қилди; илк бор у тирик жоғотни яланғоч кўксига босди, афсус! Бола тирик эмас эди, Шўрлик гўдакнинг совук тани уни ич-ичигача музла-

тиб юборди. Кўзларидан дув-дув қуиилаётган ёшлар қотиб қолган бола устига қуиилиб гўё унга илиқлик ва ҳаёт бағишилагандек бўларди. У умидини узмас, болани жун рўмолига ўраб, силаб-сийпар, қўксига босар, унга пуфлар, ўпар, кўз ёшлари билан ҳеч бўлмаса ҳозир, танҳоликда, маҳрум бўлган кўмакни беришга уринарди.

Ҳаммаси беҳуда! Бола унинг қўлларида ҳаракатсиз ётар, қайқ ҳам сув юзида ҳаракатсиз турарди; бирок Оттилияning тоза қалби шунда ҳам уни мададсиз қолдирмади. У кўкка илтижо қилди. Қайқ ичидаги чўкканча тошдек қотган болани иккала қўли билан мармардек оппок, афсуски, ҳозир муздек кўкси узра кўттарди. У ёшли нигоҳини кўкка тикканча, нажотни ўша ёқдан кутар, унинг нозик қалби атрофида ҳеч бир нажот қолмаган бир пайтда карами кенг Худога умид боғларди.

У беҳудага юлдузларга ҳам илтижо қилмади, улар ҳам битта-битта миљтираб кўрина бошлишди. Енгил шамол қўзғалди ва қайиқни чинорлар томонга сурисиз кетди.

Ўн тўртинчи боб

У янги уйга томон шошилди, табибни чакирдида, болани унга тутқазди. Табиб довдираб қолмасдан одатдаги усусларни бирин-кетин қўллаб, нозик жонсиз танани жонлантиришга уринди. Оттилия унга ёрдам бераб турди; у ҳамма нарсанни келтирас, узатиб туради, гирдикапалак бўлар, аммо худди бошка бир дунёга тушиб қолгандек эди, чунки энг улкан баҳтсизлик ҳам энг улкан баҳт сингари ҳамма нарсанинг тусини ўзгартириб юборади; мана шундай уринишлардан сўнг бу меҳрибон инсон бошини чайқагач, қизнинг умидвор саволларига аввал сукут сақлаб, кейин секингина «йўқ» жавобини бергач, Оттилия, барча ишлар бўлиб ўтган Шарлоттанинг ётоқхонасини тарқ этди ва меҳмонхонага зўрға кириб бориб, диванга ҳам етмасдан гиласам устига юзтубан беҳол кулади.

Шу чоқ Шарлоттанинг келгани эшитилди. Табиб ҳаммани шу ерда қолишга ундали, ўзи эса унга ётиғи билан тушунтириш учун чиқиб кетди, лекин аллақачон у хонага кирганди. У ерда ётган Оттилияни кўрди, хизматкор қизлардан бири дод-вой солиб унинг истиқболига ташланди. Табиб кирди ва Шарлотта дархол гап нимадалигини тушунди, Лекин, наҳотки, у бутунлай умидини узса! Бу тажрибали, кўли енгил, ақлли табиб бир нарсани – болага қарамасликни ўтинди; ўзи эса қайта уринишлар билан унинг кўзини алдаш учун бола ёнига кетди. Шарлотта оромкурсига ўтирди, Оттилия ҳали ҳам ерда ётар, аммо энди гўзал бошини дугонасининг тиззасига суюб олган эди. Бечора табиб гоҳ келар, гоҳ кетар, гўё болага ғамхўрлик қилаётгандек кўринар, аслида эса аёлларга ғамхўрлик қиласарди. Яrim тун бўлди, метин сукунат борган сари чуқурлашарди. Болани энди ҳаётга қайтариб бўлмаслигига Шарлотта икрор бўлди; у болани кўрмоқчилигини айтди. Иссиққина жун адёлга авайлабгина ўраб, саватга солингган болани оромкурсига ёнига олиб келиб кўйишди; фақат юзчаси кўриниб турар, мана у чиройликкина бўлиб, жимгина ётарди.

Бахтсизлик ҳақидаги хабар қишлоқни ларзага солди ва ўша заҳоти меҳмонхонага ҳам етиб борди. Майор таниш йўлака орқали юкорига чиқиб келди; уйни айланиб ўтиб, ёндаги бинодан нимадир олишга чиққан хизматкорни тўхтатди, ундан аник маълумотларни олгач, табибни чақириб беришни сўради. Табиб чиқди, ўзининг собиқ ҳомийсини кўриб ҳайрон бўлди, унга гап нимадалигини тушунтирди ва Шарлоттани у билан учрашувга тайёрлашни бўйнига олди. У ичкарига кирди, гапни узоқдан бошлаб, диққатини бир нарсадан иккинчи нарсага тортаркан, ниҳоят, унга дўстини эслатди, унинг доимо хайриҳо бўлганлигини, руҳан, қалбан яқинлигини таъкидлади ва ҳозир ҳам ёнгинасида пайдо бўлиши мумкинлигини айтди. Қисқаси, Шарлотта дўстининг эшик ортида турганлигини, ҳамма гапдан хабардорлигини, киришга изн сўраётганини англади.

Майор кириб келди; Шарлотта у билан қайғули жилмайиш орқали саломлашди. У мурданинг юзига ёпилган яшил шойи адёлни кўтарди, Майор хира шам нурида ички титроқ билан ўзининг жонсиз нусхасини кўрди. Шарлотта унга стулни кўрсатди, шу тахлит улар жимгина тун бўйи ўтиришди. Оттилия ҳануз Шарлоттанинг тиззасида ётар, секин нафас олар, ухлаптими ёки ухлаганга ўхшайдими, билиб бўлмасди.

Фира-шира тонг отди, шам ўчди, иккала дўст худди оғир уйқудан уйғонгандек эдилар. Шарлотта Майордан хотиржам оҳангда сўради:

— Айтинг-чи, дўстим. бу қайғули маросимда иштирок этмоқ учун қайси шамол учириб бу ерларга келдингиз?

— Ҳозир, — жавоб берди Майор сўраганидек паст овозда, гўё Оттилияни уйғотиб юборишни истамагандек, — ҳозир жим туришнинг, гапнинг даромадига киришишнинг, аста-секин мақсадга ўтишнинг на ўрни, на пайти эмас. Бошингизга тушган қайғу шу даражада улканки, менинг келишимга туртки берган сабаб бу нинг олдида ўз қимматини йўқотади.

Эдуард уни нима мақсадда бу ёққа юборганини майор хотиржам, кисқа қилиб тушунтириди, бу ёққа келишдан ўз шахсий истак ва манфаати ҳам йўқ эмаслигини таъкидлади. Ҳар икковларининг мақсадларини ҳам жуда мулојим, шу билан бирга очиқласига тушунтириди; Шарлотта жимгина тинглади ва на ҳайронлигини, на ранжиганини сездирмади.

Майор сўзини тутатгач, Шарлотта унга шу қадар секин жавоб қайтарди, Майор уни яхшироқ эшитиш учун студини унга яқинроқ суришга мажбур бўлди.

— Ҳеч қачон мен бундай аҳволга тушмаганман, аммо шунга ўхаш воқеаларни кўрганимда ҳамиша ўз-ўзимга: «Эртага нима бўлади?» дея савол берганман. Бир неча одамнинг қисмати менинг қўлимда эканлигини яхши сезиб турибман; нима қилишим кераклигига менда ҳеч бир шубҳа йўқ, ҳозир буни айтаман. Мен ажрашишга розиман. Олдинроқ шу қарорга келишим керак эди; иккиланишим, қаршилик кўрсатиш им

туфайли болани ўлдирдим. Шундай нарсалар борки, уларга қисмат қаттік әваз талаб қиласы. Ақл, саховат, бурч ва шу каби илохий жиҳатлар бекорға унинг йўлига ғов бўлади: қисмат тўғри деб хисоблаган, аммо бизга нотўғри бўлиб кўринган ҳамма ишлар содир бўлиши керак; биз нима чора кўрмайлик, охир-оқибат у ўз мақсадига эришади.

Мен нималар деяпман ўзи! Аслида қисмат менинг ўз мақсадим, ўз истагимни, мен уларга қарши қанча ҳаракат қўлмайин, амалга оширяпти-ку. Ахир, ўзим Оттилия билан Эдуардни энг муносиб жуфт деб ўйламаганмидим? Ахир, уларни яқинлаштиришга ўзим уринмаганмидим? Ахир, Сиз ўзингиз, дўстим, бу режанинг гувоҳи змасмидингиз? Нега энди мен эркакнинг қайсарлигини ҳақиқий севгидан ажратолмадим? Нега мен унинг дўсти бўлатуриб, унга рози бўлдим, бунинг ўрнига уни ва бошқа бир аёлни баҳтли қилишим мумкин эди-ку? Бир қаранг, мана бу мудраб ётган шўрликка! У ўлиқ ҳолидаги уйқудан хушига келадиган лаҳзани ўйлаб ваҳимага тушяпман. Даҳшатли тасодиф қўлидаги қурол бўлиб Эдуардни тортиб олган нарсани энди ўз севгиси билан унга қайтаролмаса, бу шўрлик энди қандай яшайди, ўзини қандай юпатади? У Эдуардга бўлган севгиси, эҳтирос орқали унга ҳамма нарсани қайташиб мумкин. Агар севги ҳамма нарсага чидайдиган бўлса, Оттилия янада чидамлироқ, у ҳамма нарсани қайтара олади. Мен ҳақимда эса ҳозир ўйламанглар ҳам.

Жимгина жўнаб кетинг, кимматли Майор! Эдуардга айтинг, ажрашишга розиман, бутун ишни олиб боришни унга, Сизга, Митлерга топшираман, келажак аҳволим мени заррacha безовта қўлмайди, бундан ҳар томонлама хотиржамман. Менга келтиришадиган ҳар қандай қоғозга имзо чекаман; фақат бирор нарса қилишни, ўйлаб кўришни, маслаҳат беришни мендан талаб қилишмаса бўлди.

Майор ўрнидан турди. Шарлотта унга Оттилия устидан қўлинни узатди. У бу суюкли қўлни лабларига босди.

– Мен-чи? Мен нимага умид боғлай? – шивирлади у секингина.

– Рұхсат этсангиз, кейинрок жавоб берсам, – деди Шарлотта. – Биз гуноқкор эмасмизки, бахтсиз бўлсак, лекин бирга бахтли бўлишга ҳам лойиқ эмасмиз.

Майор чиқиб кетди, шўрлик ўлган гўдак учун қайғуриш ҳам қўлидан келмасдан Шарлоттага ичичидан ачинди. Ҳаммаларининг бахти учун бундай курбонлик зарурдек туюлди унга. У Оттилияни қўлида ўз боласи билан, Эдуарддан тортиб олган ҳамма нарсани қайтарган ҳолатда тасаввур қилди; у тиззасида ўз ўғлини, ўзига ўхшаш жиҳатлари билан ўлган боладан кўра кўпроқ ҳуқукка эга бўладиган боласини тасаввур қилди.

У меҳмонхонага қайтиш йўлида Эдуардни учратганида мана шундай умидбахш хаёллар дилини банд этганди, Эдуард бўлса, ракета отилиб ёки ўқ узилиб ишнинг ижобий якунидан хабар беради, дея бекорга Майорни ташқарида ухламай кутган эди. У бахтсиз ҳодисани эшигтан, шўрлик гўдакка унинг ҳам раҳми келмаган, бу ҳодисада, ҳарқалай бутунлай икрор бўлмаган ҳолда, унинг бахтга эришиш йўлидаги тўсиқни бир зумда олиб ташлаши мумкин бўлган тақдир аралашуви деб ҳисоблади. Унга хотинининг қарорини етказган Майор уни кишлоққа, кейин шаҳарчага қайтишга, у ерда қилинадиган ишларни муҳокама қилиб олишга Эдуардни осонгина кўндириди.

Майор чиқиб кетгандан кейин Шарлотта бир неча дақиқагина ўз хаёллари оғушида ўтириди; каттакатта кўзларини дўстига тикканча Оттилия ўрнидан кўзғалди. Аввал Шарлоттанинг тиззасидан бошини кўтарди, кейин полдан кўтарилди ва унинг олдида тиктурди.

– Иккинчи бор! – сўз бошлади дилбар қиз, беҳад ёқимли жиддийлик билан, – иккинчи бор мен билан бир хил ҳодиса содир бўлди. Сен менга бир вактлар, одамнинг ҳаётида бир хил нарса бир хил ҳолатда, бир хил вазиятларда содир бўлади, деб айтгандинг.

Кўряпманки, гапинг тўғри экан, шу муносабат билан икроримни сенга баён қилмоқчиман. Онамнинг вафотидан кейин бир куни, унда мен ҳали ёш қизча эдим, курсичамни сенга яқинроқ сурдим: сен ҳозиргидек оромкурсида ўтиргандинг; бошимни сенинг тиззангга қўйганча на уйкуда эмас, на уйғоқ эмас эдим: мудраб ётардим. Атрофимда кечаетган ҳамма нарсани, айниқса, гап-сўзларни аниқ эшишиб ётардим; аммо қимирлашга, бирон сўз айтишга мажолим йўқ, ҳатто хоҳлаган тақдиримда ҳам ҳушим ўзимда эканлигини сездира оладиган ҳолатда эмасдим. Ўшанда бир дугонанг билан мен ҳакимда сўзлашгандинг; дунёда ёлғиз қолган мендек бир етим қизнинг қисматига куйинган эдинг; ўшанда, борди-ю менинг бошимда биронта баҳт юлдузи порламаса, бировларга муте бўлиб, аҳволим қандай кечиши ҳақида гапиргандинг; сен менга нима тилаганингни, кўринишдан мендан нима талаб қилганингни ўшанда тўғри ва аниқ, эҳтимол, ўта жиддий миямга қуиб олганман.

Ўша пайтдаги содда тушунчам бўйича бу гаплардан ўзимга қонун яратиб олганман; шу қонунлар асосида яшадим, нима қилмайин, улар билан ҳисоблашдим, сен мени севган, менга ғамхўрлик қилган, мени ўз хонадонингга қабул қилган пайтингда ҳам, ундан кейин ҳам. Бирок йўлдан адашдим, ўз қонунларимни буздим, ҳатто уларни тан олмай қўйдим; мана бу даҳшатли воқеадан сўнг менинг аҳволимни ёдимга солиб қўяяпсан, ҳолбуки, энди аҳволим ўшандагидан кўра минг марта аянчлироқ. Тиззангда ётарканман, яrim ўлиқ ҳолда қулоқларим остидаги сенинг сокин овозингни худди ўзга дунёдан келаётгандек эшиздим; менга нималар бўлаётганини билиб олдим; ўз-ўзимдан қўркиб кетдим; худди ўша биринчи марта бўлганидек, яrim ўлиқ ҳолдаги уйкумда ўзим учун янги йўл кашф этдим.

Худди ўшандагидай бир қарорга келдим, қандай қарорга келганимни ҳозир билиб оласан. Ҳеч қачон мен Эдуардга тегмайман! Худо даҳшатли бир тарзда менинг гуноҳимни қўзимга яхшилаб кўрсатиб қўйди.

Мен уни юваман; ҳеч ким мени бу йўлдан қайтаришга уринмасин! Сен, азизим, қимматлигим, буни ҳисобга ол. Майорни ортига қайтар; унга ёзиб юбор, ҳеч қандай ортиқча қадам кўймасин. У кетган пайтда на қимирилашга, на туришга ҳолим етмай, қанчалар азобландим. Ўрнимдан турмоқчи, қичқирмоқчи бўлдим: сен уни бу қадар таҳқирловчи ваъдалар билан жўнатмаслигинг керак эди.

Шарлотта Оттилияning қандай ахволда эканлигини кўриб, сезиб турарди; аммо у вақт ўтиши билан панд-насиҳатлар унга таъсир кўрсатар, деб ишонарди. Шунга қарамай, келажак ҳақида, янги умидлар, ғамнинг унутилиши ҳақида сўз бошламоқчи бўлганди, Оттилия хитоб қилди:

— Йўқ! — деди у қуйиниб, — мени сўзимдан қайтаришга, мени кулдиришга уринманглар! Сен ажрашишга рози бўлган лаҳзангда мен ўша кўлда ўз гуноҳимни, ўз жиноятимни юваман.

Ўн бешинчи боб

Биргаликдаги ҳаётнинг тинч, баҳтли дамларида қариндошлар, дўстлар, оила аъзолари атрофда содир бўлаётган ва содир бўлиши лозим бўлган воқеалар ҳақида керагидан ҳам ортиқ гапиришса, орзу-ниятлари, бошлаган ишлари, машғулотлари ҳақида бир-бирларига хабар қилиб, бевосита маслаҳат қилишмаса-да, хархолда ҳамиша ҳаётий муаммолар хусусида хабарлашиб туришса-да, аммо энг қалтис вазиятларда, аксинча, одам бирорвнинг мададига энг кўп муҳтоҷ бўлган лаҳзаларда ҳар ким ўз-ӯзи билан бўлади, ҳар ким ўзича ҳаракат қиласи, ўз билганича интилади, ўзи кўллаётган воситаларни ўзгалардан сир тутади, фақат сўнгги эришилган натижани бошқаларга маълум қиласи, холос.

Бир қатор ғаройиб ва қайғули воқеалардан кейин ҳамширалар ҳаётида аллақандай жиддийлик ва ўйчанлик пайдо бўлди, улар бир-бирларини аяр ва меҳрибонлик кўрсатишарди. Шарлотта боланинг то-

бутини ими-жимида черковнинг меҳробига жўнатди. У ўша жойда аччик қисматнинг дастлабки қурбони сифатида абадий уйкуда ётарди.

Шарлотта иложи борича турмуш ташвишларига қайтди, унинг кўмагига муҳтоҷ бўлган биринчи одам Оттилия деб билди. Унга сездирмаган ҳолда бутун дикқат эътиборини шу қизга қаратди ва мўъжизакор қиз Эдуардни нечоғлик севишини у биларди; баҳтсизлик юз беришидан олдин нималар бўлганини астасекин, бир қисмини Майорнинг хатларидан билиб олди. Оттилия ҳам ўз навбатида Шарлоттанинг кундалик ҳаётини енгиллатишга уринарди. У хийла очилиб, сўзамол бўлиб қолган, зинҳор ҳозирги ёки сал олдинги воқеалар ҳакида гапирмасди. У ҳамиша эътиборли, ҳамиша кузатувчан эди, кўп нарсани биларди; буларнинг бари мана энди юзага чикаяпти. У ҳануз ўзича бу дилбар жуфтни қовуштириш умиди билан яшаётган Шарлоттанинг кўнглини топиш, уни чалғитишга уринарди.

Аммо Оттилиянинг қалбини бошқа нарсалар банд этганди. У дугонасига ўз ҳаёт йўлининг сирини очди; илгариги тортичоклик, тобелик одатларини тарк этди. Ўз пушаймони туфайли, ўз қатъйилиги туфайли ўзини гуноҳи, ўз баҳтсиз қисмати юқидан озод бўлгандек ҳис этди. У энди ўз-ўзини зўрламасди; қалбининг тубтубидан факат маҳрум этиш шарти билангина ўз гуноҳини кечирди ва бу шартни умрбод бузмасликка онт ичди.

Шу тахлит хийла вақт ўтди ва Шарлоттага уй, парк, кўл, қоялару дарахтлар икковининг ҳам ғамли хотираларини кундан-кунга янгилаётгандек туюлди. Уларга жойни ўзгартириш кераклиги аниқ эди, лекин буни қандай қилиш йўлини топиш осон эмасди.

Иккала аёл бирга қолаверишсинми? Эдуарднинг дастлабки истаги шу эди, унинг изоҳларию таҳдидлари шуни талаб қиласарди; иккала аёлнинг диллари ҳар қанча соғ бўлмасин, ҳар қанча мулоҳазали бўлмасинлар, ҳар қанча ҳаракат қиласинлар, ахир қандай қилиб улар қийин аҳволда ёнма-ён яшашлари

мумкин? Сўзлашишганда ҳам улар ҳамма гапни очиқ-ойдин айтишмасди. Гоҳида бирор гапни тўлиқ тушунишни ҳам хоҳлашмас, кўпинча бирорта тушунча ақл билан бўлмаса ҳам, хиссиёт билан нотўғри талқин қилинарди. Улар бир-бирларини ранжитиб қўйишдан кўркиб туришар, айни мана шу қўркув энг аввало ранжишга сабаб бўларди.

Борди-ю, жойни ўзгартириш, ҳеч бўлмаса қисқа муддатга айрилиш ҳақида гап кетса, Оттилияни каёкка жўнатиш керак, деган эски муаммо яна кўндаланг бўларди. Анави обрўли, бой оила, яккаю-ягона меросхўр қизлари тарбияси учун киришимли, иктидорли қизларни кидиришарди. Охирги ташрифлари чоғидаёқ, кейин хатларида ҳам Баронесса Оттилияни ўша ёққа юборишни Шарлоттага таклиф қилган эди, энди Шарлотта тағин шу ҳақда оғиз очди.

Оттилия олий табака деб аташ расм бўлган даврага дуч келадиган жойга боришдан кескин бош тортди.

— Қимматли хола, менга имкон беринг, — ўтиндигу, — аҳмоқ ёки қайсар бўлиб кўринмаслигим учун бошқа вазиятларда тилга чиқармаслигим, ичимда саклашим лозим бўлган гапни айтай. Батамом баҳтсиз бир одамга, ҳатто унинг ҳечам гуноҳи бўлмасада, ёмонлик тамғаси босилади. У қаерда ҳозир бўлса, уни кўрган, уни билган одамларда даҳшат туйғусини уйғотади. Ҳар қандай одам гўё унда елкасига тушган даҳшатли юкни кўраётгандек бўлади; ҳар қандай одам ҳам қизиқади, ҳам даҳшатга тушади. Бирон ваҳимали ҳодиса содир бўлган ҳар қандай хонадон, ҳар қандай шаҳарга кирадиган одам кўрқувга тушади. У ерда кундуз куни ҳам ёруғ эмасдек, кечалари юлдузлар ҳам яракламаётгандек туюлади.

Бундай баҳтсизларга нисбатан одамларнинг ножӯя муносабатлари, бемаъни суллоҳликлари, аҳмокона меҳрибончиликлари қай даражада эканлиги, эҳтимол, маълум маънода кечиримлидир! Бундай гапираётганим учун афв этинг; лекин мен ҳув ҳалиги шўрлик қиз учун озмунча қийналувдимми, Лютсиана уни энг яхши ниятлар билан бекиниб олган хонасидан

олиб чикиб, унга меҳрибонликлар кўрсатиб, ўйинга, рақсга аралаштиrmоқчи бўлганди. Шўрлик қизчанинг кўркуви борган сари ортиб, охири беҳуш йикилганида, мен уни ушлаб қолганимда, даврадагилар кўркиб, ҳаяжонланиб, ҳаммалари баҳтсиз қизга қизиқиш билан қараганларида, бир кун келиб, мен ҳам шу холга тушаман, деб ҳеч ўйламагандим; аммо унга жуда-жуда раҳмим келгани ҳозир ҳам аниқ-тиник эсимда. Энди ўша раҳм-шафқатимни ўзимга қаратишим ва худди ўшандай ахволга тушишга йўл қўймаслик учун эҳтиёт бўлишим керак.

— Лекин сен, азизим, — жавоб берди Шарлотта, — одамларнинг назаридан ҳеч қаерда кутуломайсан. Илгарилари шундай туйғулар билан паноҳ топиладиган монастирлар бўларди, ҳозир шулар ҳам йўқ.

— Ёлғизлик — паноҳ эмас, холажон, — деди Оттилия, — энг яхши паноҳ — биз бемалол, фаол меҳнат киладиган жой. Ҳеч қандай тавба-тазаррулару ҳеч қандай жудоликлар ҳам, агар пешанамизга ёзилган бўлса, аччиқ қисматдан бизни кутқазолмайди. Мен олий даврадан кўрқаман, уни ёмон кўраман, бирор иш қилмай факат унга томоша бўлиб ўтиришни хоҳламайман. Кўнглимга ёқадиган иш, ўз бурчимни бажариш устида ҳар қандай кишининг назарига бардош бера оламан, негаки унда Худонинг назаридан кўркмайман.

— Пансионатга қайтиб боришга кўнглинг борми, — деди Шарлотта, — ёки мен адашаяпманими?

— Ҳа, — деди Оттилия, — инкор қилмайман; агар одам ўзи ҳаддан ташқари бошқача йўл билан тарбия килинган бўлса-да, бошқаларни одатий йўл билан тарбия киладиган одамни баҳтли инсон деб ҳисоблайман. Улкан руҳий изтиробларга дучор бўлган одамларнинг сахрога бош олиб кетишгани, аммо у ерлардан ўзлари умид қилган бошпанани, паноҳни тополмаганлари бизга тарихдан маълум эмасми, ахир? Адашганларни тўғри кўлга солмоқ учун уларни яна қайтариб олиб келишган; ҳаётда йўлдан тойиш нималигини билгандардан кўра ким ҳам буни яхширок англарди! Уларни

бахтсизларга күмак беришга чақириши; бу дунёning азоблари бошига тушмаган одамдан ўзга кимнинг ҳам бу иш қўлидан келарди!

— Сен одатдан ташқари йўлни танлаяпсан, — деди Шарлотта, — сенга қаршилик килмайман; майли, шундай бўлақолсин, ҳар қалай қиска муддатга деб умид киламан.

— Сиздан беҳад миннадорман, — деди Оттилия, — Сиз менга бу тажрибани синаб кўришга рухсат беряпсиз. Мақтанчоклик бўлмасин-у, бу кўлимдан келади, деб ўйлайман. У ерда айрим имтиҳонларни қандай топширганимни, улар кейинчалик менинг бошимга тушган синовлар олдида арзимас майдა-чўйда нарсалар эканлигини хотирлайман. Ёш шогирдларимнинг довдирашларини жилмайиб кузатаман, болаларча ташвишларидан қуламан ва уларни майдა-чўйда адашишларидан меҳрибонлик билан халос этаман. Бахтли одам баҳтлиларни бошқариш учун яратилмаган: ўзи қанчалик кўп нарсага эга бўлса, ундан ҳам кўпроқни ўзидан ва ўзгалардан талаб қилиш одамнинг табиатига хос нарса. Кўргуликларни бошдан кечирган жабрдийда одамгина арзимаган яхшиликларни ҳам шукроналиқ билан қабул қилиш лозимлигини ўзига ва ўзгаларга сингдиришни билади.

— Рухсат берсанг, — деди Шарлотта бироз ўйланиб тургач, — сенинг ниятингга қарши мен учун муҳим туғулган бир фикрни билдирсам. Гап сен ҳақингда эмас, учинчи бир киши ҳақида. Меҳрибон, камтар, кўнгли очик устозингнинг туйғулари сенга маълум; ўзинг танлаган йўлда сен кундан-кунга унинг учун азизрок ва зарурроқ бўла борасан. Унинг ҳис-туйғуларига қараганда ҳозироқ сенсиз яшаётган экан, демак у келажакда ҳам, сенинг ёрдамларингга одатланиб қолгач, ортиқ ўз юмушини бошқаролмай колиши мумкин. Сен дастлаб унинг ишларida мададкор бўласан, кейин ўша иш унга азобга айланади.

— Такдир менга кулиб бокмади, — деди Оттилия, — мени севадиган одам пировардида бундан ҳеч бир яхшилиқ кутмаслиги керак. У дўст сифатида шундай

яхши, ақлли, ишонаманки, унда менга нисбатан худди шундай тоза түйғу ҳам юзага келади; агар у ўзини атрофимизни ўраб турган, бизни бало-қазолардан, ёвуз кучлардан асрайдиган ягона Худога бағишилаган бўлса, унда шу орқали эҳтимол ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам барча ёмонликлардан ҳалос қила оладиган, илоҳий кудратга эга бўлган шахсни менда кўради.

Шарлотта бу дилбар қиз чин юракдан изҳор қилган сўзларни мулоҳаза қилиб кўришга қарор қилди. У бир амаллаб, беҳад эҳтиёткорлик билан, Оттилия ва Эдуардни яқинлаштиришнинг иложи бор-йўқлигини билишга уриниб кўрди; бироқ энг сезилмас эслатиш ҳам, озгина умидворлик ҳам, арзимаган шубҳа ҳам Оттилиянинг дилини қаттиқ оғритарди, охири у бир куни чидаёлмасдан бу ҳақда очиқ-ойдин гапирди-кўйди:

— Борди-ю, Эдуарддан воз кечиши ҳақидаги қароринг қатъий ва ўзгармас бўлса, унда у билан учрашиш хавфидан эҳтиёт бўл. Ҳиссиётларимиз қанчалик чукур бўлса, севган кишимиздан узокда ўз-ўзимизни идора қилишимиз шунчалик осон бўлади, ўшанда илгари юзага чиқиб келган туйғуларимизнинг бутун кудратини ичга ютамиз; аммо бундай хато тасаввуримиз нақадар тез, бир лаҳзада ғойиб бўлади-да, воз кечамиз деб ишонган одамимиз тағин кўз олдимиизда шундок намоён бўлади. Ҳозирги аҳволингда нимани лозим кўрсанг ўшани қил; ўзингни синаб кўр, яхшиси ҳозирги режангни ўзгартир; факат шуниси борки, бу ишни эмин-эркин, қалбинг буюрганидек қил. Эҳтиёт бўл, бирор кутилмаган ҳодиса сени аввалги ҳолингга қайта тушириб кўймасин; унда қалбингда енгиб бўлмас иккиланиш пайдо бўлади. Айтиб ўтилганидек, модомики, сен шу қадамни кўяр экансан, модомики, сени, Худо билади, қай йўлларга етаклайдиган янги ҳаёт бошлар экансан, тағин бир бор ўйлаб кўр, ростдан ҳам Эдуарддан бир умрга воз кеча оласанми. Ростдан ҳам шу қарорга келган бўлсанг, унда келишиб олайлик, сен у билан ҳеч қандай алоқа қилмайсан, ҳатто у сени излаб топса ҳам, ҳатто у зўрлаб ёнинигта келса ҳам, у билан гаплашмайсан.

Оттилия ҳеч иккиланмасдан шу захотиёк, илгари ўз-ўзига сўз берганидек Шарлоттага сўз берди.

Эдуарднинг ўша таҳди туфайли Шарлотта ичдан хижолатда эдики, ўшандада у, ҳамонки Оттилия Шарлоттанинг ёнида қолаверар экан, ундан ҳечам воз кеча ол-маслигини айтган эди. Ундан бери, албатта, вазият шу кадар ўзгариб, шу кадар кўп воқеалар бўлиб ўтдики, айни пайтдаги кайфият таъсирида оғиздан чиқиб кетган сўзларни бундан кейин аҳамиятини йўқотган, деб ҳисобласа ҳам бўлаверарди; шунга қарамай, унинг на бирон ҳаракатга журъати етар, на ўзича бирон иш қила олар, салгина бўлса-да, Эдуардни хафа қилиб қўйинишдан чўчириди, шунинг учун Эдуарднинг бу борадаги фикрини билиб келишни Митлер ўз бўйнига олди.

Гўдак ўлгандан кейин Митлер Шарлотта олди-га, бир зумга бўлса-да, тез-тез келиб турарди. Эр хотиннинг қайта ярашишини энди гумон қилиб қўйган бу баҳтсиз ходиса унга жуда каттиқ таъсир қилди; лекин ўз тушунча тарзига кўра ҳамон умид узмай ҳаракат қилар, шу сабабли Оттилиянинг қароридан хурсанд бўлди. У вактнинг даволовчи кудратига ишонар, эр хотинларни қайта ярашириш ҳақида мудом тиришар, бўлаётган эҳтиросли хатти-ҳаракатларга икки қалб севги ва садоқатининг синови деб кааради.

Шарлотта Оттилиянинг дастлабки дил изхоридан кейинок Майорга хат орқали маълум қилди, Эдуардга буни тушунтириб қўйишни, унинг ортиқча бирон қадам қўймасдан, дилбар қизнинг рухиятида ўзгариш бўлиш-бўлмаслигини жимгина кузатишни ундан ўтиниб сўради. Кейинги воқеалар ва ниятлар ҳақида ҳам энг муҳим гапларни етказди ва, шубҳасиз, Митлерга, энг қийин вазият ўзгарганлигини Эдуардга ётиғи билан тушунтириш вазифаси юклangan эди. Митлер яхши билардики, одам ҳали юз бермаган воқеаларга розилик беришдан кўра бўлиб ўтганларига осонрок кўникиши мумкин, шуни ҳисобга олиб,

Шарлоттадан, Оттилияни зудлик билан пансионатга жўнатиб юборишни илтимос қилди.

Шу сабабли, у жўнаб кетганиданоқ йўл тадориги кўрила бошланди. Оттилия нарсаларни йиғиштиришга тушди, Шарлотта пайқадики, Оттилия на чиройли сандикчани, на унинг ичидаги буюмлардан биронтасини олишга уринмасди. Шарлотта индамай нима қилишни қизнинг ўзига кўйиб берди. Жўнаб кетадиган кун етиб келди; Шарлоттанинг каретаси Оттилияни биринчи куни таниш меҳмонхонагача, иккинчи куни пансионатгача элтиб қўйиши керак эди. Нанни ҳамроҳ бўлиб бориши ва унга хизматкор бўлиб қолиши лозим эди. Жўшқин табиатли қиз гўдак ўлгандан кейиноқ Оттилия олдига қайтиб келиб, унга худди илгаригидек бутун қалбию вужуди билан боғланиб қолди; у сўзамоллиги билан Оттилияни чалғитиб, гўё бўлиб ўтган воқеаларни унинг кўнглидан чиқармоқчи, ўзини суюкли бекасига тамоман бағишлиамокчидек эди. У бекаси билан бирга кетаётганидан, янги жойларни кўришидан ўзида йўқ хурсанд эди, чунки шу пайтгacha туғилиб ўсган гўшасидан хеч каёқка чикмаганди, у қасрдан қишлоғига қараб, ўз кувончини ота-оналари, қариндошларига билдириш ва улар билан хайрлашиш учун югуриб кетди. Бахтга қарши у йўлакай қизамиқ билан оғриган беморлар ётган хонага кирди ва қасалликни юқтириб олди. Саёҳатни кейинга қолдириб бўлмасди; Оттилия ҳам буни талаб қилди; у бу йўлдан илгари юрган, тунаши керак бўлган меҳмонхона ходимларини ҳам биларди. Уни Шарлоттанинг ҳайдовчиси олиб борар, хавотирланишга урин йўқ эди.

Шарлотта қаршилик қилмади; ҳаёлан унинг ўзи ҳам бу ерлардан кетишга ошикар, фактат қасрдаги Оттилия яшаган хоналарни Эдуарднинг келишига тайёрлаб, Капитан келгунга қадар улар қандай бўлса, шундай ҳолатга келтириб қўймоқчи эди. Қадимги бахтсаодатни қайта тиклаш умиди одамда ҳамиша алангланиб туради, Шарлоттанинг ҳам бундай умидга ҳакқи бор эди, вазият шуни тақозо қиласди.

Ўн олтинчи боб

Митлер Эдуард билан гаплашгани келганида у ёлғиз, столга суюниб, ўнг қўлини бошига тираганча ўтиради. Кўринишдан изтироб чекарди.

— Бош оғриғингиз тағин қийнаяптими? — сўради Митлер.

— Ҳа, қийнаяпти, — жавоб берди у, — лекин бундан шикоят қилмайман, чунки у менга Оттилияни эслатади. Эҳтимол у ҳам хозир азобланаётгандир, деб ўйлайман, чап қўлини бошига тираганча мендан ҳам баттар азоб чекаётгандир. Нега энди мен ҳам у сингари оғриқка тоқат қилмайин? Бу оғриқлар менга гўё малҳам, айтишим мумкинки, ҳатто қўнглимдаги истак; негаки ундаги сабр-тоқат бошка барча хислатлари билан бирга кўшилиб, кўз олдимда янада кучлироқ, аникроқ, яққолроқ намоён бўлади; биз қайғу-алам чоғидагина уларни енгишда жуда зарур бўладиган улуғ сифатларни бутун борлиғича ҳис этамиз.

Митлер дўстини бу даражада тақдирга тан берган ҳолатда кўргач, дарҳол ўзига берилган топширикни бажаришга киришди, у гапни шошилмай, аёлларда бу фикр қандай пайдо бўлганидан бошлаб, аста-секин қай тарзда пишиб етилганигача бир бошдан тушунтирди. Эдуард деярли гап кўшмади. У айтган биринки оғиз сўздан маълум бўлдики, у бутун ихтиёрни ўшаларга қолдиради; бошидаги хозирги оғриқ гўё уни ҳамма нарсага нисбатан бефарқ қилиб кўйган эди.

Аммо ёлғиз қолган заҳотиёқ ўрнидан сакраб турдида, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У оғриқни ортиқ ҳис этмас, ўзини тамоман унугланади. Митлернинг ҳикоясини тингларкан, бутунлай хаёл оламига шўнғиди. У Оттилияни ёлғиз ёки деярли ёлғиз ўша таниш йўлкада, хоналарида кўп марталаб бўлган таниш меҳмонхонада тасаввур қиласди; у ўйлар, мулоҳаза юритар ёки бўлмаса тўғрироғи ўйламасди ҳам, мулоҳаза ҳам қилмасди, у хоҳларди, истарди, холос. У Оттилияни кўриши, у билан гаплашиши керак эди.

Нега, нима сабабдан, бунинг натижаси нима бўлади, бу ҳақда ўйламасди. У ўз-ўзига қаршилик қилмас, шундай қилиши керак, вассалом.

Унинг мақсадини тушунган хизматкори Оттилия жўнайдиган кун ва соатни дарҳол билиб келди. Тонг отди; Эдуард ҳеч қандай кузатувчисиз, Оттилия тунайдиган жойга отда жўнаб кетди. У айни вақтида ўша ерга етиб борди; ҳайрон бўлган меҳмонхона бекаси уни қувониб кутиб олди; у Эдуард олдида катта оиласий қувонч учун бурчли эди: Эдуард бу аёлнинг жангда жасорат кўрсатган аскар ўғлига елиб-югуриб жасорат медали олиб берган, унинг қаҳрамонлигига ёлғиз гувоҳ бўлганлигидан, айрим тўсиқ бўлувчиларни енгиб ўтиб, бу ҳақда ўзи лашкарбошигача хабар қилган эди. Бека қандай қилиб Эдуарднинг кўнглини топишни билмасди. У дарҳол юваниш-тараниш хонасини тартибга келтирди, шу ер кийим илиш ва буюмларни саклаш учун ҳам хизмат қиларди; лекин Эдуард унга бир хонимнинг келиши, шу ерда тўхташи ҳақида ҳабар берди-да, ўзи учун орқа тарафдаги эшиги коридорга очиладиган хонани наридан-бери тайёрлашни илтимос қилди. Булар bekaga ғалати туюлди, аммо барча ишларга қизиқиб аралашаётган ҳомийсига маъкул бўладиган бирон нарса қилиш унга хуш ёқарди. Эдуард бўлса! Кеч тушунга қадар йилдек чўзилган вақтни қандай ҳиссиётлар билан ўтказди у! Оттилияни қўриши керак бўлган хонани синчиклаб кўздан кечирди; хона беҳад оддий бўлса-да, унга илоҳий бир гўша бўлиб туюларди. У нималарни ўйламади дейсиз, куттилмаганда учраб Оттилияни ҳайрон қолдирсинми ёки уни огоҳлантирсинми! Ниҳоят, кейинги фикр енгди; ўтирди-да, ёзишга тушди. Оттилияни мана шу қофоз қарши олиши керак эди.

Эдуарддан Оттилияга

«Сен бу мактубни ўқиётганингда, маҳбубам, мен яқингинангда бўламан. Кўрқма, даҳшатга тушма; мендан қўрқишингга ҳожжат йўқ. Мен ёнингга бостириб кирмайман. Ўзинг рухсат берсанггина кўринаман.

Аввало ўзингнинг ҳам, менинг ҳам аҳволимизни ўйлаб кўр. Ҳали қатъий қарорга келмаганинг учун сендан қанчалар миннатдорман, аммо ўша қабул қилган қароринг ўта жиiddий. Ундай қилема! Шу ерда, ўзига хос икки йўл ўртасида тагин бир ўйлаб кўр: менини бўла оласанми, менини бўлишни истайсанми? О, сен ҳаммамиз учун улуғ савоб иш қилишинг мумкин, мен учун эса чексиз-чегарасиз савоб иш.

Рухсат этсанг, мен сени тагин кўрай, қувонч билан кўрай. Рухсат этсанг, мен сенга шу илоҳий саволни ўзим берай, сен ҳам менга жавобни ўз илоҳий оғзинг билан бер. Кел менинг бағримга, бу ерда сен неча бор тин олгансан, бу ер сенинг ўз ўрнинг!»

Ёзаркан, уни шундай ҳиссиёт чулғадики, гўё энг юксак орзуси мана-мана ушаладигандек, истаги рўёбга чиқадигандек эди. У мана шу эшикдан киради, хатни ўқийди, мен унинг сиймосини кўришни жуда-жуда орзу қилганимдек, у чиндан ҳам мана шу ерда, менинг рўпарамда туради. У ҳамон ўша-ўшамикан? Унинг қиёфаси, ҳис-туйғулари ўзгармадими кан? У ҳали ҳам ручкани кўлида ушлаб турар, хаёлида кечган гапларни ёзмоқчи эди, аммо шу аснода карета ҳовлига кириб келди; у шоша-пиша хатига қўшимча қилди: «Етиб келганингни эшилдим. Бир зумга хайр!»

У хатни буклаб устига ёзди; сурғичлашга энди кеч эди. Коридорга чиқиб кетиш мумкин бўлган хонага ўзини урди, шунда бирданига стол устида соат билан муҳрни қолдирганини эслади. Оттилия аввал уларни кўрмаслиги керак эди; у лип этиб ортга қайтди-да, буюмларни олиб кетишга улгурди. Аллақачон йўлакадан меҳмонни хонасига бошлаб келаётган беканинг овози эшилтилди. Эдуард хонасига шошилди, лекин эшик бекилиб қолганди. У хонага отилиб кираётганда калит ерга тушиб кетган, ҳозир ичкарида қолганди; кулф шараклаб бекилди ва у эшик олдида михлангандек қолди. Эшикни зўр бериб итарди, аммо фойдаси бўлмади. О, у шарпага айланиб, кулфнинг тешигидан ўтиб кетишни шунчалар истардики! Аммо бефойда!

У юзини эшик кесакисига томон бурди. Оттилия кириб келди, Эдуардга кўзи тушган бека чиқиб кетди. Ортиқ Оттилиядан яширинишга унинг иложи йўқ эди. У қизга томон бурилди ва иккала ошиқ-маъшуқлар ғалати бир тарзда юзма-юз туриб қолишиди. Оттилия на олдинга, на орқага бир қадам ҳам ташламай тинч ва хотиржам унга тикилганча турарди, у қизга томон яқинлашишга ҳаракат қилганди, киз бир-икки қадам орқага чекинди. У ҳам ортига қайтди.

– Оттилия, – хитоб килди у, – изн бер, бу даҳшатли сукунатни бузай! Наҳотки, биз юзма-юз турган соялар бўлсан? Аввало гапимга қулок сол! Мени бу ерда кўриб турганинг – бу тасодиф. Ёнингда хат ётипти, у сени огохлантириши керак эди. Ўки уни, ўтинаман сендан, уни ўки! Ундан кейин нимани лозим топсанг, шуни кил.

Оттилия хатга назар ташлади, бироз ўйланиб тургач уни очди-да, ўкиди. Хатни ўқиркан, юзидағи ифодаси ҳам ўзгармади ва уни тағин бир четга суреб қўйди; кейин кўлларини юқорига кўтариб, кафтларини бир-бирига жипслаштириди-да, кўксига қўйиб, бироз олдинга энгашди ва ўтинаётган кимсага шундай нигоҳ билан боқдики, у нима истайдиган, нима талаб киладиган бўлса, ҳаммасидан воз кечишга мажбур бўлди. Оттилиянинг имоси унинг юрагини эзib юборди. У кизнинг қиёфасига, туришига тоқат қилолмасди. Киз шундай ҳолатда эдики, агар у зўрлайдиган бўлса, тиз чўкарди гўё. У саросимада эшикка томон шошилди ва қиз ёлғиз қолмаслиги учун унинг ёнига bekani юборди.

Ўзи йўлакада у ёқдан-бу ёққа юарди. Тун чўкди, хона ичи жимжит эди. Ниҳоят, бека чиқиб келди-да, ердан калитни олди. Шўрлик аёл ҳаяжонланган, саросимада нима қилишини билмасди. Охири кетаётиб калитни Эдуардга узатди, бу олмади. Бека шамни колдирди-да, ўзи кетди.

Фам-ғуссага ботган Эдуард ўзини Оттилиянинг остонасига ташлади ва у ерни кўз ёшлари билан хўл килди. Бирор марта ҳам икки ошиқ-маъшуқ тунни

шунчалик яқин жойда, қайғу билан ўтказишмаган бўлса керак.

Тонг отди; кучер кетишга шошиларди, бека хонани очди-да, ичкарига кирди. Оттилия ечинмасдан ухлаб ётарди, бека қайтиб чиқиб, Эдуардни меҳрибонларча жилмайиб имлади. Икковлари ухлаётган кимса ёнига киришди; шу манзарага ҳам Эдуард тоқат қилолмасди. Бека уйқудаги қизни уйғотишига кўнгли бўлмай рўпарасига ўтириди. Нихоят, Оттилия чиройли кўзларини очиб ўрнидан турди. У нонуштани рад қилди, шу аснода Эдуард кириб келди. У Оттилиядан атиги бир оғиз сўз айтишини, ўз истагини баён қилишини ўтиниб сўради. Унинг барча истакларига бўйсунишини айтиб ялинди; аммо қиз жим. Эдуард тағин бир бор ундан мулоим ва қатъий оҳангда, қиз унга ўзини бағиашлашни хоҳлайдими-йўкми деб сўради. Қиз бениҳоя мафтункорлик билан назарини ерга олиб боши билан рад жавобини берди! Эдуард ундан пансионатга кетаяпсанми, деб сўради. Қиз локайдлик билан «йўқ» ишорасини қилди. Эдуард ундан, Шарлоттанинг ёнига қайтариб олиб бориб кўйишимга рухсат берасанми, деб сўраганида, дарҳол бош силкиб розилик берди. Эдуард кучерга буйрук бериш учун деразага томон шошилди; бироқ Оттилия хонадан яшин тезлигига отилиб чиқиб зинадан югуриб тушди-да, каретага ўтириди. Кучер йўлни қасрга томон бурди; Эдуард отда улардан сал кейинда йўлга тушди.

Ўн еттинчи боб

Оттилияning қасрга қайтганини ва Эдуард ҳам отда қаср ҳовлисига унинг изидан кириб келганини кўрган Шарлотта шунчалик ҳайратландиди! У эшикка томон шошилди: Оттилия каретадан тушиб, Эдуард билан бирга унга яқинлашарди. У қаттиқ ҳаяжон ичиди эр-хотинларнинг қўлларидан тутиб, уларни бирлаштириди-да, ўз хонасига югуриб кириб кетди. Эдуард Шарлоттанинг бўйнига осилиб юм-юм

йиғлади; у ҳеч нарсаны түшунтиrolmas, унга нисбатан сабрли бўлишини, Оттилияга ғамхўрлик қилишини, унга ёрдам беришини ўтинарди. Шарлотта Оттилия-нинг хонасига шошилди, у ерга кириб ҳайратдан қотиб колди: ҳамма нарса йиғиштирилган, факат яланғоч деворлар колган эди. Хона кенгайиб, файзсиз бўлиб қолганди. Ҳамма нарса олиб чиқиб кетилган, ёлғиз сандиқчагина, қаерга қўйишни билишмаган шекилли, хона ўртасида туарди. Оттилия боши ва қўлларини сандиқча устига қўйганча полда ётарди. Шарлотта унинг тепасида гирдикапалак бўлиб, нима бўлганини сўради, аммо жавоб ололмади.

У Оттилия ёнида нонушта кўтариб кирган хизматкор қизни колдириб, Эдуард томон шошилди. Уни залдан топди, у ҳам ҳеч нима гапирмасди. У Шарлотта олдида тиз чўкиб, қўлларини кўз ёшлирига кўмди, кейин ўз хонасига учиб кириб кетди, Шарлотта кетидан кирмокчи эди, унинг хизматкорига дуч келди, у бўлган воқеани билганича айтиб берди. Қолган гапларни ўзи хаёлан мулоҳаза қилди-да, вазият нимани талаб қилса, зудлик билан амалга оширишга киришди. Оттилияning хонаси тезда қайта жихозланди. Эдуарднинг хонаси эса, кандай таштаб кетган бўлса, шундайлигича, ҳатто бир парча коғозгача сакланган эди.

Мана энди учовлари ҳам қайта топишгандек, факат Оттилия ҳамон жим, Эдуарднинг бўлса, ўзида адо бўлган сабр-токатни нуқул хотинидан сўрашдан бошка нарсага кучи етмасди. Шарлотта Митлер билан Майорга одам жўнатди. Унисини топишолмапти, буниси етиб келди. Эдуард Майорга юрагида борини тўкиб солди, майда-чуйда тафсилотларгача айтиб берди, шу тахлит Шарлотта нима бўлганини билиб олди, бу нарса аҳволни тамоман ўзгартириди ва кўнгилларни нотинч қилди.

Шарлотта эрига ўта меҳрибонлик билан муомала киларди. У эридан факат битта нарсани: ҳозирча қизни безовта қилмасликни ўтинди. Эдуард хотинининг кадр-кимматини, меҳр-муҳаббатини, акл-фаросатини ҳис этар, аммо ундаги эҳтирос ҳаммасидан кучлилик

киларди. Шарлотта уни ишонтирди, ажрашишга розилик бераман, дея ваъда берди. Эдуард ишонмади; у шу даражада бемор эдики, умид ва ишонч уни бирдек тарк этганди; Майорга қўлингни таклиф қил, дея у Шарлоттани зўрлашга тушди; уни телбаларча тажанглик чулғаб олганди. Уни юмшатиш, тинчлантириш мақсадида Шарлотта унинг таклифини бажарди. У Майорга қўлини ваъда килди, шу шарт биланки, Оттилия ҳам Эдуардга турмушга чиқишга рози бўлсин, бундан ташқари, эркакларнинг ҳозирча бирор ёқка саёҳатга жўнаб кетишини ҳам талаб қилди. Майорга саройдан топшириқ берилган. У чет элга кетмоқчи экан, Эдуард унга ҳамроҳлик қилишга ваъда берди. Тайёргарлик кўриш асносида анча тинчланишиди, ахир ҳарқалай нимадир қилинаётган эди-да.

Бу орада Оттилияning ҳеч нарса еб-ичмаётгани сезилмай қолмади, у ҳамон жим эди. Уни гапга солишга уринишса, безовталанаар, шунда уни тинч қўйишарди. Ахир ҳаммамиизда ҳам шунака ожизлик бор эмасми, одамнинг кўнглини оғритмаслик учун уни қийнамасликка ҳаракат қилмаймизми? Шарлотта жуда кўп йўлларини ўйлаб кўрди, ниҳоят пансионат бошлигининг ёрдамчисини таклиф қилиш керак, деган фикрда тўхтади, негаки у Оттилияга таъсир ўтказа олар, Оттилияning у ёкка бормагани туфайли дўстона мактуб ёзган, аммо мактуб жавобсиз қолган эди.

У тўсатдан келиб қолса Оттилия ҳайрон бўлмаслиги учун бу режа ҳакида Оттилия ҳузурида сўз очишиди. У афтидан бунга рози эмас шекилли, ўйга чўмид қолди; охири бир қарорга келди чоғи, хонасига югуриб кириб кетди ва кеч тушмасдан олдин йигилганларга куйидаги битикни юборди:

Оттилиядан дўстларига

«Ўз-ўзидан тушунарли бўлган нарсани, азизларим, очиқ айтишининг нима кераги бор? Мен ўз йўлимдан четга чиқдим, энди унга қайтмайман. Ҳаттоди ўз-ўзимни енгган тақдиримда ҳам менга ҳукмини ўтказиб

олган ёвуз бир күч ташқи томондан халақит берәёт-
гандың үхшайды.

Эдуардга рад жавоби бериш, ундан узоклашиш
истаги менда тамоман соф эди. Уни қайта учратаман
деб ўйламагандым. Вазият бошқача бўлди; у ўз
иродасига қарама-қарши ўлароқ менинг йўлимда пайдо
бўлди. У билан гаплашмаслик ҳақидаги ваъдамни,
эҳтимол, мен сўзма-сўз қабул қилгандирман. Ўша
пайтда ҳис-туйгу ва виждан амрига қулоқ тутиб гап-
тирмадим, дўстимнинг ҳузурида гунг бўлиб турдим,
мана энди гапирадиган гапим ҳам ийк. Эҳтимол, ким-
дир билиб туриб, чуқур мулоҳаза билан ўз бўйнимга
оладиган роҳибона қасамни тасодифан, ҳиссиётларга
берилиб елкамга олгандирман. Қалбим буюргани-
ча унга риоя қилишимга имкон беринглар. Ҳеч ким-
ни воситачи қилманлар! Мени зўрлаб гапиришига,
эҳтиёжимдан ортиқ еб-ичишига мажбур қилманлар.
Шу муддатни ўтказиб олишимга сабр-тоқатларинг,
марҳаматларинг билан кўмак беринглар. Мен ёши-
ман, ёшлиқда совайши осон кечади. Ўз ҳузурларингда
менга тоқат қилинглар, муҳаббатларинг билан мени
севинтиринглар, сұхбатларинг билан менга таъсир
ўтказинглар, аммо ички оламимни ўзимга қўйиб бе-
ринглар!»

Эркакларнинг кўпдан бери тайёргарлик кўрилаёт-
ган саёҳати қолдирилди, чунки Майорнинг чет элга
берилган топшириғи кечиктирилган эди. Эдуард учун
айни муддао! Оттилияning хати туфайли янгидан
ҳаяжонга тушган, унинг таскин берувчи, умид бағиш-
ловчи сўзларидан қайтадан руҳланган, кутишга тағин
қатъий қарор қилган Эдуард тўсатдан ҳеч қаёққа кет-
маслигини айтди.

– Қандай аҳмоклик, – хитоб қилди, – энг муҳим,
энг керакли нарсани атайлаб, бемаҳал улоқтириб таш-
ласанг, гарчи бизга йўқотиш хавф солиб турганида
ҳам, эҳтимол уни сақлаб қолиш имкони бўлар! Буни
нима деб аташ керак? Факат одам танлаш, хоҳлаш им-
конига эга бўлганлитини гўё кўрсатмоқчи бўлса керак-
да. Ўзим ҳам мана шунаقا аҳмокона ўзбошимчаликка

берилиб, сўнгги, муқаррар муддатга тақалиб қолмаслик учун дўстларим билан соатлар, ҳатто бир неча кунлар олдин хайрлашиб кетардим. Бу гал энди кетмайман. Нега энди кетишим керак экан? Ахир энди у мендан узоқлашмадими? Унинг қўлларидан тутиш, бағримга босиш ҳатто хаёлимга ҳам келмайди, бу ҳақда ўйлаётмайман ҳам, ўйласам даҳшатга тушаман. У мендан йироклашмади, у мендан юкори кўтарилиди.

Шундай қилиб, у кетмади, шуни хоҳлади, бошқача йўл тутолмади. Оттилия билан ёнма-ён кезлардаги у ҳис этган туйғуни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмасди. Оттилияда ҳам худди шундай туйғу ҳукмрон эди; у ҳам бундай тотли заруриятдан воз кечолмасди. Худди илгаригидек, ҳозир ҳам улар бир-бирларига тасвирга сифмайдиган, сеҳрли таъсир кўрсатишарди, улар бир уйда истиқомат қилишарди; бироқ бир-бирлари ҳакида мутлақо ўйламасдан, ҳар хил ишлар билан банд бўлиб, тоҳ унга, тоҳ бунга чалғиган ҳолда бир-бирларига яқинлашишарди. Битта залда пайдо бўлиб қолишар, бу ҳам узокка чўзилмас, тоҳ ёнма-ён туриб қолишар, ўтиришар эди. Жуда яқин келиб қолишсагина хотиржам бўлишар, мутлақо хотиржам бўлишлари учун мана шу яқинликнинг ўзи кифоя эди; уларга на бир нигоҳ, на сўз, на имо-ишора, на сал тегиб туришнинг кераги йўқ эди, мана шу оддийгина яқинликнинг ўзи етарли эди. Ӯшанда бу иккита одам эмас, балки ғайришуурый тўлиқ баҳт-саодат оғушидаги, ўзларидан ҳам, бутун ёруғ оламдан ҳам мамнун битта одамга айланарди. Ҳа, борди-ю биттаси уйнинг бир чеккасида бирор сабаб билан ушланиб қолса, иккинчиси секинаста, ўзи сезмаган ҳолда унга яқинлашарди. Ҳаёт улар учун жумбоққа айланган, унинг ечимини фақат икковлари биргаликда топишарди.

Оттилия кувнок ва хотиржам эди, у ҳақда умуман ташвиш тортмаса бўларди. У одамлардан кам узоқлашар, фақатгина овқатни ўзига алоҳида беришларини сўрарди. Ёлғиз Нанигиниа унга хизмат қиласарди.

Ҳар бир одам дуч келадиган нарсалар ўйлагандан ҳам ортиқроқ такрорланиб туради, чунки унинг табиа-

ти шуни тақозо қилади. Феъл-атвор, индивидуаллик, иштиёқ, тараққиёт йўналиши, макон, муҳит ва одатлар ҳаммаси биргаликда бир бутунликни ташкил этадики, ҳар бир одам унинг ичиди худди ўзи ўрганган гўша ёки муҳитдагидек қоришиб кетади, ўшанинг ичи унга қулай ва ёқимлидир. Шу тариқа, ғоят ўзгарувчан, дея шикоят қилган одамларимиз бир қанча йиллар ўтгач ҳам ўзгармаганларини, қанча-қанча ички, ташқи таъсирларга қарамай мутлақо ўзгармасликларини кўриб ҳайрон қоламиз.

Шунингдек, дўстларимизнинг ҳам кундалик биргалиқдаги ҳаётларида ҳамма нарса деярли худди аввалгидек давом этарди. Оттилия ҳамишагидек жим юрса-да, ҳаммага илтифот кўрсатишга, ёқадиган бирор иш қилишга уринарди; колганлар ҳам худди шундай эди. Шу тариқа уйда кечажтган ҳаёт тегирмони кўринишдан худди эскича айланавтгандек бўлар, ҳамма нарса эски ҳолида қолди, дея хом хаёл қилишни кечирса бўларди.

Узунлиги баҳор кунларига тўғри келадиган куз кунлари дўстларни айни ўша соатларда ташқаридан уйга чорлади. Бу даврнинг безаги бўлган мевалар ва гуллар гўё бу куз ўша биринчи баҳорнинг давомидек таассурот қолдиради: орада ўтган вакт гўё унутилган эди. Ахир ўша биринчи кунларда ўтқазилган гуллар чамандек очилиб, ўшанда гуллаб ётган дараҳтлардаги мевалар энди пишиб ётарди.

Майор келиб-кетиб турар, Митлер ҳам тез-тез кўриниб туарди. Дўстлар кечқурунлари деярли мунтазам тўплнишарди. Одатда Эдуард ўқирди: аввалги пайтлардан кўра ифодалироқ, ҳиссиётлироқ, яхшироқ, айтиш мумкини, ҳатто анча жонлироқ ўқирди. Гўё у ўз кувноқлиги билан, ҳиссиёт кучи билан Оттилияни бехушлик ҳолатидан уйғотмоқчи, унинг сукут саклашига чек қўймоқчи бўларди. У қадимгидек, Оттилия китобга қарай оладиган ҳолатда ўтирас, борди-ю қиз қарамаётган бўлса, унинг сўзларини нигоҳи билан кузатаётганига ишончи комил бўлмаса, безовталаниб, хаёлпаришон бўлиб қоларди.

Оралик даврнинг барча қайғули, оғир ўйлари тарқалди. Бирор бирордан хафа эмасди; ҳар қандай жиззакиликлар ғойиб бўлди. Майор Шарлоттанинг фортепианодаги куйига скрипкада жўр бўлар, Эдуарднинг сибиризғаси, ҳув аввалгидек, Оттилиянинг мусика асбоби билан ҳамоҳанглик касб этарди. Шу тахлит Эдуарднинг, ўтган йили нишонлаш насиб этмаган таваллуд куни яқинлашарди. Бу гал уни ортиқча тантаналарсиз, жимгина, дўстлар даврасида нишонлаш ниятида эдилар. Улар гоҳ сўзда, гоҳ сўзсиз, мана шу умумий карорга келишган эди. Аммо бу кун яқинлашган сари Оттилиянинг қиёфасида шу пайтгача сезилмаган, кўпроқ ҳис этилган қандайдир тантанаворлик кўзга ташланса бошлади. У тез-тез боғда гулларни кузатгандек бўларди; боғбонга барча турдаги ёз гулларини авайлашни тайинлар ва бу йил ҳаддан ташқари кўп очилган астралар олдида айникса кўпроқ тўхтарди.

Ўн саккизинчи боб

Дўстларнинг синчков назаридан четда қолмаган энг муҳим нарса шу бўлдики, Оттилия илк бор сандикчани очиб, унинг ичидаги буюмлардан анчалини ажратиб олди ва бош-оёқ кийимга етадиганини бичди. У Нанининг кўмагида қолган нарсаларни сандикчага қайтадан жойлаштироқчи бўлганида роса қийналди; бир қисми олинган бўлса ҳам ҳали сандикча тўла эди. Ёш очкўз қиз буларга қараб тўймас, айникса, бу ердаги майда-чўйда буюмлар: шиппаклар, шойи пайпоқлар, пайпоқ бандлари, кўлқоплар, хуллас, шу кабилар унинг кўзини оларди. У Оттилиядан, шулар ичидан бирон нарсани совға қилишини сўради. Оттилия рад қилди, лекин ёнидаги жавонлардан бирининг тортмасини очиб, қизга, ўзинг танлаб олавер, деди, у шоша-пиша дуч келган бир нарсани оласолиб, уйидагилрга ўз кувончини маълум ва намойиш қилиш учун ўлжасини қучоклаганча югуриб чиқиб кетди.

Ниҳоят Оттилия ҳамма нарсани кўнгилдагидек қайтадан жойлаштиришга муваффақ бўлди; кейин

қопқоққа жойлаштирилган яширин бир бўлмачани очди. У ерга Оттилия Эдуарднинг хатчалари ва мактубларини, илгариги сайрлардан эсдалик – куриб қолган гулларни, севгилисининг бир бўлак сочини ва ҳар хил бошқа буюмларни бекитиб қўйган эди. Буларга у тағин бир нарсани – отасининг суратини қўшди ва сандиқчани бекитди, калитчани эса бўйнида осилиб турган тилла занжирга илиб қўйди.

Дўстларнинг кўнглида умид учқунлри пайдо бўлди. Оттилияning ўша куни гапира бошлишига Шарлотта ишонарди; чунки у хозиргача билдирмасдан нималардир килар, ўзидан кониккан бир киёфада юрар, юзида гўё яширинча севгилисига аллақандай ёкимли, яхши бир нима ҳозирлаётгандек табассум қалкирди. Оттилияning кўпинча тинкаси қуриб соатлаб сулайиб ётишини, кўпчилик олдига чиқсан пайтларидагина ўзини зўрлаб дадил тутишга уринишими ҳеч ким билмасди.

Бу орада Митлер тез-тез кўринадиган ва одатдагидан кўра узокроқ коладиган бўлди. Бу қайсар одам яхши билардики, шундай бир қулай фурсат етиладики, ўшанда дарҳол темирни уриб қолиш керак бўлади. Оттилияning жим юришию рад жавобини у ўзича талқин қилди. Ажрашиб учун хозиргача бирон қадам кўйилмади; у дилбар қизнинг қисматини қандайдир бошқача, қулай бир тарзда белгилашга умид боғларди; у фикрларга кулок солар, ён берар, тушунтиришга уринар ва одатига кўра ўзини хийла мулоҳазали тутарди.

У катта аҳамият берадиган нарсалар ҳақида фикр билдиришга имкон туғилиб қолса, ўзини тутолмай қоларди. У кўпроқ ёлғизликда яшарди, бошқалар билан бўлганда эса, уларга муносабатини фақат ҳаракати билан ифода этрди. Бирор пайт дўстлар даврасида сўз бошладими, бўлди, кўпинча бунга, гувоҳ бўлганимиздек, уни тўхтатиб бўлмасди, хафа қиладими ёки хурсандми, фойда келтирадими ёки зарарми, барибир, вазиятга қараб гапираверарди.

Эдуарднинг туғилган куни арафасида, кечкурун Шарлотта билан Майор қаёққадир отда кетган Эду-

ардни кутиб ўтиришарди; Митлер хонада у ёқдан-бу ёққа кезиб юрарди; Оттилия ўз хонасидан чиқмай, эртани кунга тайёрланган безакларни кўздан кечирар, хизматкорига кўрсатмалар берар, буниси бўлса бекасининг сўзсиз буйруқларини зийраклик билан тушуниб, чаққон-чаққон бажаарди.

Митлер ўзи яхши кўрадиган мавзулардан бири ҳақида сўз бошлади. У тинмай уқдирардики, халқни бошқаришда бўлгани сингари бола тарбиясида ҳам тақиқловчи конунлар ва кўрсатмалардан, хуллас, ман килишдан бошка қўпол ва жоҳил нарса йўқ.

– Одам боласи табиатан ҳаракатчан, – деди у, – агар йўлинни топиб унга иш буюрсангиз, у дарҳол ишга киришиб кетади, буюрганингизни бажаради. Ўзимга келсак, атрофимда йўл қўйиладиган хато ва камчиликларга ўзим ўшаларга қарама-қарши бирорта эзгу ишга йўл кўрсатмагунимча чидашга одатланганман, ахир бирор тўғри йўл билан ўрнини қопламагунча хатони тузатиб бўлмайди-да. Инсон қўлидан келганча яхши, мақсадга мувофиқ ишларни килади, у буни бирор нарса қилиши керак бўлгани учун қилади ва бу ҳақда бекорчиликдан ёки зерикишдан қиласидиган аҳмоқона қилмишлари сингари кўпам ўйланиб ўтиrmайди.

Болаларни Инжилдаги ўнта ақидани ёдлашга мажбур қилишларини баъзан эшитсам, хафа бўлиб кетаман. Тўртинчи ақида энди майли, дуруст, ўргатса бўлади: «Ота-онангни хурмат кил». Агар болалар буни яхшилаб ёдлаб олишса, кун бўйи амалда қўллашади. Энди манави бешинчи ақидани олайлик, бунга энди нима деса бўлади? «Ўлдирма». Гёё бирорта одамнинг кўнглида бошка бирорни ўлдиришга тарикча истак бордек. Одамлар нафратланишади, ёмон кўришади, ўйламасдан қадам ташлашади, шу ва шунга ўхшаш кўп нарсалар оқибатида охири одам кимнидир ўлдиради. Ахир болага одам ўлдиришни ман қилиш жоҳиллик эмасми? Ундан кўра: «Ўз яқинларинг ҳаёти учун ғамхўрлик кил, унга хавф соладиган ҳамма нарсани четлаштири, ўзингга зарар килиб бўлса-да, уларни

кутказ, борди-ю, уларга бирон ёмонлик қилсанг, билгинки, ўзингга ёмонлик қилган бўласан» дейилса эди, ҳақиқий ақида бўларди, ўқиган, ақл-фаросатли кишилар шундай қилишади, аммо катехизис¹га бағишиланган машғулотларда «Буни қандай тушунмоқ керак?»² деган савол кўйилганда бундай ақидалар ўтмаса ҳам кепрак.

Мана, олтинчи ақидани олайлик, буни мен ярамас ақида деб ҳисоблайман! Нега? Ҳамма нарсани олдиндан билишга интиувчи болалардаги қизиқиши хавфли томонларга буриш, улардан узоклаштириш керак бўлган нарсаларни зўрлаб уларнинг тасаввурига сингдирадиган, болаларча хаёлотни жунбушга келтирадиган ғайритабиий тимсолларни ўргатиш – энди бунақаси кетмайди-да! Черков ва қавмлар олдида булар ҳакида вайсагандан кўра бундай ишлар учун ўз билганича жазолашга, яширин судга имкон берилса, яхшироқ бўларди менимча.

Шу аснода Оттилия кириб келди.

– «Оилангга хиёнат қилма!» – давом этди Митлер, – қанчалар уят, қанчалар кўпол! Мана бундек деса, менимча, яхши бўларди: «Сен никоҳни муқаддас билишинг керак, бир-бирини севувчи эр-хотинларни кўрсанг, бундан кувонишинг, баайни қуёшли кун сингари уларнинг бахтига шерик бўлишинг керак. Мабодо улар ўртасида бирон хиралик сезсанг, уни бартараф қилишга интилишинг лозим; уларни раҳм-шафқатли қилишга, мулойимлаштиришга ҳаракат қилишинг, уларга ўзаро имкониятларини англашларида кўмак берининг, яқинларинг равнақи учун фоятда холисона ҳисса қўшишинг, ҳар қандай бурчдан, айникса, эр-хотинни узвий боғлаб турадиган бурчдан қандай баҳт-саодат келиб чиқишини ҳис қилишга уларни ундашинг кепрак».

¹ Катехизис – диний ақидаларнинг савол-жавоб тарзидаги қисқача баёни (*тарж.*)

² «Буни қандай тушунмоқ керак?» – диний ақидаларга Лютер ёзган шархларнинг барчаси шу савол билан бошланади (*тарж.*)

Шарлотта игна устида ўтиргандек ўтирап, унинг имони комил эдики, Митлер қаерда, нимани гапираётганини фаҳмламасди, шу боисдан Шарлоттага вазият янада хавотирли туюларди, у Митлерни тўхтатишга улгурмай, кўрдик, Оттилия қиёфаси ўзгариб хонадан чиқиб кетди.

– Еттинчи ақидадан ҳарқалай бизни ҳалос этарсиз, – деди Шарлотта юзида сохта табассум билан.

– Бошқа ҳамма ақидаларга асос бўлганини кутқазолсам эдим, – жавоб берди Митлер, – ҳаммасидан ҳалос этардим.

Шу пайт дод-вой солиб Нанни югуриб кирди:

– Ўлаяпти! Бекам ўлаяпти! Ёрдам! Ёрдам беринглар!

Оттилия гандираклаганча хонасига келганида эртанги кунга тайёрлаб кўйилган кийим-кечаклар бир нечта стуллар устига ёйилган, хизматкор қиз гоҳ униси, гоҳ бунисининг олдига бориб уларни берилиб томоша қиласкан, қувониб хитоб қилди:

– Бир қаранг, суюкли бекам, келин либосининг ўзи, нақ Сизга муносиб!

Бу сўзларни эшитган Оттилия диванга чўқди. Нанни бекасининг ранги окариб, бўзрайиб бораётганини кўрди; у Шарлоттага юурди; улар келишди. Хонадон табиби ҳам тез етиб келди; бу ҳолат унга беҳоллик белгиси бўлиб кўринди. У бақувват шўрва келтиришларини буюрди. Оттилия буни кескин рад этди, ҳатто пиёлани оғзига тутишганида жонсарак бўлиб қолаёзди. Буни кўрган табиб, жиддий оҳангда сўради: Оттилия бугун нима еди? Қиз тутилиб қолди; табиб саволини такрорлади; қиз иқрор бўлдик, Оттилия бугун ҳеч нарса емаган.

Табибга Нанни қандайдир хижолат бўлаётгандек туюлди. У қизни қўшни хонага етаклаб кирди, Шарлотта унга эргашди, қиз тиз чўкиб иқрор бўлди: Оттилия кўпдан бери деярли ҳеч нарса емаган. Оттилияning зўрлаши билан ҳамма овқатни у еган; бекасининг сўзсиз илтимоси ва таҳдидлари сабабли чурқ

этмаган, тағин соддадиллик билан күшиб кўйдики, овқатларнинг бариси беҳад мазали эди.

Майор билан Митлер киришди; Шарлоттанинг табиб ёнида куймаланаётганини кўришди. Ранги оппок, мислсиз гўзал Оттилия, кўринишдан ҳуши ўзида, диванинг бурчагида ўтиради. Уни ётишга ундашди, у рад этди, бироқ сандиқчани келтиринглар, деган ишорани килди. Унинг устига оёкларини қўйиб, ярим ётган қулай ҳолатга келди. У гўё видолашаётгандек, имо-ишоралари бутун атрофидагиларга нисбатан меҳр-муҳаббатни, миннатдорчиликни, ўтинчни, юракдан чикқан видони ифода этарди.

Эдуард отдан тушаркан, воқеадан хабар топасолиб хонага югурди, қизнинг оёкларига ўзини отиб, қўлларидан ушлади, уларни тилсиз кўз ёшларига кўмди. У анча вакт шу ахволда қолди. Ниҳоят хитоб қилди:

– Наҳотки, овозингни ортиқ эшитмасам? Наҳотки, менга бир оғиз сўз айтиш учун ҳаётга қайтмасанг? Майли, майли! Мен ҳам ортингдан бораман, ўша ёқда биз бошқача тилда сўзлашамиз.

Қиз унинг қўлларини қаттиқ қисди, ҳаёт ва муҳаббат тўла нигоҳ билан боқаркан, чуқур нафас олдида, лабларининг пинҳоний, илоҳий бир ҳаракатидан сўнг, майин мусиқадек бир овозда деди:

– Яшайман, деб ваъда бер!
– Ваъда бераман! – хитоб қилди Эдуард, лекин қиз уни эшитмади; унинг жони узилган эди.

Кўз ёши тўкиб ўтказилган тундан сўнг Шарлоттанинг елкасига қадрдан жасадни дафи этиш ташвиши тушди. Майор билан Митлер унга ёрдам беришди. Эдуарднинг ахволи ташвишли эди. Беҳад умидсизлик чангалидан бироз қутулиб, унча-мунча ўзига келгач, у Оттилияни қасрдан чиқармасликларини, уни қатордан кўймай, ғамхўрлик қилишларини, худди тирикдек муомала қилишларини талаб қилди; негаки у ўлмаган, ўлиши мумкин эмас. Унинг иродасига бўйсунишди, ҳеч бўлмаганда у ман қилган ишлардан ўзларини тишишди. У Оттилияни кўришга интилмади.

Дўстларни тағин бошқа қўрқув қамради, бошқа янги ташвиш безовта қилди. Табиб қаттиқ уришган, таҳдид билан айбига иқрор бўлишга мажбур қилган, бунинг устига устак танбех берган Нанин қочиб кетганди. Узоқ қидиришлардан сўнг уни топишди, у ақлдан озганга ўхшарди. Ота-онаси уни ўз ёnlарига олишди. Энг яхши муомала ҳам унга таъсир қилмади, уни қамаб қўйишга тўғри келди, негаки у яна қочиб кетмоқчи бўлган эди.

Эдуардни жуда чукур руҳий тушкунликдан астасекин олиб чиқишига муваффақ бўлишди, аммо бу унинг заарига бўлди: у ўз бахтидан бир умрга жудо бўлганлигини англаб етди, бунга ишончи комил бўлди. Уни ишонтиришга журъат қилишдики, Оттилия ўша меҳробга қўйилса, абадий тириклар қаторида бўлади ҳамда ўзига шинам ва жимжитгина гўша топади. Бунга унинг розилигини олиш осон бўлмади, у шу шарт билан кўндики, Оттилия у ерга очик тобутда олиб кирилади; даҳмада устини шиша қопқоқ билан ёпишади ва ёнига мудом ўчмайдиган чироқ ёқиб қўйишади, шу билан тақдирга тан бергандек бўлди.

Марҳуманинг гўзал танасига унинг ўзи ўзи учун тайёрлаган ўша либосни кийгизиши, бошига эса баайни ғамгин юлдузлар тўдасидек сирли милтиллаган астра гулларидан қилинган гулчамбар қўйишди. Тобутни, черковни, меҳробни безатмоқ учун боғлардаги барча гулларни узиши. Боғлар гўё аллақачон қишилиб ҳамма пушталарни кувончдан маҳрум этгандек бўй-бўй ётарди. Эрта тонгда Оттилияни очик тобутда қасрдан олиб чиқиши, эндинга бош кўтарган қуёш унинг илохий чеҳрасига тағин бир бора кизиллик ато этди. Кузатиб борувчилар тобутни кўтарганилар атрофифа уймаланишар, ҳеч ким на олдинга ўтишни, на орқада қолишини истамас, ҳар бири унинг ёнида бўлишни, ҳар бири сўнгги бор унинг ҳозирлигидан яйрасни истарди. Ўғил болалар, эркаклар, аёллар, хуллас, ҳеч ким бефарқ қолмади. Кизларнинг қайғуси чексиз эди, улар жудоликни ҳаммадан ҳам кўра чуқурроқ ҳис этишарди.

Нанни йўқ эди. Уни уйдан чиқаришмади, тўғрироғи дағн этиш куни ва соатини ундан яширишиб, ота-онаси镍ида, деразаси боқقا томон очиладиган хоначада тутиб туришарди. Лекин у черков қўнғироғи овозини эшитгач, гап нимадалигига дарҳол акли етди, уни кўриқлаб турган аёл қизиқишини босолмай маросимни кўриш учун уни тарқ этганида, қиз деразадан йўлакка тушиб, у ердан ҳамма эшиклар ёпиқлигини кўргач, чердакка чиқди.

Айни шу чоқ одамлар қишлоқнинг барглар тўшалган топ-тоза йўлакаси бўйлаб силжирди. Нанни бекасини аник кўрди, унинг атрофида бораётган барча одамлардан ҳам кўра аникроқ, етукроқ, яна ҳам гўзалроқ ҳолатда кўрди. Гўё самовий бир нарсадек, булутлар ёки тўлқин ўркачлари устида сузаётгандек, ўз хизматкорини имлаётгандек бўлди ва киз тамоман эсини йўқотгандек гандираклаб кетди-да, пастга ўзини отди.

Кўрқиб кетган оломон қичқирганча ҳар ёққа тарқаб кетди. Ур-сур, шовқин-сурондан эсанкираб қолган тобут кўтарувчилар тобутни ерга қўйишга мажбур бўлишиди. Қиз деярли тобут ёнида ётарди; унинг бутун танаси парча-парча бўлди деб ўйлашди. Уни кўтариб олишиди-да, бу тасодифмиди ёки Яратганинг иродасими, мурданинг шундоққина ёнига ётқизишиди, ҳатто шундай туюлдики, гўё у ўзидағи сўнгги куч-кувват билан бекасига интилгандек бўлди. Унинг титраётган қўллари, кучсиз бармоқлари Оттилиянинг кийимига, кўкрагига қўйилган қўлларига теккан заҳотиёқ қиз ўрнидан сакраб турди-да, нигоҳини кўкка қаратиб, қўлларини баланд кўтарганча, тобут ёнида тиз чўқди ва хурмат-эҳтиромга тўла қувонч билан бекасига назар солди.

Нихоят, гўё илҳом оғушида ўрнидан турди ва илоҳий бир қувонч билан хитоб қилди:

— Ҳа, у мени афв этди! Бирорта одам, ҳатто ўзим ҳам кечирмайдиган гуноҳимни Худо унинг назари, унинг қиёфаси, унинг лаблари орқали кечирди. Мана энди у тағин тинч ва осуда ҳолда ётипти; ахир

ҳаммаларинг кўрдинглар-ку, у ўрнидан қўзғалиб, менга қўлларини чўзиб оқ фотиҳа берди, менга муло-йим назар билан боқди! Ҳаммаларинг эшитдинглар, унинг менга қараб: «Сен афв этилдинг!» деганига ҳаммаларинг гувоҳсизлар. Энди мен сизларнинг ора-ларингда қотил сифатида турмаяпман: у мени кечирди, Худо мени кечирди, ҳеч ким энди менга бирон нарса деб таъна қилолмайди.

Оломон атрофда тўпланишиб турарди; ҳамма хайрон бўлиб қолган, улар ҳар тарафга алланглашар, гапга қулоқ солишар, энди нима қилиш кераклигини ҳеч ким билмасди.

— Ана энди bemalol бораверинглар! — деди қиз, — у ўз вазифасини бажарди ва азоблардан қутулди; у бизнинг орамизда ортиқ яшаёлмайди.

Тобут яна олдинга силжиди, Нанни биринчи бўлиб унинг ортидан борди, черковга, меҳробга етиб келиши-ди.

Оттилияning тобутини шу ерга қўйишиди, уни дуб ёғочидан ишланган катта қутига жойлашди, бош то-монида боланинг тобути, оёқ томонида сандиқча ту-рарди. Шиша қопқоқ остида гўзалдан-гўзал бўлиб ёт-ган мурдага дастлабки пайтда қўриқчилик қиласиган аёлни топишиди. Бироқ Нанни бу вазифани ҳеч ким-га ишонишни истамади; у ёлғиз ўзи, ҳеч бир ёрдам-чисиз қолишни, ҳозиргина илк бора ёқилган чироқка жон-жон деб қараб туришни хоҳлади. У буни шундай иштиёқ, шундай қатъийлик билан талаб қиласики, ун-даги руҳий касаллик тағин баттар қайталаб қолмасин, деган хавотирда кўниб қўя қолишиди.

Аммо у узоқ вақт ёлғиз қолмади; тун чўккан заҳоти липиллаб ёнаётган чироқнинг нури бор ҳукуқни ўз қўлига олиб, янада равшанроқ нур таратади бошлаган пайтда, эшик очилиб, меҳробга Меъмор кириб келди, меҳробнинг диний руҳда безатилган деворлари бу на-фис нур қўйнида шундай кўхна ва сирли туюлдики, бунақасини у ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган бўларди.

Нанни тобутнинг ёнида ўтиради. У меъмор-ни дарҳол таниди; жимгина жонсиз бекасини имлаб

кўрсатди. Мана у тобутнинг нариги ёнида турипти, ёш, бақувват, гўзал, ўз хаёли билан банд, қимир этмай, фикри-зикри бир нуқтада, қўллари осилган, бармоклари алам ичидаги букилган, бошини эгиб, назарини марҳумга қаратганча турипти. Бир вақтлар у худди шу тахлит Велизарий олдида турганди. Беихтиёр яна ўша ҳолатга кирди; бу гал ҳам ҳолат шунчалик табиий чиқдик! Ахир бу ерда ҳам бебаҳо бир кимсаннинг жасади ётипти; агар у пайтда қаҳрамон тимсолида изсиз йўқолиб кетган жасорат, акл, куч-кудрат, юксак мартаба, бойлик учун афсус-надомат чекилган бўлса, агар у пайтда ҳал қилувчи дакиқаларда миллат учун, монарх учун зарур бўлган фазилатлар етарлича баҳоланмаган, балки инкор этилган, йўқ килинган бўлса, бу ерда эса табиатнинг ҳосилдор қаъридан эндиғина униб чиқкан бутунлай бошқача, оддийгина неъмат табиатнинг бераҳм кўли билан қайтадан нобуд килинган, бундай ноёб, гўзал, меҳр-муҳаббатга лойик неъматнинг оромбахш таъсирига бу ночор олам ҳарлаҳзада жон-жон деб кучоқ очади ва бундайлардан жудо бўлганига ҳамиша мотам тутади.

Йигит ҳам, қизча ҳам бир муддат жим туришди; киз унинг кўзларидан ёшлар тинимсиз қуялаётганини, у ғам-алам гирдобида гўё йўқ бўлиб кетаётганини кўргач, сўз қотди, қизнинг сўзлари шу қадар куч-кудрат ва самимиятга, шу қадар меҳрибонлик ва ишончга тўлик эдики, Меъмор унинг қуилиби келаётган сўзларидан ҳайратга тушиб, ўзини қўлга олишга муваффақ бўлди ва унинг дилбар дўсти маълум бир юксакликда фаол ҳаракат қилиб тирик юргандек туюлди. Кўз ёшлари куриди, ғамлари енгиллашди, тиз чўкиб Оттилия билан видолашди, сўнгра Наннининг қўлларини қисиб ҳайрлашди-да, ортиқ ҳеч ким билан кўришмасдан, ўша кечасиёқ отда жўнаб кетди.

Табиб ҳам қизга билдиришмасдан шу кеча черковда қолганди, эрталаб қиздан хабар олишга кирганда, уни қувноқ, қўтаринки кайфиятда кўрди. Табиб руҳий тушкунлик ҳолатини кутган эди, у қиз Оттилия билан қилган тунги сұхбатлари ва шу каби ҳодисалар ҳақида

гапира бошлайди, деб хаёл қилган эди, аммо у ўзини табийй, хотиржам тутди, эс-хуши тамоман ўзида эди. У илгари бўлиб ўтган ва ҳозирги бўлган воқеаларни аниқ-равшан эслар, сўзлаганда хақиқат чегарасидан четга чиқмас, фақатгина дафн маросими пайтидаги воқеани тез-тез, кувонч билан такрорларди: Оттилия қандай қилиб ўрнидан кўзғолгани, уни дуо қилгани, гуноҳидан ўтганию шу билан уни бир умрга кечирганини гапиради.

Оттилия ўлгандан кўра кўпроқ ухлаётганга ўхшаб, ҳамишагидек гўзал киёфада ётар, бу кўплаб одамлар дикқатини тортди. Шу қишлоқда ва теварак-атрофда яшовчи аҳоли уни тағин бир бор кўришга ошиқар, уларнинг ҳар бири Нанидан ақлга сиғмас воқеани қизиқиши билан тинглашар, бирлари унинг устидан кулиш учун, кўпчилиги бундан шубҳаланмок учун, бошқалари эса унга ишониш учун қулоқ солишарди.

Аслида қондирилиши мумкин бўлмаган ҳар қандай эҳтиёж ишонишга мажбур қиласди. Ҳамманинг кўзи ўнгига майиб бўлган Нани мурдани силагандан сўнг соппа-соғ бўлди-қолди; нега энди худди шундай омад бу ерда бошқа бирорга ҳам насиб қилмасин? Мехрибон оналар бирор касаллик билан оғриган болаларини яшириқча бу ерга олиб келишар, гўё болалари бирданига соғайиб қоладигандек тууларди. Ишонч ортиб борди, охири биронта ҳам кекса ёки бемор қолмадики, бу ердан ўзига юпанч ёки енгиллик қидирмаган бўлса. Келувчилар сони кўпая борди, шу боис меҳробни, ибодат пайтларидан ташқари вактда черковни ҳам ёпиб қўйишга мажбур бўлишди.

Эдуард мархума ёнига боришга журъат этолмасди. У ўзи билан ўзи бўлиб қолган, кўз ёшлари ҳам куриб қолгандек, ҳатто изтироб чекишга ҳам ортиқ қодир эмас эди. Унинг суҳбатларда иштирок этиши ҳам, еб-ичишга рағбати ҳам кундан-кунга камайиб борарди. У ҳарқалай хайрли соҳибкаромат бўлолмаган ўша қадаҳдан бирон нарса ичса бироз ҳузур топарди. У қадаҳдаги ўйиб ёзилган ҳарфларни кузатишни яхши кўрар, унинг ўйчан-очиқ чехраси гўё ҳамон

севгилиси билан қовушишга ишонч белгиларини ифода этаётгандек эди. Бахтли одамни ҳар қандай майда-чүйдалар кувонтириб, ҳар қандай тасодиф ҳам илҳомлантиргани сингари, арзимаган воқеа ҳам бахтсиз одамнинг кўнглини оғритиб, унинг ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин. Бир куни Эдуард севимли қадаҳни лабига якинлаштирганида даҳшат ичида уни ўзидан узоклаштириди: бу ўша қадаҳми ёки бошқами; нимадир унда етишмасди. Зудлик билан хизматкорни чақиришди, бу шўрлик, ҳақиқий қадаҳ якинда синиб қолгани, уни Эдуарднинг ёшлигидан қолган худди ўшандай қадаҳ билан алмаштиришганига икрор бўлди. Эдуарднинг аччикланишга ҳам ҳоли йўк эди, унинг қисматини мана шу ходиса белгилади – бу аломат унга қандай таъсир қилиши мумкин? Шу кундан бошлаб у ичишни ҳам ёқтирмай кўйди, ейишдан, сухбатдан ҳам ўзини торта бошлади.

Лекин маълум муддат ўтгач, унда қандайдир ўзгариш бошланди. Егулик сўрай бошлади, гап-сўзларга ҳам аралашадиган бўлди.

– Эҳ! – деди у бир куни унинг ёнидан деярли жилмайдиган Майорга, – мен қандай бахтсизман, бутун интилишларим фақат тақлиддан, бесамар уринишдан нарига ўтмайди! Оттилияга ҳаловат бағишилаган нарса, менинг азобимга айланган; аммо ўша ҳаловат ҳаққи мен азобларни бўйнимга олишим керак. Унинг кетидан, унинг йўлидан боришим лозим; бироқ мени ўз табиатим, берган ваъдам ушлаб турипти. Мослашиб бўлмайдиган нарсага мослашиш – қандай даҳшатли вазифа. Сезяпман, азизим, ҳамма нарсага, ҳатто азобукубат чекишга ҳам маҳорат керак...

Эдуарднинг умидсиз ахволини кўриб хотини, дўстлари, табибнинг куюнишлари, барча яқинларининг югуриб-елишлари ҳакида нима ҳам дея оламиз? Охироқибат уни жонсиз ҳолда топишди. Биринчи бўлиб буни Митлер билди. У табибни чақирди ва одатдагидек ўзини йўқотмасдан марҳум ётган жойни синчковлик билан текшириб чиқди. Шарлотта чопа-чопа етиб келди; у Эдуард ўз жонига қасд қилдимикан, деган

хавотирда эди; у ўзини ҳам, бошқаларни ҳам кечириб бўлмас эҳтиётсизликда айбламокчи бўлди. Бироқ табиб табиий, Митлер эса ахлоқий асосларга таяниб, уни тинчлантиришга муваффақ бўлишди. Эдуарднинг тўсатди ўлиб қолганлиги аниқ эди. Оттилиядан унга ёдгор бўлиб қолган, шу пайтгача авайлаб сақлаб келган ҳамма нарсаларни ёлғиз ўзи қолганида қутичадан ва катмонидан чиқариб олдига ёйиб қўйганди: бир тутам соч, баҳтли онларда узилган гуллар, Оттилия унга ёзган хатчалар, ҳув ўша, тасодифан хотинининг қўлига тушиб қолган, кейин унга берган энг биринчи хатчадан тортиб ҳаммаси бунда ётарди. Буларнинг барчасини у ўз истаги билан намойишга қўйган бўлса керак. Яқиндагина ҳадсиз ғалаён гирдобида бўлган қалб мана энди абадий ором топганди; модомики у Худо раҳмат қилгур марҳума хаёли билан жон берган экан, буни хушбахт ўлим деса бўлади. Шарлотта унга Оттилия ёнидан жой ажратди ва бундан буён бу даҳмага ҳеч кимни дафн этмасликларини буюрди. Шу шарт билан у черковга, мактабга, руҳонийга ва муаллимга анчагина хайрия ажратди.

Мана энди икки севишганлар ёнма-ён ётишипти. Уларнинг қабри тепасида сукунат ҳукм суради, кувнок, кадрдон малоикалар даҳма тепасидан уларга назар ташлашади ва улар тонгла тағин бирга уйғонишганда қандай ажойиб лаҳза бўлади бу!



ГЁТЕ АБАДИЯТИ

Ҳар қайси миллат адабиётида ўша ҳалқни жаҳонга танитган улкан сиймолар бўлади. Агар немис адабиёти ҳакида сўз юритмоқчи бўлсак, кўз олдимизга дарҳол қомусий билим соҳиби Йоҳанн Волфганг Гёте келади. Ундан бизни 260 йилдан ортиқ вақт масофаси ажратиб турган бўлса-да, у ёзиб қолдирган сўзлар худди бизнинг ўй-фикрларимизни, атрофимизда кечаетган воқеа-ҳодисаларни, айни замондошларимизнинг ўзаро муносабатларини ифода этаётган каби қалбимизга яқиндир. Зоро, улкан сўз санъаткорлари қаламининг құдрати ҳам, асарларининг умрбокийлиги ҳам ана шундай барча даврлар учун бирдек долзарблиги ва умумбашарийлигидадир.

Гётенинг ҳаёт йўли, ижодий-илмий-ижтимоий фаолияти туғилганидан тортиб, то вафотигача жаҳон, айниқса, немис гётешунослари томонидан ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда қадамба-қадам тадқиқ этилган, ўрганилган, тасниф қилинган, шарҳланган.

Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» романни чикканидан кейин, асар жаҳоннинг жуда кўп тилларига таржима қилиниб, ёзувчи номини дунёга машҳур айлади. Ўша даврда бошланган Гёте ижодига бўлган қизиқиши ҳозиргача бирдек давом этиб келмоқда. Рус тилига ҳам шу асар XVIII аср охирларида таржима қилиниб, XIX асрнинг 30-йилларигача Гёте ни Русияда «Вертер» муаллифи сифатида танишган. Кейин унинг бутун ижоди рус тилига ўгирила бошланди. Ҳозирги пайтда шоирнинг бутун ижодий месроси, ҳатто у ҳақдаги илмий ишлар ҳам рус тилига таржима этилган. Гёте лирикасининг Русияда тарқалишида В.Жуковский, Б.Пастернак, Б.Заходер, В.Левик, Л.Гинзбург ва бошқа жуда кўплаб шоиртаржимонларнинг, гётешунослардан И.Брагинский, Б.Жирмунский, А.Михайлов, М.Кессел сингари олимларнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ керак.

Ўзбекистонда Гёте ҳали чукур ўрганилмаган, десак хато бўлмайди. «Фауст» фожиаси, «Ёш Вертернинг изтироблари» романи ҳамда «Фарбу Шарқ девони», «Ҳикматлар»идан ташқари бошқа биронта асари ўзбекчага ўтирилмаган. Олиб борилган илмий изланышлар ҳам ўша юқоридаги таржималар доирасидан нарига ўтмайди. Улкан қалам соҳибининг 83 йиллик узок ва самарали умр йўли, кенг қамровли фаолият доираси ҳар қандай миллат фарзанди учун ҳам ибратомуздир.

Буюк сиймолар ҳақида маромига етказиб бирон нарса ёзиш ҳам мушкул иш. Мен Гёте ҳаёти ва ижодини кузатарканман, шунга амин бўламанки, у «буюк даҳо», «улкан сиймо» сифатида чиқиб бўлмас чўкки бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир инсонни ҳаяжонга солган, кийнаган кечинмаларни, шу билан бирга, жаҳоний муаммоларни, оғрикли нуқталарни очиб, уларга жавоб изловчи, ҳаёт ҳикматларини ўргатувчи яқин дўстдир. У гўё ҳар биримизга ҳамдам, ҳамфир бўлиб, бизга шундокқина рўбарў ўтириб, ҳаёт мушкулотларидан кутулиш йўлларини ўргатаётгандек туюлади. У яратган ҳазина-китобларнинг турган-битгани мукаддас озука, уларда жамланган маънолар тагида яна қат-қат маънолар яширинганки, уларни бирданига илғаб олишининг иложи йўқ, бунинг учун риёзат чекиш, фикрлаш, изланиш талаб этилади (биргина «Фауст»ни эсланг). Демак, Гётени англаб етиш учун унинг ўз сўзларига амал этишимиз лозим, яъни «имкони йўқ нарса билан шундай муносабатда бўлиш керакки, токи унинг имкони топилсин».

Сукротнинг «мен ҳеч нарса билмаслигимни биламан» деган сўзларини Гёте бутун ҳаёт йўли давомида ўзига шиор килиб олган. Шунинг учун умр бўйи ўқиб-ўрганган, бадиий ижод билан шуғулланган, кузатувлар олиб бориб, натижаларини муфассал баён этган, кашфиётлар қилган, саёҳатлар қилиб таассуротлари асосида янги-янги асарлар битган, узлуксиз хатлар ва кундаликлар ёзган, давлат арбоби сифатида ўз вазифаларини бекаму кўст бажарган, севган, севилган, ўз

даврининг улкан олиму фозил кишилари билан танишиб, сухбатлар қурган, баҳслашган, дўстлашган, улардан таъсирангган, ўрганган, ўз навбатида уларгаям ўз таъсирини ўтказган. Ҳаёт мазмунини мудом ҳаракатда деб билган.

Шоир Страсбургда ўқиб юрганида Франкфуртдаги эндиғина илм йўлига кирган ёш дўсти Хетслерга насиҳат тарзида ёзган мактубида шундай деган: «Ҳамма нарсага ўта зийрак муносабатда бўлмоқ, яхширок эсда тутиб қолмоқ ҳамда ҳар бир кунда албатта нимагадир эришиб қолишга интилмоқ керак. Биз биргина нарса билан чегараланиб қолмаслигимиз, балки ҳамма нарсага етишишга интилишимиз лозим» (24 август, 1770 йил).¹

Хетслерга қарата айтилган бу сўзларни Гётенинг Страсбургдаги ҳаётини қай тахлит маълум бир изга тушириб олишга, иродасини чархлашга бўлган интилиш ҳам деб қарамоқ керак, бизнингча. Негаки, унинг хат ва кундаликларида акс этганидек, руҳан эзилиш, нимадандир коникмаслик, аллақандай тушкун кайфият шоирга мудом ҳамроҳ бўлган. «Менинг ҳозирги ҳаётим зинҳор кўнғирокчалар осилган чанада дабдаба билан сайр этиш эмас, унда кўрса ва эшитса бўладиган нарсалар кўп-у, аммо қалбни титратадиган ҳечнарса йўқ! Лекин ундан лаззат олиш кимга насиб этган?» (5 июн 1771 йил)² сингари ёзувлар бунга мисол бўла олади.

Шу боис у ана шу «лаззат олиш мумкин бўлмаган» ҳаётдан лаззатланишга, нимадир яратишга, бунга бошқаларниям даъват этишга ўзида кучу ирова билган. Ва ўзи интилганидан ҳам ортиқроқ натижаларга эришган.

«Мен нимани ҳоҳлашини аниқ билган, узлуксиз ўз билимини ошириб борадиган, мақсадга этиш учун

¹ Карл Отто Конради. Гёте. Жизнь и творчество. I том. – М., «Радуга», 1987, стр. 130. Йирик немис гётешуносининг ушбу 2 жилдлик асари Гёте ҳақидаги фундаментал тадқиқот бўлиб, 1982—1985 йилларда Германиядаги «Atheneum» нашриётида чоп этилган. Кейин тўлиқ русчага таржима килинган.

² Ўша асар, 130-бет.

нималар кераклигини биладиган, улардан ўз ўрнида фойдалана оладиган одамни хурмат қиласан, – деб ёзган эди у «Вилхелм Майстернинг таҳсил йиллари» романида, – мақсади каттами-кичикими, мактовга сазоворми ёки йўқми – бу мен учун иккинчи даражали нарса»¹. Демак, унинг назарида ҳар бир инсон ўз яшаш тарзи, мухити, имконияти, қобилиятидан келиб чиқиб, ҳаётда маълум бир мақсад сари интилиши лозим ва фақат шундай одамгина ҳурматга лойикдир.

У яна бир ҳикматнамо фикрни таъкидлайдики, агар одам ўзининг кундалик ишларини ҳалол, мукаммал бажарадиган бўлса, майли, уч юз йил, ҳатто ундан ҳам ортиқ умр кўраверсин. Акс ҳолда узок яшашнинг кераги йўқ.

Гёте табиий фанларнинг ҳам, гуманитар фанларнинг ҳам деярли барча соҳаларида қалам тебратди. Давлат арбоби сифатида, яъни Саксен-Ваймар ҳерцоглигида, Карл Август саройида вазир, яширин маслаҳатчи, иш бошқарувчи лавозимларида ишлаб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашди. (У саройда ярим асрдан ортиқ фаолият кўрсатган). Агар давлат арбоби сифатидаги ва табиий фанлар соҳасидаги хизматларини ҳисобга олмаган тақдиримизда ҳам, унинг фаолият доираси ғоят кенглигини кўрамиз: шоир, ёзувчи, драматург, режиссёр, фолклорчи, рассом, санъатшунос, ҳукукшунос, файласуф, илоҳиётчи ва ҳоказо.

Гётенинг илмий-фалсафий фаолиятини тадқик қилган олим К.А.Свасъяннинг ёзишича «унинг кашфиётлари алоҳида фанлардаги кашфиётларгина бўлиб колмасдан, балки у айрим фанларниям кашф қилди»².

Гёте дунёга келган пайтда Фарбнинг Англия, Франция сингари йирик давлатларига нисбатан Германия анча қолок эди. Мамлакат майда ҳерцогликларга бўлининб кетган бўлиб, унда ҳали ўрта асрга хос федодал тузум шакллари сакланган эди. Умрининг охирида эса, Германияда капиталистик тузум ривожланиш йўлига кирган эди. Гёте яшаган даврда жаҳон

¹ К.А.Свасъян. Гёте. М., «Мыслъ», 1989, стр. 62.

² К.А.Свасъян. Гёте. – М., «Мыслъ», 1989, стр. 6.

аҳамиятига молик ижтимоий-сиёсий воқеалар – француз инқилоби, Наполеон урушлари бўлиб ўтди.

Шоир «Шеърият ва ҳақиқат» китобида ўзининг туғилиш онларини муфассал қайд этганки, бу нарса унинг барча тадқиқотчилари назаридан четда колмаган. Бундай маълумотлар буюк сиймо ҳаётининг ҳар бир дақиқасини, у ёки бу ҳодиса сабабларини айнан тасаввур этиш имконини беради: «Мен 1749 йилнинг 28 августида, Франкфурт-Майнда, туш пайти, черков кўнғироғининг ўн иккинчи садоси билан дунёга келган эканман. Юлдузларнинг ҳолати кўнгилдагидек бўлган: Сунбула буржи остида турган Қуёш тиккада бўлган; Муштарий билан Зухра унга очиқ чехра билан боқиб туришган; Уторид ҳам хайриҳо бўлган; Зуҳал билан Мирриҳ бетараф бўлишган; ёлғиз тўлин Ойгинна Қуёшга шу қадар юзма-юз келганки, унинг сайёralарга таъсири айни авжидаги бўлган. Шу боис фақат ўшагина менга тўсқинлик қилган ва ўша соат ўтиб кетмагунча мен дунёга келолмаганманд»¹. Доя кампир йўл қўйган хато туфайли бола жуда қийин туғилган. Унда ҳаёт асари деярли бўлмаган. Доя кампир ва бувиси кўкариб кетган боланинг баданини вино билан тинмай ишқалашган, анчадан сўнг у «тирилган», шу тариқа «шеърият ва ҳақиқат»нинг ҳаёт йўли бошланган.

Гёте юқоридаги сатрларини анча кексайган пайтида битган. Астрологларнинг инсон қисмати осмон жисмлари билан боғлиқ деган фикрларига асосланиб, ўз шахсини ҳам олий нукталарга боғлашида ўзига хос рамзий маъно бордек кўринади.

Гёте бадавлат оиласида ўсиб улғайди. Отаси Йоҳанн Каспар Гёте империя маслаҳатчиси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори бўлиб, Франкфурт шахрининг энг обрўли кишиларидан бўлган. Онаси Катарина Элизабета Гёте-Текстор шаҳар мэри Йоҳанн Волфганг Тексторнинг қизи бўлган. У 17 ёшида 38 ёшли импе-

¹ Гёте. Собрание сочинений в 10 томах, том 3. – М., «Художественная литература», 1976, стр.12.

рия маслаҳатчисига турмушга чиқади. Бўлғуси шоир ва олим Йоҳанн Волфганг ушбу никоҳдан туғилган тўнғич фарзанд бўлиб, ундан кейин Катарина Элизабета яна бешта фарзанд кўради, аммо улар узок яшамай, турли касалликлардан нобуд бўлишади. Йоҳанн Волфгангдан кейин туғилган Карнелиягина 27 йил яшайди, 1750 йилда дунёга келиб, 1777 йилда иккинчи қизини туғиш пайтида қазо қиласди. Шу тариқа, ғаму ташвиш Гётелар хонадонининг кундалик меҳмони бўлган.

Шунча йўқотишлар, фарзанд доғига қарамай Катарина Элизабетадаги ирода, ҳаётий қудрат, эртанги кунга ишонч рухи кишини лол қолдиради. У ўзидағи ана шу рухни атрофидаги кишиларга, фарзандларига ҳам сингдиришга ҳаракат қилган. У ҳаётда юз берадиган барча яхши-ёмон нарсаларга тик бокиб, мудом умид билан яшаган. У кундаликларида шундай ёзган: «Менинг аҳволим, Худога шукур, жуда яхши, мен бундан мамнунман, ўзим ўзгартиrolмаган нарсага жимгина кўникаяпман ва ҳар нарсага олдиндан кайфиятимни бузмайман» (1 январ 1793 йил). «Худованд яратган оламда қувончли нарсалар жуда кўп, – деб ёзди у бошқа жойда, – фақат уларни топабилиш керак, энг кичиклариниям назардан қочирмаслик даркор» (28 феврал 1796 йил)¹.

Йоҳанн Волфганг 16 ёшга тўлгунича ана шу иродаси мустаҳкам, зукко она бағрида улғайди. Ўғилдаги ноёб қобилиятни пайқаган ота-она унинг ҳар томонлама билимли бўлишига ҳаракат қилишди. Гўдаклигидан бошлаб, онаси унга соатлаб хилма-хил ҳалқ эртаклари ва ибратли ривоятларни ўқиб ёки мароқли қилиб сўзлаб берар, шу билан боланинг маънавий олами бойиб, китобга, илмга муҳаббати ошиб борарди. Гёте кейинчалик «Шеърият ва ҳақиқат» китобида шундай ёзган эди: «Менга отамдан ўзига хос эзмаларча насиҳатгўйлик хусусияти ўтган бўлса, онамдан эса инсон тафаккури кодир бўлган ҳамма нарсани ишонарли

¹ К.О. Конради. Гёте. Жизнь и творчество, I том. М., «Радуга», 1987, стр. 45—46.

ва жонли ифодалаб бериш, күхна эртакларни янгилаш, янгиларини ўйлаб топиш, хикоя қилиб бериш, шу билан бирга, хикоя қилиш асносида эртак ўйлаб топиш маҳоратини ўзлаштирганман. Отамдан олган хусусиятим туфайли қўпчилик орасида ёқимсиз кайфият уйғотардим. Онам эса мени одамларнинг кўнглини ёзадиган хислатлар билан таъмин этган эди... Отамдан ўтган мана шу икки хусусият учинчи бир хислат, яъни фикримни турли тимсоллар ва ўхшатишлар воситасида ифода этиш эктиёжи билан қўшилиб менга бир умр ҳамроҳ бўлди»¹.

Ота-она уйга ўқитувчилар таклиф қилишиб, болага кўплаб чет тилларини ва илмнинг турли соҳаларини чуқурроқ ўргатишга шароит яратишган эди. Шу тариқа, Йоҳанн Волфганг лотин, француз, италян, инглиз, қадимги юонон тилларини мукаммал ўрганганд. У кичкиналигидан Тавротни узлуксиз мутолаа қилиб, унинг тарихи ва тимсолларига қизиқиб қолганлигидан уни аслиятда ўқиш учун қадимги яхудий (иброний) тилини ҳам ўрганади.

Отасининг катта кутубхонаси ҳам бола маънавий камолотида улкан рол ўйнаган. Кутубхонада луғатлар, илоҳиётшунослик (жумладан, Инжилнинг кўплаб нашрлари ва уларга ёзилган шархлар), фалсафа, тарих, тил, адабиёт, санъат, риёзиёт, ҳукуқшунослик, жуғрофия, табиатшуносликка оид ҳамда Франкфурт ҳақидаги китоблар бўлган.

«Шеърият ва ҳақиқат» номли асарида Гётенинг туғилганидан бошлаб то 1822 йилгача бўлган бутун ҳаёти қамраб олинган. Ёзувчи ушбу асар устида 1809 йилдан ишлай бошлаган. I–III қисмлари 1813 йилда, IV қисми 1831 йилда тугалланган. Асарда тасвирланган воқеалар билан ёзилаётган давр орасида 50 йилдан ортиқ муддат бўлиб, болалик хотиралари дунёкараши шаклланиб ултурган, етук қаламкаш нуқтаи назари билан коғозга туширилган. Унда шоирнинг ҳаёт ва табиат қонуниятлари ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари

¹ Гёте. Том 3, стр. 375.

хамда жуда кўп бошқа фикр-ўйлари ўз ифодасини топган. Гёте бир умр кундалик тутган ва уларда ҳаётида содир бўлган муҳим ва ибратли воқеаларни, асарлари-нинг ёзиши сабабларини, ўзи мулоқотда бўлган кишиларга нисбатан муносабатларини, кузатишларини муфассал ёритиб борган.

Унинг кундаликлари 1832 йил 16 марта «Ахволим ёмонлигидан бутун кунни тўшакда ўтказдим» деган ёзувлар билан якун топади. Орадан олти кун ўтгач, яъни 22 март куни бу буюк сиймо оламдан ўтади. Шунингдек, туғишганлари ҳамда ёр-дўстлари билан узлуксиз ёзишмалар ҳам олиб борган. Хатларида ҳам шеъриятга, олам ва одамларга бўлган қарашлари, руҳий ҳолати мужассамлашган. Унинг дастлабки хати 1764 йилга тегишли бўлса, сўнгтиси 1832 йилнинг 17 марта Вилхелм фон Ҳумболдга йўлланган.

К. Конрадининг кўрсатишича, Гётенинг Ваймарда нашр этилган 133 томлик асарларидан 50 томи хатлар, 13 томи кундаликлардан иборат бўлиб, ҳар бир том 400 сахифани ташкил этаркан.

Умрининг охиридаги, ўлими олдидағи ва кейинги тафсилотлар Эккерман, ҳерцог саройи канцлери фон Мюллер хотираларида сакланган. Булар Гётенинг тадқиқотчиларида тортиб оддий китобхонгача – барча учун қизиқ ва қимматлидир (*Иловадаги хотира-ларга қаранг*).

Гёте мероси бундай шахсий ҳужжатларга қанчалик бой бўлмасин, уларда сезиларли бўшлиқлар ҳам мавжуд. Бунга ёзувчининг ўзи сабабчиidir: ёшлигига битилган жуда кўп ёзувлар, ўзи ёзган ва бошқалардан олган хатлар, «Шеърият ва ҳақиқат»га кирган айрим қисмлар ёқиб юборилган. У ҳар гал бирор сафарга жўнаши олдидан қоғозларини тартибга солиш баробаринда кўплаб назарида аҳамиятсиз түолган қоғозларни ўтда куйдирган. Ҳатто бир сафар «Вертер»ни ҳам ўтга ташлаб юборишига оз қолган.

* * *

Отаси Йоҳанн Волфгангни болалиқдан ҳуқуқшунослик фанини эгаллашга мажбур эттан. У ўз истагига қарама-қарши ўлароқ бу фанга оид айрим китобларни деярли ёд олган. Шундай қилиб, у отасининг хоҳиши билан аввал Лайпсих, касаллиги сабабли маълум танаффуслардан сўнг Страсбург университетларининг ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олади. Франкфуртдалигидә ёк анча-мунча қоғоз коралаб ултурган шоирнинг ижоди талабалик йилларида юкори поғоналарга кўтарилиди.

Университетдаги ўкиш уни зериктира, шунинг учун кўп вақтини адабиёт ва санъат билан шуғулланишга, ижодга сарфларди.

Лайпсих Бадиий академиясининг директори Адам Эзер билан танишуви Гёте ҳаётида чуқур из қолдириди. У Адам Эзердан санъат, хусусан, антик дунё санъати сирларини ўрганди. Санъатшунос Винкельман таъсиридан ҳам баҳраманд бўлади. Эзернинг асосий хизмати шундаки, у ёш талабага санъатнинг бош мезони: гўзаллик нима ва санъатнинг асосий мақсади нимадан иборат, деган масалалар моҳиятини сингдира олди. Ана шу билимлар шоирга бир умр раҳнамолик қилди ва табиатдаги асл нафосатни илғай олишида, гўзал лирик сатрлар яратишида илҳом манбаи бўлди. У ўзи билган санъатшунос олимлар ҳақида, буюк санъаткор учун табиатнинг бекиёс аҳамияти ҳақида кейинчалик «Вертер» романнда кенг тўхталган эди.

Лайпсих ва Страсбург даври лирикасининг аксарияти ўша даврда расм бўлган оқ суякча – енгил услуб, яъни рококода битилган. Улар шаклан халқ кўшикларига яқин, тили ўйноқи, жўшқин ҳиссиётларни, баҳорни, табиат манзараларини, ёшлиқ шавқ-завқини ифода этарди.

«Май кўшиғи», «Висол ва ҳижрон», «Кўз боғлаш ўйини», «Тун», «Қизчанинг истаги», «Бахт», «Кувончлар», «Мухаббат ва эзгулик», «Кўшикларимга», «Севишганлар», «Фридерика Брионга», «Уйғон, о, Фридерика», «Энди сен қайдасан», «Сен бунда

йўқсан», «Ёввойи атиргул» каби кўплаб шеърларида ёш қалбнинг рубобий туйгулари, кўтаринки ҳиссиётлар қаламга олинган. Бу шеърлар Гёте адабиётга кириб келган даврда (1770-йиллар) ҳукмрон бўлган «Бўрон ва ҳужум» адабий оқимининг руҳи билан ҳам сугорилган эди. Гёте табиий бир ҳолда «ҳужумчилар»нинг етакчисига айланади ва ўз-ўзидан шеъриятига ҳам ўша оқимга хос ҳиссиётлилик, шиддаткорлик сингтан эди. Кейинги давр шеъриятига эса, катта ҳаёт тажрибаларига эга бўлган инсонга хос босиқлик, олимона зукколик, чукур мулоҳазакорлик каби ҳолатлар хос эди. Шуни таъкидлаш керакки, «Мен учун ошу нон – шеър ва ҳакиқат» («Фауст»да) дея олган Гёте ҳеч қачон сўзга қул бўлган эмас. У қандай мавзуда ёзмасин, тилнинг барча товланишлари табиий ҳолда юзага чиқаверади, тил ҳам, шеърият ҳам том мъянода унинг ҳукмига бўйсунади. Сўз ва шакллар шоир қаламидан итоаткорона тўкилиб, барчаси шундоққина жой-жойини эгаллайверади. Шеърий оҳангда ҳам, вазн ва қофияларда ҳам тишга тегадиган нарса бўлмайди. Қисқаси, у сўзни ўйнатиб юборади. Керак бўлганда ўзи луғатларда учрамайдиган янги сўзлар, бирикмалар ясад ҳам юбораверади. «Ўлчов ноzikлари билан шуғулланишни у ёқтирасди, – деб ёзади А. Михайлова, – бироқ «Фауст» бунинг тескариси, негаки «Фауст» – шеърий шакллар ва ўлчовларнинг бутун бир комусидир; уларнинг орасида юонон фожиаларидағи триметр ва тетраметрлар ҳам, XVIII аср фожиаларидағи 12 ҳижоли шеърий шакл ҳам, олмон халқ қўшиклари, Данте «Илоҳий комедия»ни ёзишда қўллаган терсина ва бошқа жуда кўплаб шакллар учрайди. Гёте кўнгли тусаган пайтда кутилмаган ва гаройиб шаклларни яратар, аммо ҳаммаси ўз ўрнида бўларди, ҳар гал шоир қалби танланган шакл билан тамоман бирлашиб, ички бир муштараклик ҳосил қилиши лозим эди».¹

¹ А. В. Михайлов. Гёте, поэзия, «Фауст». Предисловие к изданию Гёте «Лирика», «Фауст». – М., «Художественная литература», 1986, стр. 6.

Гёте шеърларида фақат ўз қалб кечинмаларинингина эмас, балки уларда давр дардини, умуминсоний ғояларни, юксак ижтимоий рухни ифода этади. Ўзини қийнаган, тўлқинлантирган энг кичик шахсий, тасодифий воқеа-ходисаларни ҳам шеър тили орқали умум манфаати билан боғлайди ва шахс сифатида намоён бўлади.

*Шоир юрагида пинҳондир олам,
Жаҳоний уйгунлик унда мужассам,*

(Эркин Воҳидов таржимаси).

дейди шоир Фауст тилидан. Инсонлар қалбидаги оғриқ нукталар билан ҳамоҳанг бўлгандагина адабий асар ўз қадр-қимматини топади, ўлмас обидага айланади. Зотан, ҳақиқий шоирнинг, ҳақиқий шеъриятнинг миссияси ҳам айнан мана шунда кўринади.

Гёте шеърияти оламнинг абадий ўзгаришини ўзида акс эттирган, юксак сифатларга эга бўлган кўзгудир. Гётегача ҳам, ундан кейин ҳам олмон адабиётида бундай сиймо ҳали туғилмади. У қолдирган илмий-адабий мерос тубсиз бир уммон, у жавоҳирларга тўла. Ҳар ким ундан ўзига керагича, иқтидори еткунича олади, улар олган билан тугамайди. Уларни ўқиганинг сайин ўзингнинг нақадар чегараланганлигинги ҳис этсан киши. Унинг ёзган ҳар бир сатри, ҳаётда ташлаган ҳар бир қадами, ҳар бир қилган ишининг нечоғлик қимматли эканлиги кўз олдингга келади. Шоирнинг ўзи ҳам қилган ишларининг, ҳаётининг келгуси авлодлар учун аҳамиятсиз бўлмаслигини башоратчи сифатида англаб етган ва ҳамма нарсани ёзиб қолдирган. Яхшиямки шундай қилган.

Юқорида айтганимиздек, агар шоир Лайпцихда ўқиб юрганида Адам Эзер ҳамда бошқа рассом ва санъатшунослар билан танишиб, санъат оламини кашф этган бўлса, Страсбургда йирик олмон назариётчиси, «хужумчи»ларнинг йўлбошчиси Ҳердер билан танишуви унинг ижодидаги бурилиш нуқтаси бўлди.

Шуниси маълумки, Ҳердер устоз ва танқидчи сифатида беҳад талабчан эди. Унга маъқул келиш осон

эмасди. Кейинчалик ҳам ўз хатларида Гётени аяmas, натижада устоз танқидларидан кейин ўз ёзганлари күзига арзимас бўлиб кўринар эди. Ҳердернинг бир «захарли» мактубини олгач, у шундай жавоб ёзган эди: «Бутун вужудим ларзага келди, буни Сиз тасаввур қилолмайсиз! Аъзойи баданим шу қадар титраяптики, ҳатто қаламни тутолмаяпман... Ҳердер, Ҳердер! Қандай бўлсангиз мен учун шундоклигингизча қолинг».¹

Кўриниб туриптики, Гёте устозининг танқидлари нечоғлик қаттиқ бўлмасин, узлуксиз меҳнат қилган. Юқоридаги «захарли» мактубни олгач, орадан бир ой ўтиб, 1771 йилнинг кузида «Гец фон Берлихинген» драмасини бир нафасда ёзиб тугатади.

Гёте Ҳердер билан танишуви ва унинг ўз ҳаётида тутган ўрни ҳақида орадан узоқ йиллар ўтиб, «Шерьрият ва ҳақиқат» китобида кенг тўхталади. Бу пайтда Ҳердер оламдан ўтган, шубҳасиз, марҳум устози билан ораларида содир бўлган зиддиятлар, кескин баҳслар, фикрий қарама-қаршиликлар хусусида оғиз очмайди: «Биргаликда ўтказган бир неча ҳафталик ҳаётимиз мазмунан шундай бой бўлган эдики, Ҳердер кейинчалик амалга оширган барча ишлар ўшанда белгилаб олинган ва менга уларни тўлдириш, кенгайтириш, мен учун ҳозиргacha ўйлаган, ўрганган ва ўзлаштирган нарсаларнинг ҳаммасини янада юксакроқ масалалар билан боғлаш баҳти насиб этди, дея дадил айта оламан».² Гёте ўз таржимаи ҳолида юкоридаги фикрларни шунчаки марҳум устози хурмати учунгина келтирмагани шубҳасиздир. Гёте ўзи таъкидлаганидек, Страсбургдаги учрашувлар жараёнида олган бой маънавий озиклар унинг кейинги илмий-ижодий фаолияти давомида тўлиқ юзага чиқди.

Ҳердер немис тили ва адабиёти, антик дунё адабиёти, ҳалқ поэзиясининг, Шекспир ижодиётининг етук

¹ К.О. Конради. Гёте. Жизнь и творчество, том 1. – М., «Радуга», 1987, стр. 174.

² Гёте. Собрание сочинений в 10 томах, том 3. – М., «Художественная литература», 1976.

билимдени ва назариётчиси сифатида Гётега беҳад улкан таъсир ўтказгани шоирнинг кейинги давр ижоди мисолида исботланди.

Гарчи у Лайпцихда Шекспир асарлари билан Виланд таржимасида бирмунча танишган бўлса-да, бирок Ҳердер уни Шекспир оламига чуқурроқ олиб кирди. Ҳатто 1771 йил 14 сентябрда Франкфуртда, Гросер-Хиршграбен кўчасидаги ўз уйида Шекспир байрамини уюштиради. Барча харажатларни отаси кўтаради. Шекспир ижодини мукаммал ўрганади, ундан таъсирланиб, бир қатор драмалар ҳам яратди («Гец фон Берлихинген», «Эгмонт», «Торквато Тассо» ва ҳоказо).

Ҳердер таъсирида Гёте ҳалқ кўшиқларидаги табиийликни, уларнинг асл моҳиятини англаб етади. У ҳалқ кўшиқлари услубини ўз асарларида ҳам, айниқса, «Фауст»да кенг қўллайди, Гёте билан Ҳердер Жеймс Макферсон томонидан нашр қилинган Оссиан кўшиқларини биргаликда мутолаа қилишиб, ундан ҳайратга тушишган. Гёте Оссиан кўшиқларини олмон тилига таржима қилиб, асар руҳига мос келгани учун уларни «Вертер» романига киритган эди.

Гётенинг антик дунё тарихи, адабиёти, образларини чукур ўрганишида ҳам Ҳердернинг таъсири катта бўлган. Пировардида, етуклиқ даврида яратган шеърий ва драматик асарларида бу образлардан унумли фойдаланган («Фауст», «Прометей», «Ҳерманн ва Даротея», «Ибтидодаги сўзлар», «Орфиклар таълимости», «Коринфлик келин», «Ифигения Тавридада» каби жуда кўп асарларини кўрсатиш мумкин).

* * *

Гётенинг ҳар жиҳатдан баҳти қулган эди. Унга Худо бекиёс иқтидор бериш билан бирга, ўша иқтидорни рўёбга чиқариш учун қулай шароит ҳам ато этганди: шоирдаги буюк заковатни тушуниб етган, юксак қадрлайдиган, унинг яшаши, баракали ижод қилиши учун қулай муҳит яратиб бера олган, таъбир жоиз бўлса, уни ғоятда эркалатадиган дўст манглайига битган эди. Бу – Заксен-Ваймар ҳерцоглигининг

хукмдори Карл Август эди. Гёте 1775 йилнинг 7 ноябрида Карл Август таклифига биноан Ваймарга келади. Ўшанда ҳерцог янгигина тахтга чиқкан 18 ёшли йигит эди. Карл Август Гётенинг нечоғлик улкан зот, буюк ақл-заковат ҳамда бекиёс куч-қудрат соҳиби эканлигини билар, уни ниҳоятда яхши кўрар, хар жиҳатдан унга суянарди. Улар яқин сирдош, дўст, ўзаро маслаҳатгўй эдилар. Ҳудонинг ана шундай улуғ инояти бизнинг тарихимизда бобомиз Алишер Навоийга насиб этган экан: подшо Ҳусайн Бойқаро саройида вазир бўлиб юртни бошқаришда, барча-барча ишларда хукмдорнинг яқин маслаҳатгўйи бўлган. Навоийшуносларнинг айтишларича, Алишер Навоий асарларининг бизгача тўлиқ етиб келишида Ҳусайн Бойқаронинг хизматлари катта бўлган экан. Негаки Навоий асарларини кўчиришга энг яхши хаттолар жалб қилиниб, кўп нусхаларда сифатли қилиб кўчирилган экан.

Карл Август Гётега ишонганилиги учун саройдағи барча масъулиятли вазифалар: ташки сиёsat, молия, ҳарбий ишлар, ҳалқ таълими, йўл ва каналлар қурилиши, кон ишлари, театр ва ҳоказоларни унинг зиммасига юклаган. У тиним билмай ишлар, ижод билан шуғулланар, ўзини аямас эди. Гоҳо чиникиш мақсадида қиши пайтлари Ҳартс тоғига пиёда ёки отда саёҳатларга чиқарди. У бамисоли битмас-туганмас қайнаб тошувчи булоқ эди. Гёте ҳакида замондошлиари қолдирган тавсифлар биз учун ўта муҳимдир. «У қирол бўлиши мумкин эди. У нафақат ақл-заковат, балки самимият ва куч-қудрат тимсоли ҳам» (Лафатер). «Гаройиб одам. Мен бунақасини ҳечам учратмаганман. Қачонлардир шундай одам яшаганлигини билиб, авлодлар ҳайратга тушишлари аниқ» (Ф.М.Клингер). «Том маънодаги буюк одам. Ҳар бир сўзи, юзидаги ҳар бир ифодадан шундокқина қайноқ ҳислар уфуриб туради. Ғайрати қаҳр билан муштарақ, аммо ана шу қаҳр ортида меҳр-муҳаббатга лиммо-лим қалб яширинган» (Х.Штолберг). «Гёте – бошидан оёғигача даҳо» (Ф. Яко-

би)¹. Бундай таърифу тавсифлардан кейин давлат арбоби, ижодкор, олим сифатида битта одам бажаришга қодир бўлган ишлар кўламининг ҳар қанча кенглиги ҳам кишини таажжубга солмади. Дарҳаққат, «қачонлардир шундай одам яшаганилиги»дан ҳайратга тушиб, ёқа ушлашдан ўзга иложимиз қолмайди.

Гёте Карл Август саройидаги ярим асрлик фаолияти давомида қанчалик кўп вазифаларни бажармасин, аммо шахс сифатида эркинлиги ўз кўлида эди. У ҳеч бир нарсада чегараланмас эди.

Гёте вазир, иш бошкарувчи лавозимларидан фойдаланиб, Ваймарда жуда кўп соҳаларда ислоҳотлар қилишга интилди. Аммо феодал-монархия тузумига асосланган давлатда барча орзуларнинг амалга ошувига имкон йўқ эди. Халқ ҳакида кам қайғуриларди. Кўплаб ишларни рўёбга чиқаришга кўли калталик қилиб қолган пайтларда у саройга ҳам, ўз-ўзига ҳам сиғмай, истаган томонга жўнаб кетар, кўнгли тусаганча юрар, саройдаги лавозимлари ва маоши сақланиб тураверарди. Шундай сафарлардан бири 1779 йилда Швейцарияга уюштирилади. Ушбу саёҳат ҳакидаги «Швейцариядан хатлар» туркум хотиралари машҳурдир. Бу саёҳат унча узок давом этмайди. Бирор Италияга сафари икки йилга чўзилди: 1786 йилнинг 3 сентяброда у эрталаб соат 3 да, ҳатто ҳерцогга ҳам айтмасдан, рассом Жан Филипп Мёллер номига ёзилган хужжат билан аввал Мюнхенга, кейин Италияга жўнаб кетади. Аммо кетишдан олдин ўз зиммасидаги барча ишларни тартибга келтириб, ҳерцог номига батафсил ҳисбот қолдиради. Саройда дикқинафас бўлиб кетган шоир ўз хаёлот олами билан ёлғиз колиши, руҳан тамоман янгиланиши керак эди. Италия сафари унга ана шу руҳий озиқни бера олди. Италия санъати, унинг тарихи билан яқиндан танишди, ундан илҳом олди. Машҳур «Италия саёҳатлари» асари, «Рим элегиялари», эпиграммалари, бир қатор шеърлари, «Эгмонт», «Торквато Тассо» драмалари, «Фауст» фожиасининг айrim қисмлари сафар даври мевасидир.

¹ К. А. Свасъян. Гёте, М., «Мыслъ», 1989, с. 38.

Гётенинг Ваймардаги фаолияти даври улкан олмон шоири, драматурги, файласуфи Фридрих Шиллер билан дўстлиги, якин илмий-ижодий ҳамкорлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Улар 1794 йилдан то Шиллер вафотигача, яъни 1805 йилгача ҳамфирк бўлиб бирга ижод қилишди. Улардаги дунёқарашиб, кўплаб масалаларга нисбатан нуктаи назарларининг тўғри келмаслигига қарамасдан, ўн йиллик дўстлик, ҳамкорлик даври ҳар иккала буюк ижодкор учун катта рол ўйнади. Улар 1794 йилда танишиб, Шиллер ташкил этган «Ҳорен» журналида Гёте ҳам фаол иштирок эта бошлади. Йена университетининг профессори лавозимида ишлаган Шиллер кейинчалик Ваймарга кўчиб келади. Гёте Шиллер билан яқиндан танишганларига бағишилаб «Бахти ҳодиса» номли эсдаликларини ёзди ва Шиллер билан алоқалари яхши изга тушганини рамзий маънода шундай ифодалайди: «Мен учун бу мутлако янги баҳордир; ҳамма куртаклар қувонч-ла кўз очди, янги шохчалар униб чиқа бошлади. Бизнинг ёзишмаларимиз бунинг энг ёрқин, энг мукаммал исботидир».¹

Уларнинг ўзаро таъсири жуда катта бўлган. «Фауст» фожиасини ёзишни маълум даврда тўхтатиб қўйганида, Шиллер дўстини асарни тезрок тутатишга ундалаган ва Гёте унинг қистови билан асар устидаги ишини тезлаштириб, уни ниҳоясига етказган. У хатларида, кундаликларида Шиллернинг ўз ижодий фаолиятида тутган ўрни ва хизматларига юксак баҳо беради. Шиллер вафот этгач, бу аччик йўқотиш Гёте руҳиятига қаттиқ таъсир қиласи ва бу йўқотиш изларини у ҳар қадамда, ҳаётининг ҳар бир сониясида ҳис этиб туради.

«Вертер» изтиробларининг талқини

Ёзувчининг «Ёш Вертернинг изтироблари» романи ҳақидаги маълумотларга ҳам китобхон бефарқ бўлмаслиги аниқ. Маълумки, Гётенинг ушбу асари жаҳон адабиёти тарихида бошқа бирон-бир асар-

¹ Goethe. Ein Lesebuch fur unsere Zeit von Valter Victor, Aufbau Velag Berlin und Weimar, 1974. S.347.

га насиб этмаган шон-шуҳрат билан йўғрилди. 1774 йил тарихда ана шу китоб яратилиши йили сифатида машҳурдир. Роман босилиб чиққаниданоқ қўлдан кўлга ўтиб, тез орада юзлаб тилларга таржима қилиниб, жаҳон бўйлаб тарқалиб кетди.

Сўзимизнинг аввалида шуни таъкидламоқ лозими, Гёте адабиёт майдонига кириб келгунинг қадар олмон тили нафақат бошқа халқлар томонидан, балки олмонларнинг ўзлари томонидан ҳам у қадар қадрланмас эди. Бу ҳакда олмон олимни Ҳерман Гримм шундай ёзади: «Гёте бизнинг тилимиз ва адабиётимизни кашф қилди. Гётегача улар Европа халқларининг жаҳон бозорида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди... Шимолий Германиянинг барча доираларида иккинчи она тили француз тили, Австрияда эса италян тили хукмрон эди. Волтер Қомусадаги «Тил» номли мақолосида турли тилларнинг адабий-тасвирий хусусиятлари ҳақида сўз юритган бўлса, немис тили ҳақида лом-мим демайди. Фақаттинг Гётенинг «Вертер»и инглизлар ва французлар томонидан миридан-сиригача ўқиб үрганилгандан ҳамда асар Италияга ҳам кириб борганидан сўнггина олий даражадаги олмон адабиётининг имкониятлари ташқи оламда тан олинди... Гёте насли аста-секин маънавий ҳаётнинг барча жабҳалари учун ифодавий восита намунаси бўлиб борди... Бизнинг бутун эпистоляр услубимиз Гётеда макон топган. Биз фойдаланадиган сон-саноқсиз сўз ва бирикмалар Гётесиз назаримиздан четда қолиб кетаверган бўларди»¹. Мана шу фикрнинг ўзиёқ Гёте даҳоси ва «Вертер» романининг жаҳоншумул аҳамияти мислсиз эканлигини таъкидлаб турипти.

XIX асрнинг 30-йилларига қадар Гётенинг «Вертер»дан бошқа асарлари рус тилига таржима қилинмаган эди. Ёлғиз шу роман орқали ҳам Гёте Русияда беҳад машҳур эди. Бу китобча айниқса ҳис-туйғуларга бой ёшларни шу қадар ром этдики, Вертер ва Лоттага тақлид қилиб, худди асарда тасвир этилганидек, ёш

¹ К.А. Свасъян. Гёте, М., – «Мыслъ», 1989, с. 9.

йигитлар «оддий ҳаворанг фрак, сариқ нимча ва шим», қизлар эса, «күкраги ва енг учларига пуштиранг бант қадалган одмигина оқ күйлак» киядиган бўлишди. Гё-тега олис Хитойдан «Вертер» сюжети билан боғлиқ сурат ишланган чинни идиш ҳам юбориши. Ушбу асарнинг одамлар қалби ва руҳиятига нечоғлиқ таъсири этганини яққолроқ таъкидлаш учун Томас Манн ўзининг «Гётенинг «Вертер»и» номли мақолосида шундай бир воқеани келтиради: «Бир инглиз анча йиллар кейин Ваймарга келганида йўлдан ўтиб бораётган Гётени кўриб қолиб, кўча ўртасида бехуш йиқилган экан, негаки «Вертер» муаллифининг нақ ўзини кўриш унинг учун кутилмаган ва ҳайратангиз бир воеа бўлган»¹.

Томас Манн Лотта билан Вертерни мумтоз шеърият ва ривоятлардаги Лаура ва Петрапка, Ромео ва Жулетта, Абеляр ва Элоиза, Паоло ва Франческа сингари ишқ-муҳаббат жуфтлари қаторига қўшади. Дарҳақиқат, «Вертер»ни мутолаа қилган ҳар бир йигит шундай севишни, ҳар бир қиз шундай севилишни орзу килди. Ёшларнинг бутун бир авлоди ўз қалб қомусини Вертерда кўрди.

Вертернинг ёшларга таъсири шу даражага бориб етдики, ўз севгилисига етишолмаган айрим йигитлар Вертерга тақлид қилиб, ҳатто ўз-ўзини ўлдириши ҳам. Натижада китобни тақиқлаб қўйишгача бордилар. Асарнинг ёшларга зарари ҳақида бонг урувчиilar ҳам бўлди. Чунончи, бундайлардан бири, ўша давр олмон адабиётининг энг истеъдодли вакили шоир Лессинг бўлиб, у шундай деган эди: «Тасаввур қилинг-а! Биронта рим ёки юнон йигити шу тахлит ўз жонига ўзи қасд қилса-я! Ҳеч ақлга тўғри келмайди!»² Лессинг юрагида ҳис-туйғулар тугён урган йигитнинг баҳтсиз севги туфайли ўз-ўзини ўлдиришини қаттиқ кораларди. Шу сабабли матбуотда ҳам «Вертер»га

¹ Mann T. Es geht um den Menschen. – M., «Прогресс», 1976, с. 25

² Пуритс Е. Романинг немисча нашрига Сўзбошидан. – Лен-д, «Просвещение», 1975, 237-6.

карши чиқди. Бироқ асарнинг «кишининг қалб торларини чертиб ўтувчи таъсири», «инсон қалби ва руҳини кўкларга кўтарувчи» аҳамияти ҳақида кўп гаплар айтилди. Айникса, машҳур санъатшунос Зулцер «Санъатнинг умумий назарияси» (1774) асарида «Вертер»-нинг юқоридаги сингари қирралари ҳақида кенг тўхталиб, романнинг инсон қадр-қимматини, маънавиятини улуғлашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаган ва шу билан асарни турли таъқиблардан ҳимоя қилган эди.¹

«Ёш Вертернинг изтироблари» романи Гётенинг дастлабки насрый асари ҳисобланади. Хўш, унинг номини жаҳонга машҳур қилган, бекиёс шухрат қозонган бу китобча қандай сабабларга кўра дунёга келди?

Объектив сабаблардан энг муҳими шу эдики, XVIII асрнинг 70-йилларида санъатдаги антифеодал қарашларнинг ифодаси сифатида «Бўрон ва ҳужум» деб номланган адабий оқим вужудга келди. Бу оқим иштирокчилари адабиётда янги шакл ва янги мазмун яратиш тарафдорлари бўлиб майдонга чиқиши.

«Бўрон ва ҳужум» оқими фаолиятида икки асосий типни кузатиш мумкин: биринчиси – ҳужумкор, жўшқин табиатли, хаётдаги ҳар қандай чегаралашларга қарши курашга отланган, куч-кудратли, фожиавий, ўзига хос даҳо қаҳрамон бўлса, иккинчиси – эҳтиросли, хаёлпараст, ичдан куйинувчи, олам дардини қалбига жамлаган, абадий озодликни қўмсовчи, чексизликка интигувчи қаҳрамон тимсоли бўлиши керак эди. «Хужумчилар»нинг олдинги сафида бўлган ёш Гёте ўз асарларида бу хислатларнинг барчасини ўзида жамлаган адабий образларни яратди. Унинг Прометейи худоларга қарши чиқишига журъат этган бўлса, Фауст она замин дарди, замин баҳтини елкасида кўтара олишига кодир шахс бўлиб гавдаланди. Шунинг учун ҳам у:

*Мен тилайман довул ва бўрон,
Менга ҳислар оташи керак,*

¹ Конради К.О. Гёте. Жизнь и творчество, I т., – М., «Радуга», с. 237.

дея ҳайқирди. Булар том маънода биринчи тип вакиллари эди. Ўз хаёллари, ҳис-туйғулари доирасидан четга чиқолмаган, йиғлоқи кайфиятга берилувчан Вертер эса иккинчи тип вакили эди. Демак, ўша XVIII асрнинг 70-йилларида яратган барча асарларида Гёте у ёки бу маънода «хужумчилар»нинг манфаатлари ва қарашларини ифода этди, десак адашмаймиз.

«Вертер» романида ёш Гёте ўша даврдаги ҳар тарафлама илғор фикрли, зукко ва сезгир қалбли йигитнинг гўзал ички кечинмалари, эҳтиросларини ўзида жамлаган қаҳрамон образини яратиш билан «хужумчилар» ҳаракати учун характерли бўлган кирраларни очиб берди: гоҳ жунбушга келувчи, гоҳо ўта руҳий тушкунликка, йиғлоқиликка юз тутувчи туйғулар, эҳтирослар эркинлиги, табиат қўйнига интилиш, табиатдан озиқ олиш, ҳамма нарсани табиат билан боғлик ҳолда кўриш, ҳаётдаги бир хилликка, кишиларни чегараловчи, табақаларга ажратувчи ҳар қандай қонун-коидаларни инкор этиш, санъатни ва маънавий эркинликни тарғиб қилиш каби муаммолар «Вертер»нинг асосий мағзини ташкил этади. Эслатиб ўтиш жоизки, диний масалада пантеистик қарашларни тарғиб қилган Гёте инсонларни ўраб турган бутун борлиқни, табиатни Худо билан бир каторга қўяди. Шунинг учун ҳам у мудом табиатга сифинган, бутун фаолиятида табиатдан илҳом олган. Шу сабабли унинг севимли қаҳрамони Вертер ҳам ўзини табиатнинг ошиғи, дўсти, фарзанди деб атайди ҳамда ўз ҳаётини табиатдан айрича тасаввур этолмайди.

Яқинлашиб келаётган француз буржуа инқилоби таъсирида бўлган Европа ёшлари Вертер образини ўз қарашларининг ифодаси сифатида кабул қилишди. Томас Мани таъбири билан айтганда, Вертер бундай ёшларга «порох тўлдирилган идишга тушган учқундек» таъсир қилди.

«Вертер»нинг дунёга келишига туртки бўлган иккинчи сабаб, – кўпроқ субъектив сабаб, – Гётенинг Шарлотта Буффга бўлган жавобсиз севгисидир. Ёш адвокат Гёте 1772 йилнинг майидан то сентябрини

гача отасининг хоҳиши билан Ветслар шаҳарчасидаги умумимперия судида адвокатлик амалиётини ўтайди. Ушбу давлат маҳкамасида узок йиллардан бери кўрилмаган ишлар қалашиб ётар, бундай дикқинафас жойда ишлаш шоирни мутлақо қизиктирмас, умуман, бу соҳа унинг юрагини сиқарди, холос. Умумимперия судидаги зерикарли машғулотдан кўра уни Ветсларнинг кўркам, хушманзара табиати ўз бағрига тортарди. У табиат қўйнига чиқиб кетиб, Ҳомерни мутолаа қилиш, расм чизиш, шеърлар ёзиш, кувноқ ёшларнинг давраларида бўлишни кўпроқ ёқтиради.

Бир куни ёшлар шаҳар чеккасида базм ташкил этишади ва Гёте шу базм муносабати билан Шарлотта билан танишади. Улар бирга ракс тушишади, сухбатлашишади, шу аснода Гёте бу зукко, назокатли қиз билан ўзи ўртасида аллақандай фикрий, руҳий муштаракликни ҳис этади. У қизни юракдан севиб қолади. Бироқ Лоттанинг «бир олижаноб йигитга» унаштирилганидан ўша базм пайтидаёқ хабар топади. Бу йигит шоир хизмат киладиган суд қарамоғидаги элчихона котиби Йоҳанн Кестнер эди. Гёте эртасига ёк Лоттаникига яна боради. Лоттанинг онаси вафот этган, отасига ҳамда ўн битта ука-сингилларига она ўрнида ғамхўрлик қиласи, шунинг учунми, ўзи ёш бўлса-да, хийла жиддий эди. У қизнинг отаси, укалари, қайлиғи билан яқиндан танишиб, дўст бўлиб қолади. Улар машҳур шоирни беҳад қадрлашар, кўкларга кўтаришарди. Кестнер билан Гётедаги характер-хусусиятлар тамоман бир-бирининг акси бўлиб, Кестнер жиддий, кўринишдан ёқимли йигит эди. У ҳам Лоттани беҳад севар, бироқ бу севгига ҳеч қандай «ўлдим-куйдим» йўқ, буни кўпроқ соқин, келажакда бирга оила қуришга қаратилган, аник мақсадга йўналтирилган мойиллик деса бўлади. Гёте эса очиқкўнгил, шоирона кайфиятли йигит эди. Томас Манн «Гётенинг «Вертер»и» маколасида шоир характерига баҳо берганида, менинг назаримда анча ошириб юборган: уни «ишенчсиз, бир жойда қўними йўқ, дайди, ҳис-туйғу қули, негаки у яқинда Фреде-

рика Брионни алдаб ташлаб кетган, чунки уни оиласа михлаб қўйиши мумкин бўлган никоҳдан қўрккан эди. У «Фауст»даги «Мен қўрқоқ эмасманми? Бошпанаисиз, қўнимсиз, мақсадсиз махлук» дея ўз-ўзини характерлаган иблисдир» деб тасвирлайди. Тўғри, Гёте никоҳдан қочган, оиласа михланиб қолишдан қўрккан, бу нарса унинг эркин ижод қилишига тўқинлик қилиши мумкин эди. У жаҳон кезишни, кенгликларни, табиатни, ўз хаёл сўқмоқларида йўқолиб кетишни, тўйиб ижод қилишни севган. Борди-ю, у уйланса, хотини уни ё тушунарди, ё тушунмасди, эҳтимол, унинг эркинликларини чегаралаб қўяр, шу билан ижодкордаги баланд илҳом парвози сўнган бўларди. Агар унда жаҳонгашталик, ҳассос туйғулар бўлмаганида, ёзган асарлари ҳам бу қадар таъсиран бўлмасди. Шунинг учун уни «ҳис-туйғу қули», ҳатто «иблис» дея қоралаб бўлмаса керак. Кейинчалик уйланган хотини Кристиана Вулпиусгина ким унга ҳаёт йўлдоши эканлигини теран англаган оқила аёл эди. У шоирнинг бирон истагига қарши чиқмас, қаерга борса, нима қилса, барча шароитларни яратар, Гётедек инсон ўз ҳаётини у билан боғлаганининг ўзиёқ Кристиана учун улкан баҳт эди.

Ким билади, эҳтимол, Шарлотта Буфф агар ҳеч кимга унаштирилмаганида ҳам, барибир Гёте унга уйланмаслиги мумкин эди. Бу катта оиласа умрбод боғланиб қолишдан қўрккан бўлармиди. Томас Манн кейинроқ шоир характеристига анча ҳақиқатга яқин чизгилар беради: «... чиройли, юксак иқтидорли, аклзаковатли, эҳтиросли туйғуларга бой, бебош ва хаёлпаст, қисқаси, ижобий маънода телбанамо кимса эди».

Хуллас, ана шундай йигит ёзни Лотта ёнида ўтказади. Бирок у Шарлоттага бўлган муҳаббатидан пиравардида дўстликдан бошқа ҳеч нарса кутиб бўлмаслигига ақли етади. Лотта уни нечоғлик ҳурмат қилган, эҳтимол, севган тақдирида ҳам зинҳор Гётени деб Кестнердан воз кечиши мумкинлиги ҳақида оғиз очмаган. Гёте ўз ҳисларини жиловлаш лозимлигини тушуниб етади ва уларнинг бирортаси билан хайрлаш-

масдан, бир энлик хатча ташлайди-да, 10 сентябрда Ветсларни тарк этади. Гётенинг 1772–1774 йиллардаги ёзишмаларининг асосий қисмини Кестнерлар оиласи ўртасидаги хатлар ташкил қиласи ҳамда бу хатлар «Вертер» романни юзага келган ўша йиллардаги муаллифнинг шахсий ҳолати ва ижтимоий шартшароитларни түғри баҳолаш имконини беради. Бу кизиқ, сермазмун хатларни Кестнерлар авайлаб саклаб келишган ва 1854 йилда уларнинг үғли Август Кестнер томонидан нашр эттирилган. Шу хатларнинг аксарияти роман сюжетига асос қилиб олинган.

Табиат кўйнига интилиш, ундан илҳом олиш, теварак-атрофда кечәётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб, уларга муносабат билдириш, дехқон болалари ҳамда оддий одамлар билан мулокотлар, Лотта билан илк учрашуви манзаралари – уни бир тўда укасингиллари ўртасида нон улашаётган пайтда кўргани, қизнинг устидаги енги ва кўкрагига пуштиранг бант ўрнатилган одмигина оқ кўйлақ, базм чогидаги кечинмалар, кишиларнинг ўз-ўзларини ўлдиришларига сабаб бўлувчи ҳодисалар устидаги Кестнер билан бўлган баҳслар, кишиларнинг ўлгандан кейин ҳам учрашишлари борасидаги сұхбатлар, Кестнер ва Лоттанинг Гёте туғилган куни, яъни 28 августга юборган совғалари (хатто ўша сана ҳам) – ҳамма-ҳаммаси ҳаётда қандай бўлса, худди шундайлигича романда акс эттирилган. Фақат асар хотимасигина бошқа бир воқеа асосига қурилган. 1772 йилнинг 30 октябрида Ветсларда, шоир яхши танийдиган, Вилҳем Иерузалим исмли бир йигит эри бор аёлни севиб қолиб, ўз-ўзини отганидан кейин Кестнердан узундан-узун мактуб олади. У воқеалар тафсилотини миридан-сиригача баён килган, хатто Иерузалимнинг Кестнерга тўппончасини сўраб ёзган хатчини ҳам кўшиб жўнатган эди: «Келгуси саёҳатим учун тўппончангизни бериб туришингизни сўрайман!» (К.О. Конради, 1-жилд, 241-бет). Дарвоқе, Иерузалим ҳам Кестнернинг хотини Шарлоттани яхши кўриб колган эди.

Романнинг «Ёзувчига ноширдан» қисмидаги аксарият тасвиirlар: Вертернинг ўз жонига қасд қилишга тайёрланиши, ўзини қай тахлит отгани, уни дағн этиш маросими Кестнернинг ана шу хати асосида битилган. Вертернинг Албертга унинг түппончасини сұраб ёзган хатчаси ҳам худди Иерузалимнинг хатчасига ўхшайди: «Саёҳатга чиқиш учун түппончангизни беріб турсанды. Сизга доимо соғлық тилайман» (Гёте. «Ёш Вертернинг изтироблари», F.Фулом номидаги АСН., Т., 1975, 176-бет). Романдаги сүнгги жумлалар ҳам Кестнер мактубидаги Иерузалимни дағн этиш маросими тасвирига деярли ўхшайди. Кестнерда: «Кечаси чораккам ўн бирда уни шов-шувсиз оддий черков қабристонига дағн этишиди. Ўн иккита чирок ёқилганди, дағн маросимида бир неча киши қатнашди, холос. Уни сартарошхона хизматчилари күтариб боришли; олдинда хоч ушлаб боришли. Рұхонийлардан бирортасиям уни кузатиб бормади» (241-бет). «Вертер»да: «Унинг (амтманнинг – Я.Э.) күрсатмасига күра, Вертерни кечаси соат ўн бирларга яқин ўзи истаган жойға дағн этишиди. Қария ўғиллари билан тобут ортидан кетди. Алберт боролмади: Лоттанинг ахволи оғир эди. Тобутни ҳунармандлар күтариб боришли. Рұхонийлардан бирортасиям уни кузатиб бормади» (186-бет).

Кейинчалик Гёте ўзининг «Шеърият ва ҳақиқат» китобида күрсатиб ўтганидек, худди ўша, Иерузалимнинг ўлими ҳақидағи хатни олган сониялардан бошлабоқ «Вертер» режаси пишиб етилған, унинг асосий қисмлари ҳар тарафдан ёпирилиб келиб, бир бутунликни ташкил эта бошлаган. Шунга қарамай, роман ёзилгунча тағин салқам бир ярим йил ўтган. Бу орада Гёте Франкфуртда Максимилиан Ларош исмли күзлари қоп-кора, бекад гүзал қызы билан танишади. У 1774 йилнинг январида франкфуртлик баққол Петер Брентанога узатылғанды. Гүзал қызы ёғ ва пишлоқ ҳиди анқиб турған бу бадавлат хонадонда ўзини баҳтсиз ҳис этар, шу боисдан Гётенинг бу ерга ташрифлари уни хийла овуттарди. Гёте худди Лоттанинг укалари билан ўйнагандек, Максининг бешта ўгай болалари билан

ҳам хилма-хил ўйинлар ўйлаб топар, Максимилиан билан мусиқа чалишар, соатлаб сұхбатлашишарди. Сүзсиз, бу нарсалар баққол Брентанога ёқмайды. Бир куни у қаттиқ жанжал күтәради ва шу билан дүстлик ҳам елга учади. «Вертер»нинг ёзишишига шу воқеа ҳам катта турткы беради. Томас Маннинг ёзишича, «Вертер»даги Лотта кўзларининг қоралиги Брента-но хонимдан олинган, аслида Шарлотта Буффнинг кўзлари кўк бўлган.

Хуллас, 1774 йилнинг февралидан бошлаб шўрлик Вертернинг кечинмалари китоб ҳолига кела бошлади. «Шеърият ва ҳақиқат» асарининг гувоҳлик беришича, романни ёзиш кўп вактни олмайди. Февралда ёзиг бошланган асар кўлёзмаси май ойида Лайпцихга, ношир Вайгандга жўнатилади. Узок муддат кўнгилга туғиб келинган фикр-ўйлар гўё яшин тезлигига қофозга тушади-қўяди. Бу – романнинг биринчи нусхаси эди. Иккинчи нусхаси 1778 йилда тўлдирилган, қайта ишланган ҳолда нашр этилади.

Орадан кўп йиллар ўтиб, Гёте ўз ўтган умрига қайта назар ташлаб, «Вертер»нинг ёзилиши, умуман, ушбу асар ҳаётдаги чигалликларни енгигб ўтиш, улардан кутулишга интилиш натижаси, деб атаган эди. «Шеърият ва ҳақиқат» китобида у шундай ёзган эди: «Бошқаларидан ҳам кўра ушбу асарим менга жунбушга келган ҳалокат чангалидан қутулиб чиқиш имконини берди... Ўзимни байни юрагидаги дардларни кимгадир тўкиб солган одамдек, енгил, хурсанд, янгича яшашга жазм қилгандек сездим».¹

Вертернинг кўлидан келмаган иш, яъни «жунбушга келган ҳалокат чангалидан қутулиб чиқиш»га ёзувчи муваффак бўлди. Табиийки, бунда фақат Шарлотта Буффга ёки Максимилианга бўлган умидсиз севгигина эмас, балки 1771–1774 йиллардаги шоирни қийнаган руҳий тушкунлик ҳам кўзда тутилади. Уша пайтларда шоирда аллақандай ички нохушликлар, яъни ўз-

¹ Гёте. Собрание сочинений в 10 томах, том 3. – М., Изд. «Художественная литература», 1976. стр. 496—497.

ўзидан қониқмаслик, ланжлик, ҳаётдаги ўз ўрнини ан-глаб етишга бўлган уринишлар, ўз иқтидорига тўла ишонса-да, нимадандир мудом норозилик холатлари уни беором қилар, буларнинг барчаси ҳатто уни яшашдан тўйишгача олиб келарди. Вертер мактубларида гоҳ қайғу-алам гирдобида, гоҳ кувонч тўлқинида битилган гаплар кейинчалик Гётенинг ўзиниям ҳайратга солган. Гёте ва Вертер шахсиятларини бир-бирига қиёслаб айтиш мумкинки, у бир вақтнинг ўзида ҳам Вертер эди, ҳам ўзга эди: негаки Гёте ўз қаҳрамонига нисбатан сермулоҳазароқ фаолият эгаси эди. У ўз-ўзини ўлдириш фикрининг барча қайғули босқичларини босиб ўтди ҳамда бу фикрни ўзидан қувишга ирода ва куч топа олди. «Шеърият ва ҳақиқат»да у ўзининг ўткир қилиб қайралган қимматбаҳо ханжарини ҳар кеч тўшаги ёнига қўйиб ётишини, шамни учириндан олдин, унинг ўткир учини кўкрагимга бир-икки энлик санча олармиканман, дея синаб кўрмоқчи бўлганини, бироқ бу иш қўлидан келмаганини, шундан сўнг ўз устидан кулиб куролни отиб юборганини ва яшаш керак деган қарорга келганини ёзди (494-бет). «Мен ҳозирча ўзимни шундоққина отиб қўяқолмайман» дея ҳазил оҳангига ёзган эди у Кестнерга.

1780 йилнинг 30 апрелида кундалик дафтарида: «Нашр қилинганидан бўён энди бошдан-оёқ ўкиб чиқдим ва ҳайратдан ёқа ушладим» деб ёзган. Қайта ўкишга ҳеч қачон юраги бетламаган шоир: «Турган-битгани оловли ёлқин, буни ўкиш ҳам даҳшат» деб ёзган.

У ўз авлодини азоблаган ва ҳолдан тойдирган барча кўргуликларни шахсан бошидан кечирган эди. Бу кечинмалар «Вертер»да гўё акс-садо бўлиб янгради. Гётенинг «Прометей»и, «Фауст»и ва бошқа ижтимоий-фалсафий асарларидағи юксак кўтаринки рух нуқтаи назаридан шоирга баҳо беришга одатланиб қолган кишилар унинг қалбидағи ички қарама-қаршиликларни кўпам тушуниб етавермасди. Аслида унинг илм-фан, сиёсий соҳалардаги фаолияти, адабиётдаги бекиёс хизматлари ички нохушликлар, му-

дом унга эргашиб юрувчи руҳий тушкунликлар асосига курилган эди. У дўсти Целтерга ёзган хатида бу ҳақда тўхталиб, ўзи ўралашиб қолган, қалбига ҳечам ўтиришмайдиган мана шу чигал шарт-шароитлардан, тақдир инжиқликларидан қутулиб чиқишида ундаги Худо берган иктидоргина кўмак бераётганини таъкидлаган эди.

«Ёш Вертернинг изтироблари» романи эпистоляр, яъни хатлардан иборат романдир. Бундай шакл ўзида ҳам драматик, ҳам шеърий, ҳам насрый асарга хос хусусиятларни бирлаштирган бўлиб, қаҳрамоннинг руҳий ўз-ўзини англаши, тақид ва таҳдил қилиши учун ҳар тарафлама имкониятлар яратади. Уша пайтда шундай жанр кун тартибида туради. Айниқса, аср ўрталарида инглиз эпистоляр романлари машҳур эди. Улар кўтаринки ҳис-туйғулар, эҳтиросли кўнгил кечинмаларига бой эди. «Вертер» айнан мана шундай сентиментал романлар таъсирида ёзилди. Бунинг ўша романлардан фарки шунда эдики, улар қаҳрамонларнинг бир-бирларига ёзган хатларидан иборат бўлса, Гёtedа факат Вертер ёзади. Хатлар асосан Вилхельм исмли дўстига, айримлари Албертга ва Лоттага ёзилган. Уларнинг Вертерга жавобларини, унинг хатти-ҳаракатларига муносабатларини ҳам китобхон Вертер хатлари мазмунидан билиб олади. Китобнинг «Ўқувчига ноширдан» қисмида ноширнинг Вертер ўлими, унинг сўнгти кунлардаги ахволи, дағн маросими ҳақидаги фикрлари берилади, холос. Бутун ташқи олам қаҳрамон кечинмалари, дил изҳорларида жамланган.

«Бу кичкина роман моҳирона битилган асардир, – деб ёзади Томас Манн, – у қалб кечинмалари, руҳий түғёнларнинг усталик билан, бекаму кўст, нафис бир тарзда жамланган хилма-хил кўринишлари бўлиб, улар ўлим ва ширин ҳислар манзарасини ўзида мужассам этгандир... Ҳар қандай чегаралашлардан, қафасдан қутулиб чексизликка интилиш Вертер табиатининг асосидир, шу жиҳатдан у Фаустга ўхшаб кетади. У

бепоён кенгликлар ва келажак ҳақида, кенгликларга ва келажакка тийиб бўлмас интилиш ҳақида ёзади...» («Гётенинг «Вертер»и» мақоласидан, 259-бет).

Энди Вертернинг ўз-ўзини ўлдиришига сабаб нима, деган масалага келадиган бўлсак, «Вертер» ҳақидаги кўплаб танқидий асарларда унинг ҳалокатга учраши – бу феодал тузуми, унда кишиларнинг табақаларга бўлинниши, чегараланиши оқибатидир дейилади. Эҳтимол, шундайдир. Бироқ нафакат феодал жамиятда, балки ҳар қандай ижтимоий тузум бағрида ҳам бундай ҳолатларни кўришимиз мумкинку? «Жамиятда кўзга кўринган мавқени эгаллаган кишилар, – деб ёзади Вертер 1771 йили 15 майдаги хатида, – гўё обрўдан айрилиб қолишдан чўчигандек, оддий фуқародан ўзларини четга тортадилар, улар ўзларини гўё оддий ҳалқقا илтифот кўрсатгандек тутадилар-у, бу билан ўз калондимоғликларини янада кўпроқ намоён қиласидилар» (Романинг ўзбекча нашри, 1975, 13-бет).

Нима, бундай одамлар факат феодал тузум даврида бўлганми?

Вертер хизмат қилган элчихона бошлигини олайлик. Бундай ҳарфхўр, калтабин, ўз амал курсисидан ажралиб қолмаслик учун ҳар қандай ярамаслик, пасткашликтан қайтмайдиган, «эзма хотинлардек қилдан қийик ахтарадиган», иш билмасликлари туфайли «ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам кийнайдиган» жоҳил бошликлар қайси жамиятда бўлмаган? Ҳозир йўкми улар? Вертер каби ҳалол ва куюнчак ҳар қандай одам ҳозир ҳам атрофидаги мана шундай одамлардан, мана шундай ҳаёт тарзидан қийналиши, улардан ҳолос бўлиш йўлини тополмай изтироб чекиши табиий-ку!

Вертернинг ўз жонига қасд қилишига сабаб факатгина ижтимоий муҳит ёки бўлмаса факатгина севгилисига етишолмагани, деб изоҳлаш хато бўларди. Аслида, униси ҳам, буниси ҳам. Шу билан бирга бу ҳодисага баҳо беришда қаҳрамоннинг характерхусусияти, дунёқарашибдан ҳам келиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Вертер ўзбекча сўзлаганда...

Гап таржима ҳақида кетганда Чингиз Айтматовнинг «Таржима – муҳаббат фарзанди» деган ҳикматнамо гапи эсга тушади. Дарҳақиқат, сўзга, адабиётга, таржима қилинмоқчи бўлган асарга чексиз муҳаббат қўймай туриб яхши таржима яратиш мумкин эмас. Шунинг учун нашриётларнинг маҳсус топшириғи билан эмас, таржимон ўзи хоҳлаган, юрагини «жиз» эткизган асарни танлаши керак. Ўша асар таржимонни шу қадар ром этмоғи лозимки, токи уни таржима қилмай туролмасин, ўшанда китоб асл нусхада кишиларни қандай ларзага соглан бўлса, таржимада ҳам худди шундай таъсир кучига эга бўларди. Борди-ю, шуларнинг акси бўлса, яххиси, таржимага кўл урмай қўяқолган маъқул. Чунки таржима ҳам санъат, бадиий ижод. Ёзувчи ўша асарни нечоғлик илҳом билан яратган бўлса, мутаржимни ҳам шундай илҳом ўз оғушига олиши керак. Демак, таржима учун китоб танлаш пировардида муваффақиятни таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Забардаст ўзбек таржимонлари М.Шайхзода, А.Қаҳҳор, К.Қаҳҳорова, Қ.Мирмуҳаммедов, А.Орипов, Э.Воҳидов, Миртепмир, ИброҳимFaфуров, Жамол Камол, Низом Комил, Муҳаммад Али, Абдулла Шер ва бошқа қаламкашлар қўлидан чиққан, ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган энг яхши таржима намуналари ана шундай муҳаббат меваларидир.

Жаҳон мумтоз адабиёти намуналари, буюк даҳоларнинг асарлари таржимаси айниқса юксак масъулият талаб этади. Таржимон бир зум ҳам кимни таржима қилаёттанини, канчалик шарафли вазифани ўз зиммасига олганини эсдан чиқармаслиги зарур. Ўша буюк асарни буюклигича ўз халқига тақдим қилиши, бу иш жуда катта меҳнат талаб қилишини, буни удалаш жасорат билан тенг эканлигиниям ёдида тутиши, ўзида шунга куч ва иқтидор сезсагина, руҳан, қалбан шу жасоратга тайёр бўлсагина шоҳ асарлар таржимаси учун қўлга қалам олиш дуруст бўлади. Бинобарин, Гёtedек

даҳо ижодкор асарлари таржимаси ҳам ана шундай масъулиятталаб меҳнатдир.

Шу сатрларни ёзяпман-у, Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» романидек жаҳонни забт этган асар таржимасига киришганим 1969 йилнинг куз ойлари хаёлимда жонланади. Хўш, шаклан мўъжазгина, моҳияттан бекиёс бу китобчани ўзбекчага ўтиришга – бундай журъатта мени нима ундади? Ахир, у пайтлар университетларда таржима назарияси ва амалиёти фан сифатида ўрганилмас, мен таржимон олдига қўйиладиган талабларни ҳам тузукроқ билмасдим. Эндинга олий ўкув юртини битириб, талабаларга олмон тилидан сабоқ берувчи ўқитувчи эдим, холос. Шубҳасиз, Гётени, айникса, унинг «Вертер»ини бир тилдан иккинчи тилга ўгириш учун олмон тилини билишнинг ўзигина етарли эмас. Тўғри, адабиётта бўлган муҳаббатим чексиз эди. Ўзбекча бадиий асарларни тинимсиз мутолаа қиласдим. Ҳарқалай, бадиий ижод соҳасида нимадир қилиш ниятим ҳам йўқ эмасди. Аммо... Гётедек забардаст ижодкор асарини таржима учун танлашга туртки берган, сўз билан ифода этиб бўлмайдиган яна нимадир, эктимол, ўша улкан муҳаббатга ўхшаган нарса ҳам керак эди назаримда. Йиллар давомида қалбимнинг қаериладир, қайнаб тошишга йўл тополмаётган илҳом булоғининг кўзи шу «Вертер» туфайли очилган-у, бадиий таржима боис ўзига йўл топгандек гўё...

«Вертер»га меҳр менда талабалик йилларимда, романдан катта бир парчани таҳлилий ўқиш дарсида ба-тафсил ўргангандар пайтимизда туғилган эди. Қолаверса, қаҳрамон билан характерлар муштараклиги, соф субъектив сабаблар бунга туртки берган бўлиши ҳам мумкин...

Хуллас, бу китобни аслиятда кайта-қайта ўқир, Вертер тақдиди учун унга кўшилиб кўз ёши тўкардим. Асар менинг юрагимни «жиз» эткизибгина қолмасдан, балки бутун қалбимга, борлиғимга тутён олиб кирган, ўй-хаёлимни эгаллаган эди. Бундай ҳолатда уни

таржима қилмай бўлмасди. Гётени таржима қилишга, тўғри, назарий жиҳатдан тайёр эмасдим, аммо руҳан, бутун шуурим билан тайёр эканлигимни англаб етгач, бу ишга журъат этдим. Мана, орадан қирқ йилдан ошик вакт ўтипти ҳамки, ўша пайтдаги ўзимдаги ҳолатни аниқ хотирлайман: наҳотки, шундай ажойиб асардан факат биргина мен лаззат олсан? Наҳотки, буни барча ўзбек ўқувчиларига етказишнинг иложи бўлмаса? – деган савол мени қийнарди. Йўқ, мен буни таржима қилишим керак, токи барча китобсевар ўзбеклар асардан баҳраманд бўлишсин, деган ният билан қўлга қалам олгандим. Худога шукурки, у алоҳида китоб ҳолида ўзбек китобхонлари кўлига етиб борди. Ҳарқалай, таржимани китобхонлар илиқ қаршилашди, назаримда.

Ҳамма замонлар Гёте асрлари, айниқса, «Вертер» таржимасига киришган қаламкашлар, бу сўз санъаткорининг буюклиги, сўзларининг сехри олдида таъзим қилишган. Гёте ижодининг Русияда тарқалиш тарихини тадқиқ қиларкан, В.Жирмунский «Гёте рус адабиётида» монографиясида «Вертер»нинг дастлабки, XVIII асрдаги таржимонлари ҳакида ўта ҳаяжонли маълумотларни келтиради. «Вертер» таржимасига «Дўстона адабий жамият» деб номланувчи тўғарак аъзоларидан Андрей Тургенев ва Мерзляковлар бир вактда киришишади ва иш натижалари билан бир-бирларини мунтазам хабардор қилиб туришади. Қани энди бизда ҳам шундай ижодий мусобақалар бўлиб турса! Андрей Тургенев 1799 йилнинг 26 нояброда ўз кундалик дафтарида ижод жараёнидаги қалб тугёнларини шундай ифодалайди: «... тағин унинг «Вертер»ини қўлга олдим. Бу шунака туйгуки, гўё ёқимсиз, бўм-бўш, совуқ, ёт бир ердан тароватли бир оламга кадам қўйгандек бўласан киши. Тағин Гёте, Гёте, унинг қархисида тиз чўксанг арзиди! Қанчалар озиқ оласан киши... «Вертер»ни таржима қилишга киришганимдан ва унда Гётени бутун борлиги билан топа олганимдан қалбим шунчалар яйраяптики! Бу туйғуни изоҳлаб бе-

ролмайман, у менга қандайдир илиқлик, юпанч баҳш этади».¹

Ё товба, дея ҳайратга тушаман: худди шундай түйғулар менда ҳам ҳукмрон бўлган эди-да, ахир! Бундай түйғуни сўз билан ифода этиб бўлмайди, уни фақат ҳис этиш керак. Ҳатто Гётенинг ўзи ҳам кейинрок «Вертер»ни ўқиб кўриб бехад ҳайратга тушганини ёзган. У дўсти Эккерманга: «Вертер шундай зотки, мен уни баайни сақоқушдек юрак қоним билан озиклантирганман», деган. Сўзиз, таржимон ҳам уни «ўз юрак қони билан озиклантириши», муаллиф ўша асарни ёзиш жараёнида қандай ҳолатларга тушган бўлса, зўрма-зўраки эмас, табиий бир ҳолда бошдан кечириши керак. Ўша пайтда битган кундалик дафтаримни вараклаб, айни шундай изтироблар акс этган ёзувларни ўқидим: «16.XI.1969. Бу китобнинг охирги вараклари мени ҳам қаҳрамонга кўшиб ўлдириб қўядими, деб кўркаман. Уни оддий китобхондек ўқиб чиқиш бошқа-ю, ҳар бир сўз, ҳар бир жумла мазмунини ҳис этиб, таржима қилиш бошқа экан!.. Сўнгги саҳифаларни деярли лугатдан ҳам фойдаланмай таржима қиляпман. Маржон-маржон кўз ёшларим Вертер ва Лоттанинг кўз ёшларига кўшилиб кетяпти. Ҳеч бир кимса буни – менинг қалб туғёнларимни ҳис этолмайди!.. Мабодо шу китоб босилиб чиқса, буни битиргунча таржимон қанча юрак кўри, беҳисоб кўз ёшларини сарфлаганини бирор ўқувчи хаёлига келтирармикан?.. Албатта, йўқ». Бу табиий ҳол. Негаки «Вертер»ни локайд, эҳтиrossиз, изтиробларсиз ўқиб, айниқса, таржима қилиб бўлмайди. У бирон-бир бошқа асарга ўхшамайди, ўзи алоҳида бир дунё.

Айниқса, қаҳрамон ҳаётининг сўнгти дақиқалари, сўнгти алам ва изтироблари ифода этилган сатрларни ўтириш азоб эди! Таржимон ҳолатини тасаввур этиш учун тағин унинг кундалик дафтарига мурожаат қиласиз: «18.XI.1969. Улкан севгига ҳамиша ўлим ҳамроҳ бўлиб юармиш... Бугун хузурли ва айни пайт-

¹ Жирмунский В.М. Гёте в русской литературе, Л., «Наука», Лен-кое отд., 1982, с. 62.

да маشاққатли ишимни ниҳоясига етказдим. Охирги варакни ўгиришда чинакам дод солиб йиғладим, гүё энг яқин кишим вафот этгандек. Бир сатр ёзаман-да, ортиқ кучим етмай, йиғлашга тушаман. Бироз ўзимни тутиб олгач, яна ёза бошлайман... Хуллас чексиз изтиробда тутатдим. Эх-хе, ким ҳам ҳис эта оларди менинг ҳолатимни! Бу маъносиз сўзларнинг ҳеч нарсани ифодалай олмаслиги-ку турган гап!..»

Сирасини айтганда, ҳақиқий бадиј таржима унинг илоҳий ҳузур ва азобларини том маънода бошдан кечиргандагина яратилади. Буни худди актёрнинг ролга кириш ҳолатига қиёслаш мумкин. Гётенинг ўзи ҳам асарни йиғлай-йиғлай ёзган экан. Китоб босилиб чиққандан кейин ҳам уни қўлга олишга юраги бетламаган. Орадан узоқ йиллар ўтгач, «шундай нарсани ёзид ҳам одамнинг тирик қолганига ақлинг бовар қилмайди», деб ёзган «Шеърият ва ҳақиқат» китобида.

Шубҳасиз, «Вертер»ни таржима қилиш нафақат руҳий, балки услубий ва тил хусусиятлари жиҳатдан ҳам осон иш эмас. Гёте услуби ҳақида сўз юритар эканмиз, Татяна Силман¹ таъбири билан айтганда, икки йўналишни кузатиш мумкин: бири унинг «Бўрон ва ҳужум» даври асарларига хос бўлган йиғлоқилик, жўшқинлик, образлилик, эҳтиросларга бой муболағали тилда фикр ифодалаш бўлса, иккинчиси, Гётенинг кейинги йиллар ижодига хос бўлган эпик услугуб бўлиб, фикрлар узун-узун, мураккаб таркибли кўшма гаплар орқали, босик, расмий оҳангда берилади. «Ёш Вертернинг изтироблари» романида ҳар иккала услугуб ўрин алмашиб туради. Кейингиси аксарият романнинг биринчи китобида, ҳали Лотта билан танишмаган пайтдаги Вертернинг ички мушоҳадаларини ўз ичига олган хатларида ҳамда асарнинг «Ўкувчига ноширдан» қисмида қаҳрамоннинг сўнгги азобли кечинмалари, ўлими ва уни дағн этиш маросими ҳақидаги фалсафий кечинмалари «прозаик услубий йўналиш» (Т.Силман) да, батъзан ярим саҳифани эгаллаган мураккаб таркиб-

¹ Silman T. Stilanalusen. Изд-во «Просвещение», Лен-дское отд., Л., 1969, с. 44—45.

ли кўшма гаплар (период) орқали баён этилган. Бунда хилма-хил эргашган ва боғланган қўшма гапларнинг аралашиб келиши, бунинг устига турли-туман бадиий тил воситаларининг қалашиб ётиши таржимонни баъзан боши берк кўчага киритиб қўяди. Мана шундай тизма-тизма жумлалар таржимасида унинг синтактик курилиши билан бирга турли услубий мақсадларда кўлланилган ундалма, ўхшатиш, сифатлаш, изоҳловчи, сифатдош гурухлари ва шу каби воситаларга ҳам пур тур етказмасдан ўзбек тилида қайта тиклаш жуда катта меҳнат ва кўп вакт талаб қиласди. Айниқса, турли тил оиласлагина мансуб тиллар (масалан, ўзбек ва олмон тиллари)аро таржимада синтактик муаммоларни ҳал этиш хийла мураккабдир. Таржимашунослар буни бутун бинони бузиб, яна қайтадан тиклашга қиёслашади.

Хар қанча қийин, меҳнатталаб бўлганида ҳам мен «Вертер» таржимаси устида ишлаётганимда бир дақиқа ҳам Гётедек буюк ижодкор, Вертердек нозиктасъб, жўшқин қалбли образ билан мулокотда эканлигимни унутмаслигим, ҳар битта гётеона тасвирни, теран тасвир жилоларини иложи борича фикр тарозусида обдон ўлчаб, ўзбек тили қонуниятларига мос тарзда ўгиришим зарур эди ва шунга зриша олдим, деб ўйлайман.

Назаримда, «Ёш Вертернинг изтироблари» романни насрдаги назмдир, лирикадир! Демак, унинг таржимони ҳам, таржима танқидчиси ҳам иш жараёнида ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиши лозим. Бу дегани: унга бошқа насрый асарлар каби эмас, балки гўё лирик достонни таҳлил қилаётгандек муносабатда бўлиш талаб қилинади. Чунки «Вертер» кишида ўта нозик, ўта рубобий ҳис-туйғуларни уйғотувчи, гўзал адабий обидадир. Бундай асар таржимаси ҳам мароқли, ҳам беҳад қийин иш. Асарнинг лирик услубда битилган қисмлари гарчи тили ғоят образли, сержило бўлсада, гап тузилиши жиҳатдан таржимонни қийнамайди. Ёдимда бор: Вертер қалбидаги кўтаринки ҳис-ҳаяжон, эҳтиросларни акс эттирган саҳифаларни, айниқса, иккинчи китобни худди ўзим ёзаётгандек йиғлай-йиғлай

таржима қилиб кетавергандим. Бунда энг муҳим нарса она тилидан ҳам асл нусхадаги эҳтиросли, образли сўз ва ибораларга мос келадиган воситаларни топа билиш, уларни ўз ўрнида ишлата билишдир. Бугина эмас, асар ғояси, ички моҳияти, қаҳрамонларнинг уёки бу шароитдаги, муҳитдаги ҳолати, кайфияти, умуман, ёзувчи айтмоқчи, таъкидламоқчи бўлган мақсад ҳам ёдда туриши лозим, матнга ҳарфхўрларча эмас, балки ижодий муносабат зарур. Агар таржимон асар ичига тамоман кириб кета олса, миясига гўзал ифодалар ўз-ўзидан қўйилиб келаверади ва у ҳам китоб қаҳрамони сингари гоҳ кўтаринки ҳис-туйғулар, гоҳ кўз ёшлари ва изтироблар оламига сингиб кетади. Ана шундагина она тилининг бор имкониятлари «мана мен», деб юзага чиқиши мумкин.

Қаҳрамон қалбида жунбушга келган кўтаринки ҳис-ҳаяжонни ёки бўлмаса ҳаддан ортиқ қайғу-изтиробларни акс эттириш учун ёзувчи муболағадан унумли фойдаланади. Масалан, Вертернинг алам-изтиробларини кўрсатишда кўп ўринларда «Tränen» – «кўз ёшлари» сўзи, кайфиятидаги кўтаринкиликни кўрсатишда эса «Freude» – «кувонч» сўзи тақрор-тақрор ишлатилган. Бироқ бу сўзлар ҳар гал «Tausende» – «минглаб», «ein Strom» – «оқим» сўзлари билан биргаликда келганки, бу аниқловчилар тасвирга йиғлоқилик, образлилик руҳини сингдиради. Бу билан ёзувчи қаҳрамоннинг шунчаки йиғламаслигини ёки шунчаки кувонмаслигини, балки унинг қайғуси ҳам, қувончи ҳам чексиз-чегарасиз эканлигини таъкидлайди-ки, асар тилидаги ана шу жиҳатларни қаҳрамон характер хусусиятларидан келиб чиқиб таржима қилиш лозим бўлади. «Tausende» сўзи сўзма-сўз «минглаб» деган маънони англатади. Лекин «кўз ёшлари» ёки «кувонч» тушунчасини санаб бўлмаслигини ҳисобга олсан, уни бундай таржима қилиш ўзбек тили қонуниятларига мос келмайди. Шунинг учун биз бу тушунчаларни қўйидагича ўтиридик:

«Ein Strom von Tränen» (сўзма-сўз – кўз ёшлари оқими) – «Кўз ёшлари сели»;

«Tausende Tränen» (сўзма-сўз – минглаб кўз ёшлари) – «бехисоб кўз ёшлари»;

«Mit tausend Freuden» (сўзма-сўз – минглаб кувонч билан) – «чексиз кувонч билан» ва ҳоказо.

Ўйлаймизки, ушбу таржималарда асар ва унинг қаҳрамонига хос бўлган сентиментал руҳ қайта тикланган. Романда булардан ташқари айни ўша «хужумкор даҳолар» даври услубини ифодаловчи, Вертердаги хилма-хил ҳолат ва кайфиятларни намоён этувчи сўз бирикмаларига ҳар қадамда дуч келамизки, қуйида шулардан айримларининг таржимасини кўриб ўтамиз:

Mein geprässtes Herz – эзилган юрагим;

Finstere Zukunft – зулматга элтувчи истиқбол;

Weine trostlos – ўксисб-ўксисб йиғлайман;

Köstlicher Balsam – бебаҳо дармон;

Man möchte Maikäfer werden – капалак бўлиб колгинг келади;

Jahreszeit der Jugend – фасллар келинчаги ва ҳоказо.

Келтирилган сўз бирикмаларининг деярли барчаси таржимада асл нусхага айнан мос келади. Масалан, «*weine trostlos*» (безутешно плакать) феълли бирикмани оладиган бўлсак, ундаги «*trostlos*» сўзи рус тилида «безутешно» маъносини англатади ва бу сўз «Русча-ўзбекча луғат» (ЎзСЭ Бош Редакцияси, Т., 1983)да «ҳасрат чекиб», «дард-алам билан» деб ўгирилганки, булар кўпроқ китобий услубни ифода этади. Бу вариантлар «Вертер» контекстига у қадар мос келмаган бўларди. Негаки Вертер шундай йиғлайдики, бу оламда уни юпаттувчи имкон йўқ. Шу сабабли, биз Вертердаги ана шу ҳолатни очиб беришга кўмаклашувчи «ўксисб-ўксисб» бирикмасини танладикки, назаримизда, бу муаллиф мақсадига ҳам мос келади. Шунинг учун таржимон ҳамиша ҳам луғатларда берилган сўз маъноларигагина ёпишиб олмасдан, матнга ижодий ёндошиши, таржима килинаётган асар ғоясига, қаҳрамон руҳиятига тўғри келадиган сўз ва ибораларни ўз она тилидан топа билиши зарур бўлади.

Бадиий таржима жараёнида таржимон баъзан шундай ҳолатларга ҳам дуч келадики, ўгирилаётган матндан айрим тимсоллар ўзбек тили ички қонуниятларига тўғри келмаслиги мумкин. Ўшанда таржимон ўз тили имкониятларидан келиб чиқиб, асл нусха мазмунини очиб бера оладиган сўзларни топиши керак. Масалан, юқорида келтирилган «капалак бўлиб қолгинг келади» бирикмасидаги «капалак» сўзи ўрнида оригиналда «Maikäfer» – «май қўнғизи» сўзи келган. Биз буни «капалак» тушунчаси билан беришга журъат этдик, чунки «қўнғиз» тушунчаси, у «май қўнғизи»ми ёки бошқа қўнғизми, қандай бўлишидан қатъи назар, ўзбек тилида киши онгида ижобий ҳисларни қўзғатмайди, айниқса, «жаннатмисол гўшалар», «хушбўй ислар денгизи» хақида гап кетаётган бўлса. Бундай лаҳзаларда ҳар қандай ўзбек ҳам «қўнғиз»ни эмас, гулдан-гулга кўчиб, ажиб манзара кашф этаётган «капалак»ни тасаввур этиши ва бу пайтда унинг қалбида кўтаринки, кувончли туйғулар уйғониши табиий. «Капалак» сўзида асл нусхадаги образли асос акс этмаган бўлса-да, биринчидан, унда ўзбек тилининг ички қонунияти сақланган, иккинчидан, немис тилидаги бирикма ҳам, унинг ўзбекча таржимаси бўлган «капалак бўлиб қолгинг келади» ифодаси ҳам битта мақсадга – қаҳрамон руҳий оламини, унинг танҳоликда табиат гўзалликларидан лаззат олишини англатишга хизмат қиласди.

Энди «Jahreszeit der Jugend» бирикмасининг таржимасига келсак, аслида ушбу бирикма сўзма-сўз «ёшлик фасли» маъносига эга, яъни «баҳор» тушунчасини англатади. Шундан келиб чиқиб биз уни дастлаб худди шундай тарзда – «баҳор» деб ўтирган эдик. Бирок бу аслиятдаги образлиликни ифода этмайдиган оддий сўздир. Аслида юқоридаги сўз бирикмасини «фасллар келинчаги» деб ағдарсак, оригиналдаги кўтаринки руҳга мос келган бўларди. Шуни ҳисобга олиб, уни ушбу нашрда айнан шундай тузатдик.

Бундай юксак образлилик касб этган сўзлардан

ташқари, романнинг лисоний бойлигини ташкил этувчи кўплаб фразеологик бирикмалар ҳам учрайди. Романда олмон тилининг бой луғат таркиби, Гёте тилининг залвори ҳамда ўзига хослиги намойиш этилган. Унда ҳеч қандай луғатлардан топиб бўлмайдиган нутқ бирликлари мавжуд. Деярли ҳар бир жумлада фразеологизмларни, турғун бирикмаларни, образли сўзларни учратиш мамкин. Зеро, бу ҳолат ўша давр тили учун характерли бўлган ҳодисадир.

Мазкур асарда яна кўплаб эскирган сўзлар ва бирикмалар, бошқа тиллардан кириб келган сўзлар, бадий тасвир воситалари ҳам кўлланилганки, улар ҳозирги олмон тилида кўпинча сакланмаган.

«Ёш Вертернинг изтироблари» романида табиат тасвирига кенг ўрин берилган. Айниқса, Вертернинг табиатдаги ички кудрат, яъни яратувчилик ва емирувчилик кудрати олдидаги бекиёс ҳайрати, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар ҳакидаги мушоҳдалари тасвирида буни яққол кўрамиз. Асар бошида Вертер табиатдаги улуғворликдан лаззат, илхом олади, ундаги гўзалликлар Вертер кайфиятини кўтаради, қалбига завқ-шавқ бахш этади. Бироқ китоб сўнгига, энди Лоттадан айрилганига кўзи етгач, ҳеч каердан ўзига қўним тополмай қолган, ўзига ўлимдан бошқа нарсани раво кўрмай қолган пайтларида унга илгари илхом, кувонч бағишлигар табиат манзаралари ҳам туссиз, кўримсиз бир нарсага айланиб қолгандек туюлади.

Эпик услубий тамойил билан боғлиқ мана шундай тасвирлар кўпинча узун-узун мураккаб жумлалардан иборат бўлиб, уларда хилма-хил турдаги эргашган қўшма гаплар, уларнинг орасида тағин образли иборалар, сон-саноқсиз ўхшатишлар ва бошқа тил ҳодисалари келадики, булар таржимонни мушкул аҳволга солиб қўяди. Салкам бир сахифани эгаллаган ана шундай жумлани биз Вертернинг 1771 йил 16 августдаги хатида учратамиз. Унда ёруғ олам, табиатдаги улкан куч-кудрат, улар олдидаги қаҳрамоннинг

ҳайрати, фалсафий, рухий кечинмалари ўз ифодасини топган. Бу ҳақда озгина бўлса-да, тасаввур ҳосил бўлсин учун ўша жумлалардан биттасини ҳеч бўлмаса ўзбек тилида келтирамиз: «Авваллари мен чўққига чиқиб, дарёдан тортиб, узок тепаликларгача, бутун гуллаётган водийни кузатардим ва теварак-атрофдаги ҳамма нарса ўсаётганини ҳамда ҳаёт қайнаётганини кўрардим, этагидан тортиб чўққисигача баланд, қалин дараҳтлар билан копланган тоғларга, ажойиб ўрмонлар соя ташлаб турган эгри-буғри бўлиб кетган водийларга тикилардим, тинч дарё шивирлаб турган қамишлар оралаб оқарди, кечки енгил шабадада кўкда сузаётган оппоқ булатлар сувда акс этарди; ўрмонни жонлантирувчи қушларнинг ғала-ғовурига қулок солардим, миллионлаб пашша тўдалари ботиб бораётган күёшнинг қизил шуъласида ғужғон ўйнашарди ва охирги ёруғ шуъла ғувиллаётган қўнғизни майса орасидан тортиб чиқаради, атрофимдаги ҳаракат ва қийчуввлар менинг назаримни ерга тортарди, мен турган яланғоч чўққидан озиқ олувчи йўсин ҳамда яланғоч кум тепаликда ўстган бутоқ – буларнинг ҳаммаси менга табиатнинг қайнок, муқаллас ички дунёсини кўзкўз киларди; ўшанда ҳамма нарса менинг тўлкини қалбимдан жой оларди» (76-бет).

Гёте – Вертер ўзини табиат фарзанди, дўсти, ошиғи деб атайди. Бу шоирнинг Лайпцихда ўқиб юрганида танишган санъатшунос ва рассом устозлари Адам Эзер, Винкелман ва бошқалар таъсирида юзага келган табиатга бўлган бекиёс муҳаббат натижасидир. Шу сабабли, Гётенинг ҳар бир асарида, жумладан, «Вертер»да ҳам табиат манзаралари ажиб бир меҳр билан тасвир этилади. «Фақат табиатгина бенихоя бой ва фақат угина буюк санъаткор яратса олади» деб ёzáди Вертер 1771 йил 20 майдаги хатида (20-бет). Бу ўта зукко ва теран тафаккурли инсон томонидан айтилган ҳикматдир. 1771 йилнинг 21 июнидаги мактубдан олинган куйидаги парчада Вертернинг Лотта билан танишгандан кейинги ҳолати, қалбидаги

мехр-муҳаббат қайнаб тошган пайтда поёнсиз олам гўзаллигидан нечоғлик роҳатланиши, чексизликларга интилиши ифода этилган. Тасвир эҳтиросли, жўшқин ҳисларни ифодаловчи сўз ва бирикмалар, хитоблар, тақрорлар, тўлиқсиз гаплар, ундов, сўрок белгилари, кўп нуқталарга бойдир: «...Хув ана кичкина ўрмон!.. Қани энди унинг орасига шўнғиб кетсанг!.. Ана у ерда эса тоғ чўққиси! Қани ўша чўққидан туриб поёнсиз ўлкани томоша қилсанг!.. О, кошкийди уларнинг ичидаги йўқолиб кетсанг!.. О, бу чексизликлар ҳам худди келажакдек йироқдир!.. Биз унга интиласиз! Оҳ! Юрагимизни энг буюк, энг тотли ҳислар лаззатига қондиришга қанчалик ташнамиз-а!..» (41-бет).

Хуллас, асар тили беҳад бой, гўё бутун олмон тилидаги энг гўзал, энг сермаъно сўзлар унда жамлангандек. Уни дуру жавоҳирларга тўла тубсиз денгизга қиёслаш мумкин. Улардаги қат-қат фикр маржонларини англаб етиш, теран идрок этиш кишидан анчагина иқтидор талаб этади.

«Ёш Вертернинг изтироблари» романи ўзбек тилида босилиб чиққандан кейин газета ва журнallар саҳифаларида катта-кичик бир қатор тақризлар босилиб чиқди. Уларда ўзбекча «Вертер» ҳакида ижобий фикрлар билдирилди. Улардан энг йириги «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида (№3, 1985) эълон қилинган М.Абдурахмоновнинг «Ёш Вертернинг изтироблари» ўзбек тилида» номли мақоласидир. Бундан ташқари, Шавкат Каримовнинг 1983 йилда чиққан «Диллардан дилларга» китобида ҳам «Вертер» романни ва унинг таржимасига бир неча саҳифа ажратилган. Тақризчилар ўзбек бадиий таржимачилигидаги илк бор аслиятдан амалга оширилган таржиманинг муваффакиятли якун топганини алоҳида таъкидлашган.

Ўзбекча «Вертер» ўз вактида номзодлик диссертацияси учун ҳам асос бўлди. У.Сотимовнинг «Немис адабиётидан ўзбек тилига таржима қилиш тарихидан» мавзуидаги диссертациясининг бир боби «Вертер»

тахлилига бағишиланган. Ҳамда шу асосда ЎзФА илмий түпламларида мақолалар эълон қилинди. Муаллиф таржиманинг ютуклари билан бир қаторда айрим жузъий камчиликлари устида тўхталиб ўтадики, булар таржиманинг кўлингиздаги нашрида ҳисобга олинди. Ў.Сотимов «Вертер» таржимаси хусусида шундай хуносага келади: «Ўзбек тилининг ранг-баранг лисоний-услубий қирраларидан унумли фойдаланиш таржимонга Гёте сентиментал романининг бадиий-эстетик қимматини сақлаш имконини берган» (Автореферат, Т., 1978, 24-бет).

Бирок ютуклар ўзимизники. Ҳар қандай қийин ишда бўлгани каби ушбу таржимада ҳам камчиликлар йўқ эмас, баъзан жиддийлари ҳам учрайди. Бу камчиликлар, асосан, атоқли отлар, жуғрофий номларнинг ўрисча талаффузда берилишида (Ганс, Вильгельм, Вальхейм ва ҳоказо), иккинчидан, айрим мухим сифатлашлар, ўҳшатишлар ва бошқа маъно нозикликларининг ўзбек тилида тикланмай қолганида (уларнинг айримлари ҳақида юкорида тўхталиб ўтдик), учинчидан, мураккаб таркибли қўшма гагларнинг баъзилари талаб даражасида ўгирилмаганида кўринади. Таъкидлаш лозимки, эришилган ютуклар олдида бундай йўқотишлар унчалик катта эмас. Деярли бирча хатоликларни матнни қайта нашрга тайёрлаш пайтида тузатишга ҳаракат қилдик.

«Вертер» романи ўзбек тилида 1975 йилда чоп этилган бўлса, у даврда ҳали Ғарбий Европа тилларидан бирорта асар тўлигича бевосита таржима этилмаган, бу соҳада ўзбек таржимачилигига тажриба тўпланмаган эди. Бир сўз билан айтганда, агар ушбу соҳани очилмаган кўрик деб ҳисобласак, «Вертер» таржимасини шу кўрикка тушган биринчи омоч де-йиш мумкин.

«Ёш Вертернинг изтироблари» романи яратилгандан сўнг орадан 200 йил ўтиб, ўзбек тилига бевосита аслиятдан ўгирилиши, алоҳида китоб ҳолида нашр этилиши, бундай шарафли ҳамда масъулият-

ли ишнинг айнан менга насиб этиши – бу Худонинг менга кўрсатган инояти бўлса керак. Гёtedек даҳо қаламкашнинг бутун маҳорати юз очган «Вертер» романини она тилимга ўгириш баҳти менинг пешонамга ёзилганидан, бундай нозик вазифанинг уддасидан ҳар қалай чика олганимдан бекиёс хурсандман ва баҳтлиман. «Вертер» романни яратилгани ҳамда илк бор чоп этилганига ҳам мана 240 йил бўлди. У инсонлар қалби ва маънавиятини абадий бойитиб, жаҳон адабиёти дурданаларидан бири бўлиб қолаверади.

Ҳамроз диллар фожиаси

Даҳо ижодкор Йоҳанн Волфганг Гётенинг 150 жилдга яқин умумий меросидаги шеърий, драматик, илмий асарлари каторида, унинг «Вилҳелм Майстернинг таҳсил йиллари», «Вилҳелм Майстернинг театрдаги шуҳрати», «Вилҳелм Майстернинг жаҳонгашталик йиллари» трилогияси, «Ёш Вертернинг изтироблари», «Ҳамроз диллар» романлари, эртаклари, қалин бир китобга жой бўлган новеллалари сингари насрый асарлари алоҳида ўрин тутади.

«Ҳамроз диллар» романни дастлаб «Вилҳелм Майстернинг жаҳонгашталик йиллари» асарига киритиладиган новелла тарзида режалаштирилган. Бирок 1808–1809 йиллар давомида у мустақил роман дараҷасига етди. Афтидан, асар устида ишлаш жараёнида ёзувчидаги ўзи бошидан кечирган ва ҳаётда кузатган воқеалардан кўпини бадиий ўзлаштириш истаги пайдо бўлган. Романдаги сюжет элементлари ёзувчи ҳаёти билан қай даражада боғлиқлигини фараз қилиш ва бу элементларни аста-секин, синчковлик билан кашф эта бориш мумкин.

Гётенинг бирорта асари «Ҳамроз диллар»чалик тасвирдаги изчиллик ва кенгқамровлилиги, фикрий қўламишининг фавқулодда бойлиги, қарама-қарши ифодалар, рамзий кўринишлар, воқеа-ҳодисаларнинг мўл-кўллиги билан ўқувчини лол қолдирмаган. Й.П.Экерман «Гёте билан сухбатлар» асарида кўрсатишича,

муаллиф бу ҳақда шундай деган экан: «Мен шоир сифатида у ёки бу ғояни күтариб чиқмокчи бўлсан, буни кичик ҳажмдаги шеърларда акс эттирадимки, бу яққол кўзга ташланиб туради. Аниқ бир ғояни изчил, муфассал очиб берган ягона кенг қамровли асарим – бу «Ҳамроз диллар»дир. Ана шу ғоя туфайли романни тушуниш осонлашди... Менимча, бадиий асарнинг маъноси қанчалик чуқурроқ ва бекиёс бўлса, шунча яхши».¹

Романда оила ва никоҳ муносабатлари масаласи кўтарилган бўлиб, муаллиф воқеалар ривожининг ишонарли, ички мантиққа асосланган усулини ўйлаб топган. Швед кимёгари ва табиатшуноси Тоберн Бергман 1775 йилда «*De attractionibus electivus*» номли асарини яратди, ушбу атама 1792 йилда немис тилига Хайн Табор томонидан «*Die Wahlverwandschaften*» («Танланган яқинлик») номи билан таржима килинди. Барча табиий фанлар билан, жумладан, кимё фани билан ҳам шуғулланган Гёте янги романини шу ном билан атади ва асарга ана шу швед олимининг қарашларини асос қилиб олди. Романинг биринчи қисм 4-бобидаги «танланган яқинлик» атамасига Капитан берган изоҳларнинг барчаси швед олими хуласаларидан иборат, яъни ҳамма жисмлар ҳам бир-бири билан қўшилавермайди, айримлари эса осон бирикади. Айтайлик, AB ва CD бирикмаларининг ўзаро таъсири кўриб чиқилганда, улар бир-бирларидан ажралиб кетиб, янги бирикмалар юзага келган: AC ва BD сингари. Шундан сўнг ёзувчида шу жараён инсонлар ҳаётида синааб кўрилса қандай натижা келиб чиқаркин, деган фикр пайдо бўлади ва буни амалда синааб кўради.

«Танланган яқинлик»нинг рамзий маъноси шуки, ўз ғайриоддий хусусиятига кўра жисмлар, гарчи улар олдин бошқа жисмлар билан боғланган бўлса-да, бошқаси билан бирикишга интилади. Табиат ва инсон ҳаёти бир хил ёки ўхшаш қонунларга бўйсунади,

¹ J.P.Eckermann. Gespräche mit Goethe, Insel Verlag, 1981. S. 591.

деб хисобловчи табиатшуносларни, эҳтимол, табий кучлардаги ҳаракатлар инсонлар ўртасидаги ҳиссий муносабатлар доирасида ҳам юз беради, деган фараз чалғитган бўлиши мумкин. Гёте «Табиатшунослик» деб номланган мақоласида жонли ва жонсиз табиатни бир-биридан кескин чегаралаш лозимлигини уқтирган, лекин инсон ҳам мансуб бўлган табиатдаги бир бутунлик, шубҳасиз, инкор қилинмаган. Гётенинг ўзи таъкидлаганидек, руҳий-маънавий конфликтлар ҳакида гап кетаётган романдаги ҳолатни у кимё фани соҳаси билан қиёслашга журъят қилган. Немис гётешуноси Карл Отто Конради бу романни «тажрибавий ўйин» деб атайди. Ёзувчи худди тажриба ўтказгандек, тўртга бош қаҳрамонни бир жойга йиғади-да, улар билан табиий фанларда юз берадиган «танланган яқинлик» тажрибасини ўтказади. Булар – Эдуард, унинг хотини Шарлотта, дўсти Капитан, Шарлоттанинг пансионатдаги жияни Оттилия. Эдуард билан Шарлотта эр-хотин бўлганликлари туфайли улар бу жуфтликни дахлсиз деб билишади ва комил ишонч билан Капитан ҳамда Оттилияда бир-бирига интилиш юз беради, деб ўйлашади. Натижада эса гескари бўлиб чиқади: анча вакт давом этган биргаликдаги мулоқотлар жараёнида Капитан билан Шарлотта, Эдуард билан Оттилия ўртасида бир-бирларига қалбан интилиш юзага келади. Натижада қаҳрамонлар ҳаётидаги муаммолар ҳамда қийинчиликлар бошланади.

«Ҳамроз диллар» романни муаллиф томонидан яратилган ўз ички изчиллиги билан ҳақиқатан ҳам «тажрибавий ўйин» намунасиdir, бу нарса кимёвий солиштиришлар билан алоҳида таъкидланган. Романнавис асарнинг бошланишидаёқ ўз мақсадининг ярмига аллақачон эришиб бўлган. Эр-хотин Эдуард билан Шарлотта ёшлиқдан бир-бирларини севган бўлишларига қарамай, Эдуард бир бева хотинга уйланган, Шарлотта бошка бировга турмушга чикиб фарзанд ортирган, ниҳоят, икковлари ҳам бева қолиб, ёшлиқдаги муҳаббатларини эслаб, янгидан топишишган.

Энди улар Эдуарднинг мулкида ўзлари орзу килган бахтнинг гаштини суришни исташади. Бофу хиёбларни янгидан яратиб, атроф-табиатни ўз дидларига мослаб ўзгартиришади. Эдуард иши юришмай қолган дўсти Капитанни таклиф қилмоқчи бўлади, аммо бу Шарлоттага ёқмайди. Узоқ кутган биргаликдаги турмушларида тартиб бузилишидан кўрқади. Эдуард эса сўзида туриб олади. Иккинчи томондан, Шарлотта ҳам ўзи ёшлиқдан тарбиялаган, пансионатда яшаётган жияни Оттилияни бу ерга олиб келишга қарор қиласади. Шу билан «танланган яқинлик» учун кулагай вазият вужудга келади. Ва юкорида айтганимиздек, Шарлотта билан Капитан, Эдуард билан Оттилия ўртасида севги муносабатлари пайдо бўлади. Капитан билан Шарлотта ўз туйғуларини анчагача тан олишмайди. Эдуард эса, аксинча, Оттилияга бўлган севгисини яширолмайди, қиз бўлса, ўзи англамаган ҳолда ҳар бир ҳаракати билан Эдуардга мослашишга уринади. Янги жуфтлар бир-бирларига севги изхор қилишади. Шарлотта ўзига нисбатан Капитандаги туйғуни Эдуарддан кутади, Эдуард эса, Шарлоттани деярли пайқамайди. Охири Капитан қасрдан кетади, ундан кейин Эдуард ҳам хонадонни тарк этади, бироқ Оттилиядан воз кечмайди. Шарлоттанинг ҳомиладор эканлигини билганидан кейин ҳам уйга қайтмай урушга кетади. Биринчи қисм охирида Оттилия Эдуарднинг қаерда, қай аҳволда эканлигини билолмай, бу ҳақда Шарлоттадан сўраёлмай гаранг бир аҳволда юради. Эдуарддан умидини узмаган Шарлотта Оттилия хузурида у ҳақда умуман гапирмайди.

Романинг иккинчи қисмида воқеалар бирмунча суст ривожланади. Қасрда қолган Шарлотта билан Оттилия қабристонни обод қилиш, черковни таъмирлаш билан шуғулланишади, янги келган Меймор билан турли мавзуларда сұхбатлар қуришади. Оттилия китобхон кўзи ўнгидаги борган сари сирлилик тимсолига айланади. Юракдан сұхбатлашадиган бирор кимса йўқлигидан қалбини кундалик дафтарига очади,

холос. Эдуарддан айрилгани туфайли изтироб чекаркан, ўлим ва абадийлик ҳақида хаёл суради.

Шу орада Шарлотта ўғил туғади, ажабланарлиси шуки, бола қуйиб қўйгандек Оттилия билан Капитанга ўхшайди. Буни кўрган Эдуард боладан ҳам, Шарлоттадан ҳам янада совуди. Бола икки томонлама хиёнатнинг мевасидир, дейди у. Дарҳақиқат, эрхотинлар тўшакда бири ўз оғушида Оттилияни, иккинчиси Капитанни тасаввур қиласди. Ёзувчи буни очик-ойдин тасвир этади, бу билан қаҳрамонларнинг келгусидаги қисмати китобхон кўзи ўнгига равшан на-моён бўлишини хоҳлади.

Хуллас, Эдуард урушдан эсон-омон қайтиб келади ва Оттилияга уйланиш истагини очиқ изхор қиласди. Қиз эса бунга, Шарлотта Эдуарддан ажрашсагина рози бўлишини айтади. Шу келишувдан сўнг Оттилиянинг эҳтиётсизлиги туфайли бола қайиқдан кўлга тушиб кетиб нобуд бўлади. Боланинг ўлимида бир ишорани пайқаган Шарлотта ажрашишга розилик беради. Аммо бу фалокатдан хушини йўқотиш дара-жасига етган Оттилия бунда ўзини айбдор деб билади ва Эдуарддан воз кечади. Ўз айини ювиш, яқинларига меҳр-оқибатли бўлиш учун тавба-тазарру қиласди, ўзи билан ўзи бўлиб, емок-ичмоқдан бош тортади ва ўз ҳалокатини кута бошлайди. Ўлимидан кейин уни авлиёлардек дағн этишади, кўп ўтмай Эдуард ҳам вафот этади ва уни ҳам Оттилия ёнига черковга кўйишади.

Асарни ўкиб бўлган совуккон адабиётшунос унинг бош ғояси ҳақида ўйлаганида, беихтиёр бир қўшикни эсга олади:

*Бахт – ярим, севги – ярим,
Дунё бир кам яралган.*

Негаки Шарлотта билан Эдуард иккинчи никоҳдан ҳам тўлақонли баҳт тополмайдилар. Ҳолбуки, бунга имконият бор эди: Шарлоттадай ҳисоб-китоб билан яшайдиган, тажрибали, босик, андишали аёл билан ҳар қандай тўсиқни енгса бўларди. У вазият тақозо

этса Капитанга турмушга чикишга тайёру, бироқ аввало оиласини сақлаб қолишига интилади, Эдуард эса бунга йўл бермайди. Асарнинг сўнгги саҳифалари беҳад фожиали ва драматик воқеаларга бой.

Айрим китобхонлар икки марта турмуш қурган Эдуард ҳаётининг хотимасига ишончсизлик билан қарашлари мумкин. Икки марта оила ташвишини бошдан кечирган, жанг-жадалларда ўлимга тик бοқа олган одамнинг учинчи бир аёлга дуч келиб, унга етишоммасдан ўлимни бўйнига олиб, тезда ўлиб кўя қолиши балки асосланмаган туюлар...

Муҳими, муаллиф фикрича, муҳаббат, чин ишқ инсоннинг турли ёшларида қалбда туғён кўтарар экан, у тийиқсиз, жиловлаб бўлмас, курбон талаб қилувчидир. Шунинг учун Эдуард ўлимини ҳам асоссиз деб бўлмас... Үн гулидан бир гули очилмаган Оттилияning фожиали қисмати китобхонни ззив юборади. Китобхон унинг ўлими мантиғини тополмай қийналади. Чунки у пансионатга қайтиши, мудир ўринбосари – ёш ўқитувчига яхши қаллиғ бўлиши мумкин эди... Мумкин эди, агар йўлдаги меҳмонхонага Эдуард бориб, уни хонадонига қайтармаса эди... Асар умумий оиласий фожиа-бахтсизлик рамзидай таассурот колдиради. Шунча зако ва босиқликлари билан Капитан билан Шарлотта ҳам баҳтли бўлолмайдилар.

Ушбу асар хақида ўз даврида турли-туман қарамакарши фикрлар билдирилган. Гётенинг замондоши, таникли шоир Виланд қуйидаги фикрларни ёзган: «Назаримда, бу Гётенинг гениал асари ҳисобланади. Үз бошимдан ўтказмаганим туфайли ҳар қалай буни (муҳаббатни) хаёлимда тасаввур кила оламан, бошида оддий бўлиб туюлган бу интилишнинг ўсиб бориш онлари жуда нозик ва дилбар эканлигини тан оламан, бу ҳолат инсон қалбининг нозик нукталарини чертиб ўтади, деб ўйлайман. Шундай пок, беозор қиз, яъни-Оттилия қандай қилиб йўлинни йўқотиб қўйгани мени даҳшатга солади, ундаги туйғулар йўналишини табиий деб ҳисобламайман.

Анави Эдуард дегани эса, менга ёқмайди, у ўз кучи ва иродасини кераксиз жойга сарфлайди, афтидан, Гёте ундан қаҳрамон яратмоқчи бўлмаган. Гёте уни бошқа шахслар сингари барча камчиликларию кусурлари ҳамда яхши фазилатлари билан тасвир эта-ди. Мен бу даҳшатли асарни илик туйғу билан ўқи-дим».¹

Худди ўша газетада брауншвайглик танқидчи Фридрих Клорер 1825 йилда бунга тескари фикрни айтган: «Эҳтиослар фалсафасига бўлган бундай интилиш соатлаб чўзилган сухбатлар, юракларни ўртовчи узок мулокотлар меваси бўлиб, унинг асарларида бундай нарса тўлиб-тошиб ётипти: сермањно, ўзига хос илҳом билан битилган новеллалари, жумладан, «Ҳамроуз диллар» ҳам шундай асардир. Қизиқки, акли юксак, ҳиссиёт ва гўзалликни ўз ўрнида баҳолашга кодир бўлган Гёте, бир вактнинг ўзида кулгили ва ярамас нарсалардан четланишдан ожиз қолиши орқасида бу қадар паст кетган». Гёте замондошларининг айримларида бундай фикр уйғонишига сабаб, бизнингча, у пайтда ҳали адабиётга ечиб бўлмас муаммоли, фожиали сюжет ва коллизияларнинг кириб келмагани билан изоҳланса керак.

Айрим адабиётшунослар Гётени севги бобида ўта худбин қилиб тасвирлашади. Чунончи, Гётенинг замондоши Людвиг Верне Гётени юксак муҳаббатни, унинг тилини, тилсиз изтиробларини тушуниб етмасликда айблайди. Унингча, Гёте учун севги-муҳаббат одатдаги, шунчаки ичдан пайдо бўладиган юрак уриши эди, шунда ҳам ўзи севганидаги эмас, балки севилганидаги юрак уришини тан оларди. Жумладан, у шундай ёзади: «Гёте севгидан кўркарди. У ўзига хос тарзда севгини ҳалок этган, унинг учун севги қалб кимёси эди, ёқтиришни эса «танланган яқинлик» деб атарди.

¹ «Frankfurter Rundschau» («Франкфуртнома») газетаси, 1999 йил 14 август сони (Гёте таваллудининг 250 йиллигига бағишлиган маҳсус сон).

У севгини кимё лабораториясидаги оғзи маҳкам ёпилган пробиркаларга солиб қўйган ва бу ерда ишлаш унга ёқарди» (ўша газетада). Ушбу тадқиқотчининг фикрича, Гёте «Ҳамроҳ диллар» романини ана шундай тушунча остида, гўё кимё лабораториясида яратган. Ҳаётнинг барча жабҳаларини теран англаб ета олган, юксак ақл ва шуур соҳиби бўлган Гётега бундай баҳо бериш унчалик тўғри бўлмаса керак. Тўғри, Гёте ҳаёт йўлларида кўп аёлларни учратган, севган, севилган, бироқ улар билан никоҳ орқали боғланиб, оила куришдан ҳамиша тийилган. Оила тузоғига боғланиб қолиш ижодига халақит беришидан кўрккан. Гёте фақатгина Кристиана Вулпиус билан бирга яшаб, фарзандлар орттирган. Сабаби у беҳад ақлли, оддий бўлган, Гётенинг баракали ижод қилишига барча шароитларни яратиб берган, шоир 2–3 ойлаб бошқа шаҳарларга кетиб ижод билан машғул бўлса ҳам қаршилик қилмаган. Шунда ҳам Гёте у билан дархол никоҳдан ўтмаган, мабодо бирор ишқал чикса ажрасиб кетолмаслиқдан кўрккан. Ўғли Август 20 ёшдан ошганда, 1806 йилда Кристиана билан никоҳдан ўтган. Бу айни Пруссия инқирозга учраган ва қулаш хавфи остида турган Ваймар ҳерцоглигига Гётенинг аҳволи ҳам омонат бўлиб қолган пайтлар эди. Шиллер вафотидан кейинги тушкунлик даврини бошдан кечирган шоир курортларда бўлди, уйида руҳан анча енгиллашди. Шунингдек, Минна Ҳертслиб ҳамда Сильвия фон Сигизерлар билан бўлган ҳаяжонли дамларни бошдан кечирди, бу муносабатлар охири хотиржам дўстликка айланди. К.О. Конрадининг фикрича, Оттилия образида маълум маънода Минна ва Сильвияларга хос хусусиятлар ўз аксини топган. Ниҳоят, Франциядаги инқилобий воқеалар ва унинг оқибатларини англаб этиш ҳам талаб қилинарди – бу мавзу ёзувчини умрининг охиригача безовта қилди. Буни биз Эккерман ва Мюллер билан қилган сұхбатларидан ҳамда «Вилҳем Майстернинг жаҳонгашталик йиллари» романи сахифаларидан билиб олишимиз мумкин. «Ҳамроҳ диллар»да

бу ҳакда бевосита сўз юритилмайди, факат Эдуарднинг урушга кетгани айтилади, холос.

1829 йилнинг 9 февралидаги сұхбатда Эккерман шундай ёзади: «Гёте «Ҳамроз диллар» ҳақида узок гапирди, нотаниш бир одам Митлерда ўз киёфасини кўрганлигини айтганини ҳам қўшиб қўйди, аслида Гёте у одамни умрида кўрмаган экан. – Бундан чиқадиган хулоса шуки, – деди у, – қаҳрамон характери ҳаққоний ҳамда ҳаётда ўз прототипига эга бўлмоғи керак. «Ҳамроз диллар»да ўзим шахсан бошимдан ўтказмаган бирор сатр йўқ. Умуман олганда, бу асарга китобхон биринчи ўқишида ёқилғаб оладиганидан кўра кўпроқ нарса сингдирилган».¹

Дарҳақиқат, Гёте ушбу романни камида уч марта ўқиш кераклигини уқтирган. Зоҳиран аник-равшан тасвир остида чукур мазмун яширинган бўлиб, буни факат асарда айтилган, изоҳланган, кўзда тутилган воеа-ҳодисаларни бобма-боб, сахифама-сахифа шарҳлашга киришган кишигина англаб етиши мумкин. Людвиг Бёрненинг ёзишича, Гёте гап орасида унинг алоҳида олинган асарини тушуниш учун барча асарларини билиш лозимлигини ҳам айтиб ўтган экан. У ўзидан бутун борлиғича ҳайратга тушишларини истарди, дея изоҳ беради тадқикотчи.

Романнинг ҳар бир сахифасида ёзувчининг кинояномуз фикрлари, ишоралар, рамзлар тиқилиб ётипти. Илк сахифада ёқ қаҳрамон (Эдуард)нинг боғдорчилик фаолияти, пайвандлар ҳақида ҳикоя қилинади. Үн еттинчи бобда эса, Эдуард уйдан кетгандан кейин Оттилия баҳорги қилинган пайвандлар ҳаммаси олганини кўриб кувонч изҳор қилганида боғбон ўйчанлик билан деди: – Истагим, меҳрибон хўжайнимиз ҳам буларни кўриб кувонса эди, – дегандан кейин ғоятда пардали қилиб «ҳозирги боғбонлар ҳақида фикр билдириди: уларни экиб, парваришлиб, мевасига етиб келгач,

¹ J.P.Eckermann. Gespräche mit Goethe, Insel Verlag, 1987. S.290.

қарабсанки, бундай дарахтларни боғда олиб ўтиришга ҳам арзимайди» (314-бет). Бу ерда Гётени мудом безовта қилиб келган бир оғрикли муаммога ишора қилинган. Маълумки, Гёте табиатни севган, боғлар, гўзал хиёбонлар яратишга қизиқкан. Бу ишларда пала-партишиликни ёқтиргмаган. У барча ишқивозлар ичида ҳаваскор боғбонларни хушламаган. Гётенинг фикрича, ҳаваскорлик тасаввур инжиқликларидан келиб чиқадиган ва тартиб-коидани писанд қилмайдиган фикрлаш тарзига ўхшайди. Ҳаваскор боғбоннинг иши тагзамини бақувват бўлмаганигидан одатда ундан бирор кўламли натижа чиқмайди, табиат улуғворлигига путур етказилади, холос. Бой-бадавлат барон Эдуард ўз кунларини бекорчилик билан ҳам ўтказиши мумкин эди, лекин у Эрмакка боғ ишлари билан шуғулланади, айни мана шу кимса ишқивоз боғбон ҳисобланади. Китобнинг илк сатрларида ёк ҳикоя маромида кўп нарсалар «кўзда тутилади» ва бу нарса асарнинг сюжет чизигини белгилаб беради. Боғбоннинг «хўжайнининг берилиб ишлаётганидан завқланиши» ҳақидаги ишора ёзувчининг олимона кинояси эмасмикан, дея китобхон ўзига савол бермоғи керак.

Бу тасвирдан сўнг кўп ўтмай Эдуард билан Шарлотта янги курилган чимчайлада учрашишади. Бу ерда ҳам ёзувчининг кўп маъноли киноясига дуч келамиз: уларга чимчайла хийла кенг кўринди, «учинчи кишига, ҳатто тўртинчи кишига» ҳам бу ерда жой топилади, деб ҳисоблашди... Бу билан ёзувчи ўз қаҳрамонларини «тажрибавий ўйин»га гўё тайёрлаётгандек бўлади. Эдуард Капитанни бу ерга таклиф қилиш истагини билдирганида Шарлотта ўз шубҳа-гумонларини изҳор қиласди: « – Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳеч бир нарсани орада учинчи бир кишининг пайдо бўлишига тенгглаштириб бўлмайди, – дейди у, – мен кўплаб дўстларни, опа-укаларни, севишганларни, эрхотинларни кўрганманки, уларнинг муносабатлари янги бир шахснинг тасодифан ёки атайлаб сукулиб кириши орқасида тамоман ўзгариб, ҳаётлари тескари оқимга тушиб кетган. – Бундай ҳолат, – деди Эду-

ард, – бир қобиққа ўралиб қолган одамлардагина бўлиши мумкин; катта ҳаёт қозонида пишган, онгли одамларда эса бундай бўлмайди».

Охири юз бериши зарур бўлган ҳамма нарса, гарчи улар буни ҳали англаб етмаган бўлсалар-да, уларнинг бир маромдаги сухбатларида кўзда тутилган аллақандай ваҳимали, сирли, кўнгилга хиралик соладиган нимадир бор. Шарлотта Капитанни таклиф қилиш учун ёзилган мактубга «сиёҳ томизиб юбориб қоғозни бузиб кўйди, жаҳли чикқанидан уни ўчирмокчи бўлган эди, баттар бўялиб кетди». Тилдаги рамзий кўпмаънолилик бутун асар бўйлаб ўтган. Бироқ ишора ва рамзлар кимни огоҳлантириш учун мўлжалланган бўлса, ўша одамлар уларни ё англаб етишмайди ёки нотўғри талқин қилишади. Муаллиф уларга ўқувчининг дикқатини тортади ва воқеаларнинг кўпмаънолилиги, бошқа персонажлар ҳамда сухбатдошлар кайфиятидаги ишончсизлик хусусида мулоҳаза юритишга ундейди. Кўпмаъноли рамзий ишоралар романда жуда кўп. Тўғон курилиши, боғда қилинаётган ишлар, Оттилия ёзувининг Эдуардникига ўхшаб қолиши, биргалиқдаги мусика чалиш, китоб ўқишлиар, черковнинг безатилиши – буларнинг барчаси воқеаларнинг яширин ривожидан дарак берувчи рамзларнинг бадиий тилда намоён бўлишидир. Учта ҳовузни бирлаштириб, кўл барпо қилинади, унда бола нобуд бўлади; Оттилияни туттилган кунини нишонлаш тантаналари пайтида чала курилган тўғон қиялигига одамлар кўп тўпланиши натижасида тўғондан бир палахса ер узилиб, бир канча одамлар сувга қулаг тушади. Бу билан ёзувчи бу ишларнинг барчаси оқибатини ўйламай қилинганига ишора қиласди. Улар юз берган воқеалардаги огоҳлантириш, бўлажак ҳодисаларга ишораларни тушуниб етишмайди, уларга бошқача, ижобий маъно бериб, ўзларини кўр-кўрона алдамоқчи бўлгандек изоҳлашади. Масалан, «Э» ва «О» ҳарфлари битилган бокални осмонинг отишганда уни бирор илиб олгани ва синмай

қолганини Эдуард яхшиликка йўяди, аслида бокал синиши керак эди.

«Ҳамроҳ диллар»нинг қаҳрамонлари батамом иблисона қисмат остида, деб ҳисоблаш роман сюжетига бирёқлама қарашиб бўлар эди. Шубҳасиз, сухбатдошлар тўрт кишини ўз измига тортиши мумкин бўлган муқаррар қийинчиликларни олдиндан кўришади, аммо шуниси ажабланарлики, улар ана шу кийинчиликларни тушуниб етишмайди. Роман қаҳрамонлари ўзлари тушиб қолган вазиятни жиддий талқин қилишга уринишмайди ва мураккаблашиб кетган ўзаро муносабатларини батафсил англаш етиш кўлларидан келмайди.

Гётешунос К.О. Конради романнинг моҳиятига лўнда қилиб тавсиф берган: «Римернинг кундалигида кўрсатилишича, 1808 йил 28 августда Гёте унга янги романнинг гояси «ижтимоий шарт-шароитлар ва улардаги тўсикларни рамзий шаклда кўрсатишдан иборатдир» деган гапни айтган экан. Таъкидлаш лозимки, муаллиф романдаги тўрт кишидан иборат гурух учун «ижтимоий муносабатлар ва улардаги тўсикларни» муваффақиятли енгиш йўлинни кўрсатмайди. Эдуард билан Шарлотта никоҳини сақлаб қолиш ҳам, бошқа кимсага уйланишни осонлаштиришни таъминловчи унинг бузилиши ҳам – ҳар иккала вариант ҳам, шу мавзуда қанча гапирилмасин, яроқсиз деб топилади. Эр-хотинлар ўртасидаги муносабатларни тажрибайи модел белгилаб беради, исталган киши томонидан чиқарилган ҳар қандай хулоса мутлақо бирёқлама бўлиши мумкин. Гёте қурган ва ўз қаҳрамонларини ўтқазиб қўйган тажриба майдончасида «садоқатли» ва «садоқатсиз» кишилар, кимнингдир «ҳақлиги» ёки «ноҳақлиги», ҳатто «гуноҳи», умуминсоний ахлоқий нормалар ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайди. Муаллиф китобхонни асарда бўлаётган мураккабликлар ва қарама-қаршиликлар билан ёлғиз колдиради».¹

¹ К.О. Конради. Гёте. Жизнь и творчество, том II. – М., «Радуга», 1987, стр. 397.

Ёзувчининг замондошлари бўлган айрим китобхонларда роман асабийлашишга сабаб бўлган: қани янги роман тақдим қилиши лозим бўлган «ижобий нарса» деб сўрашган, дея қўшимча қиласи Конради. Тўғри, роман ўз даврида танқидга ҳам учраган, баҳсларга ҳам сабаб бўлган. Бирок Гётенинг кимлигини, унинг нечоғлик буюклигини тан олган кишилар асарга тўғри баҳо беришган.

Й.П.Эккерман «Гёте билан суҳбатлар» асарида 1827 йилнинг 21 январида Гёте унга немис олимни Золгернинг «Ҳамроз диллар» ҳақида шоир Тикка ёзган хатини ўқиб берганини эслатган: «Гёте менга романнинг қойилмақом таҳдилини ўқиб берди, муаллифнинг фикрларидан ҳайратланган холда уни сатрма-сатр мухокама қилдик. Ундаги дунёқараашнинг кенглигига, келтирган асослари ва хуносаларининг изчиллигига қойил қолдик. Гарчи Золгер «Ҳамроз диллар»даги воқеалар қаҳрамонлардаги туғма хусусиятлар билан боғлиқ бўлса-да, у Эдуарднинг характеристига ўта салбий муносабат билдиради.

– Эдуардни ёмон кўргани учун Золгерга эътиrozим йўқ, – деди Гёте, – ўзим ҳам уни ёқтирумайман, бирок роман воқеалари ривожи учун уни шундай яратишими керак эди. Умуман олганда, бу тип ҳақиқатга тўла мос келади, олий давраларда худди Эдуардга ўхшаб, феълатворида қайсарликлари устун келадиган одамлар кўп учраб туради.

Золгер Мейморни қолган ҳамма персонажлардан юкори қўяди, негаки барча иродасиз ҳамда йўлини йўқотган кишилар орасида биргина у руҳий эркинлик ва кучини саклаб қолади. Ундаги энг дикқатга сазовор нарса шуки, у нафақат бошқаларга ўхшаб адашишлар тўрига илинмайди, балки илинмаслик кудратига эга, ёзувчи уни ана шундай йирик шахс қилиб яратган». Бундай ўткир фикр бизга жуда ёқди.

– Қандай зўр фикр, – деди Гёте.

– Мен ҳам, – дедим мен, – Меймор характеристики ҳамиша жуда ёқимли ва дикқатга сазовор деб

хисоблаганман, аммо у севги-муҳаббат тўрларига илинмаслик қурдатига эгалиги билан аҳамиятли эканлиги ҳақида, ростини айтсам, ўйламаган эканман.

— Ҳайрон бўлманг, — жавоб берди Гёте, — ўзим ҳам уни яратсаётганимда бу ҳақда ўйламабман... Золгер ҳақ, Меъморда бу хислат бор. Золгернинг бу хати 1809 йилда ёзилган, — сўзида давом этди у, — «Ҳамроҳ диллар» ҳақидаги мақтоворни ўша пайтда эшитсан, курсанд бўлган бўлардим, чунки ўша пайтда ҳам, кейинрок ҳам ушбу романим ҳақида ҳеч ким ижобий фикр билдиримаган».¹

Гётешуносларнинг фикрича, ёзувчининг асарларида, Гец билан Элизабетни ҳисобга олмагандা, никоҳи мустаҳкам жуфтлар учрамайди. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «Ҳамроҳ диллар»нинг муаллифи никоҳ тартибига хос бўлган бош муаммони ҳал қилиш йўлини тополмаган. Канслер фон Мюллernинг айтишича. 1830 йилнинг 7 апрелида Гёте у билан сухбатлашиб ўтириб, шундай деган экан: «Маданият табиатдан кураш билан ўзлаштириб олган нарсани биз йўқотмаслигимиз керак; қандай бўлмасин бу ютуқни кўлимизда сақлаб қолишимиз лозим. Бинобарин, никоҳнинг муқаддаслиги ҳақидаги тасаввур ҳам, гарчи никоҳ аслида нотабиий бўлса-да, насронийликнинг ғоятда қимматли маданий ютуғи ҳисобланади. Модомики ҳаёт — ҳаракат дегани экан, агар метаморфоза яралиш ва ўзгариш экан, унда ҳар қандай ўзгармас нарса нотабийдир».²

Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Гёте «Ҳамроҳ диллар» романида никоҳ тартиби масаласига худди шу, яъни «никоҳ – ўзгармас нарса, бинобарин, ҳар қандай ўзгармас нарса нотабийдир» деган қараш билан ёндошган.

¹ J.P.Eckermann. Gespräcche mit Goethe, Insel Verlag, 1981. S. 202–203.

² К.О. Конради. Гёте. Жизнь и творчество, том II. – М., «Радуга», 1987, стр. 400.

Бизнингча, асарни «ундок қилмайди, бундок қилмайди» деб танқид қиласвермасдан, унга тамоман бошқа нұқтаи назардан туриб баҳо бермоқ лозим. Гап шундаки, биз бу асарни одатдаги анъанавий дүнё адабиёти намунаси, кишилар учун хаёттй дастур, деб ёндошсак, хато қиласиз. Гётенинг буюклиги шундаки, у ушбу китоби билан анъанавий таассуротлар кутаётган китобхонни ундағи воқеалар тизими талқини билан ҳанг-манг қилиб күяди: қаҳрамонлар одатда расм бўлган удумлар ва қисмат чизигида ҳаракат қилмайдилар. Бундаги қаҳрамонлар ўз ҳаёт тарзи билан намуна ва ўгит бермайдилар, аксинча, улар кишиларга нима қиласликни ўргатадилар. Айтишади-ку, ахир, бир кишидан: «Яхшиликни кимдан ўргандинг» деб сўрашганларида: «Яхшиликни ёмонлардан ўргандим, улар қилган ишларнинг тескарисини қилдим» деб жавоб берган экан.

Китоб ҳаёттй тафаккур меваларига тўлиб ётипти. Бироқ, қизиги шундаки, гўё асар қаҳрамонлари ана шу тафаккур меваларидан баҳраманд эмаслар.

Гёте бу асарда файласуф адаб сиймосида кўринади: дунёда ўзгармас нарса бўлмайди, ахлоқ ҳам, одоб ҳам, расм-руsumлар ҳам, идеаллар ҳам ... ҳамма-ҳаммаси ўзгаради. Ҳатто инсоният зришган буюк ютуқ – оила-никоҳ муқаддаслиги ҳам Гёте нұқтаи назарича ўзгармас эмас. Унингча, вафо, садоқат тушунчалари ҳам ўзгарувчандир. Назаримизда романда ана шу қараш етакчилик қиласи. Модомики, роман мағзига «тажрибавий ўйин» фояси сингдирилган экан, ёзувчининг айрим замондошлари уқтирганлариdek, Гёте тушунчасида севги «танланган яқинлик» асосиға қурилғи экан, демак, ёзувчи ўзининг бу қарашини қайсиdir асарида ўртага ташлаши керак эди-да. «Ҳамроҳ диллар» ана шу қарашнинг меваси сифатида майдонга келган, деса бўлади.

Асар таржимаси ҳақида фикр юритадиган бўлсак, аввало, роман номини таржима қилиш хийла баҳсталабдир. В.Жирмунский ўз даврида ёзувчи мақсадидан келиб чиқиб уни русчага «Родственные души» деб таржима қилган эди. Ана шу таржима асар ғоясини тўлиқ очиб беради. Гёте асарларининг рус тилидаги 10 жилдлигига роман А.Федоров таржимасида «Избирательное сродство» номи билан киритилган. А.Федоров роман қаҳрамонларининг шарҳ ва изоҳлари (1-қисм, 4-боб) асосида асарга ана шу илмий номни берган.

Табиатдаги жисмлараро муносабатлар, «танланиш» жараёни ўз йўлига. Инсонлар ўртасидаги севги, бурч, садокат сингари туйғулар доирасига буни тўлик татбиқ қилиш мумкин бўлмаса керак. Табиий жараён Гётега янги бир асар ёзишга турткি берган, холос. Ёзувчининг мақсади ўзи бефарқ бўлмаган оила ва никоҳ муаммоларини мухокама қилиш, севги бошқа, оила бошқа эканлигини уқтириш бўлган-у, бирок бу азал-абад ҳал килиб бўлмайдиган мушкул масала эканлигига ўзи ҳам амин бўлган. Бу қаҳрамонлар қисматининг романдаги якунидан ҳам кўриниб турипти. Шунинг учун, кўнгил кўнгилдан сув ичади, деган мақолга амал қилган ҳолда асар номини «Ҳамроҳ диллар» деб таржима қилишни лозим топдик. Зоро, кишилар «дилига ҳамроҳ» бўлган одамлар билан алоқада бўлишни, яқинлашишни хуш кўришади.

Роман таржимасига 1998 йилнинг ёзида киришган эдим. Уни ўқиб, кийин сўзлар таржимасини китоб ҳошиясида белгилаб, икки бобни таржима ҳам қилдим. Лекин кейин, асар «Вертер» сингари машхур эмас, уни таржима қилишга арзирмикан, ўзбек ўқувчилари уни яхши қабул қилишармикан, деган шубҳа-гумонлар ми-ямга ўрнашиб олди ва узоқ вақт уни қўлга олмадим. Таржимани давом эттирсамми-йўқми, деб юрган кезларимда бир куни академик В.Жирмунскийнинг «Гёте в русской литературе» китобини мутолаа қилиб ўтириб,

бу романга Русияда қандай муносабатда бўлишган экан, деган ўйда шунга бағишлиланган саҳифаларни кўздан кечирдим, шунда бир фактга дуч келдим. Герцен дўсти Кетчернинг «Ҳамроҳ диллар» романини таржима қилмоқчи бўлганини, аммо иккиланаётганини эшитиб, уни руҳлантиришга шошилади ва бу муҳим асар ҳақидаги ўз мулоҳазаларини унга изҳор қиласди. У Кетчерга мактуб йўллаб, шундай сатрларни битади: «У (Сатин) менга, сен «Wahlverwandschaften»ни таржима қилишни бошлаб, тағин ташлаб кўйганингни айтди. Ишон, бу оддий мулоҳазасизликдан ўзга нарса эмас. Борди-ю, сен тағин 70 йил яшасанг-да, шундай буюк асарни таржима қилмай ташлаб кўйишдан ҳам қўра бемаънироқ иш килолмайсан».¹

Шу сатрларни ўқидим-у, фикрим ўзгарди, шубҳалар тарқалди. Гёте қаламидан тўкилган асар таржимасини бошладим-у, уни ташлаб қўйдим, менга ҳам Гётенинг қадрини тушуниб етадиган бирор киши шундай таъна қилса, унда қилган хатоимни тузатиш кеч бўлар, деган фикрда ишни давом эттирдим. Аммо менга боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган турли сабаблар билан таржима узок чўзилди ва у 2007 йилнинг 1 августида поёнига етди. Шу билан қўлёзма 2010 йилгача дам олди. Бу орада «Тарихи Рашидий» (45 босма табоқ) асарининг таржимаси дунёга келди ва нашрга топширилди. Мана, ниҳоят «Ҳамроҳ диллар» ҳам ўзига ҳамроҳ китобхонлар қўлига тегадиган бўлди, иншооллоҳ.

«Ҳамроҳ диллар» роман таржимаси ҳақида фикр юритиш мен учун осон эмас. Гёте сўзлари билан айтганда «уч марта ўқилгандан кейин мағзини англаб этиш мумкин» бўлган асарни тушуниб, унинг ичига кириб бориш, қаҳрамонлар билан бирга фикрлаб, бирга йиғлаб, бирга қувониш, уни маромига етказиб ўзбек тилида қайта яратишнинг ҳузур ва азоблари бир Худога, бир таржимонга аён.

¹ В.М.Жирмунский. Гёте в русской литературе, Лен-д, «Наука», Лен-е отд., 1982, стр. 386.

Романда асосан эпик услуб етакчилик қиласи. Бу дегани, қаҳрамонлар сұхбатлари ҳам, муаллиф нутқи ҳам турли-туман тил унсурларини ўзида жамлаган узун-узун жумлалардан иборатки, буларни шакл хусусиятларию маъно нозикликларини сақлаган ҳолда таржима қилишнинг ўзи бўлмайди. Таржиманинг чўзилиб кетиш сабаби ҳам, бир томондан, ана шу қийинчилекларга бориб тақалади. Бундан ташқари, китобда «Вертер» романига хос бўлган ҳиссиётлар жунбушини акс эттирувчи ўринлар ҳам анчагина. Асарда боф ва хиёбонлар барпо қилиш, меъморчилик, қурувчилик, атроф-табиатни инсон ҳукмига бўйсундириш, тасвирий санъат, осори атикаларни тўплаш сингари Гётени қизиқтирган кўплаб мавзулар тилга олинган бўлиб, буларни ҳал қилиш хаётда ёзувчи учун маълум муаммолар туғдирган, юрагининг оғрикли нуқталарига айланган бўлса ажаб эмас. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бу масалаларни кўтариб чиққандир. Ана шу соҳаларга тегишли хос сўзларни таржима қилиш ҳам осон кечмади. Масалан, черковни таъмилаш ҳакидаги тасвиirlарда «die Kapelle» сўзи учрайди. «Немисча-русча луғат»да у «часовня» деб берилган. «Часовня» ўзбек тилида «кичкина ибодатхона» маъносини англатар экан. А.Федоров бу сўзни рус тилига «придел» деб ўтирган. Бу «Русча-ўзбекча луғат»да «қўшимча меҳроб» (бутхонада: асосий меҳроб ёнидаги қўшимча меҳроб) тарзида берилган. Шунга асосланиб «die Kapelle» сўзини «меҳроб» деб ўтиридим. Бундай хос сўзлар истаганча топилади. Шунингдек, Гёте бадиий тасвир воситаларини қўллашда ҳам ўзига хос йўл тутган. У тарихий, диний, мифологик образларни жуда кўп билганлигидан воқеа-ходисалар, кишилар тасвиридаги ташбеҳларда ўша тимсолларга бемалол мурожаат қилаверади. Бундай пайтда таржимон ўша тимсолларнинг ким эканлигини топиб, ўрганиб чиқиши ва таржимани керакли изоҳлар билан таъминлаши лозим бўлади. Мисол учун мана бу тасвири олайлик: «... инсон Наргиснинг ўзи, ҳамма

жойда ўз аксини күради, ялтироқ қоғозни бутун олам-га түшаб, ўшанда ҳам ўз аксини күришга тайёр». Буни ўқиган китобхонда «Наргис ким? Нега у ҳамма жойда ўз аксини күради?» деган савол туғилиши табиий. Шуни ҳисобга олиб, уни изоҳлашга ҳаракат қилдим. Мифологик тимсол Наргис беҳад гўзал бўлганлигидан фақат ўз аксини күришни истаган. Ёзувчи инсонлардаги худбинлик белгиларини бўрттириш мақсадида уларни Наргисга қиёслаган. Ёки бўлмаса: «... биз бўлсак, ёшлиқ жасорати ва шўхлиги билан узун қўнжли этиклардаги оёклар устидан ҳатлаб ўтиб кетавердик, хуррак отаётган Ануқ ўғилларидан бирортаси ҳам уйғонмаганди». Бу ерда чўзилиб ухлаб ётган соқчиларнинг беҳад дароз эканлигини таъкидлаш учун муболаға қилиб, улкан, афсонавий одамлар – Ануқ ўғиллари ташбеҳини кўллаган.

Қайси соҳа ҳақида гап кетмасин, қандай воқеа-ходиса тасвири берилмасин, барчасида гётеона из-чиллик, олимона босиқлик, бадиий таъсирчанлик сезилиб турди. Битта гапнинг ўзида бир қанча та-крорлар, ўхшатишлар, сифатлашлардан ташқари, иш-ҳаракатнинг давомийлигини, узлуксизлигини таъмин этувчи сўзлар занжирига дуч келамиз. Куйидаги гап ма-на шу фикримизга ёрқин мисол бўла олади: «Raketen tauschten auf, Kanoneneschläge donnerten, Leuchtkugeln stiegen, Schwärmer schlängelten und platzten, Räder gischten, jedes erst einzeln, dann gepaart, dann alle zusammen und immer gewaltsamer hintereinander und zusammen».¹

Таржимаси: «Ракеталар визиллаб учар, гумбурлаб отилишганда ёлқинлари кўкка ўрлар, юмалоқ оловлар илонизи бўлиб бориб, қарс-қурс ёрилар, ғилдираклар визиллаб айланар, дастлаб битта-биттадан, кейин кўша-кўша бўлиб, кейин ҳаммаси бирлашиб, борган сари зўрайиб бир-бирига улашиб борарди». Бу ерда

¹ Goethe. Poetische Werke in 3 Banden, Romane, Aufbau-Verlag, 1985, S.889.

мушак отиш манзараси тасвирланган. Ракеталарнинг визиллаб учишидан бошлаб, ... зўрайиб бир-бирига улашиб кетишигача бўлган оралиқдаги ҳаракатлар узвийлиги, образлилиги, муфассаллиги, таъсирчанлиги асл нусхада шу даражадаки, айни жараённи китобхон аниқ тасаввур киласди. Лекин уни таржима қилишиб? Юзаки қараганда, бунинг гўё ҳеч бир мушкуллик жои ийќадек туюлади. Таржима қилишга киришганди эса, бу тасвирни ўзбек тилида қайта тиклаш учалик ҳам осон кечмаслиги маълум бўлади. Шу гап таржимасига қайта-қайта уринганим эсимда. Бир неча бобларни таржима қилиб бўлгандан кейин ҳам бунга қайтганман, неча марта ёзиб, неча марта ўчирганман. Охири юқоридаги таржима юзага келди.

Хуллас, Гётени таржима қилиш ўз-ўзидан амалга ошадиган иш эмас. Бу ҳам кийин, ҳам масъулиятли, ҳам шарафли иш, бу ўзига хос улкан бир мактаб. Йоҳанн Волфганг Гётедек даҳо билан мулоқот қилиш бахти, шундай мактабдан таълим олиш бахти насиб қилгани учун Яратганга беадад шукроналар айтаман.

Янглиш Эгамова.
Филология фанлари номзоди, доцент



**ГЁТЕ
ЗАМОНДОШЛАРИ
ХОТИРАЛАРИДА**



КАРЛ ФРИДРИХ АНТОН ФОН КОНТА (1773–1850)

Ваймарлик элчихона маслаҳатчиси:

— Мен 1820 йилнинг майида Карлови Варида бир неча ҳафтани Гёте билан бирга ўтказиш бахтига муяс-сар бўлгандим. Гёте ғоят қўтаринки кайфиятда бўлиб, ўз таниш-билишлари, айникса, дўсти Шиллер ҳакида кўп ва тўлиб-тошиб гапиради. У ҳакда шундай деган эди: «Агар мен Шиллерни уч кун кўрмасам уни таниёлмай колардим, у ўз устида бехад қаттиқ ишларди». Шиллернинг эрта ўлими ҳакида сўзларкан, шундай деганди: «Бизнинг театримизда тантанали хотира маросими уюштирганим учун менга кўп марталаб таъна қилишди, бошқа жойларда ўтказилган эди-да, Қандай қилиб мен бундай қиласай? Ахир, мен чўкиб қолган эдим-да!»

Шиллернинг ҳаётдан эрта кеттанига унинг ишлап тарзи ҳам сабаб бўлди, деярди. «Мен доим уқтирадимки, — деди у, — шоир ижод қилишга ўзида жиловлаб бўлмас интилиш сезмагунича ишга ўтири-маслиги керак. Ўзим ана шу коидага риоя қиласман, қариликдаги серғайратлигимни ҳам шундан деб биламан. Мана, каранг, манави ерда мен олтита турли хил асарни бошлаб кўйганиман, агар мени ўзига тортмаса, бирортасигаям кўл урмайман, қалбдан интилиш сезмасам, ўша асар устида узоқ ишламайман. Шиллер эса буни тан олишни истамасди, инсон бирор ишга бел боғладими, ўшани бажарishi керак, дея уқтиради у. Ўзиям шу талаб асосида ишларди. Мен Сизга битта мисол айтай: Шиллер «Вилхелм Телл» драмасини ёзиш мақсадини ўз олдига қўйди. У ишни хонасининг бутун деворларини Швейсариянинг маҳсус ҳариталари билан иложи борича тўлдиришдан бошлади. Швейсария ҳақидаги хотираларни ўқиб, кўзғолон бўлган жойларнинг ҳар бир қаричини миридан-сиригача билиб олди. Бундан ташқари, Швейсария тарихини ўрганди ва барча материаллар тайёр бўлгаётган, ёзишга

ўтирди ва: – шунда Гёте ўрнидан туриб мушти билан столга урди, – тасаввур килинг, «Телл»ни ёзиб тутатмагунча ўрнидан турмади. Чарчаб қолса, бошини қули устига қўйиб, ухлаб оларди. Уйғонгани заҳоти, у ҳақда нотўғри ёзганларидек, шампан эмас, балки ўзини ҳушёр тутиш учун қуюқ қора қаҳва келтиришни буюарди. Шу тариқа, «Телл» бир ярим ойда ёзиб тутатилди. Асар ўзиям қўйма бўлган эди-да...»

ҲАЙНРИХ ЛУДЕН (1780–1847),

тариҳ профессори:

– Гёте чекиши ва тамаки ҳидлаш одатини ёмон кўрарди. Чекиши одамнинг ақлини пасайтиради, дерди у, фикрлаш, ижод қилишга лаёқатсиз қилиб кўяди. Чекишини текинхўрларга, ҳаётнинг учдан бир қисмини ейиш, ичиш ва бошқа керак-нокерак ишларга сарфлайдиган ялқовларга чиқарганки, улар сўнгги учинчи қисмда нима қилишни билмасдан, умр жуда киска, дея зорланишдан бошқа нарсага ярамайдилар. Бу тахлит нусхалар учун трубка билан севимли мулоқот, тутунни ҳавога пуфлаб маза қилиб ўтириш лаҳзалари битмас-туғанмас ҳузур-ҳаловат манбаидир, негаки бу нарса уларга вактни ўлдиришга кўмак беради. Пивохўрлик ҳам чекишига киради, чунки бу билан куйиб бораётган томоқ совутилади-да. Пиво конни қуюлтиради ва тамакининг наркотик тутуни орқали кайф қилишни кучайтиради. Шу тариқа, асаб томирлари ўтмаслашиб, кон томирга тикилиб қолиш даражасида қуюклашади. Иш шу тарзда давом этадиган бўлса, яна икки ёки уч авлоддан кейин мана бу пивохўрлар ва тамаки бандалари Германияни не ахволга солишлари сир эмас. Ўшанда биринчи навбатда адабиётимизнинг саёзлиги, колоклиги, ярамаслиги учун бизга таъна қилишади ва ўша одамларни бундаги чегараланганлик ҳайратта солиши шубҳасиз. Ана унда кўрасиз томошани! Ҳозир Германияда тамакига йигирма беш миллион талер сарфланади, харажат миқдори кирк, эллик, олтмиш миллионга кўтарилиши мумкин. Унда очнинг қорни тўймайди, яланғочнинг эгни бут бўлмайди.

Эсиз пуллар-а! Шу билан бирга, чекиши атрофдагиларга очиқдан-очик хурматсизлик, безбетларча менсимаслик ҳамдир. Чекувчилар бутун теварак-атрофдаги ҳавони бузишади ва ўз саломатлигини авайлаб, чекишига ружу қўймаган, бамаъни одамларни ҳам заҳарлашади. Чекувчи ўтирган хонага кирганда кимнинг кўнгли беху-зур бўлмайди дейсиз.

Гёте айтиб берган кулгили бир воқеа ҳам ёдимда колган. Уни маромига етказиб айтиб беролмайман, деб ўйлайман. Энг мухим нозикликларни: Гётенинг қўл ҳаракатлари, товуши, турли имо-ишораларидағи ўзига хосликни етказолмасам керак. Чунки у воқеани куруққина ҳикоя қилмасдан, ҳамма нарсани юз-кўз ҳаракатларидаям ифодалади-да. Айникса, у ўзи мулоқотда бўлган икки кекса граф аёллари ҳақида кайта-кайта тўхталди. Улар беҳад семиз бўлишганидан, жойлашиб олганлари заҳоти ортиқ умуман қимиirlаёлмай қолишибди. Бирок тил-жағлари тинмай, бидирлаб гапирганлари-гапирганмиш. Уларнинг овозлари худди қизларнидай эмиш-у, бироқ қизишиб кетган ёки ҳис-туйғуларини тўлиб-тошиб намоён қилишган пайтларида гоҳ алланечук қарға қағиллаганигами, гоҳ ғувулашгансимон бижирлашгами ўхшаб кетармиш.

– Бу хонимларнинг юм-юмaloқ ғаройиб гавдалари, – деди Гёте, – кўзимга чунонам ғалати кўриндики! Ҳечам аклим етмайди, хоҳ у аёл бўлсин, хоҳ эркак бўлсин, шу даражада ўзини қўйвoriш қандай кўлидан келаркин? Мен одам терисини бу қадар чўзилувчан бўлади, деб ўйламагандим. Бу олийзот хонимлар билан овқат тановул қилиш бахтига мұяссар бўлганим заҳоти менга ҳамма нарса равshan бўлди. Ейишичишнинг чегарасини бизлар ҳам ҳарқалай биламиз. Аммо бунақа ейиш – ҳали ичиш ҳақида гапирмайман – менинг тасаввуримга ҳечам сиғмайди. Хонимларнинг ҳар бири, масалан, шпинатта кўшиб олтигадан қайнатилган тухум олишди, ҳар бир тухумни тенг иккига бўлиб, яримта тухумни шунчалик тез оғзига иргитар эдики, бу баайни пойгадаги от туёғининг ерга тегиб-тегмай кўчишига ўхшарди.

Бундан ташқари, Гёте яна ўша олийзот хонимлар-нинг Карлови Варидаги маъдан сувининг уларга таъсири ҳақидаги, вакт ўтказиш, мулокотда бўладиган кишилар ҳақидаги айрим фикрларини, ёзувчилар ҳамда турли хил ажойиб, жўн, кулгили, барокко услубидаги санъат асарлари хусусидаги айрим хulosалариниям келтириб ўтди. Шундан сўнг жиддий оҳангда қўшиб қўйди: бу фикр ва хulosаларнинг маълум қисмида ҳақиқат ҳам мавжуд бўлиб, у ўша хонимлардан унча-мунча нарсаларни ўрганганд эмиш.

Гёте айтиб берган тагин битта латифанамо воқеани ҳикоя қиласман. Негаки унинг қай тарзда ҳикоя қилинганидан кулавериб бизларнинг ичакларимиз узилаёзган эди. Мен уни Гёте сўзлари билан айнан такрорлаймн, шунда Сиз ҳам ўша ҳолатни илғаб оласиз.

– Одатим бўйича айланиб юрганимда, – дея сўзини бошлади Гёте, – бир неча кун 78–80 ёшлар атрофидаги бир мўйсафид ёнидан такрор-такрор ўтишимга тўғри келди, у ҳам тутқичи олтиндан ишланган ҳассага таяниб, ўша йўл бўйлаб сайр қилиб юради. Эшлишимча, у австриялик собиқ хизмат кўрсатган генерал бўлиб, қадимий обрўли уруғлардан экан. Чол менга тикилиб қараганини, ўтиб кеттанимдан кейин тўхтаб, орқамдан кузаттанини бир неча бор пайқадим. Бироқ бунга эътибор бермадим, чунки бунақаси кўп учраган. Лекин бир гал айланиб юрганимда, негалигини ўзим ҳам билмайман, уни яхшироқ кўриб олиш учун салгина четроққа чиқдим. Шунда мўйсафид кулимсираб, менга якин келди-да, бош кийимини хиёл қўтарди, шубҳасиз, мен ҳам шундай қилдим ва у менга қўйидагича сўз қотди:

- Сиз жаноб Гётесиз, шундайми?
- Шундай.
- Ваймардан-а?
- Шундай.
- Сиз китоблар ёзасиз-а, шундайми?
- О, ҳа.
- Шеърлар ҳам-а?
- Шеърлар ҳам.
- Бу ёқимли иш бўлса керак-а?
- Ҳм.

- Кўп китоб ёзганмисиз?
- Ҳм. Шундай десаям бўлади.
- Шеър ёзиш қийинми?
- Ҳа, энди...
- Бу нарса айниқса кайфиятга боғлиқ бўлса керак-а: айтайлик, одамнинг яхши еб-ичишига, шундайми?
- Менда шунақасиям бўлган.
- Менга қаранг, Сиз Ваймарда қолиб кетмаслигингиз, балки зудлик билан Венага келишингиз керак.
- Мен ҳам шу ҳақда ўйлаганман.
- Менга қаранг, Венада яхши бўлади, яхши еб-ичасиз.
- Ҳм.
- Венада шеър ёзадиган одамларга ҳурмат билан қарашади.
- Ҳм.
- Ҳа, бунақа одамларни биринчи даражали, обрўли хонадонларга қабул қилишади, мен Сизга айтсам, агар Сиз ўзингизни яхши тутсангиз, агар яшашни билсангиз, албатта.
- Ҳм.
- Албатта, келинг, менга хабар қилсангиз, менинг таниш-билишларим, қариндошларим, сўзим ўтадиган жойларим кўп. Фақат Карлови Варида танишган ваймарлик Гёте, деб ёзинг. Кейингиси менинг эслашим учун муҳим, негаки менинг миям кўп нарсалар билан банд бўлганидан эслаёлмаслигим мумкин.
- Шундай қиласман.
- Менга айтинг-чи, нималар ёзгансиз, ўзи?
- Кўп нарса. Одам Атодан тортиб Наполеонгача, Арапатдан тортиб Блоксберг тоғларигача, кедрдан тортиб малина бутасигача ёзганман.
- Жуда машҳур бўлсангиз керак-а?
- Ҳм, ўзига яраша.
- Афсуски, мен Сизнинг бирон нарсангизни ўқимаганман, илгари Сиз ҳақингизда эшитмаган ҳам эканман, китобларингизнинг янги, тузатилган нашрлари чиқдими?
- О, ҳа, чиқди-чиқди.

– Яна чиқса керак-а?

– Умид киламиз.

– Биласизми, мен китобларингизни ҳозир сотиб олмайман. Мен одатда энг сўнгти нашрларни оламан, акс ҳолда ёмон китоб сотиб олиб, кейин кўнглинг хижил бўлиб юради кишининг ёки бўлмаса, ўша китобни иккинчи марта сотиб олишга мажбур бўласан. Шу сабабли мен, алданиб қолмаслик учун, ўша муаллифнинг ўлимидан сўнггина китобини сотиб оламан. Бу мен учун қонун, Сизга нисбатан ҳам шу қонунга қатъий риоя қиламан.

– Ҳм...

ЙОҲАНН ХРИСТИАН МААР

(1787–1868)

Илменаудаги тог-кон ишлари назоратчisi:

1831 йилнинг 26 августида кечга яқин Гёте иккала набираси ҳамда хизматкори билан Илменаудаги «Шер» меҳмонхонасига ташриф буюрди. Булутсиз билурдай тиник осмон об-ҳавонинг яхши бўлишидан дарак берарди... Геологияга алоқадор бирон воқеа бўлган-бўлмаганлигига қизиққанидан сўнг, извош-да Кикелханга бемалол борса бўладими-йўкми, дея сўради. У Кикелхандаги ўзига ёшлик пайтидан бери кадрдон бўлиб колган овчилар уйчасига бориш истаги борлигини айтиб, менинг бирга боришимни илтимос қилди.

Кикелханнинг энг юқори нуктасигача қийналмасдан етиб бордик. У извошдан тушгач, айланма йўлкадаги ажойиб мизарани ҳузур килиб томоша қилди, кейин ўрмоннинг гўзаллигидан завқланди...

– Шу атрофда ўрмон ичиди бир кичкина уйча бўлиши керак, – деди у, – мен у ерга яёв бора оламан, извош биз қайтгунимизча шу ерда кутиб турсин.

Дарҳакиқат, у тог қуббалари орқали белга урадиган черника буталари оралаб ўзига таниш, икки қаватли овчилар уйигача илҳом билан борди, уй тахта ва арматура синчлардан қурилган эди. Уйнинг юқори қаватига тик зина орқали чиқиларди, мен кўлтиғидан ушлаб олиб чиқмоқчи бўлдим, икки кундан сўнг ўзининг 82 ёшини

нишонлайдиган одам, ёшларга хос дадиллик билан менинг күмегимни рад этди ва:

— Нима, мени зинапоядан ўзи чиқолмайди, деб ўйлайсизми? Ҳали бунга қувватим етади, — деди.

Юкоридаги хонага кираётиб тағин сўз котди:

— Мен хув ёшлик пайтимда хизматкорим билан шу хонада бир хафта яшагандим, ўшанда хона деворига кичкина бир шеър ёзиб қўйгандим. Ўша шеърни яна бир кўргим келаяпти, агар ёзилган кун санаси остида кўрсатилган бўлса, Сиздан илтимос, ўшани менга топиб беринг.

Дарҳол мен уни хонанинг жануб томонидаги дераза олдига етакладим, унинг чап тарафида қалам билан кўйидаги шеър битилган эди:

Чўққилар тепасида сукунат,
Бирон дараҳт учид
Сезмайсан бир сас.
Ўрмон қушлари-да жим,
Сабр қил, бирпас
Сен ҳам оларсан тин.

Гёте, 7 сентябр 1780 йил.
(Сўзма-суз таржими – Я.Э.)

Гёте шеърчани ўқигач, кўз ёшлари юзидан оқиб туша бошлади. Сўнг тўқ жигарранг мовут костюми чўнтагидан оппок рўмолчани секин олди-да, ёшларини артди, кейин мулойим, дардли оҳангда деди: «Сабр қил бирпас, сен ҳам оларсан тин!» Бироз жим турди, деразадан қалин қарағай ўрмонни тағин бир бор кузатди-да, менга юзланиб: «Қани, кетдикми бўлмаса», деди.

УМРИНИНГ ПОЁНИ

Сарой канцлери фон Мюллер хотираларидан:

У эрталаб соат олтиларда оромкурсидан турғазиб қўйишларини сўради ва ётоқхонадан ижодхонасига ўтди. Бу ерда тун бўйи қамалиб ўтирган келинини кўриб, унга самимий ҳазиломуз оҳангда: «Ҳай, ҳай, бечора қизгина! Сен ҳам бу ерга тушганмидинг?» деди... Ўзини беҳол се-зив, яна ётоқхонасидаги оромкурсига келиб ўтириди.

Доктор энди ҳеч қандай умид йўқ, уни қайта хуруж қилган иситмадан кутқазиб бўлмайди, деган бўлса-да, нариги хонада ўтирган барча дўстлари бу нохуш хуло-сага ишонгилари келмасди. Айниksа, кечадан бери ҳаво ҳарорати хийла кўтарилиб кетган ва улар об-ҳавонинг Гёте саломатлигига нечоғли таъсир қилиши мумкинлигини билишарди. Беморнинг ўзи эрталаб келининг соғлиги ва куч-қувватининг яхшиланишига умид боғлашини айтиб, апрелда ёмғирли кунлар кўп бўлса-да, ҳарҳолда яхши кунлар ҳам бўлади, ўшанда табиат қўйнинг чиқсан, тузалиб кетаман, деди. Ҳатто докторга, ахволим яхши, дори бермай қўяверинг, деди.

Куёш чиқиши олдидан, доктор айтганидек, ахволи бирмунча оғирлашди ва борган сари кучдан кола бошлиди. Беморни безовта қилмаслик учун хона қоронғи қилиб қўйилган эди, бироқ у: «Қоронғилик ёқмаяпти, ёруғлик беринглар!» деди. Аммо кўп ўтмай кўзлари толикди-да, кўлинин гўё узоқдаги нарсани кўрмоқчи бўлган одамдек кўзи устига соябон қилди, дарҳол унга кечқурунлари ўқиганда тутадиган яшил тўсиқни беришди. Кейин келинини чақириб, ёнига ўтиришини сўради ва унинг кўлидан тутиб, анчагача қўйиб юбормади.

Соат тўққизга яқин сув аралаштирилган вино сўради. Оромкурсидан қаддини кўтарди-да, стаканини маҳкам ушлаб: «У кадар кўпллик қилмаса керак-а?» деди-да, винони сипкориб юборди. Шундан сўнг Жонни ёнига чақириб, у ва хизматкори кўмагида жойидан тикка турди. Ушандай турганча ойнинг қайси санаси эканлигига қизиқди, биз – март дедик, бунга жавобан: «Демак, баҳор бошланипти, ҳадемай дам оларканмиз», деди. Тағин оромкурсига қайта ўтириди-да, тинч уйкуга кетди, кейин ширин туш аралаш ўзича гапира бошлиди: «Анави гўзал аёлнинг бошини қаранглар... қоп-қора жингалак сочли... зўр кўринишда... кора фонда». Унинг санъат асари ҳақида гапираётгани аниқ эди, чунки салдан кейин: «Фридрих, расмлар солинган анави папкани менга келтир», деди. Кўрсатилган жойда папка эмас, китоб бор эди, хизматкор ўшани олиб келди, бироқ bemor: «Китобни эмас, папкани келтир!» деди. Хизматкор бўлса, у ерда папка эмас, китоб бор экан, деб ишонтиргачгина, Гёте

ярим уйқу ҳолатидан тамоман ўзига келиб, ҳазиломуз деди: «Ха, афтидан, күзимга күринди шекилли!». Бироздан сүнг нонуштага яхна парранда гүштни келтириши. У кичик бир бурдачани олиб оғзига солди ва сув сўради. Фридриҳ унга вино аралаштирилган сув тутди, ундан бир култумгина ичди-да, хизматкорига: «Винога шакар солмабсан, уни мендан қизғанасанми?» деди. Кейин тушликда ейдиган овқатини, бундан ташқари, доктор Фогел (Гётенинг шифокори – Я.Э.) у билан бирга овкатланадиган шанба кунига докторнинг севимли овқатини буюрди. Ха, у сўнгти сонияларгача ўз дўстлари хақида ғамхўрлик қилди...

Гёте хизматкорлари Жон ва Фридриҳ ёрдамида ўрнидан туриб, ижодхонасига ўтмокчи бўлди, аммо зшик олдигача боролди, холос. Боши айланиб, оромкурсига қайтиб ўтирди. Бироз ўзига келгач, Кацебунинг кўлёзмасини келтиришларини сўради. Лекин уни топишолмади ва унга шундай деб айтишди. Шунда у, кимдир олган бўлса керак, деди. Кейин маълум бўлдики, Кацебунинг кўлёзмасини талаб қилгани шунчаки алаҳсирашга ўхшаш нарса эмас экан, бир неча кун олдин у Кацебунинг «Ҳимоячи фаришта» писесасининг таҳрири устида ишлаганди, бу писесани у жуда яхши кўтарди. Кўлёзмани невараси Волфга совға қилганди. Кейинчалик уни Волфнинг ёзув столи торт-масидан топишиди.

Кейин хаёли дунёдан ўтиб кетган дўсти Шиллерга кўчди. У бир варак қоғознинг ерда ётганини кўриб, нега Шиллер ёзишмаларини ерга ташладинг-лар, шуни олиб кўйсаларинг бўлади-ку, деди. Шу заҳоти Фридриҳга буюрди: «Деразанинг иккинчи тавақасиниям очиб юборинглар, кўпроқ ёруғлик кирсин!» Бу шоирнинг сўнгги сўзлари бўлди. Тилдан колган, бироқ ҳали кўнглидаги гапларини ифодалашни истаган аллома қўли билан ҳавога чизиб нималардир деди, у соғ пайтларидаям шундай қилишни яхши кўтарди. Сўнг ўнг қўли кўрсаткич бармоғи билан ҳавога бир неча сатр ёзди. Кейин бунгаям қуввати етмай қолди, қўли пастрокқа тушди, ўша пастроқда нимадир ёзди ва, нихоят, оёкларига ёпиб қўйилган адёл устига такроран чизди. Тиниш белгисини қўйгани аниқ билиниб турарди, бошидаги ҳарфнинг

ҳам катта «В» эканлигини яққол пайқаса бўларди, колганиларини билиб бўлмади...

Бармоқлари кўкара бошлагач, кўзлари қамашмасин, деб ёпиб кўйилган яшил тўсиқни кўтардик: улардаги нур сўниб борарди. Нафас олиши борган сари қийинлашарди, аммо на хириллаш, на бирор безов-талик аломати сезилмасдан жон таслим қилди. Шу тариқа, ўзига ҳам, бутун инсониятга ҳам кўпроқ ёруғликни тилаган, бутун оламни қалбига жо айлаган шоирнинг юраги уришдан тўхтади: оромкурсининг чап томонига бироз оғланча абадий уйкуга кетди. 1832 йилнинг 22 марта, чоршанба, соат ўн бир ярим эди.

ЙОҲАНН ПЕТЕР ЭККЕРМАН

Гётенинг котиби ва дўсти:

— Гёте вафотининг эртаси куни мени шоирнинг жасадини тағин бир кўриш истаги қамраб олди. Унинг содиқ хизматкори Фридриҳ жasad кўйилган хонани менга очиб берди. У худди чалқанча ётиб ухлаёттандек эди; улугвор чехрасида хотиржамлик ва қатъият хукмрон эди. Кенг манглайида ҳалиям фикрлар айлананаёттандек туюлар эди. Сочларидан бир тутамгинани кесиб олгим келди, аммо унга бўлган буюк ҳурматим йўл бермади. Яланғоч танасини оппок чойшабга ўраб, иложи борича узокроқ ва яхши сақлаш учун атрофига муз бўлаклари кўйишган эди. Фридриҳ чойшабни очди: гавда аъзоларидаги илоҳий кўркамлиқдан ҳайратда қолдим. Кўкраги маҳобатли, кенг ва бўртик; кўл ва тослари бўлиқ ҳамда мушаклари мулоим; оёқлари бежирим ва ниҳоятда ноzik; танасининг бирор жойида на ёғ боғлаш, на озиш, на шалвираш белгиси кўринмасди. Рўпарамда ҳар томонлама мукаммал инсон гўзал бир қиёфада ётарди ва бундан пайдо бўлган мендаги ҳайрат, барҳаёт рух шундай танани тарқ этиши мумкинлигини бир зум унтишга мажбур қилди. Кўлимни юраги устига қўйдим: ҳаммаёқ жим-жит эди. Шунда тутиб турган кўз ёшлиаримга эрк бериш учун орқага бурилдим.

*Немис тилидан
Янглиши Эгамова таржимаси.*

МУНДАРИЖА

Даҳо шоир, мутафаккир адаби. <i>Муҳаммад Али</i>	5
Ёш Вертернинг изтироблари	9
Ҳамроз диллар	155
Гёте абадияти	439
Гёте замондошлари хотираларида	501

ЙОҲАНН ВОЛФГАНГ ГЁТЕ

МУҲАББАТНОМА

Романлар

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент—2013

Муҳаррир *Барнобек Эшпӯлатов*
Рассом Осимхон Восихонов
Бадиий муҳаррир *Умид Сулаймонов*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчи Любовь Бацева
Мусаҳҳих Мазмура Зиёмуҳамедова

Натпр лицензияси AI №201, 28.08.2011 й.

Теришга берилди 10.03.2012. Босишга ружсат этилди 30.10.2012.
Бичими 84x108^{1/32}. «Times New Roman» гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табори 26,88. Нашриёт-ҳисоб табори 25,71. Адади 3000
нусха. Буюртма № 2551. Баҳоси келишилган асосда.

**«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Туров кўчаси, 41.**